

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я**

КРИМИНОЛОГИЯ

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

КРИМИНОЛОГИЯ
ДАРСЛИК

*Олий ўқув юртлари аро илмий-услугий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан
нашрга тавсия этилган*

Тошкент 2006

ДАРСЛИК МУАЛЛИФЛАРИ:

Абдурасулова К. Р., Шарипова Г. – юридик фанлар номзодлари, доцентлар – XII боб, ҳаммуаллифликда;

Аванесов Г. А. – юридик фанлар доктори, профессор – I, II боб;

Зарипов З. С. – юридик фанлар доктори, профессор – кириш, XV, XIX, XXIII боблар;

Зарипов М. С. – юридик фанлар номзоди – XVII боб, юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Исмаилов И. – юридик фанлар номзоди, доцент – XIII боб, юридик фанлар доктори, профессор **Собиров М. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Кержнер М. Ю. – юридик фанлар номзоди, катта илмий ходим – VIII боб, юридик фанлар номзоди **Абдуллаходжаев Ғ. Т.** билан ҳаммуаллифликда;

Миренский Б. А. – юридик фанлар доктори – V боб, юридик фанлар номзоди, доцент **Мирхамидов М.** билан ҳаммуаллифликда;

Мирзажанов К. – юридик фанлар доктори, профессор – XVIII боб, **Исмоилов Н. Т.** билан ҳаммуаллифликда;

Ниязов Ш. Н., Клименко В. Я., Узоқов Ш. Ш. – XXI боб, юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Норбугаев Э. Х. – юридик фанлар доктори, профессор – IV боб;

Пулатов Ю. С. – юридик фанлар доктори, профессор – IX, XVI боб;

Рустамбаев М. Х. – юридик фанлар доктори, профессор – XIV боб;

Самандаров А. А. – XXII боб юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Таджиханов У. – юридик фанлар доктори, профессор – VI боб **Бабаяров М. А.** билан ҳаммуаллифликда;

Тоҳиров Ф. Т. – юридик фанлар номзоди, доцент – III боб юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Шомансуров А. А. – юридик фанлар номзоди, доцент – X, XX боблар **Муродов О. Б.** билан ҳаммуаллифликда;

Юлдашев Х. К. – педагогика фанлари доктори – XI боб, юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда;

Қодиров М. М. – юридик фанлар доктори, профессор – VII боб, юридик фанлар доктори, профессор **Зарипов З. С.** билан ҳаммуаллифликда.

КИРИШ

Жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жинойтчилик доимий равишда ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси эътиборини ўзига тортиб келганлиги ҳаммамизга маълум. Чунки жинойтчилик қайси шакл ёки тоифада бўлмасин, инсониятнинг тинч турмуш-тарзига муттасил равишда хавф солиб келган. Шунинг учун ҳам жинойтчиликнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик чоралари тараққиётнинг ҳар бир даврида, жамиятдаги мавжуд фан-техника ютуқлари асосида қўлланилганлигини ҳамда бу кураш чоралари зарур илмий-назарий асосларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Энг муҳими, юридик адабиётларда жинойтчилик ва унга қарши кураш ишларини ташкил этишнинг илмий-назарий асосларини яратиш Шарқ ҳамда Ғарб зиёлиларини бирдек қизиқтирганлигини яққол кўриш мумкин. Шунга кўра, кишилик жамиятидаги ижтимоий муносабатлар заминида юзага келувчи жинойтчилик нима, нима учун жинойт содир этилади, жинойтчи ким, унинг шахсий хусусиятлари қайси жиҳатлари орқали намоён бўлади, деган саволларга жавоб топишга бўлган интилишни инсониятнинг илк уйғониш даври файласуфлари, тарихчилари ва ҳуқуқшунослари тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин. Зотан, давр тақозоси билан жинойтчилик муаммолари ижтимоий-табиий фанларнинг турли соҳа олимлари эътиборини жалб этиб келган.

Тўғри, жинойтчилик ва жинойтчи шахси билан боғлиқ муаммоларга ҳар бир олим ўз мутахассислиги нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда жинойтчилик, унинг сабаблари, муҳитлари ҳамда жинойт содир этувчи шахслар тўғрисида ўз назарияларини яратганлар. Бу эса, табиийки, жинойтчиликни илмий билишда дастлабки пойдевор бўлган.

Жинойтчилик билан боғлиқ мавзуларда бадий асар яратган таниқли ёзувчиларнинг асарларидаги жинойтчилик, жинойтчининг шахси ва ички кечинмалари баён этилган бадий лавҳалар ҳам жамиятда жинойтчилик билан боғлиқ муаммолар хусусида зарур хулосалар шаклланишига ёрдам бериб келган.

Бироқ жамиятда жинойтчилик билан боғлиқ муаммоларни алоҳида ўрганишга бўлган эҳтиёж уни махсус тарзда ўрганиш ва зарур илмий-назарий асосларини яратишга йўл очиб берди, дейиш мумкин. Ушбу йўналишда тадқиқот ишларини олиб борувчи олимлар ва уларнинг илмий қарашлари шаклланди.

Жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш вазифаларини ўзида мужассамлантирган *криминология* фани юзага келди ва ривожланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, криминология фанининг шаклланишидаги илк қадамлар у ёки бу соҳа мутахассислари ва олимларининг ўз соҳалари бўйича жиноятчиликни илмий билишда зарур бўлган назарий тавсияларни ишлаб чиқишлари билан узвий боғлангандир. Шу тариқа жиноятчиликни илмий билишдаги аниқ йўналишлар ва методологик ёндашувлар пайдо бўлди. Уни илмий билишга бўлган қизиқиш ва шу йўналишдаги ғояларга содиқлик, жиноятчиликка тааллуқли қайси муаммони кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмасин, криминология фанини назарий жиҳатдан тўлдириб борди. Шу билан бирга, жиноятчилик тўғридан-тўғри илмий тадқиқот манбаига айланди ва, энг муҳими, назарий муаммоларни кўриб чиқиш мазмунан жиноятчиликка қарши кураш амалиётини такомиллаштиришга имкон яратди.

Криминология фанининг ривожланиш жараёнига эътибор берсак, бу фан назарий жиҳатдан уч йўналишда ташкил топганлигини кўришимиз мумкин. Булар: ижтимоий (социологик), биокриминология ва ҳар икки йўналишнинг умумлашганлиги тарзидаги тадқиқотлардир. Шунга кўра, ижтимоий ва биологик йўналишларнинг ўзаро мутаносиблик асосида бирлашиши илмий жиҳатдан шахснинг ижтимоий мослашуви, биологик ҳамда физиологик жиҳатларини умумлаштирган ҳолда ўрганилишини англатади. Лекин бу ҳолат билан боғлиқ муаммоларни жиноятчиликнинг сабаби сифатида эмас, балки ижтимоий масалаларни ҳал этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳит сифатида кўриб чиқиш даркор.

Ушбу муаммо нотўғри талқин этилганлиги сабабли бир қатор олимлар жиноятчиликка тўғри маънода руҳий хасталик деб таъриф берганлар. Натижада бу муаммоларни ҳал этиш руҳий хасталиклар билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари (психиатр) ихтиёрига бериб қўйилган. Аслида, криминология фани ривожининг кўрсатишича, бу фан ижтимоий фандир. Шунинг учун ҳам криминология жиноятчилик сабаблари ва инсонни жиноятчи сифатида шаклланишини ижтимоий ҳаёт жараёнида рўй берадиган салбий оқибатлар натижаси сифатида ўрганади ҳамда ана шу салбий оқибатларнинг сабабларини аниқлаш орқали жиноятчиликни тугатиш чораларининг илмий-назарий асосларини яратади.

Табиийки, криминология фани юқорида айтиб ўтилганидек, ўз ривожланиш жараёнида бир қатор мураккаб босқичларни босиб ўтди. Айнан шу босқичлар собиқ Иттифоқ давлати даврига тўғри келганлигини кўриш мумкин. Ушбу даврда бу фанни мустақил фан сифатида эътироф этиш хусусида бир қатор эътирозлар билдирилиб, ҳатто бу фан қонун-

чилик ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда умуман яроқсиз фан даражасигача туширилган эди. Тўғри, социализмдек «ривожланган жамият»да жиноятнинг қандай сабаблари бўлиши мумкин ва жиноятчи шахси «янги жамият кишиси» тимсолига зид деб топилган бир пайтда жиноятчилик сабаблари ва унинг содир этилишига шарт-шароит яратувчи муҳитнинг мавжудлигини эътироф этиш, «янги жамиятга» нисбатан тухмат деб тушунилгани рад этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир.

Оқибатда бу даврда жиноятчиликнинг сабаблари сунъий равишда ниқобланди, бу эса унинг сурункали ривожланишига олиб келди. Агар биз бу ҳолатнинг негизига етиб бормоқчи бўлсак, у табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари орқали намоён бўлишига амин бўламиз. Яъни табиат ва жамиятдаги ҳар бир ҳодиса сабаб ҳамда оқибатлар натижаси эканлигини унутмаслик зарур.

Мантиқан фикр юритилмаганлиги ва жиноятчилик, унинг сабаблари, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш кабилар сиёсат нуқтаи назаридан фақат сиёсатчилар хоҳлаган тарзда талқин этилганлиги ҳамда «давлат манфаатлари» юзасидан ҳимоя қилинганлиги ушбу фан тараққиётининг сусайишига ҳам олиб келди. Бу эса жиноятчиликни илмий билиш билан боғлиқ тадқиқотларни кенг қамровда олиб боришга тўсқинлик қилганлигини ҳозирда яққол кўриш мумкин. Чунки жиноятчиликка қарши курашда, аввало, бу иллатни илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш талаб этилса, иккинчидан, жиноятчиликка қарши курашда кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятларини тўғри йўлга солиш кенг имконият яратади.

Жиноятчиликни сунъий тарзда йўқ бўлиб бораётганлигини таъкидлаш, умуман, жиноятчиликнинг таг-томири билан тугатишга бўлган уринишлар оддий бир сароб эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунини таъсири бўлса керакки, ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларининг бошларида криминология фани томонидан жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг мажбуран тўхтатилганлиги 60-йилларнинг бошларида қайтадан жонлантирилди.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида жиноятчилик муаммоларини кенг қамровли ўрганиш эҳтиёжи 50-йилларнинг бошларида бир қатор олимларнинг эътиборини тортди. 1963 йилда эса собиқ Иттифоқ миқёсида жиноятчилик сабабларини ўрганиш ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга масъул бўлган Бутуниттифоқ институт ташкил этилди.

Натижада жиноятчилик сабабларини ўрганишда ўзига хос илмий асос яратилган бир қатор Ғарб мамлакатларининг илғор тажрибаларини

ўрганиш ва таҳлил этишга имкон яратилди, жиноятчилик ва унга қарши кураш йўлидаги ҳар бир илмий қарашлар қизғин баҳс ва тортишувларга сабаб бўлди. Шу билан бирга, бу борада бир қатор «сиёсий ўйинлар» ҳам бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан, жиноятчилик ҳар бир давлатга хос бўлган ижтимоий воқелиқдир, деган қонуниятни инкор этиш шулар жумласидандир. Бинобарин, жиноятчилик нафақат капиталистик давлатларда, балки ўша пайтда мавжуд бўлган социалистик давлатларда ҳам содир этилганлигини тарихнинг ўзи исботлайди. Асл воқелиқни аниқлаш мақсадида олимлар томонидан тадқиқот ишларининг олиб борилиши кучайганлигини ҳам кўриш мумкин.

Шунинг учун ўзига хос коммунистик ғоя ҳукмронлик қилган собиқ Иттифоқ ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш ва, энг асосийси, унинг юзага келишига таъсир этувчи сабаб ва шароитларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ўқувчиларга яхши маълум.

Криминология фанининг энг муҳим жиҳати тадқиқот ишларининг илмий принциплар асосида олиб борилиши бўлса, жиноятчиликка қарши курашдаги амалий аҳамияти эса жамиятда мавжуд жиноятларни йўқ қилишга йўл кўрсатишидадир.

Жиноятчиликни илмий билиш борасида яратилган тавсиялар жиноятчиликка қарши курашни хоҳловчи ҳар бир шахсда етарлича имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Шу орқали жиноятчилик муаммолари ҳамда уларни тўғри тушуниш; жамият томонидан бу каби салбий ҳолатга қарши кураш имкониятлари ва бунда қўлланиши мумкин бўлган усул ҳамда воситаларни билиш; жиноятчилик тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ҳолатини тўғри белгилаш орқали жамият ҳаётидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тегишли қонунлар яратиш ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги у ёки бу таъсир чораларини қайси вақтда самарали қўллашни йўлга қўйиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг асосий фаолият йўналишларини мувофиқлаштириш ҳамда жиноятчиликнинг криминологик хусусиятларини чуқур таҳлил этиш каби амалий вазифаларнинг бажарилишини талаб этади.

Криминология фанининг жиноят статистикаси билан узвий боғлиқлиги жиноятчиликнинг умумий ҳолатини аниқ тасаввур қилишга имкон беради. Бу эса жиноятчиликка қарши курашда қандай вазиятларда иқтисодий ва қандай вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч ҳамда воситаларидан фойдаланишни ёки жиноий жазо чораларини тўғри қўллашнинг самарали йўллари ишлаб чиқишга имкон яратишни эътиборга олиш лозим. Кимки криминология фани эришган ва назарий жиҳатдан ўз исботини топган илмий тавсиялар асосида тўғри

хулоса чиқарса ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг куч ва воситаларини қўллаш охириги имконият эмаслигини англаб етса, жиноятчиликнинг олдини олишда булардан муҳимроқ имкониятлар йўқлигини ҳам англаб етиши мумкин. Шу билан бирга, у жиноятчиликка қарши курашдаги муаммоларни иқтисодий, ижтимоий, тарбиявий, маданий ва ҳуқуқий чораларни умумлаштирган (комплекс) тарзда қўллаш орқали ечиш мумкинлигини ҳам тушунади.

Ҳақиқатан ҳам жиноятчиликка қарши кураш, у ёки бу жиноятнинг олдини олиш ҳамда таг-томири билан тугатиш «баландпарвоз шиорлар», «очикдан-очик уруш эълон қилиш», «умумдавлат режа»сини ишлаб чиқишлар билан ҳал бўладиган муаммо эмас, балки давлат ва жамият тизимига кирувчи мавжуд барча имкониятлардан илмий асосда фойдаланиш муҳим эканлигини билиш ғоят муҳимдир.

Бу каби ёндашув ҳозирда сиёсий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан янгилашиш босқичида турган ва жиноятчиликнинг ҳар қандай тури, тоифасига қарши курашни мақсад қилиб олган давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиш лозим. Айнан шу босқичда ўйла-масдан ҳар хил тўсиқ ёки чеклашларни кўпайтириш орқали жиноятчиликнинг камайишига эришиб бўлмайди. Ана шундай вазиятда криминология тавсияларига таянишга эҳтиёж сезилади. Зотан, жиноятчилик ҳар бир кишилик жамиятига хос бўлган ижтимоий муаммодир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари жиноятчиликка қарши кураш муаммоларининг ташкилий-амалий чоралари билан шуғулланадилар, яъни жиноятчилик кўрсаткичларини таҳлил этиш, унинг ҳудудий миқёсда тарқалганлиги ва жиноятчи шахсларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ҳамда шу орқали уларни тарбиялашга қаратилган тадбирларни амалга оширадилар.

Криминология фани хусусида юқорида баён этилган фикрлар ўқувчиларга бу фаннинг жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда муҳим илмий-назарий асосларни яратишдаги тутган ўрни ва вазифаларини англашларига ёрдам беради, деган умиддамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу дарсликнинг яратилишида маълум бир тартибдаги тизимга ёндашилди.

Бу тизим орқали криминологиянинг асосий муаммолари, уларни ҳал этиш юзасидан мавжуд бўлган илмий-назарий қарашларни таҳлил этишга ҳам кенг ўрин ажратилган. Шундай бўлса-да, дарсликнинг мазмуни хусусида бир оз тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Аввало, дарсликда криминологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқ бўлган бир қатор назарий масалалари борасида муаллифларнинг таҳли-

лий қарашлари баён этилган. Шу билан бирга, криминология муаммолари сабаб ва оқибатлар назариясига боғлиқ ҳолда ёритилишига ўзига хос ёндашилди. Муаллифларнинг фикрича, бу назария фалсафа фанида атрофлича ва чуқур ўрганилган. Аммо бу муаммога эътибор қаратишдан мақсад сабаб ва оқибат назарияси асосида жинойтчилик сабабларини илмий билишда кутилган натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлашдир.

Бундан ташқари, кўпчилик дарсликларнинг яратилишида илгари анъанага айланиб қолган ғоявий қарашларни у ёки бу фаннинг методологияси сифатида алоҳида бобга ажратишни ҳам муаллифлар лозим топмади, чунки уларнинг фикрича, ҳар бир муаммонинг ҳал қилинишида «асосий устун» ҳисобланган марксча-ленинча илмий билиш методологияси ҳозирги ҳаёт талабига жавоб бермайди ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган дейишга тўлиқ асосларимиз бор.

Биобарин, марксча-ленинча назарий қарашлардаги синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда фикр юритиш жинойтчилик хусусида холисона ва илмий хулоса қилишга имкон бермаслигини тарих бир бора исботлади, дейишга ҳам ҳақлимиз. Муаллифлар бу борада фан тараққиётига холисона баҳо бериб, жамият қонуниятлари билан узвий боғлиқлигини эътироф этганлар, дейиш мумкин.

Шу билан бирга, муаллифлар дарсликда жинойт хатти-ҳаракатлар содир этилишида ижтимоий ва биологик боғлиқлик масалаларига ҳам ушбу муаммолар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотларининг хулосаларини умумлаштирган ҳолда қисқача фикр билдирганлар. Зотан, криминология фани бўйича муқаддам чоп этилган дарсликлар ва илмий ишларда жинойтчиликнинг биологик муаммолари хусусида олимларнинг бир қатор фикрларини учратиш мумкин.

Шунингдек, бу борада яратилган назарий қарашларнинг баъзиларида ўзига хос ёндашувларни ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бу назарий қарашларнинг илмий негизи, ўз мазмунига кўра, жинойтчиликнинг биологик жиҳатлари унинг сабаблари бўлишини рад этади, шу билан бирга, жинойт содир этувчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш орқали жинойт содир этишда улардаги ўзига хос руҳий ва физиологик хусусиятлар юзага келишини инкор этмайди. Албатта, ушбу муаммога тааллуқли муҳим ҳолатлар дарсликда берилган зарур тавсиялар асосида ўқувчига етказилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу дарсликни яратишда муаллифлар ўқувчини ўйлаши ва мустақил фикрлашига ёрдам берувчи илмий тушунчалар ҳамда категорияларни атрофлича очиб беришга эътибор берганлари ҳам бежиз эмас. Бундан асосий мақсад – ўқувчи у ёки

бу тушунчани билгани ҳолда, унга тааллуқли ва боғлиқ бўлган муҳим муаммоларни ечишда нафақат дарсликдан, балки мустақил равишда турли махсус адабиётлардан ҳам фойдаланишига имконият яратилади. Зеро, фақат дарслик билан чекланиш криминологиядек чуқур фан муаммоларини идрок этишга имкон бермаслигини унутмаслик зарур.

Криминология бўйича чоп этилган дарсликларда унинг жиноятчилик тўғрисидаги статистик маълумотларни баён этиши билан кўпроқ боғланганлигини кўриш мумкин. Аммо, баъзи муаллифлар ҳозирги кунда бунга эҳтиёж йўқ деб ҳисоблайдилар. Бунда жиноят ва у билан боғлиқ статистик маълумотлар алоҳида ҳолда махсус ўқув қўлланмалари, маълумотномалар ва ҳатто вақтли матбуот саҳифаларида ҳам мунтазам бериб борилаётганлигини кўрсатадилар.

Дарсликнинг яратилиши ҳозирги кунда жамиятимизнинг янги сифат даражасига ўтиши даврида ёзилаётганлиги боис ҳамда муқаддам жамиятда мавжуд бўлган бир ёқлама ғоявий қарашларни ва собиқ давлат жамоатчилиги тузилмаларини шаклан янги давр талаблари асосида ислоҳ қилинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича аввал мавжуд бўлган усул ва кураш шакллари ҳам баён этилиши билан боғлиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аввал мавжуд бўлган тизим янги ижтимоий талаблар олдида аста-секин ўз долзарблигини йўқотиб боради, ҳатто ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи баъзи таъсир чоралари ўз моҳиятини умуман йўқотади. Натижада мазмун ва моҳияти янги жамият талабларига мос келадиган, жиноятчиликнинг олдини олишда мутлақо янги усул ва воситалар юзага келади.

Ушбу дарсликда Г. А. Аванесов, Ю. М. Антонян, Б. А. Аҳмедов, А. А. Аҳмадеев, М. М. Бабаев, Ю. Д. Блувштейн, А. И. Долгова, А. Э. Жалинский, К. Е. Игошев, И. И. Карпец, В. Н. Кудрявцев, Н. Ф. Кузнецова, Ю. С. Пулатов, А. Б. Сахаров, Х. Сулаймонова, Г. М. Минковский, Қ. Мирзажонов, Б. А. Миренский, В. С. Овчинский, В. Е. Эминов, А. С. Шляпочников, А. М. Яковлев каби таниқли криминолог олимларнинг криминология фани ва унинг муаммолари хусусидаги фикрлари инобатга олинди.

Энг асосийси, дарсликда мамлакатимизда криминология соҳасида кейинги ўн йил ичида яратилган дарсликлар, илмий мақолалар, ўқув қўлланмаларида баён этилган илмий хулосалар ва мамлакатимиз олимларининг илмий нуқтаи назарларига кенг ўрин ажратилди. Шунингдек, криминология соҳаси билан шуғулланаётган ёш олимларнинг илмий тадқиқотлари натижасида чиқарган хулосалари ҳам дарсликда ўз ифодасини топган.

I боб
КРИМИНОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ
ВА МЕТОДЛАРИ

1-§. Криминология фанининг тизими,
предмети ва методлари

Жамият ижтимоий ҳаётида энг долзарб муаммолардан бири жиноятчилик ва унга қарши курашни ташкил этиш муаммосидир. Шунинг учун ҳам инсоният ўз тараққиёти давомида ушбу муаммони ҳал этиш учун жиноятчилик, унинг сабаблари ҳамда содир этилишига шарт-шароит яратувчи муҳитни ўрганиш ва илмий жиҳатдан билишга ҳаракат қилган. Бунга эса ўз даврининг фан-техника тараққиёти даражасида илмий-назарий жиҳатдан ёндашганлигини кўриш мумкин.

Жиноятчиликни илмий билишда фалсафа, жамиятшунослик, психология ва ҳуқуқшунослик йўналишларида ҳар бир соҳа ўз тадқиқот нуқтаи назаридан ёндашганлиги ҳамда бу тадқиқотларнинг моҳияти жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга умуман йўл қўймасликка қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Жиноятчиликдек ижтимоий иллатни илмий билишга қизиқиш тарихан қадимий бўлса ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда содир этилиши механизмининг ички қонуниятларини ўрганиш борасида юзага келган эҳтиёж мустақил криминология¹ фани шаклланишига асос бўлди. XX асрда эса бу фаннинг тадқиқот объектига тааллуқли тизим яратилди. Шу билан бирга, криминология фанининг предмети хусусида ҳам фанда бир қатор илмий-назарий қарашлар мавжуд². Бу каби илмий-назарий қарашлар фан тараққиётида муҳим омил бўлиши табиийдир.

Криминология фанининг предмети. У ёки бу фаннинг энг асосий муаммоси унинг предмети тўғри белгилашдан иборат. Бундай ёндашув илмий тадқиқот жараёнида фаннинг предмети тадқиқ этиш ва аниқ ифодалашга имкон яратади. Шу билан бирга, фан предметининг тўғри белгиланиши ушбу фанда тадқиқот ишларини олиб боришда на-

¹ «Криминология» лотинча сўз бўлиб, «crimen» – жиноят, «logos» – таълимот деган маънони билдиради.

² Қаранг: Криминология. – М., 2000. – 21–28-б.; Криминология. –Т., 2001 – 6–10-б.

зарий ва методологик жиҳатдан зарур йўналишда боришнинг бошланғич нуқтасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Фан предметининг тўғри белгиланиши унинг мақсади ва вазифаларини аниқ ифодалашда муҳим омил эканлигини ёдда тутиш зарур.

Ҳар бир фаннинг предмети ва методини аниқ белгилаш билан унинг тадқиқот объектига қандай муаммолар киради ва илмий билишнинг қайси методларидан тадқиқот жараёнида фойдаланилади, деган саволга жавоб топиш мумкин. Табиийки, илмий билишнинг фалсафий асослари криминология фанининг предметини тўғри белгилашга бевоқиф тааллуқлидир. Чунки ҳозирги кунга қадар криминология фанининг предметини белгилаш олимлар ўртасида мунозаралигича қолмоқда.

Криминология фани тадқиқот доирасининг ўзига хослигини ойдинлаштириш учун унинг бошқа бир қатор фанлар тизимида кирувчи муаммолар билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш лозим.

Хўш, бу боғлиқлик нималардан иборат ва криминология фанининг предметини белгилаш ҳамда тадқиқ этиш хусусида қандай қарашлар мавжуд? Аввало, таъкидлаш жоизки, криминология ҳуқуқий фандир, шу билан бирга, криминологияни ижтимоий фан сифатида ёқловчи қарашлар ҳам мавжуд.

Бир қатор муаллифлар криминологияни ҳуқуқ тармоғи сифатида таърифлайдилар. Шу ўринда криминологияни ижтимоий фан сифатида социология билан ўзаро алоқадорлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки ҳуқуқшуносликнинг барча соҳалари, жумладан криминологияни ҳам бошқа барча ижтимоий-ҳуқуқий фанлар каби «соф ижтимоий» ёки «соф ҳуқуқий» фан сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳолат фаннинг илмий асосларини яратишга салбий таъсир этади. Криминологиянинг бошқа ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар билан узвий боғлиқ эканлигини ёдда тутиш лозим.

Тўғри, кенг маънода криминология фанининг предмети биринчи галда жамиятда ўз ўрни ва моҳиятини, мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаш ҳисобланса, иккинчидан, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида тўғри сиёсатни жорий этиш ва зарур ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига ўзининг илмий-назарий тавсияларини яратиш билан иштирок этишидир. Шу билан бирга, ўзига хос бўлган ижтимоий муносабатларни бошқа ижтимоий муносабатлардан фарқлаш билан боғлиқ масалалар ҳам криминология фанининг предмети ҳисобланади. Айнан шу ўзига хос ижтимоий муносабатлар замида жиноятчилик, унинг олдини олиш муаммоларини ечиш, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жиноий фаолиятга мойил шахслар ҳамда улар томонидан жиноятга йўл қўймаслик каби муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилмоғи лозим.

Табиийки, криминология фани предметининг ўзагини юқорида санаб ўтилган муаммолар ташкил этади ҳамда бу фаннинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди. Шу билан бирга, криминология предметига жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлган, аммо жиноят ҳисобланмайдиган, бироқ жиноятчиликни юзага келишига йўл очувчи ғайриинсоний, ножўя хатти-ҳаракатларни ўрганиш ҳам киради.

Таъкидланган ҳар икки ижтимоий муносабат мазмунан мустақил тушунчалардир. Ўз табиатига кўра ножўя ҳаракат ёки жиноят бир-бирига яқин, яъни замирида қонунбузарлик бўлгани ҳолда айнан бир хил хусусиятларга эга эмас. Шунинг учун ҳам уларни криминологиянинг предмети сифатида қиёсан ўрганиш мумкин. Аслида ҳар икки қонунбузарлик ҳуқуқий асослари билан фарқланади.

Айтилганларга асосланадиган бўлсак, фақат жиноятчилик ва у билан боғлиқ муаммоларгина криминологиянинг предмети сифатида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Зотан, фаннинг предмети ҳисобланадиган жиноятчиликни илмий билишдаги тадқиқотлар (шу жумладан, жиноятларнинг башорати ҳам), ўз навбатида: жиноятчиликни мавжуд воқелик сифатида; алоҳида олинган жиноятнинг сабаб ва шароитлари; жиноятчиларнинг шахси; жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятларнинг аниқ бир турининг олдини олиш каби муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Санаб ўтилганлар, яъни жиноятчилик, жиноятчиларнинг шахси, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари криминология фанининг предмети ва тадқиқот объекти бўлгани ҳолда, фаннинг тизимини ҳам ташкил этади. Демак, *криминология фани жиноятчилик, жиноятчиларнинг шахси, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари ва уларнинг олдини олиш чоралари тизими ҳақидаги фандир.*

Криминология фанига берилган ушбу таъриф анъанавий тарзда, ҳозирги айрим илмий қарашларни умумлаштириш асосида ифода этилган. Криминология фани тараққиётининг давомийлиги унинг предметига бўлган янгича қарашлар шаклланишига имкон яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда криминология фани келгусида қандай ва қайси йўналишда шаклланади деган муаммо ҳам ўзининг илмий ечимини топмоғи зарур.

Маълумки, криминология фанининг заминида бажарилаётган илмий тадқиқотлар жиноятчиликнинг олдини олиш (профилактика), башорат қилиш (прогностика), жиноятчилик ва унинг сабабларини ҳамда жиноятчининг шахсини ўрганиш мақсадида амалга оширилмоқда. Шу

билан бирга, виктимология³ йўналишини ҳам алоҳида шаклланаётганлигини эътиборга олиш даркор. Бу йўналишларнинг ҳар бири мустақил тадқиқотни талаб этиб, алоҳида ўқув машғулотларининг предмети сифатида намоён бўлади.

Кўрсатилган ҳар бир йўналиш айнан криминологиянинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Шу ўринда нафақат криминологиянинг умумий назарияси хусусида, балки бу фанга оид бўлган хусусий назарияларни ҳам инобатга олган ҳолда мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Криминологияда мавжуд бўлган ҳар икки назария моҳият жиҳатидан бир мақсадга, яъни криминологик тадқиқотларни аниқ белгилашга йўналтирилгандир.

Жиноятчиликка йўл қўймаслик, яъни профилактика ишларини ташкил этиш муаммоларини ўрганиш криминология фани предметига ҳослигини рад этувчи айрим олимлар ўз қарашларини криминология ва жиноятлар профилактикаси предметларини бир-бирига мос келмаслигини кўрсатиш билан изоҳлайдилар. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жиноятларнинг профилактикаси криминология фанининг назарий концепциясига таянади, ундан ўз тадқиқоти ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти жараёнида фойдаланади. Аммо ушбу назарий концепция ўзаро муштарак эмас.

Хуқуқбузарликлар (ёки жиноятлар)нинг профилактикаси хусусида фикр юритилганда ушбу муаммони қай тарзда кўриб чиқишни ҳам эътиборга олиш зарур. Жиноятларнинг олдини олиш чораларини илмий томондан билиш криминология предметига киришини ёқлашдан мақсад криминологияда жиноятларнинг профилактикаси муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш заруратини таъкидлашдир.

Жиноятларнинг олдини олиш, яъни профилактика фаолияти криминология фани каби бошқа бир қатор ижтимоий-хуқуқий фанларнинг тадқиқот объекти эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Криминологияда профилактика масалаларини тадқиқ этиш йўналиши жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда юзага келди ва шаклланди. Шунинг учун ҳам бу фаолият зарурий ёндашув сифатида тушунилади. Тўғри, профилактика масалалари нафақат криминология нуқтаи назаридан тадқиқ этилади, балки, юқорида айтилганидек, жиной-хуқуқий фанлар: социология, психология, бошқарув психологияси кабиларда ҳам атрофлича ўрганилади.

³ Виктимология латинча сўз бўлиб, «victima» – «қурбон», «logos» – «таълимот», яъни жиноят қурбонлари тўғрисидаги таълимот, деган маънони англатади.

Шу боис, тадқиқот объекти бир-бири билан ўзаро алоқадор фанлар асосида шаклланган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси ўқув машғулоти сифатида юзага келганлигини ва мустақил тарзда ривожланаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Ушбу ўқув курси криминологиянинг назарий асосларига таянгани ҳолда ўзининг мустақил тадқиқот объектига эга. Чунки ижтимоий психология, криминологиядан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларидаги муаммоларни кенгроқ кўриб чиқади. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот йўналиши криминология предметининг зарур муаммоларини ўзига жамлаганлигини яққол кўриш мумкин.

Ўз навбатида, криминологияда тадқиқ этиладиган профилактика масалалари эса ижтимоий психологиянинг тадқиқот доирасидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади.

Криминология фани предметининг тизими. Криминология фани предметининг тизимини кўриб чиқишда, аввало, унинг ўзига хос белгиларини эътиборга олиш лозим. Илмий нуқтаи назаридан қаралганда криминология предметининг ўзига хос хусусиятлари, шу билан бирга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини билмай туриб, ушбу фаннинг предмети тушунчасини тўғри ифодалаш асло мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳа олимлари фаннинг предмети белгилашда айнан шу қоидага риоя қиладилар. Бунда аниқ бир фаннинг тадқиқот объектига кирувчи муаммолар ва улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Айнан шунинг учун ҳам криминология предметининг тизимини белгилашга илмий-назарий жиҳатдан чуқур ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув фан предметининг тизимини тадқиқ этишда асосий омил ҳисобланади.

Ушбу соҳада тадқиқот олиб бораётган мутахассислар ва олимлар ишларида криминологиянинг предметиға жиноятчилик, унинг сабаблари ва жиноят содир бўлишиға шароит яратувчи муҳит, жиноятчининг шахси каби ижтимоий муаммолар киритилганлигини кўриш мумкин.

Бироқ фақатгина санаб ўтилганлар билан боғлаш нуқтаи назаридан келиб чиқиш орқали фан предмети белгилаш зарур натижа бермаслигини эътиборга олиш лозим. Чунки криминология предметининг тизимига айнан шу жиҳатдан ёндашиш криминология предмети жиноятчиликнинг барча ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ деб белгиласада, тадқиқотлар доирасини жиноятчилик ва унинг сабабларига мос равишда кенгайтириш имконини бермайди. Натижада ушбу ҳолатлар криминология предмети тўғри ва маълум бир тартибда шаклланишиға салбий таъсир этади.

Демак, жиноятчилик, унинг сабаблари ва содир этилишига шарт-шароит яратувчи муҳитнинг шаклланишини ва жиноятчининг шахсини, аввало, ижтимоий муносабатларнинг ички қонуниятларини ўрганиш билан боғлаш катта аҳамиятга эга. Бу, табиийки, криминологиянинг предметини тўғри белгилашга имкон яратади.

Жиноятчилик ва у билан боғлиқ сабаб ҳамда шароит (кенг маънода)ни ўрганиш жиноий-ҳуқуқий фанларнинг ҳам тадқиқот объектига киради (жиноят – криминал билан боғлиқ йўналиш). Булар: жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, криминалистика ва жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқи кабилардир (шулар жумласидан криминология ҳам). Санаб ўтилган ҳуқуқий фанларнинг тадқиқот йўналиши жиноят ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга қаратилганлиги билан бирга, ҳар бир фан ўз усул ва воситалари орқали жиноятларни тадқиқ этишга зарур йўналишда ёндашади.

Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқий бўлмаган фанлар эса (у ёки бу муаммоларни тадқиқ этишда криминология фани билан боғлиқ бўлган фанлар) жиноятлар, уларнинг сабаб ва шароитларини қиёсан ўрганади. Ушбу фанларнинг тадқиқот доирасида жиноятчилик фақат ўз предметлари нуқтаи назаридан ҳамда жиноятчиликни ўз предметлари доирасидаги муаммолар билан алоқадорлиги мавжудлигини эътиборга олган ҳолда ўрганадилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, социология, психология, психиатрия шулар жумласидандир.

Жиноятчилик, унинг сабаб ва шароитлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан тўғридан-тўғри, жиноий-ҳуқуқий бўлмаган ижтимоий муносабатларда эса қиёсан ўрганилади, дейиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги ижтимоий муносабатлар криминология фани предметига тааллуқлидир ва улар ўз хусусиятларига эга. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноий-ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан криминология жиноятлар, умуман олганда жиноятчилик муаммоларни ўрганишда ўзаро кесишиш нуқтасига эга. Айнан шу кесишиш нуқтасида у ёки бу фан манфаатлари бирлашади.

Жиноятчиликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, унинг сабаб ва шароитларини ўрганувчи ҳуқуқий фанлар, эҳтиёжлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, ўз предметларини аниқлашлари лозим. Чунки жиноятчилик ва жиноий-ҳуқуқий муаммоларни ўрганишда ушбу муаммоларни ўрганувчи фанларнинг эҳтиёжи бир нуқтада, яъни жиноят ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда кесишади.

Шунинг учун ушбу фанлар ўртасида ўзига хос «Хитой девори»ни ўрнатиш илм-фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Жиноий-ҳуқуқий фанлар тадқиқоти доирасига кирувчи муаммоларни бир-биридан

ажратган ҳолда ҳал қилишга уриниш эса, ўз навбатида, ҳар бир фаннинг умумий мақсади бўлган жинойтчилик ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш доирасининг қисқаришига олиб келишини эътибордан четда қолдирмаслик даркор.

Шунингдек, жинойт-ҳуқуқий муаммоларни ўрганувчи ҳар бир фан предмети ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ушбу фанлар предмети тизимининг шаклланганлиги зарур илмий йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар орқали қўйилган мақсадга эришишга кафолат беради ва жинойтчиликка қарши курашда фан ютуқларини жорий этишга имкон яратади.

Криминология фанининг предмети тизимини белгилашда унинг тадқиқоти доирасига кирувчи қуйидаги ижтимоий муаммоларни кўрсатиш мумкин:

а) жинойтчиликнинг ижтимоий воқелик сифатида пайдо бўлиш сабаблари ва унинг содир бўлишига шарт-шароит яратувчи муҳитнинг мавжудлиги;

б) жинойтчи шахси ва жинойт фаолиятнинг мавжудлиги;

в) жинойтчиликнинг олдини олиш ва жинойтларга йўл қўймасликни таъминлаш;

г) жинойтчиликнинг криминологик тадқиқотларида илмий башорат (прогностика)ни йўлга қўйиш;

д) жинойтчиликка қарши кураш фаолиятини ташкил этиш ва илмий бошқарувни йўлга қўйиш.

Ушбу муаммолар криминология фанининг тадқиқот объектига киради ва предмети белгилайди. Лекин юқоридаги муаммоларнинг атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, бу предметнинг мавжудлиги унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги асосида кечади.

Криминология фанининг методи. Криминология фанини ўрганиш зарур илмий методлар мавжуд бўлишини талаб этади. Шунга кўра криминологиянинг предмети билан методининг аниқ чегараси белгиланганидан кейингина уларнинг ўзаро боғланиши юзага келади.

Тўғри, илмий билишда ҳар бир фан учун умумий бўлган методлар мавжуд. Шу билан бирга, фалсафа фанида ҳеч қачон аниқ бир фан учун илмий билишни амалга оширишда зарур бўлган алоҳида тоифадаги метод мавжудлиги белгиланмаган. Балки ҳар бир фан ўз муаммоларини илмий ечимини топиши учун зарур бўлган фикрлашнинг назарий жиҳатдан асосланган йўллари кўрсатиб ўтилган.

Криминология соҳасида ҳам фалсафий қарашлар, жинойтчиликнинг асл моҳиятини идрок этиш ва жинойтчиликнинг мавжуд воқелик бўлгани боис, унинг ички қонуниятларини илмий билишда катта аҳамиятга

эга. Шунинг учун ҳам криминология фанида жиноятчиликка атрофлича баҳо бериш мақсадида, фалсафа нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, криминологияда жиноятчилик билан боғлиқ тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва шу орқали зарур илмий хулосаларга келишда фалсафий ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Криминология тадқиқоти доирасига кирувчи муаммоларни ўрганишдаги фан методологиясини шакллантириш ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бу эса криминология соҳасида илмий билишнинг турли методларини жорий этишни тақозо этади. Шунга кўра, криминология фанининг илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, биринчидан, ўз тадқиқотлари доирасидан келиб чиққан ҳолда фан предметини яратиш, иккинчидан, илмий билишда ўзига хос илмий методларни ишлаб чиқиш лозим. Ҳар икки ҳолат ҳам криминологияга фалсафий жиҳатдан тўғри ёндашишга имконият яратилганлигини кўрсатади, чунки:

а) фан методида предметнинг ифодаланиши бўлгани ҳолда, ўзига хос хусусиятлари орқали унинг айрим жиҳатларини очиб бериш нафақат фалсафадаги методларни ўз тадқиқоти учун қўллашни, балки ўз предметини тадқиқ этиш учун махсус методларни ҳам яратишга имкон беради;

б) фалсафа ўз тадқиқоти доирасида назарий муаммоларни ёритади ва бу фан назарияси асосида ишлаб чиқилган тушунча ҳамда методлар криминология фани томонидан ўз муаммоларини билишга имкон яратади. Табиийки, ҳар бир фаннинг назарий жиҳатлари ва методологияси, юқорида таъкидланганидек, илмий методлар асосида шаклланади.

Баён этилганларга кўра, криминологияда илмий билишнинг барча усул ва воситаларидан ўринли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш жиноятчиликдек ижтимоий қусурга қарши курашни ташкил этишда яхши натижаларга олиб келади.

2-§. Криминология фанининг мақсади ва вазифалари

Криминология фанининг мақсади. Ушбу фан тараққиётини тўғри йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот йўналишидан оғишмай бориш учун унинг мақсадини аниқ белгилаш алоҳида эътиборга молик масаладир. Шундан келиб чиққан ҳолда криминология фанининг умумий мақсади – жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда илмий-назарий жиҳатдан асосли тадқиқот фаолиятини олиб боришдан иборат, деб таъкидлаш асло муболаға бўлмайди. Фан мақсадининг шу тарзда белгилиниши унинг эҳтиёжи ва тадқиқот доирасининг ўзига хослигидандир.

Бу каби ўзига хослик нафақат назарий йўналишда тадқиқот ишлари олиб борилишида, балки ушбу тадқиқот ишларининг бевосита жиноятчиликка қарши кураш амалиёти билан боғлиқ тарзда олиб борилиши билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Чунки ҳар қандай назарий билим (криминологиянинг ўзи мустақил билимлар тизимидан ташкил топганлигини ҳисобга олган ҳолда) амалиёт билан тўғридан-тўғри эмас, айнан фаолият йўналишлари орқали (бу ўринда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини назарга олган ҳолда) боғланган бўлиб, амалий вазифаларнинг бажарилишини назарий асосланган ҳолда таъминлашни мақсад қилиб олади. Бу эса амалий-ташкилий, бошқарув ва режалаштириш йўналишларида зарур илмий тавсиялар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Шу билан бирга, қўйилган мақсадга эришишнинг ташкилий асослари ҳам ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим. Булар жиноятчиликка қарши кураш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, криминология фанида тадқиқот ишларининг жорий, истиқболли ва якуний мақсадда амалга оширилишида намоён бўлади. Жорий, истиқболли ва охириги мақсадга эришиш ҳеч вақтда стихияли тарзда кечмаслиги лозим ва ҳар қандай ҳолатда ҳам юқорида баён этилган илмий асослар орқали мақсадга эришиш катта аҳамиятга эга.

Мақсадга эришишга бу каби ёндашув, айниқса, иқтисодиётнинг ҳозирги пайтдаги жадал ривожланиши ёки мураккаблашуви жараёнида мавжуд муаммоларни ечишда катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олинишида ҳам кўзга ташланади. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашда ҳар қандай мақсаднинг белгиланиши, биринчи навбатда, жиноятларга йўл қўймаслик ва уни имкон даражасида тугатишга қаратилган бўлиши лозим. Энг асосийси, мақсадга эришиш жараёнида жиноятчилик хусусида зарур хулосалар чиқариш имконияти ҳам юзага келади.

Криминологиянинг фан сифатидаги асосий мақсади унинг йўналишини тўғри олиб бориш ва шу орқали илмий билишнинг мантиқий жараёнини ҳамда илмий тадқиқот ишларини зарур даражада ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз-ўзидан равшанки, бу каби мақсадга эришиш жиноятчиликка қарши кураш йўналишидаги (амалий мақсад сари) сиёсатга мос келмоғи зарур. Жиноятчиликка қарши курашдаги давлат сиёсати, ўз моҳиятига кўра, жиноятчилик ва унинг содир этилишига шарт-шароит яратувчи сабаб ҳамда муҳитни таг-томири билан тугатишга қаратилгандир.

Криминологиянинг асосий мақсади – жиноятчиликка қарши курашнинг аниқ илмий-назарий асосларини чуқур илмий хулосаларга таянган

ҳолда ишлаб чиқиш ва зарур тавсиялар беришдан иборат. Давлат сиёсати ва криминология фани томонидан қўйилган ҳар икки мақсад жамият манфаатларига мос келади ҳамда чуқур, маънавий ва адолатли хулосалар чиқаришда муҳимдир. Мақсадга эришишда фан ва сиёсатнинг ҳамкорликда иш олиб бориши кўзланган натижани беради.

Назарий ва амалий йўналишлардаги истиқболли мақсадлар жиноятчиликнинг воқелик сифатида содир бўлиш миқёсидан келиб чиққан ҳолда олдини олиш, алоҳида турдаги ва тоифадаги жиноятларнинг турли ижтимоий қатламдаги ва ёшдаги шахслар томонидан содир этилишига йўл қўймаслик (профилактика) кабиларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, истиқболли мақсадларга эришиш ижтимоий профилактикада кўзда тутилган ахлоқий, ҳуқуқий таъсир чораларини умумлаштириш орқали амалга оширилади. Табиийки, бу йўналишда жамият, давлатнинг ривожланиши ва тараққиёт даражаси ҳамда жиноятчилик, унга қарши курашишнинг ташкил этилганлик ҳолатларини эътиборга олиш лозим.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликка қарши кураш борасида зарур натижаларга эришиш учун самарали ва давомли тадбирларни амалга ошириш криминологик башорат (прогноз) ва шунга асосланган жиноятчиликка қарши кураш назарияси ва амалиётининг истиқболли режалаштиришни ташкил этиш талаб этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, криминология фани ҳам ўзининг аниқ мақсадларига эга, яъни илмий жиҳатдан нафақат назарий муаммоларни, балки қўйидаги амалий вазифаларни ҳам бажармоғи зарур: жиноятларнинг олдини олиш тизими қандай шаклланмоғи лозим; жиноятчиликни тугатиш борасида олиб бориладиган сиёсат қай тарзда йўлга қўйилиши керак; амалиёт эҳтиёжлари нималарда сезилади ҳамда бу эҳтиёжларни таъминлашнинг асосий йўналишлари қандай ҳал этилади ва бошқалар.

Бу вазифаларни бажаришда криминология ўзининг илмий асосланган тавсияларини яратади. Ушбу тавсиялар эса жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда зарур манба ҳисобланади.

Бу каби тадбирларнинг барчаси жиноятчиликка қарши кураш назарияси ва амалиёти учун хизмат қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳуқуқий адабиётлар ва ҳуқуқий нормаларда кенг қўлланилаётган «жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчасига мазмун жиҳатидан тўғри ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки жиноятчиликка қарши кураш кенг тушунча, шу билан бирга, у аниқ тадбирлар орқали амалга оширилади. Бинобарин, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ва уни бартараф этиш каби тадбирларнинг ҳар бири аниқ мақсадларга йўналтирилганлигини ёдда тутиш лозим.

Жорий мақсадлар жиноятчиликка қарши курашда кундалик илмий ва амалий ишларнинг бажарилиши орқали амалга оширилади. Албатта, жорий мақсадга эришишда кундалик вазифаларни бажариш, истиқболли ва асосий мақсадларга эришиш учун эса моддий, маънавий ҳамда ахлоқий замин тайёрланиши зарур. Умуман олганда, ҳар бир давлат сиёсатида жиноятчиликни таг-томири билан тугатиш асосий мақсаддир.

Бироқ ҳозирги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсак, айрим жиноят турларига қарши курашни ташкил этиш ва уларни тугатиш нафақат бир давлат миқёсида, балки халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб қолмоқда. Терроризм, наркобизнес, ғайриқонуний равишда қурол-яроғ сотиш шулар жумласидандир.

Мақсад ва вазифаларнинг ўзаро боғлиқлиги. Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда лоқайдликка йўл қўйиш истиқболли ва асосий мақсадларга эришишга салбий таъсир этишини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Жиноятчиликка қарши курашда асосий мақсадга эришиш учун самарали илмий-назарий ва амалий тавсиялар яратиш талаб этилади. Ушбу тавсия ва амалий тадбирлар жиноятчилик ҳамда унинг олдини олиш чоралари тўғрисида аниқ маълумотлар бўлгандагина самара беришини ёдда тутиш даркор.

Тўғри, криминология фанининг вазифаси, аввало, жиноятчилик ва унинг содир этилишига шароит яратувчи сабабларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўрганишдан иборат. Шунинг учун ҳам криминология кўп қиррали илмий изланишлар олиб бориш орқали тадқиқот объектига кирувчи муаммоларни илмий томондан ечиш ва шу асосида жиноятга йўл қўймасликнинг аниқ чегарасини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Охир-оқибат криминология фани илмий тавсияларининг самараси жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий воқелик билан қанчалик боғлиқлиги ҳамда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш амалиётига қўшган ҳиссаси асосида баҳоланади. Ушбу ҳолат криминология фанининг чуқур ва мустаҳкам илмий «пойдевори» яратилишини тақозо этади.

Фан ўз илмий тизимига эга бўлиши ҳамда оддий бир ҳолатдан мураккаб вазифаларни бажара олишгача бўлган тавсияларни яратмоғи жуда муҳим. У ёки бу ҳолатларга юзаки баҳо бериш натижасида кутилган мақсадга эришиб бўлмаслик кўплаб кузатиладиган ҳолдир. Бу борада фақат ҳаёт тажрибасига таяниш, фанни илмий-назарий жиҳатдан бойитмаслик жиноятчиликка қарши кураш амалиётини мураккаблаштиради, холос.

Ўз навбатида, криминология фан сифатида «қўл учида» фаолият кўрсатса, жиноятчиликка қарши курашда зарур бўлган вазифаларни бажара олишга қодир фан сифатида ривожлана олмаслигини ҳам унутмаслик зарур, яъни назарий амалиётнинг кўзи эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Охирги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш борасида бир қатор тадбирлар, жумладан ҳозирги ижтимоий ўтиш жараёнида жиноятларнинг ўзига хос тарзда содир этилиши, уларнинг сабаблари, шароитларини ўрганиш бўйича зарур тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жиноятчи шахсларни ўрганиш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш ва жиноий йўлдан қайтаришга эришиш учун зарур ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий таъсир чоралари ижтимоий ҳаёт жараёнига қонун асосида татбиқ этилмоқда. Кўриниб турибдики, фан-амалиёт эҳтиёжлари асосида тадқиқот ишларини йўлга, айниқса, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳуқуқ-тартиботни амалга оширувчи давлат органларининг ходимлари ва кенг жамоатчилик вакилларининг илмий-назарий билимлари ҳамда амалий маҳоратларини ошириш катта аҳамиятга эга.

Баён этилган вазифаларни ҳам назарий, ҳам амалий томондан бажариш нафақат жорий, балки истиқболли ва, қолаверса, якуний мақсадларга эришишга ёрдам беради. Жиноятчиликни мавжуд воқелик нуқтаи назаридан ўрганишда асосий эътибор жиноятчилик, унинг сабаблари ҳамда криминоген ва ғайрикриминоген омилларини атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг объекти ўз ичига жиноятчиликни жамият тараққиётининг маълум бир босқичидаги кўрсаткичлари, жиноятчиликнинг ҳолати, таркиби ва ўсиш ёки камайиш динамикаси кабиларни олади. Уларни ўрганиш асосида жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва динамикаси хусусида зарур криминологик башоратларни ишлаб чиқиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг истиқболли режаларини яратиш имконияти юзага келади.

Криминология нуқтаи назаридан жиноятларнинг айрим тоифаларини, масалан, биринчи бор ёки рецидив жиноятлар, вояга етмаганлар, эркак ёки аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ҳар бирини ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу каби тадқиқотлар жараёни эса албатта чуқур илмий ёндашувни талаб этади.

Жиноятлар ва уларнинг сабабларини ўрганиш асосида жиноятчилик ва, умуман, жиноятларни маълум бир тизимга солиш билан боғлиқ муаммолар тўпланади, умумлаштирилади ва таҳлил этиш ишлари олиб

борилади ҳамда алоҳида гуруҳдаги ва тоифадаги жиноятларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари таҳлил этилади.

Жиноятларнинг маълум бир тизим асосида ўрганилиши барча жиноятлар (жиноятчилик)нинг ўзаро боғлиқлик хусусиятларига кўра ўрганилади. Бу, биринчидан, жиноятлар белгиларининг ўзаро мос келиши, иккинчидан, жамиятдаги барча жараёнлар билан боғлиқ бўлган тизимни таҳлил этишдан иборатдир.

Жиноятларни криминология нуқтаи назаридан таснифлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, ўз хусусиятларига кўра бир-бирига яқин бўлган жиноятларни маълум бир тоифа ва гуруҳларга ажратиш орқали уларни умумлаштириш ва содир бўлишига имкон берувчи сабаб ва шароитлар, вазиятлар, умуман, жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш лозим.

Табиийки, бу каби тадқиқотлар келиб чиқадиган оқибатларни илмий жиҳатдан тўғри тушунишга, ўз навбатида, зарур ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маърифий чора-тадбирларни қўллашга йўл очади.

Жиноятчиларнинг шахси ва жиноят содир этиш механизмини ўрганиши. Жиноятчилар шахсини ўрганишда биринчи галда жиноят содир этувчи шахслар таснифига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки жиноятчиларни таснифлаш уларнинг жинси, ёши, маълумоти ва шу кабилар орқали амалга оширилади. Бу эса ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларнинг ғайриқонуний (жиноий) фаолиятларини мавжуд ижтимоий-руҳий муҳитда қандай эканлигини ва ўзига хос «маиший фалсафа» ҳамда «маиший психология» таъсирида қонунбузарликлар содир этишларини кузатиш имконини беради.

Бу каби ҳуқуқбузарликлар миқёсини ўрганиш ва қанчалик тарқалганлигига қараб, атрофдаги шахсларнинг ижтимоий шаклланиш жараёнини белгиловчи муҳитни аниқлаш мумкин. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари, махсус муассасалар ўз фаолиятларини қанчалик бажара олишларига ва бу борадаги вазифаларини тўғри белгилашларига ҳам имкон яратилади. Ишни бундай ташкил этилиши айрим тоифадаги ёки гуруҳдаги жиноятларнинг содир этилиши, тайёргарлик кўриш жараёнлари ёки яшириш усуллари каби ғайриқонуний қилмишларни ўрганиш имкониятини юзга келтиради.

Бу каби ёндашув айрим жиноятларни мазмун жиҳатидан тизимга солишнинг ташкилий асослари ва уларнинг содир этилиши жараёнларини ҳам билишга имкон туғдиради. Бунда алоҳида эътиборни шахсларнинг жамиятдаги ғайриинсоний хатти-ҳаракатларини шакллантирувчи вазиятни ўрганиш ва айнан шу вазиятлардан келиб чиққан ҳолда тар-

биявий чора-тадбирларга қаратиш зарур. Очиқ (оила, мактаб ва ҳоказо) ва ёпиқ (асосан, жазони ижро этиш муассасаларида) шароитлар айнан шу каби ёндашувни, ҳар бир муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, татбиқ этмоқликни талаб этади.

Жиноятларни ҳудудий таҳлил қилиш асосида ўрганиш қуйидаги икки йўналишда олиб борилади: а) айрим турдаги жиноятларнинг алоҳида олинган ҳудуддаги ҳолати; б) у ёки бу мамлакат ҳудудида жиноятларнинг мавжудлик ҳолатлари. Ушбу маълумотлар тўпланганда давлат миқёсида ёки давлатнинг айрим ҳудудларида кенг тарқалган жиноятларни ўз вақтида ўрганиш ҳамда шу орқали зарур бўлган профилактик чора-тадбирларни қўллаш мумкин бўлади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш (профилактика)нинг асосий йўналишларини белгилаш. Бу вазифани бажаришда, биринчи галда, жиноятчиликнинг олдини олиш (профилактика) фаолияти йўналишини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Сўнгра алоҳида ёндашув асосида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг йўналишлари, кўринишлари ва шакллари белгиланади. Профилактика фаолиятининг кўринишларига бошланғич ва бевосита профилактика, умумий ва яқка тартибдаги профилактика фаолиятлари киради.

Виктимологик профилактика чоралари мавжудлигига ҳам эътибор бермоқ зарур. Профилактика чоралари орқали қўйилган вазифаларни комплекс тарзда ҳал этиш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, бу каби ёндашув, биринчидан, профилактика таъсир чораларининг тизимини яратишни, иккинчидан, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган профилактика таъсир чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Булар ахлоқ, ҳуқуқ, педагогика, психология, тиббиёт, айниқса, руҳий томондан (психиатрия) ва ҳоказо. Умуман олганда, профилактика чораларининг баён этилган тарзда ташкил этилиши бу борада атрофлича ижтимоий ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Алоҳида тоифадаги ёки турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси аниқ таснифлаш асосида кўриб чиқилиши лозим. Бу ўринда гап вазифани алоҳида ёндашув асосида ҳал этиш ҳақида бормоқда.

Зеро, ҳозирги пайтда жамиятнинг сифат ўзгариши жараёнида юзага келаётган муаммолар айрим жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида ўзига хос қатъий талабларни қўймоқда. Булар гиёҳвандлик ва токсикомания таъсирида содир этиладиган жиноятлар, жинсий алоқалар билан боғлиқ жиноятлар, руҳий хасталик орқасида содир этиладиган жиноятлар кабиларни профилактика қилишдир. Шу билан бирга, қотиллик, ўғрилик, безорилик ёки вояга етмаганлар жи-

ноятлари, рецидив жиноятларнинг олдини олиш ҳам янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Жиноят содир этувчи аёлларга нисбатан профилактика таъсир чораларини криминология нуқтаи назаридан янгича кўриб чиқиш ҳам эътиборга лойиқдир. Баён этилган муаммоларни бартараф этишда эса профилактик чора-тадбирларни ташкил этувчи ва олиб борувчи субъектлар тизимининг аниқ белгиланиши катта аҳамиятга эга.

Профилактика фаолиятини олиб борувчи субъектлар тизимини белгилаш ва яратишда, аввало, профилактик таъсир чораларини қўлловчи субъектларнинг аниқ мақсадларга йўналтирилган вазифаларини мувофиқлаштириш ишларини моҳиятан эътиборга олиш лозим. Шундан кейингина давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг субъект сифатида фаолият доиралари чегарасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Профилактика фаолияти йўналишларининг аниқ чегарасини белгилаш, субъектларнинг вазифаларини тўғри белгилашга имкон яратади ҳамда ҳар бир масъул ташкилот, мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган таъсир чораларининг муқим тизимини яратишга ёрдам беради.

Профилактик таъсир чоралари объектларининг аниқ белгиланиши. Ушбу вазифани бажариш биринчи галда профилактика ишлари қайси ижтимоий хавфли қилмиш ёки шахсларга қарши йўналтирилганлигини аниқ ифодаланиши билан узвий боғлиқдир (рецидив жиноятлар, ичкиликбозлик, маиший безорилик кабилар). Шундан келиб чиққан ҳолда, кимларга нисбатан ва қандай тарзда профилактика назоратини олиб бориш кераклиги ойдинлашади. Кўриниб турибдики, бу каби мураккаб вазифани бажаришда ҳам чуқур илмий негизга эга бўлган тавсияларни яратиш керак.

Профилактик фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Профилактика фаолияти субъектлари ва объектлари билан иш олиб бориш зарур ҳуқуқий асосларни тақозо этади. Шу ўринда ушбу фаолиятнинг айрим йўналишларини қонун асосида аниқ ифодаланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим ва шу орқали айрим жиноятлар ёки жиноятчи шахсларга нисбатан қай тарзда таъсир чораларини қўллаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Айниқса, профилактика ишларини олиб бораётган масъул субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифодаланиши жуда муҳимдир.

Профилактика фаолияти тизимининг барча йўналишларида зарур бўлган ҳуқуқий асослар субъектларнинг ўз вазифаларини бажаришларига имконият яратишини унутмаслик керак. Бу эса ҳозирги кунда про-

филактика фаолиятини юритиш тўғрисидаги давлат аҳамиятига молик қонун ишлаб чиқарилишини шарт қилиб қўймоқда.

Хуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг ижтимоий муаммолари. Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ўзига хос тарзда моддий ёки иқтисодий манбалардан фойдаланишни талаб этади. Чунки барча турдаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, жиноий ишлар бўйича тергов ишларини юритиш ва, умуман, ҳар бир содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш катта молиявий эҳтиёжлар билан боғлиқ.

Шу ўринда жиноятчиликни нафақат баён этилган харажатлар, балки жиноят натижасида жамиятга етказилган моддий ва маънавий зарарни ҳам умумлаштирган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жиноятларнинг олдини олиш натижасида давлатга ёки фуқароларга етказиладиган мулкӣ зиённинг юзага келишига ҳам тўсиқ қўйилади.

Ушбу муаммо ўзига хос тарзда маълумотларни тўплаш вазифасини ҳал этиш орқали ечилиши мумкин. Ҳозирги кунда айнан шундай маълумотларни ўзида жамловчи «жиноятчилик бюджети» маълумотлар банкини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятчиликка қарши кураш жараёнидаги муҳим фаолият йўналиши жиноятларнинг олдини олиш ва уларга умуман йўл қўймасликда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам жиноятларнинг олдини олишдаги энг муҳим фаолият жиноятлар ва уларнинг шаклланиши ёки ривожланишини олдиндан *башорат қилиш (прогнозирование)* ишларини тўғри йўлга қўйишдир.

Маълумки, ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу жараён ўз мазмун-моҳиятига эга. Шунингдек, жиноятчилик ҳам маълум бир қонуниятлар асосида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб бориши ўз илмий исботини топган. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, криминологияда илмий башорат жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш орқали уни таҳлил этиш асосида кутилаётган ўзгаришларни аввалдан кўришга имкон яратади.

Криминологияда илмий башоратнинг муҳим жиҳати шундаки, у нафақат содир бўладиган ўзгаришларни, балки шу ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий хусусиятларидан келиб чиқадиган жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўришни ҳам тавсия этади.

Криминологиянинг фан сифатида бажарадиган вазифалари ўзига хос мазмунга эга. Юқорида таъкидланганидек, жиноятчиликка қарши курашдаги вазифалар жиноят билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганишдан иборат бўлса, айнан уларни қандай бажариш криминологиянинг фан сифатидаги асосий вазифаси ҳисобланади.

Криминология ўз предметига кировчи масалаларни ўрганиш давомида илмий тадқиқот ишларини қуйидаги йўналишларда бажаради: жиноятчиликнинг асосий белгиларини тадқиқ этиш ва очиб бериш; ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва уларнинг жиноятлар содир этилишига таъсирини таҳлил этиш; ушбу жараёни янги босқичларда ривожланиши (тенденция) кабиларни ўрганиш ва ҳоказо. Шунингдек, аниқ чоратадбирларнинг амалга оширилишида ҳар бир ҳолатнинг аввалги, ҳозирги ва келгуси натижаларини эътиборга олади. Бунда дастлабки ҳолатларда асосан тасвирловчи, тушунтирувчи вазифалар бажарилса, кейинги ўринларда аввалдан кўра билиш ёки башорат қилишни ишлаб чиқиш кўзда тутилиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда криминологиянинг фан сифатида бажарадиган вазифаларини қуйидаги уч кўринишда ифодалаш мумкин:

1) тадқиқот орқали илмий хулосалар йиғиш. Бунда тадқиқотчи жиноятчилик билан боғлиқ у ёки бу жараённинг қандай кечаётганлиги ва қандай рўй бераётганлиги хусусида тадқиқот олиб боради;

2) назарий, яъни тушунча бериш. Бунда тадқиқотчи у ёки бу ҳолатнинг қандай рўй берганлигини очиб беради;

3) башорат қилиш. Бунда тадқиқотчи у ёки бу жараённинг қандай кечиши ва шу асосида келгусида юзага келадиган оқибатларни, умуман олганда, ўрганилаётган жараённинг қай тарзда ривожланиши мумкинлигини олдиндан илмий башорат қилади.

Айнан шу босқич криминология фани асосий вазифасининг самарасини белгилайди. Зеро, жиноятчиликни доимий равишда назоратда ушлаш муваффақият гаровидир.

Санаб ўтилган ҳар бир босқичда вазифалар узвий боғлиқлиги билан ажралиб туради. Улар умумлашган ҳолда амалий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-назарий тушунча бериш вазифасини бажаради. Айнан шу илмий-назарий тушунча барча тадқиқот ишларида муҳим ўрин тутишини эътиборга олиш лозим.

Илмий-назарий тушунча бериш вазифаси. Тушунча бериш нафақат криминология фанида, балки барча ижтимоий-табiiй фанларга хосдир. Аммо криминология фани предметига тегишли бўлган жиноятчилик илмий билишда ўзига хос ёндашувни талаб этади. Ўз моҳиятига кўра тушунча бериш мавжуд воқелик хусусида тўпланган маълумотларни назарий жиҳатдан маълум бир тартибда ўрганилишини тақозо этади.

Криминологияда эса айнан шу ўрганиш жараёнида воқеликни чуқур илмий таҳлил қилиш ғоятда муҳимдир. Тушунча бериш ва ўрганиш жараёни чуқур илмий назарияларга асосланиши лозим. Чунки назария тушунча беришнинг энг муҳим асосидир. Шунинг учун ҳам кримино-

логия фани вазифаларидан бири ҳисобланувчи илмий-назарий тушунча бериш фаннинг асосий вазифаси сифатида қаралмоғи зарур. Криминологиянинг назарий асослари эса айнан ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир.

Криминология фан сифатида ўз вазифаларини бажариши орқали илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказишга замин тайёрлайди. Бироқ бу тадқиқотлар қатъий тарзда жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжларини ифодалаши лозим. Шунга кўра, ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, бу борада криминологик тадқиқотлар олиб боришга ўзига хос талаблар қўйилган. Бу талаблар тадқиқотлар олиб боришда янги шакл ва усуллар жорий этишни тақозо этади.

Бу каби янгича ёндашувлар нималарда ўз аксини топмоғи зарур, деган савол туғилади. Бу муаммонинг тўлақонли ечимини топиш мушкул, албатта. Аммо тадқиқотларнинг фундаментал (назарий) ва амалий тажрибалари ушбу муаммоларни ечишда синалган усуллардир.

Назарий тадқиқотлар кўп ҳолларда жиноятчиликка хос янги ҳолатлар ва қонуниятларнинг кашф этилиши ёки аниқланишини кўрсатиши мумкин.

Амалий тажрибалар ўтказилишида эса назарий тадқиқот натижасида олинган билимларни жиноятчиликка қарши кураш амалиётида синан ва амалий жиҳатдан қай даражада қўллаш мумкинлиги аниқланади. Бироқ ҳар икки тадқиқот йўналишини алоҳида кўриб чиқиш қиёсийдир. Аслида ҳар икки тадқиқот илмий тадқиқот ишларининг ўзагини ташкил этади.

Шунинг учун ҳам айнан шу тариқа олиб бориладиган тадқиқотлар натижасидаги илмий хулосалар назария, қолаверса, амалиёт учун ҳам бирдек аҳамиятга эга. Яъни назария амалиёт учун хизмат қилади.

Криминологиянинг ғоявий қарашлар асосида келиб чиқадиган вазифалари. Ижтимоий фанлар, шу жумладан криминология, ўз хусусиятларига кўра, ғоялар таъсирида ривожланади. Тўғри, ҳар қандай фан ўзининг бош мақсадига эга, криминология ҳам бундан мустасно эмас. Криминология ўз тараққиёти давомида фақат адолатга таянган ҳолда фаолият кўрсатади. Демак, бу фан ҳам ўзига хос ғоявий қарашлар таъсиридадир.

Ҳозирги кунда ғоявий қарашларнинг ўрни ошаётганлигини, илмий ғоялар криминологик тадқиқотларга кириб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда криминология назариясини ижтимоий фан сифатида унинг дунёқараши билан боғлиқ асосларини ҳам назарда тутмоқдамиз.

Ушбу фаннинг асосий жиҳатлари ва мазмуни мавжуд жиноятчилик ҳамда унга қарши курашни ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқ очиб беришда намоён бўлади. Криминология дунёқарашининг принциплари (агар таъбир жоиз бўлса) ўзига хос ижтимоий қарашлар асосида турли ижтимоий гуруҳлар ёки шахслар фаолиятларини ўрганиш билан боғлиқдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда криминология мавжуд дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни бажармоқда ва бунда, биринчидан, фалсафий жиҳатдан аниқ белгиланган предмет ва методлар асосида фаолият кўрсатмоқда, иккинчидан, фан ўзи яратган методларни жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан машғул бошқа фанлар томонидан ўзлаштирилишига ҳам имкон яратмоқда.

Ғоявий дунёқарашни криминология нуктаи назаридан кўриб чиқиш, аниқроғи илмий дунёқарашни адолат юзасидан кўриб чиқиш ғоятда муҳимдир. Бу алоҳида «криминологик дунёқараш» мавжуд дегани эмас, шу ўринда биз криминологиянинг ғоявий дунёқараш йўналишларида ўзига хос ўрни мавжудлигини таъкидладик, холос.

Криминология назарияси (назария соҳасидаги вазифалар). Криминология ўз тадқиқот объектига кирувчи предметларни ўрганиш асосида ўзига хос тушунчалар ва назарий концепцияларни яратади. Криминологияни фан сифатида мантиқан боғланган назарий концепциялар йиғиндисига қиёслаш мумкин.

Криминология фанининг ана шундай назарий концепция ва тушунчаларни жамлаши муваффақиятли ривожланишининг гаровидир. Криминологиянинг назарий концепцияси жиноятчиликка қарши кураш борасидаги зарур билимлар, тушунчалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда назариянинг тутган ўрнини рад этиш жиноятчилик тўғрисидаги билимларни рад этишдир.

Криминология назариясида ҳар қандай вазият ва ҳолатларни умумлаштириш, тизимга солиш ва таҳлил этиш ғоятда мураккаб масала ҳисобланади. Шунингдек, назариясиз жиноятчиликка қарши кураш амалиётини яратиш ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун ҳам криминология назариясига ёки айрим ҳолларда номланаётган назарий криминологияга эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда.

Шуни ёдда тутиш лозимки, назарий криминология ҳар доим ҳам бирдек бўлмаслиги мумкин, чунки у асосан мавжуд маълумотларга таянади, яъни ҳақиқатда мавжуд фактларга асосан иш кўради. Криминологиянинг мавжуд фактларга асосан тадқиқот олиб бориши, ўз навбатида, мутлақо янги назарий қарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Криминология томонидан яратилган билимларни назарий ва йиғма кўринишларга ажратиш асло уларни бир-биридан ажратиш дегани эмас. Аслида ҳар бир йўналишдаги ривожланиш уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро боғлиқлиги натижасидир.

Назарий ва эмпирик криминологиянинг алоқаси илмий билишда ҳамфикрлилик ёки қарама-қарши фикрлар мавжудлиги билан белгиланади.

Криминология назариясининг ўзига хослиги айнан жиноятчилик муаммолари ва уларнинг олдини олишнинг аниқ йўллари назарий томондан ишлаб чиқишдир. Кўриниб турибдики, назарий фаолият жиноятчиликка қарши курашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам назарий фаолият асосида вужудга келаётган муаммолар ечимини топиш учун криминология фанини янада ривожлантириш ғоятда зарур.

Тадқиқотларнинг назарий ва методологик миқёси. Криминологиянинг фан сифатидаги ҳозирги тараққиёти ўзига хос бўлган муаммо – методология (шу қатори дунёқарашни шакллантириш) жиҳатидан тўғри ёндашишни талаб этади. Бу ўринда гап масалага фалсафа методологияси нуқтаи назаридан ёндашиш хусусида кетмоқда. Айнан фалсафа методологияси криминология учун муҳим бўлган ижтимоий ҳаётдаги воқелик ва ҳодисалар ривожини, уларнинг моҳиятини билиш ҳамда назарий ва эмпирик тадқиқотлар ўртасидаги боғлиқлик ҳолатлари, шу тадқиқотлар орқали янги билимлар доирасини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Шу тариқа криминология жиноятчиликка қарши курашдаги зарур эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўз методологияси ва назариясини яратади ҳамда жиноятчилик хусусидаги илмий билишга шароит туғдиради.

Криминология амалиёти (амалий фаолият бўйича вазифалар). Юқорида назария ва амалиёт хусусида сўз юритганимизда жиноятчиликнинг олдини олишда фан амалиёт билан ўзаро алоқада бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталган эдик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш амалиёти ҳозирги кунда жиноятчиликни назарий жиҳатдан тубдан ўрганиш вазифасини янада қатъий қилиб қўймоқда. Шундай экан, бу йўналишда амалий жараёнларни ўрганиш борасидаги тадқиқот ишларини криминологиянинг хусусий назариялари билан боғлаган ҳолда «криминология амалиёти» тушунчасини шакллантириш мумкин. Криминология амалиётини эътироф этишдан яна бир мақсад, ҳозирда фаннинг жиноятчиликка қарши кураш амалиётидаги аҳамиятини ошиб бораётганлигидадир. Криминологиянинг илмий тавсиялари

асосида ишлаб чиқилган илғор тажрибалар жиноятчиликка қарши кураш борасида муҳим қарорларга келишга имкон яратмоқда.

Криминологияга фан сифатида таъриф беришда унинг амалиётини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки жиноятчиликнинг сабаблари ва жиноятчи шахсини аниқлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишдаги айрим тадбирлар давлатнинг махсус органлари ва кенг жамоатчилик томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади ва бу ҳамкорлик ҳам маълум йўналишларда ушбу фан томонидан тадқиқ қилинади.

Амалий криминология жиноятчиликнинг олдини олишдаги амалий фаолият учун зарур бўлган тавсияларни ишлаб чиқади. Ўз навбатида, бу тавсияларни ишлаб чиқиш атрофлича тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади.

Амалий криминологияни яратиш фанни «ўтказувчанлик» даражасида тушуниб қолинишига олиб келмаслиги лозим. Амалий криминологиянинг яратилишидан асосий мақсад – фан тавсияларини ўз вақтида амалиёт билан боғлашга қаратишдан иборат. Амалий криминология жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини бериши учун унинг назарий хулосаларини айнан амалий мақсадларга қаратмоқ зарур (яъни назарияни амалиёт тилида ифодалаш). Ҳар бир яратилган ҳолат кашфиёт даражасида бўлиши ва илмий ҳақиқатни амалий эҳтиёж учун қайта ишлаб, ҳам амалий, ҳам илмий мақсадларга жорий этишга имконият яратмоғи лозим. Амалий криминологиянинг айнан шу йўналишларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир.

Криминология муаммоларидан яна бири – *академик йўналишдаги* илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам назарий жиҳатдан фундаментал тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ушбу ҳолат юзасидан олимлар билдирган илмий хулосаларга кўра, илмий билишнинг ушбу тарзда қайта шаклланиши ҳар бир муаммони тадқиқ этишга янгича ёндашувни талаб этса-да, аслида моҳият жиҳатидан илмийлик хусусиятини сақлаб қолади.

Тўғри, криминологиянинг назарий асослари имкониятларидан фақат айримлари, яъни жиноятчиликка қарши курашни тежамкорлик ва адолат нуқтаи назаридан ҳал қилиш талабларига жавоб беришга қодирларигина амалиётда ўз ўрнини топади.

Шу ўринда криминология фанининг асосий мақсади жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжларини таъминлаш эканлигини унутмаслик даркор.

Криминология назарияси ва унинг тизими бир қатор назарий билимлар, тушунчалардан иборат бўлиб, ўзига хос мураккаб тизимни таш-

кил этади. Айнан шу тизим криминологиянинг *умумий* ва *хусусий* назарияларини ташкил этади.

Криминология фанининг хусусий назарияси, ўз навбатида, умумий назариянинг шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, криминологиянинг тадқиқот доирасига кирувчи комплекс муаммолар фаннинг умумий талаблари асосида ҳал этилиши талаб этилади. Шунингдек, криминологиянинг хусусий муаммолари фаннинг хусусий назариялари асосида ҳал этилади.

Криминология фани тизимига кирувчи ҳар бир муаммо узоқ давом этган ва мураккаб тарихий ривожланиш тараққиётига эга. Шунинг учун криминологиянинг тадқиқот объектига кирувчи бу каби мустақил тадқиқот йўналишларининг ўзаро муносабатига ҳам алоҳида эътибор бериш катта аҳамиятга эга. Зотан, айнан шу муносабатларнинг аниқ чегарасини ажратмай туриб, ҳар бири алоҳида олинган йўналишларнинг ривожланиши қийин кечишига қонуният сифатида қараш лозим. Ўзаро муносабатлар мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимини топишга хизмат қилишини назардан четда қолдириб бўлмайди.

Чунки, ҳар қандай ҳолатда, у қайси йўналишда бўлмасин, бошқа йўналиш тадқиқотлари ёки назарий асосларини бузмаган ҳолда криминологиянинг умумий муаммоларини ҳал этмоғи лозим. Криминология фанининг умумий муаммоларига кирувчи тармоқларни алоҳида тарзда кўриб чиқиш ва уларни ажратиб қўйиш фаннинг предмети ва ички боғланиш хусусиятларига путур етказди. Таъкидлаш жоизки, криминология назариясининг энг муҳим хусусияти ташкилий тизимининг бўлинмаслиги ва узвий боғлиқ тизимдан иборат эканлигидир.

Криминологиянинг хусусий назариялари орқали тушунчаси эса фаннинг илмий назариялари тизимидаги унга тааллуқли бир қатор махсус атамалар, қонуниятлар, аниқ тушунчалар тариқасида умумлаштирилган ҳамда аниқлаштирилган ва хусусий назария тариқасида кўриб чиқиладиган муаммоларни ўз ичига олади.

Демак, криминологиянинг хусусий назарияси таркибига фан предмети тааллуқли (нисбатан мустақил бўлган) барча муаммолар киради. Бироқ уларнинг энг асосийлари: жиноятчилик назарияси; жиноятчилиكنинг сабаблари; криминологияда профилактика назарияси; жиноятчи шахс тўғрисидаги назария; жиноятларнинг олдини олиш назарияси; аниқ масалалар юзасидан олиб бориладиган криминологик тадқиқотлар назарияси; криминологияда илмий башорат (прогноз) назарияси; жиноятчиликка қарши кураш жараёни ва унинг бошқариш назарияси ҳисобланади.

Ушбу атамалар категория нуқтаи назаридан криминологиянинг асосий мазмунини ифодалашини асло унутмаслик лозим. Шунингдек, бу атамалар ўзаро ўхшаш бўлса-да, мантиқан бир-биридан фарқ қилади.

Тадқиқотларнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда криминология хусусий назарияси муаммоларининг тадқиқоти ҳам комплекс ҳамда алоҳида олинган ҳолда: комплекс (яъни, криминология предмети моҳиятига асосан) таҳлили ва гносеология нуқтаи назаридан илмий билиш назарияси, мантиқ, социология, психология, ҳуқуқ каби алоҳида олинган йўналишларда (криминология атамалари ва категориялар хусусиятларини инобатга олган ҳолда) эса ўзининг хусусий назарияларини мазмуни асосида таҳлил этилади. Буларнинг бари мазмун ва моҳиятига кўра криминология фанининг предмети сифатида ўрганилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фаннинг моҳиятини англаш учун ушбу фаннинг тизими аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, фанни фан дейиш учун, биринчи навбатда унинг предмети, тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари, методлари бўлмоғи керак деган фалсафий мантиқдан четга чиқмаслик зарур.

3-§. Криминологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Криминология бошқа фанлар тизимида алоҳида ўрин тутиб, бир қатор ижтимоий-ҳуқуқий, табиий фанлар билан ўзаро муносабатга киришади. Бундай муносабатларда асосан уч йўналишда ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Дастлабки ёндашув, ўз мазмунига кўра, криминологияга умумижтимоий фан сифатида қарашни таклиф этади. Чунки криминология жиноятчиликни ижтимоий ҳолат сифатида билиш ва унга қарши курашни ташкил этишда шаклланади. Унинг ижтимоий, яъни социология, иқтисодиёт, психология ва педагогика каби фанлар билан ўзаро боғлиқликда ўрганилишига эътибор қаратилади (Ковалев М. И., Сахаров А. Б., Утевский Б. С. кабилар). Айнан шундай ёндашув Америка олимларига хосдир. Уларнинг фикрларига кўра, криминология социология фанининг бир тармоғи ҳисобланади. Германия, Италия ва Франция давлатлари олимларнинг фикрича, бу фан ижтимоий-табиий фан сифатида эътироф этилмоқда.

Криминология фанининг ўрни хусусидаги иккинчи ёндашувда уни ҳуқуқий фанлар, айниқса, жиноят ҳуқуқидан ажратмаслик лозим деб уқтирилади. Криминология жиноят ҳуқуқининг узвий тармоғи бўлиб, ушбу фаннинг ижтимоий – аниқ муаммоларини ўрганса, жиноят ҳуқуқи ўз тадқиқот доирасида жиноий-ҳуқуқий муносабатларни ўрганади (Герцензон А. А., Меньшагин В. Д., Пионтковский А. А., Ромашкин П. С., Строгович М. С. кабилар).

Учинчи йўналишда криминология ижтимоий-ҳуқуқий фан сифатида эътироф этилади. Ушбу йўналиш ҳозирги кунда кўпчилик олимлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу йўналишнинг асосий мазмуни криминология предметига кирувчи баъзи муаммолар (жиноятчиликнинг сабаблари, жиноятчининг шахси, жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик)ни ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш чегарасидан четга чиққан бўлса-да, аслида унинг тадқиқот доираси тегишли ҳуқуқ тармоқлари тизимига кирувчи ҳуқуқий муносабатларни (жиноят, жиноятчи, жиноятларнинг олдини олиш, жиноий ва маъмурий жавобгарликлар каби) жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқ билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади.

Кўриниб турибдики, криминология икки ижтимоий фан – социология ва ҳуқуқ фанлари билан ўзаро ҳамкорликда тадқиқ этилади. Шунинг учун ҳам криминология фанини ижтимоий-ҳуқуқий фан дейишга тўлиқ асослар мавжуд.

Шу ўринда криминологиянинг жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқувчи фанлар билан ўзаро боғлиқлиги қандай ва улар нималарда намоён бўлади, деган савол туғилади. Юқорида таъкидланганидек, криминология биринчи галда жиноят ҳуқуқи билан узвий алоқада бўлади. Унинг асосий муаммолари жиноят ва жиноятчи шахси билан боғлиқ. Бироқ криминология жиноят ва жиноятчини жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таърифлаш билан бирга, айнан шулар билан боғлиқ бўлган жиноятларни ўзига хослигини, жиноятчилик ва унинг сабабларини, жиноят қурбонлари ёки жабрланганларни ҳамда айнан жиноятчи шахсини атрофлича тадқиқ этади.

Шунингдек, криминология ва жиноят ҳуқуқи фанларининг ўзаро боғлиқлиги жиноят ҳуқуқидаги мавжуд жиноят қонунчилигининг яратилишида, уни татбиқ этишдан келиб чиқадиган самара билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда яққол намоён бўлади. Ўз навбатида социология ва жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан яратилган тавсиялар криминология томонидан жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ва олдини олишда катта манба бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, жиноий жазонинг мавжудлиги жиноятларнинг олдини олишда катта жиноий-ҳуқуқий омил ҳисобланади ва айнан шу каби омилларнинг самарасини ошириш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш криминологиянинг асосий вазифалари жумласига киради. Шунга кўра, криминология нафақат жазо орқали жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларини ҳал этади, балки унинг олдини олишда зарур бўлган бошқа чора-тадбирлар, усул ва воситаларни ҳам кенг тадқиқ этиб, зарур тавсиялар беради.

Социология, жиноят ҳуқуқи фанларининг жинойий жазоларни қўллаш борасида яратган илмий тавсияларини криминология илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб боради.

Умуман олганда, криминология фанининг асосий мақсади, жиноят ҳуқуқи фанидан фарқли ўлароқ, жиноятларни жазо қўллаш орқали эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий йўналишларни тадқиқ этиш орқали унинг олдини олишнинг энг мақбул усул ҳамда воситаларини яратишдан иборат.

Криминология фани жиноят процесси билан ҳам узвий боғланган бўлиб, содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга қаратилган процессуал чораларни қайд этиш орқали бундай ҳаракатларга йўл қўймасликни белгилайди. Бундай тадбирларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-бобида батафсил баён этилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликда криминология ва криминалистика фанлари ўртасида ҳам ўзаро умумий мақсад мавжуд бўлиб, бунда ҳар икки фан жиноят сабабларини ўз нуқтаи назарларига кўра ўрганадилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, криминалистика фани биринчи галда жиноятларни очишда зарур бўлган техник усул ва воситаларни, алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш методини ҳамда айрим тергов ҳаракатлари ўтказиш тактикасини илмий жиҳатдан ўрганади ва зарур ҳулосалар яратади. Энг асосийси, санаб ўтилган усул ҳамда воситаларни ишлаб чиқишда криминалистик тавсиялар жиноят-процессуал қонун талабларига асосланади. Бироқ жиноятларни тергов қилиш, очиш ва уларнинг олдини олиш бир мақсадни, яъни жиноятларга умуман йўл қўймасликни таъминлашга қаратилганлигидан кўз юммаслик лозим⁴.

Криминология фани жиноятчиликни умумий ва ижтимоий миқёсда ўрганади, шу орқали унинг умумижтимоий сабабларини очиб беради ва жиноятчиликка йўл қўймаслик чоралари тизимини яратади. Криминалистика фани эса жиноятни содир этиш усули, тайёрланиш жараёни ва жиноятни яшириш усуллари ва бошқаларни ўрганиш орқали жиноятнинг сабаблари ҳамда содир этилишига шарт-шароит яратган вазиятни ўрганади ва шу асосида илмий тавсиялар яратади.

Кўриниб турибдики, жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликда криминалистика фани ҳам ўз ўрнига эга. Айнан криминалистика фани алоҳида турдаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи ҳолатларни ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзидаёқ «биринчи бў-

⁴ Қаранг: Ёқубов О. Ю., Пулатов Ю. С. Криминалистикага кириш. – Т., 1996. – 19–20-б.

либ» аниқлаш имкониятига эга ва шу асосида ўзининг дастлабки хулосаларини беради. Шунинг учун бўлса керакки, криминалистика ва криминология фанлари асосчиларидан бири австриялик Ганс Гросс ўзининг «Суд терговчилари учун қўлланма» (1893 й.) китобида полиция ва тергов органларининг жиноятчиликка қарши кураш тажрибаларини умумлаштирган ҳолда ҳар икки фаннинг умумий муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Криминология фанининг жиноий жазоларни ижро этиш фани билан ҳамкорлиги эса ўзига хос мураккаб вазифаларни ҳал этиши билан эътиборга лойиқдир. Чунки криминология ва жиноий жазоларни ижро этиш фанлари бир-бирига ўзаро мувофиқ ҳолда рецидив жиноятларнинг олдини олиш ҳамда бундай жиноятлар содир этувчи рецидивист жиноятчилар шахсини ўрганиш, уларнинг маиший мослашиши билан боғлиқ вазифаларни биргаликда ҳал этадилар.

Шу билан бирга, бундай ўзаро ҳамкорлик жиноий жазоларнинг таъсири самарасини ошириш муаммоларини биргаликда кўриб чиқишга ҳам имкон яратади. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича, бир қатор давлатларда криминология фани жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқи (пенитенциар фанлар) фани доирасида ўрганилади.

Аслида жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқи фанининг тадқиқот доираси криминология фани тадқиқот доирасидан тор бўлгани ҳолда (бу фаннинг тадқиқот объекти жазони ижро этиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади) ҳар икки фан умумий масала – жиноятчиликнинг олдини олишнинг зарур чоралари ва уларни жорий этишнинг илмий-назарий тавсияларини яратади. Шу билан бирга, ҳар бир фан заминида яратилган усул ҳамда воситалар орқали кўйилган мақсадга эришилади.

Албатта, криминология томонидан яратилган ва жиноятчиликни ўрганишда зарур бўлган хусусий методлар жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқида самара бермаслиги мумкин. Зеро, жазони ижро этиш муассасаларида ва айнан озодликдан маҳрум этилганларга қўлланиладиган таъсир чораларидан фарқли ўлароқ, криминология фани томонидан яратилган методлар кўп ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури белгиланган шахслар билан ишлашни ташкил этишнинг илмий асосларини яратади.

Масалан, профилактика таъсир чоралари жиноят содир этиши мумкин бўлган ҳар бир шахсга нисбатан қўлланилади. Бироқ бу таъсир чоралари шакли ва методларига кўра, ЖИЭМда жазо ўтаётган шахсларга нисбатан жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқи фани томонидан тадқиқ

этилса, бошқа ҳолларда бу криминология фанининг тадқиқот объектига киради.

Криминология фани олиб борадиган тадқиқотлар жиноят статистикаси билан узвий боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Статистик маълумотлар жиноятчиликнинг умумий ҳолати, жиноятчилар ва уларнинг шахсига оид маълумотлар (хусусан, аҳолишунослик доирасида)дан иборат бўлади. Шу билан бирга, статистика ишларини ташкил этишнинг илмий методлари криминологик тадқиқотларни ташкил этишда катта ўрин тутишини (кузатув, маълумотнома ва гуруҳий табақалаш жараёнида) кўриш мумкин.

Биобарин, XIV асрдан бошлаб криминологиянинг асосий муаммоларини тадқиқ этишда статистика назариётчилари (А. Кетле) илмий кузатувлар олиб боргани тарихдан яхши маълум. Айнан шу тадқиқотлар асосида жиноятчиликнинг бир қатор ижтимоий ҳолатлар билан узвий боғлиқлиги аниқланган.

Жумладан, А. Кетле хулосаларига кўра, жиноятчиларнинг жинси, ёши, жиноят содир этиш жойи ва жиноят қуролларини ишлатишларидан келиб чиққан ҳолда жиноят содир этилишининг қиёсий кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, олим жиноятчилик жамият ҳаётидаги жуда кўп салбий ҳолатлар билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Яна бир қатор ҳуқуқий фанларнинг тадқиқотлари асосида яратилган тавсиялар ҳам криминология учун катта аҳамиятга эга (айниқса, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаси). Зотан, жиноятларнинг сабаблари, шароитлари ва жиноятчи шахсининг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган ижтимоий профилактик чора-тадбирларни амалга оширишувчи давлат ва жамоат органлари иштирокининг муҳим жиҳатларини очиб бериш криминологик тадқиқотларнинг эътиборга лойиқ жиҳати ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, криминология ўзининг илмий-амалий тадқиқотларида жиноятни ўрганиш ва унинг сабаб ҳамда шароитларини тадқиқ этиш борасида мустақил фаолият кўрсатади, жамиятда барча ҳуқуқбузарликларга қарши кураш концепциясини ишлаб чиқади. Бошқа ҳуқуқий фанлар, хусусан, жиноятчиликни тадқиқ этиш йўналишида фаолият кўрсатувчи фанлар айнан криминология тавсияларидан илмий тадқиқот ҳамда жиноятчиликка қарши кураш амалиётида кенг фойдаланадилар.

Криминология ижтимоий-ҳуқуқий фанлар сирасига киргани боис нафақат ҳуқуқий, балки бир қатор ижтимоий фанлар тавсияларидан жиноятчиликни ўрганишда яқиндан фойдаланади. Психология ва педаго-

гика фанлари томонидан яратилган илмий тавсиялар криминология учун алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг ўзига хос жиҳати криминология предметига кирувчи шахснинг жиноий хатти-ҳаракатлари (қарашлари, маънавияти, жиноий анъаналари, қизиқишлари ва эҳтиёжлари)ни ўрганишга беқиёс ёрдам бериши ва шу асосида умумий ёки яқка тартибдаги профилактика таъсир чораларини яратиш ҳамда шахснинг жамият манфаатларига зид бўлган қилмишлари ва, умуман, жиноятларнинг олдини олиш ишларида замин яратишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда жадал суръатларда ривожланаётган фан-техника тараққиёти криминология фани мақсадлари учун олиб бориладиган тадқиқотларда замонавий фанлар (ахборотлаштириш, тиббиётнинг турли йўналишлари, айниқса, психология ва психотрияди эришилган ютуқлар) тавсияларига таяниш ва уларнинг илмий методларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратилаётганлигини эътиборга олган ҳолда фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

4-§. Криминология фани ривожланишининг ҳозирги ҳолати

Криминология фан сифатида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб жадал ривожлана бошлади. Дастлаб олий ўқув юртлари дастурларида ўқув предмети сифатида таъсис этилган бўлса-да, вақт ўтиши билан унинг тадқиқотлари фан тадқиқотлари даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам криминологиянинг айнан шу икки йўналишдаги шаклланиши ва ривожланиш жараёнига ҳолисона ёндашиш ва баҳо бериш лозим.

Криминология фанининг ўқув предмети сифатида шаклланиши. Криминология мустақил ўқув предмети сифатида 1963/64 ўқув йилидан Москва Давлат университетининг юридик факультетида ўқитила бошланди. Ушбу ўқув предмети учун бўладиган машғулотларга дастлаб 40 соат ажратилган. Бироқ ушбу ўқув предметига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши туфайли дарс соатлари ҳам ортиб борди.

1964/1965 ўқув йилидан бошлаб криминология собиқ Иттифоқ ҳудудида мавжуд бўлган юридик олий ўқув юртлари юридик факультетларининг ўқув предметлари қаторига киритилди. Шундан кейин бу ўқув предмети бир қатор махсус ўқув юртларида ҳам ўрганила бошланди. Мамлакатимизда ҳам ушбу фанга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида бу фаннинг номланиши ва мазмуни борасида бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Ўз вақтида (1974 йилда) ушбу предмет ўқув курси сифатида «Криминология ва ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини бошқариш» деб номланган бўлса, 1975/1976 ўқув йилидан «Ҳуқуқбузарлик-

ларнинг олдини олишни ташкил этиш» деб номланди (ушбу ўқув предметининг бир бўлими сифатида криминологиянинг фан сифатидаги асосий муаммолари ёритила бошланди).

1978/1979 ўқув йилидан бошлаб, ушбу ўқув предметининг номланишига аниқлик киритиш мақсадида, у «Ўқувбузарликларнинг олдини олиш» деб номланди. Шу билан бирга, унинг таркибида ўқувбузарликларнинг олдини олишда бошқарувни ташкил этиш масаласи мазмунан сақлаб қолинди. Ҳозирда айнан шу ўқув предмети «Криминология ва ижтимоий профилактика» деб номланмоқда.

Бир қатор давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси ИИВ тизимидаги олий ва ўрта махсус (юримдик мутахассислиги йўналишидаги) ўқув юртларида «Криминология» ва «Ўқувбузарликларнинг олдини олиш» («Профилактика преступлений») ўқув курслари (100 ва 200 соатлик) сақлаб қолинган.

Таъкидланганидек, криминология ва ўқувбузарликларнинг олдини олиш муаммоларини ўрганишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу ўқув курсларини ўқитиш Юримдик институт, Ўзбекистон давлат Миллий университети, бир қатор университетларнинг юримдик факультетлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси каби олий таълим муассасаларининг ўқув дастурига киритилган.

Криминология ва ўқувбузарликларнинг олдини олиш каби ўқув предметларини ўрганиш шу йўналишда етук илмий-педагогик мутахассислар тайёрлашни ҳам тақозо этади. Шу мақсадда мамлакатимизда криминологиянинг ўқув предмети, қолаверса, фан сифатида ривожланишига алоҳида эътибор қаратилганлиги туфайли унинг ҳар икки йўналишда жадал ривожланаётганлигини кўриш мумкин.

Ўтган йиллар давомида ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди, зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Криминология расман «Жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноий жазоларни ижро этиш» (12.00.08) каби тадқиқот олиб бориладиган фанлар рўйхатига киритилган. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳа йўналишида фан номзодлари, фан докторлари кўплаб тайёрланмоқда.

Криминологиянинг фан сифатида ривожланиш босқичлари. Криминологиянинг фан сифатида ривожланишига баҳо бериш учун ўқув предмети сифатида босиб ўтган босқичларини ҳам эътиборга олиш лозим. Шунга кўра, криминологиянинг ривожланиш босқичларини ҳар икки ҳолатни умумлаштирган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки криминология ўқув предмети сифатида шаклланиш бароба-

рида фан сифатида ҳам ўз илмий-назарий қарашларини бойитиб борди. Бинобарин, криминологиянинг ўтган қисқа тарихий шаклланиш жараёнининг кўрсатишича, шаклланиши кенг ва хилма-хил ижтимоий муносабатларни илмий таҳлили билан узвий боғланган. Бунинг сабаби, умумий муаммо, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг самарасини ошириш учун унинг тадқиқот объектига кирувчи муаммоларни чуқур ва атрофлича ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошганлигидандир.

Бу, биринчидан, турли соҳа олимлари ва тадқиқотчиларининг ўз касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан қизиқишлари криминология муаммолари билан боғланганлиги бўлса, иккинчидан, жиноятчиликни ўрганиш борасида тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимларнинг ўз эҳтиёжлари учун криминология муаммоларига чуқурроқ ёндашганликларидандир. Шу боис криминология соҳасидаги тадқиқотлар чегарасининг кенгайиши тадқиқотларнинг назарий асосларини яратишига асос бўлди.

Шунинг учун ҳам криминология барча фанлар ва, айниқса, ҳуқуқшунослик фанларининг бирдамлигини таъминловчи фан сифатида шаклланди. Криминология фан сифатида эътироф этилган вақтдан қанчалик узоқлашар эканмиз, унинг жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда зарур бўлган назарий асосларини ва амалиётдаги аҳамиятини яққолроқ сезамиз.

Криминологиянинг фан сифатида жадал ривожланиши фалсафа, социология, тарих, ижтимоий психология, психология, статистика, математика, аҳолишунослик, бошқарув назарияси, иқтисодиёт, тиббиёт ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқликка олиб келганлиги ўқувчига яхши аёндир.

Тўғри, шу ўринда уларнинг нафақат узвий боғланганлигига эътибор қаратиш, балки санаб ўтилган ҳар бир фан криминология муаммоларига аниқ мақсадлари асосида ёндашишларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Криминология илмий-назарий муаммоларининг жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларини ўрганиш ҳар бир фан билан ўзаро чегара мавжудлигини эътироф этган ҳолда, жиноятчиликнинг юзага келишида омил бўлган ҳар бир жараён ва ҳолатларни ўрганиш барча фанлар тадқиқотлари доирасига киришини ҳам кўрамиз. Зотан, криминология ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-ҳуқуқий фанга айланди.

Бу ўринда гап универсал криминологлар хусусида бораётгани йўқ. Бунда биз ўз ишининг мураккаб жиҳатларини чуқур англаган мутахассисларни эътиборга олмоқдамиз. Криминология муаммолари бўйича шуғулланаётган ҳар бир мутахассис маълум даражада (ҳуқуқшунос

сифатида ҳуқуқий фанларни билгани ҳолда) криминология бўйича тадқиқот олиб бориш учун ва ўз фаолиятини режалаштириш жараёнида жинойтчилик ва уни келиб чиқишига таъсир этувчи барча муаммоларни тадқиқ этишда умумилмий ҳамда илмий асосланган хусусий методларни билиши ва уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиши даркор. Буни криминология фаннинг талаби ва тутган ўрни тақозо этади.

Криминология фанининг шаклланиши ҳамда ривожланишида. Г. А. Аҳмедов, Б. А. Аҳмедов, А. А. Ахмадеев, Г. А. Аванесов, Б. А. Блиндер, А. А. Герцензон, З. С. Зарипов, И. Исмаилов, И. И. Карпец, М. И. Ковалев, В. Н. Кудрявцев, Н. Ф. Кузнецова, Г. М. Миньковский, Қ. Мирзажонов, С. С. Остроумов, А. Б. Сахаров, Х. Сулаймонова, М. Д. Шаргородский, А. С. Шляпочников, А. М. Яковлев каби россиялик ҳамда ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимларнинг хизматлари катта Шу билан бирга, ҳуқуқшуносликнинг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатиб, криминологиянинг тараққий этишига ҳисса қўшган олимларни ҳам кўрсатиш зарур. Булар Р. С. Белкин, Б. Е. Богданов, Г. Г. Зуйков, В. И. Курляндский, А. Г. Лекаръ, Б. А. Миренский, В. А. Лукашов, Б. С. Никифоров, Э. Н. Норбутаев, А. А. Пиантковский, Ю. С. Пулатов, А. Л. Ременсон, Т. Р. Саитбаев, А. А. Самандаров, Н. А. Стручков, И. Х. Ҳақимов, А. А. Ҳамдамов ва бошқалар.

Санаб ўтилган олимларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳам ўзларининг илмий-назарий хулосалари билан криминология фанининг ривожланишига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Криминология фани асосчилари. Юқорида айтиб ўтганимиздек, криминология ўзининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида маълум бир босқичларни босиб ўтди. Бу фаннинг ҳозирги даражага етишида унинг юзага келишига ҳисса қўшган олимларнинг ғоялари қанчалик зарур ва чуқур бўлганлигидан далолатдир.

Бу жараёнга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган олимларнинг илмий тадқиқотлари хулосаларига тарихий нуқтаи назаридан эмас, балки фанни янада ривожлантириш истиқболлари хусусида фикр юритган ҳолда ёндашиш лозим. Фаннинг дастлабки назарий асосларини яратиб, унинг манфаатлари учун зарур илмий тавсиялар қолдирган Алексей Адольфович Герцензон, Сергей Сергеевич Остроумов, Борис Самайлович Утевский, Михаил Давидович Шаргородский, Андрей Андреевич Пинтковский, Александр Семенович Шляпочников каби олимларни эслаш мақсадга мувофиқдир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, улар ўзлари яшаган даврдаёқ криминология тарихида қолишларига замин яратган эдилар. Бу олимлар нафақат криминологиянинг келгуси тараққиётига зарур бўлган илмий асосларни яратдилар, балки криминоло-

гиянинг ривожланишида зарур бўлган йўналишларни ҳам белгилаб бердилар. Бу йўналиш криминология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимлар учун катта аҳамиятга эгадир.

Тўғри, криминологиянинг фан сифатида шаклланишининг дастлабки даврида жуда кўп ҳуқуқшунос олимлар фан муаммолари хусусида фикр билдирганликларини кўриш мумкин. Бироқ айнан юқорида санаб ўтилган олимларнинг фикрлари илмий-назарий жиҳатдан асосли бўлгани учун ҳам кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Криминологиянинг ривожини учун яратилган илмий-тадқиқот мактаблари фандаги мавжуд илмий тажрибаларни мукамаллаштиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, фан унинг асосчилари «елкасида» бизгача етиб келган илмий таълимотлар манбаи бўлиб қолди.

Криминологиянинг ривожланиш босқичлари. Криминологиянинг ривожланиши жамиятда рўй берадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар асосида кечилишини асло назардан четда қолдирмаслик зарур. Зотан, криминология фан сифатида эътироф этилган дастлабки босқичида ва ҳозирда жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар бир-биридан фарқ қилишини эътиборга олиш лозим.

Криминология фан сифатида вужудга келган даврдан буён ўтган қисқа давр ичида жамият ҳаётида нафақат ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, балки шу билан боғлиқ ҳолда, кишиларнинг дунёқараши, онгида ҳам янгича фикрлашлар юзага келганлигини кўриш мумкин. Табиийки, бу ҳолат криминология фани ва унинг амалий аҳамиятига ҳам давр талаби асосида ёндашишни тақозо этмоқда.

Шу боис криминологик тадқиқотлар (ҳам назарий, ҳам амалий томондан) аниқ илмий ва амалий фаолият сифатида намоён бўлмоқда, фан эса жинойтчиликка қарши курашни таъминлаш учун илмий-назарий тавсиялар манбаи бўлиб қолаётганлигини кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, криминология давр талабига кўра ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтди.

Баён этилганидек, дастлаб у ўқув предмети сифатида мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда алоҳида мавқега эга бўлган фанлар қаторига чиқиб олди. Шу ўринда криминологиянинг жинойтчиликка қарши курашни ташкил этишда катта илмий-назарий манба эканлигини унутмаслик зарур.

Биринчидан, криминологлар томонидан жамият учун ёт бўлган қилмиш (жинойт)ни тор маънодаги ҳуқуқий тушунча эмаслиги ва унга нисбатан ижтимоий ҳамда психологик тушунча сифатида қараш эътироф этилди. Бу эса инсоннинг қилмишига нисбатан янги илмий нуқтаи назардан ёндашиш омилини юзага келтирди ва жинойтчиликнинг ҳу-

кукий жиҳатдан белгиланган чегарадан четга чиқувчи сабаб ва шароитларининг олдини олишда профилактика чора-тадбирлари жиноятчиликка қарши курашдаги бош йўналиш эканлиги ва, умуман, жиноятчиликка қарши курашдаги бу йўналишларнинг мураккаблиги, шу билан бирга, хилма-хил бўлишини исботлаш каби муаммоларга эътибор қаратилди.

Жиноятчиликка қарши курашда фақат тор маънодаги ҳуқуқий чеклашлар билан қаноатланмасдан, ижтимоий жиҳатдан ёндашиш ҳамда криминологик тадқиқотларни атрофлича (комплекс) тадқиқ этишга йўл очилди.

Иккинчидан, ҳозирги даврдаги мавжуд долзарб муаммоларни илмий таҳлил этиш масалаларига нисбатан янгича ёндашишга эътибор қаратилди.

Учинчидан, турли йўналишда амалга ошириладиган криминологик тадқиқотлар тизимини такомиллаштириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Ҳозирда эса бу тизим замон талабларига жавоб берадиган даражага келтирилди. Бу тизимга кирувчи, криминология бўйича илмий тадқиқот олиб боровчи илмий муассаса, олий ўқув юртлари, лаборатория, бўлим ва секцияларнинг вазифалари аниқлаштирилди.

Криминология бўйича тадқиқ этиладиган мавзулар режасини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Илмий ишлар олиб бориш юзасидан назорат ҳамда бу борада мувофиқлаштириш ишларининг самарасини оширишга эътибор қаратилди.

Тўртинчидан, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда иштираётган этувчи турли соҳа олимларининг ҳамкорлиги самарасини оширишдаги дастлабки қадамлар қўйилди. Илмий тадқиқот ва амалий фаолият йўналишларида комплекс ёндашишга эътибор қаратилди.

Бешинчидан, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар криминологларининг нуфузи ошди. Бунинг исботи сифатида криминолог олимларнинг кўпгина халқаро миқёсдаги илмий конгресс, симпозиум ва бошқа илмий анжуманларга кенг жалб қилинишини кўрсатиш мумкин. Бир қатор криминологлар ушбу фан таркибидаги илмий мактаб ва йўналишларнинг асосчилари сифатида эътироф этилган.

Криминологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. Фаннинг асосий муаммолари ўзига хос аниқ мақсадларда ва атрофлича ҳамда тегишли йўналишларда ўрганилади.

Жумладан, фаннинг назарий ва методологик асослари (А. А. Ахмадеев, З. С. Зарипов, И. Исмаилов, И. И. Карпец, М. И. Ковалев, В. Н. Кудрявцев, Н. Ф. Кузнецова, Г. М. Миньковский, Қ. Мирзажонов, С. С. Остроумов, А. Б. Сахаров, М. Собиров, А. С. Шляпочников, А. М. Яковлев), ушбу фан тармоғининг тарихий шаклланиши қонуният-

лари (Н. А. Стручков, А. С. Шляпочников), жиноятчилик сабаблари (Б. А. Блиндер, И. И. Карпец, В. Н. Кудрявцев, Н. Ф. Кузнецова, А. М. Яковлев), жиноятчи шахсини ўрганиш йўналишларида (Ю. М. Антонян, Ю. Д. Блувштейн, П. С. Дагель, А. И. Долгова, К. Е. Игошев, Н. С. Лейкина, И. С. Ной, Ю. С. Пулатов, В. Н. Фадеев, В. Д. Филимонов) тадқиқотлар олиб борилган. Бу муаммоларни тадқиқ этиш кенг миқёсда олиб борилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Бунинг сабаби олимлар томонидан ижтимоий тадқиқотларга катта қизиқиш билан қаралаётганлиги ва чуқур назарий умумлаштириш жараёни рўй бераётганлигидир.

Шунингдек, алоҳида эътибор статистик (Н. Н. Кондрашов, С. С. Остроумов, Г. И. Саломаха) ва математик (Ю. Д. Блувштейн, С. Е. Вицин, В. В. Панкратов) тадқиқотларнинг йўлга қўйилаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир йўналиш – криминологияда илмий башорат (прогноз) қилиш, режалаштириш ва моделлаштириш йўналишларида ҳам сезиларли тадқиқотлар амалга оширилмоқда (Р. М. Абизов, Ю. Д. Блувштейн, С. Е. Вицин, В. К. Звирбуль).

Жиноятчиликка қарши курашда долзарб бўлган масала «жиноятчилик географияси»ни ўрганиш ҳисобланади. Бу йўналиш ҳам криминологияда катта тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Демография билан боғлиқ вазиятлар ҳамда жараёнлар (М. М. Бабаев, Э. В. Кузнецова, Е. Б. Урланис, Э. Норбўтаев), турмушдаги айрим вазиятларнинг жиноятлар содир этилишидаги ўрни (Ю. М. Антонян, А. И. Долгова, О. Муродов), латент (яширин) жиноятларни ўрганишнинг назарий асослари ва методикасини ишлаб чиқиш (И. Л. Шрага, А. А. Конев) кабилар ана шундай тадқиқот объектлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда криминологиянинг эътибори вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик муаммоларига қаратилганлиги диққатга сазовордир (З. С. Зарипов, У. Абдуғаниев, К. Е. Игошев, А. И. Долгова, Г. М. Миньковский, Қ. Мирзажонов, А. А. Самандаров), шунингдек, аёллар содир этаётган жиноятларнинг криминологик тадқиқоти ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда (К. Р. Абдурасулова, Г. С. Шарипова).

Криминолог олимлар жиноятчиликнинг юзага келишига таъсир этувчи айрим салбий жараёнларни тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Бир қатор ижтимоий, психологик, иқтисодий, ғоявий, сиёсий, демографик масалалар ва уларнинг жиноятчиликка таъсир этиш ҳолатларининг илмий-назарий таҳлил этилаётганлиги шулар жумласидандир (З. С. Зарипов, В. Н. Кудрявцев, В. В. Клочков, Қ. Мирзажа-

нов, У. Таджиханов, В. Н. Фадеев, А. М. Яковлев). Виктимология (бу йўналиш асосчиси Л. В. Франк) муаммоларини ўрганишга (Г. Г. Абдуллаҳўжаев, В. Д. Ривман, А. А. Самандаров) бўлган қизиқиш ортганлигини ҳам эътироф этиш зарур.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган (П. С. Дагель, В. Е. Квашиш) жиноятлар ва ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларининг (А. Д. Герцензон, В. Т. Тарасеевич, И. Х. Ҳақимов, И. Л. Шрага, П. Б. Бакунов) криминология нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши ҳам ўз мазмун ва моҳиятига эга.

Жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларини яратишга, илмий-назарий жиҳатдан ёндашишга эътибор кучайтирилган (А. П. Закалюк, А. А. Самандаров, М. С. Сабиров). Бир қатор хорижий давлатлар олимларининг (И. И. Карпец, Н. Ф. Кузнецова, Ф. М. Решетников) криминология соҳасида олиб бораётган тадқиқотларининг моҳиятини очиб беришга қаратилган илмий тадқиқотларни кўриш мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда амалга ошириладиган профилактика ишларини ташкил этишнинг илмий тадқиқоти (Г. А. Ахмедов, Б. А. Блиндер, Н. И. Загородников, М. С. Зарипов, А. К. Иркаходжаев, И. Г. Филановский, М. Х. Рустамбаев, М. Усмоналиев), жиноят процесси ва криминалистика (Р. С. Белкин, С. В. Бородин, Г. Г. Зуйков, Б. А. Миренский, И. М. Лузгин), жинойи жазоларни ижро этиш ҳуқуқи (Л. В. Багрий-Шахматов, А. И. Марцев, Ю. С. Пулатов, Н. А. Стручков, А. Н. Ременсон, А. А. Шамансуров, И. В. Шмаров), оператив қидирув фаолияти (Б. Е. Богданов, Д. В. Гербильский, А. Г. Лекарь, В. А. Лукашов, Ю. С. Пулатов, Т. Р. Саитбаев, У. Таджиханов, А. А. Ҳамдамов)ни криминологик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва тадқиқотлар олиб бориш сезиларли даражада ортмоқда.

Шу қатори бошқа ҳуқуқий фанлар томонидан ҳам криминологик муаммоларни тадқиқ этиш ва ушбу фан тавсияларидан ўз тармоқ манфаатларида фойдаланишни йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда криминология йўналишида халқаро ҳамкорлик қилиш ва ўзаро тадқиқотлар олиб бориш ишларини ташкил этишда бир-бири билан узвий боғлиқ тизим юзага келганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, Украинада криминология муаммоси билан А. П. Закалюк, А. Ф. Зелинский, А. С. Тарарухин каби олимлар фаолият кўрсатаётган бўлсалар, Латвияда Э. Я. Стумбина, Р. Э. Эльбур, А. Н. Подрадов, Литвада Ю. Д. Блувштейн, Эстонияда Х. А. Рандалу, Қозоғистонда У. С. Джекебаев, Е. И. Каиржанов, Туркменистонда А. Аманов, Арманистонда Г. С. Саркисов, Грузияда А. А. Габиани, И. Г. Угрехамидзе,

Санкт-Петербургда Н. С. Лейкина, Б. В. Волженкин, Владивостокда П. С. Дагель, Свердловскда М. И. Ковалев, Саратовда И. С. Ной каби олимлар кенг миқёсда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Криминология муаммоларини атрофлича тадқиқ этишда республикамизда ҳам ўзига хос тажриба мактаби мавжуд. Айниқса, давлат мустақиллиги шароитида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш борасида зарур тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотлар янгидан яратилган қонунлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Зотан, мустақил давлатнинг қонунлари бевосита шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда охириги йилларда К. Р. Абдурасулова, П. Б. Бакунов, З. С. Зарипов, М. С. Зарипов, И. Исмаилов, Ф. Тохиров, Ю. М. Каракетов, Қ. Мирзажонов, Ю. С. Пулатов, М. Х. Рустамбаев, М. С. Собиров, А. А. Самандаров, М. Усмоналиев, А. А. Шамансуров каби олимлар томонидан криминология муаммолари бўйича бир қатор дарсликлар, монография ва ўқув қўлланмалари яратилганлигини кўриш мумкин.

Криминология нуқтаи назаридан атрофлича тадқиқотлар олиб бориш илмий билишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигидан келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳам фан тадқиқотлари кўйилган барча мақсадларга эришди, дейиш мутлақо ноўриндир. Зеро, жамият ривожини муттасил равишда ҳар бир фан олдига янгидан-янги муаммоларнинг ечимини топишни кўндаланг қилиб қўяверади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Криминология нимани ўрганади?
2. Криминологияда жиноятчиликни тадқиқ этишдаги ўзига хос ёндашувлар нималарда намоён бўлади?
3. Криминологиянинг вазифалари (функцияси) нималардан иборат?
4. Криминологик тадқиқотлар қайси методлар асосида ташкил этилади?
5. Криминология тизими қандай шаклланган?
6. Криминология ўз тадқиқотларини ташкил этиш жараёнида ҳуқуқий фанлардан ташқари яна қайси ижтимоий ёки табиий фанлар билан ҳамкорлик қилади?
7. Криминология қайси ҳуқуқий фанлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради?

II боб

ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1-§. «Жиноятчилик» тушунчаси ва уни ўрганишнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти. Унинг турлари ҳамда миқёси

Криминология фанининг тадқиқот доирасига кирувчи жиноятчиликка атрофлича тавсиф бериш катта илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

«Жиноятчилик» тушунчаси. Жамият ижтимоий ҳаётида ўзига хос салбий ҳолат сифатида эътироф этиладиган жиноятчилик бир қатор хусусиятларни ўзида мужассамлантирган кенг маънодаги атама бўлиб, категория сифатида маълум бир мазмунга эга. Жиноятчилик мавжуд воқеликда шахс ва шахснинг жиноий хатти-ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқликни билдиради. Жиноят содир этувчи шахснинг жиноят билан боғлиқлиги эса ўзига хос хилма-хилликдан иборатдир.

Шу билан бирга, жиноятчилик умумий миқёсда жиноятлар ва жиноятчиларнинг барча индивидуал жиҳатларини ўзида мужассамлантирган ҳолда «шаклланади» ҳамда барчасига хос бўлган умумий белгиларни ҳам ўзида намоён этади. Бу эса, жиноятчиликнинг умумий миқдорини англатган ҳолда, унинг содир этилиш ҳудуди ва аниқ вақтларини ҳам белгилаш имконини беради.

Ушбу ҳолатда умумий миқдор расман жиноятчиликнинг миқдорини англатса-да, жиноятчиликнинг «хилма-хиллиги» унинг турли сифатларга эга эканлигини билдиради. Яъни жиноятчиликнинг умумий миқдори юзта деб қайд этилса, ҳар бир жиноят ёки, умуман, турли қонунбузарликлар айнан шу юзта ҳолатда турлича нисбатда учраши мумкин.

Жиноятчилик мавжуд воқелик сифатида ўзига хос бўлган белгилар ва хусусиятларнинг мантиқан боғлиқлигини умумлаштиради, яъни жиноятчилик оммавий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан намоён бўлади.

Жиноятчиликнинг ушбу белги ва хусусиятлари эса унинг тушунчасини ифодалайди. Демак, жиноятчилик қиёсий жиҳатдан оммавий бўлиб, у ёки бу давлат жиноят қонунчилиги билан жиноят деб белгиланган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг маълум бир давр оралиғида бузилишидир.

Жиноятнинг белги ва хусусиятлари умумий, шу билан бирга, мажбурий ҳолда эътироф этилмоғи лозим. Яъни бу «жиноятнинг таркиби»ни англатади.

«Жиноятчилик» тушунчаси ўз ичига нафақат умумий маънодаги жиноятларни, балки кенг маънода гуруҳий жихатдан ўзаро мансуб бўлган жиноятларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда жиноятчиликка хос бўлган умумий (умумий жихати), махсус (гуруҳий мансублиги) ва алоҳида (жиноятни) олинган тушунчаларни эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг турлари ва элементлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жиноятчилик турлари. Жиноятчиликнинг ўз хусусиятларига кўра қуйидаги икки турга бўлиниши ҳозирги кунда криминология фани томонидан эътироф этилган. Булар биринчи бор жиноят содир этиш (биринчи бор содир этилган жиноятнинг турлари) ва қайта ёки рецидив жиноятлар (рецидив жиноятларнинг турлари)дан иборатдир.

Жиноятчиликнинг бу икки тури, ўз навбатида, аёллар ва эркеклар томонидан содир этиладиган жиноятчилик турларига бўлинади. Жиноятчиликни шу тариқа табақалаштириш эркеклар ва аёллар жиноятчилигини ёш жихатдан ҳам икки турга, яъни вояга етган ва етмаганлар жиноятчилигига ажратишни тақозо этади.

Бугунга келиб криминологияда жиноятчиликнинг ўн тўрт тури мавжуд деб эътироф этилган бўлиб, ҳар бир турдаги жиноятчилик ўзига хос бўлган жиноят гуруҳларини мужассамлаштиргандир. Бу эса жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни аниқ белгилашга ёрдам беради.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, жиноятчилик элементларини белгилашда «жиноятчиликнинг умумий ҳолати» ва «жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари»ни ўз мазмун-моҳиятига кўра таърифлаш лозим. Умуман, жиноятчиликнинг қуйидаги тўртта, яъни умумий ҳолати, даражаси, динамикаси ва тузилиши каби элементлари мавжуддир.

Жиноятчиликнинг таркибий тузилиши. Маълумки, жиноятчилик оддий арифметик йиғинди сифатида миқдоран кўриб чиқилмайди, балки шу жиноятлар ўртасидаги «ўзаро боғлиқлик» хусусиятларидан келиб чиқувчи таркибига кўра баҳоланади. Жиноятларнинг турлича бўлиши ва улар ўртасидаги «ўзаро боғлиқлик» жиноятчиликнинг таркибий тузилишини билдиради.

Таъкидланганидек, жиноятчиликнинг таркибий тузилиши маълум бир вақт оралиғида у ёки бу ҳудудий бирликда содир этилган алоҳида турдаги ёки тоифадаги жиноятларнинг миқдорини умумий жиноятлар

ҳисобида тутган ўрнини ифодалайди. Агар жиноятларнинг умумий ҳолати ва миқдор кўрсаткичлари жиноятчиликнинг сони ва сифатини кўрсатса, жиноятчиликнинг таркибий тузилиши унинг сифат даражасини англатади. Умуман олганда, жиноятчиликнинг санаб ўтилган барча элементлари, ўз моҳиятига кўра, жиноятчиликнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини таҳлил этишга ёрдам беради.

Жиноятчиликнинг таркибий тузилишини билиш бу ижтимоий-салбий иллатни илмий билишга имкон яратади. Ушбу узвий боғлиқликни атрофлича ўрганиш эса жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Ушбу масалани ҳал этишда қуйидаги икки йўналишда иш олиб бориш тақозо этилади. Биринчиси, жиноятчиликнинг ички томондан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бир бутун муаммо эканлиги, иккинчиси, жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жамият ҳаётидаги мавжуд у ёки бу ижтимоий муносабатларда тутган ўрни.

Жиноятчилик динамикаси. Жиноятчиликнинг ушбу элементи маълум бир вақт оралиғида унинг ҳаракатланиши (ўзгариши) ҳисобланади. Жиноятчилик динамикаси (ҳаракати) деганда фақат жиноятчилик миқёси билан боғлиқ ҳаракат тушунилади. Бироқ бу ушбу тушунчанинг тор маъносидир.

Жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий иллат сифатида. Криминология жиноятчиликни ижтимоий ҳаётдаги иллат сифатида ўрганади ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан мавжудлигини ҳам инобатга олади. Жиноятчилик жамият учун хавфли ижтимоий-ҳуқуқий иллат бўлиб, салбий хусусиятга эга.

Демак, жиноятчилик мавжуд ижтимоий воқелиқдир. Унинг ижтимоийлиги шахслар томонидан жамиятда ўрнатилган яшаш қоидаларини бузишга қаратилган ножўя ҳаракат (ёки жиноят)ларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Жиноятчилик муаммоларига ижтимоий томондан ёндашилса, унинг ижтимоий хавфлилигини белгилаш имкони юзага келади.

Ўз навбатида, жиноятчиликнинг ижтимоий моҳияти унинг жамият манфаатларига мос келмаслиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг юзага келиши ҳар бир жамиятнинг ҳаёт тарзи билан узвий боғлиқдир. Ижтимоий жиҳатдан ножўя хатти-ҳаракат (ёки жиноят) қонун асосида белгиланади ва қонун асосида жазоланади. Бу эса жиноятчиликнинг моҳиятини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида тадқиқ этилиши криминология нуқтаи назаридан эътироф этилган.

Жиноятчиликни ўрганишнинг моҳияти. Ҳар бир ижтимоий воқелик, шунингдек, жиноятчиликни ўрганиш ҳам ўз моҳиятига эга. Зотан, криминология жиноятчиликни мавжуд воқелик, «яхлит бир организм» сифатида ўрганади.

Ушбу «организм» асосан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилади. Бу ўринда жиноятчилик умуман яхлит ҳолатда, унинг ўзига хос аломатлари ҳам айнан умумлашган ҳолда ҳамда фақат ижтимоий-ҳуқуқий йўналишда ўрганилади, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Маълумки, у ёки бу ҳодисанинг моҳияти унинг ўзига хос ички ва умумий тавсифи берилишини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликни ўрганишда унинг ички, ижтимоий ва ташқи хусусиятлари ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилади, деган фикрга ҳам келмаслик керак. Жиноятчиликнинг биринчи ёки иккинчи томондан кўриб чиқилиши моҳиятни англатади дейиш ноўриндир. Жиноятчиликни фақат бир томондан, яъни ижтимоий-ҳуқуқий томондан яхлит воқелик сифатида ўрганиш лозим.

Шунингдек, жиноятчиликни ўрганиш моҳият жиҳатидан унинг ўзига хос бўлган барча «кўрсаткичларини» мавжудлигида ҳам эмас. Тўғри, ҳар бир ҳолатда моҳият чуқур маънога, воқелик эса кўп қиррали мазмунга эга ва моҳият ҳам, воқелик ҳам бир-бири билан ўзаро мутаносиблик асосида шаклланади, яъни моҳият у ёки бу воқеликни келтириб чиқаради ва ифодалайди, воқелик эса моҳият билан эътиборлидир.

Ижтимоий ҳаётда жиноятчилик мавжуд бўлганлиги учун ҳам айнан моҳият жиҳатидан ўрганилади. Чунки жиноятни моҳият жиҳатидан ўрганиш ижтимоийдир, унинг мавжудлиги эса ҳуқуқий жиҳатдан белгиланганлигидадир. Жиноятчиликда моҳият ва воқелик чамбарчас боғланган. Зотан, фалсафа нуқтаи назаридан келиб чиқилганда, моҳият воқеликсиз мавжуд эмас ва моҳиятнинг ўзи ҳам мавжуд воқелик эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шу билан бирга, моҳият воқеликка хос бўлиб, доимий равишда ўзгариб туриши мумкин (яъни моҳият жиҳатидан ўрганиш ва ўрганишга бўлган муносабат ҳам).

Кўриниб турибдики, жиноятчилик моҳиятининг ўзгариши билан бирга, унинг мавжудлиги ҳам ўзгаради ёки ниҳоясига этади. Моҳият жиноятчиликнинг мавжудлигини ўрганиш билан боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятчиликни моҳият жиҳатидан ўрганиш тадқиқотнинг барча йўналишларида уни ижтимоий-ҳуқуқий воқелик сифатида эътироф этишни талаб этади.

Жиноятчилик тизими. Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳар қандай тадқиқ этилаётган объектни чуқур ўрганиш унинг таркибий тузилишини аниқ белгилаш билан боғлиқдир. Бироқ тадқиқ этилаётган

объект (воқелик, жараён)ни ўзига хос таркибий тузилиши ёки яхлитлигича ўрганиш ҳам мумкин. Бу каби йўналиш ҳам жинойтчиликни ўрганишда аниқ ифодасини топмоғи зарур. Гап шундаки, «тизим» атамаси турли соҳаларда жуда кенг қўлланилади ва турли маъноларда ишлатилади. Тизим нима, деган саволга жавоб топиш учун эса, биринчи галда, «тизимсизлик» деган иборанинг мазмунини билиш лозим.

Шу ўринда жинойтчиликни мисол тариқасида оладиган бўлсак, унинг «тизими» қандай ёки «тизимсизлиги» нималарда ифодаланади, деган савол туғилиши табиий. Жинойтчилик кўп ҳолларда жинойтларнинг умумлашган миқдори сифатида эътироф этилади. Ваҳоланки, бу ўринда жинойтчиликни «тизим» сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. Бинобарин, жинойтчилик умумий ва яхлит воқелик сифатида бир қатор жинойтлар хусусиятларини интеграл боғлиқлигини ифодаловчи яхлит воқеликнинг ифодасидир.

Бундан кўриниб турибдики, барча умумлашган миқдор ва таркибан хилма-хиллик интеграция, яъни ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган хусусиятларнинг яқинлашувидир. Айнан шу бир-бири билан яқинлик ва алоқадорлик «тизим» тушунчасининг ифодасидир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, жинойтчилик маълум бир тизим асосида ёки тизимсиз ҳолда тадқиқ этилиши мумкин.

Маълумки, жинойтчилик учун хос бўлган хусусият унинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс элементларининг мавжудлигидир. Ўз вақтида жинойтчилик жамиятдаги мавжуд ҳодиса ёки шароит билан боғлиқ бўлган кенг қамровли тизимдан иборатдир (жамиятнинг ижтимоий тизими). Жинойтчиликнинг турлари (қиёсан олганда элементлари), ўз хусусиятларига кўра, умумий тизимнинг бир тармоғи ҳисобланади.

Шу билан бирга, айрим турдаги жинойтлар ҳам жинойтчилик тизимига кирувчи элементдир. Шунга кўра, жинойтчилик ўз таркибига бир-бирига боғлиқ элементларни мужассамлантирган ҳолда бир бутун тизимни ташкил этади. Жинойтчилик доимий ҳаракатдир, яъни кенг миқёсидаги ижтимоий шароитда ўзгаради ва ўзига хос кўринишга ёки мазмунга эга бўлиб боради.

Жинойтчиликнинг мазмун ва моҳиятига кўра ўзгариши унинг элементларининг ҳам шаклан ўзгаришига олиб келади. Жинойтчилик элементларини ўзгариши эса айрим турдаги жинойтлар ва, умуман, жинойтчилик турларининг ўзгаришига ҳамда шаклланишига олиб келади. Бунда жинойтчиликнинг воқелик сифатидаги «ташқи» ўзгаришлари рўй беради.

Жиноятчиликни алоҳида воқелик сифатида кўриб чиқиш лозим. Чунки унинг ўзи алоҳида сифатларга эга ва ушбу сифатлар унинг элементларида мавжуд бўлмаслиги мумкин (баъзи ҳолларда унинг бир сифати бир ёки бир неча элементларда учрамаслиги мумкин).

Ушбу ҳолат ўзига хос тизим сифатида фақатгина жиноятчиликка хос бўлган фаолиятни англатади. Зеро, жиноятчиликнинг жамият ҳаётига зид бўлган ижтимоий воқелик каби сифатини назарга олмоқ зарур. Умуман олганда, жиноятчилик жамият таъсири остида, жамият нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда доимий равишда ўзгариб туришини кўриш мумкин. Бироқ, таъкидлаш жоизки, ҳеч бир жамият жиноятчиликнинг ривожланишини истамайди, балки жиноятчиликни иллат сифатида «йўқотиш» чорасини кўради.

Шу тариқа жиноятчилик ўзининг кенг қамровли ўрнини бошқа ижобий ўзгаришлар учун «бўшатиб беришга» мажбур бўлади. Бу каби жараён ижтимоий жамиятдаги мавжуд жиноятчиликни «сиқув» остига олади ва жинойий бўлмаган ижтимоий тизим жиноятчиликка ўзаро қарама-қарши куч сифатида шаклланади. Айнан шу ижтимоий тизим жиноятчиликка қарши кураш каби ижобий воқеликни юзага келтириши ва жиноятчиликнинг барҳам топишига шароит яратиши мумкин.

Яширин (латент) жиноятчилик. Ҳозирги кунда криминологияда яширин (латент) жиноятлар дейилганда, жиноятга дахлдор ишларни қонун асосида кўриб чиқишга ва тергов ҳаракатларини юритишга ваколатли давлат органларига хабар келмаган ёки тегишлича ахборот-ҳисоб юритиш рўйхатидан ўтмаган жиноятларни тушуниш эътироф этилади.

Ушбу умумий тушунча орқали яширин жиноятчиликнинг оддий, оралиқ ва сунъий яширинлик каби гуруҳлари белгиланган. Биринчи гуруҳга кирувчи жиноятлар тўғрисидаги хабар тегишли давлат органларига ёки шахсга маълум бўлмаганлиги билан изоҳланади. Иккинчи гуруҳдаги ҳолатда эса жинойий хатти-ҳаракатлар оқибатида рўй берган ҳодиса жиноят деб идрок этилмайди ва ноаниқлигича қолади. Учинчи гуруҳдаги жиноятларда эса жиноятчилик ҳолатлари ғайриқонуний тарзда инкор қилинади ва тегишлича рўйхатга олинмайди.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирида ўзига хос умумийлик мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса жиноятчилик ёки унга тааллуқли хабарнинг йўқлиги, шунингдек, объектив воқеликдан келиб чиққан ҳолда сунъий ҳамда қасддан яшириш ҳолатларнинг мавжудлигидир. Айнан шу каби хабар келмайдиган ёки яширин жиноятлар, юқорида таъкидланганидек, жиноятчиликнинг яширинлик ҳолатини ифодалайди.

Жиноятчиликнинг яширинлик ҳолати ва, айниқса, унинг миқдори (миқёси) ҳозирги кунда криминология нуқтаи назаридан энг долзарб

муаммо ҳисобланади ва ушбу муаммо кам ўрганилганлиги боис жаҳон олимларининг эътиборини ўзига қаратмоқда. Яширин жиноятчиликнинг миқдорини аниқлаш ва унга баҳо бериш эса мутахассислар томонидан жиноятчиликка умумий баҳо беришда катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган.

Таъкидлаш жоизки, яширин жиноятчиликнинг мавжудлиги ва унинг миқёси, яширин жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаб ҳамда шароитлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Яширин жиноятчиликнинг гуруҳларга бўлиниши ҳам уларнинг содир этилишига турли сабаб ва шароитларнинг таъсиридир. Ҳар доим ҳам жиноятчиликнинг умумий ҳолати ёки миқёси тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш қийин. Шунинг учун ҳам қонунчилик, ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, у ёки бу жиноий иш юзасидан жиноят иши қўзғатилишини ва бунда фақат жабрланувчининг аризаси эътиборга олиншини кўзда тутади. Шунингдек, баъзи жиноят ишлари суд томонидан дастлабки тергов ёки суриштирув ишлари ўтказилмай ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Табиийки, бундай ҳолларда жиноятлар бирламчи рўйхатдан ўтмаган бўлади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган баъзи жиноят ишлари маҳаллий бошқарув идораларининг комиссиялари томонидан кўриб чиқилади. Шу боис ҳам бир қатор жиноятлар умумий статистика маълумотларига кирмаслиги кузатилади. Шу ўринда жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишга масъул бўлган давлат идораларининг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсиз ходимлари айби билан ҳам айрим жиноятлар умумий ҳисобга олинмаган ҳолларни учратиш мумкин. Асоссиз равишда жиноят иши қўзғатмаслик, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш, «оқлаш» ҳукмини чиқариш кабилар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам жиноятчиликни ўрганишда унинг умумий ҳолатини кўрсатишга салбий таъсир этувчи омилларни инобатга олмаслик мумкин эмас. Бу каби вазиятларда яширин жиноятлар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш зарур, чунки яширин жиноятларни сунъий равишда кўпайишига таъсир этувчи салбий ҳолатлар жиноятчиликка умумий баҳо беришга таъсир этмаслиги лозим.

Бир қатор олимларнинг фикрича, жиноятчилик ўзида хилма-хил маълумотларни мужассам этган ижтимоий иллат сифатида эътироф этилади. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин. Зотан, кейинги пайтларда анъана тусига кириб қолган ва жиноятчилик хусусидаги маълумотларни фақат абсолют ёки қиёсий томондан чеклаш ҳамда криминология нуқтаи назаридан тизимга хос бўлмаган тарзда белгиланишидан ташқари бўлган имкониятлар ҳам мавжудлигини эса тутиш лозим.

Шунингдек, яширин жиноятчиликка хос бўлган доимийликни, шу билан бирга, зарур вазиятларда аста-секинлик билан ўзгара олиш хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Тўғри, жиноятчиликка умумий таъриф беришда баъзи ҳолларда унинг яширин хусусияти эътиборга олинмайди.

Фикримизча, ушбу ҳолатда муаллифлар латент жиноятларнинг моҳиятини бир қадар бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Зотан, у ёки бу воқеликни таҳлил этишда ушбу воқеликка хос бўлган барча маълумотларни тўплаш шарт эмас. Энг асосийси, воқеликни илмий билишнинг тўғри йўлини топмоқ керак.

Жиноятчиликни илмий билишда мавжуд ва таҳлил этиш мумкин бўлган маълумотлар асосида иш кўриш мақсадга эришишдаги катта омил бўлишини инобатга олиш лозим.

Шунинг учун ҳам жиноятларни таҳлил этишда математик методларга таяниш мақсадга мувофиқдир. Чунки математик методлар ва қиёслаш орқали «чекланган» миқдор асосида умумий миқдордаги вазият аниқ таҳлил этилади. Табиийки, жиноятчиликнинг умумий ҳолати хусусида фикр юритилганда унинг латентлик ҳолати ҳам инобатга олинади.

Жиноятчиликнинг ўзаро боғлиқлиги. Жиноятчилик жамиятдаги мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар билан узвий боғлиқ. Ўз навбатида ушбу ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар асосида юзага келадиган салбий ҳолатлар жиноятларнинг келиб чиқишида етакчи ўрин тутади.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг юзага келиши маълум бир қонуниятлар асосида кечади. Шунинг учун ҳам айнан шу каби боғлиқликни жиноятчиликни келтириб чиқарувчи шароит сифатида эътироф этиш лозим. Демак, жиноятчилик жамият ҳаёти билан боғлиқ ва жамият ҳаётидаги барча салбий иллатлар жиноятчиликни келтириб чиқаради.

Жамият ҳаётидаги салбий иллатлар, ўз навбатида, унинг манфаатларига мос келмайдиган ҳолатлардир. Айнан шундай ҳолатлар қонун асосида мувофиқлаштирилади ва чегараланади. Бу эса ижтимоий яшаш тарзи талабларидан келиб чиқиб яратилади. Бунинг учун жамият ҳаётида рўй берадиган жиноят билан боғлиқ воқелик ва ҳолатларни тўғри аниқлаш даркор. Фақат шундагина шахс ва жамият манфаатларига зид жиноий хатти-ҳаракатларни тўғри белгилаш мумкин. Жиноят шахс ва жамият манфаатларидаги мавжуд қарама-қаршиликлар оқибатида юзага келади.

Хўш, бу қарама-қаршиликларни тугатиш мумкинми? Бу муаммони ҳал этиш эса маълум бир чора-тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу ўринда жамият манфаатларига зид бўлган барча

хатти-ҳаракатлар, умуман олганда, ножўя ҳаракат ва жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Профилактик чора-тадбирларни қўллаш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этишга эришиш мумкин ва таъкидлаш жоизки, бунда ушбу қарама-қаршиликлар ҳамда қўлланиладиган чора-тадбирларни илмий асослантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай муаммоларни ҳал этиш ўзига хос мураккаб жараёндир. Жиноятчиликнинг ўзаро боғлиқлигида энг асосий бўғин шахснинг хатти-ҳаракатлари эканлигини ёдда тутиш зарур.

Ўзаро боғлиқликнинг аниқ вазиятларда қандай намоён бўлишини англаш учун жамиятдаги мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар (ташқи омил) ва шахс ҳаракатлари (ички омил)нинг ўзига хос хусусиятларини аниқ ифодалаш зарур. Бу эса жиноятчиликка қарши курашни криминология нуқтаи назаридан ва фалсафий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга кенг имконият яратади. Албатта, бунда тадқиқот фақатгина мавжуд қарама-қаршиликларнинг ўзини эмас, балки ушбу қарама-қаршиликлар оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларни ҳам тадқиқ этишни тақозо этади.

Жиноятчилик оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатлар турлича бўлиши мумкин. Салбий ҳолатлар жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг турли соҳаларида юзага келади ва жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Тўғри, жиноятчиликнинг жамият тараққиётига кўрсатаётган салбий таъсирининг нафақат миқдори, балки маънавий зарарини ҳам эътиборга олиш керак. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг жамиятга келтирадиган, кўрсатадиган зарарини рақамлар асосида ҳисоблаш нотўғридир.

Айрим ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар «кам аҳамиятлилиги» тугайли умумий ҳисобга олинмайди ва эътибордан четда қолади. Бундай ҳолатлар жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга таъсир этади. Оқибатда жамият тараққиётида жиноятчилик таъсирида ўзига хос шароит юзага келади. Бу жамиятга бевосита ёки маълум бир жиҳатдан қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш вазифасини юклайди.

Бу, биринчидан, жиноятчиликнинг юзага келиши бўлса, иккинчидан, юзага келган жиноятчиликни тугатиш билан боғлиқ ҳаракатларни қоплаш ёки жамиятга етказилган маънавий зарарни тугатишда ўз ифодасини топади. Бинобарин, жиноятчиликнинг жамиятга салбий таъсирини баҳолаш учун кўрсатилган ҳар икки ҳолатни ҳам инobatга олиш талаб этилади. Шунга кўра, жиноятчиликка оид салбий оқибатларнинг

олдини олишда қўйилган мақсад жамият хавфсизлигини таъминлаш учун унинг миқёсини чуқур ўрганишни шарт қилиб қўяди.

Жамият хавфсизлигини таъминлаш миқёси, ўз мазмунига кўра, «умумижтимоий» ва «индивидуал миқёс» каби тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам ифодалайди. Яъни ижтимоий ёки индивидуал вазиятларда жиноятчиликнинг салбий таъсири аниқ ифодаланиши ва жамият ҳамда унинг ҳар бир аъзосига етказилаётган зарар тўғри белгиланиши лозим. Бу эса маълум бир илмий асосланган методлар асосида амалга оширилади. Булар жамият аъзоларининг фикрини билиш, уларнинг «хавфсизлик миқёсини» аниқлаш, «жамият хавфсизлиги миқёсини» тўғри ифодалаш ва шу орқали хавфсизликни таъминлашга эришиш, шу билан бирга, жамиятнинг ҳар бир аъзосини жиноий тажовузлардан сақлашни таъминлаш ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда жиноятчиликнинг оқибатлари фақат назарий жиҳатдан эътиборга олинади ва баҳоланади. Бироқ жиноятчилик оқибатларини баҳолашда ўзига хос бўлган «харажатларни қоплаш»га етарлича баҳо берилмайди. Фикримизча, бунга алоҳида эътибор қаратилиши лозим ва бугунги кунда бу муаммони ечиш бўйича зарур илмий тавсияларни чуқур илмий-назарий асосларга таянган ҳолда ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратиш керак. Шу мақсадда жиноят натижасида жамиятга етказилган зарарни қоплаш борасида зарур бўлган илмий тавсияларни яратиш зарур. Бу вазифа жуда мураккаб ва долзарбдир.

Жиноятчиликнинг юзага келиши ва динамикаси нуқтаи назаридан ёндашилганда унинг нафақат бугунги кундаги, балки келгусида келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларини ҳам инобатга олиш лозим. Жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзгаришига ҳам таъсир этиши мумкинми? Шундай бўлса, ижтимоий-ҳуқуқий ўзгариш қай тарзда намоён бўлади? Ушбу саволларга жавоб топиш ҳам фан олдида турган катта вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш ижтимоий ривожланиш жараёнини бошқаришда зарур бўлган қарорлар чиқарилишига олиб келади.

Жиноятчиликнинг жамиятга етказадиган зарарлари, юқорида айтиб ўтилганидек, моддий ва маънавий кўринишларда бўлади. Табиийки, бу каби зарар жамият аъзоларига жисмоний, руҳий, маънавий томондан таъсир этиши билан бирга, сиёсий, ғоявий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан умумжамият манфаатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Демак, жиноятчилик кишилиқ жамияти тараққиётига раҳна солувчи жараёндир, у шахснинг маънавий камолотига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Оқибатда шахснинг руҳий ҳолати бузилади. Бу каби ўзгаришлар эса фанда криминоген оқибатлар деб юритилади.

Фалсафа нуқтаи назаридан қаралганда жамиятда ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирилиши биринчи галда шахс манфаатларини, яъни унинг хавфсизлиги, дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқларини таъминлашга қаратилиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда жамиятда умумий муросани юзага келишини давлат жорий этадиган қонунлар билан узвий боғлаш мақсадга мувофиқдир.

Жамият манфаатларини ифодаловчи қонун талабларига жиноий тажовуз қилиш ва, умуман, жиноятчиликнинг мавжудлиги бу йўналишда фан, шу жумладан криминология фани томонидан зарур ва илмий-назарий жиҳатдан етук тавсиялар яратилишини тақозо этади.

2-§. Жиноятчилик кўрсаткичлари

Криминология нуқтаи назаридан жиноятчилик кўрсаткичлари, яъни миқдори қуйидаги тўрт йўналиш орқали баҳоланади:

- а) жиноятчиликнинг умумий ҳолати;
- б) тузилиши;
- в) динамикаси;
- г) даражаси.

Шунингдек, жиноятчилик кўрсаткичлари унинг оқибатида юзага келадиган моддий ёки маънавий зарарнинг ҳажми, шакли ва хусусиятларини ҳам ўз ичига олади.

Баъзан жиноятчиликка қарши курашга жалб этилган ялпи моддий харажатлар ҳам жиноятчиликнинг кўрсаткич ифодаси сифатида эътироф этилганлигини кўриш мумкин.

«Жиноятчиликнинг кўрсаткичлари» тушунчаси борасида ҳуқуқшунослар орасида ўзига хос турлича ёндашувлар мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу тушунчани тўғри англаш учун, уни кенг ёки тор маънода талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

«Жиноятчилик кўрсаткичлари» тушунчаси кенг маънода ўз ичига нафақат жиноятчиликнинг умумий миқдорини, балки тизими ва динамикасини ҳам олади ҳамда санаб ўтилган ҳар бир жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради.

Тор маънода эса жиноятчилик умумий миқдорининг у ёки бу давр оралиғидаги ёки тарихий босқич давомидаги ҳолати тушунилади. Шу ўринда «жиноятчиликнинг ҳолати» фақат жиноятчиликними ёки унинг турли кўринишлариними, шунингдек, фақат жиноятчиликнинг турли кўринишлариними ёки жиноятчиларни ҳам эътиборга оладими, деган ҳақли саволлар туғилиши табиий ва ўринлидир. Чунки бу каби муаммо-

ларнинг аниқ ечимини топмай туриб, масаланинг моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Жиноятчиликнинг ҳолати ўз ичига содир этилган жиноятчилик ва жиноят содир этган шахсларнинг умумий миқдорини олади. Бироқ бир қатор ҳуқуқий адабиётларда бу фикрга умумий аниқлик киритилиши ва жиноятчиликнинг умумий ҳолати ҳамда жиноятчиликнинг миқдори аниқ ифодаланиши лозимлиги таклиф этилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, жиноятчиликнинг миқдори у ёки бу ҳудудий бирликда содир этилган жиноятлар миқдорини аҳоли жон бошига нисбати билан ифодаланади. Миқдорий кўрсаткичлар фақат рақамларга нисбатан қиёсан аниқланади. Зотан, жиноятчиликнинг аниқ миқдорини аҳолининг барча қатламлари бўйича эмас, балки амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшдаги шахсларнинг умумий миқдори асосида белгиланишини ҳам инобатга олиш лозим.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, баъзи муаллифларнинг жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва миқдори у ёки бу ҳудудий бирликда маълум бир шахслар томонидан содир этилган жиноятлар йиғиндиси деган фикрлари масалани ойдинлаштирмайди. Бинобарин, жиноятчиликнинг умумий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлари нафақат маълум бир давр оралиғидаги (йилнинг аниқ бирвақт оралиғи), балки аниқ бир санага тўғри келишини ҳам эътиборга олиш мумкинлигини унутмаслик мақсадга мувофиқдир. Бу эса жиноятчиликнинг умумий ҳолатини маълум бир вақт мобайнида белгилашга берилган тўғри жавоб деб топиш мумкин. Зотан, жиноятчиликни доимий равишда ҳам миқдор, ҳам сифат белгилари асосида ўзгариб туриши мумкинлигини ёдда тутиш зарур. Бу каби ёндашув маълум бир давр ичида жиноятчиликнинг умумий ҳолати тушунчасини жиноятчилик динамикаси-дан фарқлашга имкон яратади.

Демак, жиноятчиликнинг умумий ҳолати содир этилган барча жиноятлар ва жиноятчиларнинг умумий миқдори асосида белгиланади. Бу эса жиноятчиликнинг миқдор жиҳатидан белгиланишини умумий (абсолют) ва нисбий (коэффициент) кўрсаткичлар орқали қайд этишга имкон яратади. Жиноятчилик миқдорини аниқлаш қуйидаги йўналишлар орқали амалга оширилади:

- а) тергов ишлари якунланиб, ҳукм чиқарилган жиноятлар;
- б) жиноятчи шахсларга нисбатан жинойий жавобгарлик ва жазо қўлланилмаган жиноятлар (амнистия, жинойий жавобгарликни маъмурий

жавобгарлик ёки жамоатчилик таъсирини қўллаш каби ҳолатлар асосида);

в) содир этилган, аммо очилмаган жиноятлар.

Жиноятчиларнинг умумий сонини аниқлашда эса:

а) маҳкумлар;

б) жиний жавобгарликдан озод қилинган шахслар инobatга олинади.

Жиноятчиликнинг умумий ҳолати яхлит атама бўлиб, ўз ичига маълум бир тушунчаларни жамлаганлигини кўриш мумкин. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, ўз ичига мазмун жиҳатидан мустақил бўлган бир қатор фаолият йўналишларини олиши билан бирга, нафақат миқдор, балки сифат кўрсаткичларига ҳам эгаллигини унутмаслик зарур. Булар: жиноятчилик умумий ҳолатининг тизими; жиноят оқибатида етказилган зарар ҳажми; жиноятчиликнинг умумий тизимида уюшган, рецидив жиноятлар миқёсини эътиборга олиниши кабилардир. Ушбу ҳолатлар жиноятчилик тизимини атрофлича таҳлил этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Жиноятчилик даражаси бир қатор коэффициентлар асосида белгиланади. Бу коэффициентлар турлича бўлиши билан бирга, жиноятчилик билан боғлиқ аниқ ҳолатларни ифодалашда ўзига хос ўрин тутаяди. Жиноятчилик коэффициенти (аниқроғи, жиноятлар) аҳолининг жиний тажовузлардан жабрланишининг криминоген коэффициенти жумласига киради.

Жиноятчилик коэффициенти умумий жиноятлар миқдорининг аҳоли жон бошига тақсимланиши натижасида келиб чиққан миқдорни умумий миқдорга кўпайтириш орқали аниқланади. Масалан, 2004 йилда Н. шаҳрида 1000 та жиноят содир этилган. Шаҳарда 500000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳолатда ҳар 1000 нафар аҳолига $((1000/500000) \times 1000к = 2)$ иккитадан жиноят тўғри келади.

Жиноятчиликнинг умумий ҳолатини ифодалашда яширин (латент) жиноятларни эътиборга олмаслик асло мумкин эмас. Жиноятчиликнинг умумий ҳолатини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу вазиятларни тўғри идрок этиш учун уларни икки гуруҳга (гуруҳий мансублиги) ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳни аниқланмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идоралари томонидан расман қайд этилмаган жиноятлар ташкил этади. Табиийки, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги ҳисобга олиш ва қайд этиш ишларининг талаб даражасида эмаслигидир. Шу билан бирга, мансабдор шахсларнинг жиноятчилик тўғрисидаги айрим маълумотларни ўз мақсадлари йўлида (сунъий равишда «барқарорлик таъминланган-

лигини» бўрттириб кўрсатиш, жиноятчилик тўғрисидаги маълумотларни атайлаб яшириш кабилар) атайин кўрсатмасликлари оқибатидир.

Таъкидлаш жоизки, давлат органлари томонидан расман ҳисобдан ўтказилган жиноятлар умумий жиноятларнинг бир қисмини ташкил этади. Агар умумий жиноятларни айсбергга қиёсласак, аниқланган жиноятлар унинг сувда кўриниб турган қисмидир. Аслида айсбергдек жиноятчиликнинг тўртдан уч қисми кўринмай қолади.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, ўғрилиқ жиноятларининг кўпчилигида шундай вазиятларни учратиш мумкин. Халқаро миқёсдаги тажрибага асосланадиган бўлсак, унда содир этилган барча жиноятларнинг ўндан биригина расман рўйхатдан ўтаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Иккинчи гуруҳ жиноятларга эътибор қаратилса, жамият ҳаётида юзага келадиган баъзи ижтимоий-хавфли қилмишларнинг жиноят қонунчилигида расман жиноят деб топилмаганлиги, бироқ ушбу қилмишлар оқибатида жамият жуда катта ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий зарар кўраётганлик ҳолатлари мавжудлигини кўриш мумкин. Маълумки, бу ҳолатлар кўпроқ экология, халқаро, «оқ ёқали» (мансабдорлик), иқтисодий (ғайриқонуний молиявий ишлар, зарар келтирувчи битим ва шартномалар тузиш, сунъий корхоналар тузиш, нарх-навони сунъий равишда ошириш, қалбаки буюмларни сотувга чиқариш кабилар) ва компьютер соҳаларидаги бир қатор жиноятларда кузатилади. Шунинг учун ҳам бу каби жиноятларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларга қарши курашни ташкилий асосларини яратиш шу куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг латент (яширин)лик ҳолати оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ латентлик ҳолати жиноятчиликнинг миқёси, шакли ва тизими, жамиятга, давлатга ҳамда фуқароларга етказётган моддий ва маънавий зарари борасида аниқ хулосалар чиқаришга имкон бермайди. Латентлик ҳолатида жиноятчиликни юзага келтирувчи ва содир бўлишига шарт-шароит яратувчи муҳитини аниқлаш имконияти бўлмайди, шунингдек, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципини ҳаётга жорий этиш имконияти йўқолади. Натижада жиноятчилар ва ҳар бир фуқаро онгида жазодан қутилиб қолиш ёки жиноят қилишга мойиллик ҳисси шаклланади.

Бу эса жамият ёки давлат миқёсида жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари ва, умуман, жиноятчилик борасида илмий башорат ишларини ташкил этишга имкон бермайди.

Жиноятчилик тизими тўғрисида фикр юритганда ҳам, аввало, ушбу тушунчага таъриф бериш зарурати мавжуд эканлигига эътибор қаратиш

лозим. Айниқса, криминология нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган ҳар бир муаммони туб маъносида ёритиш ғоят аҳамиятлидир. Чунки жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда назарий жиҳатдан маълум бир мазмунга эга бўлган тушунча асосида амалий фаолиятни йўлга қўйишда бу қоидага амал қилиш жиноятчиликка қарши курашишда назария ва амалиёт бирдамлигини таъминлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчилик тизимига тўғри таъриф бериш лозим.

Жиноятчилик тизими у ёки бу давлат ҳудудида маълум бир вақт оралиғи ёки тарихий давр жараёнида содир этилган турли жиноятларнинг гуруҳий мансублиги асосида умумлаштирилганлигидир. Бу ўринда гуруҳий мансублиги ижтимоий демография (аҳолишунослик), жиноий-ҳуқуқий ва криминология нуқтаи назаридан белгиланади.

Жиноятчилик тизими уни сифат жиҳатидан таърифлашга имкон яратади, яъни жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси нуқтаи назаридан кўриб чиқишда ҳамда таҳлил этишда муҳимдир.

Умумлаштирилганлик хусусияти эса жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалашга имкон яратади (яъни у ёки бу гуруҳий мансублигидан келиб чиққан ҳолда). Шунинг учун ҳам жиноятчилик тизимининг кўрсаткичлари уларнинг хавфлилик даражаси ва оғирлик хусусиятларини (ўта оғир, оғир, ўртача оғирликда ва жамият учун хавф туғдирмайдиган турларини) ифодалашда катта аҳамиятга эга.

Жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан жиноятчилик тизими ўзига хос кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин. Булар қуйидагилар:

- а) Жиноят кодексининг маълум бир боблари (моддалари) асосида;
- б) шаклан;
- в) жазонинг хусусияти асосида;
- г) иштирокчилик шакли;
- д) рецидив жиноятлар;
- е) жиноят субъектининг ўзига хослиги (вояга етмаган, махсус субъект ва ҳ. к.).

Криминология нуқтаи назаридан эса жиноятчилик тизими қуйидагиларда ифодаланади:

- а) ҳудудий бирлик асосида (вилоят, туман, алоҳида олинган ҳудуд ёки жой);
- б) ишлаб чиқариш тармоқлари, бошқарув ёки жамоатчилик ишларини таҳлили асосида;
- в) содир этиладиган хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қасд (давлатга қарши, ғаразли, жисмоний куч ишлатиб, экология соҳасида, халқаро ва ҳ. к.);
- г) жойи ва вақти;

- д) жиноят содир этиш қуроли (воситаси) қўлланиши бўйича;
- е) тарқалганлик миқёси асосида (кўп, оз ва бир хил миқёсда).

Шунингдек, жиноятчи шахсига нисбатан ўзига хос ёндашув мавжуд ва бу, асосан, ижтимоий-демографик томондан (жинси, ёши, оилавий аҳволи, меҳнат фаолияти кабилар) тавсифланади.

Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, криминология фанида жиноятчилик тизими умумий ва қисман, яъни маълум бир йўналишларда ўрганилиши эътироф этилган.

Умумий жиҳатдан жиноятчилик барча гуруҳий белгилари асосида умумлаштирилган ҳолда ўрганилса, қисман ўрганишда алоҳида йўналиш бўйича жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади (масалан, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида ва жиноятларни умумий миқдорда содир этилган жиноятларга нисбати, маълум бир давр оралиғида жиноятчиларнинг жинси ёки ёшини таҳлил этиш кабилар).

Жиноятчиликнинг динамикаси ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Криминология фанида жиноятчилик динамикаси қуйидагича таърифланади. *Жиноятчилик динамикаси (ўзгариш суръати) маълум бир вақт оралиғида жиноятчилик тизимига хос бўлган асосий кўрсаткичларнинг ўсиши ёки камайиши бўйича юзага келадиган ҳаракатланишидир.* Масалан, бир ой, йил чораги, ярим йиллик, ўн йиллик каби вақтлар оралиғида у ёки бу турдаги жиноятлар ва, умуман, жиноятчиликнинг ўсиши ҳамда камайиши борасидаги ҳаракатланиш таҳлил этилади.

Жиноятчилик динамикаси назарий жиҳатдан фанда етарлича таҳлил этилган ва унинг асосий хусусиятлари ўрганилган. Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг динамикаси, яъни ўсиши ёки камайишига жуда кўп омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар икки гуруҳга ажратилган, булар ижтимоий ва ҳуқуқий омиллардир. Ижтимоий омиллар ўз ичига жиноятчиликнинг сабаблари ва шароитлари, аҳолининг демографик қатламлари ва уларнинг миграцияси (аҳолини кўчиб юриши) каби жараёнлар таҳлилини олса, ҳуқуқий омиллар – жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий-ҳуқуқий йўналишларда жазо тизимининг ўзгариши, яъни айрим жинсий ёки маъмурий-ҳуқуқий қилмишлар учун қўлланиладиган жазо турларини кучайтириш ёки енгиллаштиришни ҳамда айбни квалификация қилишда жорий этиладиган янгича ёндашувларни ўз ичига олади.

Жиноятчилик динамикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари фаолиятида олиб борилувчи ҳисоб ва қайд этиш ишлари билан узвий боғлиқ бўлиб, жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилий асосларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Жиноятчилик» тушунчасининг мазмуни ва асосий белгилари нималарда намоён бўлади?
2. Жиноятчилик қачон ва қандай сабабларга кўра юзага келади?
3. Жиноятчиликнинг ҳолати қайси жиҳатлари билан белгиланади?
4. Жиноятчиликнинг миқёси қандай белгиланади?
5. «Жиноятчилик тизими» тушунчасига илмий-амалий таъриф беринг.
6. Жиноятчилик географияси, ҳудудий (регионал) фарқланиши қандай амалга оширилади?
7. Жиноятчилик табиатан қандай хусусиятларга эга?
8. Жиноятчилик динамикаси ва унинг криминологик тадқиқотлар олиб боришдаги аҳамиятини айтиб беринг.
9. Латент жиноятчилик, унинг турлари ва салбий оқибатлари нималардан иборат?
10. Ички ишлар органлари фаолиятида латент жиноятчиликни аниқлаш методларини айтиб беринг.

III боб

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ САБАБЛАРИ

1-§. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари

Илмий-назарий жиҳатдан ёндашилса, «сабаб» тушунчаси ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга. Мазмун жиҳатидан табиат ёки жамият ҳаётида у ёки бу воқеликнинг юзага келишида катта ўрин тутиши тушунилса, моҳият жиҳатидан салбий ёки ижобий вазиятларни юзага келтириши тушунилади. Шунинг учун бир қатор ижтимоий-табиий фанлар, айниқса, фалсафа фанида бу муаммога жавоб топишга алоҳида эътибор қаратилган. Умуман олганда, «сабаб» ўзига хос тушунча сифатида, яъни объектив воқеликда ўзаро боғлиқ сабаб ва оқибатни юзага келтирувчи қонуният деб эътироф этилганини кўриш мумкин.

Сабабнинг юзага келиш жараёни вақт мобайнида маълум бир босқичлар асосида шаклланади ва айтиб ўтилганидек, оқибатни келтириб чиқаришга таъсир этади. Айниқса, жамият ҳаётида содир бўладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишида сабаб ва оқибат ўзига хос равишда кечади.

Ўз навбатида, ҳар бир сабабни келтириб чиқарувчи «сабаб»нинг мавжуд эканлигини ҳам ёдда тутиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда криминология фанида жиноятчиликнинг сабабларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, шароит билан узвий алоқада эканлиги қонуниятини билиш эса айнан жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга имкон яратади. Чунки сабабнинг келиб чиқишида маълум бир шароитнинг мавжуд бўлиши табиий бир ҳолдир. Бинобарин, сабаб ва шароитни бир-биридан ажралган ҳолда кўриб чиқиш асло мумкин эмас.

Сабаб ва шароитни комплекс тарзда ўрганиш жиноятчиликнинг келиб чиқишини илмий билишда катта аҳамиятга эга. Шу орқали жиноятчилик ва жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитга криминоген-детерминант сифатида қараш лозим⁵.

Ижтимоий ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар ўзига хос методологик ва мазмунлар нуқтаи назаридан тавсифланади ҳамда

⁵ Determinare – лотинча сўз бўлиб, «белгиловчи» деган маънони билдиради.

шу асосда жамият ҳаётида рўй бераётган воқеаларга баҳо бериш мумкин. Жумладан:

а) сабаб ва оқибат қонуниятининг икки – динамик (доимий ҳамда оқибатни тўғридан-тўғри келтириб чиқарувчи) ва статик (юзага келиши мавжуд бўлган) шакллари мавжудлиги;

б) ижтимоий детерминант ҳолатларни таҳлил этишда маълум бир тизимга хос бўлган хусусиятларни билиш орқали ёндашиш зарурлиги. Бу каби ёндашув ўрганилаётган ижтимоий воқеликни ҳам ички, ҳам ташқи томондан аниқ таҳлил этишга ёрдам беради, яъни «жамиятда», «ижтимоий-иқтисодий босқичда», «дунё миқёсида» ва ҳ. к.

в) ижтимоий детерминант ҳолатларни аниқлаш орқали жамиятда мавжуд қарама-қаршиликларнинг самарали ечимини топишга ёрдам бериши⁶;

г) ижтимоий воқеликлар жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар ва шахслар ўртасидаги ўзаро турли муносабатлар тизимини ифодалаши билан бирга, айнан шу муносабатларда шахснинг қизиқишлари ва мақсади бўлишини эътиборга олиш лозимдир. Ана шундай ижтимоий-психологик ҳолатлар жамият аъзоларида ўзаро муносабатнинг шаклланишида катта омил ҳисобланади;

д) ижтимоий детерминация қонуниятлари таҳлилининг кўрсатишича, ҳар бир ҳодиса ва, умуман, воқелик тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозимлиги, яъни муқаддам қандай эди ва ҳозир қандай ҳамда келгусида қандай бўлиши мумкинлигини билиш барча ҳодиса ва воқеликлар бўйича башорат қилиш мумкинлигини ҳам кўрсатади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияга тааллуқли давлат ҳаётида салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи ҳамда жиноий оқибатларни юзага келтирувчи воқеликдир.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларининг келиб чиқиши ижтимоий бўлиб, ўз моҳиятига эга. Ушбу сабаб ва шароитлар жамият ижтимоий ҳаётида ўзига хос қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Табиийки, ҳар қандай салбий оқибат жиноятчиликни келтириб чиқаради. Бу каби детерминантлар (яъни сабаб ва шароит) ўз хусусиятларига кўра бир бутун тизимни ташкил этади. Ушбу тизимга алоҳида турдаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, масалан, зўрлик орқасида содир этиладиган жиноятлар, бошқа ғаразли жиноятлар ёки рецидив жиноятлар киради.

⁶ Бу ҳақда тўлиқ қаранг: *Кудрявцев В. Н.* Социальные деформации. – М., 1992; *Карпец И. И.* Преступность: иллюзии и реальность. – М., 1992. – С. 251–446.

Криминоген вазиятларнинг детерминант миқёси ҳам шулар жумласидандир. Умуман олганда, аниқ бир жиноятнинг ўзига хос элементларини айнан шу сабаб ҳамда шароитлар ташкил этади ва криминоген тизимни шакллантиради. Бу каби элементлар ҳам турли даражада боғлиқлик хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам криминоген тизим асло аниқ бир жиноятга хос бўлган сабаб ва шароитларнинг арифметик миқдорини белгиламайди. Балки жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий воқеликлар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини ифодалайди. Шунга кўра, бу ҳолатни юзага келтирувчи механизм ҳаракатида икки хил шаклдаги элементларни кўриш мумкин. Биринчиси, юзага келтирувчи (сабаб) ва, иккинчиси, шарт-шароит яратувчи (муҳит)дир.

Буларнинг ҳар иккиси жиноятчиликнинг ва шу қатори алоҳида турдаги жиноятларнинг юзага келишида бир хилда, яъни миқдоран ва қиёсан ўрганилади. Демак, детерминация тизимининг шаклланиши (изоформизм) бизга аён ва шунга кўра, ушбу тизимга кирувчи ҳар бир элементни кўриб чиқишга имконият юзага келганлигини кузатиш мумкин.

Жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқелик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир. Айнан шу сабаблар асосида жамиятда криминоген ҳолатлар юзага келади. Ғайриинсоний қарашлар, одатлар, қизиқишлар ва қасд қилиш кабилар жиноятчилик сабабларини ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу тизимга кирувчи шахс табиатида бўладиган ғаразгўйлик, ружу қўйиш, бировлар ҳисобига яшаш, инсонпарварликка қарши агрессив хусусиятга эга бўлиш, миллатчилик, жамиятда мавжуд тинчлик ва хавфсизликка риоя этмаслик каби ҳолатлар ҳам жиноятчиликни келиб чиқишида салбий ўрин тутишини эътиборга олиш лозим.

Жиноятчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади. Масалан, хўжалик юритишдаги бошқарувни ташкил этишда хизмат мавқеидан ғайриқонуний равишда фойдаланишнинг мавжудлиги бу соҳада жиноий фаолият юритишдаги салбий шароитдир ва жиноят йўлига кирган ҳар бир шахс ушбу шароитдан «унумли» фойдаланиши мумкин. Чунки бундай вазиятда келиб чиқувчи хўжасизлик, назоратнинг сустлиги, моддий бойликларнинг сақланишининг таъминланмаганлиги жиноятга «йўл очиб» беради.

Жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайдиган сабаб ва шароит ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат «криминоген-детерминант» деб эътироф этилган. Зотан, ҳар қандай шароитнинг ўзи жиноятчилик ва жиноятни юзага келтирмайди. Шароит мав-

жуд бўлган ҳолда бирор-бир жиноятчилик сабабсиз содир бўлмайди. Сабаб, ўз мазмунига кўра ижтимоий-психологик ҳолат бўлса, шароит иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолат ҳисобланади.

Криминология жиноятчиликни илмий жиҳатдан ўрганишда кўп ҳолларда ўзига хос «корреляцион алоқадорлик»ни биринчи галда ўрганишни тақозо этади. Масалан, аҳолининг жинслар бўйича нисбати ҳамда жиноятчиликнинг умумий миқдори корреляцияси жиноятчиликнинг биологик сабаблари бўлмайди, балки эрақ ва аёллар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг асосий белгиси сифатида ҳар бир шахснинг ижтимоий-руҳий хусусиятлари ёки унинг тарбияси, хулқи ва турмуш тарзи билан боғлиқлигини ифодалайди.

Сабаб ва шароитнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли юзага келадиган «оқибат-жиноятчилик» ўзига хос оқибат ва жиноятчиликдан ташкил топган «сабаблар занжири» келтириб чиқаради. Агар ушбу йўналиш қарама-қарши томон ҳаракатланган, сабаб ва оқибат ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатлар оқибати эканлигини кўриш мумкин. Масалан, мастлик оқибатида содир этиладиган жиноятчилик айрим шахс ёки гуруҳлар руҳиятида шакланган ва алкоголизм билан боғлиқ салбий анъаналар асосида юзага келишини кўриш мумкин. Ўз вақтида бу каби ҳолатлар уларнинг сабаб ва шароитини аниқлашга ҳам имкон беради.

Демак, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари улар қайси жамият ёки давлатда юзага келган бўлмасин, ўзининг салбий оқибатлари туфайли жиноятчилик манфаатларига мос бўлган. Шунинг учун ҳам уларни тугатишга ҳар бир давлат миқёсида ўзига хос усул ҳамда воситалар орқали таъсир чоралари қўлланганлигини кўриш мумкин.

2-§. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таснифи

Юқорида баён этилганидек, жиноятчиликнинг, шу билан бирга, алоҳида олинган жиноятнинг сабаб ва шароитлари турличадир ҳамда ўз миқёсига эга. Уларни илмий билиш ва жиноятчиликка қарши кураш амалиётида тўғри қўллаш учун маълум бир тизим асосида ҳамда криминология нуқтаи назаридан таснифлаш лозим.

Шунга кўра жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари фанда куйидагича: а) миқёсига кўра (субординация); б) мазмунан; в) ўз табиати ва баъзи хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилган ва тасниф қилинади. Чунки санаб ўтилган гуруҳий мансублик асосида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини белгилаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Ўз миқёсига кўра (субординация) жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари қуйидаги гуруҳларга киритилган: а) жиноятчиликнинг умумий ҳолати бўйича; б) жиноятларнинг турлари бўйича; в) алоҳида олинган жиноятлар бўйича.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларининг хилма-хиллиги ўзаро боғлиқ. Улар умумийдан хусусийга, хусусий ва алоҳида турга, бир бутунлик ва айрим қисмлар бўйича, тизим, тизимга кирувчи гуруҳий мансублик ва элементлардан ташкил топганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бинобарин, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини айнан шу тизимлар орқали таҳлил этиш жиноятчиликдек ижтимоий муаммонинг сабаб ва шароитларини тўғри баҳолашга ҳамда ҳар бир алоҳида олинган жиноят, масалан, ғаразгўйлик, куч ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ёки вояга етмаганлар, аёллар, биринчи бор жиноят содир этувчилар, рецидив жиноятлар, қасддан ва эҳтиётсизликлар орқасида содир этиладиган жиноятларга ўзига хос тавсиф беришга имкон яратади.

У ёки бу давлатда мавжуд бўлган жиноятчиликнинг ёки алоҳида турдаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари давлатнинг баъзи минтақаларида ва, умуман, мамлакатнинг бутун ҳудудида турлича бўлиши мумкин. Ўз навбатида, алоҳида олинган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари айнан шу жиноятларнинг келиб чиқишида катта ўрин тутиш қонунияти ҳам мавжуд. Зеро, баъзи жиноятларнинг содир бўлишида катта ўрин тутган сабаб ва шароит бошқа бир жиноятларни юзага келишига имкон бермайди.

Жиноятларни юзага келтирувчи криминоген-детерминантлар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, сиёсий, ижтимоий-руҳий, тарбиявий, ижтимоий бошқарув йўналишларидаги сабаб ва шароитлардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу сабаб ва шароитларнинг шаклланиши жамият аъзоларининг умумий ҳамда индивидуал руҳиятига боғлиқдир.

Жиноятчиликнинг сабаблари борасида фикр юритадиган бўлсак, унинг ўзига хос криминоген хусусиятлари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Жиноятчиликнинг юзага келишига фақат ижтимоий-руҳий йўналишдаги воқеликлар таъсир этади, жиноятчилик шу каби ҳолат билан боғлиқ, деган фикрга келмаслик лозим. Чунки биз бу борада юқорида тўхталганимизда, жиноятчилик сабаблари сифат жиҳатидан ўзига хос «сабаблар занжири»дан ташкил топганлигини баён этган эдик. Шунга кўра, жиноятчиликнинг иқтисодий, ғоявий ва бошқа салбий ҳолатлари муқаддам, тарихан шаклланган бўлиши мумкин. Аммо ҳозирги

ижтимоий ҳаёт жараёнида ҳам юзага келиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Жинойтчиликни юзага келтирувчи шароит ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жиноятчиликнинг шароитларини талқин этишда ўзига хос йўналишлар мавжуд эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Жиноятчилик ва жиноятларнинг вужудга келишида қуйидаги икки ҳолат мавжуд: а) одиндан шаклланган ижтимоий-руҳий ҳолатлар (сабаб)нинг сақланиб қолганлиги; б) жиноятчиликнинг ва жиноятларни юзага келишига таъсир этувчи ҳамда жиноий оқибатларни келтириб чиқарувчи ва жиноят кўрсаткичларини ошиб боришига йўл очувчи ҳолатлар.

Биринчи гуруҳга мансуб шароитлар жамият аъзолари, унинг айрим қатламлари, алоҳида олинган шахс онгида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, тарбиявий йўналишларда шаклланган дунёқарашни ифодалайди. Иккинчи гуруҳга мансуб шароитлар эса жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишни талаб даражасида таъминланмаганлигида учрайдиган хато ва камчиликлардир. Масалан, ўзгалар мулкининг дахлсизлигини таъминлашда йўл қўйилган хатолар ёки жамият хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур тадбирларнинг амалга оширилмаганлиги ва бошқалар.

Ҳар бир гуруҳга мансуб санаб ўтилган ҳолатлар узвий боғлиқдир ва улардан қайси бирини алоҳида кўриб чиқмайлик, ўз-ўзидан бошқа гуруҳга мансуб ҳолатларни ҳам таҳлил этишга эҳтиёж сезилади. Айтайлик, ўзгалар мулки хавфсизлигининг таъминланмаганлиги унга нисбатан жиноий тажовузни юзага келтиради, руҳиятида беқарорлик, ғаразгўйлик бўлган шахсларни мулкка хиёнат қилишга чорлайди.

Кўриниб турибдики, иккинчи гуруҳда санаб ўтилган ҳолатлар шахсни нафақат жиноят содир этишга ундайди, балки унга тўлалигича имкон яратади.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар ва, айниқса, жамиятда юзага келувчи қарама-қаршиликлар асосида белгиланади.

Баён этилганлар билан бир қаторда, жиноятчилик ва жиноятларнинг сабаб ва шароитларини тадқиқ этиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ушбу сабаб ва шароитларнинг ўзгача таснифи ҳам мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Масалан, бўлиб ўтган бирор-бир ҳодиса билан яқин ёки шу билан боғлиқ маълум бир сабаб ва шароитнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, ўзаро яқин ва узоқ, бевосита ҳамда билвосита хусусиятларга эгаллиги асосида ҳам таснифлаш мавжуд.

Шунингдек, жиноятчилик ва жиноятлар бирор-бир мамлакат миқёсида олинганда ҳам ички ва ташқи сабаб ҳамда шароитлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Жиноятчилик ва жиноятларнинг ички детерминантлари биринчи галда мамлакатнинг ички қарама-қаршиликлари билан, ташқиси эса халқаро миқёсда рўй бераётган воқеликлар билан узвий боғлиқликда бўлади.

3-§. Иқтисодий ислохотлар жараёнида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари

Ҳар бир давлат тарихида жамият ва жамият аъзоларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий йўналишларда ислохотлар амалга оширилганлиги барчамизга яхши маълум. Ушбу йўналишлардаги ислохотларнинг ҳар бири ўз мақсад ва моҳиятига эга. Зотан, қайси йўналишда бўлмасин, барча ислохотларнинг пировард мақсадига етишни таъминлаш фан ва техника ютуқларига таянишни тақозо этади. Жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун биринчи галда иқтисодий ислохотлар ўтказиш ва шу орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш қанчалик муҳимлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Демак, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда юзага келадиган салбий ҳолатларнинг криминология нуқтаи назаридан таҳлил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, иқтисодий ислохотлар жараёнида юзага келадиган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини илмий билишнинг заруратига ҳам шубҳа бўлмаслиги лозим. Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари юзасидан биз билдирган тавсиялар уни илмий билишда ўзига хос ўрин тутади.

Жиноятчиликнинг, айниқса, иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва шароитларини таҳлил этишда қуйидаги учта вазиятни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, ижтимоий қарама-қаршиликлар кучайиши сабабларини таҳлил этиш, иккинчидан, жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари ва криминоген ҳолатларни келтириб чиқарувчи шароитни аниқлаш, учинчидан, жиноят субъектларининг асосий хусусиятларини инобатга олиш.

Қайси бир жамиятда бўлмасин, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари аввало ушбу жамиятда юзага келадиган зиддиятлар, яъни қарама-қаршиликлар асосида рўй беради. Шу билан бирга, бу зиддиятлар тараққиётнинг ҳар босқичида турлича кечади. Айниқса, бу ҳолат у ёки бу тараққиётнинг ўтиш босқичида ўзига хос криминоген хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туришини кўриш мумкин. Бинобарин, ўтиш бос-

қичининг ўзига хос хусусияти жамият аъзоларининг баъзи қатламлари руҳиятида қасд, ғаразгўйлик, масъулиятсизлик, агрессив қарашлар ва, умуман, жиноят қонунчилигига нисбатан менсимаслик кайфиятларининг юзага келишидир. Табиийки, бу зиддиятлар ислоҳотлар ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Криминологияда жиноий қасд ўзига хос тавсифга эга. Фанда жиноий қасднинг бир қанча турлари мавжудлиги эътироф этилган. Жумладан: ўзаро мос келувчи жиноий қасдлар ушбу ҳолатнинг мавжудлиги уюшган жиноятчиликнинг юзага келишда асосий омил ҳисобланади; ўзгалар ҳисобига кун кўришлик қасди – бунинг оқибатида жиноятчиликни қасб қилиб олиш ва рецидив жиноятларни содир этиш кўпроқ кузатилади; «хўжалик ишларига қизиқиш» бўйича қасд – шахс онгида ва дунёқарашида тор тармоқларда жиноий фаолиятни йўлга қўйиш, маҳаллийчилик, гуруҳларнинг ўз манфаатларини биринчи ўринга қўйиши (эгоизм) каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради; ҳаётга юзаки қараш орқасидан келиб чиқадиган қасд – ҳаётда енгил-елпи яшаш, ичкиликбозлик ва талончилик каби иллатларнинг келиб чиқишига йўл очади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, қасддан содир этиладиган жиноятлар умумий жиноятларнинг қарийб 70 % ини ташкил этади. Шунингдек, куч ишлатиш ва зўравонлик орқасида содир этиладиган жиноятлар ҳам асосан жиноий қасд натижаси эканлигини кўриш мумкин.

Криминоген масъулиятсизлик, ўзига ишонч ва ҳаётга юзаки қараш ҳисси, ишлаб чиқариш ва транспортда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик кўп ҳолларда эҳтиётсизлик орқасида содир этилаётган жиноятларга сабаб бўлиб қолмоқда. Энг ачинарли томони шундаки, бундай жиноятлар шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар оқибатларидан фарқли ўлароқ, кўп миқдорда жисмоний ва моддий зарар етказиш хусусияти билан ажралиб туради.

Жиноятларнинг барчасига хос бўлган умумий сабаблар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосини нигилизм ташкил этади. Яъни ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларнинг жазодан қутулиб қолиши ёки жазоланишдан қўрқмаслик. Шу билан бирга, латент жиноятларнинг мавжудлиги, жиноятларни фош қилишдаги паст кўрсаткичлар, профилактика фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари фаолиятининг ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги (координация), кенг жамоатчилик жиноятчиликнинг олдини олишга жалб қилинмаганлиги ҳуқуқий нигилизмни юзага келтиради.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар етарлича ва ўзига хос илмий асосларга эга бўлмаса, жиноятчиликнинг ривожлани-

шига йўл очиб беради. Масалан, собиқ Иттифоқ давлатида рўй берган иқтисодий кризис оқибатида бир қатор иттифоқдош давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг издан чиқиши ўз-ўзидан ишсизликни юзага келтирганлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Криминологияда эса айнан шу «ишсизлик» тушунчаси жамиятда жиноятларни келтириб чиқарувчи криминоген ҳолатлар билан узвий боғлиқ. Чунки айнан шу ишсизлик ҳолати шахсни турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилишига ундайди.

Жаҳон тажрибасидан яхши маълумки, ҳар қандай иқтисодий кризис (таназзул)дан чиқишнинг энг ишончли ва синалган йўли бозор иқтисодига ўтишдир. Бу ўз вақтида жамият аъзолари руҳиятида мавжуд бўлган боқимандалик ҳисси йўқолишига ҳамда ҳар бир шахснинг мустақил хўжалик юритишига имкон яратади ва, табиийки, шу орқали биз кўриб чиқаётган бир қатор салбий ҳолатлар барҳам топади.

Бироқ бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос салбий криминоген ҳолатларнинг юзага келишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жинойий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Шу ўринда ишсизликка бозор иқтисодига ўтишнинг сабаби сифатида қарамаслик лозим. Чунки криминология нуқтаи назаридан қараганда, ишсизлик айнан хўжалик ишларини юритишга масъул бўлган корхона, муассаса, ташкилот ва давлат органлари раҳбарларининг ташкилий ишларни нотўғри юритиши оқибати ҳам бўлиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўтган асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида мулкий жиноятлар содир этганлар асосан ишсиз бўлиб, 16 ёшдан катта бўлган шахслар кўпчилиқни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ишсизлик жиноятчиликнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ бўлган ҳолатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда юзага келиши мумкин бўлган яна бир салбий ҳолат – жамият ижтимоий қатламларининг янгича шаклланиши. Бу ҳолат объектив жараёндир. Бироқ бу ҳолат ҳам маълум бир миқдорда жиноятчиликнинг шаклланиши ва юзага келишига тўғридан-тўғри таъсир этувчи сабаб бўлиши мумкин. Бу жараён ўзига хос омиллар билан боғлиқлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бош мақсади – ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламининг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш ва, энг муҳими, вужудга келиши

мумкин бўлган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини юзага келтирмасликдан иборат.

Умуман олганда, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини криминология нуқтаи назаридан доимий равишда илмий-назарий таҳлил этиб бориш содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга имкон яратади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини илмий ва амалий жиҳатдан билишнинг аҳамияти нималардан иборат?

2. Жиноятчиликнинг «шароити» тушунчаси ва унинг жиноятчилик сабабларидан фарқи ҳамда ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.

3. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини миқёси жиҳатидан тавсифлаб беринг.

4. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини мазмунига кўра таснифланг ҳамда мисоллар келтиринг.

5. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларининг объектив ва субъектив фарқини кўрсатинг ҳамда мисоллар келтиринг.

6. Иқтисодий муносабатлардаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва камчиликлар жиноятчиликнинг юзага келишига қандай таъсир кўрсатади?

7. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётдаги қайси қарама-қаршилик ва камчиликлар жиноятчиликнинг юзага келиши ҳамда шаклланишига шароит яратади?

IV боб ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ

1-§. «Жиноятчи шахси» тушунчаси

Жиноятчи шахсини илмий жиҳатдан ўрганиш ўз мазмун ва моҳиятига эга. Бунга криминология фани ўз эҳтиёжи нуқтаи назаридан ёндашади. Бинобарин, криминологияда «жиноятчи» ва «жиноятчининг шахси» каби атамалар категория, яъни ҳар бири мустақил тушунчалар сифатида талқин этилади.

Биринчидан, жиноятчилар дейилганда ақли расо шахслар тушунилади. Бошқача айтганда, ақли расо шахслар қаторига ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида руҳий бетоблиги ёки вақтинчалик руҳий тушкунлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган шахслар киритилмайди. Бу борада жиноят ҳуқуқи фанида ҳам ўзига хос ёндашув мавжудлиги ўқувчига яхши аён.

Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигида жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлиги натижасида содир этадилар. Бу қилмишлар, яъни зарурий муҳофаа, охири зарурат ёки таваккалчилик ҳолатлари қонун асосида фарқланиши лозим.

Учинчидан, «жиноятчи» тушунчаси криминология нуқтаи назаридан бир мунча кенг мазмунга эгаллигига эътибор қаратиш лозим. Яъни криминология нуқтаи назаридан «жиноятчи» тушунчаси ўз ичига маҳкумни ҳам ёки жиноий қилмиш содир этган шахсни ҳам олади. Жиноий қилмиш содир этиб қонун асосида жавобгарликдан озод қилинган шахслар ҳам шулар жумласига киради. Маҳкум – қонунан кучга кирган суд ҳукми асосида жазони ўтаётган шахс. Шунинг учун ҳам жиноятчилар ҳақида олиб бориладиган умумий статистик кўрсаткичлар ҳисобига маҳкумлар миқдори ҳам киритилади.

«Жиноятчи шахси» тушунчаси эса ўзига хос равишда жиноятчининг ижтимоий белгиларини ифодалайди, яъни шахснинг «ижтимоий қиёфаси»ни очиб беришга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам криминалистика фани шахсга моддий воқелик нуқтаи назаридан – бўйи, қадди-қомати, кўзи, қоши кабиларни тавсифлаш билан эмас, балки криминология фани эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, асосан, ижтимоий ҳолатлари орқали таъриф беради.

«Жиноятчи шахси» ва «жиноятчи» атамалари хусусида фикр юритилганда «шахс» ва «одам» тушунчалари ўртасида мавжуд фарққа эътиборни қаратиш лозим. Чунки «одам» – нисбатан кенгроқ тушунча, «шахс» эса унинг фақат ижтимоий хусусиятларини ифодалайди ва одамнинг ривожланиши давомида аста-секин шаклланади. Қисқача қилиб айтганда, одамнинг «шахси» туғилганидан сўнг шакллана боради.

Шунга кўра, шахс нафақат ижтимоий хислатларни ўзида мужассамлаштиради, балки ушбу мужассамлашган хислатлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Кўриниб турибдики, шахс ижтимоий тушунча ва, табиийки, унинг шаклланишида ижтимоий ҳаёт бирламчи ўринни эгаллайди.

Айнан ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий шароитдаги салбий ҳолатлар шахсни жиноятчи бўлиб шаклланишига таъсир этиши хусусида жуда кўп илмий-назарий қарашлар мавжуд. Шахсни айнан шу жиҳатлар асосида ўрганиш криминология фанининг энг асосий вазифаси жумласига киради.

Шахснинг жиний хатти-ҳаракатлар содир этиш жараёни ҳам ўзига хос боғланишлар асосида кечади. Яъни жиний фаолият жисмоний ва руҳий боғланишлар ҳосиласидир. Шунинг учун ҳам жиноят содир этувчи шахс ўз жисмоний имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жиний фаолиятни амалга оширади.

Масалан, талончилик, қароқчилик каби жиноятларни содир этишга кўп ҳолларда ўз кучи ва имкониятларига ишонган ёшлар жазм қилдилар. Бироқ бу ҳолат шахснинг мақсади билан ҳам узвий боғлиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятчилик руҳий-психофизиологик қилмиш сифатида бирор-бир тоифага киритилмаслиги лозим.

Криминологик тадқиқотларда, жиноятчиларни оддий фуқародан фарқлашда уларнинг мақсадлари, мослашишлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, нуқтаи назарлари, ижтимоий кўникмалари каби хусусиятлари инобатга олинади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаёт тарзи туфайли юзага келган кўникмалар шахснинг асосий хусусиятларини ифодалайди.

Баён этилганлар криминология фанида жиноятчи шахсини тушунишдаги асосий ва умумий йўналишларни мужассамлантиради. Аммо бу борада баъзи олимларнинг фикрлари ҳам мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Собиқ Иттифоқ даврида яратилган криминология фанига оид бир қатор дарсликларда жиноятчи шахсини тушуниш уч хил маънода талқин этилган. Биринчиси, «жиноятчи шахси» – жиноят содир этган шахс. Жамиятда яшаётган ҳар бир одам шахс деб эътироф

этилган. Шу жумладан жиноятчи ҳам жиноятнинг субъекти сифатида талқин этилади.

Ўз моҳиятига кўра «жиноятчи шахси» тушунчасига берилган иккинчи таъриф шахснинг турли ижтимоий хусусиятлари, мавқеи, алоқаларини ижтимоий шароит орқали жиноят билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Масалан, кенг маънода талқин этилганда шахснинг ижтимоий моҳияти, унинг мураккаб белгилари комплекси, хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари, унинг маънавий ва руҳий дунёси мустақил яшаш тарзи билан боғлиқлигини кўрсатади.

Кўриниб турибдики, бунда жиноятчининг шахси «якка тартибда» кўриб чиқилган, ижтимоий ҳаёт билан алоқадорлиги инобатга олинмаган. Тўғри, бу ўринда «жиноятчи шахси» тушунчасига аниқлик киритиш мақсад қилиб олинганлиги мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, шахс ўзига хос равишда шаклланганлиги билан фарқланади. Шахсни криминология нуқтаи назаридан кўриб чиқишда унинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Бироқ криминологияга оид бўлган комплекс белгиларни «жиноятчи шахси» деб ифодалаш тўғри бўлармикан?

«Жиноятчининг шахси» борасидаги учинчи талқин иккинчисига нисбатан янада юзаки мазмунга эга бўлиб қолганлигини кўриш мумкин. Яъни жиноятчи ўзига хос шахс бўлиб, қонунга итоат этувчи фуқаролардан фарқ қилади. Криминологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, жиноят қонунчилигини бузувчи шахсларга хос бўлган ҳаётий эҳтиёж, қизиқиш, маънавий ва ҳуқуқий дунёқараш оддий одамларникидан фарқ қилади.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда уларга эътибор қаратиш ҳамда «жиноятчи шахси» деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлармикан? Агар шундай шахслар мавжуд бўлса, уларни ўз вақтида аниқлаш ва содир этилган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида уларга таъсир ўтказиш мумкин. Бундай шахсларни алоҳида тоифадаги жиноятчи шахслар гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқдир. Аммо уларни алоҳида эътироф этиш ва «жиноятчи шахси» тушунчасини шу орқали белгилаш илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Шу билан бирга, шахс қандай хислатларга эга бўлмасин, бу ҳали жиноят содир этади, дегани эмас, албатта! Бу типдаги шахснинг жиноят содир этиши учун, табиийки, шароит ҳам зарурлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Шунинг учун ҳам умумлашган ҳолда айтиш мумкинки, «криминоген шахслар» жамиятда яшаш жараёнида белгиланган меъёрий тизим

талабларига мос бўлмаган онг ва хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган одамлардир.

Криминологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, криминоген шахслар ўзига хос шаклланган ва турмуш тарзи кечадиган ижтимоий муҳитга (ёки кичик ижтимоий шароит) мослашган бўладилар. Шунинг учун ҳам уларни «зарар келтирувчи шахслар» деб айтиш ноўрин, шунингдек, уларга «ўтмиш қолдирган иллат» деб қараш ҳам нотўғридир. Чунки бу каби иллатлар шахс руҳиятида у яшаётган ижтимоий муҳит орқали шаклланишини унутмаслик зарур.

Жиноятчилар шахсига криминология фанида турлича ёндашилишига асло эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Ҳар бир шахс алоҳида кўриб чиқилиши ва шу асосида тадқиқотлар олиб борилиши криминология фанида давомийдир. Бинобарин, шахс ижтимоий ҳаёт давомида шаклланади.

2-§. Жиноятчи шахсига хос бўлган хусусиятлар тизими

Криминология фанида жиноятчи шахсига ўзига хос томондан ёндашилади. Зотан, шахс жамиятда мавжуд умумий турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлган шахс қарашларида жамиятга бўлган муносабат ўзига хос тарзда кечади. Жиноятчининг бўлган муносабатида ўзига хос салбий жиҳатлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Масалан, иш жойида жамоа аъзолари билан муносабатида келишмовчиликларнинг мавжудлиги, меҳнатга муносабати ва қадриятларни (моддий, маънавий, маданий) менсимаслиги, атрофдагиларга нисбатан муносабатидаги номутаносибликлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, жиноятчи жамият аъзосига хос бўлган одамийлик белгиларига мос келмаган хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Жиноятчи шахсига хос бўлган белгилар ва хусусиятларнинг ўзига хос руҳий ёки биологик ҳолатлари, ирсий ҳамда яшаш даврида юзага келган касалликлар оқибатлари натижасида шаклланган хатти-ҳаракатлари бир қатор ижтимоий ва табиий фанлар томонидан атрофлича ўрганилади.

Маълумки, жиноий фаолият жиноятчининг шахси ва ижтимоий шароит ўртасидаги ўзаро сабабий боғланиш асосида юзага келади. Криминологияда жиноятчи шахсини ўрганишдан асосий мақсад – жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш ва шу асосда жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўладиган усул ҳамда воситаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва зарур тавсиялар беришдан иборат.

Бизга яхши маълумки, шахснинг у ёки бу хатти-ҳаракатларни содир қилишдаги имкониятлари ижтимоий шароит билан боғлиқ. Шахс мавжуд шароит ва имкониятидан фойдаланган ҳолда ўз мақсадини амалга оширишга жазм қилади.

Криминология фанида шахсга оид хусусиятлар тизими қуйидаги тартибда белгиланган:

- ижтимоий-демографик ва жиний-ҳуқуқий белгилари;
- ижтимоий ҳолатлари (ижтимоий яшаш тарзидаги юзага келувчи ўзаро муносабатлар);
- маънавий хусусиятлари.

Ушбу белгилар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Хусусан, шахснинг ижтимоий-демографик белгилари (ёши, маълумоти, касби, яшаш жойи кабилар) ўз навбатида унинг жамоатчилик ҳаётида тутган ўрнини белгилаш ва маънавий шаклланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Маънавий-руҳий хусусиятлари эса унинг шаклланишига таъсир этган ижтимоий ҳолатлар қандай кечганлигини ифодалайди, қолаверса, шахснинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни билан боғлиқ вазифаларни қандай бажараётганлигини баҳолашга ҳам имкон яратади.

Шахс хусусиятларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш, айниқса, у жиноят содир этганида катта аҳамиятга эга. Чунки шахс ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатлар туфайли жиноят йўлига киради, таъсир этувчи ташқи муҳит (баъзида шахс бу каби салбий ҳолатларга ўз даражасининг пастлиги туфайли ҳам тушиб қолиши мумкин) оқибатида жиноят субъекти бўлиб қолади. Буни криминология амалиётида кўплаб кузатиш мумкин.

Бу каби таъсир доирасига тушиб қолиш ва унга нисбатан қаршилик кўрсатиш ҳар бир шахсда унинг маънавий қарашлари, билим ва ҳиссиёт даражаларига боғлиқ равишда кечади.

Бу ўринда гап шахснинг комплекс белгилари хусусида эмас, балки жиноятчи шахсининг шаклланишида ўзига хос ўрин тутган тизим тўғрисида бормоқда. Шунинг учун ҳам айнан шахсга хос бўлган белгилар тизими ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги криминология фанида алоҳида кўриб чиқилади.

3-§. Жиноятчи шахсига хос бўлган ижтимоий ва биологик хусусиятлар

Жиноятчи шахсига хос бўлган ижтимоий ва биологик мувозанат ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари кейинги йилларда бир қатор фанлар, яъни биология, социология, тиббиёт, ҳуқуқшунослик каби соҳа

мутахассислари ва олимларини ўзига жалб этмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ижтимоий ҳаёт муаммоларини ечиш ва, айниқса, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги энг долзарб масаладир. Шу қатори, жиноятчи шахсига хос бўлган ижтимоий-биологик мувозанат муаммоларини ўрганиш ҳам ўзига хос долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Криминология фанида ушбу муаммога бўлган қизиқишнинг сабабларидан бири – жиноятчининг шахсини ижтимоий-биологик ва ижтимоий-руҳий жиҳатларини ўрганиш орқали жисмоний куч ишлатиш (шу жумладан, маиший жиноятчиликлар ҳам), вояга етмаган шахслар орасида рецидив жиноятларнинг ошиб бориши, хавф туғдирувчи воситалардан фойдаланиш хавфсизлигини бузиш орқасидан келиб чиқадиган эҳтиётсизлик жиноятлари умуман олганда, шахснинг ижтимоий-руҳий жиҳатдан шаклланишида унинг биологик хусусиятларини талаб даражасида ўрганиш орқали барча турдаги жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Шунинг учун ҳам бу муаммо чуқур методик ёндашувни талаб қилади. Яқин тарихдан маълумки, бу муаммога методик ёндашишга ғоявий томондан юзаки қараш оқибатида бир қатор ўзига хос ноаниқликлар юзага келган ва бу ҳолат ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келади.

Маълумки, ҳар бир инсонда ўзига хос турмуш тарзи мавжуд ва бу турмуш тарзи четдан таъсир этувчи омиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, шахснинг ўзига хос шахсий белгилари, ҳис-ҳаяжонлари каби ички олами шаклланишида катта ўрин тутаяди. Шахснинг биологик хусусиятлари унинг ижтимоий шаклланишида бирламчи моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний жиҳатлар айбдор ёки жабрланувчининг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатмайдиган ҳолларда шахснинг жиноят содир этишга мойиллигини аниқлашда ёрдам бермасида, шахс томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинмоғи зарур.

Шахс руҳиятида юзага келадиган аномал (чегарадан чиқиш) ҳолатлар унинг жинсий қилмиши механизмини ўрганишда ёрдам беради. Умуман олганда, руҳиятидаги вақти-вақти билан бўлиб турадиган ўзгаришлар (психопатия), сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, ақли заифликнинг енгил кўринишлари, марказий асаб тизимининг жароҳатлари натижасида шахс ўзига хос аномал ҳолатларга тушиб қолиши мумкин. Бу эса унинг қалтис вазиятларда ўзини бошқара олмаслик ҳолатларини юзага келтиради ҳамда жамиятдаги мавжуд шароитга кўникма ҳосил

қилишига йўл қўймайди, энг асосийси, ҳуқуқбузарликлар содир этишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, шахснинг юқорида баён этилган биологик хусусиятлари жамиятда ўзини тутишига ва жинойий йўлга киришига таъсир этиши мумкин. Энг асосийси, аномалия ҳолатида, жиноят қонунчилигида ақли расоликни рад қилмайдиган ҳолатдан фарқли равишда, шахс ўз хатти-ҳаракатлари устидан назорат қила олиши мумкин эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Рецидивист жиноятчилар ва дайдиликни ўзига касб қилиб олган шахсларда ҳам ушбу ҳолат кўп учрашини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятчиликнинг ўзига хос бир илдизи ҳисобланувчи шахснинг руҳиятида мавжуд бўлган ижтимоий ва биологик мувозанат муаммосини янада чуқурроқ тадқиқ этиш фан олдидаги катта вазифадир. Ушбу муаммони ечиш орқали жиноятчиликнинг жаҳон миқёсидаги географик жойлашуви ҳамда айрим турдаги жиноятлар (терроризм, наркобизнес, ғайриқонуний равишда қурол сотиш кабилар) юзасидан зарур илмий хулосаларга ҳам келиш мумкин.

Вояга етмаган шахсларда ҳам ижтимоий ва биологик мувозанат алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки жиноятчиликка қарши кураш амалиёти ушбу криминоген ҳолат аҳолининг айнан шу тоифадаги қатламларида бир мунча кенгроқ тарқалганини кўрсатмоқда.

Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психатрия экспертизасидан ўтказилганда, уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафариди ақли расо бўлган ҳолда руҳиятида ўз жинойий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган.

Ички ишлар органларининг тегишли хизмат соҳалари ҳисобида турган вояга етмаганлар содир этган ҳуқуқбузарликларнинг 23–43 фоизини руҳиятида турли даражадаги руҳий камчиликлар мавжуд бўлган ёшлар амалга оширганлар

Жисмоний куч ишлатиш орқали оғир турдаги жиноят содир этганларнинг умумий миқдориди аномалия ҳолатларининг мавжудлиги таҳлил этилганида эса 33 фоиз шахсларда аномалия ҳолатлари, 19 фоизда марказий асаб тизимининг органик жароҳати, 18 фоизда бош мия жароҳати, 17 фоизда сурункали алкоголизм мавжудлиги аниқланган.

Руҳий аномалия ҳолатларини ҳеч қачон ирсий касалликлар билан тенглаштирмаслик зарур. Чунки аномалия ҳолатлари асосан шахснинг

ҳаёти давомида (алкоголизм, жароҳат орқали ёки руҳиятни маълум бир ҳолатларда бузилиши кабилар) орттирилиши кузатилади. Руҳий аномалия ҳолатлари ўзига хос бўлиб, шахснинг у ёки бу хислатларини шаклланишига узвий таъсир кўрсатади.

Руҳий аномалия инсоннинг ижтимоий-тарихий жараёнда ўз ўрнини топиши учун зарур бўлган онгининг сифат даражасига салбий таъсир этмайди. Шахснинг ижтимоий мазмунини ифодаламайди ва жиноий қилмиш содир этишига (яхшилик қилишга ҳам) тўғридан-тўғри йўл очиб бермайди. Зотан, шахс жамият аъзосидир ва шу жамиятнинг ижтимоий ҳаёти билан ҳамоҳанг яшамоғи лозим. Чунки инсон жамиятда ўз ўрнини топишида ҳар бир шахс билан инсоний муносабатда бўлмоғи катта аҳамиятга эга. Бинобарин, шахс ижтимоий муносабатлар асосида шаклланиши хусусида юқорида батафсил баён этилди.

Криминологияда жиноятчи шахси унинг ижтимоий моҳиятини ўрганиш орқали, жамиятдаги номақбул муносабатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилди. Жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда эса шу йўналишда яратилган илмий-назарий тавсияларга асосланиш яхши натижалар беради.

4-§. Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи

Криминология фанида жиноятчи шахсига хос бўлган турли ҳолатлар, хусусиятлар ва типик белгиларни ўрганишга асосан икки йўналиш: ҳуқуқий ва ижтимоий-руҳий йўналишлар орқали ёндашилади.

Шунга кўра, криминология жиноятчи шахсининг хавфли, айбли ва ғайриқонуний қилмишлари билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этади. Жиноятчининг шахси хусусида фақат у жиноят содир этганда фикр юритилади, чунки ушбу йўналишдаги муаммолар жиноятчини жиноий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида кўриб чиқилиши билан эътиборлидир.

Криминология, биринчи навбатда, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий белгилари ва хусусиятларини ўрганади ҳамда маълум бир давр мобайнида унинг жиноят содир этишидаги мураккаб жиноий қилмишлар механизми ва бунда жиноятчи шахсининг типик хусусиятларига баҳо беради.

Демак, жиноятчи шахси тўғрисидаги таълимот тадқиқотлари доирасига унинг шахсини ўрганиш киради. Шунинг учун ҳам шахсда жиноий хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи, жамият манфаатларига ёт бўлган қарашлар, кўникмалар, одатлар ва мойилликлар, ўз моҳиятига кўра ўзгача тус олган салбий эҳтиёжлар, уларнинг қасди ва мақсадларини атрофлича таҳлил этиш катта аҳамиятга эгадир. Шу орқали жиноятчининг

шахсида мавжуд бўлган салбий ижтимоий муносабатларни аниқлаш имконияти юзага келиши мумкин.

Ҳар бир жиноий ҳолат шахсининг билим даражаси, ҳиссиёти, ирода-си ва маънавий сифатларига боғлиқ равишда кечиши инобатга олинса, унда криминология нуқтаи назаридан ушбу хусусиятларни ҳамда шахс-да пайдо бўладиган салбий ўзгаришларни ҳам ўз вақтида ўрганишга эҳ-тиёж юзага келади. Айнан шу асосида ижтимоий ҳаётда жиноятчи шахси ва жиноий фаолият ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мумкин.

Жиноятчига жамият ва давлат ўртасидаги мавжуд узвий боғлиқлик ришталаридан айримларини «ихтиёрий узган» шахс деб қараш мумкин.

Жиноятчи шахсини ўрганиш уни шакллантирувчи ташкилий тизим-нинг хусусиятларини ўз ичига олган ижтимоий тавсифларни тақозо эта-ди.

Ушбу ижтимоий тавсифлар тизими қуйидагилардан иборат: а) иж-тимоий-демографик; б) жиноий-ҳуқуқий; в) ижтимоий-руҳий; г) ижти-моий-маънавий жиҳатлар.

Санаб ўтилган ҳар бир йўналишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ижтимоий-демографик (яъни аҳолишунослик) йўналиши шахс-нинг жамиятда тутган мавқеи, аҳолининг маълум бир қатламида ўзига хос ўрни ва алоқалари каби эмпирик маълумотлар орқали жиноятчи шахсни жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг субъекти ёки объекти эканлигини ифодалайди.

Ижтимоий-демографик хусусиятлар асосида, яъни шахсининг жин-си, ёши, ижтимоий ва оилавий аҳволи, маълумоти, касби ва ҳоказолар орқали аҳолининг қайси қатламида жиноят аломатлари қай даражада ошганлиги ёки камайганлигини аниқлаш ва зарур чоралар қўллаш им-конияти туғилади.

Баъзи ҳолларда бир қатор жиноятларни содир этган шахсларнинг маълумоти ўрта маълумот даражасида эмаслигини кўриш мумкин. Ак-синча, иқтисодиёт ёки ҳарбий соҳасидаги жиноятлар содир этувчи шахсларда олий, ҳатто махсус тайёргарликдан ўтганлик даражалари мавжудлигини кузатиш мумкин. Кўриниб турибдики, бундай ҳолларда шахсининг шаклланишида биринчи галда биологик эмас, балки ижти-моий ҳолатлар таъсир қилмоқда.

Шахсининг оилавий ва ижтимоий келиб чиқишини тадқиқ этиш ор-қали унинг бир қатор криминоген ҳолатларини ҳам идрок этса бўлади. Чунки айрим жиноятларни содир этувчи шахсларнинг шаклланишида айнан шу ҳолатлар катта ўрин тутаяди. Табиийки, бундай боғланишни

илмий жиҳатдан тўғри англаш жиноятларнинг олдини олишдаги чоратadbирлар режасини тўғри ишлаб чиқишга имкон яратади.

2. Жиноятчи шахси жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги ва шахс ҳаракатларида қайси турдаги жиноят содир этилганлиги, иштирокчилик шакли, рецидив жиноят ҳамда тайинланган жазо тури ва ҳажми кабилар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда тавсифланади.

Қўлланилаётган жазонинг самара бериш-бермаслигини таҳлил этиш эса жиноий-ҳуқуқий чоралар таъсирчанлигини баҳолашда катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

3. Ижтимоий-руҳий томондан тавсиф бериш орқали жиноятчи шахсига хос бўлган «жиноятчи ва унинг яшаш тарзи» каби қоида асосида хулоса чиқариш мумкин. Бунда жиноятчи шахсини шаклланишига бевосита алоқадор, яъни шахснинг инсонийлик хислатларига салбий таъсир этувчи номақбул муҳитни эътироф этиш лозим. Зотан, бундай номақбул муҳит инсонни жиноий йўлга киришига катта таъсир кўрсатади. Агар шахс «жиноятчилар олами» таъсирига тушиб қолса ва иродаси заифлиги туфайли ушбу муҳитдан чиқиб кета олмаса, оқибатда жиноят йўлига кириши муқаррардир.

4. Шахснинг ижтимоий-маънавий хусусиятлари ҳам ўзига хос муҳит таъсирида бўлади. Шахснинг ўзини тутиши, хулқи, шу жумладан жиноят йўлига кириши маълум бир мазмун ва моҳиятга эга, яъни шахснинг ички маънавий олами унинг хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бинобарин, шахс ҳаракатлари руҳиятининг кўзгусидир!

Шахснинг маънавий хислатлари унинг хулқига оид сифатларини ўзида мужассамлаштиради, яъни шахснинг ички дунёси, ахлоқи яхшиликни ёмонликдан ажратиш, бурч ва садоқат, виждонан ёндашув каби вазиятларда тўғри йўл тутиши билан баҳоланади. Шахснинг шаклланишида ушбу хислатлар бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам криминология фани шахсга тавсиф беришда ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратади.

Жиноятчи шахсида санаб ўтилган хислатларнинг фақат салбий жиҳатлари шаклланганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноятчи шахсига бераҳмлиқ, нокамтарлик, авантюра, нигилизм, ҳиссизлик ва жамиятнинг маънавий қадриятларига ҳурматсизлик каби иллатлар хосдир.

Бироқ, шуни эсдан чиқармаслик керакки, жиноятчи шахсда салбий хислатлар билан бирга, ижобий хислатлар ҳам мавжуд. Қайта тарбиялаш ёки ижтимоий мослаштириш жараёнида жиноятчи шахсидаги ушбу ижобий хислатларни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчи шахсига тарбиявий таъсир ўтказишда баён этилганларга асосан иш кўриш яхши натижаларни беради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, айнан шундай ҳолатларда оила ёки жамоа шахсни тарбиялашда юзакилик билан ёндашади. Тўғри, одамзот гўдаклик чоғиданоқ ўз онгини атрофида бўлаётган ҳодисаларни идрок қилиш орқали шакллантириб боради. Бу айтилиши ҳақиқат ва бу борада психология, биология, социология каби фанларнинг илмий тадқиқотлари орқали олинган илмий хулосалари мавжуд. «Жиноят қонунчилиги келгуси авлодлар учун ўзига хос кадриятларнинг ўтиб боришига зарур шароит ва ижтимоий кўникмалар юзага келишига имкон яратади. Шу билан бирга, бу давомли ва мураккаб жараёнда кадриятларни шакллантиради. Бунда биз жиноят қонунчилиги, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокини кўрамиз»⁷.

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир жамият ўзига хос бетакрор ижтимоий муҳитга эга. Зотан, кадриятлар жамиятда амалда бўлган ахлоқ-одоб қоидаларига мос равишда жамият аъзолари томонидан қабул қилинса, жиноятчилар эса ўзига хос салбий томондан идрок қилинишини кўриш мумкин. Айнан шу орқали жиноий ва жиноий бўлмаган ҳолатлар ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш имкон юзага келади.

Энг асосийси, шахсининг шаклланишида, юқорида таъкидланганидек, ижтимоий ва биологик мувозанат мавжудлигини тўғри англамоқ даркор. Жиноятчи шахсига тўғри тавсиф бериш жиноятчиликка қарши кураш назарияси ва амалиётида алоҳида ўрин тутишини ёдда тутиш лозим.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жиноятчи шахсининг ўзига хослиги ва асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Жиноятчи шахсининг шаклланиш механизми ва манбаларини айтинг.
3. Жиноятчи шахсига хос бўлган тизим ва унинг таркиби тушунтиринг.
4. Жиноятчи шахсига хос бўлган тизимни ўрганишнинг амалий аҳамияти нимада?
5. Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи нималарни ўз ичига олади?
6. Жиноятчи шахсига ижтимоий-демографик, ҳуқуқий ва маънавий-руҳий тавсиф беринг.
7. Ножўя хатти-ҳаракатларнинг типологияси ва классификацияси тўғрисида нималарни биласиз ва шу каби ножўя хатти-ҳаракатларни содир этувчиларни гуруҳларга ажратишда қандай ёндашилади?

⁷ Шнайдер Г. И. Криминология. – М., 1994. – С. 388.

8. Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан жиноятчининг шахсини ўрганиш қандай аҳамиятга ва мақсадга эга?

V боб
АЛОҲИДА ОЛИНГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА
ШАРОИТЛАРИ

1-§. Алоҳида олинган жиноятларнинг сабаб ва
шароитлари тушунчаси

Ижтимоий ҳаётда жамият манфаатларига зид бўлган ҳолатлар, шу жумладан, одамнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари орқали юзага келувчи жиноят жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатлар заминида шахснинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мавжуд воқелик асосида келиб чиқувчи вазиятларда ўзини тутиши ва нималарга амал қилиш ёки қилмаслик борасида жазм этишидир.

Бунинг оқибатида жиноят жиноятчи шахсининг ўзига хос хусусиятларига мос равишда содир этилади. Яъни бир турдаги жиноят бир неча жиноятчи шахслар томонидан содир этилган бўлса-да, ҳар бир жиноят ўзига хос тарзда содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам криминология жиноятларни илмий жиҳатдан кўриб чиқишда ҳар бир жиноятнинг содир бўлиши хусусиятларига алоҳида ёндашади. Чунки ҳар бир содир этилган жиноят, жиноят қонунчилигида қайд этилган турига кўра, криминология нуқтаи назаридан ўрганилса, маълум бир сабаб ва шароит асосида содир этилганлиги маълум бўлади.

Бинобарин, ҳар бир жиноят шахснинг ўзига хос шаклланишига таъсир этган ички ва ташқи ҳолатлар асосида келиб чиқадиган салбий маънавий-руҳий хислатларининг оқибатидир ва бу ҳолат жиноятни юзага келтирувчи ҳолат ҳисобланади (яъни криминоген ҳолат).

Ушбу хулоса, биз аввалги параграфларда кўриб чиққанимиздек, икки хил, яъни шахс билан жиноят содир этилишидаги мавжуд ижтимоий воқеликнинг ўзаро боғлиқлиги асосида юзага келади. Шахснинг маънавий шаклланганлиги ва жиноят содир этилишидаги аниқ вазиятларнинг мавжудлиги жиноят учун асос ҳисобланади.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари ўзига хос равишда шахс маънавий жиҳатларининг шаклланишини ўз ичига олади. Шу билан бирга, шахснинг хатти-ҳаракатлари юзага келишига имкон яратувчи аниқ вазиятларни ҳам белгилашга ёрдам беради.

Ўз навбатида, алоҳида олинган жиноятлар ҳам индивидуал миқёсда, аниқ бир воқеликда юзага келувчи жиноятчиликнинг сабабларини ва

аниқ вазиятларни ўзида акс эттиради. Демак, ҳар бир алоҳида олинган жиноят ўз сабаблари ҳамда шароитларини юзага келтириши асосида умумий жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари келиб чиқишига таъсир этиб боради.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ тартиботи идоралари фаолиятида жиноятларнинг олдини олиш ҳар икки миқёсда – жиноятчиликни келтириб чиқарувчи шароитларни аниқлаш, оилада, ўқув масканларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик жамоаларида ва ижтимоий ҳаёт йўналишларида шахсни маънавий шаклланишига салбий таъсир этувчи ҳолатларни (якка тартибдаги профилактика, яъни олдини олиш чоралари орқали) аниқлаш, уларга барҳам бериш ва криминоген ҳолатларни тугатиш ҳамда аниқ бир жиноят содир бўлишига йўл қўймаслик каби вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади.

Зотан, хизмат соҳалари бўйича ички ишлар органлари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, жумладан, жиноят-қидирув йўналишида босқинчилик, талончилик ёки бир қатор куч ишлатиш ва зўравонлик орқасида содир этиладиган жиноятларда; иқтисодиёт соҳасидаги, айниқса, коррупция, рэкет, террор каби жиноятларда юзага келадиган порахўрлик, таъмагирлик, ўзгалар мулкани турли йўллар билан ўзлаштириш кабиларнинг олдини олишда; профилактика инспекторлари вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни йўлга қўйиш ва бунда шахснинг маънавий-руҳий ҳолатларини инобатга олиш ёки маъмурий ҳудудда турли жиноятларга йўл қўймаслик каби чора-тадбирларни йўлга қўйиш ишларини амалга оширадилар.

Бу каби таҳлилий ишлар жиноий қилмишнинг индивидуал, ижтимоий-руҳий ҳолатини кўриб чиқишга имкон яратиши билан бирга, шахснинг ижтимоий-руҳий жиҳатдан алоҳида олинган жиноят содир этишининг сабаб ва шароитларини тадқиқ этишга ёрдам беради.

2-§. Алоҳида олинган жиноятлар содир этилиши механизми

Шахс томонидан содир этиладиган ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат ёки жиноят ўзига хос бўлган содир этиш механизми асосида юзага келади. Шунга кўра, ушбу ҳолатларнинг келиб чиқишига ва, умуман, алоҳида олинган жиноятларнинг ижтимоий-руҳий механизми бир қатор белгиларга ҳамда босқичларга эгалигини эътиборга олиш лозим. Алоҳида олинган ножўя ва жиноий хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий-руҳий механизми белгилари шахснинг маънавий хусусиятлари ҳисобланади.

Шахснинг маънавий хусусиятлари унинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мақсадлари, қолаверса, ҳуқуқбузарлик содир этишдаги мавжуд

қасдларини ҳам ўз ичига олади. Ушбу механизм ўз хусусиятларига кўра маълум бир босқичларга эга. Яъни шахснинг маънавий жиҳатдан шаклланиши, ундаги маънавий шаклланишнинг кескинлашуви, ўзини тутиши, ҳуқуқбузарлик йўлига киришга жазм қилиши ва уни амалга оширилиши кабилардан иборатдир.

Ножўя хатти-ҳаракатларнинг жиноят сари йўналиши ўзига хос равишда руҳий механизмнинг алоҳида белгиси ҳисобланмайди, балки умумий механизмнинг маълум бир босқичи шаклланишидаги камчилик ёки бузилиш ҳолатларидир. Камчилик ёки бузилиш ҳолатлари оқибати эса ножўя хатти-ҳаракатни жиноят томон бошлаши билан ажралиб туради ва бу ҳолат биз санаб ўтган босқичларнинг бирига ёки ҳар бирига ўзига хос равишда таъсир кўрсатади.

Шу ўринда, умумий ҳисобда шахснинг маънавий шаклланишидаги камчилик ва бузилишлар жиноятга қасд туғилганидан то уни содир этилишигача бўлган вақт оралиғида юзага келади, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Чунки жиноятга қасд этиш ва уни содир этиш оралиғидаги вақт маънавий шаклланиш жараёнида юзага келувчи босқичлар оралиғидаги вақт билан бир хил эмаслигини унутмаслик зарур. Айниқса, бу жараён катта ёшдаги шахсларга тааллуқли эмаслиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, баъзи кам аҳамиятли жиноий ҳаракатларнинг сабаб ва шароитларини «вақт оралиғидаги силжиши» руҳий механизм босқичларига хос бўлган, шахснинг жиноят қилишига жазм қилиши ва эҳтиёжларини ортиб бориши босқичларига қиёсан: жазм қилиш ва эҳтиёжларни ортиб бориши жиноятларни содир этилишида маълум бир вақт оралиғида ортда қолиши мумкин. Бу шахс учун ўйлаб кўриш, тайёргарлик кўриш, моддий манбалар топиш, аниқ фурсатнинг этилишини кутиш кабиларни амалга оширишни тақозо этади. Жиноят содир этишга киришиш ва содир этиш оралиғида вақт мавжуд эмас. Бу оралик кўпинча жиноятчининг шахси билан шароитига боғлиқ.

Жиноий хатти-ҳаракатлар руҳий механизмнинг тармоқ ва босқичларини тадқиқ этиш асосида жиноятга олиб келувчи камчиликлар ва бузилишларни аниқлаш, шу орқали сабаб ва шароит нималарда эканлигини билиш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қўллаш мумкин бўлади. Алоҳида олинган жиноятлар руҳий механизмида ўзига хос бўлган ғайриқонуний қилмишларнинг табиатини аниқлаш мавжуд эканлигини ёдда тутиш лозим.

Барча ножўя хатти-ҳаракатлар каби жиноят ҳам ихтиёрий, шунингдек, салбий оқибатларини билган ҳолда амалга оширилиши ҳаммага яхши маълум. Ҳар қандай қилмиш шахс томонидан ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатларнинг бир кўринишидир. Тўғри, инсон-

нинг эҳтиёжлари турлича ва турли йўналишларга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Бу эҳтиёжлар оддийдан мураккабга қараб шаклланади.

Оддий эҳтиёжлар – инсон биологик, физиологик (жисмонан) томондан ўзини таъминлаши (овқатланиш, иссиқ-совуқнинг меъёрида бўлиши, кийим-кечак) ва ирсий эҳтиёжлар (севги, оналик, болалик бўлиш)дан иборат. *Мураккаб эҳтиёжлар* – ижтимоий талабларни қондириш мақсадидаги моддий ва маънавий (ахборот олиш, билим олиш, меҳнат қилиш, ижод, ўзаро мулоқот, ўз фикрини ифодалаш, ўз фикрида туриш, ижтимоий-сиёсий фаолият) эҳтиёжлардир.

Инсон манфаатларини қондирувчи, зарурий эътироф этилган эҳтиёжлар унинг қизиқишлари чегарасини белгилайди. *Қизиқиш* – бу шахснинг маълум бир фаолиятидаги йўналиш хусусиятлари ҳамда у ёки бу йўлдан боришга таъсир этувчи субъектив ва ўзига хослик йиғиндиси.

Шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг ўзаро мос келмаслиги шахсий манфаатларни қонун асосида қўриқладиган жамият манфаатларига қарши қўйиш ва, умуман, ўз манфаатларини ўйлаш, табиийки, ўзаро қарама-қаршилиқларни юзага келтиради ва оқибатда жиноят содир этилишига йўл очади.

Шунинг учун ҳам жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз эҳтиёжларини белгиланган меъёрлар ва қонунга итоаткорлик асосида қондирмоғи лозим. Жамият аъзоларини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш эса ўзига хос бўлган ва жиноятчиликка қарши курашдаги катта чора-тадбирлардан биридир.

Баён этилганлардан маълум бўладикки, алоҳида олинган жиноятларнинг содир этилишида биринчи галда шахс руҳиятида мавжуд бўлган ҳолат, яъни шахс ўз эҳтиёжларини қонунга хилоф равишда қондиришидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, шахс манфаатларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

– одамнинг яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар (озик-овқат, зарур ҳарорат, ўзини сақлаш имкониятлари кабилар);

– табиий ва ижтимоий томонидан эътироф этилган шарт-шароитлар (илм олиш, мулоқотда бўлиш, ўз фикрини изҳор қилиш, яшаш учун зарур маиший шароитга эгалик қилиш);

– ҳаёт учун нормада бўлган ҳолатлар (ҳаёт нормаларини зарурат юзасидан (гипертрофирования) шаклан ва мазмунан ўзгартириш);

– жамият манфаатларига зид келувчи эҳтиёжлар (ичкиликбозлик, ўзгалар ҳисобига кун кўриш, жинсий палапартишлик, гиёҳвандлик, тур-

ли хил дори-дармонларни истеъмол қилишга кўникиш, яъни токсикоман-ния кабилар).

Ушбу гуруҳга киритилганлар ичида ўзига хос хавф келтирувчи ва жиноят қилишга монелик туғдирувчи эҳтиёж жамият манфаатларига ва ахлоққа зид бўлган ноўрин эҳтиёждир. Шундай бўлса-да, жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичларида бундай йўл билан эҳтиёжларни қондириш бор-йўғи 15 фоизни ташкил этади. Чунки жиноий қилмиш содир этилишида эҳтиёжлар мазмунига кўра эмас, балки уни қандай ва қайси йўл билан қондириш тақозо этилади.

Маълумки, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳар бир кимса биринчи галда ўзининг куч ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қандай йўл тутиш ва зарур воситаларга таянишни ҳисобга олинади. Ушбу руҳий жараённинг ўзига хос томони одамда эҳтиёжни қондириш учун қандай йўл тутиши лозимлигини англашидир. Шунинг учун жиноий қилмишга жазм қилган кимса ўз эҳтиёжларини қайси йўл билан қондириш ва қандай амалга ошириш бўйича зарур қарорга келиши лозим. Чунки ҳар қандай ҳолатда вазият нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, бирор-бир жиноий қилмишни амалга ошириш учун шахс олдида бир неча йўл бўлиши табиий ҳолдир.

Агар қулай шароит бўлмаса ёки тегишли жиноий қилмишни содир этишга жазм этилмаса, у ҳолда ножўя хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда ҳам жиноят содир бўлишига олиб келмайди. Демак, шахснинг жиноий йўлга кириши учун зарур тўхтамга келиш ҳолатини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир инсонда ўз фикрини изҳор қилиш ёки ўз фикрида қатъий туриш туйғуси мавжуд. Ушбу туйғу асосида шахс ўзини кўрсатиш, ўзгалар эътиборини ўзига қаратиш ва у билан ҳисоблашишларини хоҳлаш мавжудлигини кўриш мумкин. Шунга кўра айрим шахслар ўз олдиларига юқори лавозимларга эришишни мақсад қилиб оладилар, айримлари эса бошқа йўлдан борадилар, яъни бебошлигини, безорилигини намоиш этиш орқали ўзларини кўрсатишга интилади. Биринчисида шахс жамият томонидан эътироф этилган эҳтиёжлар орқали (билим олиш, касб малакасини ошириш, жамоат ишларида иштирок этиш кабилар) ўз ниятига эришиши мумкин ёки аксинча, ёлғончилик, қаллоблик, пора эвазига ҳамда хизмат мавқеини ўз манфаатлари учун ишлатиш каби йўллар орқали ҳам ўз мақсадига эришишга, аниқроғи, эҳтиёжини қондиришга интилади.

Эҳтиёжларини қондириш йўлини танлашда шахс ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит имкониятларидан фойдаланади. Қандай йўл тутиш эса шахснинг маънавий хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Шу билан

бирга, шахс ҳаракатларидаги жиноийлик ўз эҳтиёжларини қондирилишидаги табиий ёндашишни белгиламайди, балки бу каби ҳолатларда тақиқланган усул ва воситалар орқали ҳамда қандай бўлмасин жамият манфаатларини таъминлашга қаратилган меъёрий асосларни бузиш орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Масалан, моддий бойликларга эга бўлишга интилиш заминида мулкни ғайриқонуний равишда ўзлаштириш ёки талон-торож қилиш ётади. Бу хатти-ҳаракатнинг жамият манфаатларига зидлиги ўқувчига яхши аён. Моддий бойликларга эга бўлиш эҳтиёжини қондириш жамиятдаги мавжуд ва тегишли тақсимот принциплари асосида, ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал этилиши лозим.

Аммо ушбу принципларга риоя этмай, турли хил йўллар билан буни инкор этиш яна ўша жамият манфаатларига зидлик ҳолатини ва жиноятни юзага келтириб чиқаради. Ҳатто яшаш учун зарур эҳтиёжни жамият манфаатларига зид ҳолда содир этиш (масалан, оч қолган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини топиш учун босқинчилик ёки талончилик йўли билан ўз эҳтиёжини қондириш) ҳам жиноят деб топилади.

Назарий жиҳатдан ва юқорида баён этилганларга асосан айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг олдини олиш ва зарур профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқишда шахснинг ўз манфаатларини қондиришдаги ижобий ва салбий йўл тутиш ҳолатлари мавжудлигини инобатга олиш катта аҳамиятга эга. Зотан, шахснинг ижтимоий жиҳатдан эътироф этилган манфаатларини қондиришга, бу манфаатларини қондириш давомида жамият манфаатларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Умуман олганда, маълум бир ножўя хатти-ҳаракатлар қилишга таъсир этувчи маънавий омиллар шахс туғилганида эмас, балки у яшаётган муҳит асосида унинг руҳиятида юзага келадиган ўзгариш эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Бинобарин, шахснинг шаклланишига узвий таъсир этувчи ижтимоий омилларни атрофлича ўрганиш ҳам катта криминологик аҳамиятга эга. Шахсни шаклланишига салбий таъсир этувчи ҳар қандай шароит ўз вақтида бартараф этилмоғи ички ишлар органлари фаолиятида энг долзарб масала эканлигини унутмаслигимиз даркор.

3-§. Шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир этувчи шароитлар ва уларнинг криминологик хусусиятлари

Шахснинг маънавий шаклланиш жараёнини уни ўраб турган ўзига хос ижтимоий муҳитдан ажратилган ҳолда ўрганиш асло мумкин эмас. Шу билан бирга, ушбу ижтимоий шароитнинг турли-туманлиги шахс-

нинг шаклланишига маълум тарзда таъсир ўтказишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Маълумки, шахс ижтимоий фаолиятини мазмунан ўрганувчи социология фанида ижтимоий яшаш жараёнига таъсир этувчи ижтимоий шароитларни қуйидаги турларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш белгиланган. Булар: оила-турмуш, ўқув-тарбия, меҳнат ва ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳарбий, спорт ва диний йўналишлардир.

Криминологияда эса уч хил шароитни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки шахснинг маънавий хусусиятларини ўрганишда айнан оила-турмуш, ўқув-тарбия, меҳнат ва ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш унинг шаклланишидаги салбий ва ижобий жиҳатларини ўрганишга кенг имконият яратади.

Маълумки, криминология ўз тадқиқотлари доирасида асосан жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг илмий асосларини ўрганади, шунингдек, рецидив жиноятлар ва уларнинг юзага келишини ўрганиш ҳам ушбу фаннинг объекти ҳисобланади. Демак, юқорида санаб ўтилган уч тоифа қаторига ўзи хос бўлган мажбурий-тарбиявий фаолият йўналишидаги шароитни ҳам қўшиш зарур.

Оила шахснинг илк шаклланиш ўчоғидир. Зеро, унинг дунёқараши, руҳий шаклланиши айнан оиладаги шароит асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам криминологик тадқиқотларда оила ва ундаги мавжуд шароитга алоҳида эътибор қаратилади.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир оила бетакрор бўлиб, ўзининг объектив ва субъектив хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлар эса шахснинг шаклланишида салбий ёки ижобий таъсир ўтказади. Жумладан, оиладаги носоғлом ва номақбул муҳит шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада шахс маънавиятида кишиларга ишончсизлик, ўзбошимчалик, фақат ўз манфаатларини ўйлаш каби иллатлар юзага келади.

Агар биз объектив ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, оила-аъзоларнинг тўлиқ эмаслиги (эр ёки хотиндан бирининг йўқлиги), ота-оналарнинг бетоблиги, моддий етишмовчилик кабилар ўзига хос криминологик ҳолатларнинг юзага келишидаги асосий омиллардир. Ёки оилада маънавий тарбия йўналишида ота-онанинг фақат тарбиячи вазифасини бажаришини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин.

Маънавий тарбия ҳар бир оилада ўзига хос шаклда намоён бўлади. Энг ачинарлиси, айнан шу тарбия жараёнида катталар томонидан ёшларни жиноят йўлига тортишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишдек ҳолатнинг мавжудлигидир. Табиийки, бундай вазиятларда ёшлар тар-

бияловчилар таъсиридан чиқиб кета олмайдилар. Тўғри, кўп ҳолатларда ичкиликбозлик, тиланчилик, фоҳишабозлик каби иллатларни келиб чиқиши айтиб ўтилган тарбия таъсирида юзага келишини ҳам кўриш мумкин. Зотан, ушбу номақбул шароитлар оилаларда нисбатан кам кузатилса-да, унинг салбий оқибатлари жамиятда ғоятда ачинарли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Бу каби салбий ҳолатлар маънавий-тарбиявий ишларда тўғридан-тўғри, яъни ота-оналар томонидан болани жиноят йўлига бошлашни мақсад қилиб олинмаган бўлса-да, оилада ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги оила аъзоларининг, айниқса, ёш болаларнинг жиноят йўлига киришига замин яратади.

Криминологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, жиноят йўлига кирган 30 фоиз шахсларнинг оилавий шароитларида ота-оналарнинг мунтазам ичкиликбозликка берилганлиги, раҳм-шафқатсизлиги, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ахлоқан бузуқлиги каби иллатларни учратиш мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳар беш нафар шахсдан бирининг ота-онаси, яқин қариндошлари, опа ёки акаси муқаддам судланганлиги ёки жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланмаганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолатларда оиладаги шароит шахснинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, жамият манфаатларига ҳам зиён келтиради. Криминология назариётидан яхши маълумки, шахс ёшлигидан бошлаб жиноят йўлига кирса, судланса, бу рецидив жиноятчилигининг ошишига олиб келади.

Оилада маънавий тарбия номақбуллигининг яна бир кўриниши – оилада жамиятга қарши бўлган ғаразли фикрларнинг мавжудлиги, жиноят оламига хос одатлар, кўникмаларнинг юзага келиши ҳам жиноят йўлига тўғридан-тўғри бошламас-да, жиноятга ўзига хос қизиқиш уйғотади (масалан, ўзгаларнинг маънавий мунофиқлигига ҳавас билан қараш, меҳнатга ва ўз фуқаролик бурчига менсимаслик билан қараш ва х. к.).

Оилада маънавий тарбиянинг яхши эмаслигига яна бир сабаб унда носоғлом муҳитнинг мавжудлигидир, яъни ахлоқий келишмовчиликлар натижасида келиб чиқадиган ўзаро жанжал ҳамда бир-бирига нисбатан кўпол муносабатда бўлиш кузатилган оилада жиноятга мойил шахсларнинг шаклланиши яхши шароитдаги оилага нисбатан кўпчиликни ташкил этишини кўриш мумкин. Ўзига хос равишда кўзга ташланмаса-да, аммо хавф туғдириши бўйича оилада нотўғри тарбия ҳам алоҳида эътиборни қаратишни талаб этади. Чунки нотўғри тарбия оқибатида

Ўзига хос яхши оилада ҳам жиноятга мойил шахсларнинг етишишига замин яратилиши мумкин.

Нотўғри тарбияга болаларнинг эрка бўлиб ўсиши, ўжарликлари, оғир меҳнатдан озод бўлишлари учун «алоҳида шароит» яратиш каби-ларни киритиш мумкин. Бунинг оқибатида эса шахс келгусида ишёқ-мас, манман, ўзгаларнинг қизиқишлари ва мақсадларига бефарқлик ка-би иллатларга эга бўлиб қолиши мумкинлигини кўриш мумкин.

Тўғри, бозор иқтисодиёти натижасида жамиятда ўзига хос ижти-мой-рухий қарашлар юзага келмоқда. Бироқ бу оилада амалга ошири-ладиган тарбияга бир томонлама ёндашиш зарур дегани эмас, албатта. Зотан, кўп ҳолларда болаларни ўқишдан ажратиб, олди-сотди ишларига жалб қилиш ёки тижорат ишларининг турли йўналишларида болалар хизматидан фойдаланиш оқибатлари ўзига хос равишда кримнологик тадқиқотлар доирасига кириб келмоқда. Моддий манфаатдорлик мақса-дида тарбия ишларини четга суриш ижобий натижа бермаслигини ёдда тутиш зарур.

Оилада тарбиянинг нотўғри йўналишда олиб борилиши сифатида тарбия ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, ота-оналар фарзандла-рига ғамхўрлик қилишдек конституциявий бурчларини бажаришларига эътибор қаратилмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу эса оилада тарбия иш-ларида ўзига хос аниқ бир йўналиш йўқлигини билдиради.

Ушбу ҳолатни тадқиқ этиш бўйича ўтказилган сўров ишларидан маълум бўлдики, 12 фоиз маҳкумлар ва 20 фоиз мунтазам тартиббузар-ликлар содир этувчи шахслар асосан шундай оила шароитида яшаган-лар. Шунингдек, бу каби ҳолатлар вояга етмасдан жиноят йўлига кир-ган шахсларнинг бешдан тўрт нафарига ҳам кузатилган.

Шахсни маънавий шаклланишига таъсир этувчи яна бир муҳит – мактаб ёки бошқа ўқув юртлари. Айнан мактабда ёки маълум бир касб-хунар берувчи тарбия муассасаларида шахсни жамиятнинг ижтимоий яшаш қоидаларига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш амалга оши-рилади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, замон талабига мос равишда лицей, коллеж шаклидаги ўқув юртларининг ташкил этилиши ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашга кенг имко-ниятлар яратмоқда.

Энг асосийси, янги шаклдаги ўқув юртларида юқори малакали пе-дагоглар ва зарур мутахассисликдаги олимларнинг фаолият кўрсатаёт-ганлиги тарбия ишларини юқори даражада бўлишини таъминлайди. Ўқув юртларида ва, айниқса, касб-хунар, умумтаълим мактабларида

таълим олаётган ўқувчиларга ўқув жараёнига таъсир этмайдиган шароитларда 14 ёшдан бошлаб ишлашга рухсат этилганлиги тарбия ишларига ижобий ёрдам бераётганлигини кўриш мумкин. Албатта, 14 ёшга тўлган шахснинг ишга жойлашишига ота-оналаридан бирининг ёзма равишда берган розилиги керак бўлади.

Санаб ўтилганлар шахсни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига имкон яратишни мақсад қилиб олганлиги билан эътиборга лойиқдир. Бироқ тарбия жараёни ўзига хос мураккаб жараёнлиги ва шахс тарбиясини амалга оширишда ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги педагогиканинг асосий принципларидан бири эканлигини эътиборга олиш лозимдир. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга, юқорида таъкидланганидек, замон талаблари асосида ёндашиш бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади.

Тўғри, ўқув-тарбия жараёнида ҳам ўзига хос камчиликлар мавжуд ва улар жумласига нотўғри ва илмий асосланмаган методлардан фойдаланиш; тарбиянинг зарур шакли ва воситаларини ўз ўрнида қўлламаслик; ўқув-тарбия жараёнида фақат маъмурий-бошқарув нуқтаи назаридан ёндашиш, ўқувчи ёки талаба билан индивидуал тарбия ишларини йўлга қўймаслик; ёшлар руҳиятига хос бўлган ҳолатларни тушунмаслик ва рад этиш, шахсдаги мавжуд яхши фазилатларга баҳо бермаслик ёки унинг салбий жиҳатларини яшириш; тарбияланувчига нисбатан талабчанликни сусайтириш, унинг интизоми ва ўзини тутишидаги ёмон иллатларига эътибор бермаслик; ота-она, жамоатчилик билан ҳамкорликда яшаш жойида ўзини тутиши, хулқи кабиларни муҳофаза этмаслик; айрим педагогик жамоалардаги носоғлом муҳит; баъзи ўқув-тарбия фаолиятини юритувчи мураббийларнинг касбий маҳорати камлигини киритиш мумкин.

Ўқув-тарбия жараёнидаги яна бир салбий ҳолат – ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини эътибордан четда қолдириш. Дарсдан бўш вақтларда зерикарли ва расмий тадбирларнинг ўтказилиши тарбияланувчиларда қизиқиш уйғотмаслиги ва бунинг оқибатида улар ўз вақтларини бошқа, номақбул ишлар қилишга сарфлашлари мумкин. Айниқса, бундай «бўш вақтлар» натижасида вояга етмаган ёшлар норасмий уюшмалар таъсирига тушиб қолаётганликларини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда ёшлар тарбиясида ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг муҳимлиги назарий жиҳатдан ўз исботини топган, дейиш мумкин. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда мактаб ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳам кутилган

натижани беради. Мактаб, лицей, коллеж каби ўқув-тарбия масканларида ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш нафақат вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки ёшлар томонидан турли хил жиноятларни келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олишга замин тайёрлайди.

Криминологик тадқиқотлардан аниқланишича, ўқувчи ёшлар ҳуқуқий онгининг етарлича шаклланмаганлиги, оддий ҳуқуқий тушунчага ёки норматив ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти юзасидан зарур билимга эга бўлмаслик, шу билан бирга, ҳуқуқ-тартибот органларининг асосий фаолиятларини билмасликлари уларни тўғри, қонуний йўл тутишларида қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбияни бошланғич синфлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий тарбия йўналиши бўйича ишлаб чиқилган мактаб ўқув дастурларига, нафақат давлат ва ҳуқуқ асослари ёки жиноят ҳуқуқи бўйича, балки ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари билан боғлиқ бўлган маъмурий, фуқаролик, оила ва меҳнат ҳуқуқига оид мавзуларни киритиш катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ ҳолларда ўқувчиларга фақат ҳуқуқий принциплар ва ҳуқуқий тартибот билан боғлиқ билимларгина берилади. Аммо у билан узвий боғлиқ амалиёт муаммолари, ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда суд, давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг тутган ўрни ҳамда ваколатлари хусусида етарлича тушунча берилмайди. Натижада ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ўз эҳтиёжларини қондиришларига жавоб бермайди. Ота-оналарнинг ҳам ҳуқуқий тайёргарлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киришини унутмаслик зарур.

Шахсни ижтимоий-руҳий шаклланишига таъсир этувчи яна бир муҳит – меҳнат, ишлаб чиқариш ва ундаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Айнан ишлаб чиқариш ва унинг асосида шаклланган меҳнат жамоасидаги ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатлар шахснинг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши криминология фанининг илмий тадқиқотларида ўз исботини топган.

Бинобарин, шахснинг маънавий-руҳий шаклланишидаги узвий боғлиқлик жамоада мавжуд бўлган шароит билан бирга кечишини унутмаслик зарур. Тўғри, меҳнат жамоаси ва унинг ҳар бир аъзоси биринчи галда ўз моддий эҳтиёжларини қондиришдан манфаатдордир. Бу, албатта, қонун талаблари асосида бўлмоғи лозим. Бироқ меҳнат қилиш қонун устуворлигини таъминлаш асосида йўлга қўйилмаган ҳолатларнинг мавжудлиги, жамоада ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг йўқлиги шахснинг шаклланишига салбий таъсир этади. Умуман олганда, меҳнат

ва ишлаб чиқариш жамоаларидаги шароитнинг таҳлили қуйидаги салбий ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади:

– ишлаб чиқаришни қониқарсиз ташкил этилганлиги, иқтисодий кўрсаткичларнинг пастлиги, хўжасизлик ва раҳбариятнинг ўз вазифаларини бажаришларидаги масъулиятсизликлари;

– бошқарувда демократик принципларга риоя этилмаслик, айниқса, ошкоралик асосида иш юритилмаслиги;

– талончиликка шарт-шароит яратувчи шароитнинг мавжудлиги, яъни моддий бойликлар ҳисоби ва хавфсизлигининг таъминланмаганлиги;

– жамоада ғайриоддий хулққа эга шахслар билан тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилмаганлиги;

– раҳбарият ва касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятларига эътиборсизлик билан қараш ҳамда ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигининг таъминланмаганлиги, ходимлар учун касб маҳоратини ошириш ва ҳордиқ чиқариш каби тадбирларнинг йўлга қўйилмаганлиги;

– шахсларга нисбатан тўрачилик асосида муносабатда бўлиш, уларнинг моддий-маиший эҳтиёжларига бефарқ қараш, руҳий мадад бермаслик ҳамда жамоа аъзоларига қўпол муомалада бўлиш, танқид учун жазолаш, хушомадгўйликни тақдирлаш;

– раҳбарлик лавозимларига ўз хулқи ва маънавиятида салбий хусусиятларга эга шахсларни тайинлаш ёки сайланиб қолишига имконият яратиш;

– жамоада қариндош-уруғчилик, тарафкашликка бўлиниш каби ҳолатларнинг юзага келиши;

– жамоада ичкиликбозлик, меҳнат интизомининг бузилишига эътиборсизлик, бажарилмаган ишга кўзбўямачилик асосида қўшиб ёзиш ҳолатларининг учраб туриши;

– шахсларнинг ўзини тутишида юзага келган салбий ҳолатларни ўз вақтида аниқламаслик ва бунда жамоатчилик ёрдамига таянмаслик, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ишлари талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги бозор иқтисодиёти жараёни ва мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқининг бозор муносабатлари асосида шаклланиши меҳнат – ишлаб чиқариш жамоаларининг сифат жиҳатдан ўзига хос шаклланишини юзага келтирмоқда. Меҳнат жамоаси ўзига хос равишда, хусусий мулк секторида шаклланаётганлигини эътиборга олиш борасида ҳам криминология фанида ўзига хос ёндашув мавжудлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки давлат ва

хусусий мулк секторида юзага келаётган ижтимоий шароит маълум бир умумийлик, шу билан бирга, ўзига хослиги билан фарқланади. Умумийлик нуқтаи назаридан меҳнат ва у билан боғлиқ ташкилий ишларнинг барчаси ҳар икки секторда амалдаги қонун талаблари асосида бўлиши тақозо этилади.

Ўзига хослиги нуқтаи назаридан олинганда эса хусусий секторда фаолият кўрсатаётган жамоаларда юқорида санаб ўтилган ижтимоий-руҳий хусусиятларга қўшимча равишда ходимнинг касбий маҳорати юқори бўлишига ҳам қатъий талаблар, меҳнат интизомини ташкил этишдаги аниқлик ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ўзаро шартнома асосида бўлиши бу каби меҳнат жамоаларининг аъзоларига жуда катта масъулиятни юклайди. Тўғри, ҳар бир меҳнат жамоаси ўз анъаналарига кўра тарбиялашнинг турли усул ва воситаларига эга. Аммо мулкчиликнинг турли шакли асосида фаолият кўрсатувчи ҳар бир жамоада умумий бўлган халқ анъаналари ва, қолаверса, амалдаги қонунлар устувор бўлиши лозим.

Шахснинг ижтимоий-руҳий шаклланишида катта ўрин тутувчи ва криминология ҳамда педагогика нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил этилиши лозим бўлган ижтимоий шароит шахснинг оиладан ташқаридаги маиший турмушидир. Шахснинг оиладан ташқаридаги маиший турмуш шароити айнан оилавий муносабатлар таркибига кирмаса-да, ўз хусусиятларига кўра оила билан узвий боғлиқликда бўлади, шунингдек, оилавий муносабатлардан ўзига хос тарзда фарқланади. Ушбу турмуш тарзи шахснинг шаклланишига маълум даражада таъсир ўтказади.

Шахснинг оиладан ташқарида бўладиган фаолияти дам олиши ёки ўз маънавий қизиқиш ва эҳтиёжларини дўстлари, биродарлари билан бирга ташкил этишидир. Бунда шахснинг маънавий шаклланиши атрофдагиларнинг таъсири (салбий ёки ижобий) остида бўлади. Шахснинг ғайриахлоқий таъсирлар остига тушиб қолиши (норасмий ташкилотлар ёки гуруҳлар, маънавий ва маиший бузуқ томошалар ёки кўнгилочар кечаларни ташкил этувчи шахслар таъсирида қолиш) унинг дунёқараши ўзгаришига ва хулқининг бузилишига олиб келади.

Ижобий жиҳатдан эса шахс ўз маиший эҳтиёжларини турли хил маданий ва спорт тадбирларга қатнашиши орқали қондириши мумкин. Бундай вазиятларда шахснинг маънавий тарбияси жамият томонидан эътироф этилган яшаш қоидаларига мос равишда шаклланади. Бу, айниқса, вояга етмаган шахсларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Аксинча, юқорида таъкидлаганимиздек, «кўча»нинг шахс маънавиятини шаклланишидаги салбий таъсири оқибатларини тугатиш ва уни тўғри йўлга солиш оғир кечишини унутмаслик зарур. «Кўча» шарои-

тида юзага келувчи энг ачинарли ҳолат шахснинг ичкиликбозлик, гиёҳвандлик йўлига кириб қолишидир. Криминология фанида бу каби ҳолатлар кўпроқ оиладаги муҳит билан боғланади. Бироқ, айтиб ўтилгандек, «оила» ва «кўча» таъсирида юзага келадиган ҳар бир ижтимоий-маънавий муҳит ўзаро боғлиқдир. Ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлик иллатларининг юзага келишида ҳар икки ҳолат бирдек шароит яратиши мумкин.

Шунингдек, шахснинг биологик келиб чиқиши, аниқроғи жинсий нуқтаи назардан қаралса, эркак ёки аёл жинсидаги шахсларга «кўча» шароити турлича таъсир этади ва маънавий бузилиш ҳолатлари ўзига хос шаклда намоён бўлади. Масалан, фоҳишабозликнинг юзага келиши кўп жихатдан оиладан ташқарида бўладиган маиший ҳаёт тарзи билан узвий боғлиқдир.

Шахснинг ижтимоий-маънавий шаклланишига таъсир этувчи шароитнинг яна бир шакли – мажбурий тарбия жараёни. Мажбурий тарбия ишлари асосан жазони ижро этиш муассасалари томонидан амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра, бу тадбир маълум бир шароитда, яъни шахсни жамиятдан ажратган ҳолда ўтказилиши билан эътиборга лойиқдир. Чунки бундай ҳолатларда шахс махсус шароитдаги қамоқхона ёки жазони ижро этиш муассасаларига жойлаштирилади, меҳнатга жалб этилади ва тарбияланади. Табиийки, бу каби вазиятларда, амалдаги қонун талабларига кўра, шахс ишлаб чиқариш, мулкӣ, ижтимоий, оилага доир ҳуқуқӣ муносабатларининг маълум бир даражасида ҳуқуқӣ чекланишлар амалга оширилади ва шахс ўзига ўхшаш бўлган маҳкумлар жамоасига қўшилади.

Ушбу муассасаларнинг асосий фаолият йўналишлари маҳкумларнинг маънавиятига салбий таъсир этувчи шароитни яратмаслик ҳамда муассасалардаги ёмон хулқли ва тарбияга бўйин эгмайдиган тоифадаги маҳкумлар (ашаддий жиноятчи-рецидивистлар, жиноят оламининг анъаналари, кўпчиликни ўз таъсирида ушлаб туриш ва шу мақсадда ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган шахсларнинг норасмӣ тузилмалари) таъсирининг кенг ёйилмаслигини таъминлашдан иборатдир.

Жазони ижро этиш муассасаларида шахснинг маънавий шаклланишига таъсир кўрсатувчи қуйидаги ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Бу, биринчидан, маҳкумлар ўртасида тарбиявий ишларнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги бўлса, иккинчидан, бунинг оқибатида муассасадаги маҳкумларнинг носоғлом кайфиятдагилари томонидан ўзаро низоли гуруҳларнинг юзага келишидир. Бундай вазиятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, маҳкумларнинг зарур иш ёки фаолият билан шуғулланишини нотўғри ташкил этиш уларнинг бўш вақтлари

қолишига ва натижада маҳкумлар ўртасида юқорида баён этилган салбий ҳолатларнинг юзага келишига шароит яратади. Кўриниб турибдики, жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий ишларни йўлга қўйишда маҳкумларни ўз вақтида иш билан таъминлаш, зарур ҳолларда уларга касб ўргатиш ва доимий равишда касб маҳоратларини ошириб боришларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, ҳар бир маҳкумнинг ўзига хос хислатларини ўрганиб бориш ва бунда тегишли мутахассис ёрдамига таяниш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, муассасаларда юқори малакали руҳшунослар бўлишини таъминлаш зарур аҳамиятга эга. Тарбия ва қайта тарбия ишларига муассасанинг ҳар бир ходими иштирокини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик вакиллари ва жазони ижро этиш бўйича масъул давлат органлари ходимлари ҳам тарбия ишларига жалб этилиши таъсир чорасининг самарасини оширади. Бунда расмиятчилик учун эмас, балки амалий аҳамиятга эга бўлган учрашув ва суҳбатлар уюштириш яхши самара беради. Агар бундай тадбирлар мунтазам равишда олиб борилса, муассасалардан жазони ўтаб, кундалик турмуш тарзига қайтаётган шахсларда озодликка чиққанидан сўнг нима билан шуғулланишлари борасида олдиндан аниқ бир хулоса чиқариш имконияти юзага келади ҳамда озодликка чиққанидан сўнг ижтимоий мослашуви жараёнида унга зарур ёрдам кўрсатишга ҳам имкон туғилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялаш жараёнида муассаса ходимларининг ноқонуний ҳаракатларига, маҳкумлар билан хизмат талабига кирмайдиган мулоқотда бўлишларига, ўз хизмат мавқеларини суиистеъмол қилиш ҳолатларига асло йўл қўймаслик лозим. Чунки бундай ҳолатнинг юзага келиши қайта тарбиялаш жараёнини издан чиқаришга олиб келади.

Демак, шахснинг ижтимоий-маънавий ва руҳий шаклланишига таъсир этувчи шароитнинг турли шакллари мавжуд экан. Шахснинг шаклланишига салбий таъсир этувчи омилларни криминология нуқтаи назардан баҳолаш орқали мавжуд шароитни салбий ёки ижобий эканлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳар қандай муҳит шахсни тарбиялашда ўзига хос педагогик асосларга таянган йўналишларда амалга оширилмоғи лозим. Айниқса шахсни тарбиялаш жамиятда шаклланган ижобий анъана ва удумлар асосида амалга оширилиши кутилган натижани бериши шубҳасиздир. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маданий-оқартув, ҳарбий, спорт ва диний йўналишлардаги тадбирлар ҳам масаланинг моҳиятини бузмайди. Ижтимоий шароитни ҳуқуқий, миллий-этник, жинсий, ёш ва бошқа белгилар асосида шаклларга ажратилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Ижтимоий муҳитнинг биз кўриб чиққан шакллари ва уларнинг шахснинг шаклланишидаги таъсири турли йўналишларда бўлишини ҳамда улар орасида умумий ва ўзаро боғлиқлик мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Ушбу ўзаро боғлиқлик маълум тарзда намоён бўлади. Масалан, бир шаклдаги ижобий таъсир қилувчи ҳолат иккинчи бир шаклдаги ижобий ҳолат билан бир-бирини тўлдирган ҳолда шахснинг маънавий шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиб боради. Ёки бир шаклдаги салбий ҳолат айнан шу каби салбий таъсирни кучайтиради. Бир шароитдаги мавжуд салбий ҳолат эса ўз вақтида шахс руҳиятида шаклланган маълум бир салбий хислатларни тўхтатишга ёки яхши фазилатларга айланишига имкон яратади, шунинг акси сифатида шахсдаги яхши фазилатлар салбий шароит таъсирида умуман йўқолиб кетиши мумкин.

Турли шакллардаги ўзаро боғлиқлик шахснинг шаклланишида ўзига хос узвийликни ташкил этади. Масалан, фойдали меҳнат билан банд бўлмаслик ёки ижобий сифатларга эга бўлмаган меҳнат жамоасида ишлаш натижасида шахс шахсий вақти ёки маданий ҳордиқ чиқариш жараёнида турли жиноятларга мойил шахслар ёки гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий муҳит ва ундаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини билиш орқали тарбия ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шахснинг шаклланиши муаммолари криминологияда катта тадқиқот объекти сифатида психология ва ижтимоий психология муаммолари билан биргаликда ўрганилади. Шу боис шахс руҳияти ва унга тарбиявий таъсир этиш муаммолари хусусида ўқувчи санаб ўтилган фанлар тавсиялари билан яқиндан таниш бўлмоғи лозим.

4-§. Жиноят содир этилишида муайян ҳаётий вазиятнинг тутган ўрни

Шахснинг салбий хулқи ижтимоий-маиший ҳаётда юзага келадиган айрим ҳолатларда жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига имконият яратишини билиш криминология фанининг асосий вазифалари жумласига киради. Бундай ҳолатлар криминоген вазиятларни келтириб чиқариши билан ажралиб туради. Бу эса жиноят содир этиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган шахс ҳамда аниқ бир ижтимоий муҳит ўртасидаги жиноий боғланиш, яъни жиноятни келиб чиқишидир.

Айнан шундай вазиятда шахснинг жиноятга мойиллиги амалда жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига олиб келади. Бундай ҳолатлар ўзига хос равишда ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларида ва миқёсига кўра катта бир ҳудудда юзага келиши мумкин.

Айтайлик жамиятда кишилар эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутадиган товарларнинг етишмаслиги савдо ва, умуман, тижорат ишларида жиноий мақсадларни юзага келтиради. Ёки оиладаги жанжалли вазиятнинг юзага келиши маълум бир вақт оралиғида турли хил жиноятлар содир бўлишига шароит яратади. Шу билан бирга, маълум бир вақт оралиғида бўлишидан фарқли ўлароқ, дабдурустдан содир бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуддир (масалан, ўзаро жанжал ва ҳ. к.).

Жиноят содир бўлишида унинг вақт оралиғида «етилиши» ҳамда тўсатдан ёки дабдурустдан юзага келиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Криминологияда бундай ҳолатларни аниқ билиш жиноятчиликка қарши кураш амалиётида уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Ўз миқёсига кўра вазият локал бўлиши ва бу вазиятлар орқали фақат бир ёки бир неча киши жабрланиши мумкин (бетоблик, жароҳат олиш, мулкнинг нобуд бўлиши, ўзаро жанжал кабилар), шунингдек, бир гуруҳ шахсларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин (жамоадаги ўзаро қарама-қаршилик, табиий офатларнинг юзага келиши кабилар). Маълум бир ижтимоий-маиший ҳолатларнинг юзага келиши бошланғич манба бўлиб, шахснинг маълум бир ҳаракатлари ёки табиатда содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар оқибати (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел кабилар) ҳам бўлиши мумкин.

Шахслар томонидан юзага келтириладиган ҳолатлар бевосита айбдор ёки бошқа шахсларга тегишли бўлади. Санаб ўтилган ҳар икки ҳолатда ҳам шахс ҳаракатлари қонуний, ғайриқонуний ёки умуман жиноий бўлиши билан бирга, ўзига хос аралаш вазиятларда ҳам юзага келади. Яъни шахс ҳаракатлари табиатда юзага келадиган бахтсиз ҳодиса билан яқиндан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин (масалан, ёмон об-ҳаво шароитида автомобилдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши).

Ўз мазмунига кўра, ижтимоий-маиший ҳаётдаги айрим вазиятлар қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

– турмуш ташвишлари, яъни шахс ўз олдига қўйган мақсадларига етишиши йўлида учрайдиган қийинчиликлар ва тўсиқлар мавжудлиги (масалан, янги оила қуриш даврида келин ва куёв томонидан қўйиладиган мураккаб мулкӣ, молиявий талаблар ёки бирор-бир буюм сотиб олиш мақсадида маблағ йиғиш кабилар);

– жанжал ва низоли, яъни ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаёт йўналишларида томонларнинг айбли ва бошқа шахслар, давлат ёки жамоат ташкилотларининг ўз қизиқишлари ёки эҳтиёжларини қондири-

ши билан боғлиқ бўлган низолар (оилавий жанжаллар ёки иш жойидаги ўзаро келишмовчиликлар);

Ўз табиатига кўра айбдорга таъсир этувчи ҳолатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

– экстремал ҳолатлар, яъни маълум бир шахсга хос бўлмаган ва унинг шахсиятига кучли таъсир этувчи ҳолатлар;

– шахсни «йўлдан урувчи» ёки жиноят қилишга даъват этувчи ҳолатлар;

– вазиятни бўшаштирувчи, яъни шахснинг руҳий зўриқишига ўзига хос таъсир этувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.

Криминоген ҳолатларни юзага келтирувчи ушбу вазиятлар жиноятларнинг юзага келишида асосий ўрин тутди ва тегишли қасд ҳамда жиноий мақсадларни юзага келтиради.

Шу ўринда жиноятларнинг содир этилишига олиб келувчи ҳолатлар ўз объектив хусусиятлари, яъни мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ва жисмоний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ объектив вазиятни идрок қилишда шахснинг ўзига хос хислатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бинобарин, объектив ҳолат ва субъектив қарашлар ўзаро мос келмаслиги мумкин, аксинча, ҳар икки ҳолатнинг ўзаро боғлиқлигида жуда катта фарқ юзага келишини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Вазиятни субъектив томондан идрок қилишда, айтиб ўтилганидек, шахснинг ўзига хос хислатлари катта ўрин тутди. Бунда шахснинг руҳиятида мавжуд бўлган (кўролмаслик, ваҳшийлик, ичкиликка ружу қўйиш, ғаразгўйлик кабилар) ёки шахснинг руҳиятида вазиятни тўғри баҳолай олмаслик каби иллатларнинг мавжудлиги (хавфнинг мавжудлигини аниқ идрок этмаслиги натижасида зарурий муодофаа чегарасидан четга чиқиш, йўл-транспорт ҳолатлари билан боғлиқ вазиятларни нотўғри баҳолаш кабилар) вазиятни мураккаблаштиради ва охир-оқибат жиноий ҳаракатлар қилишига олиб келади.

Ижтимоий-маиший ҳаётнинг айрим ҳолатлари нафақат бирор-бир қарор чиқариш мазмунини ўз ичига олади, балки тўғри қарор ёки ечимга келишга салбий таъсир этувчи вазиятларни аниқлаш билан ҳам узвий боғлиқдир. Айнан шу икки вазиятга кўра криминоген ҳолатларнинг даражасини ҳам аниқлаш имконияти мавжудлигига эътиборни қаратиш лозим. Яъни шахсни жиноят йўлига киришига йўналтириш, ғаразли мақсадларда жиноят қилишига ёрдам бериш, осонлаштирувчи вазиятларни юзага келтириш ёки жиноят содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўрмаслик ва бошқалар. Бироқ ушбу криминоген ҳолатларда шахснинг қандай йўл тутиши криминоген вазиятнинг қай даражада

эканлигидан эмас, балки шахсинг маънавий-руҳий хусусияти ва кримноген ҳолат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нисбатини ҳам эътиборга олиш даркор.

Масалан, ўзига хос мураккаб ва оғир вазиятларда жиноят қилишга мойил бўлмаган ва яхши хулқ-атворга эга шахс ҳам бу каби ҳолатларга қарши туришда маълум бир қатъиятсизлиги туфайли жиноят қилиши мумкин. Ёки, аксинча, ўзига хос равишда ғайриқонуний хислатларга эга бўлган шахс (рецидивист, ўз маънавиятини йўқотган ароқхўр) жиноят қилишга зарурат бўлмаса-да, ўз «қатъиятлилиги» туфайли жиноят содир этиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликда, биринчидан, кримноген ҳолатларни тугатиш, иккинчидан, шахсларнинг маънавий жиҳатдан шаклланишига эришиш имкониятларини топиш, салбий хислатларини йўқотиш ҳамда ижобий томондан камол топишига эришиш катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, кримноген ҳолатларнинг ўзига хос хусусияти, яъни жиноятлар содир бўлишига таъсир этувчи ҳолатларнинг мавжуд эканлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Жиноятлар содир бўлишига таъсир этувчи ҳолатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётдаги ташкилий-хўжалик, жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатларидаги ва табиатдаги бахтсиз воқеалар туфайли келиб чиқадиган камчиликлардир.

Хусусан, моддий бойликларнинг хавфсизлиги таъминланмаганлиги, ҳисоб ва назорат ишларининг бўшлиги натижасида мулкни талон-торож қилиш, жабрланувчини талаш ва мулкига қасд қилиш учун мастлик ҳолатига келтириш, об-ҳавонинг ёмонлиги ёки совуқлиги оқибатида жазони ижро этиш муассасасидан хавфли жиноятчиларнинг қочиб кетишига имконият яратилиши каби турли ҳолатларга жиноятларнинг содир этилишидаги шарт-шароит деб қараш мумкин.

Юқоридаги вазиятларнинг юзага келишининг ўзи жиноят таркибини келтириб чиқаришини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бундай ҳолатлар жиноятнинг сабаби бўлиб эмас, балки жиноятни содир этишга имкон яратувчи ҳолат деб қаралиши керак. Зотан, бундай вазиятларда шахс тўғридан-тўғри жиноятга қасд қилмаган бўлса-да, аммо унинг ҳаракатлари жиноят содир бўлишига имкон яратишини англаши мақсадга мувофиқдир.

Бу каби ҳолатлар шахс томонидан жиноят содир этилишида ҳал қилувчи рол ўйнаган тақдирда, бу вазиятни жиноят содир этилишининг руҳий механизмига хос бўлган шахс руҳиятидаги жинойий хатти-ҳаракатларга мойиллигини ифодаланиши эканлигини ёдда тутиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши курашда фаолият кўрсатувчи ички ишлар органларининг ҳар бир ходими жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлашлари ҳамда тегишли чоратadbирларни кўришлари катта аҳамиятга эга. Ушбу назарий тавсияга амал қилмаслик жиноятларга қарши курашда профилактика ишларини ташкил этиш самарасини камайтиради, айниқса, якка тартибдаги (индивидуал) тарбиявий ишларни ташкил этишда салбий натижаларни бериши мумкин.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳоламасдан туриб, жазони ижро этиш муассасаларида қайта тарбиялаш ишларини ташкил этишда қўйилган мақсадларга эришиш ўз самарасини бермаслиги табиийдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, шахсдаги жиноятга мойилликни юзага келишига таъсир этувчи ҳолатлар ўзига хос мураккаб сабаблар комплексидан иборат бўлиб, улар ўз мазмун ва моҳиятга эга (ташкилий-бошқарув, педагогика-тарбия, ижтимоий-руҳий, иқтисодий ва ҳоказолар) ҳамда жамият ҳаётининг турли йўналишларида шаклланади.

Демак, бу каби комплекс муаммони ечишда комплекс тадбирлар орқали ёндашув талаб этилади. Шунинг учун ҳам шахсни муҳим ижтимоий-руҳий жиҳатларини шакллантиришда тарбиявий профилактик чораларга асосланиш лозим. Зотан, шахснинг турмуш тарзига кирувчи ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этиш, оила-турмуш муносабатлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш йўналишларида зарур шароитни яратиш орқали жиноятларнинг олдини олишда муваффақиятларга эришиш мумкинлиги хусусида криминологияда зарур илмий-назарий асослар яратилишини давр тақозо этмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Аниқ бир жиноятнинг сабаб ва шароитлари ва уларнинг моҳиятини тавсифлаб беринг.
2. Аниқ бир жиноятнинг содир этилиши механизмининг белгиларини кўрсатинг.
3. Оиладан ташқаридаги маиший турмуш муносабатларининг мазмуни ва турларини айтиб беринг.
4. Аниқ бир жиноятнинг содир этилиш ҳолатлари ва турларини тавсифланг.
5. Аниқ бир жиноятни виктимология бўйича тавсифланг.
6. Виктим ҳолатларнинг классификацияси қандай ва уларнинг мазмуни нималардан иборат?
7. Аниқ бир жиноятнинг олдини олиш фаолиятининг шакли ва методлари нималардан иборат?

VI боб

КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

1-§. Жиноятчиликни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишнинг назарий асослари

Жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий ёндашувни талаб этади. Аввалги бобларда баён этилганидек, жиноятчилик ижтимоий ҳаётдаги мавжуд яшаш қоидаларининг, жамият қонунчилигида қайд этилган талабларнинг бузилишида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан билиш амалий жиҳатдан уни келтириб чиқарувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишга замин яратади. Шунингдек, жиноятчиликни назарий жиҳатдан таҳлил этиш давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқ-тартиботини амалга ошириш фаолиятини тўғри йўналишда ташкил этиш ва шу орқали жамият аъзоларининг ҳуқуқларини таъминлашнинг энг маъқул йўллари билан белгилаш имкониятини юзага келтиради.

Жамият тараққиётида, шу жумладан жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда фан-техника ютуқларини рад этиш, ушбу муаммога юзаки қараш иш самарасининг ҳамда куч ва воситаларни қўллаш унумининг камайишига олиб келишини унутмаслик даркор.

Қиёслайдиган бўлсак, ҳарбий соҳада у ёки бу тадбирни амалга ошириш учун аввало душманнинг ҳарбий кучи ва мақсадини олдиндан билиш ҳамда таҳлил этиш ғалабани таъминлашда катта аҳамиятга эга. Жиноятчиликка қарши кураш ҳам мантиқан баён этилган ҳолатларни эътиборга олишни талаб этиб, мазмунан ўз ичига жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда ўзига хос ёндашув бўлишини тақозо этади.

Тўғри, жамиятда қонун устунлигини таъминлаш ва шу асосида жамият хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса биринчи навбатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни, айниқса, қонун асосида қўриқланадиган шахс манфаатларига қарши қаратилган жиноий тажовузларнинг олдини олиш асосий ўрин тутаяди. Бундай жиноий тажовузларга йўл қўймасликнинг энг муҳим шарт зарур

ҳолларда ҳуқуқ-тартиботни юқори даражада таъминланишидир. Албатта, бу чора-тадбирлар ўз мазмунига кўра фарқланади ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилашда аниқ мақсадлар кўйилади.

Илмий жиҳатдан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун жиноятчилик, унинг мавжуд ҳолати юзасидан аниқ маълумотлар эга бўлиш, жиноятчилик тизими ва унинг ҳаракатланиши, яъни динамикаси хусусида ҳамда маълум бир ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва хусусий (айнан бир жиноятга хос бўлган) сабаблари ҳамда шароитларини билиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жиноятчиликнинг ҳудудий минтақаларда, тармоқларда, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш объектларида намоён бўлишининг ўзига хос фарқлари, жиноятчилик кўп содир этиладиган жойларни аниқлаш ва шу асосида жиноят содир этишга йўл очувчи шароитни таҳлил этиш ва аниқлаш ҳам ғоят муҳимдир. Энг асосийси, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни танқидий ўрганиш, жиноятчиликнинг олдини олишда самара берувчи чора-тадбирларни яратишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Жиноятчиликни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун катта аҳамиятга эга. Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари учун жиноятчиликнинг сабаблари, шароити ва, айниқса, жиноятчининг шахсини атрофлича ўрганиш хизмат талабларидан келиб чиққан ҳолда муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки ички ишлар органларининг ходимлари ўз фаолиятларини амалга оширишларида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларидан то жиноятчиликнинг умумий ҳолатигача бўлган жараённи узвий боғлиқлигини эътиборга олишлари зарур. Шу боис ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни амалга оширувчи идоралар қошида доимий равишда таҳлилий ишлар амалга оширилади.

Маълумки, амалдаги қонун талабларига кўра, суриштирув идоралари, терговчи, прокурор ва суд жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ўз вақтида аниқлашлари ҳамда уларни бартараф қилишнинг барча чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Жиноятчиликка баҳо беришда ўзига хос ёндашув талаб этилади. Айнан бир жиноятга хос бўлган хусусиятларни ўрганиш орқали умумий миқёсда мавжуд жиноятчилик борасида фикр юритиш имконияти юзага келади.

Масалан, оддий ҳолатларда нотўғри ҳисоб ишларини юритиш мулкни талон-торож қилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби безорилик ҳаракатларини келиб чиқишига замин тайёрлайди. Тўғри, бундай

тадқиқотларнинг моҳияти алоҳида бир жиноятни атрофлича таҳлил этиш, шу асосида бу жиноятда жиноятчи шахс ва жиноятнинг келиб чиқишига таъсир этган ҳолатлар, айнан шу жиноятга хос бўлган сабаб ва шароитни билиш орқали тегишли мансабдор шахслар, давлат органларига белгиланган тартибда у ёки бу чораларни кўриш хусусида тавсияномалар берилади.

Бироқ, бир жиноятнинг содир бўлишида муҳим ўрин тутган ҳолатларни бошқа бир жиноятга ҳам хос деб шошма-шошарликка йўл қўймаслик лозим. Зотан, ҳар бир жиноят ўзига хос ҳолатларда содир этилишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Умуман олганда, жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда дастлаб маълум бир шаҳар, туман, алоҳида бир корхона, муассаса ёки ҳудудда содир этилган ва рўйхатга олинган жиноят ҳамда уларни содир этган жиноятчи шахсларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Айнан шундай таҳлил асосида тадқиқотчи маълум бир ҳудуд ёки жойда ҳақиқатан мавжуд бўлган жиноятларнинг типик тавсифини беришга, бу каби ҳодисалар содир бўлишининг асл моҳияти, сабаб ва шароитларини аниқлашга имкон топади ҳамда алоҳида олинган аҳоли турар жойлари ҳудудида мавжуд бўлган «қайноқ нуқталар»ни аниқлаш ва керакли профилактик чоратадбирларни қўллаш учун тавсиялар бериши мумкин бўлади.

Жиноятларнинг алоҳида турлари, жиноятчилик тизими мамлакат ёки унинг ҳудудий бирликларидаги жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикасини аниқлаш, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини атрофлича ўрганиш орқали амалга оширилади.

Ушбу вазифани бажаришда эса ички ишлар органлари тизимига кировчи махсус илмий тадқиқот марказларида санаб ўтилган ҳолатларни илмий жиҳатдан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Табиийки, бунда рўйхатдан ўтган жиноятларни талаб даражасида таҳлил этишга имконият мавжуд.

Жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва динамикасини очиб беришда унинг миқёсига кўра, яъни мамлакат ёки унинг ҳудудий бирликларидаги барча жиноятларни, уларнинг тизими ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг умумий концепциясини яратишга ва ички ишлар органларининг ўз куч ҳамда воситаларидан унумли фойдаланишларига кенг йўл очади.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш барча миқёсдаги жиноятчиликни чуқур ўрганишга ҳамда аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, фақат бир миқ-

ёсдаги жиноятчиликни ўрганиш ва шу асосида хулоса чиқариш тадқиқот ишларида жиноят содир этилишининг ўзига хослиги ва турлитуманлигини очиб беришга имкон бермайди.

Умуман олинганда, маълум бир миқёсда жиноятчиликнинг айрим ўзига хос белгилари йўқолиб боради ва, аксинча, жиноятчиликнинг типик хусусиятлари кўпроқ намоён бўлади. Бинобарин, умумий миқёсда таҳлил қилиш жиноятчиликнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганишга имкон яратади ҳамда зарурат юзасидан ноўрин ва тасодифий фикрлар чиқаришга йўл қўймайди.

Жиноятчилик, юқорида айтиб ўтилганидек, ижтимоий-ҳуқуқий тушунчадир. Демак, жиноятчиликни таҳлил этишда ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишлари ва ҳуқуқий жиҳатлари албатта ҳисобга олинмоғи лозим.

Ижтимоий жиҳатдан жиноятчилик жуда кўп ҳолатлар билан узвий боғланган. Ўз навбатида, бу боғлиқлик мураккаб жараёнлар билан бирга кечади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатлар умумий тарзда олингани ҳолда, жиноятчиликни ушбу умумийликнинг бир қисми сифатида тушуниш лозим.

Биринчидан, табиат ҳодисаларидан фарқли равишда ижтимоий ҳодисалар шахснинг онгли ҳаракатлари оқибатидир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳаракатларини у ёки бу ҳолатларда ўзи хоҳлаганича бошқариши мумкин. Шунинг учун ҳам жиноятларни содир этиш турлича кечади ва бунда жуда кўп тасодифий ҳолатлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини турлича эканлигини ифодалайди. Бу табиатда мавжуд бўлган сабабий боғланишлардан фарқли равишда юзага келиши мумкин бўлган сабабий боғланишдир. Бинобарин, аниқ бир вазиятда маълум бир шахс ҳақиқатга яқин бўлган жиноятни содир этиши ёки этмаслиги ҳам мумкин. Жиноятчилик, бизга яхши маълумки, оммавий ҳодиса бўлиб, жамият аъзоларининг баъзилари томонидан содир этилади. Шундай экан жиноятчиликнинг юзага келишида миқдорий кўрсаткичлар ўзига хос қонуниятлар асосида кечади.

Иккинчидан, ижтимоий ҳодисалар (ёки ҳолатлар) шахснинг жамият билан ўзаро муносабатга киришиши орқали рўй беради. Шунинг учун ҳам айнан жиноят содир этилишидаги сабабий боғланишларни кўриб чиқиш криминология фанида шахснинг ижтимоий мослашувининг миқёси, жамият аъзолари ўртасида ўз ўрнини топиши, жамиятдаги мавжуд ғоявий муҳит ва жамият эҳтиёжларига мос равишда боғланганлигини ифодалайди.

Учинчидан, ижтимоий ҳодисалар тарихий бўлиб, ижтимоий-иқтисодий босқичга ҳослиги билан фарқланади. Бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчисига ўтиш даврида юзага келган турмуш тарзи, табиийки, бошқасидан фарқ қилади.

Жиноятчиликнинг биз юқорида кўриб чиққан хусусиятлари уни ижтимоийлигидан далолатдир. Шу билан бирга, жиноятчиликни ҳуқуқий ҳодиса сифатида кўриб чиқишда жамият ҳаётининг ҳуқуқий йўналишидаги мавжуд ҳуқуқий жараён ва ҳуқуқни татбиқ этиш фаолиятларида рўй берадиган ўзгаришлар тушунилади.

Жиноят қонунчилигининг мазмун ва моҳиятига кўра ўзгариши ёки жиноий жазоларни эркинлаштириш каби ислохотлар ўз ўрнида жиноятчиликнинг миқдорий кўрсаткичларига таъсир этади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятларини юқори даражада ташкил этилиши содир этилган жиноятларни ўз вақтида рўйхатга олишга ва очишга ҳамда жиноятчиликка қарши курашда самарали профилактик чора-тадбирларнинг ўтказилиши ҳам жиноятларнинг камайишига олиб келади.

Жиноятчиликка қарши кураш идоралари ходимларининг юксак касб маҳоратлари жиноятлар сонининг камайишига, жамият хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлашга эришишнинг кафолатидир.

2-§. Криминологик ахборот

Криминологияда жиноятчиликнинг умумий ҳолати, миқёси, тизими, ҳаракатланиши (динамикаси), жиноятларнинг содир бўлишига таъсир этувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш ва шулар асосида самарали профилактика чораларини қўллаш учун зарур ахборотларни олиш ва тўплаш асосий мақсад ҳисобланади.

Маълумки, ахборот (яъни информация) кенг маънода у ёки бу ҳодиса билан боғлиқ хабар ёки маълумотлар йиғиндисини ифодалайди. Тўғри, баъзида оддий бир хабар орқали у ёки бу ҳолат юзасидан зарур ахборот олинмаслиги мумкин. Шу ўринда «ахборот» тушунчасига аниқ таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. «Ахборот» доимий равишда маълум бир мазмун асосида у ёки бу ҳолат юзасидан мавжуд бўлган билимнинг асосий жиҳатларининг ифодасидир. Олинган у ёки бу фактга оид хабарларда ноаниқликлар қанчалик кам бўлса, зарур ахборот ушбу жиҳатларда мужассам бўлади.

Криминологияда ахборот, ўзига хос равишда, жиноятчиликнинг ҳолати ва бошқа хусусиятларини, унинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни тўғри ифодалаши учун қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим. Булар тўлиқлиги, ўз вақтидалиги ва ҳақиқатга яқинлигидир.

Ҳақиқатан ҳам жиноятчиликнинг умумий ҳолати тўғрисида тўғри хулоса чиқариш учун зарур даражада ахборот тўплаш катта аҳамиятга эга. Тўлиқ бўлмаган ёки бир ёқлама ҳолатларни ахборот сифатида қабул қилиш ва иш кўриш асл ҳолат бўйича нотўғри тасаввурга олиб келади, бу эса, ўз навбатида, нотўғри хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга сабаб бўлади.

Шу ўринда криминология ахборот тўплашда «қанча кўп бўлса, шунча яхши», деган иборага таянмаслиги лозим. Зотан, керак-керак эмас ахборотни тўплаш орқали жиноятчиликка хос бўлган у ёки бу ҳолатларга баҳо бериш, жиноятчиликка қарши кураш тадбирларини ўтказиш ишнинг самарасини камайтиради, ортиқча куч ҳамда маблағ сарфланишига олиб келади.

Ахборотнинг тўлиқ бўлишига эришишда эса сарф-харажатлардан тежалган ҳамда фойдаланиш ва қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ тадбир ёки тадқиқотларни «зарур ва етарли» принципи асосида амалга ошириш лозим. Бу ўринда «зарур» – мавжуд ҳолатни билишда унинг мақсадга мувофиқ томонлари ва хусусиятларини аниқлаш бўлса, «етарли» – қўйилган мақсадга эришишни ифодалайди.

Криминологияда ахборотнинг ўз вақтидалиги зарур тадқиқотлар бўйича тегишли вазифаларнинг бажарилишини аниқлатади. Маълумки, жиноятчиликни тадқиқ этиш жараёнида факт ёки ҳодисалар хусусидаги зарур ахборотни ўз вақтида ва дарҳол олиш имконияти бўлмайди.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига жиноятлар юзасидан келиб тушадиган маълумотлар ва хабарлар жиноятчиликни ўрганишда ишончли манба бўла олмайди, у бошқарувни ташкил этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Зотан, криминологияда юқорида санаб ўтилган ўз вақтидалик каби методик ёндашувни бундай ҳолатлар билан боғламаслик зарур.

Жиноятчиликнинг умумий ҳолати юзасидан хулоса чиқаришда маълум бир вақт оралиғида содир этилган жиноятлар бўйича зарур миқдорий кўрсаткичларни тўплаш ва уларни умумлаштириш лозим. Шунга кўра, криминологияда ўз вақтидалик дейилганда айнан бир ҳисобот даврига оид ва жиноятчиликка қарши кураш амалиётида ўтган маълум бир вақт оралиғида тўпланган ахборотларнинг ўрганилиши тушунилиши лозим.

Шунингдек, жиноятчиликнинг маълум бир вақт давомида содир бўлиши ўзгармай қолсада, таққослаш асосида бир қанча вақт давомида содир бўлган жиноятларни содир бўлиши ва ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида қўшимча ахборот тўпланиши мақсадга мувофиқдир.

Криминологияда ахборотга қўйиладиган яна бир муҳим талаб – уларнинг ҳақиқатга яқин ва аниқ бўлиши. Баъзан ахборотни статистика маълумотлари ҳисобидан ўтказишда мазмунини қасдан ўзгартириб бериш ва шу асосида умумий натижаларнинг нотўғри чиқиши амалий фаолият олиб боришга салбий таъсир этувчи тавсиялар ишлаб чиқишига олиб келишини унутмаслик лозим.

Криминология ахборотларининг аниқ ва ҳақиқатга яқин бўлиши учун биринчи галда уларни рўйхатдан ўтказишда виждонан ёндашув талаб этилади. Чунки кўп ҳолларда эҳтиётсизлик ёки масъулиятсизлик туфайли, баъзан ғаразли мақсадларда жиноятларни яшириш ва рўйхатдан ўтказмаслик жиноятчиликнинг умумий ҳолати юзасидан нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади.

Тўғри, ҳозирги кунда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида фан-техника ютуқлари асосида янги ҳисоблаш технологиялари жорий этилмоқда. Шундай бўлса-да, айрим ўринларда ахборотни сохталаштириш ҳолатларини кўриш мумкин. Шу ўринда ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жиноят таркибини ташкил этишини эсдан чиқармаслик лозим.

Ҳозирги вақтда содир этилган жиноятлар ва бошқа фактлар юзасидан дастлабки ҳисоб юритишда белгиланган тартибда ҳисоб варақалари юритилади ва бу варақаларда криминология эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳолатлар баён этилади. Ушбу варақалардаги жиноятга оид бўлган умумий ва алоҳида белгилар ҳам криминологияда ахборот тариқасида катта аҳамиятга эга. Варақаларни тўлдирувчи шахс барча ҳолатларни аниқ баён қилишга масъул ҳисобланади.

Ахборот тўплашнинг ҳар бир босқичи ва, айниқса таҳлил этиш босқичида мунтазам равишда олиб бориладиган назорат ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай назорат жараёни тўлиқ ёки алоҳида босқичларни ўз ичига олади. Текширув жараёнида ҳужжатни тўлдириш, бир ахборот машинасида мавжуд бўлган ахборотни бошқа бир машинага ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумотларни ҳақиқатга қанчалик яқинлигини ўзига хос ҳолати ахборот сифатида киритилаётган фактларнинг тўғри ва тушунарли ифодаланишига ҳам боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, у ёки бу ҳолатни сўз орқали ифодалаш ҳар бир шахсда ўзига хос шаклда кечади, яъни шахснинг сўз бойлиги, мутахассислиги ахборотни қайд этишига таъсир этишини унутмаслик зарур. Шунинг учун ҳам ахборотлаштиришда англашмовчиликлар юзага келмаслиги учун махсус луғатлардан фойдаланиш эътироф этилган. Бу ахборотни мазмунан бир хил ва тўғри қабул қилишга ёрдам беради.

Жиноятчиликка хос бўлган қонуниятларни чуқур илғаб олиш жуда кўп йўналишларда кузатув ва тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади. Криминологияда ахборот тўплаш манбаи бўлиб, биринчидан, жиноятчилик тўғрисида ва унга қарши кураш борасида олиб бориладиган ишлар ва, иккинчидан, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари орқали олинган хулосалар ҳисобланади.

Жиноятчилик билан боғлиқ статистика ишлари унга қарши кураш олиб боровчи давлат органлари, асосан Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги томонидан олиб борилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳар бир содир этилган жиноят ва жиноятчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш бўйича ахборотлаштириш ишларини олиб боради. Ушбу ахборотлар жумласига жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлар ҳамда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш бўйича олинган натижалар ҳам қайд этиб борилади.

Прокуратура органларида эса жиноят ишлари ва улар юзасидан олиб борилаётган кўрсаткичлар қайд этилади. Адлия вазирлиги томонидан статистика ахборотлари, яъни ҳукм этилганлар ва, умуман, судлов ишлари тўғрисида ҳисобот ишлари олиб борилади. Чунки бу умумий жиноят ишлари бўйича олиб бориладиган статистиканинг асосини ташкил этади.

Ушбу фаолият йўналишлари умумлаштирган ҳолда жиноий ёки суд статистикаси деб юритилиши ҳаммамизга яхши аён. Суд статистикасини юритишнинг асосини жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва ҳаракатланиши (динамикаси)ни, жиноятчи шахслар тўғрисидаги маълумот ва жиноятчиликка оид ахборотларни жамлаш ташкил этади. Шунинг учун ҳам суд статистикаси криминология талабларини қондирувчи ахборот манбаи ҳисобланади. Унинг қулай томони жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида таҳлил этиш, кузатиш ишларини олиб боришда имконият яратишидир.

Бироқ назарий томондан қаралганда жиноятчилик ва жиноятчи шахсларга доир олиб бориладиган статистика ишларини юритиш ва шу орқали жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини таҳлил этиш масалани бир томони, холос. Аслида жиноятчиликни илмий билиш борасида иш олиб борадиган тадқиқот муассасаларининг фаолиятларини ҳам эътиборга олиш лозим. Айнан шу илмий тадқиқот муассасалари томонидан олиб бориладиган ва шу мақсадда ўтказиладиган махсус статистика тадқиқотларида турли соҳа ва фан йўналишларининг (аҳолишунослик, соғлиқни сақлаш, маориф каби) умумий ҳамкорлигини таъминлаш

ҳамда шу асосида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича зарур тавсияларни белгилаб чиқиш долзарб масалалигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда жиноятчилик борасида юритиладиган ахборот-таҳлил ишларини криминология манфаатлари учун олиб борилиши катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

3-§. Криминология фанидаги тадқиқот методлари

Криминология фани олиб борадиган илмий тадқиқотларнинг мақсадларига эришиш учун амалга ошириладиган ва ички ишлар органларида ҳисобот юритиш учун олиб бориладиган статистик ахборот ишларини юритиш билан бирга, криминологияда ахборот тўплашнинг бир қатор методлари ҳам мавжуд.

Ҳар бир тўпланган ахборот охир-оқибат мажбурий статистик ишловдан ўтиши лозим ва, табиийки, бунда маълум бир дастурий ёндашув талаб этилади (кузатув, ҳужжатларни тадқиқ этиш, масъул шахслар ўртасида сўров ишларини ўтказиш кабилар). Криминологик тадқиқотларни ўтказишда социометрия ва эксперимент методларини жорий этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқот ишлари орқали у ёки бу жараённинг қандай юз бериши, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда натижаси қандай бўлиши тўғрисида аниқ маълумотлар олиш мумкин. Энг асосийси, кузатув ишлари орқали маълум бир ҳодиса ёки воқелик юзасидан зарур хулосалар чиқаришга имконият туғилади. Яъни ҳар қандай илмий гипотеза (фараз) албатта лаборатория текширувлари асосида исботланишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шунинг учун тадқиқот ишларини олиб боришда даставвал унинг дастури ишлаб чиқилиши зарур. Дастурда қайд қилиниши керак бўлган факт ва рақамлар, уларнинг юзага келиши асосларини татбиқ этиш кўзда тутилиши лозим.

Тадқиқотлар жараёнидаги кузатув ҳодисалар ва уларнинг юзага келиш қонуниятларини бевосита кўришга ҳамда аввал номаълум бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Бу эса криминологик тадқиқотларни олиб боришда катта аҳамиятга эга. Чунки у ёки бу ижтимоий ҳолатни, ушбу ўринда эса жиноятчиликнинг баъзи хусусиятларини, фақат кузатиш орқали аниқлаш мумкин.

Тўғри, кузатув асосида бир йўла барча зарур ва аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш мумкин эмас. Чунки кузатув жараёни ўзига хос равишда кўп вақт ажратилишини талаб этади. Шунингдек, ҳодисалар жараёнида кузатувчи шахснинг иштироки назорат қилишни ташкил этишда бир мунча ноқулайликлар туғдириши мумкин. Айниқса, бу ҳолат

бевосита жиноятга тааллуқли вазиятларни таҳлил этиш билан боғлиқ бўлса, кузатув самараси, табиийки, камаяди ҳамда кузатув олиб бораётган тадқиқотчининг ўзига хос шахсий хусусиятлари дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда кузатилиши лозим бўлган ҳолатларни рўй бериши ва ўзаро боғлиқлигини ёки кутилмаган натижаларнинг келиб чиқилиши тўғри англамаслиги ҳам ишда аниқ ахборотлар олишга имкон бермаслиги мумкин. Шу боис криминологик тадқиқотларнинг жиноятчиликни илмий башорати жараёнида кузатув ишларини ташкил этилишига кам аҳамият қаратилаётганлиги тадқиқот самарасининг камайишини кўрсатмоқда. Бундай йўл тутиш эса ўз-ўзидан жиноятчилик тўғрисида аниқ ахборот тўплашга салбий таъсир кўрсатади.

Криминологик тадқиқотларни ўтказиш борасида олиб бориладиган ҳужжатларни таҳлил ва тадқиқ этиш ўзига хос метод сифатида шаклланганини кўриш мумкин.

Биобарин, жиноятчилик билан боғлиқ ҳар бир расмий ҳужжат, ўз хусусиятларига кўра, маълум бир жиҳатдан тадқиқот ишларида манба бўлиб хизмат қилади. Криминология талаблари учун зарур ахборот манбаи ҳисобланувчи жиноятчилик билан боғлиқ ҳолда юритиладиган процессуал ҳужжатларни расмий идоралар қонун талаблари асосида тўлдиришлари ва унда зурур маълумотларни қайд этишлари бизга яхши маълум. Бундай ҳужжатлар сирасига жиноятчилар ва маҳкумларнинг шахсий жилдлари, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш бўйича олиб борилган тадбирлар қайд этилган ҳужжатлар киради.

Ҳужжатларни таҳлил этиш ва ўрганиш жараёни, юқорида таъкидланганидек, маълум бир тартибда олиб бориладиган дастур орқали амалга оширилади. Аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар бўйича ва ҳужжат мазмунидан келиб чиққан ҳолда тўпланадиган маълумотлар юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар рўйхати белгиланади. Вазифалар рўйхати аниқ бўлмоғи, шу билан бирга, криминологияда ҳужжатларни тадқиқ этилишида қўйиладиган талаб асосида тўпланиши лозим. Чунки ҳужжатлардан олинадиган ахборотлар жиноятчилик хусусидаги жами ахборотларнинг чекланган бир қисми эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Криминологик тадқиқотларда кенг жорий этиладиган яна бир метод – анкета-сўров ишларининг ташкил этилиши. Сўров ишларини ташкил этиш, асосан юзма-юз туриб амалга ошириладиган сўров-интервью ва сиртқи, яъни сўровномаларни тарқатиш (бунда аҳолининг қайси ижтимоий қатлами орасида сўров олиб борилиши билан боғлиқ ҳолда сўровномалар мазмуни турлича бўлиши мумкин, айти вақтда моҳияти

жихатидан асосан зарур ахборотни тўплашга қаратилганлиги билан ажралиб туради), орқали бажарилади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам тегишли варақалар тўлдирилиши лозим. Зотан, шу йўл билан умумий таҳлил ишларини олиб бориш, варақаларнинг тўлдирилиши эса ахборотни компьютерлар тизимига киритишга имкон беради.

Биринчи ҳолатда, яъни сўров ишларини (интервью) ўтказишда савол-жавоблар маълум бир тарзда қўйилади. Шунинг учун ҳам сўровни ўтказишда тадқиқот ўтказувчи шахс моҳирлик билан иш кўрмоғи лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда сўров ишларини ўтказишда қуйидаги тавсияларга эътибор қаратилади. Даставвал сўров ўтказиладиган шахс билан ўзаро руҳий мувофиқликка эришиш зарур, яъни шахс қўйилган мақсаднинг моҳиятини англамоғи керак. Шу билан бирга, сўров ўтказиладиган шахсларда ўринсиз хавотирлар келиб чиқишига йўл қўйилмаслик ва бегонасираш каби руҳий кечинмаларни юзага келтирилмаслик учун зарур мулоқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бундай мулоқотларда сўров ўтказиладиган шахс яширишга ҳожат қолдирмайдиган ва очиқ жавоб бера олиши мумкин бўлган саволлар қўйилиши лозим. Сўнгра мақсад сари йўналтирилган саволлар қўйилиши ва бунда саволлар ўзига хос равишда бир-бирини тўлдириши лозим. Зарур ҳолларда, саволга олинган жавобнинг ҳақиқатга яқинлигини таъминлаш мақсадида, ушбу саволга ҳамоҳанг ва мазмунан яқин саволлар қўйилиши иш сифатини оширади.

Сўров жараёнида, сўров ўтказиладиган шахснинг руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, савол-жавобларни мувофиқлаштириш ва шу орқали очиқ суҳбатга йўл очиб бериш керак. Зотан, сўров ишларини ўтказишнинг асосий мақсади ҳам шундадир. Шахс ўз фикрини аниқ ифодалаши ва хавотирга тушмаслигига эришиш кўзланган натижани беради.

Сўров ишларини олиб бориш биз юқорида кўриб чиққан кузатув ишларига маълум жиҳатлари билан ўхшаб кетади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, кузатув жараёнида тадқиқот олиб борувчи шахс пассив ҳаркатда бўлади, сўров олиб бориш жараёнида эса маълумот олиш тўғридан-тўғри амалга ошириладигани боис тадқиқотчидан чуқур билим ва касб маҳорати талаб этилади.

Ахборот тўплаш ва уни таҳлил этишнинг яна бир методи – сиртқи сўров ўтказиш (анкета саволлари). Бунда сўров ўтказиладиган тадқиқотчи бир вақтнинг ўзида унинг иштирокисиз қўйилган саволларга жавоб олиши мумкин. Ушбу тадқиқотни ўтказишда вақтдан ютиш мумкин ва

шунинг учун ҳам анкета сўровларини ўтказиш ўзига хос самара берувчи метод ҳисобланади. Анкета сўровлари орқали зарур ахборотларни тўплаш бир қатор ўзига хос ёндашувларни талаб этади.

Биринчидан, анкета саволлари ва, умуман, анкета ҳажми ихчам бўлмоғи лозим. Саволлар аниқ ва ҳамма тушунадиган мазмунда бўлиши, атамаларнинг ҳам ҳар хилликни келтириб чиқармаслигига амал қилиш керак.

Оддий сўров ўтказилишида бўлганидек, саволларни маълум кетмакетлик асосида ва бир-бирини тўлдириб борувчи ҳамда «назорат» этиш тариқасида қўйиш орқали сўровни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, анкета саволлари турли шаклда қўйилиши мумкин. Табиийки, қўйилган саволлар кўзда тутилган мақсадга эришиш учун таҳлил ишларини амалга ошириш, умумлаштириш имкониятини юзага келтиришга осон бўлиши кераклигини ҳам эътиборга олиш лозим. Саволларга аниқ жавоб олиш учун альтернатив жавобларни бериш, баллар асосида жавобни баҳолаш ёки жавоблар рўйхатини илова қилиш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Биринчи ҳолат, яъни альтернатив жавобларнинг қўйилиши сўров ўтказилаётган шахсга «қониқарли» ёки «қониқарсиз» фикр билдиришига имкон яратади (ҳа ёки йўқ). Шу билан боғлиқ мураккаб ҳолатларда эса жавобларни бир неча вариантлар билан топишга имкон беради (масалан, муқаддам безорилиги, ўғрилиқ, талончилик ёки бошқа жиноятлар бўйича судланганлиги).

Баллар асосида жавобларни баҳолаш эса у ёки бу ҳолатда шахс ҳаракатларини баҳолашга қаратилади (масалан, маҳкум тўғри йўлга кирганлигининг исботлаганлиги – 5 балл, тўғри йўлга кириш истаги тутилганлиги – 4 балл, керакли хулоса чиқармаганлиги – 3 балл ёки умуман тўғри йўлга кирмаганлиги – 2 балл). Баллар асосида баҳолашни йўлга қўйишда жавобларнинг мақсадга мувофиқлиги, шахснинг ижобий йўлдан кетаётганлиги ёки салбий таъсирлар ўртасидаги фарқларни аниқ ифодаланишини эътиборга олиш лозим.

Жавоблар асосида сўров ўтказиш эса бир неча жавоблар ичидан тўғри жавоб топишга имкон яратишдир (масалан, сиз томондан жиноят содир этилишини сабаби нимада деб биласиз?). Ана шу мақсадда жавоблар рўйхати берилади. Сўров ўтказилаётган шахс жавоб тагига чизик тортади ва шу орқали ўз муносабатини ифодалайди. Баъзан жавоб сўров ўтказилаётган шахс томонидан тўғридан-тўғри ёзилишига имкон яратилади (масалан, озодликка чиққанингиздан сўнг қаерда яшамокчисиз?).

Айрим ҳолларда анкета саволлари олдиндан берилмасдан бевосита сўров пайтида берилиши сўров ўтказилаётган шахс фикрини ифодалашга имкон яратиши мумкин. Масалан, маҳкумнинг розилиги билан таржимаи ҳолини ёздиретиш орқали муқаддам содир этган жиноятлари ва уларнинг сабабларини ёритишга имкон яратилади ёки жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларга баён, иншо ёздиретиш орқали ўз фикрларини ифодалаш топширилиши ҳам мумкин. Бунинг натижасида шахснинг дунёқараши, ҳуқуқий онги ва бошқа фазилатларини билишда катта аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлаш мумкин бўлади.

Криминологик тадқиқотларни олиб боришда эксперимент (тажриба) ўтказиш ҳам яхши натижа беради. Эксперимент ўтказиш жиноятларни олдиндан башорат қилиш ёки шахснинг жиноий хатти-ҳаракатларида юзага келадиган ҳолатларни илмий томондан олдиндан билишга имкон яратади.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини таҳлил этиш илмий аҳамиятга эгаллигини эътиборга олган ҳолда, айнан жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларни тадқиқ этилишида юқорида баён этилган криминология методларига таяниш тадқиқотлар самарасини оширишини унутмаслик зарур.

4-§. Криминологик тадқиқотларни ташкил этиш

Ҳар бир соҳада бўлганидек, криминологик тадқиқотларни ўтказиш ҳам ўзига хос методик ёндашувни талаб этади. Тадқиқотларни ўтказиш, биринчи навбатда, мақсаднинг аниқ белгиланишини ва шу мақсад йўлида зарур режа ёки иш дастури ишлаб чиқилишини тақозо этади. Ушбу режа ёки дастур тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ҳажми, ўтказишнинг илмий методларини, шунингдек, ахборотларни таҳлил этиш ва тадқиқот натижаларини ҳаётга жорий этиш жараёнларини ўз ичига олади.

Режа ёки дастур бажарилиш муддатлари, ижрочи шахсларни белгилаш каби анъанавий ҳужжат эмас, балки тўғри маънода жиноятчиликни ўрганишдаги муҳим йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган ишларни белгиловчи «таҳлилий ҳужжат» бўлмоғи ҳамда мақсадга эришиш йўлида иқтисодий ва методик жиҳатлардан замон талабларига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Криминологик тадқиқотларнинг куйидаги тўрт босқичда амалга оширилиши режа ва дастурда қамраб олиниши керак. Яъни тайёргарлик, кузатув-синов ишлари, қиёсий-эмпирик маълумотларни тўплаш ва таҳлилий ишлов бериш, натижаларни умумлаштириш ҳамда яқуний

хулоса хужжатларини тайёрлаш. Агар биз ушбу босқичларни атрофлича таҳлил этсак, қуйидагиларни кўриш мумкин.

1. *Криминологик тадқиқотларни ўтказишга тайёргарлик ишлари.* Ушбу босқич, ўз мазмунига кўра, зарур мақсад ва вазифаларни белгилашни ўз ичига олади. Бунинг учун аввал тадқиқотчи олдига қандай мақсад қўйилиши, сўнгра қўйилаётган муаммолар назарий ёки амалий жиҳатдан қай даражада ёритилган ва тадқиқ этилган ҳамда қандай натижалар олинганлигини ўрганиш аниқ вазифа қилиб қўйилади.

Тадқиқотлар бошланишида мақсад умумий тарзда қўйилиши лозим. Иш давомида аввалги тадқиқотларга оид адабиётлар ва тажриба ёки кузатув натижалари ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, уларни тадқиқ этиш жараёнида қайси муаммо бўйича қандай хулосалар чиқарилгани ва бу хулосалар натижасида қандай масалалар жавобсиз қолганлигига ҳам эътибор қаратилиши муҳимдир.

Дастлабки ҳаракатлар ҳар қандай билим фақат аввалги тадқиқотлар заминида юзага келишини назарда тутмайди, балки тадқиқотнинг аниқ мақсади белгиланишига имкон яратади. Тадқиқотнинг келгусида бажариладиган тадбирлари аниқ мақсад бўйича гипотеза (фараз) ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқдир. Биз аввалги бобда таъкидлаганимиздек, ҳар қандай гипотеза лаборатория тадқиқотлари орқали текширилиши ва исботланиши лозим. Криминологияда эса ҳар бир фараз жиноятчилик муаммолари билан узвий боғлиқ бўлади.

Демак, жиноятчиликни тадқиқ этишда қўйиладиган ҳар бир фараз (жиноятчиликнинг келиб чиқиши, жиноятчининг шахсидаги ўзига хос ўзгаришлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятлари билан боғлиқ ҳолатлар) жиноятчилик билан боғлиқ мавҳум ҳолатларни ҳал этишга қаратилгандир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси аниқлангандан сўнг зарур маълумот олиш учун уни қаерда, қачон ва қандай миқёсда ўтказилишини белгилаш лозим. Бундай вазиятда тадқиқотчи криминология нуқтаи назаридан ўтказилган тадқиқотларни қайси муаллиф томонидан ва қай даражада ўтказилганлигини таҳлил этиши мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа у ўз иш ҳажмини ва қандай методлардан фойдаланиш кераклигини белгилайди ҳамда заруратга қараб (кузатиш, сўров анкетаси ва ҳоказолар) самарали усул ва воситалардан фойдаланади.

2. *Кузатув-синов тадқиқотлари* – тадқиқотга тааллуқли маълум бир вазиятлар юзасидан кузатув-синов ишларини олиб бориш. Тадқиқот ўтказишда қўлланиладиган турли методлар, яъни анкета ва сўров варақалари, дастурлаштирилган ҳолда ахборотлар тўплаш кабилар албатта катта аҳамиятга эга. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни дарҳол

жорий этиш мумкин эмас. Текширув-синов мақсадида қисман тадқиқ этиш ҳам тадқиқотлар самарасини оширишини унутмаслик зарур. Шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олишга ҳам имконият яратилади. Бинобарин, жиноятчилик билан боғлиқ маълумотларни тўплаш билан қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шундай экан маълумот ва хабарларни маълум бир ижтимоий вазиятларда синаб кўриш ва кейин тўғри хулосага келиш энг тўғри йўлдир.

3. *Қиёсий ахборотлар тўплаш.* Криминологик тадқиқотларни ўтказишда қиёсий ёки эмпирик ахборотлар тўплаш ўзига хос муҳим ўрин тутаяди. Бу тадбир олдиндан тайёрланган ва дастурлаштирилган ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Бунда тадқиқот ўтказаятган ходим ўтказилиши лозим бўлган вазифаларни бажаришни бошқа бир шахс зиммасига юклаш ҳам мумкин. Бундай вазиятда у ёки бу тадбирни ўтказиш зарур йўриқнома асосида ташкил этилади. Бу каби йўриқномалар айнан анкета ва сўров варақаларида ҳам қайд этилиши мумкин.

Дастурлаштирилган ахборот тўплаш ҳужжатларининг тўлиқлиги, яъни қўйилган вазифа асосида мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган ҳолатлар тўлиқ ифодаланган бўлиши ва сифати доимий назоратда бўлмоғи керак. Агар талабга жавоб бермайдиган ҳужжатлар аниқланса, улар ҳисобидан чиқарилади ва қолганлари ҳисоблаш-статистика ишловидан ўтказилади. Бу каби ишлов жараёни ҳисобот, мансублиги асосида гуруҳларга ажратиш, юқори ва паст кўрсаткичларни ифодаловчи жадваллар тузиш каби бир қатор кўрсаткичларни ифодалашни ўз ичига олади.

4. *Таҳлилий ишлов бериш ҳамда якуний хулоса ҳужжатларини тайёрлаш.* Криминологик тадқиқотларни якунлаш ва зарур хулосаларга келиш сўнгги босқич бўлиб, жуда катта масъулиятни талаб этади. Бу босқич ўз ичига ижодий ёндашув асосида қиёслаш маълумотларнинг назарий жиҳатдан уйғунлиги таъминланишини тўғри ташкил этиш билан узвий боғланганлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Криминологик тадқиқотлар жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларнинг фақатгина сифатини кўрсатиш билан якунланмаслиги лозим. Барча ҳолатларда ҳам тадқиқотлар натижасидан олинган хулосалар асосида жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат органлари ҳамда жамоатчилик фаолиятларини такомиллаштиришга зарур тавсияларни ишлаб чиқиш ётади.

Тадқиқотлар асосида олинган хулосалар ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришда ҳам муҳим асос бўлиши мумкин, шу билан бирга, ўқув-тарбия ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Криминологик тадқиқотларни олиб бориш фақат махсус илмий муассасаларнинг фаолият йўналиши ҳисобланмайди. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва, умуман, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларнинг юзага келмаслиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳар бир ходими юқорида баён этилган тартиб асосида мустақил равишда ушбу тадқиқотларни ташкил этиши, жиноятчиликка қарши курашда яқиндан ёрдам бериши мумкинлиги инобатга олинмоғи лозим.

Биз юқорида кўриб чиққан методлар криминологияда, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида қўлланилиши жиноятчиликка қарши кураш амалиётини такомиллаштириш имкониятини юзага келтиради.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жиноятчиликни илмий билишдаги асосий вазифаларни тавсифлаб беринг.
2. Жиноятчиликни илмий билишнинг назарий асослари нималардан иборат?
3. Криминологик илмий тадқиқотларнинг босқичларини санаб ўтинг ва уларнинг мазмунини тушунтиринг.
4. Криминологияда илмий тадқиқотлар ўтказишга тайёрланишда нималарга эътибор қаратмоқ лозим?
5. Криминологик илмий тадқиқотларнинг методларини таърифланг.
6. Криминологик илмий тадқиқотларнинг натижалари қандай қайд этилмоғи лозим ва уларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?

VII боб КРИМИНОЛОГИЯДА ИЛМИЙ БАШОРАТ (ПРОГНОЗ)

1-§. «Илмий башорат» тушунчаси ва унинг вазифалари

Ижтимоий ва табиий фанларда илмий атама сифатида кенг қўлланиладиган «прогноз» грек тилидаги «prognosis» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «башорат», «олдиндан билиш» деган маъноларни англатади. Криминологияда бу атама илмий мақсадларда кенг қўлланилади ва у ўз мазмун-моҳиятига эга.

Умуман олганда, олдиндан билиш, яъни у ёки бу мавҳум ҳолатни олдиндан юз беришини башорат қилиш фолбинлар, экстрасенслар томонидан қўлланиши бизга яхши маълум. Зотан, дунёвий фанлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда фикр юритиш мавҳумлик асосида эмас, балки илмийлик асосида бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам олдиндан билиш илмий билишнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Илмий таҳлил асосида у ёки бу воқеликни олдиндан билиш ва шу орқали юзага келиши ва ривожланиш жараёнларини ўрганиш ҳамда ҳозирги ҳолатига нисбатан келгусида қандай шакл ёки ҳолатга ўтиши хусусида башорат қилиш илмийлик асосида кечмоғи лозим. Бинобарин, башорат қилишнинг асосий шарти илмийликдир.

Криминологиянинг асосий предмети жиноятчилик билан боғлиқ муаммолар бўлганлиги учун ҳам бу ижтимоий муаммонинг олдини олиш ва унга нисбатан ўз вақтида зарур чора-тадбирлар белгилаш катта аҳамият касб этади. Жиноятчиликнинг қандай келиб чиқиши ва қандай шаклда намоён бўлишини олдиндан билишда криминологик башорат жуда муҳимдир.

Ҳар қандай илмий тадқиқот ишида бўлганидек, криминологияда башорат қилиш ҳам воқеа ёки ҳодисанинг реал мавжуд бўлишини талаб этади. Зеро, мавжуд ҳолатни тўғри баҳолай олиш илмий билишнинг яна бир муҳим шартидир. Ўз навбатида, илмий башорат натижаларини аниқ ифодалаш ҳам катта аҳамиятга эга. Башорат қилиш шакли турлича бўлади ва у доимо ўзгариб туриши мумкин. Чунки башорат қилишнинг ўзи мунтазам ва ўзига хос равишда мувофиқлаштирилиб борилади.

Криминологик башорат тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда ўзининг мақсад ва вазифаларига эга. Башорат қилишдан асосий мақсад жиноятчиликнинг умумий ҳолати, миқёси, тизими, ўзига хос хусусият-

лари ва динамикасининг қандай бўлишини ҳамда уларнинг бўлаётган ўзгаришларга таъсирини, шунингдек, жиноятчилар шахсининг янги тоифаларга хос равишда шаклланишини билишдир.

Тадқиқот объектини татбиқ этишдан келиб чиқувчи мақсадга кўра ва олдиндан билиш муддатларини белгилаш билан боғлиқ ҳолда кримнологик башоратининг мақсад ва вазифалари мазмун ҳамда моҳиятига кўра турлича бўлиши мумкин. Масалан, башорат қилинаётган муддат кўп вақтни ўз ичига олса, унда мақсад умумий бўлади ва, аксинча, қисқа муддатли башорат қилиш ишларини олиб боришда мақсад аниқ ҳамда маълум бир ҳолатни тадқиқ этишга қаратилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, башорат қилиш муддати қанча вақтга белгиланганидан қатъи назар, асосий мақсад қайси вазият ёки ҳолат қандай бўлиши мумкинлигини олдиндан билишдир. Бу вазият ёки ҳолат тўғрисида имкон даражасида кўпроқ ахборот тўплаш ҳамда тегишлича таҳлил ишларини амалга ошириш лозим. Чунки кримнологик башоратнинг аниқ бўлиши, айтиб ўтилганидек, жиноятчиликни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илмий башорат орқали маълум бир давр давомида жиноятчиликнинг ўзига хос шаклланиши ва динамикасини билишда муҳим бўлган илмий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнида юзага келаётган криминоген ҳолатларни бартараф этишда илмий башорат нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган турли жиноий фаолиятларнинг юзага келаётганлиги криминологияда илмий башоратни юқори босқичга кўтарилишини тақозо этмоқда. Жумладан, уюшган жиноятчилик, терроризм, ғайриқонуний равишда қурол-яроғ ва наркотик воситаларни сотиш ва ўтказиш каби жиноий фаолиятларга аввалдан баҳо бериш ҳамда уларнинг олдини олиш учун айнан қандай йўл тутиш лозимлигини илмий башорат орқали аниқланиши криминология фани зиммасига катта вазифаларни юклайди.

2-§. Илмий башоратнинг турлари ва манбалари

Криминологияда илмий башорат қилиш ва уни самарали жорий этиш учун зарур бўлган омилларнинг ўзига хос белгилари асосида классификация қилиш ҳамда тизимини яратиш катта аҳамиятга эга. Масалан, агар кримнологик башорат умумий бўлса, ушбу умумийлик бевосита криминология фани ва жиноятчиликнинг илмий башоратларидан иборатдир. Шунингдек, жиноятчиликнинг башорат қилиш бир

марта ва рецидив жинойтларни башорат қилиш турларига бўлинишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Айнан шу икки ҳолат у ёки бу жинойтчиликка оид умумий ҳолатни, яъни унинг тизими, ўзига хос хусусиятлари ва динамикаси бўйича башорат ишларини ташкил этишни ўз ичига олади. Демак, криминологияда илмий башорат ўзаро боғлиқ тизимдан иборат. Шунингдек, жинойтчиликни илмий башорат қилиш, юқорида эслатиб ўтилганидек, муддатлари бўйича ҳам фарқ қилади. Шунга кўра жинойтчиликни илмий башорат қилиш узоқ муддатли, ўртача ва қисқа муддатларда ўтказилиши назарда тутилади. Шахснинг ўзини индивидуал тутишини башорат қилиш мустақил йўналиш ҳисобланишини ҳам эътиборга олмақ зарур. Чунки ушбу башорат қилиш йўналиши жинойтчи шахсини алоҳида ўрганишга имкон яратади. Индивидуал башорат муқаддам жинойт содир этган ва жинойти учун жазоланган шахсларда ўзига хос хусусиятлар шаклланиши билан боғлиқ ҳолатларни илмий башорат қилишни ўз ичига олади. Санаб ўтилган барча башоратлар умумий тарзда жинойтчиликни илмий башорат қилиш тушунчасини қамраб олади.

Шу ўринда ҳар бир йўналишдаги башорат қилиш ўз мазмун моҳиятига эга эканлигини ёдда тутиш лозим. Жумладан, қисқа муддатли илмий башорат жинойтчиликка қарши курашнинг маълум бир қисқа даврини ўз ичига олади ва шу даврда қандай фаолият кўрсатиш лозимлигини тавсия этади. Қисқа муддатли башорат орқали жинойтчилик содир этилиши ўзига хос қонуниятлар асосида қандай ўзгариши мумкинлиги илмий нуқтаи назаридан башорат қилинади, шу билан бирга, жинойтчиликнинг айрим кўрсаткичлари бўйича яқин келгусида қандай ўзгаришлар бўлиши белгилаб берилади, яъни бир йилдан беш йилгача ёки шу давр мобайнида ҳар бир йилда қандай ўзгариб бориши мумкинлиги тахминий аниқланади.

Ўртача муҳлатдаги илмий башорат қилиш ҳам узоқ муддатли илмий башорат сингари жинойтчиликка қарши кураш стратегиясини белгилашда катта аҳамиятга эга. Бунда жинойтчиликнинг ўзига хос шаклланиши ҳамда ўзгариши маълум бир муддатда қандай кечиши башорат қилинади. Ўз хусусиятига кўра ўртача муддатда олиб бориладиган башорат ишлари узоқ муддатли башоратнинг узвий босқичи ҳисобланади ва олти йилдан ўн йилгача бўлган даврларга мўлжалланади. Ушбу давр мобайнида жинойтчилик билан боғлиқ барча вазиятлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади ва тавсиялар берилади.

Қисқа ва ўртача муддатли илмий башоратлардан фарқли равишда узоқ муддатли башоратларда асосий эътибор ижтимоий муаммоларнинг энг зарур ва долзарб жиҳатларига қаратилади. Узоқ муддатли илмий ба-

шоратлар фақат бир ҳолатни белгилаши мумкин эмас. Чунки ижтимоий жараён вақти-вақти билан мазмунан ва моҳиятан ўзгариб туришини олдиндан белгилаб бериш жуда ҳам мураккабдир. Шунинг учун ҳам жиноятчиликни илмий башорат қилишнинг узоқ муддатлари алоҳида ёндашувни, барча тадқиқот ишларини атрофлича кўриб чиқишни тақозо этади.

Узоқ муддатли илмий башорат ишлари ўн йилдан ўн беш йилгача, баъзан йигирма йилгача бўлган муддатларга мўлжалланиши мумкин. Шу орқали жамият ҳаётидаги барча жараёнларни атрофлича таҳлил этиш ва жиноятни келтириб чиқарувчи шароитларни аниқлаш имкониятлари юзага келади.

Криминологияда илмий башорат ишлаб чиқиш ёки унинг ахборот манбаи ўн йил давомида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар жараёни ва уларнинг жиноятларни юзага келишига таъсири (ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-руҳий, демографик, ташкилий-бошқарув кабилар), шунингдек, жиноятчиликни юзага келтирувчи ва жиноятчилик «тусини» берувчи (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, токсикомания, фоҳишабозлик кабилар) ҳолатлар, маълум бир ҳудудий бирликда қиёсий равишда тадқиқотлар олиб бориш ва ўн йилдан кам бўлмаган давр мобайнида жиноятчилик тизими ҳамда динамикасининг кўрсаткичлари, амалга оширилган профилактика тадбирларининг ҳажми, шу жумладан жиноий жазоларнинг қўлланиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашда камида ўн йил давомида амалга оширилган норматив-ҳуқуқий ўзгаришлар, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги ўрни ва уни такомиллаштирилиши каби жараёнлар ҳам жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ва илмий башорат қилишда муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги кунда халқаро миқёсда содир этилаётган жиноятлар хусусида илмий башорат ишларини йўлга қўйиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

3-§. Криминологияда илмий башорат қилиш методлари

Ҳар бир фанда, шу жумладан криминология ҳам, илмий башорат қилишда маълум илмий билиш методларига ёндашилади. Зотан, жиноятчиликни илмий билиш асосида унинг олдини олиш тадбирларини жорий этишда муҳим ўрин тутган илмий башоратларни ишлаб чиқиш, айтиб ўтилганидек, чуқур мазмун ва моҳиятга эга.

Тадқиқотларни мукамал ўтказишда эса асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда зарур услубий ёндашув, яъни методларни тўғри қўллаш катта аҳамият касб этади. Назарий жиҳатдан қаралганда

илмий башоратнинг ўзи криминология фаннинг методи ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ушбу метод асосида тадқиқот олиб бориш ва кўзда тутилган мақсадга эришиш ҳам ўзига хос услубий ёндашувни талаб этади, яъни илмий башоратни амалга ошириш учун махсус илмий методларга эҳтиёж сезилади. Бинобарин, илмий башорат назарияси ва амалиётида ҳам ўзига хос махсус методлар мавжуд.

Тўғри, криминологик илмий башоратни амалга оширишда мавжуд воқеликнинг сифати таҳлил этилади. Сифат ўзгариши эса ўз-ўзидан миқдор ўзгариши билан боғлиқлиги намоён бўлади.

Демак, жиноятчиликнинг сифат ва миқдор ўзгариши доимо ўзаро боғлиқ. Миқдор ўзгаришини ўрганиш асосида умумийлик хусусиятлари ёки фарқини аниқлаш мумкин. Бунинг учун кўплаб жиноятлар тадқиқ этилиб, ўртача кўрсаткичлар топилади. Бу эса ўзига хос ёндашувни ва аниқликни талаб этади.

Статистика методи – илмий башоратнинг энг муҳим методларидан бири. Умумлаштириш орқали кўрсаткичларни қайд этиш иккинчи даражали, яъни асосий масалага хос бўлмаган ҳолатлар инобатга олинмаслигини тақозо этади. Статистика методи илмий башорат қилишда жиноятчиликнинг келгуси ҳолатининг миқдорий кўрсаткичларини ифодалайди ҳамда маълум бир жадвал, диаграмма ва графикларда қайд этади.

Криминологияда илмий башоратни амалга оширишда қўлланиладиган яна бир метод *экстраполяция методидир*. Бу ҳам ўзига хос равишда статистика методининг давомидир. Ушбу метод жиноятчиликнинг миқёси ва тизимининг олдинги ҳамда ҳозирги ҳолатини ўзаро солиштириш орқали ўзига хос қонуниятларни аниқлайди.

Шу мақсадда маълум бир давр оралиғида йиллар бўйича статистик қаторлар кўрсатилади ва башорат қилиниши лозим бўлган даврда жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва ошиш тезлигининг йўналишини билдирувчи кўрсаткичлар юзага келади. Статистик қаторлар абсолют миқдорлар ва коэффициентлардан ташкил этилади.

Бундай методлар орқали ўзига хос ва қатъий жараён ёки ҳолатлар бўйича башорат ишларини юритиш мумкин. Аммо жиноятчилик ҳеч қачон қатъий жараёнда кечмайди, у доимий равишда сифат ва миқдор ўзгаришларига эгаллигини ёдда тутиш лозим. Шунинг учун ҳам бу методлардан фақат алоҳида тур ёки гуруҳларга кирувчи жиноятларга боғлиқ ҳолатларни башорат қилишда фойдаланиш яхши самара беради.

Криминологияда илмий башорат ишларини юритишда *моделлаштириш методи* ҳам жорий этилади. Маълумки, келгусида бўлиши мумкин бўлган жиноятчиликни олдиндан тадқиқ этиш жуда мураккаб, яъни

бу жиноятчилик ҳали мавжуд эмас. Ушбу мавҳумликдан чиқиб кетиш эса юзага келиши мумкин бўлган ҳолатни шакллантириш – моделини яратишни талаб этади. Бу эса криминологияда илмий башоратнинг ўзига ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб тасаввур қилинса, яъни алоҳида турдаги бир жиноят айтайлик ўн йил аввал қандай содир этилган, унинг содир этилишига таъсир этган муҳит ва жиноятчининг шахси тўғрисида тадқиқотчида етарлича ахборот бўлиши мумкин. Бироқ айнан шу турдаги жиноят ўн йилдан сўнг қандай содир этилади ва унинг содир этилишига таъсир этувчи муҳит қандай бўлиши мумкинлигини аввалдан айтиш мураккаб вазифадир. Айнан шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда алоҳида олинган жиноятнинг моделини яратишга эҳтиёж сезилади. Бу борада фан-техника ютуқларига таяниш, ЭҲМ орқали дастурлар яратиш катта аҳамиятга эга.

Криминологияда илмий башорат ишларини *эксперт томонидан баҳолашни* жорий этиш мумкин. Умуман олганда, у ёки бу йўналишда қилинган ишлар тегишли соҳа мутахассислари томонидан баҳоланиши лозим. Баҳолаш методининг самараси жиноятчилик билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал этишда чуқур илмийликни талаб этади. Тегишли соҳа бўйича тажриба тўплаган малакали ва етук мутахассислар фикрини олиш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, тегишлича ишлаб чиқилган хулоса варақаларида (матриц) тўпланган фактлар эксперт хулосалари асосида баҳоланиши диққатга сазовордир. Бироқ ушбу метод ўзига хос камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, экспертга ҳал этиш учун қўйиладиган саволлар рўйхатини тузиш ва бу саволлар маълум бир ҳолатни баҳолаши учун миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳоланишини таъминланишига ҳам имкон яратиш зарур.

Кўп ҳолларда маълум бир ваколатга эга бўлмаган экспертлар томонидан асл воқелик тўғри ва холис баҳоланмаслиги ҳамда шу орқали олинган баҳо ҳақиқатдан узоқ бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Криминологияда илмий башорат сифатида қўлланиладиган метод – *илмий фараз* (гипотеза) юритиш ҳам ўз моҳиятига эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, криминологияда илмий башорат келгусида содир бўлиши мумкин бўлган жиноятчиликни тубдан ўрганишдир.

Табиат ва жамиятда юзага келадиган ҳар қандай воқелик даб-дурустдан юзага келади деб қараш мутлақо нотўғридир. Ҳар қандай воқелик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шунингдек, жиноятчилик ҳам ўзаро боғлиқ босқичлар асосида шаклланиб боради. Демак, илмий фаразда муқаддам ва ҳозирги мавжуд воқеликлар инобатга олинishi ҳамда

аввалги бобларда алоҳида таъкидлаганимиздек, албатта лаборатория кузатувлари ва тадқиқотлари асосида исботланиши даркор.

Илмий башорат ва унинг биз санаб ўтган методлари криминология фанида ўзига хос махсус методлар жумласига киради ва жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўлган тадқиқотларни ўтказишга ижобий ёрдам беради. Энг муҳими, ҳар бир методнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олиш лозим. Чунки илмий башоратни ишлаб чиқиш жиноятчиликни атрофлича тадқиқ этиш билан боғлиқ эканлигини ёдда тутиш лозим.

4-§. Жиноий хатти-ҳаракатларнинг илмий башорати

Жиноятчиликка қарши курашишда айрим жиноятларнинг юзага келиши сабабларини ўрганиш билан бир қаторда, айнан шу жиноятларни содир этувчи шахсларни жиноят қилишга ундовчи хатти-ҳаракатларнинг юзага келишини илмий билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шахс руҳиятида жиноий қилмиш содир этишга таъсир этувчи иллатларнинг қандай ва қачон юзага келишини билиш фан эҳтиёжлари учун ғоятда зарур. Демак, жиноятчи шахсларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари юзага келишини олдиндан билиш ва илмий башорат қилиш жиноятчиликнинг олдини олишдаги муҳим тадбирларидан биридир. Шунинг учун ҳам криминологияда маълум бир шахснинг жиноят содир этиши мумкинлиги ва уни шу йўлга киришига олиб келувчи муҳит ва, умуман, бу борада ҳам ўзига хос қонуниятлар мавжуд эканлиги фанда атрофлича ўрганилади. Бунда асосий эътибор жиноятчининг шахсига қаратилади.

Криминологияда ушбу муаммони ўрганишда асосан икки йўналишда тадқиқот ишлари олиб борилади. Биринчи йўналиш муқаддам бир неча бор жиноят содир этган шахслар (рецидивист жиноятчилар хусусида башорат қилиш) томонидан жиноятлар бўлиши ва уни қандай содир этилиши мумкинлигини тадқиқ этиш бўлса, иккинчи йўналиш ҳали жиноят содир этмаган, бироқ шахсда жиноят содир этишга мойиллик борлиги туфайли жиноят содир этиши мумкинлигини (биринчи бор содир этиладиган жиноятларни башорат қилиш) ўрганишга қаратилади.

Маълумки, ҳар бир шахснинг ўзини тутиши, хулқи ва, умуман, хатти-ҳаракатлари маълум ҳолатлар натижасида юзага келадиган ҳаракатлар йиғиндисидир. Бунда шахснинг ўзига хос хусусиятлари марказий ўринни эгаллайди. Шахснинг шаклланиши жамият ва ундаги мавжуд яшаш тарзига мос равишда юзага келади. Жамият аъзоларининг ўзларини тутиши, хулқи ҳам шахснинг индивидуал шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Агар ушбу қонуниятга асосланадиган бўлсак, шахснинг жиноий йўлга киришидаги асосий сабабларни олдиндан билиш мумкин бўлади. Бунга шахсни жиноий йўлга киришига сабаб бўлувчи ички ва ташқи омиллар мавжудлигини илмий таҳлил қилиш орқали эришиш мумкин.

Тўғри, шахснинг шаклланиши хусусида дарҳол узил-кесил хулоса чиқариш ҳақиқатдан йироқдир. Чунки шахснинг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига биринчи галда вақт таъсир кўрсатади. Яъни шахснинг шаклланиши қисқа ёки узоқ вақт давомида рўй бериши мумкин. Шу боис шахснинг асосий хислатларини билиш ҳамда хулоса чиқариш ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Жазони ўтаётган маҳкумнинг шахсини ўрганиш бошқа шахсларга нисбатан осон кечади. Чунки жазони ижро этиш муассасаси раҳбарияти ва жамоаси унинг ўзига хос хусусиятларини, қизиқиши, хоҳиши, мақсадлари ёки иродаси қандайлигини доимий равишда кузатиб бориш имкониятига эгадирлар. Шахснинг хатти-ҳаракатлари ва хулқида кечадиган ўзгаришларнинг юзага келишига таъсир этувчи вазиятларни аниқлашда ҳам айнан шу жойларда имконият кенгроқ бўлади.

Қуйидагилар шахснинг хулқига таъсир этувчи ҳолатлар ҳисобланади:

- меҳнатга муносабати;
- интизоми;
- маҳкумлар иштирокида ташкил этиладиган жамоатчилик ташкилотларига бўлган муносабати ва иштироки;
- ўз устида ишлаши ва ўқишга муносабати;
- оиласи бор, йўқлиги ҳамда оила аъзолари билан доимий муносабати;
- қариндош-уруғлари ва дўстлари билан ўзаро муносабатлари;
- ўзи томондан содир этилган жиноят ва суд ҳукмига бўлган муносабати;
- судланганлиги ва унинг неча марта қайтарилганлиги;
- содир этган жиноятининг оғир ёки енгиллиги;
- суд ҳукми билан белгиланган жазонинг қанчаси ўталганлиги ва, умуман, жазо муҳлати;
- маҳкум этилгунига қадар жиноятга мойил ва хулқи бузуқ шахслар билан муносабати;
- яшаш жойи (шаҳар, қишлоқ);
- жазони ўтаб бўлганидан сўнг шуғулланадиган меҳнат фаолияти ва иш жойи;
- жазони ўтаб бўлганидан сўнг ўқишга қизиқиши;

– ижтимоий-фойдали фаолият йўналишларини қайси соҳаларда давом эттириши ва ҳоказо.

Санаб ўтилган ҳолатлар, асосан, жазони ўташ муассасалари фаолияти билан узвий боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда бир қатор ҳуқуқий адабиётларда «илмий башорат» сўзи шаклан «интуитивный», яъни «шартли» деган маънода берилишини кўриш мумкин. Бу билан мазмун асло ўзгармайди ва шахсининг хулқидаги ўзгаришларни башорат қилиш жараёни аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлади.

Жиноятчилар шахсини ижтимоий муҳитда, яъни оила, маиший ҳаёт, ишлаб чиқариш ва, умуман, жамиятда тадқиқ этиш эса бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Чунки ҳар бир шахс устида тадқиқот олиб борилиши мумкин эмас. Демак, бундай вазиятларда жиноятчининг шахсини ўрганишда, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сўров ишларини йўлга қўйиш мақсадга эришишда катта аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йиллик давомида ушбу муаммо юзасидан криминологик тадқиқотларнинг олиб борилаётганлиги айнан шу, яъни жиноятчиларнинг шахсини маълум бир шароитда ўрганишни ўзига хос долзарблигидандир.

5-§. Жиноятчиликка қарши курашнинг илмий башорати ва режалаштирилиши

Ҳар қандай илмий тадқиқот хулосаси амалиёт эҳтиёжи учун хизмат қилмоғи лозим. Криминологияда илмий башорат ўтказишда ўзига хос мақсад кўзда тутилади. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда илмий башоратнинг ташкил этилиши ҳам ўз мақсадига эга.

Криминологияда илмий башоратни амалга оширишдан кўзда тутилган мақсад, биринчи галда, жиноятчиликка қарши кураш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган бўлиши, иккинчидан, ҳар қандай иш чуқур ва атрофлича ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилмоғи лозим. Шундай экан, илмий башорат жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш учун зарур бўлган режаларни пухта ишлаб чиқилишига дастлабки манба бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бундай режаларга криминология нуқтаи назаридан маълум талаблар қўйилади. Шунга кўра, криминологияда жиноятчиликка қарши курашни режалаштириш маълум бир даврга мўлжаллаш (жорий ёки истиқболли) асосида ташкил этиладиган мақсад ва вазифаларни ҳал этишнинг воситалари ҳамда йўналишларини илмий таҳлил этиш, шунингдек, ўтказилиши лозим бўлган тадбирларнинг услубий ва сарф-харажатлар манбасини (молиявий, мутахассисларни жалб этиш, моддий техника таъминоти кабилар) таъминлаш орқали амалга оширилади.

Криминологияда режалаштириш субъектлари сифатида жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи давлат органларининг ходимлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ушбу илмий муассасаларнинг олимлари, мутахассислари эътироф этилган.

Режалаштириш асосан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

– маълум ҳудуд ёки миқёсда – алоҳида бир ишлаб чиқариш ёки саноат объекти, туман, вилоят, бирор-бир ҳудудий бирлик ёки давлат миқёсида;

– ижрочилар ва иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг у ёки бу вазифани бажаришларига кўра – тармоқлар бўйича, тармоқлараро ёки умумдавлат томонидан белгиланадиган тадбирларни бажариш бўйича;

– режалаштириш предмети ва бажариладиган вазифаларга кўра;

– муддатига асосан узок муддатли (10 – 20 йил); ўртача муддатли (3 – 5 йил), қисқа муддатли (ой, чорак, йил, 1 – 2 йил).

Шу билан бирга, давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича (масалан, аҳоли миграцияси билан боғлиқ жараёнлар, таълим тизими, маориф, маданият ва спорт каби ижтимоий йўналишлардаги ривожлантириш билан боғлиқ ҳолларда), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аниқ вазифалари белгиланган режаларида (ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, адлия, прокуратура каби идоралар), шунингдек, уларнинг ҳамкорлик ишларини олиб боришдаги ўзаро ишлаб чиқилган режаларида юзага келадиган мавжуд тадбирларни режалаштирилиши ҳам криминология тавсиялари асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, жамият аъзоларининг айрим тоифалари ўртасида жиноятчиликка қарши курашни йўлга қўйиш ва шу мақсадда аниқ чора-тадбирларнинг белгиланиши катта аҳамиятга эга (вояга етмаганлар, ёшлар, рецидив жиноятчилар, гуруҳий жиноятчилар ёки мастлик орқасида жиноят содир этганлар ва ҳ. к.).

Режалаштириш қайси йўналишда ва қайси шаклда бўлмасин, мавжуд ҳолатга таяниш, аниқлик, мувофиқлаштириш (координация), такрорланмаслик, жавобгар шахслар томонидан белгиланган вазифанинг бажарилиши таъминлаш, режалаштириш ишларида учрайдиган камчиликлар ҳисобини олиб бориш каби принципларга ёндашган ҳолда ишлаб чиқилмоғи лозим.

Режани ишлаб чиқиш ва унинг тизими режалаштирилаётганда ишнинг моҳияти, ҳажми ва тадқиқот объектларининг хусусиятларига кўра турлича бўлиши ва айтилган вақтда жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларининг белгиланишини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу борада хо-

зирги кунда ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг режаларида қўлланилаётган тизим яратилганлигига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу идораларнинг тармоқ ва тармоқлараро режалари умумий, махсус ва якуний қисмлардан иборат бўлиб, жиноятчиликка қарши курашда режалаштириш ишлари юқорида биз санаб ўтган принциплар асосида ишлаб чиқилади. Умумий қисм, асосан, жиноятчилик умумий ҳолатининг таҳлили, профилактик чора-тадбирларнинг мақсад ва вазифалари (жиноят турлари бўйича алоҳида чора-тадбир кўришни эътиборга олмаган ҳолда), аҳоли ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, ҳокимият органларининг турли бўғинлари ва тармоқларида жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар бериш, шунингдек, профилактика ишларини юритишга масъул идораларни ташкил этишни ҳам кўзда тутиши лозим. Энг муҳими, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишга эътибор умумий қисмда белгиланадиган чора-тадбирлар қаторига киритилиши ва аниқ вазифалар белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Режанинг махсус қисмида эса жиноятчиликка қарши курашда аҳамиятга эга чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ишлар аниқ ифодаланиши зарур. Ниҳоят, якуний қисмда, юқорида таъкидланганидек, зарур моддий-техника, куч ва воситалар манбаи, белгиланган ишларнинг якунланиши кабилар қайд этилмоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий муаммоларни, шунингдек, жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирларнинг ташкил этилиши кўп томондан режалаштиришни юқори даражада бўлишига боғлиқ. Режалаштиришда асосий манба, юқорида баён этилганидек, чуқур илмийлик асосида яратилган криминологик башоратлар ҳисобланишини ўқувчи ёдда тутиши керак.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Криминологияда «илмий башорат» тушунчасини таърифланг ва унинг мақсадларини айтиб беринг.
2. Илмий башорат турлари ва уларнинг мазмунини баён этинг.
3. Алоҳида ҳудудлар ёки объектларда мавжуд бўлган жиноятчиликка қарши курашни амалга ошириш ва режалаштириш қандай амалга оширилади?
4. Якка тартибдаги илмий башорат асосида шахснинг хатти-ҳаракатларини олдиндан билиш қандай башорат этилади ва бунинг моҳияти нималардан иборат?
5. Ички ишлар органлари профилактика ишларини ташкил этишларида илмий башорат ва режалаштиришдан қандай фойдаланадилар?

6. Криминологияда илмий башорат қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тезкор қидирув фаолиятини режалаштириш нималарда намоён бўлади?

VIII боб ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Криминологияда «жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчаси

«Жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчаси бир қатор ижтимоий-ҳуқуқий фанларда ўзига хос мазмун ва моҳият асосида талқин этилади. Аммо криминология фанида ушбу тушунчага алоҳида ёндашилиши бизга яхши маълум. Чунки жиноятчиликнинг олдини олиш ва шу мақсадда тадқиқотлар ўтказиш криминология фанининг предмети доирасига кирувчи асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Тарихий нуқтаи назаридан ёндашилса, жиноятчиликка қарши кураш йўлида фақат жиной жазо қўллаш билан чекланиш яхши самара бермаслиги инсоният томонидан исботланганлигини кўриш мумкин. Бу масалада жиноятнинг олдини олиш жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда энг оқилона йўл ҳисобланади.

Фарб фалсафасининг илк намояндаларидан Афлотун (Платон) ва Арасту (Аристотель)ларнинг фикрича, жамиятда шахсни жиноят йўлидан қайтарувчи қонунлар ҳукмрон бўлиши зарур. Шунингдек, XVIII аср маърифатпарвар олими Монтескьёнинг фикрича, «ҳар қандай ҳокимият жиноят учун жазо белгилашни эмас, балки жиноятнинг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи лозим»⁸.

Билдирилган ушбу фикрлар Ч. Беккариянинг «Жиноят ва жазо тўғрисида»ги асарида ҳуқуқий жиҳатдан кенг талқин этилган. Ўз вақтида Вольтер унинг асарини шарҳлаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш ҳозирги цивилизация эришган ҳақиқий юриспруденциядир, деган хулосага келади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларига эътибор XIX – XX асрларда айниқса кучайди. Чунки инсоният тараққиётининг айнан шу даврида бу муаммо хусусида жаҳоннинг таниқли социолог ва ҳуқуқшунос олимлари кўплаб илмий фикрлар билдирганлар.

Ҳозирги кунда эса жиноятчилик ва, умуман, ҳуқуқбузарликнинг барча турларининг олдини олиш мақсадда мавжуд ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда жиноятларнинг сабаб ва шароит-

⁸ Фикр криминология дарслиги асосида берилмоқда. Қаранг: Криминология. – М., 1995. – 103-б.

ларини тугатишда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишларда зарур чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг олдини олиш давлат ва жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ҳолда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар таъсирида содир бўлаётган барча ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг изчил усул ҳамда воситаларини яратиш фан олдида турган муҳим вазифа эканлигини эсда тутиш лозим.

Шу билан бирга, давлатнинг сиёсий бошқарув тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятида фақат бир масала, яъни давлат ва унинг органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқларини кенг таъминлашга эътибор қаратилаётганлигини ҳам эътиборга олмоқ жоиз. Бинобарин, ҳуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим шарти жамиятда қонун устунлигини, адолат принципларига риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноятчиликка қарши курашнинг яна бир муҳим шарти, ҳар бир давлатда жиноят қонунчилигининг мавжуд бўлишидир. Шунга асосан шахснинг у ёки бу ғайриинсоний ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик учун биринчи галда жиноят қонунчилиги бўйича давлат сиёсати ишлаб чиқилади.

Жиноят қонунчилиги айнан давлат сиёсати асосида ишлаб чиқилади ва таъкидланганидек, адолат принциплари асосида жамият ҳаётига жорий қилинади. Демак, жиноят қонунчилиги давлат миқёсида амалда бўлишининг асосий мақсади, биринчидан, фуқаролардан жиноят содир этмасликни талаб этса, иккинчидан, қонун асосида белгиланган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этганларида жазоланишлари муқаррарлигини англатади.

Жиноят қонунчилиги, кўриб ўтилганидек, фуқаролар ва, умуман, жамият аъзоларини жазолаш учун эмас, балки ҳар бир шахс жазоланмаслиги учун жиноий қилмиш содир этилмаслигини талаб этади. Бу жараён оддий бўлиб кўринса-да, аслида жуда чуқур илмий-назарий асосларга эга. Зотан, инсоният тараққиёти асосида юзага келган ва қаддам-бақаддам шаклланган фалсафий-ҳуқуқий қарашлар орқали давлатда жиноят қонунчилигининг мавжуд бўлиши айнан жиноятнинг олдини олишдаги муҳим шарт эканлиги ўз исботини топган.

Бироқ, шу ўринда, ўқувчининг эътибори қуйидаги ҳолатга ҳам қаратилмоғи лозим. У ҳам бўлса, жиноий жавобгарликнинг юзага келиши жараёнидир. Шахс жиноят қонунчилиги асосида тақиқланган қилмиш-ни содир этади. Табиийки, бу ҳолат жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назари-

дан жиноий жавобгарликни юзага келтиради. Шу ўринда яна бир ҳолат инобатга олиниши зарур, яъни жиноий жавобгарлик учун белгиланадиган жазо ва унинг қўлланиши шахс томонидан келгусида бошқа жиноий қилмиш такрорланмаслигини таъминлашни ҳам кўзда тутади. Айнан шу ҳолат ҳам жиноятнинг олдини олишни белгиловчи ўзига хос таъсир чораси эканлигини ёдда тутиш лозим.

Баён этилганларга кўра айтиш мумкинки, жиноий жавобгарлик кенг маънодаги тушунча бўлиб, жазолаш орқали шахсни келгусида бошқа жиноят содир этмаслигини таъминлаш ва жазо қўлланиши муқаррар эканлигини ғаразли ниятда бўлган шахсларга ибрат қилиб кўрсатиш каби профилактика чораси сифатида эътироф этилгандир. Шундай бўлса-да, бу ҳали жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишни тўлалигича ифодалайди, деб бўлмайди. Бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш ва, аввало, жиноятларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари (профилактика)ни жорий этиш ва жиноятчиликнинг сабаб ҳамда шароитларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга⁹.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш ўз мазмун ва моҳиятига эга. Жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари ва жамоатчилик томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини тугатиш турли миқёсда амалга ошириладиган чора-тадбирлар комплекси. Шу ўринда «жиноятчилик» кенг маънода жамиятда мавжуд бўлган барча ҳуқуқбузарликларни умумлашган ҳолда ифодаласа, «жиноятлар» тушунчаси эса жиноят қонунчилиги асосида белгиланган қонунбузарликларнинг содир этилишини ифодалайди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини тақозо этади. Шундай экан, жиноятчиликнинг олдини олишда (шу жумладан, интизомий, маъмурий, фуқаролик йўналишларидаги ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг содир этилишининг олдини олишда ҳам) атрофлича ва чуқур илмий асосларга эга ҳамда давлат органлар ва жамоат ташкилотларининг ўзаро мувофиқлаштирилган, режали тадбирларни амалга оширмақ лозим.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олишда қўлланиладиган чора-тадбирлар илмий-назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этилади. Шу би-

⁹ Ҳуқуқий фанлар ва, шу билан бирга, норматив ҳужжатларда «олдини олиш», «профилактика», «йўл қўймаслик, бартараф этиш» деган атамалар кўплаб ишлатилади. Тўғри, бу атамалар маъно жиҳатидан ўзаро яқин ва кўп ҳолларда бири-бирини алмаштириб қўлланилса-да, моҳият жиҳатидан аниқ мақсадларни ҳам ифодалайди. Бу ҳақда қаранг: Криминология / Под ред. В. Н. Кудрявцева, В. Е. Эминова. – М., 1995.

лан бирга, у ёки бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича зарур тавсиялар яратилади.

2-§. Жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этиш тизими

Жиноятчиликни умумижтимоий муаммо сифатида бутунлай таг-томири билан йўқотиш ғояси асосан ўтган асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Ушбу ғояни ҳаётга татбиқ этишда тўғри маънодаги жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг моҳиятидан четга чиқилиб, турли шиорлар билан унга қарши курашга даъват этилди. Оқибатда жиноятчиликни илмий тавсифлаш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этишга юзаки ёндашиш авж олди. Бинобарин, жиноятчиликни фақат шиорлар орқали ва оммани унга қарши курашга даъват этиш билан муаммони ечиш мумкин эмаслигини унутмаслик зарур. Жиноятчилик ижтимоий муаммо сифатида чуқур ва атрофлича ёндашув орқали тадқиқ этилиши лозим. Шунингдек, жиноятчиликка йўл қўймаслик ҳамда унинг олдини олиш учун унинг ўзига хос қонуниятларини билиш керак бўлади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ижтимоий, иқтисодий муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш билан узвий боғлиқлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Яъни жамиятда ёки шахс билан шахс ўртасида юзага келувчи барча қарама-қаршиликларни бартараф этиш, ўз моҳиятига кўра, жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг муҳим тадбирдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ёки жамиятда, биринчи галда, жиноятчиликни келтириб чиқарувчи барча салбий ҳаракатларга қарши кураш олиб боришга масъул бўлган давлат органларининг фаолият йўналишларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи давлат ва жамоатчилик институтлари маълум бир тизим асосида шаклланган бўлиб, ушбу тизим айнан амалий фаолиятни бажаришга йўналтирилгандир. Тўғри, бу тизим давлат органлари, ташкилотлари, муассасаларининг мураккаб тизимини юзага келтирган бўлса-да, жиноятчиликнинг олдини олишда давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш мақсадида профилактика ишларини олиб борадилар.

Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ушбу тизим ўзига хос равишда жиноятчиликка қарши кураш ва профилактика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган назарий, методик ва амалий йўналишларни ўз ичига олгани ҳолда профилактика ишларини олиб борувчи субъектлар ва объектлар фаолияти билан боғлиқ хусусиятларни ўрганувчи аниқ

йўналишларни ҳам ўз таркибига олади ва яхлит бир тизимга бирлашади.

Ўз навбатида, профилактика тизими ҳар бир йўналиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни таҳлил этиш ва шунинг қаторида ҳар бир йўналишнинг тутган ўрни (шу жумладан, ҳар бир тизим таркибига кировчи фаолият йўналишларида амалга ошириладиган тадбирларни ҳам ҳисобга олган ҳолда), хусусиятларини ҳам ойдинлашувига ёрдам беради.

Бу эса профилактика тизими борасида аниқ хулосалар чиқаришга имкон яратади ва унинг ташкилий тизимини такомиллаштириб боришга йўл очади. Табиийки, бу тизим профилактика ишларини юритувчи субъектлар ва уларнинг бевосита профилактика объектлари ўртасида «тўқнашувни» юзага келтиради.

Ушбу вазиятда яна бир муаммо, яъни профилактика ишларининг мазмуни (метод, чора-тадбир, профилактика ишларининг турлари ва ташкилий шакллари) ва профилактика ишларини амалга оширишнинг таъминоти (моддий, яъни куч ва воситаларни жалб этиш, ҳуқуқий асослар кабилар) ташкил этилиши лозим.

Санаб ўтилганлар эса профилактика тизимининг «ҳаракат механизмини» юритишга имкон беради, профилактика (тизим асосида) фаолияти юзасидан бошқарувни ташкил этишда осонлик туғдиради. Айнан шулар асосида профилактика фаолияти бошқарилишини тушунмоқ лозим. Бу бошқарув эса жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган амалий фаолиятлар тизимидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (профилактика тизимининг иш фаолияти) ҳар қадамда ўзини амалий аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб келмоқда. Зотан, жиноятларнинг олдини олишдаги профилактика тизимини бошқариш натижалари ўз вақтида бошқарув тизими (субъектлар)ни бошқарилаётган ижтимоий муносабатлар (объектлар)га таъсири асосида юзага келишига эътибор қаратилишини тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар (шу жумладан, давлат бошқарувидаги ислохотлар ҳам) ўз моҳиятига кўра, инсон манфаатларини инобатга олган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилиши билан эътиборлидир. Шу билан бирга, бошқарув жараёнини ташкил этиш асосан давлат назоратида бўлиб, бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш мақсадида олиб борилмоқда.

Шу боис давлат бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган жиноятчиликка қарши кураш ва, айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика тизимида бошқарувни такомиллаштириш ҳозирги кунда давлатнинг бошқарув тизимида кировчи идоралар ва жамоатчиликни бош-

қаришни таъминлашда юзага келаётган янги тузилмалар (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг фаолиятларини амалга оширувчи фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, маҳалла посбонлари кабилар) профилактика тизимини бошқаришда ижобий ёрдам бермоқда. Айнан давлат бошқаруви ва жамоатчилик институтларининг ўзаро ҳамкорлиги жиноятчилик ва, умуман, барча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижаларни бермоқда.

Ҳозирги ўтиш жараёнида жамият ҳаётида юзага келаётган баъзи ижтимоий муносабатларнинг беқарорлиги табиий ҳолдир. Бироқ бу юзага келаётган ҳуқуқбузарликларга нисбатан бамайлихотир қараш керак, дегани эмас, балки ушбу жараёни профилактика нуқтаи назаридан доимий равишда баҳолаб бориш лозим.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини кўриб чиқишда унга хос бўлган хусусиятларни тўғри англамоқ даркор. Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари: жиноятларнинг олдини олишга масъул субъектларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда умумий давлат бошқарув тизимига кирувчи субъектлар билан ҳамжиҳатликда иш юритишни ташкил этишлари; ушбу субъектлар томонидан амалга ошириладиган умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактика ишларининг ташкил этилиши; жиноятчиликка қарши курашнинг комплекс ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий этиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва моддий ресурслар таъминотини яратиш кабиларни эътиборга олиш лозим. Санаб ўтилган ҳолатларни атрофлича ва моҳиятан идрок қилиш жиноятчиликка қарши курашда катта аҳамиятга эгадир.

Жиноятларнинг олдини олиш барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тизимлар каби ўзига хос фаолият йўналишларидан иборат. Бу тизим орқали кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги келишмовчиликлар тўғри йўлга солинади ва шу орқали уларнинг жамият ҳаётида ўзларини тутишлари зарур даражада бўлиши таъминланади. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олиш тизими ўз мақсадига кўра иштирок этувчи субъектларнинг фаолиятлари ва амалга оширилаётган чоратадбирлар орқали криминоген ҳолатларни тўқнашувларга ўсиб ўтмаслигини ва жиноят қонунчилиги бузилмаслигини таъминлашдан иборатдир. Жиноят содир этилганда эса, даставвал уларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, келгусида жиноят содир этилмаслигини таъминлашга қаратилган профилактика – тарбия чораларини қўллаш ҳамда рецидив жиноятчиликнинг юзага келишига йўл қўймасликдир.

Шундай қилиб, жиноятларнинг олдини олиш тизимини мувофиқлаштириш жиноий тажовузнинг юзага келмаслигини таъминлаш учун ҳимояланиш ва тарбиялаш вазифаларини бажаради, дейиш мумкин. Ушбу вазифалар криминологияда қуйидагича талқин қилиниши эътироф этилган.

Мувофиқлаштириш – шахсларнинг ўзаро муносабатларида юзага келувчи қарама-қаршиликларни қонун асосида ҳал этилишини таъминлаш. Бунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини йўлга қўйиш ва уларни содир бўлмаслигини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Қўриқлаш вазифаси эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда жамиятдаги ижтимоий муҳим қадриятларни ҳар қандай тажовуздан сақлашни таъминлашга қаратилган. Бу қонунбузарликларнинг олдини олишдаги инсонпарварлик йўналиши бўлиб, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир.

Профилактика жараёнида тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлиб, шахсни ишонтириш, уни тўғри йўлга солиш, жамият аъзосининг ўзини тутишини мавжуд ҳуқуқ ва ахлоқ талабларига мос келишини таъминлашдан иборатдир. Бинобарин, профилактика чораларининг самарасини ошириш кишиларнинг жамиятда яшаш даражасини кўтариш билан узвий боғлиқлигини эътиборга олиш лозим. Агар ушбу ижтимоий таъсир чораси, яъни тарбия қанчалик яхши йўлга қўйилса, жамият аъзоларининг ҳуқуқлари шунчалик таъминланган ҳисобланади. Бу ҳам ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси эканлигини ёдда тутиш лозим.

Профилактика тизимида субъектларнинг тутган ўрни ва уларнинг фаолият йўналишлари жиноятчиликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда масъул ҳисобланувчи махсус субъектлар ёки ўз хизмат фаолиятида бошқа вазифалар билан бир қаторда, айнан биз кўриб чиқаётган криминология нуқтаи назаридан ёритилаётган профилактика ишларини олиб борувчи субъектлар мавжуд эканлигига эътибор қаратилиши лозим. Қуйида ушбу тоифадаги субъектларга эътибор қаратилиши масалага моҳият жиҳатидан тўғри ёндашишга ёрдам беради.

Профилактика фаолиятини олиб борувчи субъектларни классификация қилишда криминологияда ўзига хос ёндашув мавжуд, яъни профилактика фаолиятини олиб борувчи субъектлар уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга *якка тартибдаги профилактика ишларини олиб борувчи субъектлар* киритилган. Иккинчи гуруҳга эса *ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида профилактика ишларини ҳам амалга оширувчи субъектлар* киритилган бўлса, учин-

чи гуруҳга жинойтчиликнинг олдини олиш фаолиятини бошқаришда куч ва воситаларни мувофиқлаштирувчи субъектлар киради.

Албатта, бу каби гуруҳларга бўлиш қиёсийдир. Зеро, якка тартибдаги назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва бу жараёни бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш жараёни санаб ўтилган ҳар бир субъектнинг фаолиятида ҳам учраши мумкин. Шунингдек, ҳар бир субъект ўз ҳолича иш олиб борган тақдирда қўйилган мақсадга эришиш қийин ва табиийки, бунда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳим эканлигини унутмаслик зарур. Зотан, ҳар қандай ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда (қўйилган вазифа миқёсига кўра) ўзига хос бўлган горизонтал ҳамда вертикал боғланишлар мавжуд¹⁰.

Жинойтчиликнинг олдини олишда уларга йўл қўймаслик фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур. Қўйилган мақсадга эришиш учун профилактика фаолияти субъектлари жинойтчиликнинг миқёси ва динамикасини эътиборга олган ҳолда тўғри йўналишда ҳаракат қилишлари даркор. Чунки жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар ва улар заминада юзага келадиган салбий ҳолатлар жинойтчиликка қарши курашни ўзига хос томондан ташкил этилишини тақозо этади. Умуман олганда, жинойтчиликка қарши курашда иштирок этувчи ҳар бир субъект ўз фаолиятини ташкил этишда бунга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим ва ўз ваколати доирасида ҳамда қонун асосида иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Субъектларни классификация қилишда уларнинг ўз ваколатлари доирасида (ҳокимият ваколатлари ёки тавсия бериш ваколатлари ҳамда шу ваколат йўналишлари маълум бир мутахассислик асосида бўлиши) иш олиб боришларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Яъни давлат бошқарувидаги у ёки бу тармоққа оид касбий йўналиш билан боғлиқ ёки маълум бир ҳудудий чегарада берилган ваколатларни профилактика ишларини ташкил этишда эътиборга олиниши ҳам ишни ташкил этишда муҳим ўрин тутаяди.

Демак, жинойтчиликнинг олдини олишда, биринчидан, профилактика таъсир чораси йўналтириладиган у ёки бу ижтимоий муносабатларни тўғри аниқлаш ва, иккинчидан, ушбу йўналишдаги мавжуд қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ваколат ёки мутахассисликка эга бўлган субъектлар фаолиятини ташкил этишга эътибор қаратилмоғи лозим. Ҳар икки ҳолатнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш эса жинойтчиликнинг олдини олишда катта самара беради.

¹⁰ Қаранг: Криминология / Под ред. акад. В. Н. Кудрявцева, проф. В. Е. Эминова. – М., 1995.

3-§. Жиноятларнинг профилактика объекти сифатида турлари

Жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этишда жиноят ва, умуман, барча ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос ички қонуниятларини билиш орқали ҳамда ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади. Бу профилактика фаолияти субъектларининг ишларини тўғри ташкил этишларига ҳам ёрдам беради.

Тўғри, жиноятларнинг олдини олишда профилактика фаолиятининг асосий йўналиши профилактика таъсир чораси қўлланилаётган шахснинг «хулқига» таъсир ўтказиш ҳамда шу орқали унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилмаслигини таъминлашдан иборатдир. Айнан шу «субъект – объект» тарзидаги ўзаро муносабат асосида профилактика тизимига кирувчи жуда кўп муаммоларни ечиш имконияти юзага келади. Субъект ва объект ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кенг маънода субъектнинг объектга нисбатан таъсири сифатида кўриб чиқиш ва шу орқали жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек, алоҳида олинган жиноят ҳамда уни юзага келтирувчи салбий омиллар, жиноятчининг шахси ва унинг хулқига таъсир этиш кабиларни тушунмоқ жоиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир томондан жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, иккинчи томондан шахсга нисбатан таъсир чораларини қўллаш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўзаро боғлиқ тарзда амалга оширилишини тақозо этади. Шу ўринда асосий эътибор жиноятчининг шахсига қаратилиши лозим.

Демак, жиноятчининг шахси профилактика ишларининг олиб борилишида асосий таъсир объектидир. Ўз навбатида, шахс руҳиятига хос бўлган салбий иллатларни тўғри англаш учун маълум бир илмий асосланган принциплар орқали унга баҳо бериш муҳим ўрин тутаяди.

Албатта, таъсир этиш чораси сифатидаги у ёки бу ёндашувни шахс қандай тушунишини ҳам эътиборга олиниши лозим. Табиийки, бу ҳолат кўп жихатдан шахснинг тарбия кўрганлиги, характери, атрофидагилар билан мулоқоти, ўзини тутиши кабилар билан узвий боғлангандир. Шундай бўлса-да, таъсир этиш комплекс тарзда амалга оширилиши ҳамда нафақат ҳуқуқбузарнинг шахсий хислатларига, балки у яшаётган ижтимоий турмуш жараёнларига ҳам эътибор қаратилиши профилактика таъсир чорасининг объекти тушунчасини тўғри англашга имкон яратаяди.

Профилактик таъсир ижтимоий бошқарувнинг шахсга нисбатан ўзига хос равишда қўлланиладиган чораси эканлигини унутмаслик зарур. Чунки бу таъсир чорасини қўллашда объект ва унинг мавжудлик

муҳити аниқ бўлиши ва субъект ушбу ҳолатни қандай тушуниши ҳамда қабул қилиши мумкинлигини аниқлаш жуда муҳим. Айнан шундай ёндашув жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликни илмий ташкил этишга хизмат қилади.

Аввал кўриб чиқилган бобларда таъкидлаганимиздек, профилактик чора-тадбирларнинг объектини турли ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар ташкил этади. Бунда ҳар бир объект ўзига хос хусусиятларга эга. Объектнинг ушбу хусусиятларини инобатга олган ҳолда тўғри йўналишдаги таъсир чораларини қўллашни йўлга қўйиш лозим. Демак, профилактика таъсир чоралари хусусида гап кетганда, умумий эмас, балки аниқ тарздаги профилактика таъсир чораларининг объекти тўғрисида фикр юритилмоғи жоиз. Шунинг учун ҳам биринчи галда уларни таснифлаш ҳамда ҳар бирига аниқ таъриф бериш керак бўлади.

Профилактика таъсир чораларининг субъектларини классификация қилиш борасида илмий адабиётларда бир қатор ўзига хос қарашлар мавжуд¹¹. Ушбу илмий қарашларнинг барчаси профилактика таъсир чораларининг объекти сифатида алоҳида турдаги жиноятлар (ҳуқуқбузарликлар)ни эътироф этади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, профилактика таъсир чораси объекти сифатида жиноятларнинг қуйидаги турлари (криминология нуқтаи назаридан қаралганда): катта ёшдаги шахслар томонидан, вояга етмаган ёки ёшлар томонидан, эркаклар ёки аёллар томонидан, биринчи бор ёки рецидив жиноятлар белгиланганлигини кўриш мумкин.

Ушбу жиноятларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, уларнинг қуйидаги турларини ҳам белгилаш мумкин бўлади. Яъни: қасддан (куч ишлатмасдан содир этиладиган барча турдаги ўзгалар мулкани ўғирлаш); шахсга нисбатан куч ишлатиш орқали содир этиладиган (тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, одам ўлдириш кабилар); қасддан куч ишлатиб содир этиладиган (босқинчилик, талончиликлар); безорилик, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар ва ҳоказо. Шунингдек, профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳимлигини инобатга олган ҳолда жиноятлар ҳудудий жиҳатдан шаҳар ёки қишлоқ жойларда содир этиладиган турларга ҳам ажратилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадидан келиб чиқадиган бўлсак, уни ўзига хос томондан классификация қилиш лозим бўлади. Масалан, кўп ҳолларда маиший турмуш муносабатларида ёки гуруҳ бўлиб содир этиладиган жиноятлар алоҳида гуруҳлар сифатида кўриб чиқилади. Умуман олганда, криминологияда жиноятчиликни классифи-

¹¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Криминология. – М., 1995; Криминология. – М., 1996.

кация қилиш ва шу орқали уларнинг олдини олишда самарали таъсир чораларини қўллашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Жиноятчиликка қарши кураш назарияси ва амалиётида тўпланган тажрибаларга асосан, криминологиянинг махсус қисмида жиноятларнинг гуруҳий мансублиги қуйидаги икки туркумга бўлинган. Биринчиси, умумий белгилари асосида, иккинчиси, долзарблиги билан ажралиб турувчи белгилари асосида ажратилади.

Биринчи туркум жиноятларга уюшган, профессионал, рецидив, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган, эҳтиётсизлик орқасида юзага келадиган, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи туркум жиноятчилик эса иқтисодиёт соҳасидаги, куч ишлатишнинг оғир шакллари, қасдан куч ишлатиш, экология соҳасидаги, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган туркум жиноятларнинг долзарблиги қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Яъни жиноятларнинг объекти; ижтимоий фаолият йўналишлари; сабаб ва шароити; жинсий фаолиятни амалга оширишдан мақсад ва ҳоказо.

Баён қилинганлардан кўриниб турибдики, криминологияда жиноятларнинг турлари асосан уларнинг белгиларидаги маълум бир умумийлик асосида ажратилади. Тўғри, биз кўриб чиққан классификацияга киритилган жиноят турлари баъзи аниқликлар киритилишини талаб этади, бироқ баён этилган тизим, айтиб ўтилганидек, криминологиянинг мавжуд ютуқ ва тажрибаларга асосланганлигини ҳам унутмаслик зарур.

4-§. Профилактик чора-тадбирларнинг турлари ва уларнинг таснифи

Жиноятчиликнинг олдини олиш давлат томонидан олиб бориладиган ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўз мазмун ва моҳиятига эга. Шу билан бирга, бу фаолият йўналиши давлат ва жамиятда ўзига хос махсус чора сифатида эътироф этилган.

Жиноятчиликка қарши доимий равишда кураш олиб бориш алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки ижтимоий ҳаётда юзага келувчи ҳар бир ўзгариш жиноятчилик билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ҳам ушбу жараёнлар билан бирдек бўлишини таъминлаш лозим. Бинобарин, жиноятларнинг олдини олишда зарур бўлган доимий ҳаракатдаги ва ўзаро ҳамжихат тизим орқали иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Бу, биринчидан, умумий профилактик чора-тадбирлар бўлиб, жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, маданий-тарбиявий, ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий йўналишларда зарур ишларни амалга оширилишини ўз ичига олади.

Иккинчидан, якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар, бунда шахсни тўғри йўлга солишнинг зарур таъсир чоралари амалга оширилади. Жиноятчиликнинг олдини олишда қўйилган мақсадга эришиш учун давлат миқёсидаги ва якка тартибдаги чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш жуда муҳимдир.

Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар ҳам ўз моҳиятига эга. Жазони муқаррарлиги ва жазо асосида маҳкумларни тўғри йўлга солиш ҳамда қайта тарбиялаш ҳам қўйилган мақсадга эришишда алоҳида ўрин тутади.

Жиноятчиликка қарши кураш, шу жумладан, уларнинг олдини олишда кенг қўлланиладиган «профилактика» атамаси илмий ва амалий жиҳатдан ўз мазмун-моҳиятига эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоғи даркор. Зеро, ушбу атамани ўз жойида ва моҳиятига кўра тўғри қўллаш жиноятларнинг олдини олиш борасида олиб бориладиган тадқиқот ишлари ва оммавий фаолиятларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Криминология фанига хос бўлган бир қатор тушунчаларни ифодалашда «профилактика» атамаси қўлланилади. Моҳиятига кўра эса аниқ бир чора-тадбирни амалга оширишга қаратилган фаолиятни ифодалайди. Энг асосийси, давлатнинг жиноий-ҳуқуқий йўналишдаги сиёсатининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шахсни жиноят содир этмаслигини таъминлаш мақсадида жиноий жазони қўлланиши мумкинлигини қайд этилганлигидадир. Шу билан бирга, профилактика фаолияти жиноят қонунчилигида меъёрий жиҳатдан белгиланган ва жиноят деб эътироф этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда амалга ошириладиган ҳуқуқий чора эканлигини ҳам англатади.

Тор маънода эса жиноятчилик профилактикаси ва у билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, биринчидан, жиноятларнинг сабабларини ҳамда уларнинг содир этилишига таъсир этувчи шарт-шароитлар, муҳитларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат бўлса, иккинчидан, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур ишларни олиб боришни ташкил қилиш билан узвий боғлиқ.

Бинобарин, жиноятчиликнинг олдини олиш ёки профилактика қилиш билан боғлиқ бўлган ва биз юқорида баён этган барча ҳолатларни инобатга олсак, бу тушунчаларни умумлаштирган ҳолда «жиноятчилик

профилактикаси» ёки аниқ ҳолатларда «жиноятлар профилактикаси» деб тушуниш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, криминологияда «жиноятчилик» жамиятда содир этиладиган жиноятлар билан боғлиқ барча ҳолатлар ҳамда бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини ўзида мужассамлаштирган умумий бир тушунча сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, «жиноятчилик» тушунчаси кенг маънода «жиноятлар» тушунчасига синоним сифатида қўлланиши мумкин. Бу ўринда ҳар икки тушунча ҳам жамиятда мавжуд жиноят ва у билан боғлиқ барча ҳолатларни ўзга қамраб олган.

Жиноятчиликка қарши курашни ифодалашда амалий аҳамиятга эга бўлган «ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» ёки «жиноятчиликни профилактика қилиш» каби тушунчалар орқали умумий ҳолатни ифодалаш амалий фаолият йўналишининг мазмун ва моҳиятини асло бузмайди, дейиш мумкин. Демак, «жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчаси «ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» тушунчаси каби умумлашган мазмунга эга.

Криминология нуқтаи назаридан «ҳуқуқбузарликлар» тушунчаси жамият ва, умуман, қонунчиликда эътироф этилган барча ҳуқуқбузарликлар – жиноят, ножўя хатти-ҳаракат (маъмурий, фуқаролик, хўжалик фаолиятларини юритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни жиноят қонунчилигида жиноят деб топилмаган ҳолатларда содир этилиши), интизомни бузиш кабиларни ўз ичига олиши ҳолатини «жиноятчилик» тушунчаси билан ҳам ифодалаш мумкин.

Бироқ, энг асосийси, профилактика фаолиятининг икки йўналишда ташкил этилиши доимо диққат марказида бўлмоғи лозим. Бу фаолиятга оид ишлар профилактик чора-тадбирлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни ташкил этиш йўналишларида амалга оширилади.

Профилактика фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш билан боғлиқ. Ушбу фаолият йўналиши ўз моҳиятига кўра бошқарувнинг ишонтириш методига асосан ташкил этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилишда эса, ҳаммамизга яхши маълумки, мажбурлаш методига таянилади.

Кўриб чиқилаётган фаолият йўналишини қуйидагича таърифлаш мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқбузарликларнинг содир этилмаслигини таъминлаш мақсадида давлат органлари, муассасалари, жамоат ташкилотлари томонидан уларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган турли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш фаолиятларини ўз ичига олади.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, профилактика фаолиятини ташкил этишда биринчи галда профилактик чора-тадбирларни тўғри аниқлаш ва классификация қилиш катта аҳамиятга эга. Шу орқали профилактика фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар бир тадбирни тўғри баҳолаш ва тизимга киритиш имконияти туғилади. Шу билан бирга, бажарилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирларни ўтказишда уларни муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, кетма-кетлигини ва иштирок этувчи субъектларнинг вазифаларини аниқ йўналишлар бўйича белгилаш имконияти юзага келади. Энг муҳими, профилактик чора-тадбирларни классификация қилиш криминологик тадқиқотларни ҳам назарий, ҳам амалий томондан олиб бориш ва шу орқали ҳар бир профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириб боришга йўл очишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Профилактик чора-тадбирлар ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги белгиларга эга: а) олдини олиш чора-тадбирларининг мақсади ва миқёси бўйича; б) мавжуд кўрсаткичлари (масштаби) орқали; в) ҳуқуқий томондан белгиланганлиги; г) чора-тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра; д) қайси босқичда жорий этилишига кўра; е) чора-тадбирларни амалга оширувчи субъектларнинг тутган ўрни, ваколатлари кабиларни инобатга олиш асосида ишлаб чиқилади.

Тўғри, ҳозирги кунда илмий адабиётларда профилактик чора-тадбирларни классификация қилиш бўйича кўплаб тавсияларни учратиш мумкин. Уларнинг баъзиларида бир қатор камчиликлар бўлса-да, эътиборга ҳам лойиқдир. Биз келтирган классификация тизимида шу каби тавсиялар инобатга олинганлигини эслатиб ўтиш жоиздир.

Умуман олганда, ҳар бир фан тадқиқотида бўлганидек, ушбу ҳолатда биз ҳам жинойтчиликнинг олдини олишда зарур бўлган чора-тадбирларни классификация қилишда уларнинг гуруҳий мансублигига алоҳида эътибор қаратдик ва ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишга ҳаракат қилдик.

Бироқ жинойтчиликнинг олдини олиш борасида олиб бориладиган профилактика ишлари ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилгани боис ўта аниқликни талаб этишини ҳеч қачон эсан чиқармаслик керак. Айниқса, бу талаб жинойтчилик билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жинойтчиликнинг олдини олишда қуйилган талабларнинг бажарилиши иш самарасини оширади.

Бу каби қатъий талаблар қуйидагилардир: турли субъектларнинг фаолиятида аниқ чора-тадбирлар ва уларнинг чегарасини белгилаши;

профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда енгиллик туғдириши; профилактика ишларини ташкил этишнинг назарий асосларини яратишда методик асос бўла олиши.

Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, профилактик чора-тадбирлар ўзига хос турли белгилар асосида ҳам квалификация қилиниши мумкин. Бу ҳолатда профилактик чора-тадбирлар ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарбиявий, ғоявий-ҳуқуқий томондан ёндашган ҳолда яратилади.

Энг муҳими, жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўлган чора-тадбирларни классификация қилишда уларни татбиқ қилиш ва амалга ошириш йўналишлари ҳамда криминологияда умумий ва махсус вазифаларни ҳал этишда тутган ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Профилактик чора-тадбирлар қуйидагича квалификация қилиниши мақсадга мувофиқдир:

ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига кўра (ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарбиявий, ҳуқуқий, ташкилий ва ҳоказо);

ҳалқ хўжалиги тармоқлари бўйича (аниқ бир корхона ёки муассасаларда);

ҳуқуқий манбалар орқали мувофиқлаштирилишига асосан (процессуал ёки нопроцессуал асослар; тақиқловчи, чегараловчи, мажбурловчи ҳуқуқий асослар);

таъсир йўналтирилган объектга асосан (жиноят содир этган шахсга нисбатан, жиноятларни содир бўлишига ёки юзага келишига салбий таъсир этувчи сабаб ва шароитларга нисбатан);

жиноятчиликни юзага келтирувчи ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятларига таъсир этилишига кўра (агарда у ёки бу ҳолатни бартараф этиш имконияти бўлмаса, вақтинчалик уларнинг таъсир чегарасини чеклаш, вақтинчалик ўрнини тўлдириб туриш, жиноятлар содир бўлишини юзага келтирувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва шу каби ҳолатларга барҳам бериш);

бажарувчи субъектларига кўра (давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, маъмурият каби);

жиноят тоифаларига кўра (қасддан, эҳтиётсизлик, ғаразли мақсадларда ва куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятлар);

жиноятчининг ижтимоий ҳолати, ёши, жинси, судланганлиги, ишсизлиги ёки ўқимаётганлиги, ўзгалар ҳисобига кун кўриши кабилар асосида;

жиноятчиликнинг сабабларини бартараф қилишга қарши қаратилган тадбирларга асосан (салбий ҳолатларни йўқотиш, жиноятчиликнинг сабаблари ва шароитларига чек қўйиш кабилар).

Ушбу чора-тадбирлар биринчи галда жиноятчиликнинг олдини олишнинг махсус чора-тадбирларида ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий асослар яратилишига имкон беради. Чунки махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги ижобий натижаларга жамиятда муҳим ижтимоий-иқтисодий, қолаверса, ғоявий ислохотларни амалга оширмай туриб эришиб бўлмайди.

Барча ҳолатларда ҳам жамият аъзоларини ҳар томонлама тарбиялаш ва янги жамият талабларига мос даражадаги етук шахс деб ҳисоблаш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Кўриниб турибдики, умумий профилактик чора-тадбирлар давлат миқёсида ташкил этилади ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Криминологиянинг махсус чора-тадбирлари орқали иқтисодий, ижтимоий, моддий-маърифий, ташкилий, ҳуқуқий йўналишлардаги бир қатор муаммолар ҳал этилади.

Булар ушбу йўналишларда жиноятларни юзага келтириши мумкин бўлган сабаб ва шароитларни аниқлаш, айрим ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан таъсир ўтказиш ва шу орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ҳамда уларни тўғри йўлга солиш мақсадида зарур ишларни амалга оширишни ўз ичига олади. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда умумий профилактика чора-тадбирлардан фарқли ўлароқ кўпроқ мажбурлаш методларига таяниш, махсус чора-тадбирларни қўллаш ва уларнинг натижаларини аниқ, шу билан бирга маълум бир чегарада олиб бориш талаб этилади.

Санаб ўтилганларнинг биринчиси махсус профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ва умумий профилактик чора-тадбирлар ўртасидаги аниқ чегарани белгилашга имкон яратади. Умумий профилактик чора-тадбирларда жиноят йўлига кираётган шахсларга ишонтириш методлари асосида таъсир этилса, махсус профилактик чора-тадбирлар мажбурлаш асосида амалга оширилади. Масалан, маъмурий назоратга олиш, қолаверса, жинойий жавобгарликка тортиш ва бошқалар.

Махсус профилактик чора-тадбирлар ўз навбатида умумий профилактика ишларини олиб боришга таъсир этади. Масалан, жиноятчиликнинг ҳолати, жиноятчи шахс ва уларга қўлланиладиган жазолар кўрсаткичлари тўғрисида аҳоли ўртасида, ташкилот, муассаса ва корхоналар жамоаларида жиноятчиликнинг умумий ҳолати тўғрисида суҳбатлар уюштириш ва бошқалар.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу йўналашларида ишни ташкил этиш бўйича мунтазам текширувларни

олиб бориш ҳам тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга ошириладиган махсус чора бўлиб ўз навбатида умумий ижтимоий профилактика мақсадларига хизмат қилади.

Биз юқорида махсус профилактик чора-тадбирлар ўзига хос иқтисодий, моддий, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий ва тарбиявий хусусиятларга эга, деб таъкидлаб ўтдик. Шунингдек бу чора-тадбирлар ўзига хос равишда маълум бир мақсадга эришишга қаратилгандир. Аҳоли ўртасида нарх-навонинг ошиши ва пулнинг кадрсизланиши натижасида юзага келадиган маълум бир салбий ҳолатларнинг авж олмаслиги учун, аҳолининг кам таъминланган қатлами моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат томонидан ойлик иш ҳақининг доимий равишда ошириб борилиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, махсус профилактика чораларини қўлланилишида ташкилий-бошқарув тадбирларини амалга ошириш ва шу асосида давлат органларининг фаолият йўналишларини такомиллаштириш ёки бошқарувни ташкил этувчи янги идораларни ташкил этиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириб боришда катта аҳамиятга эга бўлган махсус чора-тадбирлар қўллашга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олишда фаолият кўрсатаётган идоралар таркибида зарур (уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг худудлараро бошқармалари, ички ишлар органлари қошида наркотик воситалар билан ғайриқонуний равишда шуғулланишга қарши кураш бўлимлари, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти каби) йўналишдаги хизмат тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда фаолият кўрсатиш учун ташкил этилган ҳуқуқ-тартибот органларининг махсус қисмлари ёки мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида махсус қўриқлаш хизматларининг ташкил этилиши ҳам шулар жумласига киради.

Ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши оқибатида юзага келадиган жавобгарлик ва унга тортишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда тартибини белгилаш;

б) жиноятчиликка қарши курашга жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини кенг жалб этишга имкониятлар яратиш;

в) жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда давлат бошқарувини такомиллаштириб бориш.

Ушбу чора-тадбирлар билан бир қаторда ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида фаолият кўрсатувчи ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ҳам талаб этилади. Бу эса жазони ижро этиш муассасаларида қайта тарбиялаш самарасини оширади, рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш имкониятини юзага келтиради.

Бундай чора-тадбирларни қай тарзда амалга ошириш қоидалари ва тартиблари тегишлича жиноят-ҳуқуқий, процессуал нормалар ва жиноий жазоларни ижро этишга доир қонун ҳужжатларида қайд этилган. Ўзига хос бундай қонунчилик тизими жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этишда муҳим норматив манба ҳисобланади.

5-§. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоат уюшмаларининг асосий вазифалари

Жиноятчилик ва, умуман, барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади. Шу билан бирга, ушбу фаолият йўналишини ташкил этиш ва амалга оширишда давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, фуқароларнинг кўнгилли гуруҳ ва уюшмалари масъулиятга эгадирлар.

Умуман олганда, жиноятчиликка қарши кураш умумхалқ иши эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юқори бўлиши профилактика ишлари самарасини янада оширади.

Давлат томонидан чиқариладиган ҳуқуқий нормалар жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи идоралар фаолиятининг ташкилий асосларини яратади ҳамда ваколатларини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси, ўз моҳиятига кўра, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини атрофлича таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, давлат бошқарувида жамоатчилик иштирокини таъминлаш ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим белгиси эканлигини эътибордан четда қолдириш асло мумкин эмас. Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этишда бунга алоҳида эътибор берилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги иштирокини сезиларли даражада кенгайтди. Ушбу қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви конституция ва қонунлар асосида, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган

турмуш анъаналари, урф-одатлар, миллий ва маънавий кадриятлар асосида фуқаролар томонидан мустақил равишда бошқарувни ташкил этишга кенг йўл очиб беради.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғини ва уларнинг кенгашлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистонда бўлиши ва фуқароликни қайд этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш кабиларда яқиндан ёрдам берадилар. Ушбу модда асосида фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши оилавий низоларни бартараф этишда зарур тадбирларни амалга оширадилар. Энг муҳими, фуқаролар йиғинлари кенгаши раислари (оқсоқоллар)га тегишли аҳоли яшаш жойларида ижтимоий масалаларни ҳал этишда маълум бир ваколатлар берилган.

Кўриниб турибдики, фуқароларни давлат бошқарувига айнан шу, яъни фуқаролар йиғинлари орқали жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқди. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари тизимида амалга ошираётган ислохотлар жиноятчиликнинг олдини олиш ва, умуман, жамият аъзоларини ғоявий жиҳатдан тарбиялашда самарали йўл ҳисобланади.

Давлат бошқарувининг бу шаклда ташкил этилиши жамоатчиликни ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига жалб этишга қулайликлар яратади. Аҳолининг маҳаллалар асосида ижтимоий бирлашиши Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Айнан маҳалла бошқаруви асосида ижтимоий муаммоларни ечиш тажрибаси асрлар давомида шаклланган. Шунинг учун ҳам давлат мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ушбу масалага катта эътибор қаратилди, шу асосда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғармани тузишдан мақсад – биринчидан, бозор муносабатларига ўтишда аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, иккинчидан, маҳаллани ички тизими ва фаолият йўналишларини такомиллаштиришнинг моддий жиҳатдан таъминотини яхшилашдан иборат.

Жиноятчиликнинг олдини олишда эса, айтиб ўтилганидек, маҳалла, у қайси аҳоли яшаш жойида бўлмасин (шаҳар, қишлоқ, овул каби), муҳим имкониятлар марказидир. Маҳалла посбонлари, профилактика инспекторлари ишини ташкил этишда маҳалла тизими орқали иш кўриш мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда биз юқорида кўриб чиққан профилактика таъсир чоралари ва амалга ошириладиган барча тадбирларни жамоатчиликнинг айнан шу шакли орқали йўлга қўйиш ҳамда крими-

нологик тадқиқотларни ушбу йўналишда ташкил этишнинг илмий тавсияларини яратиш лозим.

6-§. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни

Ҳар бир жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий, маданий-маърифий ҳамда махсус йўналишларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар асосида йўлга қўйилади. Бу йўналишлардаги профилактика таъсир чоралари турли миқёсда ўтказиладиган оммавий тадбирлар билан узвий боғлиқ бўлиб асосан умумий ҳамда яқка тартибдаги профилактика ишларини йўлга қўйиш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, профилактика таъсир чораларининг виктимологик, яъни ўзини ўзи жиноят йўлидан қайтариш асосида юзага келадиган профилактика ҳамда махсус профилактика каби таъсир чоралари ҳам мавжуд.

Умумий, айниқса, яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари нафақат шахсга, балки жамиятнинг барча аъзоларига бирдек таъсир этиш имкониятига эга.

Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали у ёки бу шахс маълум бир эътиқодлар асосида шаклланган гуруҳларнинг аъзолари ва, умуман, аҳоли ўртасида ўзини тутиши, хулқини яхшилаши, ёмон одатлардан воз кечиш каби ҳолатларга эътиборини жалб этиши мумкинлиги жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам беришини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шу боис профилактика ишларини ташкил этишда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Энг муҳими, оммавий ахборот воситаларидан жиноятчилик ва у билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда фойдаланишни криминология нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳамда зарур тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари фаолиятларининг самарасини ошириши хусусида баъзи мулоҳазалар мавжуд. Мавжуд ҳуқуқий адабиётларнинг таҳлили қуйидаги мулоҳазаларни билдириш имконини беради.

Жумладан, оммавий ахборот воситаларини ички ишлар органлари фаолиятида қўллаш икки йўналишда олиб борилиши мумкин: 1) аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида олиб бориладиган тадбирлар жараёнида оммавий ахборот воситаларидан

фойдаланиш; 2) аҳолини аниқ бир жиноят ишини фош қилишга жалб қилиш ва шу орқали жиноятларнинг олдини олишга замин яратиш.

Умумий профилактик чора-тадбирларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин: а) жиноятлар содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш ва уларга йўл қўймасликни таъминлашда; б) маълум бир шахсларнинг жиноят содир этиш усуллари оммани огоҳ этишда; в) жиноят учун жазо муқаррар эканлигини намойиш этишда; г) ҳуқуқ-тартиботни бузувчилар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг нојўя хатти-ҳаракатларини қоралаш ва шу орқали аҳолини уларга нисбатан беғам бўлмасликка чорлаш мақсадида; д) фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда; е) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги илғор тажрибаларни тарғиб қилишда; ж) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти билан банд бўлган адлия идоралари ва жамоат ташкилотларининг мавқеини кўтаришда ва бошқалар.

Жиноятчиликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларини жалб қилишнинг қуйидаги икки ҳолатига эътибор қаратиш лозим:

1) қонунни бузмасликка даъват этиш орқали жамият кишиларининг онгини шакллантириш;

2) ахборот воситалари ёрдамида давлат органлари ва жамоатчилик эътиборини криминоген вазиятларга қаратиш.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда оммавий ахборот воситаларини жалб этиш ва ундан фойдаланишга ҳар бир муаллиф маълум бир томондан эътибор қаратган.

Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳуқуқий жиҳатдан маълум бир мақсадни ўртага қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки маълум бир маълумотни кенг аҳоли оммасига ёйиш орқали ўз вақтида жуда кўп ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконияти юзага келади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, оммавий ахборот воситаларидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосан қуйидаги йўналишларда фойдаланилади:

- қонунчиликни тарғиб қилишда ёки тушунтиришда;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда;
- ҳуқуқбузарликлар (ёки алоҳида турдаги жиноятлар)нинг моҳиятини тушунтиришда;
- фуқароларни жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини тугатишга жалб қилишда;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг яқиндан кўмаклашувини таъминлашда;

– жиноят йўлига кирган ёки жиноят содир этган шахсларга нисбатан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини олиб боришда;

– жиноят содир этишга мойил шахслар ва уларни қўллаб қувватловчи шахсларга нисбатан жамоатчилик эътиборини қаратишда;

– ҳуқуқбузарликни содир этганларга нисбатан жазо муқаррарлигини тушунтиришда;

– аниқ шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар борасида фуқароларни хабардор этишда;

– ички ишлар органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро боғланишларни юзага келтиришда;

– турли миш-мишларни келиб чиқмаслиги учун вазиятни аниқ ёритиб беришда;

– ҳуқуқий низоли ҳолатларни ечишда амалий ёрдам кўрсатишни ташкил этишда;

– жамоатчилик томонидан амалга оширилаётган ижобий ишларни тарғиб этишда;

– аҳоли ўртасида ижобий турмуш анъаналари ва урф-одатларни тарғиб этиш орқали ижтимоий яшаш тарзини яхшилашда;

– фуқароларнинг маънавий, ахлоқий бузуқликларга қарши курашишларида ёрдам кўрсатишда.

Санаб ўтилган ҳар бир йўналиш ўз моҳиятига эга бўлиб, алоҳида ёндашувни талаб этади. Шунингдек, ҳар бир йўналишда жиноятчиликнинг олдини олиш жараёни бир хилда кечиши мумкин эмас. Зеро, ижтимоий турмушнинг доимий равишда ўзгариб бориши ва ҳаётда янгидан янги ўзгаришларни эътиборга олмаслик масалани чигаллашувига олиб келади ва оммавий ахборот воситаларининг таъсирини заифлаштиради. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари ва уларнинг тармоқларида иш кўришни ҳам шаклан, ҳам мазмунан такомиллаштириб бориш лозим.

Тўғри, ҳозирга қадар оммавий ахборот воситалари ва уларнинг муассасалари ҳамда ташкилотлари билан ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорлик борасида маълум тажрибалар тўпланган. Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий турмуш ва фан-техника тараққиёти доимий ривожланишда эканлигини эътиборга олиш ва шу асосда ички ишлар органларида ахборот воситаларидан унумли фойдаланишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш талаб этилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчасини таърифланг.
2. Жиноятчиликнинг олдини олиш методлари ва уларнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Қуйидаги атамаларнинг маъносини очиб беринг:
жиноятчиликнинг олдини олиш;
жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика фаолияти;
жиноятчиликни бартараф этиш;
жиноятчиликка йўл қўймаслик.
4. Жиноятчиликнинг олдини олишда амалга ошириладиган профилактика чораларининг ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
5. Профилактика фаолиятининг асосий методлари ва уларнинг моҳиятини айтиб беринг.
6. Профилактика фаолиятининг тизими қандай?
7. Ички ишлар органларининг жиноятчиликни профилактика қилиш тизимида тутган ўрни, вазифалари ва ҳуқуқий ваколатлари нималарда намоён бўлади?
8. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг профилактика тизимида тутган ўрнини айтинг.

IX боб
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ-
ТАКТИК АСОСЛАРИ

1-§. Жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар
органларининг тутган ўрни

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва шу орқали жамоат тартиби ҳамда жамият хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг ижтимоий сиёсатида муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатдаги мавжуд барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳар бири маълум бир масъулиятли вазифани бажарадилар. Энг муҳими, ҳар бир масъул органнинг бажараётган вазифаси умумий мақсад сари йўналтирилган бўлади. Қолаверса, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдек умумий мақсадга эришиш учун давлатнинг ҳар бир органи ва жамоатчилик ўзаро ҳамкорликда иш юритадилар. Бунда давлат ўзига хос равишда органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини амалга оширади.

Жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари ҳам аниқ ва масъулиятли вазифаларни бажариши билан ажралиб туради. Улар жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос субъект сифатида турли йўналишларда профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар. Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари жиноятчиликнинг олдини олишда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори асосан махсус профилактика ишларини ташкил этади ва олиб борадилар. Бу эса криминоген ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, ушбу криминоген ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ҳисобга олиш ҳамда уларни бартараф қилиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, жиноят содир этишга мойил шахслар билан якка тартибда иш олиб бориш кабиларда намоён бўлади. Шу билан бирга, мунтазам равишда жиноятчиликка оид ахборотларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ҳокимият органлари ҳамда жамоатчиликни бу ҳақда хабардор этиш ҳам ички ишлар органларининг вазифасига киради.

Ички ишлар органлари, айтиб ўтилганидек, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ўз таркибига кирув-

чи турли хизмат соҳалари, бўлим ва бошқармалар билан ҳамжиҳатликда ваколатлари доирасига кирувчи бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Ички ишлар органларининг профилактика фаолияти кенг маънодаги умумий тушунча бўлиб, улар амалга оширадиган барча чора-тадбирлар биринчи галда жиноят содир бўлмаслигини таъминлашга қаратилган. Содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш ва айбдорларни тегишли жазога тортилишини таъминлаш ҳамда жазонинг муқаррарлиги сифатида профилактика ишларини олиб бориш ушбу фаолият йўналишини белгилаб беради.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг фаолиятини умумий тушунча деб билган ҳолда, тор маънода алоҳида ташкил этилган профилактика хизмати, унинг таркибига кирувчи бўлим ва бўлинмаларнинг аниқ фаолият йўналишлари, шунингдек, бошқа хизмат соҳаларининг профилактика ишлари ва, қолаверса, ҳар бир ходим томонидан мустақил равишда профилактика ишларини ташкил этилишини ҳам тушунмоқ даркор. Зеро, профилактика ишларини олиб боришда ички ишлар органларининг масъулияти юқоридир.

Ички ишлар органларида жиноятчиликнинг олдини олишдаги бу каби ташкилий тизим орқали ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг турли шаклда намоён бўлишига қарши зарур профилактик чора-тадбирларни қўллаш имконияти юзага келади.

Маълумки, ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида иш кўрадилар ҳамда зарур маъмурий, суриштирув ва тергов ишларини олиб борадилар. Ушбу фаолият доирасида профилактика чора-тадбирлари объектларига нисбатан қонунда белгиланган тарзда таъсир кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Масалан, тергов ва суриштирув жараёнида аниқланган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни тугатиш хусусида тегишли давлат идоралари ва хўжалик фаолияти билан банд ташкилот, корхона раҳбарларига кўрсатмалар беришлари, талаблар қўйишлари мумкин.

Баён этилганлар ички ишлар органларининг махсус профилактика чора-тадбирлари сифатида идрок қилиниши лозим. Шу билан бирга, ички ишлар органлари томонидан умумий профилактика ишларини ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу фаолият йўналишини амалга оширишда жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Айнан шу ҳамкорликни ташкил этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ва профилактика инспекторларининг ваколатлари доирасига киради. Профилактика

тика инспекторлари ўз фаолиятларини ташкил этишда маҳалла йиғинлари ва уларнинг фаоллари билан ҳамкорликда профилактика ишларини ташкил этадилар. Бу эса у ёки бу аҳоли яшаш жойларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотларда турли хил жиноятларнинг содир бўлишига сабаб бўлаётган шароитларни аниқлаш ва, умуман, криминоген вазиятларни юзага келишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги шароитида бошқарув идоралари тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга имкон яратди. Айнан милиция таянч пунктларининг профилактика инспекторлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг ҳамкорлиги хулқи бузуқ ва жиноят йўлига кирган шахслар ўртасида якка тартибдаги тарбиявий ишларни йўлга қўйишга қулайлик яратишини унутмаслик зарур. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг куч ва воситаларини худудий жиҳатдан участкаларга бириктирилиши жамоат тартиби ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади.

Энг муҳими, куч ва воситаларни бундай тақсимланиши ижтимоий ҳаёт жараёнида юз бераётган ўзгаришлар оқибатида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдиндан билиш ва зарур чора-тадбирларни тезлик билан қўллашга замин тайёрлайди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг турли хизмат соҳалари ҳам фаолият кўрсатиши хусусида биз юқорида тўхталган эдик. Бу ҳам ўзига хос долзарб масала бўлиб, хизмат соҳаларининг фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш махсус профилактик чора-тадбирларнинг самарасини оширади ва, ўз навбатида, умумий профилактика ишларининг аниқ мақсадларга эришишига имкон беради.

Масалан, ички ишлар органлари таркибида фаолият кўрсатаётган жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш йўналишидаги профилактик чора-тадбирлар ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу йўналишда иш олиб бориш жамият хавфсизлигига раҳна солувчи терроризм, диний экстремизм ва фуқароларнинг шахсий, мулкӣ дахлсизликлари, жиноят қонунчилиги асосида қўриқланувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бу хизмат соҳалари фаолиятида оператив профилактика таъсир чораларини қўллаш ҳам амалга оширилади. Жиноятларни ўз вақтида очишда қўлланиладиган бу таъсир чоралари рецидив жиноятларни ва тайёрланаётган жиноятлар

ёки жиноий уюшмаларни фош қилишда жуда катта ишларни амалга оширадилар.

Рецидив жиноятларнинг юзага келмаслигини таъминлашда жазони ижро этиш муассасалари алоҳида масъулиятга эгадирлар. Рецидив жиноятларга, яъни шахс томонидан келгусида яна жиноят қилинишига йўл қўймасликнинг бош омили шахсни жиноий йўлдан қайтаришдир. Бу йўналишдаги тарбиялаш ва қайта тарбиялаш ишларида жиноий жазони ижро этиш муассасалари алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, жазони тўлиқ ўташ шахснинг тўғри йўлга кирганлигини билдирмайди. Шунинг учун ҳам жазони ўтаб бўлган шахсларни ижтимоий мослашувига ёрдам бериш, зарурат бўлган тақдирда маъмурий назорат ўрнатиш ишлари ҳам махсус профилактик чора-тадбирлар сифатида тушунилмоғи лозим.

Ички ишлар органлари фаолиятида умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар таъкидланганидек, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилганлиги билан бирга рецидив жиноятларнинг юзага келмаслигини таъминлаш билан ҳам узвий боғлиқ. Бинобарин, жиноятларни қайта содир этилмаслигига эришиш ички ишлар органлари фаолиятининг ўзагини ташкил этади, десак асло муболаға бўлмайди.

Агар биз ички ишлар органларининг таркибига кирувчи хизмат соҳалари бўйича ташкил қилинадиган профилактика ишларини таҳлил этадиган бўлсак, унда қуйидагиларни кўриш мумкин. Масалан, транспортнинг ҳозирги кундаги тараққиёти ва у билан боғлиқ маъмурий ҳамда жиноий ҳуқуқбузарликларнинг ошганлиги, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда. Бу каби муаммоларни ҳал этишда ҳам ички ишлар органлари тизимига кирувчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизматлари алоҳида масъулиятга эгадирлар. Чунки транспорт ҳаракати билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Шу боис ҳозирги кунда йўл транспорти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда криминологик тадқиқотларга кенг ўрин ажратилмоқда.

Кўриниб турибдики, ички ишлар органлари (унинг таркибига кирувчи барча хизмат соҳалари, бўлим ва бўлинмалар) жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос масъулиятга эга ва ўз фаолиятларини давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда амалга оширадилар. Ўз навбатида ҳар бир хизмат соҳаси аниқ турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

2-§. Ички ишлар органларида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Ҳуқуқшуносликда ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга бўлган «ҳуқуқий мувофиқлаштириш» тушунчаси давлат ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлган у ёки бу ҳуқуқий муносабатларни норматив-ҳуқуқий томондан тартибга солиш, муҳофаза қилиш ва такомиллаштириб бориш каби жараёнлар йиғиндисини ўз ичига олади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос равишда мувофиқлаштирилганлигини ҳамда ҳуқуқий асосларга эгаллигини кўриш мумкин.

Жиноятчиликнинг олдини олиш фаолияти тадқиқоти доирасига кирувчи ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни икки турга ажратган ҳолда кўриб чиқиш орқали уларнинг ўзига хос криминологик хусусиятларини аниқ илғаб олиш имконияти юзага келади.

Биринчи гуруҳга жиноятларнинг олдини олиш тизимидаги ички бошқарувни ташкил этишда юзага келувчи ўзаро муносабатлар киради. Ушбу муносабатларда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолияти субъектларининг иштирок этишини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ваколатларининг белгиланишини киритиш мумкин. Масалан, маҳаллий ҳокимият идораларига транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга йўлга қўйиш ёки уни такомиллаштириш вазифасини юклаш.

Иккинчи гуруҳдаги ижтимоий муносабатларга ташқи бошқарув асосида амалга ошириладиган бошқарувни киритиш мумкин. Ушбу муносабатларда иштирокчилардан бири профилактика фаолияти субъекти бўлиб, иккинчиси жиноятларнинг тўғридан-тўғри олдини олиш ёки бунга ёрдам бериш имкониятига эга бўлган (агар улар айнан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга масъул субъект бўлмаса ҳам) юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади. Бундай ҳолатларда шахс профилактик чора-тадбирларнинг ўтказилишидан манфаатдор ҳам бўлмоғи лозим. Масалан, ички ишлар органлари бўлимлари билан ўз автотранспортини жиноий тажовуздан сақлаш мақсадида бўлган шахслар ўртасида транспорт воситасини сақлаш хавфсизлигини таъминлашнинг техник қўриқлаш воситаларини ўрнатишда юзага келадиган муносабатлар айнан транспорт воситаларига тажовуз қилиши мумкин бўлган шахслар билан иш олиб борилишида юзага келадиган муносабатлардир.

Жиноятларнинг олдини олишда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий нормалар ушбу ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларга айлантиришга олиб келади, яъни

шахсларнинг ҳуқуқлари ва ҳуқуқий мажбуриятлари ўртасидаги алоқа шаклланади.

Жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий мувофиқлаштирилиши даставвал ушбу фаолият жараёнида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашдан иборатдир. Унда жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Айтайлик, ҳуқуқий муносабатларни таъминлашда қўйилган мақсад ўзининг аниқ йўналишига, масалан, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган бўлса, профилактика фаолиятида фақат бир муаммо, айнан жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилади.

Ҳуқуқ-тартибот қонунчилиқ асосида юзага келади ва қонунчилиқ талаблари бажарилишини тақозо этади, жиноятчиликнинг олдини олиш бу ижтимоий-сиёсий тизимдаги қонунчиликни таъминлашнинг умумий миқёсини англатади.

Шу боис, бир томондан, жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи субъектларнинг ваколатлари доирасини белгилаш аниқ бўлмоғи, иккинчи томондан профилактика таъсир чоралари йўналтирилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тизими яратилмоғи лозим.

Энг муҳим профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этувчи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил даражада белгиланмоғи мақсадга мувофиқдир. Бу эса профилактик чора-тадбирларнинг самарасини оширишга ёрдам беради.

Жиноятларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий мувофиқлаштирилганлигини ҳар бир давлатда яратилган мавжуд ҳуқуқий асослар орқали баҳолаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида таъкидланганидек, Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Демак, амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир фаолият йўналиши ушбу талаб асосида бўлиши керак.

Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишни амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асослантирилмоғи даркор. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир фуқарога Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш (47-модда), Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (48-модда) мажбуриятини юклайди. Ушбу бурчлар, биринчидан, ҳар бир фуқаронинг белгиланган қонун талабларини тўлиқ бажаришини шарт қилиб қўйса, иккинчидан, фуқаро ҳар қандай қонун бузилишига муросасиз муносабатда бўлиши лозимлигини билдиради.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий манбалари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноий жазоларни ижро этиш кодекслари;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари;
- 4) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- 5) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг йўриқнома ва талабномалари;
- б) маҳаллий давлат идораларининг қарор ва фармойишлари.

Санаб ўтилган манбалар доимий эмас, чунки ижтимоий тараққиёт, айтиб ўтилганидек, бу борада янги талабларни қўйиши мумкин ва қонун талаблари муттасил такомиллашиб боради. Профилактик чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишда ушбу манбалар криминология назариётида асосий ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилган.

Ҳар бир ҳуқуқий манбанинг жиноятчиликнинг олдини олишда тутган ўрни хусусида тўхталиб ўтиш масалани янада ойдинлаштириши мумкин. Жумладан, жиноятларнинг олдини олишни ҳуқуқий мувофиқлаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги алоҳида ўрин тутади. Хусусан, жиноий жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишни таъминлашда, шахсни жиноят йўлидан қайтаришда катта аҳамиятга эга. Бу ижтимоий профилактиканинг ўзига хос шаклидир. Шу билан бирга, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг профилактика фаолияти, давлат органлари ва кенг жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг аниқ чегараларини белгилаб беради ҳамда профилактика ишларини юритишда олиб бориладиган зарур процессуал ҳаракатларни норматив жиҳатдан таъминлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддаси шахсни жиноят содир этмасликка чорлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд идоралари ўз фаолиятларини амалга оширишларида шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчилиқни мустаҳкамлашга масъулдирлар ва жиноят-процессуал ҳамда жиноят қонунчилиги билан боғлиқ ишларни юритишда бунга амал қилмоқлари лозимдир.

Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида баён қилинган ҳуқуқий асослар жиноятчиликнинг олдини олишдаги умумижтимоий ва

якка тартибда ўтказиладиган профилактика ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Умумижтимоий профилактика ишлари жамият аъзоларининг ҳуқуқий дунёқарашида жиноятчиликка нисбатан бефарқ бўлмасликни таъминласа, жиноятчи шахслар билан якка тартибда ўтказиладиган профилактика ишлари шахс дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети. Бу борада жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган жиноятларни истисно қилувчи ҳолатлар, жиноят содир этишдан кўнгилли равишда воз кечиш каби-ларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсати-да жазони ижро этиш тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун жиноий жазоларни ижро этиш қонунчилигининг норматив асосла-рида ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос ҳуқуқий ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Айнан шу норматив асослар жиноят йўлига кирган шахсларни қайта тарбиялашда зарур бўладиган тартиб-қоида, меҳнатга жалб қилиш, ўқиш ва касбий тайёргарликни йўлга қўйишнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Бу эса шахсни хулқини ях-шилаш ва жиноят йўлидан қайтаришни самарали ташкил этишга имкон яратади.

Умуман олганда, жиноятчиликнинг олдини олишда зарур ҳуқуқий асослар ушбу фаолият йўналишининг умумий жиҳатларини мувофиқ-лаштириб боради. Шу боис умумий-ҳуқуқий мувофиқлаштиришни ташкил этиш мақсадида зарур даражадаги ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилади. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ташкилий асос-ларини тегишли идоралар томонидан қабул қилинадиган қонун ости норматив ҳужжатлари белгилайди. Қабул қилинган норматив ҳужжат-лар профилактика ишларини ташкил этишдаги фаолият йўналишлари-нинг аниқ чегараларини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштиради. У нафа-кат бир идора, балки жиноятчиликнинг олдини олишда бошқа масъулиятли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамда масъулиятли шахслар учун норматив-ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Масалан, ички ишлар органлари профилактика ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда асосий ўринни эгаллайди. Ўз навбатида, ушбу орган чиқарган норматив ҳужжатлар ҳам жиноятчиликнинг ол-дини олишда фаолият кўрсатувчи давлат идоралари ва жамоатчилик томонидан иш кўришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Шунингдек, давлат органларининг маҳаллий бўғинлари қабул қил-ган қарор ва фармойишлар асосида милиция таянч пунктлари фаолият-

тини ҳуқуқий мувофиқлаштириш орқали ҳам жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

3-§. Жиноятчиликнинг олдини олишни ахборотлаштириш

Ахборотлаштириш ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларини ҳаракатга келтиришда муҳим ўрин тутувчи ташкилий тадбир ҳисобланади. Зеро, ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларда зарур ахборот манбаларига таяниш ишнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим ва мураккаб муаммоси ҳисобланувчи жиноятчилик ҳамда унга қарши курашни ташкил этишда ҳам ахборотлаштиришдан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, таъкидлаш жоизки, «ахборотлаштириш» мустақил тушунча бўлиб, ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятларга эга. Ахборотлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш орқали у ёки бу фаолият йўналишига жорий этиш зарур эканлигини давр тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда ахборотлаштиришни кримнология нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ундан жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларини ечишда фойдаланиш ва унинг тавсифини беришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Профилактика тизимидаги мавжуд муҳитни тўғри баҳолаш шу муҳит билан ўзаро боғлиқликда ўз таркибига кирувчи қисмлари (компонентлар)ни бошқаришни мувофиқлаштириш ва уларнинг фаолият йўналишларини режалаштирилган мақсадга эришишларига қаратилмоғидадир.

Жиноятчиликнинг олдини олишдаги ахборотлаштириш муаммолари тизимини аниқ белгилаш орқали профилактик чора-тадбирларни зарур йўналишда мавжуд бўлган муаммоларни ечишга қаратилганлиги; ахборотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш кабиларни ечиш билан узвий боғлиқлигини эътиборга олиш зарур.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тизими қуйидаги уч таркибий қисм (компонентлардан)дан иборат:

1) жиноятчиликнинг олдини олишни амалга оширувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар;

2) профилактик чора-тадбирлар йўналтирилган объектлар тўғрисидаги ахборотлар;

3) профилактик чора-тадбирлар татбиқ этиладиган ижтимоий муҳитнинг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотлар.

Биринчи ҳолат профилактика фаолияти ва унинг натижаларини таҳлил этишда иштирок этувчи куч ва воситалар тўғрисидаги ахборот-

ларни жамлашдан иборат. Бундай ахборотлар атрофлича, ички ишлар органлари ходимларининг аниқ миқдори ва уларнинг бажаришлари лозим бўлган вазифаларининг аҳоли жон бошига ҳамда жиноятлар ва маъмурий фаолият юзасидан олиб борилаётган ишларга нисбатан тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлмоғи лозим. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокининг таъминланиши ҳам диққат марказида бўлмоғи зарур.

Иккинчи ҳолатда эса ахборотлаштириш кенг ва турлича бўлиши билан ажралиб туради. Бунда қуйидаги маълумотлар ахборот тўплашда катта ёрдам беради:

- рўйхатдан ўтган жиноятларнинг умумий миқдори;
- хавфли ва нисбатан кенг тарқалган жиноятларнинг миқдори ҳамда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичлари;
- кейинги йиллар давомида маълум бир аҳоли яшаш жойларида истиқомат қилаётган (туман, шаҳар кабилар) муқаддам судланганлар ва жазони ўтаб қайтганларнинг миқдори;
- яқка тартибдаги профилактика таъсир чораси қўлланилган шахслар миқдори;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар, шу жумладан, маъмурий жавобгарликка тортилган, тиббий ҳушёрхона ёки наркология диспенсерларида ҳисобда турувчилар миқдори.

Санаб ўтилганлар ахборот тўплаш учун зарур бўлган манбаларнинг барчасини ўз ичига олмаса-да, ахборот тўплашнинг ўзига хос ўзагини ташкил этади. Табиийки, ушбу йўналишлар қаторини вазият тақозоси билан янада кенгайтириш мумкин. Шу билан бирга, ахборот жамлашга қўйиладиган умумий талаблар мавжуд эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Булар, биринчидан, абсолют кўрсаткичларни нисбий коэффициентлар билан тўлдириш, бу эса туман, шаҳар аҳолисининг 1.000 ёки 10.000 нафар аҳолиси ёки аҳоли жон бошига нисбатан олинади. Шу орқали турли миқдорда аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда ижтимоий гуруҳлар ёки меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқ-тартиботни қиёсий таққослашга имкон яратилади.

Иккинчидан, статистик маълумотлар кўрсаткичлари 5 йилдан кам бўлмаган муддатлардаги маълумотлар асосида олинмоғи лозим. Чунки бир йил ёки ундан кам бўлган муддатлардаги (ярим йил, йил чораги, ойлик, ўн кунлик каби) маълумотлар аҳамиятсиз бўлиши мумкин ва умумий криминоген ҳолатнинг шаклланишини аниқлашга тўлиқ имкон бермайди. Энг муҳими, чиқарилган хулоса ҳақиқатдан йироқ бўлиши мумкин.

Учинчи ҳолатда эса ахборот олиш ва ундан фойдаланиш ўзига хос бўлган тўрт гуруҳдан иборат.

Ижтимоий-демографик хусусиятдаги маълумотлар: аҳолининг миқдори ва зичлиги; жинсий тааллуқлилиги; шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси эканлиги; шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги фарқнинг ўзгариши; аҳолининг кўчиб юриши, шу жумладан кўчиб юрувчиларнинг келиши ва кетишининг алоҳида олинган коэффициентлари.

Иқтисодий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар: ишчи ва хизматчиларнинг моддий таъминотлари, шу жумладан ишлаб чиқариш ёки ижтимоий, маданий тармоқларда банд эканлигини эътиборга олган ҳолда; аҳолининг иш билан бандлиги; тадбиркорлик билан банд аҳоли қатлами ва уларнинг моддий ривожланиши; истиқомат қилувчиларнинг уй-жой билан таъминланганлиги, шунингдек ўзининг хусусий уй-жойига эгаллиги ёки ижарадан фойдаланиши; аҳолининг ўртача моддий таъминоти; маиший турмуш даражаси.

Аҳолининг интеллектуал даражаси ва маълумоти: маънавияти ва маданиятлилик даражаси; мавжуд олий ўқув юртлари: коллеж, лицей, мактаб (миқдори ва ўқувчилар сони); спорт ва турли маданият масканларининг мавжудлиги; аҳолининг ушбу спорт ва маданият масканларига бориш ёки бормаслиги; аҳоли жон бошига матбуот ва бадиий адабиётларга кетадиган харажатлар миқдорининг қоплаганлиги кабилар.

Ахлоқ, одоб билан боғлиқ маълумотлар: спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши ва истеъмол қилинаётган спиртли ичимликлар миқдорининг аҳоли жон бошига тўғри келиши; алькоголизм ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларнинг мавжудлиги; оила тотувлиги ва ажрашишлар; тўлиқ бўлмаган оилаларда (ота ёки она) тарбия кўраётган болаларнинг миқдори.

Ушбу санаб ўтилган тўрт йўналишдаги ахборотлар манбаи ҳам қиёсий бўлиб, ҳаёт тарзи асосида ўзгариб бориши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Профилактика таъсир чораларини амалга оширувчи субъектлар тўғрисидаги ахборот манбалари, асосан, давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари томонидан чиқариладиган турли ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланиши ўқувчига яхши аён. Ушбу ҳужжатлар жумласига давлат органларида хизмат қилувчи ходимларнинг штат рўйхатлари, жамоат ташкилотларининг аъзолари рўйхати, профилактика субъектларининг моддий-техник таъминоти, ушбу субъектларнинг иш фаолияти ва уларнинг бажарилишини текшириш ҳамда назорат қилиш ҳужжатлари кирди. Шунингдек, профилактика ишларини маълум бир даврда олиб боришга мўлжалланган режалар ҳам ахборот манбаи бўлиши мумкин.

Аҳоли ўртасида олиб борилган сўров ишлари, матбуот воситаларидаги чиқишлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мажлисларида баён этилган фикр ва мулоҳазалар ҳам қўшимча ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида давлат органлари ва жамоатчилик томонидан ишлаб чиқиладиган кўрсаткичлардаги маълумотлардан узил-кесил хулоса чиқармаслик лозим. Чунки кўп ҳолларда жиноятчиликнинг латентлик ҳолати умумий кўрсаткичларни ноаниқ чиқишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам статистика маълумотларининг аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида уларни қўшимча равишда ўтказиладиган ялпи кузатув ишлари орқали олинган маълумотлар билан тўлдириб борилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Профилактика таъсир чоралари йўналтирилган объектлар юзасидан тўпланадиган маълумотларни ахборотлаштириш тизимига киритишда эса, асосан, уларга нисбатан жорий этилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари асосида олинган хулосаларни қиёсий кўрсаткичлар орқали таққослаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, профилактика таъсир чорасини қўлловчи субъектларга етиб келадиган маълумотлар дастлабки маълумотлар ҳисобланади. Бу маълумотлардан фойдаланиш учун уни маълум тартиб асосида тизимга киритиш лозим. Бу тизим мантикий боғланган бўлиши ва сақлаш ҳамда олишда қийинчилик туғдирмаслиги зарур.

Ахборотларни таҳлил этиш асосан статистик методлар орқали амалга оширилади, яъни ахборот-қидирув ва ахборот-маълумот тизимлари ташкил этилади. Ахборот тизимининг айнан шундай ташкил этилиши жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларни олдиндан башорат қилиш имкониятини юзага келтиради. Шу билан бирга, ахборотларни сақлаш ва зарур ҳолларда олиш ишларини автоматлаштириш керакли маълумотларга тезда эга бўлишга қулайлик туғдиради.

Умуман олганда, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда ҳам ахборотлаштиришни юқори даражага етказиш амалий аҳамиятга эга.

4-§. Жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш принциплари

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашни ташкил этиш ўзига хос ва мақсад сари йўналтирилган, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ифодаловчи бир бутун тизимдан иборат.

Шунинг учун ҳам жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган профилактика ишларини ташкил этишда қуйидаги босқичлар орқали зарур тадбирлар амалга оширилади:

– жиноятчиликнинг сабаб ҳамда омилларини кўрсатувчи ахборотларни таҳлил этиш;

– профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни режалаштириш;

– жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида иштирок этувчи субъектларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

– белгиланган ишларни амалга ошириш ва эришилган натижаларнинг самарасини назорат қилиш. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос умумий принциплар асосида зарур тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишни талаб этади. Бу принципларга қуйидагиларни: ушбу фаолиятга давлатнинг раҳбарлик қилиши; демократия ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш; илмийлик, атрофлича (комплекс) ёндашув; ўзаро мувофиқлаштириш (координация); режалаштирилган куч ва воситаларни дифференция асосида, яъни тўғри тақсимлаш ҳамда қонуний принципларга асосланган ҳолда юритилишини кўрсатиш лозим.

Профилактика фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда давлат сиёсатидан келиб чиқиш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, давлат жамиятда амалга ошириладиган барча ислохот ва ўзгаришларда энг асосий ўрин эгаллайди. Бунинг ёрқин далили сифатида айнан давлат томонидан Конституция талабларининг ҳимоя қилинишини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши» (43-модда) белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (32-модда).

Демак, давлат жиноятларнинг олдини олишда давлат ва фуқаролар иштирокининг аниқ чегараларини белгилайди ва шу орқали барча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини яратади ҳамда ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлайди. Шу ўринда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш (24, 25-моддалар), уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг асослари (36, 37-моддалар) ҳам Конституцияда қайд этилганлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олишни ўзига хос демократия ва инсонпарварлик принциплари асосида таъминланиши эса давлат фаолиятида-

ги марказлашиш тизими ва маҳаллий жиҳатдан мустақил фаолият кўрсатилиши ҳамда биринчи галда шахс манфаатларини эътиборга олиниши билан узвий боғлиқдир.

Профилактика фаолиятини умумий, яхлит тизимда ташкил этиш, табиийки, жамоатчилик фикри ва аҳолининг ташаббускорлигини эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Ижтимоий ҳаётдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда илмийлик нуқтаи назаридан ёндашиш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, амалиёт ва илмий тадқиқот ишларининг бирдек ривожланишига эришиш тараққиётга эришишнинг кафолати эканлиги ўқувчиларимизга яхши маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятда жиноятчилик ва унга қарши кураш муаммоларини ҳал этишда ҳам илмийлик нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда беҳуда сарф-харажатлар қилиш, ижтимоий ҳаётда келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларга йўл қўймасликни таъминлайди.

Жиноятчиликка қарши кураш муаммони атрофлича ва комплекс тарзда ҳал этишни талаб этади. Вазифаларнинг бажарилишини палапартиш режалаштириш ёки турли йўналишларда беҳуда тадбирлар олиб боришга интилиш каби салбий ҳолатлар келиб чиқмаслигини таъминлаш мақсадида ягона ҳамда аниқ мақсад сари йўналтирилган тизимни яратишга эришмоқ лозим. Айнан шу ягона тизим давлат, жамоатчилик, меҳнат жамоалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали бошқарувини таъминлашга ёрдам беришини унутмаслик зарур.

Бу эса яна бир принцип – ўзаро мувофиқлаштириш принципига амал қилинишини таъминлайди. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олишда қўйилган вазифаларни аниқ бажариш мувофиқлаштириш ишларини юқори илмийлик асосида ташкил этишни тақозо этади. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олишда махсус профилактик чора-тадбирларни ўтказишда катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатни алоҳида таъкидлашимиздан мақсад, махсус профилактик чора-тадбирларнинг бажарилиши давлат органлари ва кенг жамоатчилик томонидан ҳамкорликда йўлга қўйилганлигидадир. Профилактика тизимида бу субъектларнинг иштирокини ўзига хос томондан баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу, биринчидан, қўйилган мақсадга эришиш учун амалга оширилдиган вазифаларни бажаришга йўналтирилган ҳамкорлик умумий бўлиши ҳамда ҳар бир субъект ўз вазифаси, иш услубига, шу билан бирга, маъмурий бошқарувдаги тизимга эга (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турли давлат органлари)лиги, иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда турли вазифаларни бажаришлари, яъни ҳуқуқий

тарбия, ишлаб чиқариш, маиший турмуш ва дам олиш жараёнларида профилактика ишларини олиб боришда фаолият кўрсатишлари (булар жиноятчиликнинг олдини олишдаги ихтисослашмаган субъектлар жумласига киради)дир. Санаб ўтилганлар эса барча субъектларнинг фаолиятларини зарурий тарзда мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Криминологияда мувофиқлаштириш ишларини ташкил этиш қуйидаги икки йўналишда амалга оширилади. Вертикал, яъни юқоридан пастга ва пастдан юқорига бўлган мувофиқлаштириш ҳамда горизонтал бир бошқарув тизимига кирувчи ва ўзаро тенглик, ҳамжиҳатлик асосида фаолият кўрсатувчи субъектларнинг маълум бир ҳудудий бирликда профилактика ишларини ташкил этишларидан иборат. Шу асосда турли бошқарув тизимидаги субъектларнинг ишларини аниқ бир мақсад сари йўналтириш имконияти юзага келади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва, умуман, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда режа асосида иш олиб бориш талаб этилади. Ишни режа асосида ташкил этиш бир ёки бир неча бошқарув идоралари томонидан биргаликда фаолият кўрсатиш ва комплекс чора-тадбирлар ўтказишга имкон яратади. Режалаштириш аниқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишлардаги турли чора-тадбирларни давлат миқёсида амалга оширилишини кўзда тутаяди. Шу асосида ишлаб чиқилган режалар эса бошқарувнинг барча тизимида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга ёрдам беради.

Кўп ҳолларда айрим турдаги жиноятларнинг олдини олишга ёрдам берувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалий жиҳатдан ҳаётга жорий этиш ҳам режа асосида амалга оширилади. Масалан, гиёҳвандликка қарши курашни ташкил этиш ёки транспортдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Криминология нуқтаи назаридан режалаштириш нафақат шакли ёки турлари асосида, балки бошқарувчи субъектлар ва бажарилиши лозим бўлган муддатларни эътиборга олган ҳолда ҳам ишлаб чиқилади.

Режалаштиришнинг субъектлар томонидан амалга оширилиши тармоқлар бўйича (масалан, хўжалик ва ишлаб чиқариш соҳасида) комплекс тарзда, ҳар бир соҳа тармоқлари бўйича (маҳаллий ҳокимиятлар таркибига кирувчи режалаштириш бўлими ва бошқармалари, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, маиший хизмат тармоқлари, прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик, адлия идоралари, солиқ, божхона ва жамоатчилик ташкилотлари кабиларда) мустақил ва тармоқлараро (жиноятчиликка қарши курашда масъул давлат органлари) тарзда ишлаб чиқилади.

Муҳлатларига кўра эса режалаштириш ишлари истиқболли, яъни узоқ муддатли ёки жорий – бир йилгача бўлган даврни кўзда тутган бўлиши мумкин.

Жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этишда мақсад сари йўналтирилган дастурий тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳам муҳим аҳамиятга касб этади. Шунинг учун ҳам криминологияда бунга назарий жиҳатдан алоҳида эътибор қаратилган. Мақсад сари йўналтирилган дастурий тадбирларнинг қуйидаги тўрт кўринишда амалга оширилиши муҳим амалий аҳамиятга эга:

1) илмий башоратларга асосланган ҳолда (ижтимоий, иқтисодий, демографик йўналишларда) жиноятчиликка қарши курашни олиб боришдаги кўп муддатли ва бошқарувни ташкил этишнинг турли бўғинларидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишларни эътиборга олган ҳолда режалаштиришнинг яхлит тизимни яратиш;

2) тадбирларни амалга оширувчи субъектларни белгилаш, тадбирларнинг узвий ва босқичма-босқич бажарилишини таъминлаш учун белгиланган мақсадга эришишга имкон яратувчи ташкилий ва бошқарув тизимини яратиш;

3) қисқа ва узоқ муддатли режалаштирилган мақсадларга эришиш учун, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, зарур ресурслар таъминотини яратиш;

4) белгиланган режа асосида ўтказиладиган тадбирларнинг самарасини аниқлаш мақсадида зарур тадбирларнинг бажарилишини қиёслаш орқали натижаларини баҳолаш.

Жиноятчиликнинг олдини олишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш доимо диққат марказида бўлмоғи лозим. Чунки нотўғри тақсимлаш жиноятчиликка қарши кураш амалиётида бир жойда ёки йўналишда куч ҳамда воситаларнинг ҳаддан ташқари кўпайишига олиб келса, бошқа бир жой ёки йўналишнинг очиқ қолиши ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса белгиланган режанинг самарали бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам режалаштириш жараёни аниқ ҳолатларни эътиборга олинишини талаб этади.

Маълумки, жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятида куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш (у ёки бу жиноятчиликларнинг кўрсаткичларига кўра) маълум бир ҳудудий бирликда аниқ йўналишдаги профилактик чора-тадбирлар ўтказишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Шу билан бирга, куч ва воситалар жиноятларнинг олдини олишнинг хусусиятларига кўра тақсимланишини ҳам кўриш мумкин. Масалан:

а) алоҳида турдаги жиноятлар ёки жиноий хатти-ҳаракатлар ҳамда уларни юзага келтирувчи сабаб ва омилларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда курашни ташкил этишда;

б) шахснинг маънавий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ҳаёт тарзи ва муҳит (оила, мактаб, иш жойи, турмуш, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш)ни яхшилашга қаратилган фаолиятларни амалга оширишда;

в) жиноий хатти-ҳаракатлар ва криминоген ҳолатлар мавжуд бўлган ижтимоий қатламларга нисбатан ташкил этилувчи профилактика чораларини ташкил этилишида;

г) турли тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг белгиланишида. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олишда аниқ мақсад қўйилиши ҳамда зарур куч ва воситаларни тўғри жалб қилиниши муваффақият гарови эканлигини унутмаслик лозим.

5-§. Ички ишлар органларида профилактика ишларини ташкил этишнинг тактик асослари

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишни ташкил этиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Айниқса, профилактика ишларини амалга оширишда махсус касбий тажрибага эга бўлган органлар ва ходимларнинг жалб этилиши ишнинг самарали бўлишини таъминлайди. Булар жумласига ички ишлар органларини ҳам киритиш мумкин. Бинобарин, улар бу борада маълум бир тажрибага эгадирлар.

Тўғри, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач бошқарув тизимида маълум бир соҳаларни бошқаришга масъул бўлган давлат органлари ташкил этилди. Жумладан, божхона, солиқ қўмиталари каби давлат органлари ҳам ўз соҳалари бўйича жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини амалга оширади.

Маълумки, ҳар бир фаолиятни амалга оширишда, биринчи галда, ўзига хос стратегия бўлмоғи лозим. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган ўзига хос тактика ёки тактик ёндашув (у ёки бу вазифаларни бажаришда юқори самарага эришишни таъминлаш учун) мақсадга эришиш йўлида бир мунча қулайлик яратади, яъни муҳим вазифаларни ечишда, куч, восита, маблағ ва бошқаларни кам сарфлаб, юқори натижаларга эришишга ёрдам беради.

Стратегия ва тактика ички ишлар органлари фаолиятида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳимлиги билан ажралиб туради. Жумладан, стратегия асосида жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларини бартараф этиш ҳамда камайишига эришиш мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, зарур тактик ёндашувни тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолиятида жиноятчиликнинг олдини олишда зарур тактик усул ва воситалар жорий этилади.

Жамиятда олиб бориладиган ижтимоий профилактика стратегиясининг асосий вазифаси ижтимоий кадриятларни ҳар қандай жиноий тажовузлардан сақлаш ҳисобланади.

Чора-тадбирларни қўллаш тактикаси ижтимоий воқелик, ҳодисаларнинг юзага келган вақти, жойи каби ўзига хос хусусиятларига қараб фақат шаклан ўзгариб бориши мумкин. Бинобарин, у ёки бу ҳолатларда тактик усул ва воситаларни қўллашдаги мавжуд талабларни тўғри англаш жиноятчиликка қарши курашда катта аҳамият касб этади.

Айнан шундай талабларнинг дастлабкиси ҳақиқий ва мавжуд воқеликни идрок қилиш орқали иш юритишдир. Ҳар бир тактик ёндашув у ёки бу жараёни умумий ва мавҳум тарзда эмас, балки мавжудликдан келиб чиққан ҳолда аниқ ҳал этилишини тақозо этади. Криминологиянинг ушбу илмий-назарий тавсияси жиноятчиликнинг олдини олишда амалга ошириладиган барча тадбирларда муҳим асос бўлмоғи лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тактикасининг иккинчи талаби, профилактика ишларини ташкил этишда белгиланган тадбирлар ва уларнинг натижаси қандай бўлганлигини инобатга олинишидир. Зотан, ҳар қандай профилактика ишининг энг муҳим жиҳати унинг самарасидир. Белгиланадиган тадбир ва уни бажаришдан юзага келадиган самара, қилинган меҳнат ва харажатларни оқлаши лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олишга қўйиладиган учинчи талаб профилактика ишларининг зарур эканлиги билан изоҳланади, яъни тактик ёндашув турғун ёки доимий бўлмай, зарур криминоген вазиятларда тезда ўзгартиришга, янгилик ва қўшимчалар киритишга мойил бўлмоғи керак.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тактикасининг тўртинчи талаби усул ва чораларнинг чуқур илмий асосланган бўлишидир. Шу боис ҳар бир вазият ёки ҳолатда қўлланиладиган тактик ёндашувни қўллашдан аввал уни илмий жиҳатдан таҳлил этиш лозим. Бу эса ҳар бир тактик ёндашувни аниқ ва самарали бўлишини таъминлайди.

Ва ниҳоят, жиноятчиликнинг олдини олишнинг тактикасига қўйиладиган бешинчи талабда жиноятчилик билан боғлиқ бўлган турли ижтимоий жараёнлар ҳамда вазиятларнинг мавжудлигини эътиборга олинишидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиладиган ҳар бир тактик усул ва воситалар жиноятчиликнинг олдини олишда зарур тактикани топиш ва ўз жойида қўллашни тақозо этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган айрим жиноятларни ўрганиш зарур ҳолларда куйидаги тактик ёндашувларни танлаш кераклигини кўрсатмоқда. Булар ҳудудий, гуруҳий мансублигига доир, маълум бир объектга хос бўлган ва таркибий-тактик ёндашувлар. Агар уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталсак, куйидагиларни кўришимиз мумкин.

1. Тактик ёндашувлар профилактик чора-тадбирларнинг маъмурий-ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишни талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудий жиҳатдан тактик ёндашувнинг энг мақбулини танлашда у ёки бу ҳудуддаги жиноятчиликнинг умумий ҳолатлари асосида ишлаб чиқилган башоратларга таяниш лозим. Жиноятчиликнинг қайси ҳудудда кўп ёки камлигини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга. Гарчи, жиноятларнинг содир этилиши кам бўлса-да, келгусида уларнинг ошиб кетмаслиги чоралари ҳам кўрилмоғи даркор.

2. Гуруҳий мансублигига кўра тактик ёндашувни танлашда мавжуд ижтимоий гуруҳларнинг ёши, касби ва қайси гуруҳга мансуб шахслар томонидан жиноят кўп содир этилаётганлиги аниқланади. Аҳолининг мунтазам кўчиб юрувчи, ичкиликка, наркотик воситалар истеъмол қилишга ружу қўйган қатламлари алоҳида эътиборга моликдир. Уларни доимий назоратда ушлаб туриш муҳим криминологик аҳамиятга эга.

Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда иштирок этувчи субъектларнинг кўзда тутилган гуруҳларга нисбатан таъсир ўтказиши зарур даражадаги ёндашувни талаб этади. Чунки ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзига хос хусусиятларга эга (масалан, вояга етмаганлар, аёллар, рецидивистлар, гиёҳвандлар, кам таъминланганлар, ўзига тўқ ёки мулкдорлар ва ҳ. к).

Гуруҳий мансублигига кўра тактик ёндашув ҳудудий тактик ёндашув билан узвий боғлиқ. Шу боис гуруҳий мансублигига оид тактик ёндашувда шахснинг яшаш ва турмуш тарзи албатта эътиборга олинishi лозим.

3. Маълум бир объектга хос бўлган тактик ёндашув ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий соҳаларга нисбатан олиб борилади. Чунки бу соҳалар доирасида жиноятларнинг содир этилиши кўпроқ кузатилади.

Жиноятларнинг олдини олишда маълум бир объектга хос тактик ёндашувни танлашда (ташкilot, корхона, муассаса) жиноятларнинг содир бўлиши ҳолатларини билиш билан бирга, уларнинг содир этилишига таъсир этувчи сабаб ва омилларни ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан, сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган объект-

ларда металлургияга ихтисослашган корхоналардан фарқли равишда ўзига хос жиноятлар содир этилиши мумкин.

Баъзи корхоналарда криминоген ҳолат меъёрида бўлса-да, бироқ уларга алоҳида эътибор қаратилиши тақозо этилади. Масалан, чет давлатлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналарда профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки ушбу корхоналарнинг ишчи ва хизматчилар таркибини асосан чет эл фуқаролари ташкил этиши мумкин.

4. Таркибий жиҳатдан тактик ёндашувни белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шунга кўра жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос тактик ёндашувни тўғри танлаш мумкин. Бунда у ёки бу жиноятнинг қайси таркибга мансублиги аниқланади. Чунки жиноятнинг оғирлиги ёки кўрсаткичларининг юқорилиги зарур томондан ёндашувни талаб этади.

Агар биринчи ҳолатда профилактика ишлари ва тактик ёндашув бир меъёрида бўлса, масалан, қотиллик, номусга тегиш, талончилик каби оғир жиноятларнинг олдини олиш ҳар доим ва ҳамма жойда бир маромда давом этса, иккинчи ҳолатда эса вақт, ҳудуд ва шароитига кўра янгидан-янги вазиятлар келиб чиқади. Масалан, маълум бир пайтда транспорт воситалари билан боғлиқ ўғрилиқ жиноятларининг кескин ошиши ҳолатлари.

Баён этилганлар орқали маълум бўладики, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари ўзига хос ўрин тутади. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг барча фаолият йўналишлари давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлари – суд, прокуратура, солиқ кўмитаси, божхона, фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда миллий хавфсизлик хизмати билан узвий боғлиқ бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам улар билан доимий ҳамкорлик амалга оширилади.

Ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда ва, умуман, жиноятчиликнинг олдини олишда ўз вазифаларини самарали бажаришлари учун ҳар бир тактик усул ва воситаларнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланганлигига эришмоқлари лозим.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органларининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги вазифалари ва ваколатлари нималардан иборат?
2. Ички ишлар органлари фаолиятида амалга ошириладиган профилактика ишларининг асосий кўринишларини баён этинг ва ҳар бирига таъриф беринг.
3. Жиноятларнинг олдини олишдаги профилактика ишларини ташкил этишда ички ишлар органларининг ваколатлари ва вазифалари нималардан иборат?

4. Ички ишлар органларининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактика фаолиятларини мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатларни санаб ўтинг.

5. Ички ишлар органларида ахборот-таъминот фаолиятининг амалга оширилиши, мақсади ва шаклларини айтиб беринг.

6. Жиноятларнинг олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика ишларининг асосий принципларини айтинг.

7. Профилактика ишларида тактик усул ва воситаларни санаб ўтинг.

Х боб
РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Рецидив жиноятчилик ва унинг криминалогик тавсифи

Рецидив жиноятчилик криминалогия фанида алоҳида тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганилади. Чунки жиноятларнинг қайта-қайта содир этилиши натижасида жамият ва унинг аъзоларига маънавий зарар етказилиши ижтимоий ҳаётдаги энг салбий ҳолатдир. Шунинг учун ҳам рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик ҳар бир давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига кўра, рецидив жиноят деганда, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши тушунилади. «Рецидив» сўзи такроран, бошқатдан ва бўлиб ўтган ишга яна қайтиш маъноларини англатади.

Энг муҳими, рецидив жиноятлар бошқа жиноятлардан фарқ қилиб, жиноят содир қилган шахсга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари тегишли чора кўрганидан сўнг мазкур шахс томонидан яна қайтадан жиноят содир этилиши оқибатида юзага келишига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи бор ва такроран содир этилган жиноятларга қўлланиладиган таъсир чорасидан келиб чиққан ҳолда, жиноят, жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқи ва криминалогия фанлари томонидан тегишлича тушунча берилиши ўқувчига яхши маълум. Айнан рецидив жиноятларнинг қандай таърифланишидан келиб чиқиб, бундай жиноятларни содир этувчи «рецидивист» шахсига ҳам баҳо берилади. Табиийки, «рецидив жиноятлар» тушунчасини тўғри таърифлаш нафақат назария, балки амалий фаолият учун ҳам катта криминалогик аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи фанида рецидив жиноятларга ўзига хос таъриф берилган. Унга кўра, судланганлиги олиб ташланмаган шахснинг янгидан жиноят содир этиши рецидив жиноят ҳисобланади. Бу рецидив жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий таърифидир.

Жиноий жазоларни ижро этиш ҳуқуқида эса муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсга яна айнан шундай жазо

тайинланиши оқибатида пенитенциар рецидив юзага келиши эътироф этилган. Бинобарин, шахснинг тўғри йўлга кириши жазо муддатининг тугаши билан боғлиқ эмаслиги ҳам айнан ушбу ҳуқуқ тармоғининг қондасидир.

Маълумки, муқаддам судланган ҳар бир шахсда қандайдир даражада ўзига хос бўлган салбий хислатлар яширин ҳолда бўлса-да, сақланган бўлади ва бу маълум бир вазиятларда жинойт содир этилишига олиб келиши мумкин. Демак, бу ҳам рецидив жинойт деб топилади. Криминология фанида рецидив жинойтларни тавсифлашга ўзгача ёндашилади. Баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг рецидив жинойтлар хусусидаги тортишувлари бир қатор ўзига хос илмий-назарий асосларга эга бўлган таърифлар мавжудлигини кўрсатади.

Криминологияда судланган-судланмагани, судланганлиги олиб ташланмаганлигидан қатъи назар, шахснинг такроран жинойт содир этишига олиб келган барча жиҳатлар ўрганилади. Бундай ёндашув кўпчилик муаллифлар томонидан эътироф этилганлигини кўриш мумкин.

Бироқ рецидив жинойтчиликни бу тарика ёритиш уни тадқиқ этишда бир мунча қийинчиликлар туғдириши мумкин. Зотан, рецидив жинойтлар билан боғлиқ барча жиҳатларни криминологияда аниқ таърифлаш ушбу жинойтларнинг олдини олишда муҳим омил бўлишини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Криминологияда рецидив жинойтлар билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларнинг тадқиқ этилишини билиш лозим:

1) жинойтларнинг сонига кўра – оддий ёки такрорий рецидив жинойтлар (такроран содир этилган жинойт ҳисоб бўйича иккинчиси бўлса) ва мураккаб, яъни кўп (уч ёки ундан ортиқ) маротаба содир этиладиган рецидив жинойтлар;

2) умумий – шахснинг биринчи бор содир этган жинойтига ўхшамаган бошқа турдаги жинойтни содир этиши, масалан, безорилик жинойтидан сўнг қотиллик жинойтини содир этиши. Махсус – бир хил жинойтларнинг такроран содир этилиши, масалан, кетма-кет ўғрилиқ жинойтларини содир этиш каби рецидив жинойтлар. Махсус рецидив жинойтлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки бир хил жинойтларни такроран содир этилиши жинойтчиларнинг жинойт содир этишни касб қилиб олиши каби салбий ҳолатга олиб келади;

3) жамият учун хавфлилик даражасига кўра – оғир бўлмаган, хавфли ва ўта хавфли рецидив жинойтлар.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ўз хусусиятлари ва миқдорига кўра, рецидив жинойтчилик эътиборга олиниши лозим бўлган ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилиши талаб этилади. Қамоқ жа-

зосига маҳкум этилмаган шахслар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг келиб чиқиши нисбатан кам миқдорни ташкил этиши алоҳида криминологик аҳамиятга эга.

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг жазо муддатига кўра таҳлил этилганда, ўртача муддатда (3–10 йил) жазони ўтаганлар ўртасида рецидив жиноятнинг миқдори кўп бўлса, кам муддатли (бир йилгача) ва узок муддатларда жазони ўтаганлар ўртасида рецидив жиноятларни содир этилиши камроқ эканлиги кузатилган.

Рецидив жиноятларнинг таҳлили яна шуни кўрсатдики, муқаддам судланганларнинг уюшган гуруҳлар таркибига кириб қолиш ҳолатлари камчиликни ташкил этади, бундай шахслар жиноятларни ёлғиз амалга оширишни маъқул кўрадилар. Аксинча, биринчи бор жиноят содир этиб жазоланганларнинг уюшган гуруҳ ва гуруҳий жиноятлар содир этилишига қўшилиб қолишлари нисбатан кўп учраётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Рецидив жиноятларнинг таркибий тузилишига хос бўлган яна бир ҳолат шундан иборатки, жиноий гуруҳларда вазифаларнинг ўзаро тақсимланиши ва жиноий гуруҳларга бошчилик қилиш асло рецидивист ёки муқаддам судланган шахслар билан боғлиқ эмас, балки бажариладиган вазифалар (ташкилотчи, далолатчи, ижрочи кабилар)ни тақсимлаш жиноят оламининг ўз ички қонуниятлари асосида кечади. Шундай бўлса-да, баъзан маълум бир тоифадаги муқаддам судланган шахсларга гуруҳий жиноятларни содир этиш хос бўлиши ҳам мумкин. Бундай шахслар жумласига асосан ёшлар (25 ёшгача) кириши кўпроқ кузатилади. Шунингдек, талончилик, босқинчилик, ўғрилик жиноятларини содир этувчи шахслар ҳам шулар жумласига киради. Чунки бу каби жиноятларнинг содир этилишида кўпчиликнинг иштирок этишига эришиш жиноятчилар томонидан кўпроқ қўлланилади.

Рецидив жиноятларнинг таркибий тузилишини таҳлил этиш орқали яна бир муҳим ҳолат кузатилади. У ҳам бўлса, жазони ўтаб озодликка чиққан шахслар томонидан янги жиноят содир этиш муддати, яъни шахс озодликка чиққанидан сўнг қайси муддатларда жиноят содир этади? Бу саволга криминология ўз тадқиқотлари доирасида керакли жавобни беради. Жумладан, кўп ҳолларда жиноятлар биринчи йилнинг ўзидаёқ содир этилади. Йиллар ўтган сари эса шахснинг рецидив жиноят содир этиши камайиб боради ёки умуман жиноят йўлидан қайтишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу билан бирга, рецидив жиноятларнинг қанчалик тез юзага келиши рецидивистнинг жазони ўташ жараёнида ўзини тутишига боғлиқ. Масалан, шахс жазони ўташ жараёнида қанчалик салбий хислатларини кўрсатса, озодликка чиққанидан сўнг янги жиноятга қўл уриши кўпроқ кузатилади. Бу ҳолатни профилактика

ишларини ташкил этишда эътиборга олиш лозим. Чунки юқорида айтиб ўтилган шахсларда томонидан талончилик, босқинчилик, дайдилик ва ашаддий безориликлар содир этишга мойиллик сақланган бўлади.

Жазони ўтаб озодликка чиққан шахсларнинг қисқа вақт ичида жиноят содир этиши қайта-қайта судланган ва вояга етмаган шахсларга хосдир. Рецидив жиноятлар кўп ҳолларда ўғрилиқ ва безорилик жиноятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келиши кузатилади. Жумладан, ўғрилиқ жиноятини биринчи бор содир этгани учун судланган шахсларнинг учдан икки қисми айнан шу жиноятни такроран содир этадилар, безорилик жиноятини содир этган шахсларнинг қарийб 60 фоизи ушбу жиноятни такроран содир этишда айбланганлигини ҳам кўриш мумкин.

Бошқа турдаги жиноятлар, масалан, автотранспорт воситаларини олиб қочиш, дайдилик, паспорт тизимини бузиш каби ҳуқуқбузарликларни такроран содир этилишидан келиб чиқадиغان рецидив жиноятлар ҳам миқдоран кўпчилиқни ташкил этади.

Бир қатор адабиётларда рецидив жиноятчилик алоҳида муаммо сифатида эътироф этилган, чунки бу муаммонинг асл моҳияти рецидив жиноят содир этувчи шахсларни алоҳида тоифадаги жиноятчилар деб белгиланишидадир.

Ҳақиқатан ҳам рецидив жиноятчилик жамият манфаатларига зид, шу боис ушбу жиноятларнинг олдини олишдаги профилактика ишларини ташкил этишда, биринчи навбатда, рецидив жиноят содир этган шахсларни биринчи бор жиноят содир этган шахслардан фарқламоқ лозим. Бунда қуйидагилар эътиборга олиниши керак: рецидив жиноят содир этишга мойил ва ғайриинсоний (жиноий) хислатларга эга шахсларнинг мавжудлиги; жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилиши (шу жумладан қасддан ва куч ишлатиб); жиноятни содир этишда алоҳида шаклда иштирокчилик фаолиятини амалга ошириш учун кишиларни, вояга етмаганлар, аёллар, кекса ёшдаги шахсларни жалб қилиниши; жиноий фаолиятга тортиш учун турли ғайриинсоний усул ва воситалар (гаровга олиш, ёллаш, қўрқитиш каби)нинг қўлланиши.

Бундай ҳолатлар ўз-ўзидан рецидив жиноятчиликнинг қанчалик хавфли эканлигини англатади. Жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида профилактика таъсир чоралари ушбу салбий иллатга қаратилмоғи жуда муҳимдир.

Рецидив жиноят содир этувчи шахс жиноят оламида орттирган «тажрибалари»га асосланиб қонун ҳимоясида бўлган жамият, инсон ва давлат манфаатларига раҳна солади. Шунинг учун рецидивистларнинг шахсига хос хусусиятлар борасида батафсил тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

2-§. Рецидивистларнинг шахсига хос хусусиятлар

Таъкидлаб ўтилганидек, рецидив жиноят содир этувчи шахс алоҳида тоифадаги жиноятчидир. Бу умумий тушунча бўлиб, рецидив жиноят содир этувчилар шахсида жиноятчига хос бўлган барча хусусиятлар мавжуд бўлади. Мана шу ўзига хос хусусиятларни билмай туриб уларга криминология нуқтаи назаридан таъриф бериш бир мунча қийин кечади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-ҳуқуқий фанларда рецидив жиноятларни содир этувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган «рецидивист» атамаси ўзбек тилидаги илмий адабиётларда кенг қўлланилаётганини кўриш мумкин. Ушбу атама туб маънода рецидив жиноятларни содир этувчи шахсни аташда қўлланилса, криминология фанида тушунча сифатида ўзига хос таърифга эга. Ҳар икки ҳолатда ҳам «рецидивист» атамаси криминологияда кенг қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, криминология нуқтаи назаридан унга тушунча сифатида таъриф беришда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Биз кўриб чиқаётган рецидивист шахсини ўрганиш ҳам алоҳида ёндашувни талаб этади, яъни рецидив жиноятларни содир этувчилар «шахси» криминология нуқтаи назаридан қандай мазмунни ифодалашини билиш муҳимдир.

Жиноятнинг содир этилишида шахс ўз олдига маълум бир тарзда қасд қилиш орқали ўзининг ғаразли ниятига етишни мақсад қилиб кўяди. Криминологияда шахснинг ғаразли нияти юзага келишини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

- а) шахс манфаатлари ва дунёқарашининг торлиги;
- б) манфаатдорлик тизимини бир йўналишда қотиб қолиши ва моддий манфаатнинг шахс маънавиятидан устунлик қилиши;
- в) ғайриинсоний эҳтиёжларни қондиришда нормадан четга чиқиш ҳоллари ва уларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги;
- г) ўз эҳтиёжларини маънавий бузуклик ва ғайриқонуний йўллар билан қондиришга мойиллик ва ҳоказо.

Криминологияда рецидивистларнинг шахсини ўзига хос классификацияси жорий этилган. Рецидивистларнинг шахси унинг жинси, ёши, маълумоти, ижтимоий ҳолати, касби кабилар асосида квалификация қилади. Агар ушбу хусусиятларнинг ҳар бири криминология нуқтаи назаридан таҳлил этилса, рецидивистнинг шахси борасида зарур тушунчага эга бўлишимиз мумкин. Криминологияда шахслар ёш жиҳатидан қуйидаги ёшлардаги гуруҳларга ажратилади. Булар: вояга етмаганлар (14 – 17 ёш); ёшлар (18 – 25 ёш); ўрта яшар (30 – 45 ёш) ва кексалар (50

ёшдан юқори). Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, рецидивистларнинг асосий қисмини ёшлар ва ўрта ёшдагилар ташкил этишини кузатиш мумкин. Умумий рецидивистларнинг ўртача ёши ўттиз, беш ва ундан ортиқ марта судланганларнинг ўртача ёши эса қирқни ташкил этади. Ҳар тўрт рецидивистдан учтаси биринчи жиноятини 25 ёшигача содир этган. Юқоридаги таҳлиллар рецидив жиноятларнинг келиб чиқмаслигини таъминлаш учун асосий эътибор қайси ёшдаги шахслар билан профилактика ишларини олиб бориш кераклигини кўрсатади. Шунингдек, криминологик тадқиқотларни тўғри йўналишда олиб боришга ёрдам беради.

Рецидивистларнинг билим даражаси бошқа тоифадаги жиноятчилардан пастлиги билан ажралиб туради. Шахсни шаклланишида унинг билим доираси, дунёқарашининг кенглиги катта аҳамиятга эга. Зеро, зиёли, тарбияли ва маънавияти юқори шахслар ҳеч қачон жиноят йўлига кирмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда шахс тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Бироқ шахснинг билими ва ижтимоий дунёқарашини ўзаро мувозанатда бўлмоғи лозим. Бугунги кунда маълум бир жиноятларни (терроризм, ғайриқонуний равишда қурол-яроғ сотиш, нарқобизнес, иқтисодий соҳасидаги жиноятлар) содир этаётган шахсларнинг интеллектуал даражаси юқори бўлгани ҳолда, ижтимоий онги пастлиги боис улар томонидан жиноятлар содир этилиши бир қадар ортаётганлигини кўриш мумкин.

Шахснинг меҳнатга бўлган муносабати унинг ижобий ёки салбий жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Рецидив жиноят содир этаётганларнинг шахсиятига ушбу нуқтаи назардан ёндашилса, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган муносабати паст даражада эканлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят содир этганларнинг кўпини ишсиз ёки фойдали меҳнат билан шуғулланмаётганлар ташкил этиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар рецидивистларга нисбатан олинса, уларнинг кўпчилиги жиноят содир этиш пайтида умуман ишсиз бўлганликлари ёки ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаганликлари аён бўлди.

Шунинг учун ҳам рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда: жазони ижро этиш муассасаларида шахсни меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялаш; жазони ўтаб қайтган шахсларни ўз вақтида иш билан таъминлаш; зарур ҳолларда меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштиришни йўлга қўйиш каби профилактика ишларини олиб борилиши мақсадга муво-

фикдир. Шахсни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш нафақат рецидив жиноятларни, балки умуман жиноятчиликнинг камайишига олиб келади.

Маълумки, шахс энг аввало оилада камол топади. Ундаги асосий хислатларнинг шаклланиши ва ривожланишида оилавий муносабатларни тўғри шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Шахснинг оилавий муносабатлардан четлашиши ва оила аъзолари билан юзага келадиган салбий муносабатлар унинг руҳиятини тубдан ўзгартириши мумкин.

Рецидивистларнинг бир неча бор ҳамда узоқ муддатларда жазони ўташлари сабабли оилаларидаги ўзаро яқинликка дарз кетади ва охиروқибатда оила парчаланиб кетиши мумкин. Оиланинг бузилиши улар ҳаётида кўплаб учрайди. Бу ҳолат эркакларга нисбатан аёлларда тезроқ кечади. Шу билан бирга, рецидивистларнинг маиший турмушида норасмий никоҳлар кўп учрайди. Бу эса оилада бола тарбиясига салбий таъсир этади ва қаровсиз қолган болаларнинг кўпайишига олиб келади.

Рецидивист шахсига хос бўлган яна бир ҳолат – уларнинг доимий яшаш жойларининг бўлмаслиги. Эркак жинсидаги рецидивистлар орасида доимий уй-жойга эга бўлмаганлар бир бора судланганларга нисбатан уч марта, аёллар ичида эса тўрт, баъзида ундан ҳам кўп кўрсаткичларни ташкил этади.

Баён этилганлардан маълум бўладикки, ижтимоий-фойдали алоқаларнинг бузилиши, меҳнат – ишлаб чиқариш ва маиший турмушнинг издан чиқиши каби салбий ҳолатлар рецидивист шахснинг шаклланишида асосий омил ҳисобланади. Бу эса рецидив жиноятларнинг олдини олиш учун шахснинг ижтимоий-фойдали муносабатларга яқиндан жалб қилинишини шарт қилиб қўяди.

Криминологияда рецидивистларни гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бориш жуда муҳим. Чунки гуруҳий мансублиги асосида тадқиқ этиш орқали ҳар бир рецидивистнинг ўзига хос хусусиятлари борасида зарур маълумотлар олиш ва улардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида унумли фойдаланиш мумкин. Рецидивистнинг қайси гуруҳга мансублиги: жиноятни маст ҳолда ёки онгли равишда содир этиши; жиноятни гуруҳ таркибида ёки яқин тартибда содир этиши; жазони ижро этиш ёки маъмурий назорат жараёнларида жиноят содир этиш ёки этмаслигига қараб белгиланади.

Рецидивистларнинг маънавий-руҳий хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунинг асосий томони шахснинг ижтимоий яшаш тарзи билан боғлиқ ҳолда маънавий-руҳий хусусиятлари ҳам ўзгариб туришидир. Шахснинг шаклланиши ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Ҳозирги

ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар жараёнида мулк, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар борасида рўй берган бир қатор ўзгаришлар шахс руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда рецидивистларнинг ҳам ижтимоий-руҳий ҳолатлари ўзига хос тарзда шаклланмоқда. Шундай бўлса-да, рецидивистларнинг интеллекти ва маданий савияси паст, ижтимоий-сиёсий дунёқараши фақат бир томонлама шакллانганлиги, қизиқишлари тор, ижтимоий яшаш тажрибаси етарли эмас ва жамият ҳаётига қўшилишга хоҳиши йўқлигини ҳозирда ҳам кўриш мумкин.

Рецидивистларга баҳо беришда уларнинг дунёқарашларидан келиб чиқиши лозим. Бу тоифадаги жиноятчиларда жамиятдаги мавжуд ижтимоий ва маънавий қадриятлар, яъни бурч, меҳнат, оила, ўзгаларга ва ўзларига бўлган муносабат паст даражада шаклланган, уларда меҳнатдан даромад олишдан кўра бировлар ҳисобига яшаш, меҳрибонлик ўрнига раҳмсизлик, одамийлик ўрнига шафқатсизлик кўпроқ ривожланган.

Баъзида рецидивистлар томонидан кишиларни жиноят содир этишга жалб қилинишига ўзига хос фикрлар билдирилишини кўриш мумкин. Бундай ҳамкорлик жиноятчилар оламида жамоага ҳурмат, дўстлик ва ўзаро ёрдам деб талқин этилса-да, аслида рецидивистга хос бўлган манманлик ва ўз манфаатларини ўйлаш ётади. Рецидивист шахсларнинг ўзгаларга бўлган муносабатларида ҳам бу ҳолат сақланиб қолганлигини кўриш мумкин, бу бошқаларни менсимасликда намоён бўлади. Эҳтиёжлари кўпроқ «бу ҳам ўзимиздан» деган нақл асосида қондирилади ва ўзаро мулоқотлари муқаддам судланганлар, ичкиликка ружу қўйганлар ва енгил табиатли аёллар билан кечади.

Рецидивист шахсига хос бўлган яна бир хусусият – уларнинг эҳтирослари бошқа шахсларга нисбатан тезроқ жунбушга келиши. Уларда, биринчи бор судланганлардан фарқли ўларок, ўзига хос руҳий ҳолатлар кузатилади. Масалан, жаҳлдорлиги, ўзини идора қила олмаслиги ва вазиятга қараб кайфиятларининг ўзгариб туриши ва ҳоказолар. Рецидивист шахсларнинг кўпчилиги иродаси бўшлиги билан ҳам ажралиб туради, айниқса, қийинчиликларга бардош бериш, қўйилган мақсадга эришиш учун курашишда ўз заифликларини кўрсатадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятда қабул қилинган нормалардан четга чиқиш каби ғайриинсоний қилмишларнинг барчаси рецидивист шахсига хос бўлган хислатлардир.

Рецидивистларнинг шахсини типларга ажратиш бир қатор мураккабликларни юзага келтиради. Бу борада барча шахсларнинг хусусиятларини бирдек эътиборга олиш имконияти мавжуд эмас. Шундай

бўлса-да, рецидивистларнинг шахсини типларга ажратиш умумийлик асосида амалга оширилади. Уларнинг қайси типга тааллуқлигидан келиб чиққан ҳолда ҳар бирига аниқ таъриф бериш мумкин бўлади.

Рецидивистларнинг шахсини типларга ажратишда ҳар бир жиноятчига хос бўлган умумий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ҳар бир жиноятчининг ўзига хос хислатлари ва дунёқарашининг турли даражада шаклланганлигини эътиборга олиш лозим.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда рецидивистларнинг шахсини қуйидаги учта типга ажратиш мумкин: 1) ашаддий криминоген типлар; 2) беқарор типлар; 3) тушкунлик ҳолатидаги типлар.

Таъкидлаш жоизки, рецидивист ўзи мансуб бўлган типларнинг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Бу ўринда ушбу учта тип билан чекланиш лозим, деган фикрдан йироқмиз. Зеро, рецидивист шахсига хос хусусиятлар хилма-хил эканлигини унутмаслик лозим.

Ашаддий криминоген, яъни жиноий фаол типдаги рецидивистлар адабиётларда қайд этилган «ижтимоий хавфли», «ашаддий», «ўжар» ва «давомий криминоген» каби типларга яқин туриши билан фарқланади. Ушбу типга мансуб шахслар асосан ёшлар (21 – 28 ёш) бўлиб, уларда жиноий фаолликни яққол кўриш ва бу фаоллик давом этиши мумкин. Ушбу типдаги рецидивистларга жиноят йўлига вояга етмасдан кириш, қонунни ўта ашаддий равишда бузиш, жазони ўташ жараёнида ўзини салбий томондан кўрсатиш кабилар хосдир. Айнан шу типдаги шахслар орасидан ашаддий криминоген рецидивистлар етишиб чиқиши кўплаб кузатилган.

Жиноий фаол рецидивистлар томонидан содир этиладиган жиноятларда фаоллик яққол кўзга ташланади. Булар давомли рецидив, ғаразли ва қасддан содир этиладиган жиноятлардаги махсус рецидив, жиноят содир этишда ўзига хос усулларни қўллаш ва жиноятларни яшириш билан боғлиқ рецидив жиноятлар.

Айнан шу типдаги рецидивистларнинг уюшган гуруҳларга кириб қолиши ҳам кўплаб кузатилади. Бунда улар далолатчи, ташкилотчи ва фаол иштирокчи вазифасини бажарадилар.

Жиноий фаол рецидивистлар жазони ўтаб озодликка чиққанларидан сўнг бир йилгача, айрим ҳолларда эса бир ойгача бўлган муддатларда такроран жиноят содир этадилар. Улар маънавий ва ҳуқуқий дунёқарашларининг жуда саёзлиги билан ажралиб турадилар ва қонунни бузиш орқали ўз манфаатларига мос ишларни амалга оширишга интиладилар. Энг муҳими, жиноий фаол рецидивистлар тасаввурида

«яшаш фақат жиноят содир этишдан иборатдир», деган ақида мавжуд бўлади.

Жиноий фаол рецидивистлар бошқа жиноятчилар орасида энг хавфлиси ҳисобланганлиги боис уларга нисбатан доимий равишда профилактик чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади, шунинг учун ҳам бу тоифадаги жиноятчиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, жиноий фаол рецидивистлар устида жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётганларида ҳамда жазони ўтаб бўлиб озодликка чиққан дастлабки кунларданок алоҳида назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Беқарор типдаги рецидивистлар икки ёки уч бора рецидивист деб топилган шахслар ўртасида учрайди. Булар асосан ёшлардан (18 – 20 ёш) иборат бўлиб, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар кўпроқ маъмурий ва интизомий йўналишларда учраши билан эътиборлидир. Чунки уларнинг кўпчилиги ичкиликка мойил бўладилар.

Жиноий фаолиятлари эса у қадар кўзга ташланмайдиган даражада бўлади. Жиноий фаолият билан шуғулланишда йўл танлаш ва ўз кучи ҳамда тажрибаларидан унумли фойдаланишга қодир эмасликлари билан ажралиб турадилар. Бироқ жиноят содир этишда кутилмаган ва беқарор ҳолатларни «туфҳа» этиши мумкин. Жиноий қилмишлари эса вазиятга қараб намоён бўлади.

Кўп ҳолларда кўриқланмаётган мулкни ўғирлаш ёки маст кимсаларни тунаш каби жиноятларни содир этадилар. Вазиятга қараб уларда жиноий қасд дабдурустдан юзага келади, бунда спиртли ичимлик учун пул топиш ёки бошқа эҳтиёжларини қондириш асосий мақсад ҳисобланади.

Ушбу типдаги рецидивистлар шахсий хусусиятларига кўра турличадир. Фаол рецидивистлардан фарқли ўлароқ, маънавий ва ҳуқуқий дунёқарашлари маълум даражада шаклланган бўлади. Меҳнат қилишда ҳам хилма-хилликни кўриш мумкин. Кўпчилиги доимий иш жойига эга бўлмаса-да, меҳнат унумдорликлари юқорилиги билан ажралиб туради.

Ушбу типдаги рецидивистларнинг асосий қисми ноаҳил оилада тарбияланганликларини кузатиш мумкин. Дўстлари, таниш-билишлари ичида судланганлар ёки судланмаганлар ҳам учрайди. Шунингдек, бир қатор беқарор рецидивистларнинг атрофидагилар билан яхши муносабатда бўлиш ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Бу типдагилар барча рецидивистлар орасидан 30 – 35 фоизни ташкил этиши аниқланган.

Беқарор рецидивистларга хос бўлган хусусиятларнинг турли-туманлиги уларнинг фаолиятини умумий тарзда башорат этишга имкон бер-

майди. Умуман олганда, бу типдаги рецидивистлар ижтимоий хавфлиги бўйича фаол рецидивистларга нисбатан катта хавф туғдирмайди.

Айтиб ўтилганидек, беқарор рецидивистларнинг атрофдагилар билан бир мунча яхши муносабатда бўлиши ва таниш-билишлари ўртасида яхши фазилатли шахсларнинг мавжудлигини эътиборга олган ҳолда профилактика ишларини йўлга қўйиш кутилган натижани бериши мумкин. Бу эса рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ижобий натижаларга олиб келади.

Шу ўринда беқарор рецидивистлар томонидан такроран жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи баъзи омиллар хусусида ҳам тўхталиш лозим. Жумладан шахслар ўртасида узоқ давом этаётган ўзаро низо ва қарама-қаршиликлар, жазони ўтаб бўлганидан сўнг озодликдаги муҳитга кўника олмаслик ва бошқалар. Шундан келиб чиққан ҳолда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш, бу каби жиноятчилар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олишга ёрдам беради.

Учинчи тип рецидивистлар *тушкунлик типидagi рецидивистлардир*. Уларни аввалги икки типдаги рецидивистларнинг якуний натижаси деб қараш мумкин. Ушбу типдаги рецидивистларга тўрт ва ундан кўп марта судланганлик тўғри келади. Уларнинг кўпчилиги кекса, яъни ёши қирқдан ошган бўлади.

Тушкунлик типидagi жиноятчиларнинг жиноят содир этиши ичкилик билан боғлиқ ҳолда оддий усуллар орқали амалга оширилади. Кўп ҳолларда мақсад фақат кўнгилхушлик учун пул топишдан иборат бўлади. Шунингдек, жиноятлар асосан вазият тақозосига кўра содир этилади, аввалдан пухта режалаштирилмайди. Бундай ҳолатлар муқим ишламаслик ва маъмурий назорат талабларини бузиш асосида келиб чиқади.

Тушкунлик типидagi рецидивистлар шахсиятида ишончсизлик, умидсизлик ва маънавий дунёқарашида бефарқлик юзага келади, қонунларни ҳурмат қилмаслик, жамиятга ҳурматсизлик каби салбий хислатлар учрайди. Оилавий шароити ва меҳнатга бўлган муносабатида ўз ўрнини топа олмайдилар. Шу боис очикдан-очик фойдали меҳнатдан бўйин товлайдилар. Рецидивист шахслар кайфиятида учрайдиган бундай ҳолатлар, оз бўлса-да, жамият учун мунтазам равишда хавф туғдирishi мумкин.

Шунинг учун ҳам уларга нисбатан умумий, шунингдек, махсус профилактика чораларини доимий равишда қўллаш лозим. Чунки улар кўп ҳолда ўғрилиқ, қароқчилик, талончилик жиноятларини кутилмаганда содир этишлари мумкин.

Энг муҳими, бундай шахслар билан профилактика ишларини олиб боришда фақат жазолаш эмас, балки ишонтириш методларини ҳам қўллаш кўзланган мақсадни бериши мумкин. Масалан, ичкиликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлганларни даволаш ва шу каби бошқа ижтимоий ёрдамлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Рецидивист жинойтчиларнинг биз кўриб чиққан типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш, биринчидан, криминологияда жинойтчиларнинг шахси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг самарали бўлишига ёрдам берса, иккинчидан, жинойтчиликнинг олдини олишда зарур чора-тадбирларни аниқ амалга оширишга имкон яратади.

3-§. Рецидив жинойтчиликнинг сабаб ва шароитлари

Ҳар бир ижтимоий жамиятда рецидив жинойтларнинг юзага келиши маълум сабаб ва омиллар таъсирда кечади. Ҳар қандай ҳолатда умумий жинойтчиликнинг сабаб ва шароитлари бўлганидек, айнан рецидив жинойтларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳам мавжуд бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рецидив жинойтларнинг бошқа жинойтларнинг содир этилишидан фарқли равишда, алоҳида ўзига хос сабаблари мавжуд деб ҳисобламаслик лозим. Аксинча, рецидив жинойтларнинг юзага келишига шарт-шароит яратувчи айрим муҳит мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик орқали хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Рецидивистнинг дунёқарашида жамиятда амалда бўлган ҳуқуқий муносабатларга бўлган салбий қарашларнинг юзага келиши икки, яъни субъектив ва объектив омиллар орқали кечади.

Субъектив омиллар жумласига рецидивист шахсига хос бўлган (жинси, ёши, маълумоти, шахсий хислатлари) хусусиятлар кирса, объектив омил сифатида жамиятда мавжуд бўлган ташкилий, тарбиявий, ҳуқуқий йўналишлардаги камчиликларни эътироф этиш мумкин.

Рецидив жинойтларнинг юзага келишида табиийки, жинойт ва жинойтчи шахс ўртасидаги узвий боғлиқликни назардан четда қолдирмаслик зарур. Рецидивистнинг жинойт содир этишига нафақат мавжуд муҳит, балки унинг шахсиятида мавжуд бўлган салбий хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, рецидивист жинойтчини чуқур ўрганиш учун аввало унинг шахси ва бутун босиб ўтган ҳаётини атрофлича таҳлил этиш лозим. Ушбу жинойтчилар шахсининг шаклланишида субъектив муҳит муҳим ўрин тутади.

Объектив омиллар жумласига кирувчи турли ҳолатлар эса рецидив жиноятлар содир этилишида асосий, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зеро, объектив омиллар фақат муқаддам судланганлар ҳаёт тарзи, айниқса, озодликдан маҳрум этилганлиги билан бевосита боғланганлигини кўриш мумкин.

Рецидив жиноятчиликнинг юзага келиши ёки келмаслиги шахснинг жазони ижро этиш вақтида ва жазони ўтаб қайтгандан сўнг ижтимоий кўникмаларини шакллантириш билан узвий боғлиқ. Булар қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади: 1) маҳкумлар жазони ўтаб бўлганларидан сўнг мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳаётга маънавий-руҳий томондан тайёр эмаслиги; 2) ишга жойлашиш жараёнида катта қийинчиликларга дуч келиши; 3) маиший турмуш қулайликларининг яратилмаганлиги; 4) жазо ўташ мобайнида яқин қариндошлари билан алоқаларининг йўқолганлиги; 5) озодликда яшашдаги ҳаётий кўникмаларнинг йўқолганлиги (кийим-кечак, рўзғор тутиш, маошни зарур ишлар учун тақсимлашни билмаслик кабилар). Санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш шахсни тўғри йўлга бошлашга ёрдам беришини эътиборга олиш лозим.

Умуман олганда, рецидив жиноятларнинг содир бўлишига таъсир этувчи объектив омил қандай ифодаланиши лозим? Ушбу омилларни санаб ўтишда дастлаб жазони ижро этишдаги айрим нуқсонларни эътиборга олиш жоиздир.

Биринчидан, жазони ўташ жараёнида шахс руҳиятига таъсир қилувчи айрим салбий омилларнинг мавжудлиги. Бу асосан озодликдан маҳрум этиш каби жазони ижро этишда кўпроқ кузатилади. Ушбу жараёнда маҳкум оддий турмуш тарзидан узоқлашади, ижтимоий фойдали алоқалардан узилиб қолади, жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд яшаш тарзига кўникиб қолади ва жазони ўтаб, озодликка чиққанидан сўнг ижтимоий кўникма ҳосил қилишга қийналади ва ҳоказо.

Жамиятдан ажралган ҳолда яшаш шахснинг ижтимоий фаоллигини сусайтиради ва мослашишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис улар озодликка чиққанидан сўнг турмуш қийинчиликларини енга олмайдилар ва олдинги ҳаёт тарзига қайтиш истагида бўладилар.

Иккинчидан, қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги ва замон талабига жавоб бермаслиги ҳамда қонун талабларида жамият эҳтиёжларини тўлиқ акс эттира оладиган нормаларнинг йўқлиги ҳам жазони ижро этишда зарур натижаларни бермаслиги мумкин.

Учинчидан, жазони ижро этишни ташкил этишдаги хато ва камчиликларнинг мавжудлигидир. Жазонинг асосий мақсади адашган шахсни тўғри йўлга солишдир. Шунинг учун қонунчилик ва суд амалиётида жамият тараққиётига мос келадиган жазолар яратилиб, ҳаётга жорий эти-

лиши лозим. Жазодан мақсад нафақат шахсни маълум бир даврга ҳуқуқларидан чеклаш, балки ушбу чекланишлар орқали тарбиялашни ҳам ҳисобга олмоғи лозим.

Тўртинчидан, жазони ижро этиш муассасаларида тарбиянинг самарали усул ва воситаларини етарли даражада қўлламаслик оқибатида рецидив жиноятларнинг юзага келиши. Тўғри, жазони ижро этиш муассасаларида шахснинг шаклланишига таъсир этувчи турли тарбиявий усул ва воситалар жорий этилади. Бироқ, шу ўринда, маҳкумга атрофдагиларнинг салбий таъсирини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шу билан бирга, маҳкумларнинг дунёқарашини шакллантиришда жазони ижро этиш қонунчилигидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши зарур ва шу орқали маҳкумларнинг меҳнат шароитини ёмон ташкил этиш, қониқарсиз тарбия олиб бориш, қонунда белгиланмаган таъсир чораларини қўллаш каби ҳолатлар рўй беришининг олдини олиш мумкин.

Жазони ижро этиш жараёнидаги камчиликлардан ташқари, маҳкумнинг жазони ўтаб озодликка чиққанидан сўнг ижтимоий кўникма ҳосил қилиш жараёнидаги камчиликларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Кўп ҳолларда озодликка чиққан шахслар маиший турмуш, ишлаб чиқариш жараёнига киришиб кетишларида қийинчиликларга дучор бўладилар ва оқибатда оила ҳамда жамоадан яққаланиб яна жиноят йўлига кириб кетадилар. Бу жараён бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айниқса қийин кечади. Юқоридаги камчиликлар бу борада зарур бўлган ва давлат томонидан ишлаб чиқиладиган махсус назорат-бошқарув тизимини ташкил этилишини тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар вазирлиги тизимида вояга етмаганларнинг ижтимоий кўникмасини амалга оширишда фаолият кўрсатувчи бўлинмалар ташкил этилганлигини кўрсатиш мумкин.

Рецидив жиноятчиликнинг юзага келишидаги яна бир муҳим ҳолат, бу жазони ижро этиб озодликка чиққан шахснинг турли жинойий гуруҳлар ёки оддий ҳолларда жиноятчи шахслар таъсирига тушиб қолишидир. Бу ҳолатнинг юзага келишига эса ҳуқуқ-тартибот органларининг қонунда белгиланган тартибда зарур профилактика чораларини қўлламаслиги ҳамда бу борада кенг жамоатчиликни жалб қилишда камчиликларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда.

Жазони ижро этиш муассасалари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш ўзаро мувофиқлаштирилмагани ва милиция идоралари таркибига кирувчи профилактика хизмати

фаолиятида аниқ мақсадга қаратилган ҳамкорликнинг йўқлиги ҳам рецидив жиноятларнинг кўпайишига сезиларли даражада таъсир этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ички ишлар органлари фаолиятида маъмурий назоратни ўрнатиш бўйича ташкилий ишларнинг сушт олиб борилиши озодликка чиққан маҳкумларни тўғри йўлга солишга салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, тегишли шахсларни тўлиқ маъмурий назоратга олмаслик ёки бу борада кечикиб фаолият кўрсатиш ҳамда маъмурий назорат қоидаларининг бажарилишини мунтазам равишда текширишни йўлга қўймаслик тарбия ишларининг таъсирини камайтиради.

Демак, озодликка чиққан шахслар ўртасида барча турдаги профилактика таъсир чораларини комплекс тарзда қўллаш ва маъмурий назорат талабларининг бажарилишини таъминлаш рецидив жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

4-§. Рецидив жиноятларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар тизими

Рецидив жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик ҳар бир жамиятда амалга ошириладиган ижтимоий профилактик чора-тадбирларнинг узвий қисми ҳисобланади.

Рецидив жиноятларнинг олдини олиш, биз юқорида кўриб чиққанимиздек, ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам криминология назариётида ушбу фаолиятга алоҳида эътибор қаратилади ва доимий равишда тадқиқотлар олиб борилади. Рецидив жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлган умумий, махсус ва яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалий жиҳатдан такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Рецидив жиноятлар ва уларнинг юзага келишига таъсир этувчи турли омилларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг олдини олишни ташкил этишдаги ўзига хос муаммолар ушбу масаланинг қанчалик долзарб эканлигини англатади. Зеро, содир этилган жиноят учун жазоланган шахсни яна жиноят йўлига кирмаслигининг олдини олиш нафақат жиноятчиликнинг олдини олишдаги, балки ижтимоий ҳаётдаги долзарб муаммо эканлиги илмий-назарий жиҳатдан ўз исботини топган, дейишга тўлиқ асослар мавжуд. Бундан кўзланган асосий мақсад умуман жиноятчиликнинг олдини олиш билан бирга, жиноят содир этган шахснинг такроран жиноят содир этмаслигини ва шу орқали давлат томонидан қўлланиши мумкин бўлган жазонинг қўлланмаслигини таъминлашдан ҳам иборатдир. Чунки шахс манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатидаги энг олий мақсад эканлигини эсда тутиш зарур.

Ҳеч шубҳа йўқки, рецидив жиноятларнинг олдини олишдан асосий мақсад, жиноят йўлига кирган шахсни тўғри йўлга солишдир. Ушбу мақсадга эришиш эса жазони тайинлаш ва ижро этишда қулайлик туғдирувчи тизим орқали иш кўришни тақозо этади.

Ушбу тизимнинг энг муҳим бўғини – жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий ишларни замонавий педагогика ютуқларига таянган ҳолда йўлга қўйишдан иборат. Бу жараённинг асосий мақсади маҳкумлар дунёқарабини ижтимоий яшаш қоидаларига мос равишда шакллантириш, қонунга ҳурмат ва ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбиялаш ҳамда жамиятда ўзини тутишга масъулият билан ёндашиш каби хислатларни юзага келтиришдан иборат.

Жазони ижро этиш муассасаларда ўрнатилган тартиб-интизом, ўқиш ва тарбия ишлари эса ушбу мақсадга эришишда зарурий шарт ҳисобланади.

Рецидив жиноятларнинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим жараён – маҳкумларни янги ҳаётга тайёрлаш жараёни. Бу жараён давомида маҳкумлар билан келгуси ҳаётини йўлга қўйиш хусусида суҳбатлар ўтказиш ва ушбу суҳбатлар орқали уларнинг қаерда меҳнат қилиши, қандай фаолият билан шуғулланиши мумкинлигини аниқлаш лозим. Айнан шундай суҳбатлар натижасида маҳкумни тўғри йўлга кирганлиги ёки ҳамон ғайриижтимоий фикрда эканлигини аниқлаб, хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Янги ҳаёт тарзига қайтиш бўсағасида турган ва ўз яшаш жойига қайтишни хоҳламайдиган ногиронлар, кекса ёшдагилар, вояга етмаганлар, алоҳида хавфли рецидивистлар, уч ёки ундан кўп марта қасддан жиноят содир этган ва маъмурий назорат ўрнатилиши лозим бўлган шахслар, ўз жинсий мақсадларидан очиқдан-очиқ қайтишни истамаётган маҳкумлар назоратга олиниши ва улар билан алоҳида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш талаб этилади. Агар ушбу маҳкумлар ёрдамга муҳтож эмасликларини билдирган тақдирда ҳам зарур даражада маънавий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш иш самарасини оширишга имкон беради.

Жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ҳулқи, салбий ва ижобий хислатларини билдирувчи маълумотномалар тегишли тарзда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилиши керак. Бундай маълумотларга шахслар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини олиб боришда катта аҳамиятга эга.

Жазони ўтаб озодликка чиққан шахслар ўзлари истиқомат қилган жойларига келишгач, профилактика инспекторлари уларнинг яшашлари, машғулотлари ва мақсадлари билан яқиндан танишиб, зарур бўлган

ёрдамни кўрсатишлари керак. Табиийки, бундай йўл тутиш, ўз моҳиятига кўра инсонпарварлик белгисидир. Умумий профилактика чоралари орқали фаолият кўрсатувчи ички ишлар органлари махсус, яъни якка тартибдаги профилактика чораларини ҳам ёнма-ён олиб боришлари лозим. Якка тартибда профилактика ишларини олиб бориш профилактика инспекторлари томонидан жиноятни такроран содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Такроран жиноят йўлига кирган шахслар содир этадиган жиноятларнинг ижтимоий хавфи эса юқори бўлиши мумкин.

Албатта, такроран жиноят содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш жазони ижро этиш муассасалари, жиноят кидирув аппаратлари, профилактика инспекторлари, жамоат тартибини сақлаш хизматининг барча тармоқларини ҳамкорликда иш олиб боришларини талаб этади.

Жазони ижро этишдан бошлаб то оддий турмуш тарзига кўникма ҳосил қилишигача бўлган даврда шахс маълум бир шаклланиш жараёнини бошдан кечиради. Айнан ушбу жараён натижасида шаклланган шахсни атрофлича ўрганиш барча турдаги профилактика таъсир чораларини қўллашда катта аҳамиятга эга.

Жазони ўтаб қайтган шахслар билан иш ва яшаш жойларида ўтказиладиган профилактика ишлари билан бир, қаторда рецидив жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Маълумки, бундай сабаб ва шароитлар шахснинг дам олиши ёки бўш вақтини нималарга сарфлаши билан узвий боғлиқдир. Чунки муқаддам судланганлар жиноятга даъват қилувчи шахслар билан танишишлари, ичкилик ёки гиёҳвандликка ружу қўйишлари, қиморбозлик ёки ахлоқан бузуқ муҳитга тушиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам муқаддам судланганлар бўш вақтларини қандай ўтказаяётганликлари доимий диққат марказида бўлиши тақозо этилади.

Рецидив жиноятларнинг олдини олишда очик тарздаги маъмурий назорат ўрнатиш ҳам катта аҳамиятга эга. Маъмурий назорат орқали жазони ўтаб қайтган шахсларга таъсир ўтказиш бир қатор салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олади.

Ички ишлар ва давлатнинг бошқа бир қатор бошқарув органлари амалга оширадиган ва мажбурий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маъмурий назорат ишларини юритиш қонунда белгиланганидек, фақат алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан жорий этилади. Маъмурий назорат ўрнатишдан асосий мақсад эса такроран жиноят содир этилмаслигини таъминлашдан иборат, шунингдек, шахснинг кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқий манфаатларига зид бўлмаслигини ҳам талаб этади. Энг

муҳими, шахснинг яшаш, иш жойида, оиласида ҳамда ўқиш жойидаги обрўйига таъсир этмаслигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Рецидив жиноятларининг олдини олиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланувчи маъмурий назорат жараёнида жорий этиладиган чеклашлар билан қаноатланмаслик лозим. Ҳар бир чеклаш ёки қўйилган ҳар бир талаб албатта тарбиявий ишлар, тушунтириш, ёрдам кўрсатиш каби чоралар билан биргаликда олиб борилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Рецидив жиноятларининг олдини олиш амалиёти таҳлилидан маълум бўладики, маъмурий назорат озодликка чиқарилган шахслар билан ишлашда самарали натижалар беради. Ишнинг самарадорлигини янада ошириш учун ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари ва жазони ижро этиш муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

Тегишли хизмат соҳалари томонидан қонунлар ва норматив ҳужжатлар талабларининг етарли даражада бажарилмаслиги бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, баъзан ички ишлар органлари томонидан шахснинг ижтимоий кўникмасини шакллантиришда етарли эътибор қаратилмайди. Масалан, ўз яшаш жойида рўйхатдан ўтган 35,7 % гина шахсларга зарур ёрдам кўрсатилган, 54,2 % шахсларга асоссиз равишда ёрдам кўрсатилмаган, 4,2 % озодликка чиққанлар эса умуман рўйхатдан ўтмай яшаганлар. Айнан шунинг оқибатида 17,3 % муқаддам судланган шахслар яшаш жойида рўйхатдан ўтмаганликлари учун ишга жойлаша олмаганлар, 10,5 % шахсларнинг ҳунари бўлмаганлиги, 12,6 % шахслар фойдали меҳнатдан бўйин товлаганликлари, 27,3 % шахслар эса ўз ҳунар ва касбларига мос иш топа олмаганликлари учун ишга жойлаша олмаганлар.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлган шахсларнинг тўғри йўлга кирганлигини кўрсатувчи натижа уларнинг ижтимоий кўникма ҳосил қилганлигидир. Чунки шахс жазони ижро этиш муассасасида ўрнатилган тартиб ва қоидалардан фарқли ўлароқ, янги турмуш тарзига қайтади. Табиийки, бундай вазиятларда оддий турмуш тарзига мослашиш ҳам жисмонан, ҳам руҳан қийин кечади. Руҳан кўникиш эса шахснинг аввалги одатлари, хислатлари ва сифатларини қайтадан шаклланишини ўз ичига олади.

Тўғри, жазони ўтаб озодликка чиққан шахснинг келгусида ҳаёт йўлини тўғри танлаши учун тавсия беришда у яшаши лозим бўлган муҳитни инобатга олиш ва қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда маслаҳат бериш лозим. Биринчидан, озодликка чиқаётган шахс қандай муҳитга

боради, иккинчидан, ижтимоий муҳит унга қандай қулайлик ёки қийинчиликлар туғдириши мумкин, учинчидан, ўзи мустақил тарзда қайси йўлни танлайди.

Ушбу ҳолатлар бўйича шахс берган жавоблар асосида унинг ижтимоий мослашиши қандай кечиши хусусида тахминий хулоса чиқариш мумкин. Албатта, ушбу хулосалар асосида аниқ башорат қилиш қийин, лекин шахснинг ҳуқуқий талабларни бажариши лозимлигини инобатга олиб иш кўриш такроран жиноят содир этиш даражасини камайтириши мумкин.

Шахснинг ижтимоий кўникиши учун бир қатор объектив сабаблар ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, шахс қайси турдаги жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаганлиги. Айтайлик, шахс алоҳида турдаги жазони ўташ муассасасида жазони ўтаган бўлса, умумий турдаги жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаган шахсдан фарқли равишда оддий ҳаёт тарзига қийинчилик билан кўникма ҳосил қилади. Шунингдек, шахс қанчалик кўп муддатда жазони ўтаган бўлса ҳам бу жараён қийин кечади. Бу, рецидив жиноятлар фақат алоҳида турдаги жазони ўташ муассасаларида ёки қамокда жазони ўтаганлар орасида кўп учрайди, дегани эмас. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, 45 % рецидивистлар жазони умумий турдаги колонияларда ўтаганликлари аниқланган, уларнинг қарийб 74 % бор-йўғи уч йилгача муҳлатда жазони ўтаганлар. Юқорида келтирилганлардан рецидив жиноятлар жазони ижро этилишининг ўзига хос табиати билан узвий боғланганлигини кўриш мумкин.

Жиноятчи шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсий йиғмажилдлари тадқиқоти ва таҳлилининг кўрсатишича, жиноятчилик кўп ҳолларда айрим шахсларнинг яшаш манбаи ҳисобланган. Шу боис жиноятчиликни касб қилиб олиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Бунга йўл қўйишда жамиятнинг ҳам маълум миқдорда айби бор, дейиш мумкин. Зеро, жамиятда шахснинг ҳуқуқий ҳимояси ёки иш билан таъминлаш талаб даражасида бўлмаслиги жиноятчиликнинг ошишига олиб келади.

Сир эмаски, жазони ўтаб озодликка чиққан шахс албатта ёрдамга муҳтож бўлади ва бу масалага давлат ҳамда жамоатчилик масъулият билан ёндашмоғи лозим¹².

Ушбу ҳолат илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда 14,7 % шахсларга меҳнат жамоаларида ишонмаслик, 17,3 % шахсларнинг маъмурият билан ўзаро низолари бўлганлиги, 18,4 % ҳолатда иш ҳақи-

¹² Каранг: *Инагамов Ш. Х.* Наказание отбыто. Как жить дальше? – М., 1990. – С. 29.

нинг камлиги, 12 % иш ўринларини қисқартирилиши каби вазиятларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, рецидив жиноятларнинг келиб чиқмаслигини таъминлаш йўлидаги мақсадга эришиш учун илмий асосланган тизимни такомиллаштириб бориш ва, энг муҳими, рецидив жиноятларга йўл қўймасликни таъминловчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонун ҳужжатларини мазмунан бойитиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Рецидив жиноятчиликнинг криминологик кўрсаткичларини очиб беринг.
2. Рецидивист шахсининг ижтимоий-демографик хусусиятларини санаб ўтинг.
3. Рецидив жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари нималардан иборат?
4. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган умумий ва яқка тартибдаги профилактика ишларида қандай чора-тадбирлар қўлланилади?

XI боб

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Вояга етмаган шахслар жиноятчилигининг умумий ҳолати, динамикаси ва сабаблари

Жиноятчиликка қарши курашнинг таркибий қисми бўлган вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик давлатнинг жинойий-ҳуқуқий йўналишдаги сиёсатида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам бу муаммони давлат сиёсати даражасида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш тўғри маънодаги ижтимоий-сиёсий муаммодир.

Тўғри, Ўзбекистонда вояга етмаганлар содир этаётган жиноятлар умумий миқдорда камайиши кузатилаётган бўлса-да, барча тоифадаги жиноятларнинг умумий миқдорида эса бу кўрсаткич ўзгармай қолаётганлигини кўриш мумкин. Демак, вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш муаммоси мавжуд ва уларнинг олдини олишда илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалий жиҳатдан зарур профилактик чора-тадбирларни қўллаш бугунги куннинг талабидир.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятлар динамикаси умумий ҳолатининг таҳлил этишда, биринчидан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг ўзаро боғлиқлигига, иккинчидан, вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг криминология нуқтаи назаридан таркибига, ғаразли мақсадлари нималарга қаратилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳар бирини аниқ ифодалаш криминологияда катта аҳамиятга эга. Чунки вояга етмаганлар – 14–17 ва ёшлар – 18–29 ёшдаги шахсларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Ўз навбатида, ҳар икки гуруҳга мансуб шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг таҳлили ҳам жиноятчиликнинг умумий «манзарасини» аниқлаш ва тўғри хулоса чиқаришга имкон беради.

Масалан, ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнида содир этилаётган барча жиноятларнинг сал кам 57 % 14–29 ёшгача бўлган шахсларга тўғри келмоқда. Бу ачинарли ҳол, албатта, бироқ жиноят оламининг «ёшариши» нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида юзага келаётган иллат эканлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим.

Шу ўринда катта ёшдаги шахсларнинг жиноят содир этиш «тажрибаси» ёшлар ўртасида ёйилишини ҳам эътиборга олиш керак. Зотан, бу муаммони ечишда криминологияда мавжуд бўлган илмий тавсиялар ва назарий хулосаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Криминология нуқтаи назаридан ва назарий жиҳатдан эътироф этилишича, вояга етмаган шахслар содир этадиган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг бошланиш босқичидир. Ёш жиҳатидан бошқа турдаги жиноятчилар шахсига хос хусусиятларни мавжудлиги (жиноятчиларнинг ёши хусусида биз тўхталиб ўтган бобга қаранг) алоҳида хавфли бўлган вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқаради.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг катта ёшдагилар томонидан содир этиладиган жиноятларга нисбатан таъсир доираси жинойий тажовуз йўналишининг турларига кўра ўзгариб туриш хусусиятига эга. Масалан, вояга етмаганлар қасддан содир этадиган умумий турдаги жиноятларнинг ёшлар ва катта ёшдаги жиноятчи шахслар қасддан содир этадиган жиноятлар билан яқин бўлиб, куч ишлатиш йўли билан содир этиладиган жиноятлардан фарқли равишда, кучли боғланишга эга. Аксинча, вояга етмаганлар томонидан куч ишлатиш билан содир этиладиган жиноятлар катта ёшдагилар томонидан содир этиладиган шу турдаги жиноятлар билан суст боғланишда бўлади, бунинг сабаби куч ишлатиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир бўлиши турмушнинг турли йўналишларида рўй бериши мумкин.

Куч ишлатиш ёки зўравонлик жиноятларини содир этилиши вояга етмаганлар ичида асосан дам олиш пайтларида содир этилса, катта ёшдаги шахсларда маиший турмушда ёки жиноятчиликни касб қилиб олган шахслар ўртасида учраши кузатилади.

Яқин беш-ўн йил давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлардан кўзланган асосий мақсад – ўз интилишлари ва эҳтиёжларини (айниқса, моддий манфаатдорлик) қондириш, катта ёшдагилар қарамоғида бўлмаслик, мустақил ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун содир этилаётганлигини ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда вояга етмаганлар катта ёшдаги жиноятчилар таъсиридан чиқиб, ўзлари мустақил ва жамият учун ўта оғир жиноятлар қилишга

қодир жиноий гуруҳларга бирлашаётганлигининг миқдори ошганлиги ҳам кузатилмоқда.

Энг хавфлиси, вояга етмаганлар ва ёшларнинг жиноят содир этишда бирлашиши жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келмоқда. Жиноятчиликнинг «ёшариши» жиноятларни содир этилишида ёш болалар ва ўспиринлар иштирокининг ортганлигидадир.

Жиноят содир этишда «Таваккал қилувчи» гуруҳлар тоифасидаги ёшларда ашаддийлик кучаймоқда, дейиш мумкин. Таваккалчи гуруҳлар сафи асосан ишсизлар, майда тадбиркорлик билан шуғулланувчи ўспирин ёшлар, жазони ўтаб қайтган вояга етмаганлар, ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар ёки кам таъминланган ва ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган кимсалар ҳисобига кенгаймоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшларни жиноят йўлига киришида хуфиёна ишлаб чиқариш ҳам салбий таъсир этаётгани ачинарли ҳол. Бироқ хуфиёна ишлаб чиқаришда вояга етмаганлар ва ёшлар энг қуйи ижрочилар сифатида жалб қилинадилар. Катта ёшдаги жиноятчилар бундай вазиятларда ёш жиноятчиларни доимий равишда кузатадилар ва «етилган ёшларни» ўз жиноий гуруҳларига қўшиб олишга ҳаракат қиладилар. Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг таркиби ва ғаразли мақсадлари нималарга қаратилганлигини билиш ҳамда уларни криминология нуқтаи назаридан тавсифлаш катта аҳамиятга эга.

Криминологияда вояга етмаган шахслар содир этадиган жиноятларнинг таркибига кўра таҳлил этиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, асосан саккиз турдаги, яъни қасддан одам ўлдириш, қасддан тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, талончилик, босқинчилик, ўзгалар мулкини ўғирлаш, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ва безорилик жиноятлари бўйича таҳлилий ишлар амалга оширилади.

Илгари фақат катта ёшдаги жиноятчиларга хос бўлган қонунга хилоф равишда қурол-яроғ ва наркотик моддаларни сотиш, фоҳишахоналар сақлаш, қўшмачилик қилиш, чет эл фуқаролари ва тадбиркорларга талончилик ҳужумларини уюштириш, гаровга олиш, тамагирлик қилиш, турли қийноқ усуллари билан жабрдийдаларнинг ҳаёти ва саломатлигига тажовуз қилиш, фирибгарлик орқали валюта ва қимматбаҳо қоғозларни муомалага киритиш, компьютерлардан ахборот олиш, ўғирланган мулкни сотиш, қиморбозлик каби жиноятларнинг вояга етмаганлар содир этишлари ошган.

Ҳозирги шароитда куч ишлатиш ва ғаразли мақсадларда қасддан жиноят содир этилишини криминология нуқтаи назаридан қандай баҳолаш мумкин ва бунда ушбу жиноятларнинг нафақат турлари, балки қасдига кўра мувозанатини аниқлашда нималар инобатга олиниши лозим,

деган саволга жавоб топиш ғоят муҳимдир. Ушбу мувозанатни аниқлаш учун криминологияда барча статистик кўрсаткичлар учта гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил этилади.

Булар куч ишлатиш асосида содир этиладиган жиноятлар, ғаразли мақсадларда содир этилувчи ва ғаразли мақсадлар ҳамда куч ишлатиш орқасида содир этиладиган жиноятларга хос гуруҳлардир. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни қасднинг шаклига қараб бир тизимга киритишга бўлган уринишларни келтириш мумкин. Масалан, қасддан ғаразли мақсадда, қасддан раҳмсизларча, жинсий восвослик (маньяк), ўз манфаатларидан келиб чиқиш, ўзига бино қўйиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Бироқ суд статистикасида қасд шакллариининг қайд этилмаслиги инобатга олинадиган бўлса, бундай тизимни яратиш қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам қасдни шаклига кўра тизимга киритиш орқали жиноятчиликни баҳолаш алоҳида ва маълум бир ҳолатларда ўтказилсагина яхши натижа бериши мумкинлигини эътиборга олиш керак.

Маълумки, ўсмирлар томонидан ўғирлик жиноятларини содир этилишида ғаразли мақсадлар ҳар уч ёки тўрт ишда такрорланади. Қолган ҳолатларда эса ғаразли мақсадлар ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гуруҳ аъзолари билан боғлиқлиги боис ўзини мажбурлаш ёки ёшлик туфайли ўз ҳаракатларига юзаки қараш орқали амалга оширилади.

Ғаразли мақсадларда қотиллик қилиш ва тан жароҳати етказиш XX асрнинг сўнгги йилларида (80-йилларида 15–20 % гача бўлса, 90-йилларида 25–40 % гача ошган) ўсиб борганлигини ҳам тадқиқотларда учратиш мумкин. Ўтказилган тадқиқотларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

а) вояга етмаганлар томонидан ғаразли мақсадларда жиноят содир этилиши аввалги йилларга нисбатан кўпаймоқда;

б) ушбу жиноятлар бошқа мақсадларда содир этиладиган жиноятлардан ортганлигини кўриш мумкин ва умумий кўрсаткичларнинг 35–40 % ни ташкил этади;

в) қасддан содир этиладиган жиноятларда ғаразли мақсадлар, асосан, буюмлар, хориж ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган техника воситалари, камёб кийим-кечаклар, валюта, қимматбаҳо қоғозлар, олтин, кумуш кабиларга йўналтирилган бўлади.

Ғаразли мақсадларда ва, умуман, қасддан содир этиладиган жиноятларнинг аниқ турлари ҳам мавжуд ва улар иқтисодий қийинчиликлар, аҳолининг моддий томондан кам таъминланган қатламнинг кўпайиши ва шахс ўзининг доимий маиший қулайликлари йўқолишига ишонч ҳосил қилган ҳолларда юзага келади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ишти-рокчилик асосида, гуруҳ бўлиб содир этилади. Бу вояга етмаганларни табиатига хос ҳолат ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда ёш ўсмирлар томонидан якка тарзда фаол амалга ошириладиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам жамият учун катта хавф туғдириши мумкин. Агар жиноятларга қарши кураш олиб бориш нуқтаи назаридан ёндашилса, гуруҳий ёки уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдан кўра, якка тарзда жиноят содир этувчиларни аниқлаш ва зарур чораларни қўллаш осон кечади. Шундай бўлса-да, гуруҳий жиноятлардан жамиятга кўпроқ зарар келишини ҳам ёдда тутиш лозим.

Вояга етмаганлар томонидан гуруҳ бўлиб жиноят содир этилишига хос бўлган шафқатсизлик, тезлик оқибатида жамиятга катта маънавий зарар етказилади. Зеро, жиноят содир этишдаги норасмий уюшишнинг тез ва осон кечиши, гуруҳий муносабатлардаги кўникма, жанжал чиқаришга монелик, ўз хоҳишига кўра иш тутиш (ўзбошимчалик), бетакрор ва ягона қилиқлар қилишга интилиш, ўзига хос вазиятларда ғоявий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан вояга етмаганларда ишончнинг йўқлиги ҳолатлари қисқа давр ичида жамият учун хавфли қилмишларни беқиёс даражада бўлишига олиб келади. Ўз навбатида, катта ёшдагилар томонидан жиноят содир этилишида бундай ҳолатлар кузатилмайди.

Жиноятларнинг умумий кўрсаткичларида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар катта ёшдагиларга нисбатан бир яримдан беш мартагача кўп эканлигини (жиноятларнинг тури ва уларнинг ҳудудий тарқалганлик ҳолатларига кўра) кўриш мумкин.

Шунингдек, 14 ёшлилар томонидан гуруҳий жиноятларни содир этиш, 17 ёшлиларга нисбатан кўпдир. Вояга етмаганлар томонидан гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш ўғирлик, талончилик, босқинчилик, номусга тегиш каби жиноятларда кўпроқ учраса, қасддан одам ўлдириш ва қасддан оғир тар жароҳати етказилишда камроқ бўлади.

Вояга етмаганларнинг гуруҳий бирлашуви бекарордир ва шунинг учун ҳам маълум бир даврда фаолият кўрсатади ва ўз фаолиятини тўхтатади.

Баъзида вояга етмаганлар томонидан гуруҳга уюшганлик ўз мақсадига кўра, узоқ муддатга фаолият кўрсатишга мўлжаллангани боис зарур профилактика чора таъсирида барҳам топиши мумкинлигини унутмаслик зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда вояга етмаганларнинг жиноий гуруҳларга бирлашиши сезиларли даражада ошганлиги кузатилмоқда. Бундай гуруҳларнинг қарийб бешдан учтасида турли ёшдаги кимсалар-

нинг иштирок этиши уларнинг хавфлилигини оширмоқда. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган умумий жиноятларнинг ярмидан кўпи бир неча бор жиноят қилиб, тажриба орттирганини ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, ушбу жиноятларнинг содир этилиши рецидив сифатида мулкка нисбатан қаратилгандир. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашни йўлга қўйиш ўз-ўзидан энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларида вояга етмаганлар жиноят содир этадиган жойлар асосан турар жойлар ва унинг атроф бўлса, ҳозирга келиб жиноятлар турли жойларда жойлашган дам олиш масканларида ҳам содир этилмоқда. Яъни ўз яшаш жойидан узок жойларга бориш ва ўша жойларда жиноят содир этиш кўплаб кузатилмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар фақат кўча жиноятларидан иборат деб тасаввур қилинади. Аммо, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни оилада, ўқиш ёки иш, шунингдек, ўзгаларнинг яшаш жойларида, темир йўл транспортларида, ётоқхоналарда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Айрим ҳолатлар бўйича кузатув ва тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, хонадонлар ёки ташландиқ жойларда вояга етмаганлар томонидан ҳар учтадан бир номусга тегиш, ҳар ўнтадан бир безорилик жиноятлари содир этилмоқда. Иш ёки ўқиш жойларидаги ҳудуд ҳамда биноларда эса ҳар ўн жиноятнинг саккиз-тўққизтаси содир этилаётганлигини кўриш мумкин (асосан, ўғрилиқ ва безорилик).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, вояга етмаган шахслар содир этадиган жиноятлар турли вақтларга тўғри келади. Жумладан, барча жиноятларнинг ярми соат 22 ларга тўғри келса, учдан бири иш ва ўқиш соатларига тўғри келади. Шунингдек, ўқиш ёки ишдан қайтиш вақтида ҳам айнан шундай кўрсаткичлар қайд этилган. Иш ёки дам олиш кунлари ва байрам арафасида содир этиладиган жиноятлар миқдорига кўра бири-бирига яқин туради. Баъзи мавсумий тадбирлар амалга оширилишида ҳам вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар сони ошади. Масалан, ҳосил йиғим-теримига оммавий чиқишда, шаҳар чети ва дам олиш боғларида, ўқувчиларнинг ёзги таътил пайтларида ва ҳоказо.

Йилнинг маълум бир вақтига нисбатан олинганда вояга етмаганлар томонидан турли жиноятлар содир этилиши асосан май-ноябрь ойларига тўғри келади.

Демак, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда унинг таркибан шаклланиши ва асосий кўрсаткич-

ларини доимий равишда назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

2-§. Вояга етмаган жиноятчилар шахсининг криминологик тавсифи

Вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан билиш ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш криминология фанида алоҳида ўрин тутади. Чунки ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг шахсини илмий жиҳатдан билмаслик, улар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашни самарали ташкил этишга имкон бермайди.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсий хусусиятларини ўрганишда уларнинг жинси, ёши, ижтимоий бандлигини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Шахсининг ўзига хос хусусиятлари бир қатор ижтимоий-табiiй фанлар доирасида ўз эҳтиёжлари нуқтаи назаридан етарлича ўрганилган, дейиш мумкин. Бу эса криминологияда айнан жиноятга дахлдор бўлган вояга етмаганларнинг шахсини ўрганишда назарий манба бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Шунингдек, криминологияда шахс ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ижтимоий-табiiй фанлар томонидан яратилган тавсиялар асосида амалга оширилади (масалан, психология, педагогика, тиббiiй фанлар).

Вояга етмаган жиноятчиларнинг жинсига оид тадқиқотларда қуйидагиларни кўриш мумкин:

– ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг 90–95 % эркак жинсидаги шахслар бўлиб, шу ёшдаги аҳоли қатламининг кўпчилигини, яъни 48–52 % ни ташкил этади.

– вояга етмаган ва жиноят содир этган қизлар эса аҳолининг шу ёшдаги қатламига кирувчиларнинг 4–9 % ни ташкил этади. Ҳар икки жинсга тааллуқли вояга етмаган жиноятчиларнинг бу кўрсаткичлари мамлакатимизда кейинги ўн йил мобайнида бир хиллигича сақланиб қолмоқда;

– аёл жинсидаги вояга етмаганлар жиноятларида иштирок этувчиларнинг миқдори катта ёшдагилар томонидан жиноят содир этилишида қатнашишдан қарийб 3–4 марта камдир. Тўғри, вояга етмаган жиноятчи қизларнинг жинсий фаоллиги жиноят қонунчилигида белгиланган ёшгача ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, кейинги пайтларда қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар миқдори вояга етмаганлар жиноятлари таркибида 2–2,5 марта кўпайган. Жумладан, ҳар учта фоҳишадан иккитаси вояга етмаганлардир. Шунингдек, вояга етмаган қизлар

кўпчилик жиноятларнинг содир этилишида йўналтирувчи, ўғрилик, талончилик, тамагирлик, фирибгарлик, ҳатто одам ўлдириш жиноятларида эса иштирокчи сифатида қатнашганлар.

Вояга етмаган шахсларнинг жиноят содир этиши муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган мутахассисларнинг фикрича, ёш қизлар ўсмирларга нисбатан бошқача, яъни спиртли ичимлик ичмасдан, ёлғиз, кўчада эмас, балки яшаш биноларида жиноят содир этганлар. Улар содир этадиган жиноятлар очикдан-очик ва ваҳшиёна тарзда бўлмай, асосан яширин тарзда кечади. Кўп ҳолларда улар пул, буюм ёки тақинчоларни ўғирлашга мослашадилар. Ёшга нисбатан олинганда, кўпчилик жиноятлар асосан 16 ёшгача содир этилади, 14 ёшлилар орасида бу кўрсаткич айниқса юқоридир.

Содир этилаётган жиноятлар умумий миқдорининг 36–40 % ни 16 ёшга тўлмаган шахслар содир этади. Шунингдек, ҳар бир жиноят тури бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич ушбу ёшдагиларга тааллуқлидир. Бироқ давлат ва жамоат мулки, ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ўғирлаш каби жиноятларда баъзан 14 ёшдаги шахсларни ҳам кўриш мумкин. Автотранспорт воситаларини олиб қочиш ҳолатлари 17 ёшдагилар орасида кўпроқ кузатилади.

Кейинги пайтларда 14–15 ёшли ўспиринлар ичида номусга тегиш, талончилик, ўзгалар мулкани ўғирлаш жиноятлари ҳам кўпайган. Албатта, бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Биринчи галда маданий, маиший ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларнинг ёшлар руҳиятига ўзига хос таъсирдан келиб чиқиш лозим. Кейинги йилларда савдо-тижорат тармоқлари орқали шахсни зўравонликка, шафқатсизликка чорловчи турли суратлар, матбуот нашрлари, видеокассеталарни сотиш кенг йўлга қўйилди, бу эса вояга етмаганлар онгида салбий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Табиийки, бундай салбий омиллар шахснинг, айниқса, ёшларнинг шаклланишига ёмон таъсир этишини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий бандлиги, яъни касб, машғулот ёки умуман фойдали меҳнат билан шуғулланишини таҳлил этиш орқали бир қатор муаммоларни ечиш учун зарур бўлган асосларни илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ҳам криминология фани вазифалари доирасига киради.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий бандлигига кўра жиноят содир этишлари ёки шу йўлга киришларини аниқлаш криминологияда жуда муҳимдир. Зеро, ижтимоий бандлиги нуқтаи назаридан шахс маълум бир ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишда фаол бўлиши мумкин. Ушбу фаолликни даражасига кўра ажратиш эса йил сайин ўзига хос

тарзда шаклланиб бормоқда. Булар ишсизлар ва ўқимайдиганлар, иш билан банд бўлганлар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларининг талабалари каби тартибда шаклланган. Ҳозирги кунга нисбатан олинганда бундай тартибда ажратиш тўғридир. Бироқ баъзи ҳолатларнинг инобатга олиниши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Криминология нуқтаи назаридан санаб ўтилган тоифадаги (бандлигидан қатъи назар) вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлардаги фаолликни ошганлигини, асосан муқаддам мавжуд бўлган ва техникум, олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари каби яхши тоифа сифатида саналган қатламларга қиёсан эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ҳолатни вояга етмаганларни ҳозирги кундаги ижтимоий бандлиги билан боғлаш манзарани аниқ ифодаламайди.

Зотан, вояга етмаганларни ҳозирги ижтимоий бандлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, биз юқорида баён қилган тоифалар асосида, улар томонидан жиноятлар қай даражада содир этилаётганлигини ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, таълим тизимидаги ислохотлар асосида амалга оширилаётган тадбирлар бу борада яқиндан тадқиқот олиб борилишини тақозо этмоқда. Чунки тадқиқотлардан маълум бўлдики, замонавий лицей ва коллежларда таълим олаётган ўқувчилар сафида айрим жиноятларнинг камайганлигини кўриш мумкин.

Вояга етмаганларнинг шахсий хислатларини билиш профилактик чора-тадбирларни тўғри танлаш ва қўллашда катта аҳамият касб этади. Зеро, вояга етмаганларнинг жиноят йўлига киришига унинг шахсига хос бўлган салбий ёки ижобий хислатлари алоҳида ўрин тутаяди.

Шахснинг ўзига хос бўлган манфаатлари, эҳтиёжлари, асосий фаолият йўналишидаги ўзаро алоқаларида мавжуд салбий ҳолатлар унинг жамиятда ўз ўрнини топмаслигига ҳамда ўқиш ва меҳнат фаолиятида жамоа аъзолари билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашувига олиб келади.

Мактабда ўқиш жараёнида билим олиш даражасига кўра бошқа тенгдошларидан орқада қолувчи вояга етмаганлар миқдори 8–10 % ни ташкил этса-да, ўз хулқига кўра номуносибларининг ҳисоби беш-олти марта кўпчиликни ташкил этади. Бундай вояга етмаган шахсларнинг ўзига хос хислатлари ишлаб чиқариш жараёнида ҳам намоён бўлиши мумкин. Жумладан, ўз меҳнат вазифаларини бажаришга қизикмаслиги, фақат моддий манфаатдорлик ва ўз фойдасини кўзлаш, меҳнат жамоаси фикрига қўшилмаслик ва бошқалар. Бу каби хислатларга эга ўсмир ёки ёшлар ишдан бўшаб кетишдан асло чўчимайдилар, иш жойларини тез-

тез ўзгартириб туришга мойил бўладилар. Энг муҳими, янги иш жойларини танлашда мўмай даромад топишга ҳаракат қиладилар.

Уларнинг бундай ҳаракатлари жиноий мақсадни кўзлаган катта ёшдаги кимсаларга қўл келади. Шу боис вояга етмаганларни жиноий ишларга жалб қилинишлари кўплаб учрайдиган ҳолдир.

Вояга етмаганлар руҳиятидаги ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва ўқишда муваффақиятларга эришиш, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш каби эҳтиёжлар билан бирга кечади. Шунинг учун ҳам шахсий эҳтиёжларини қондириш, яъни замонавий кийиниш, дам олишда турли маиший хизмат тармоқларидан фойдаланиш (видеотека, дискотека, эътиборли истирожат масканларида кўнгилхушлик қилиш учун) зарур бўлган моддий манбаларга эришиш истаги кучли бўлади. Бундай вазиятларда вояга етмаган шахсларда ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун ғайриқонуний йўл танлаш ҳисси кучаяди ва унинг хулқида салбий хислатлар ривожланиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ичкиликка ружу қўйган, кўча-куйда бекор юриш ҳолатлари қарийб учдан икки нафар жиноят содир этган шахсларда қайд этилган. Аҳолининг ушбу қатламига мансуб шахсларда қимор ўйнаш, ичкиликка ихлос қўйиш, жамият қонун-қоидаларига менсимай қараш, ўсмирларнинг ўзаро душманлик руҳидаги гуруҳларини ташкил этиш каби салбий хислатлар шаклланади. Уларда яхши хулқи ўсмирларга нисбатан бадий ва спорт бўйича ўтказиладиган тўғаракларга қатнашиш уч-тўрт марта камдир. Бунинг асосий сабаби ўсмирда қизиқишининг йўқлиги эмас, балки ёшлигидан бошлаб қизиқиши ва эҳтиёжларининг ўзаро мос келмаслигидир.

Вояга етмаганлар жиноят содир этишининг асосий сабабларидан бири, уларнинг табиатида маънавий ва ҳуқуқий қадриятларни менсимаслик хусусиятларининг мавжудлиги. Зеро, ушбу иллат шахсни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга олиб келади.

Ўзаро дўстлик, бурч, виждон, довураклик каби инсоний хислатлар вояга етмаган жиноятчилар томонидан фақат гуруҳ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин этилади. Ҳаётий мақсадлари эса шоҳона яшаш, вақтинчалик роҳат-фароғат, боқимандалик кайфиятидан иборат бўлади.

Ўзларининг у ёки бу маънавий ё ҳуқуқий ножўя хатти-ҳаракатларини «оқлаб», ҳамма айбни жабрланганлар зиммасига юклаш орқали жазодан қутулиш ёки ўзларини овунтиришлари айниқса хавфлидир. Чунки бу сароб хаёллар шахсни жазодан қутулиб қолишига ишончини орттиради ва жиноий фаолиятни давом эттиришларига даъват этади. Жиноий гуруҳ манфаатларига мос келмайдиган ҳар қандай тўсиқни жиноий ёки

бошқа йўллар билан йўқотиш вояга етмаганлар томонидан оддий ҳол деб тушунилади.

Вояга етмаганларни тавсифлаганда уят-андиша, ўзгалар ташвишини англамаслик, ўзини тута билмаслик, кўполлик, ёлғончилик ва ўз айбини тан олмаслик каби хислатларига эътибор бериш лозим. Вояга етмаган жиноятчиларнинг иродаси бўшлигини 15–25 % ҳолатларда учратиш мумкин. Шунингдек, эҳтиросга берилувчанлик, одамовилик, ўзгалар дардига ҳамдард бўла олмаслик, тажовузкорлик, ўжарлик каби хислатлар вояга етмаган жиноятчиларда кўпроқ кузатилади.

Жиноятчиликка қарши кураш тажрибаларидан маълумки, ҳозирги кунда баъзи вояга етмаганлар руҳиятида турли аномал ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Аномаллик туфайли шахс ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тўғри англамайди ва натижада жамият учун ўта хавфли вазиятларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги даврда руҳиятнинг маълум даражада бузилганлиги туфайли (ўтиш даврининг қийинчиликлари ва бошқа сабаблар) вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши бир мунча ошган. Руҳиятдаги бузилишнинг оғир кўринишларида жиноят содир этилиши жиноят қонунчилиги тегишлича мувофиқлаштирилган. Бироқ руҳиятдаги ўзгаришларнинг енгил шакли вояга етмаганларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишида асосий омил бўлиб қолмоқда.

Энг муҳими, шахс руҳиятининг бу тарзда бузилиши касаллик оқибати бўлмай, балки ҳаёт ва турмуш давомида учрайдиган салбий ҳолатлардан зўриқиш ёки тарбиянинг нотўғри ташкил этилганлиги билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун шахснинг шаклланишида салбий таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш лозим. Оиладаги тарбияда носоғлом муҳитни юзага келтиришга сабаб бўлувчи ота-оналарнинг руҳий бетоблиги, уларнинг ичкиликка берилиши, ахлоқий бузуқлиги, жоҳиллиги боланинг шаклланишига салбий таъсир этади.

Ижтимоий жиҳатдан шахснинг психофизиологик ва интеллектуал шаклланиши вояга етмаган ўсмирлар ичида кўплиги ҳам мутахассислар томонидан таҳлил этилган. Бунинг асосий сабаблари:

– ҳомила даврида, гўдаклик, илк болалик даврларида психофизиологик ривожланишидаги турли хасталиклар (шу жумладан, бош мия жароҳатланиши, умумжисмоний ёки юқумли касалликлар оқибатлари);

– гўдаклик давридан невропатология ва патохарактерологияга оид қусурларнинг мавжудлиги (бақироқлиги, йиғлоқлиги, аразгўйлиги, тезда хафа бўлиши, ўжарлиги, жаҳлдорлиги, доимий безовталиги, ҳаддан ташқари ҳаракатчанлиги, уйқу ва нутқдаги камчиликлар);

– спиртли ичимликлар билан боғлиқ турли хасталикларнинг мавжудлиги;

– жисмоний инфактализм (ланжлик, тез чарчаш, иш самарасининг камлиги)нинг юзага келиши ёки жисмоний ривожланишнинг пастлиги;

Кўп ҳолларда вояга етмаган жиноятчилар ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қилишда ўзига хос тажриба, кўникма, одатларга эга шахслар бўладилар. Улардан баъзиларигина беҳосдан жиноят қилиб қолишлари мумкин. Қолганлари учун эса:

– доимий равишда ижтимоий яшаш қоидаларига менсимаслик билан қараш (уятли сўзлар билан сўқиниш, жамоат жойларида маст ҳолда юриш, ўткинчиларга беҳурмат бўлиш, жамоат мулкига зарар етказиш);

– спиртли ичимликлар ичишда ноўрин қоидалар ва анъаналарга берилиш, гиёҳвандлик ва қиморбозлик йўлига кириш;

– дайдилик қилиш, уйдан мунтазам қочиб кетиш ва ўқув-тарбия муассасаларидаги машғулотларга бормаслик;

– жинсий алоқа билан эрта шуғулланиш ва жинсий бетартиблик;

– жанжалли вазиятларга қўшилиш, жоҳиллик, ўч олиш, қўполлик, зўравонлик қилишга интилиш;

– оилада жанжал чиқариш ва уришиш, ота-оналар ва оила аъзоларини бир-бирига қарши қилиб қўйиш;

– ўқиш ва интизомда илғор ўсмирларга нисбатан ғайирлик қилиш;

– кўзга кўринган ва қаровсиз қолган мулкни ўзлаштириш каби салбий хислатлар тааллуқлидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вояга етмаган жиноятчи шахсларнинг хулқига хос бўлган барча салбий хислатларни илмий жиҳатдан билиш улар орасида учрайдиган жиноятларнинг олдини олишни ташкил этишда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

3-§. Вояга етмаган шахслар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш давлат ва жамоатчилик томонидан умумий мақсадда ташкил этилади. Ушбу фаолият йўналишида ички ишлар вазирлиги ҳам ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда зарур амалий чора-тадбирларни амалга оширади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида давлат сиёсати талабларидан келиб чиқиб, вояга етмаганларни тарбиялаш учун зарур профилактика ишларини тўғри йўлга қўйишда бир қатор ислохотлар қилинди. Бу ислохотларни амалга татбиқ этишда вазирлик тизимига қирувчи турли соҳа ходимлари ва мутахассисларининг иштироки комплекс тарзда таъминланмоқда.

Табиийки, бундай ташкилий ишларни амалга оширишдан асосий мақсад вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмаслигини таъминлаш ва, энг муҳими, рецидив жиноятларнинг юзага келишининг олдини олишдир. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш бир бутун муаммо бўлиб, бу муаммони ечишда қатор илмий-назарий билимларга ва амалий тажрибаларга амал қилиш талаб этилади. Хусусан, барча йўналишда бўлганидек, жиноятчиликка қарши курашда, шу жумладан, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш учун, биринчи навбатда, ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш лозим. Чунки ахборот-таҳлил ишлари орқали вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган барча ҳуқуқбузарликларнинг умумий ҳолати, уларнинг миқёси, таркиби, табиати ва динамикаси тўғрисида зарур маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигини баҳолашда уларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни инобатга олиш, у ёки бу ҳудудий бирликда маълум бир турдаги, айниқса, оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи жиноятларнинг сабабларини таҳлил этиш жуда муҳим бўлиб, уларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ахборот-таҳлил ишлари камида 3–5 йиллик даврни ўз ичига олиши лозим. Жиноятчиликка тааллуқли барча статистик маълумотлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг ёшига кўра, яъни 14–15 ва 16–17 ёшлардаги ўқувчиларни, ишлаб чиқаришда банд бўлган ўсмирларни, ўқимаётган ва ишламаётганларни, махсус меҳнат-тарбия колонияларида бўлиб қайтган ва ҳисобда турувчи вояга етмаганларни жиноят содир этишда ҳар бирининг миқдори ва улуши умумий жиноятчиликда қанчани ташкил этишини аниқлаш ҳам жуда муҳимдир.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятлар ва умуман барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг чуқур ва атрофлича таҳлил натижалари профилактика фаолиятини амалга ошириш учун давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларга тақдим этилади. Шу ўринда, амалга ошириладиган тадбирларнинг режалаштирилиши комплекс тарзда бўлишига эришиш лозим. Бу, биринчидан, вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг турли хусусиятларга эгаллиги, иккинчидан, бу тоифадаги шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда турли субъектларнинг иштирок этишидир.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқиладиган комплекс режа-тадбирларни давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларининг ҳар бирида ишлаб чиқиш борасида жуда кўп тажриба тўпланган, дейиш мумкин. Бундай тад-

бирлар, таъкидланганидек, 3–5 йиллик муддатга мўлжалланади. Зарур ҳолларда ҳудудий комплекс чора-тадбирлар режасида давлат бошқарувининг аниқ бир тармоғи билан ҳамкорликда иш кўриш ҳам эътиборга олинади.

Жиноятчиликнинг олдини олишда асосий бўғин ҳисобланувчи ички ишлар органлари барча турдаги профилактика ишларини ташкил этишда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари, маориф муассасалари, соғлиқни сақлаш, ўқув юртларининг педагогик жамоалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва улар тизимига кирувчи жамоат ташкилотлари, мудофаа вазирлиги тизимига кирувчи ҳарбий комиссиариатлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ишларини амалга оширадилар ҳамда зарур ҳолларда мувофиқлаштириш ишларини йўлга қўядилар.

Ушбу ишларни амалга оширишда профилактика ишларини ташкил этувчи субъектларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун зарур ҳамкорлик усуллари жорий этилади. Жумладан, ички ишлар органларининг таклифи ва иштироки билан вояга етмаганларнинг тарбияси ва ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида турли спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган иншоотлар ҳамда моддий ресурслардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Шу асосида қизиқувчилар клублари, уюшмалари, спорт-меҳнат лагерлари, тўғарак ва секциялар, ўқув юртларини оталиққа олиш ҳамда ота-оналарни педагогик ва ҳуқуқий билимларини ошириш ташкил этилади.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида темир йўл вокзаллари, истироҳат боғлари, оммавий дам олиш масканлари, томошахоналар, дискотека, жамоатчилик овқатланадиган жойлар, ҳовли ва бошқа турар жойларда, ички ишлар органлари ҳамда жамоатчиликнинг зарур куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда (профилактика инспекторлари, жиноят қидирув ходимлари, постпатруль хизматлари) рейд, текширув ва шу каби турли тадбирлар амалга оширилади. Ушбу тадбирлар жараёнида тарбияси бузуқ бўлган вояга етмаган шахсларнинг тўпланадиган жойлари, дайдилик билан шуғулланувчи ўсмирлар, фоҳишабозлик билан шуғулланувчилар, уй-жойидан қочиб кетган ёшлар аниқланади ва қабул қилиш ҳамда тақсимлаш идораларига жойлаштирилади, вояга етмаганларга спиртли ичимликлар истеъмол қилиш имконини берувчи ҳолатлар бартараф этилади.

Вояга етмаганлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция идораларининг ходимлари (профилактика инспекторлари, жиноят қидирув ва тергов идоралари ходимлари, йўл ҳаракати

хавфсизлигини таъминлаш хизмати ходимлари) олиб борадиган ҳуқуқий тарбия ишларини оммавий ва якка тартибда ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларни олиб боришда вояга етмаганларнинг ёшини эътиборга олиш яхши натижа беришини ёдда тутиш лозим. Бунга кўра, ички ишлар органлари ходимлари вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя этувчи қонунчилик, яъни жиноят, маъмурий ва турли ҳуқуқ тармоқларининг мазмун ҳамда моҳиятини тарғиб қиладилар, ўқиш ва яшаш жойларида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши курашни, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида уларнинг ҳуқуқий дунёқараши ва билимларини оширишга ёрдам кўрсатишни ташкил этадилар. Бундай тадбирлар маъруза, давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар орқали амалга оширилса профилактика чораларининг самараси янада ортади.

Тўғри, ҳуқуқий тарбия ва тарғибот ишларини олиб боришда нафақат вояга етмаганлар, балки уларнинг ота-оналари, педагогик жамоалар, маҳалла фаоллари ва бошқа тарбиявий ишларни олиб борувчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини талаб даражасида бўлишига эришиш лозим.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишда умумий профилактик чора-тадбирларни олиб бориш билан бирга, ички ишлар органлари томонидан турли йўналишлардаги махсус профилактика ишлари ҳам йўлга қўйилади. Жумладан, вояга етмаганлар дунёқарашига салбий таъсир этувчи айрим жиноятларни оператив қидирув усул ҳамда воситалар орқали ўз вақтида очиш. Бинобарин, жазонинг муқаррарлигини тўғри англанишини таъминлаш ҳам муҳим профилактика таъсир чораси эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Яна бир ўзига хос профилактика чораси сифатида ҳуқуқбузарлик содир этаётган вояга етмаганларнинг ота-оналарига (ҳомий ёки васийларига) ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этилишига йўл қўймаслик юзасидан тегишлича расмий огоҳлантириш беришдир.

Якка тартибда амалга ошириладиган тадбирларда ўз вазифасини бажармаётган ота-оналарга нисбатан криминология тавсияларидан ўрин олган таъсир этишнинг барча усул ҳамда воситалари (ижтимоий-фойдали, тарбиявий аҳамиятга эга турли чоралар, оммавий ахборот воситалари, ишонтириш ва мажбурлаш, рағбатлантириш каби) жорий этилади. Бунда, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шахснинг ёши ва бошқа хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг сабабларини аниқлаш нафақат жамоатчилик ёрдамига, балки зарур ҳолларда юқори

тажрибали соҳа мутахассислари ёрдамига таянишни ҳам тақозо этади. Жумладан, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг шахсий хусусиятларини аниқлашда тиббиёт ходимлари, нарколог, сексолог, руҳшунос каби мутахассислар ёрдамига таяниш лозим.

Криминологияда таъсир чораси сифатида амалга ошираладиган турли профилактик чора-тадбирлар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилади ва амалий тавсиялар берилади. Ижтимоий профилактикада ўзининг ота-оналик бурчини бажармаётган, вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатаётган шахсларга ҳам мажбурий чоралар қўлланилади ва шу орқали уларга таъсир кўрсатилади. Бунда жиноят, маъмурий қонунчиликлар асосида жавобгарлик белгиланади.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар билан профилактика ишларини ташкил этишда терговчилар амалга оширадиган процессуал ҳаракатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон яратган шароитлар тергов жараёнида аниқланади. Терговчи ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг мансабдор шахсларга талаблар қўяди. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича таҳлилий натижалар жамоатчилик йиғинларида, ишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув юртлари жамоаларда кўриб чиқилади ҳамда муҳокама этилади.

Вояга етмаганлар жиноят содир этишининг олдини олиш ва, умуман, ёш авлодни тўғри тарбиялаб вояга етказиш давлатнинг ички сиёсатида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда республикамизда ҳам ижтимоий профилактика йўналишида қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда:

– ёш авлодни жисмоний, руҳий ва маънавий камол топишига кенг имкониятлар яратиш;

– вояга етмаганларни тарбиялашда оила, жамият ва давлатнинг ролини ошириш ҳамда бунга энг муҳим ижтимоий масала сифатида қараш, бола тарбиясини имкон қадар оилада ота-оналар орқали амалга оширилишини таъминлаш;

– ота-оналар иштироки бўлмаган ёки номаъқул оилаларнинг юзага келиши орқасида вояга етмаганларга нисбатан етказиладиган моддий ва маънавий зарарни давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари томонидан қоплаш;

– вояга етмаганлар тақдирига масъулиятсизлик билан қарайдиган шахслар йўл қўйган хатоларнинг салбий оқибатларини тугатишни таъминлаш.

Давлат томонидан қуйидаги асосий йўналишлар орқали аниқ муаммолар ечимини таъминлаш ҳам кўзда тутилган:

1) ирсий касалликларни келиб чиқмаслигини олдини олиш мақсадида алкоголизм ва гиёҳвандликка дучор бўлган, жисмоний ва руҳий мажруҳ шахслар томонидан носоғлом фарзандлар туғилишини камайтириш. Экология, турли кимёвий таъсирлардан бола ва ота-оналарга етдиган зарарнинг олдини олишни таъминлаш, шу жумладан туғилишга салбий таъсир этувчи турли тиббий муолажаларни қўллашда қатъий назорат ўрнатиш;

2) ҳар бир оиланинг зарур (имкон даражасида эмас) молиявий ва моддий таъминотини йўлга қўйиш, таъминотни рўй бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар (шу қатори инфляцияни ҳам) асосида ҳал этилишини таъминлаш;

3) мамлакатда ёрдамга муҳтож вояга етмаганлар ва оилаларга юқори малакали мутахассислардан иборат ёрдам кўрсатиш хизматларини ташкил этиш, молиявий ва бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатиш, бошпана, транспорт воситалари билан таъминлаш каби зарур муаммоларни ҳал этиш ва вояга етмаганларни муҳтожликлардан асраш, бундай меҳрибонлик хизматини ташкил этишдан мақсад вояга етмаганлар ва ота-оналарнинг ҳуқуқларини таъминлашдан иборат бўлиши, ушбу хизмат эса ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат бошқаруви тизимидаги фақатгина назорат қилиш ишларини амалга оширувчи хизматларни қисқартириш орқали амалга ошириш;

4) вояга етмаганларни меҳнатга жалб қилиш қонун асосида амалга оширилишини таъминлаш, уларга тўланадиган иш ҳақининг юқори бўлишини ва вояга етмаганларни «меҳнат билан жазолаш» каби салбий ҳолатларнинг олдини олишни йўлга қўйиш. Чунки бундай ҳолатлар вояга етмаганларда меҳнатга муҳаббатни сўндириши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикасида БМТнинг «Ёш болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конвенциясининг ратификация қилиниши, унинг талаблари мамлакатимизда ҳам амал қилишини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликни конвенция талабларига мос келишини таъминлаш ва шунинг асосида қонунчилигимизда кўзда тутилмаган ҳолатларни жорий этиш (яшаш ва соғлом улғайишга бўлган ҳуқуқ, зарур турмуш даражаси) амалга оширилмоқда.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида айнан вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи махсус судларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу судлар ўз фаолиятини юқоридаги конвенция талаблари асосида амалга оширади. Энг муҳими, вояга етмаган-

лар томонидан жазони ўташ ва уларни тарбиялаш ишларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида мавжуд жиноятчиликни тавсифланг (ҳозирги кун кўрсаткичлари асосида).

2. Вояга етмаган жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.

3. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

4. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг жиноят содир этишига таъсир этувчи қандай салбий омиллар мавжуд?

5. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишларини айтинг.

6. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий муҳит (оила, мактаб қабилар) қандай ўрин тутади?

7. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликни профилактика қилишда ички ишлар органларининг вазифалари нималардан иборат?

XII боб АЁЛЛАР СОДИР ЭТАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Аёллар жиноятларчилигининг умумий ҳолати, динамикаси ҳамда сабаблари

Умумий жиноятчиликда аёллар содир этадиган жиноий хатти-ҳаракатлар эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлардан фарқ қилади. Шу боис аёллар жинояти тарқалишининг миқёси, табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролини маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишида иштирок этишдаги ўрни, жиноят қурбонини танлаш, маиший турмуш шароити қабилаарга криминалогияда алоҳида эътибор қаратилган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилади ва зарур тавсиялар берилади.

Аёлларга хос бўлган жиноятлар содир этилишининг сабабларини билиш, аввало, уларнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, вазифалари, биологик ва психологик хусусиятларини билишни тақозо этади. Ҳеч шубҳа йўқки, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, турмуш тарзи даврий ўзгаришларга учраб туради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг шахсий сифатларини ҳам ўзгариб туришига таъсир этади.

Биобарин, аёлларга хос бўлган жиноятларнинг содир этилиши ижтимоий ҳаёт таъсирида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб боради. Ҳозирги кунда аёллар содир этаётган жиноятларга криминалогия нуқтаи назаридан ёндашилса, уларнинг содир этилишида бир қатор сабаблар мавжудлиги ойдинлашади. Масалан, бугунги кунда аёллар томонидан содир этиладиган ўзгалар мулкани ўғирлаш (аёллар содир этаётган умумий жиноятларининг 19 %) жиноятлари кўплаб кузатилмоқда. Шунингдек, улар томонидан содир этилган умумий жиноятлар таркибида ўғрилик (8 %), хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ўзлаштириш (11–13 %), харидорни алдаш (13–14 %), спиртли ичимликларни ғайриқонуний тайёрлаш ва сотиш ҳамда наркотик воситалар билан боғлиқ жиноятларидаги иштирокчилик (3–5 %)ларни кўриш мумкин.

Аёллар томонидан ўзгалар мулкани талончилик, босқинчилик, фирибгарлик ва кўп миқдорда ўзлаштириш билан боғлиқ жиноятлар нисбатан кам учрайди. Аммо санаб ўтилган жиноятларнинг содир этилишида аёлларнинг иштирок этиши ошганлигини кўриш мумкин.

Мулкни талон-торож қилиш кўп ҳолларда уларнинг мулк билан боғлиқ вазифаларни бажаришларида юзага келади. Содир этилишининг ҳудудий миқёси бўйича баҳоланса, шаҳарларда содир этилган барча жиноятларнинг учдан иккисини ташкил этади. Қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич нисбатан кам.

Харидорларни алдаш жиноятлари аёллар ўртасида кўпроқ кузатилади. Бунинг асосий сабаби аёлларнинг савдо, тижорат, умумий овқатланиш шохобчаларида, аҳолига хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминотини амалга ошириш йўналишларида кўплаб хизмат қилишларидир. Шуниси ажабланарлики, жавобгарликка тортилган аёлларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шу билан бирга, давлатлараро тижорат ишларида банд бўлган аёлларнинг кўпайиши ҳам бу йўналишда, яъни мулк билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида уларнинг иштироки ошганлигини кўрсатмоқда.

Мансабни суиистеъмол қилиш жиноятларининг таҳлилидан маълум бўладики, муқаддам бу йўналишда, айтилик пора олиш-беришда аёлларнинг иштироки кўп бўлган бўлса, ҳозирда кўпчилик аёллар айнан пора олиш жинояти билан айбланмоқда. Бу аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги оқибатидир. Ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ, тергов соҳаларида ҳам аёллар кўпроқ хизмат қилмоқдалар. Нима бўлганда ҳам мансаб билан боғлиқ жиноятларнинг аёллар томонидан содир этилиши сезиларли даражада ошган. Айниқса, бу ҳолат тижорат-банк ишларини ташкил этиш йўналишларида кўпроқ кузатилмоқда.

Кейинги 15 йил давомида аёллар томонидан ўзгалар мулкини ўғирлаш жиноятлари ҳам ошган. Фуқароларнинг шахсий мулклари ҳамда хусусий мулкни ўғирлаш аёллар томонидан содир этилиши ачинарли ҳолдир. Фуқаролар мулкини ўғирлаш кўрсатилган вақт оралиғида қарийб 17–20 %га ошган. Бошқача айтганда ҳар беш жиноятдан бирида аёллар ўғрилик содир этган. Давлат ва жамият мулкига тажовуз қилишда аёллар иштироки турли йилларда 5–8 % ўсган.

Айтиб ўтилганидек, ўғрилик жиноятларини аксарияти аёллар томонидан шаҳарларда содир этилган. Яна бир эътиборли томони шундаки, ўғрилик содир этган аёллар (дарбадарларни ҳам ҳисобга олганда) муқаддам судланган шахслардир.

Аёлларга кўп ҳолларда темир йўл транспортлари ва уй-жойларда ўғрилик қилиш хосдир. Шу билан бирга, кассавурлик жиноятлари амалга оширилишида аёллар кўпинча иштирокчи сифатида жиноятга қўшилдилар. Кейинги пайтларда аёлларнинг турли уюшган гуруҳлар таркибига кириш ҳоллари ҳам кўплаб кузатилмоқда. Уй-жойларда ўғрилик содир этилишида улар асосан йўналтирувчи, разведка ишларини бажа-

рувчи ва тўғридан-тўғри бажарувчи вазифасини ҳам амалга оширадилар.

Аёллар томонидан қасддан ва куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятлар ҳам ошганлигини таъкидлаш жоиз. Жиноятчи аёллар сафида 1 %га яқинлари одам ўлдириш ва суиқасд жиноятларини содир этганлар, яна 1 % тан жароҳати етказиш, 3 % жиноятларда аёллар талончилик, босқинчилик содир этганликлари аниқланган.

Агар умумий жиноятлар миқдоридан келиб чиқадиган бўлсак, қотиллик жиноятларининг 7–8 % аёлларга тўғри келади ва ажабланарлиси шундаки, бу кўрсаткичнинг ошмаганлиги ҳамда бир хил турганини кўриш мумкин. Оғир тан жароҳати етказиш 5–7 %, босқинчилик ва талончилик 16–18 % (бу ерда эса ҳаракат динамикаси турличадир)га ошган. Энг ачинарлиси, номусга тегиш жиноятларида аёлларнинг иштироки кўплаб кузатилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ чоғида ҳам аёллар томонидан жиноят содир этилиши учраб туради. Масалан, куч ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг содир этилиши ҳар тўрт аёлдан бирига тўғри келади.

Жиноят қонунчилигида фақат аёлларга хос бўлган, яъни туғилган гўдакни ўлдириш жинояти охирги йилларда ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Таассуфки, бу жиноятга кўп ҳолларда турмушга чиқмаган аёллар кўл урмоқда, уларнинг аксарияти ўзига тўқ оилаларда учрамоқда. Бу жиноятларнинг рўй беришида эркак айбдор бўлади, бироқ улар билан боғлиқ бу ҳолат кўпинча эътибордан четда қолади. Бундай эркаклар аёлларга хуштор ёки қонунсиз бирга яшаётган шахслар бўлади.

Ёш жиҳатидан аёлларнинг кўп жиноят содир этиши асосан ўтиш ёшлиларга (40 %) тўғри келади. Бу умумий ҳолат, бироқ бу кўрсаткич бошқа ёшдаги аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ошиши ёки камайиши билан ўзгариб туради.

Таъкидлаш жоизки, демографик нуқтаи назардан айнан 30–40 ёшли аёлларнинг кўпчилигида оила тўлиқ ёки қисман (ота-оналардан бирининг ёки болаларнинг йўқлиги) бузилган бўлади. Яна бир жиҳати, ушбу ёшдаги аёлларнинг кўпчилиги ижтимоий фаол ва фойдали меҳнат билан банд бўладилар. Аксарият ҳолларда шу ёшдаги аёллар раҳбарлик ёки бошқа масъулиятли вазифаларни бажарадилар. Шу боис улар ишлаб чиқаришдаги мавжуд муҳитдан жинойий мақсадларда фойдаланиб, мулкни ўзлаштириш ёки мансабини суиистеъмол қилиш жиноятларини содир этадилар.

Аксарият аёллар жиноят содир этган вақтларида турмуш курган ва оилали бўладилар. Жазони ўташ жараёнида кўпчилик аёллар ўз оилаларини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Зеро, бунда эркакларга нисбатан аёлларда турли омилларнинг таъсири кўплигини кўриш мумкин.

Аёл жиноятчиларнинг шахсига хос бўлган яна бир ҳолат, уларнинг кўпчилиги олий ёки махсус ўқув юртларини тугатган мутахассислардир. Шунинг учун ҳам бу тоифадаги аёлларга, юқорида айтиб ўтилганидек, асосан хўжалик ёки мансаб билан боғлиқ жиноятлар хос. Бироқ 44 % аёллар жиноят содир этиш вақтида муқим касбга эга бўлмаганлар. Бундан уй бекаси бўлган аёллар мустасно эканлигига ҳам эътиборга олиш лозим.

Жисмоний ҳолатларига кўра жиноятчи аёлларнинг саломатликлари ҳам турлича бўлиб, эркакларникидан фарқ қилади. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, 25 % маҳкума аёлларда турли даражадаги руҳий чекинликлари мавжуд. Бу асосан ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, руҳиятнинг бузилиши оқибатидаги хасталик, бош-мия жароҳатлари натижасида юзага келган турли руҳий хасталикларнинг натижасидир.

Афсуски, бундай аномал (меъёрида бўлмаган) руҳий ҳолатлар вояга етмаган қизларда кўпроқ учрамоқда, шунингдек, уларнинг аксариятида жинсий хасталиклар ҳам қайд этилган. Зотан, ҳар юз нафар маҳкума қизлардан иккитасида захм, сўзак каби оғир юқумли хасталиклар аниқланган.

Психология нуқтаи назаридан қаралганда, кўпчилик аёлларда профилактик чора-тадбирларни ўтказишга зид бўлган салбий хислатлар мавжудлиги аниқланмаган. Шунинг учун ҳам эркакларга нисбатан аёллар ўртасида жиноят йўлига кирмасдан аввал зарур профилактика ишларини олиб бориш кутилган натижани бериши мумкин. Бу рецидивист аёлларга тааллуқли эмас, албатта. Бу тоифадаги жиноятчиларга илк профилактик чора-тадбирларни эмас, балки махсус профилактик чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади.

Маълумки, аёлларга хос бўлган яна бир хусусият ўзлигини намоён этишдир. Шунинг учун аёллар доимо атрофидагилар уларга баҳо беришларини хуш кўрадилар. Жиноятчи аёллар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўз шахсиятини устун қўйиш қайсидир даражада ҳар бир шахсга хосдир. Бироқ ўзбилармонлик ва ўзига бино қўйиш жиноятчи аёлларнинг турмуш тарзига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жиноятчи аёллар, бошқа аёллар каби қатъий, шу билан бирга, тезда аразлаш, руҳан тушкунликка тушиш хусусиятларига эгадирлар. Бу эса уларнинг жиноят йўлига киришларида муҳим ўрин тутади. Яъни руҳий

тушкунликка тушган аёл ҳар қандай ғайриқонуний ишларни амалга оширишга мойил бўлади. Аёлларни тушкунлик ҳолатидан чиқаришга ёрдам берувчи омилларни инобатга олган ҳолда профилактика ишларини олиб бориш ижобий натижаларни бериши мумкин.

2-§. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг сабаблари

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилининг кўрсатишича, аёллар жиноятчилигининг асосий сабаблари куйидагилар билан узвий боғлиқ: 1) уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштироки; 2) жамиятнинг турли бўғинларида ижтимоий назоратнинг сусайганлиги, жумладан, оила ва унинг шаклланишида ўзига хос хусусиятларнинг юзага келиши; 3) жамиятда юзага келган номақбул зиддиятлар, одамлар ўртасида юзага келаётган безовталиқ ва уни келтириб чиқарувчи турли карама-қаршилиқлар, ўзаро қасд ва душманлик ҳолатлари; 4) жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, дарбадарлик ва тиланчиликнинг ўсганлиги.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашуви, жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг иштирок этиши олдинги даврларга нисбатан сезиларли ошди. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги миграция жараёни турли минтақалардаги аҳолининг ўзаро яқинлашуви ҳам муҳим ижтимоий жадаллашувдан далолатдир. Айнан шулар аёлларни ижтимоий ҳаётга, иқтисодий ишлаб чиқаришга, қолаверса, сиёсий соҳалардаги барча жараёнларга иштирок этишларининг ортишига олиб келди.

Миқдоран олинадиган бўлса, ҳозирги пайтда аёллар иш билан банд бўлган жами аҳолининг қарийб ярмини ташкил этади. Улар соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва санъат, фан ва илмий тадқиқот, савдо, умумий овқатланиш, таъминот, маиший хизмат, бошқарув идоралари, ишлаб чиқариш, қолаверса, хусусий тадбиркорлик ва бизнес соҳаларда хизмат қилмоқдалар.

Криминология нуқтаи назаридан қаралганда, аёллар бевосита моддий бойликлар ва мулк билан боғлиқ жараёнларда иштирок этишлари боис жиноят содир этиш ҳолатларини ҳам кўплаб кузатиш мумкин. Бироқ бу ҳолатни аёлларнинг моддий бойликлар билан бевосита боғлиқлиги билан изоҳлаш масалани тўлиқ ойдинлаштирмайди. Айнан шу моддий бойликларнинг қимматлиги ва оддий турмушда уларни сотиб олиш имкониятлари йўқлиги учун ҳам аёллар жиноятга қўл уришларини эътиборга олиш лозим.

Сир эмаски, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юзага келаётган бир қатор иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар, янги иш жойларини ташкил этиш жараёнининг суствлиги туфайли меҳнат тақсимотида ҳам

ўзига хос муаммолар юзага келмоқда. Айнан меҳнат тақсимоотида аёллар иштирокининг ошганлиги уларни оиланинг асосий боқувчисига айланиб қолишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам баъзида савдо-тижорат ишлари билан банд аёллар, эрлари бўлгани ҳолда, оилани молиявий таъминлашни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни талаб даражада тарбияламаслик жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Мулкни оз-оздан ўзлаштириш корхона ёки муассасалардаги шахсларни ишга жалб қилувчи омил бўлиб қолишини ҳам ҳисобга олиш лозим (айниқса, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, оммабоп товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда).

Яна бир муҳим ҳолат ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқларида аёллар меҳнاتини ташкил этишдаги камчиликларнинг мавжудлиги. Масалан, ўз вақтида ҳақ тўланмаслиги ҳам ўта салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзан айрим корхона ва муассасаларда иш вақти ва иш ҳажми эркаклар билан бир хил белгиланади (айниқса, тижорат ва тадбиркорлик билан боғлиқ ишларда), натижада аёлларнинг бола тарбияси ва дам олишга имкониятлари камаяди. Энг хавфлиси, криминология нуқтаи назаридан ёндашилса, бундай вазиятларда шахс ишдан совийди, бу эса жиноий йўлга киришига сабаб бўлади. Ўтказилган тадқиқотлар ҳам айнан шуни кўрсатмоқда. Яъни жиноят содир этган шахсларнинг кўпчилиги аввалги ишидан айнан шу сабаблар орқали бўшаган ёки ўғрилиқ ва ташмачилик билан шуғулланган.

Бундай ҳолатларнинг яна бир салбий жиҳати, оғир шароит натижасида аёлларда кўполлик каби хислатлар юзага келади ва, аксинча, табиат берган аёллик латофати, ожизалик ва оналикка хос хусусиятлари йўқолади. Бинобарин, жиноятчи аёлларга хос бўлган салбий иллатларнинг шаклланиши айнан аёллик латофати ўрнини эгаллашини унутмаслик керак. Жиноятчи аёлга хос бўлган ғаразгўйлик, ўч олишга мойиллик каби хислатларни унинг руҳиятидан чиқариш энг мураккаб жараён эканлигини ёдда тутиш лозим.

Табиатан аёлларга хос бўлган латофатнинг йўқолишига ижтимоий шарт-шароитлар сабаб бўлади. Бу умумжаҳон миқёсидаги муаммо сифатида эътироф этилганлиги ўқувчига яхши маълум. Шундай экан, аёллар жиноятини юзага келтирувчи айнан шу сабаб ва муҳитни бартараф этиш зарур.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишларда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда аёлларнинг меҳнат, дам олиш, оиладаги тарбия ишларига шарт-

шароит яратиш орқали улар содир этадиган жиноятчиликнинг олдини олишга зарур муҳит яратилади.

3-§. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш

Аёллар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш жиноятчилик тизимиغا кирувчи бошқа жиноятлардан ажратилган ҳолда амалга оширилиши асло мумкин эмас. Аёллар жиноятчилигининг олдини олишда зарур бўлган шарт-шароит жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни бар-тараф этиш билан ёнма-ён амалга оширилмоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишлардаги давлат сиёсати мазмун ҳамда моҳиятига кўра тубдан ўзгарди. Давлат сиёсатида бош омил инсон ҳуқуқи ва эркинларини тўлиқ таъминлашга қаратилди. Шу билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ва, айниқса, жинсий жазоларни эркинлаштириш, давлатнинг жинсий-ҳуқуқий йўналишдаги сиёсатининг моҳияти ҳам аввало шахс эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Айнан шу сиёсат туфайли айрим тоифадаги жиноятчилар, шу жумладан, хотин-қизларга ҳам жазо тайинлашда бутунлай инсонпарварлик руҳидаги таъсир чораларини белгилаш жорий қилинди. Энг муҳими, бозор муносабатларига таянган ҳолда фуқаролик жамиятига ўтиш биринчи навбатда аёллар ҳуқуқини таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан родини ошириш янги жамият қуришдаги асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда аёллар жиноятчилигининг олдини олишдаги барча профилактика чора-тадбирлари қонунчиликдаги янги талаблар асосида қайта кўриб чиқилмоғи ва илмий-назарий жиҳатдан асослантирилмоғи лозим.

Айтиш мумкинки, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ўзига хос ғоявий ва маънавий аҳамиятга ҳам эга. Аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш оилани ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан соғломлаштириш ва янги авлодни тарбиялашни талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Аёллар жиноят содир этишининг олдини олиш учун унинг шаклланишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим. Бундай омиллар эса асосан маиший турмуш ва ишлаб чиқаришда юзага келади.

Тўғри, жамиятда маълум бир вазифанинг бажарилишини таъминлаш учун унга зарур муҳит яратиш лозим. Шундай экан, аёллар жиноятларига йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш, дам олиш, оилавий йўналишларда учрайдиган муаммоларни ечиш катта аҳамиятга эга. Уларни

ечмай туриб аёллар жинойтчилигининг олдини олишда ижобий натижаларга эришиб бўлмайди.

Маълумки, маиший ҳаётда алоҳида эътиборга молик муаммо оилани ҳар томонлама таъминлаш. Айнан оилани мустаҳкамлаш аёллар содир этадиган жуда кўп жинойтларнинг олдини олишдаги биринчи қадамдир. Оилада кўрсатиладиган молиявий ва моддий ёрдамдан ташқари яна бир қатор қулайликлар ҳам яратилиши керак. Жумладан, бола тарбияси учун вақт ажратиш, зарур ҳолларда тиббий, маиший-маданий ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек, ёлғиз оналарга ижтимоий имтиёзлар бериш лозим. Зотан мамлакатимизда кўп болали (уч ва ундан ортиқ) оилалар кўпчиликни ташкил этади. Ҳозирги бозор муносабатлари қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда бундай оилаларнинг етарли даромадга эга бўлишини таъминлаш керак. Бу эса оиланинг моддий таъминотини яхшилаш ва, айниқса, бола тарбияси учун зарур шароитни юзага келтиради.

Гап оила хусусида борар экан, айнан оилада қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Қизларни ёшлиқдан латофатли, ифбатли қилиб тарбиялаш, аёллик хусусиятларини шакллантиришга эришиш даркор. Зотан, эркакларга хос сифатларнинг қиз бола томонидан эгалланиши, уларда раҳмсизлик, шафқатсизлик каби хислатларнинг шаклланишига олиб келади. Қиз болаларнинг назоратсиз, оиладан ташқарида бўлиши, тасодифан кўча боласига айланиши ёки улар сафига қўшилиб қолиши айниқса хавфлидир .

Бу ҳолат криминоген вазиятларининг авж олишига олиб келади. Айнан шундай ҳолатларда ёш қизларни алоҳида махсус интернат, мактаб ёки бошқа тарбия муассасаларига жойлаштириш, васий тайинлаш ҳамда ўқув юртларига жойлаштириш, зарур ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бундай ёрдамга жуда кўп ёлғиз қолган қизлар муҳтожлик сезади. Вояга етмаган ва кўча болаларига қўшилиб қолган ёш қизлар бўйича олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, аксарият ёшларда турли руҳий ва жинсий хасталиклар мавжуд. Табиийки, бу хасталикларни тўлиқ даволамай туриб, уларни тўғри йўлга солиш мураккаб кечади.

Вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга зарур шарт-шароит яратиш билан бирга, уларнинг фаолиятлари устида қатъий назорат ўрнатиш (ички ишлар органлари, маҳаллий органлар, маориф ва тиббий ходимлар ҳамда жамоатчилик фаоллари томонидан) катта аҳамиятга эга.

Назорат ишлари эса аниқ мақсадларга қаратилиши ва чекловчи ёки тақиқловчи хусусиятларга эга бўлиши ҳамда ёш қизларнинг ижтимоий кўникмалардан четга чиқмаслигини, зарарли мулоқотлардан ҳимоя қилиши, беҳуда вақт ўтказиши кабиларга йўл қўйилмаслигини таъминлаши зарур.

Аёллар жинойтчилигини бартараф этишда фақат уларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ечиш билан чекланмай, эркаклар (айниқса, оилали) орасида ҳам маълум бир тарбиявий ишларини олиб бориш лозим. Эркакларнинг ва умуман аҳолининг моддий таъминотини ошириш, ўз навбатида, аёлларнинг турмуш тарзидаги айрим салбий иллатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Яъни, юқорида айтиб ўтилганидек, аёлларни жисмоний оғир ва узок муддатли иш жараёнига жалб этишни камайтиради. Масалани ечими ишлаб чиқаришдаги иш шароитини замонавий техник воситалар орқали қайта жиҳозлаш, қулай меҳнат шароитини яратиш ва, энг муҳими, имкон даражасида аёлнинг физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатни ташкил этишдан (эргономика) иборатдир. Умуман олганда, аёлларнинг меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган ижтимоий дастур ишлаб чиқилиши ва амалга киритилиши муҳим муаммоларнинг ечилишига имкон яратади.

Бозор иқтисодига хос хўжалик юритиш ва тадбиркорлик асосида ишни ташкил этиш жараёни билан боғлиқ ҳолларда ҳам аёллар меҳнатини енгиллаштириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шундай экан, давлат миқёсида давлат ва хусусий секторда меҳнат қилувчи аёлларнинг иш ўринлари ва мутахассисликлари аниқ белгиланишини ифодаловчи рўйхат тасдиқланиши лозим. Бунда аёллар организмига салбий таъсир этувчи жараён билан боғлиқ иш ўринларида улар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги зарур. Шунингдек, аёлларга тунги сменаларда ишлашни имкон даражасида чеклаш лозим (айниқса, ишлаб чиқариш соҳаларида).

Бу каби муаммолар ҳал этилишининг асл мақсади аёлларнинг оғир меҳнат шароити туфайли ишдан совиши, толиқиши ва, энг муҳими, ишдан кетиш фикрига келишига йўл қўйилмасликдан иборатдир. Шунингдек, аёлларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш билан бошқа ижтимоий муҳим масала – оила ва фарзанд кўриш ҳамда тарбиялаш истагидан воз кечилмаслигини таъминлаш лозим. Шу боис мамлакатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини иқтисодий қўллаб-қувватлашни давлат сиёсатида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда келгусида аёлларга ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш ёки фақат оила ва бола тарбияси билан шуғулланишда эркинлик ҳуқуқини бериш катта аҳамиятга

эга. Бинобарин, бу каби енгилликлар яратиш орқали аёллар жиноятчилигига сабаб бўлган бир қатор криминоген ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Агар меҳнат жараёнида аёлларнинг руҳиятида ижтимоий яшаш қоидаларига қарши сифатлар шаклланса, ғаразли мақсадларни келтириб чиқаради, бу эса жамоа аъзоларига салбий таъсир этмай қолмайди, шунингдек оиладаги ва ундаги ижтимоий-руҳий вазият ҳам издан чиқади. Меҳнат жамоаларидаги моддий ва маънавий шароит яхшилаш аёлларнинг оила – турмушида енгиллик яратади.

Криминоген вазиятларнинг олдини олишда аёлларни иш билан таъминлаш ва маиший турмушини яхшилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу муаммонинг ечимини топишда ҳам ўзига хос томонидан ёндашиш лозим. Аёллар, айниқса ёш авлодни иш билан таъминлаш ўзига хос мураккабликларга эга. Бу мураккабликлар касбий тайёргарликнинг етишмаслиги, мутахассисликларига мос иш ўринларининг йўқлигидир. Табиийки, бундай вазиятларда ишсиз қолиш шахс руҳиятига салбий таъсир этади. Натижада жиноят йўлига кириш учун шароит яратилади. Жазони ўтаб қайтган аёлларга иш топиш бундан-да қийин кечади, охир оқибатда такрор жиноят содир этишга мажбур бўлади. Ёки аксинча, иш шароитининг талаб даражасида бўлмаслиги ҳамда иш ҳақининг талаб ва эҳтиёжларни қондирмаслиги, қолаверса, оддий ҳолларда иш ёқмаслик туфайли шахсларнинг ишга жойлашишдан воз кечиш ҳолатлари кузатилади.

Юқорида баён этилганлардан аёллар жиноятчилигининг бир қатор сабаб ва омилларини идрок қилиш мумкин. Аёллар жиноятчилигининг олдини олишда иштирок этувчи субъектлар ички ишлар органларидан ташқари яна кимлар бўлиши мумкин? Бу, албатта, ўринли савол. Зотан жиноятчиликнинг олдини олишда фақат ички ишлар органлари ва қонун талаблари билан иш кўриш кутилган натижани бермайди. Бу борада жамоатчилик кўмагига таяниш талаб этилади. Чунончи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, уларнинг тизимига кирувчи хотин-қизлар кўмиталари бу ишда фаол бўлишлари ва аёлларга ижтимоий масалаларда яқиндан ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳам аёллар жиноятчилигининг олдини олишда ташкилотчилик вазифасини бажаришлари лозим.

Қиз болаларнинг жинсий бебошликларининг олдини олишда эса тиббиёт муассасалари ходимларининг ёрдами алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки айнан шу мутахассислар хотин-қизларнинг турли хасталикларини аниқлаш, даволаш ва зарур ҳолларда ёш ўсмирларни бузуклик

кўчасига бошловчиларни ҳам ўз вақтида ошкор қилиш имкониятига эгадирлар.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жиноятчи аёлларнинг шахсига хос асосий хусусиятларини санаб ўтинг (бошқа жиноятчилар шахсидан фарқли).

2. Аёллар жиноятчилигининг сабабларини кўрсатинг ва ўзига хос хусусиятларини баён этинг.

3. Аёллар жиноятчилигининг юзага келишига таъсир этувчи салбий омиллар нималардан иборат?

4. Аёллар жиноятчилигининг олдини олишдаги профилактик таъсир чораларини сананг.

5. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигининг олдини олишда тутган ўрни нималарда намоён бўлади?

6. Аёллар жиноятчилигининг олдини олишда қўлланиладиган профилактика ишларининг методлари ва тактик асослари ҳақида айтиб беринг.

ХIII бoб
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ

1-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг
криминологик тавсифи

Жамият ва табиатда у ёки бу ҳодиса ҳамда предметларнинг ўзига хос белгиларини ифодалаш орқали уларга баҳо бериш катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Криминология фанида ҳам, жиноятга боғлиқ ҳолатларга таъриф бериш тадқиқот ишларини олиб бориш ва унинг амалий ечимини тўғри танлашга имкон яратади.

Шу боис, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда, биринчи навбатда, унга криминологик тавсиф бериш лозим. Бунда ушбу жиноятларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар каби, ижтимоий ҳолатлар илмий жиҳатдан баҳоланиши ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилиши керак.

Бошқа тоифадаги ва турдаги жиноятлардан фарқли ўларок, иқтисодий жиноятларга таъриф беришда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Чунки бу жиноятларга вақт, давр, ижтимоий-иқтисодий жараён давомида рўй бераётган барча ҳолатлар таъсир кўрсатади ҳамда ушбу жиноятлар ўзига хос усул ва воситалар орқали содир этилади.

Ҳар бир жамиятда жиноятчиликка баҳо беришда, биринчи галда, унинг жиноий-ҳуқуқий томондан эътироф этилган жиҳатларига эътибор қаратилади. Шунга кўра, криминология фанида иқтисодий жиноятларга таъриф беришнинг асосий манбаи сифатида унинг жиноий-ҳуқуқий белгиларига эътибор қаратилади.

Жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан жиноятлар жиноят қонунчилигида кўзда тутилган, миллий иқтисодиёт асосларига зарар етказувчи ёки етказишга қодир ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Шундан келиб чиққан ҳолда, криминологияда иқтисодиёт соҳасидаги ва умуман иқтисодий жиноятларнинг гуруҳий мансублиги, жамият, давлат ва фуқароларга етказадиган зарарларининг қандай юзага келиши ҳамда унинг оқибатлари хусусида фикр юритилади. Энг муҳими, иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган жиноий тажовузнинг мазмуни ва моҳиятига ҳам атрофлича баҳо берилиши лозим.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида иқтисодий жиноятлар қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилган:

- ўзгалар мулкани талон-торож қилиш (ЖКнинг X боби);
- ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (ЖКнинг XI боби);
- иқтисодиёт асосларига қаратилган жиноятлар (ЖКнинг XII боби);
- хўжалик юритиш соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг XIII боби).

Айни пайтда, санаб ўтилган ҳар бир гуруҳга муайян жиноят таркибини ташкил этувчи жиноятлар ҳам киритилганини кўриш мумкин:

1) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш – босқинчилик; товламачилик; талончилик; мулкни ўзлаштириш, ўғрилиқ ва фирибгарлик орқали талон-торож қилиш;

2) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар – алдаш ва ишончига кириш орқали мулкний зарар етказиш; жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки сотиш; мулкни сақлаш қоидаларига амал қилмаслик; мулкка қасддан шикаст етказиш ёки йўқотиш; ахборотлаштириш қоидаларини бузиш;

3) иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган жиноятлар – Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжларига мос бўлмаган битимлар тузиш; қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозларни сотиш; валюта бойликларини ғайриқонуний равишда олиш ва сотиш; чет эл валютасини сақлаш; сохта тadbиркорлик; сохта банкротлик; банкротни яшириш; божхона қонунчилигини бузиш; монополияга қарши қонун талабларини бузиш; солиқ ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш; қимматбаҳо металллар ва тошларни топшириш қоидаларини бузиш;

4) хўжалик соҳасидаги жиноятлар – сифатсиз маҳсулотларни чиқариш ва сотиш; харидор ва буюртмачиларни алдаш; ноқонуний савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш; савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш; лицензиясиз фаолият кўрсатиш; ноқонуний равишда ахборотларни тўплаш, ошкор қилиш ва ишлатиш; рақобатчилик қоидаларини бузиш.

Демак, криминологияда ушбу жиноятларни таҳлил этишда фаннинг ўз нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий фанларнинг тадқиқоти доирасига кирувчи муаммоларга ёндашган ҳолда иқтисодий жиноятларга таъриф бериш лозим. Кўп йиллик криминологик тадқиқотлардан яхши маълумки, айнан иқтисодий жиноятлар бошқа турдаги жиноятлар билан боғлиқлик хусусиятига эгадир.

Зотан, баъзи бир жиноятчилик турларининг миқдор ўзгариши бошқа турдаги жиноятларнинг ҳам ўзгаришига таъсир этади. Масалан, талон-торож қилиш жиноятларининг ортиши иқтисодиёт соҳасида со-

дир этилаётган жиноятлар ёки хўжалик соҳасидаги жиноятларнинг ўзгариши билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида айнан иқтисодиёт соҳасидаги уюшган жиноятлар сонининг ошганлигини ҳам кўриш мумкин. Агар илгари жиноий гуруҳлар асосан жиноий йўналишларда умумий жиноий фаолиятларни ва фақат «хуфиёна» иқтисодий фаолиятларни амалга оширган бўлса, ҳозирда бу каби жиноий гуруҳлар ўз фаолиятларини тижорат тизимига қаратганлар ва «фойда» кўриш мақсадида тадбиркорларни алдаш ёки уларнинг ишончига кириш орқали жиноий фаолият кўрсатмоқдалар.

Табиийки, иқтисодий жиноятларни содир этишга «ихтисослашган» жиноий гуруҳларнинг мавжудлиги коррупция жиноятларининг шаклланишига йўл очади (бу ҳақда XVI бобда атрофлича танишиш мумкин).

Қасддан содир этиладиган иқтисодий жиноятларга ғаразли мақсадлар ҳам хос бўлиб, у фуқаролар, жамоат ташкилотлари, мулк эгаллигининг турли кўринишлари асосида фаолият кўрсатаётган тижорат тизимлари ва, қолаверса, давлат мулкани ғайриқонуний равишда ўзлаштириш орқасида бойишга қаратилгандир. Иқтисодий жиноятларни таҳлил этиш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнига хос бўлган жиҳатларни инобатга олган ҳолда, бир қатор мустақил йўналишларда таҳлил этилиши лозим.

Олиб борилган криминалогик тадқиқотлар ва жиноят статистикаси маълумотларининг кўрсатишича, ўтиш даврида иқтисодиёт соҳасида криминалогик ҳолатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1) жиноят статистикаси бўйича иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятларнинг турлича миқдорда бўлиши;

2) иқтисодий жиноятларнинг латент ҳолатида бўлиши ва ўз вақтида хабар келмаслиги ҳамда бу ҳолатнинг кўпроқ иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятларга хослиги;

3) иқтисодиёт соҳасига кириб келаётган, айниқса тижорат фаолиятида янги муносабатларнинг жорий этилиши ва бу ўзгаришларни жамият аъзоларининг ҳадик билан қабул қилиши ҳамда бу каби муносабатларнинг кўпчилигини жиноят қонунчилиги орқали тақиқлашнинг ёқлаб чиқилиши каби ҳолатлар.

Иқтисодий жиноятлар содир этилганлиги хусусидаги статистика қайдларининг кўрсатишича, иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятлар латент ҳолатида бўлгани учун ҳам, тўлиқ манзарани акс эттира олмайди, натижада у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари зарур йўналишларда иш олиб боришларга тўғри йўналиш бериш имкониятига эга эмас.

Иқтисодий жиноятлар ичида ўзгалар мулкани ўзлаштириш ўзига хос хавфли кўринишга эгадир. Мулкка тажовуз қилиш, қандай кўриниш ёки шаклда содир этилмасин, мулк эгасининг Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқий ҳужжатларида қайд этилган мулкый ҳуқуқининг камситилишига йўл қўйилмаслигидан келиб чиқилса, бу муаммонинг қанчалик долзарб эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам ўзгалар мулкани муҳофаза қилиш давлат сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари жиноятчиликнинг умумий тизимида 39–40 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, жиноят статистикасида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг умумий миқдори камайган.

Бу камайиш ўғрилик, босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш каби жиноятларда ҳам кузатилган. Бу натижалар жиноятчиликка қарши курашнинг талаб даражасида бўлганлигини кўрсатади. Бироқ мулкни ўзлаштириш орқали талон-торож қилишдаги кўрсаткичнинг камлиги ҳисоб-китоб ишлари, молиявий, моддий-техника таъминотининг назорати ва умуман ушбу ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликнинг сустлигидан дарак беради.

Мулкни талон-торож қилиш умумий миқдорининг камайиши билан бирга, товламачилик (24,5 %) ва фирибгарлик (48,2 %) орқали ўзгалар мулқига тажовуз қилиш ошган. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодий эркинлик, нарх-навонинг эркинлаштирилиши, давлат буюртмасини бекор қилиш каби вазиятлар билан узвий боғлиқдир. Иккинчидан, бу айнан ҳар икки жиноятга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаол ҳаракат кўрсатганликларининг ифодасидир.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилишда ўғрилик жинояти туб маънода етакчи ўрин тутди. Шундай бўлса-да, юқорида таъкидланганидек, ўғрилик жиноятларининг камайишига эришилмоқда.

Ўғрилик жиноятларининг содир этилиши шаҳар ва шаҳарчаларга нисбатан қишлоқларда кўпроқ кузатилади. Бироқ, ўғрилик жиноятининг объектидан келиб чиқиб баҳо берилса, қишлоқларда айрим ўғрилик жиноятлари ошган.

Шунга кўра, ўғрилик жиноятларининг тарқалишини қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1) хонадонларга кириш йўли билан; 2) қорамолларни ҳайдаб кетиш билан; 3) кўчалардаги; 4) транспорт воситалари билан боғлиқ; 5) транспорт воситаларидаги (шу жумладан, темир йўл ва ҳаво транспорти); 6) кассавурлик орқали ўғриликларни содир этишлар.

Баён этилганлар асосида қайси турдаги ўғрилик турларининг шаҳар ёки қишлоқларда содир этилишини осон аниқлаш мумкин. Шунингдек, тадқиқотларнинг кўрсатишича, муқаддам гуруҳ бўлиб ўғрилик жиноятини содир этишнинг кўпроқ учраши кузатилган (32 %). Аммо бу кўрсаткич ҳозирги кунда сезиларли даражада камайганлигини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, ўғрилик жиноятлари бўйича рецидив ҳолатлар ошган.

Куннинг вақтига кўра тақсимланса, хонадон ўғриликлари ва киссавурлик асосан кундуз кунлари содир этилади. Қорамолларни ўғирлаш, транспорт воситаларини қисмларга ажратиб ёки бутунлигича ўғирлаш кабилар эса асосан оқшом ва тунги вақтларга тўғри келади (90 %).

Ўғрилик жиноятларини содир этишнинг усул ва воситалари ҳам азалдан давом этиб келаётган «анъаналар» асосида амалга оширилмоқда. Яъни – эшикни очиш орқали кириш; қулфларни қўлбола калитлар билан очиш; хонадонларга дераза, том орқали кириш; қорамолларни ҳайдаб кетиш ёки сўйиб гўштини олиш кабилар орқали содир этилса, иккинчидан, шафқатсизларча ва мураккаб бўлган – эшик ёки бошқа кўриқлаш воситаларини бузиш (баъзан портлатиш воситалари орқали), қулфларни ҳам шу каби усуллар билан очиш; девор ва томларни бузиб кириш каби ҳамда гараж ёки бошқа металл қурилмаларни бўлакларда пайвандлаш ва автоген воситаларини қўллаш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилишда қасддан зўрлик ишлатиб жиноят содир этиш (талончилик, босқинчилик) умумий жиноят кўрсаткичларининг 8–9 % ни ташкил этади. 85 % талончилик ва 82 % босқинчилик жиноятлари асосан шаҳар ва шаҳарчаларда содир этилади.

Қишлоқларда бу ҳолат камроқ кузатилмоқда. 30 % талончилик ва 43 % босқинчилик жиноятлари асосан гуруҳ бўлиб содир этилади. Бироқ гуруҳий жиноятларда уюшган гуруҳлар аломатларининг учраши ҳозирги кунда камайган.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш орқали юзага келадиган рецидив жиноятларнинг кўпчилиги талончилик ва босқинчиликда учрайди. Бу каби кўрсаткичларнинг юзага келиши профилактика ишлари талаб даражасида бўлмаганлигининг оқибатидир.

Талончилик ва босқинчилик содир этиладиган жойлар сифатида кўпроқ кўчалар, хиёбонлар, бозорлар кабиларни кўрсатиш мумкин ва бундай жиноятларни содир этиш асосан, айтиб ўтилганидек, оқшом ҳамда тунги вақтларга тўғри келади. Кўчаларда содир этиладиган талончиликларнинг объекти фуқароларнинг тилла буюмлари, кийим-

кечаклари кабилар бўлиши мумкин ва бундай талончилик асосан юлиб олиш, ечиб олиш орқали амалга оширилади.

Хонадонларга киришда эса талончиларнинг ўзларини турли шахслар, яъни милиция ходими, созловчи-чилангар, тиббий ходим, электромонтёр, қўшни кабилар сифатида таништиришлари ҳам кўплаб учрайдиган ҳолдир.

Аксарият талончилик ҳолатларида ўқотар қуролларни ёхуд у ёки бу буюмларнинг қаердалигини билиш мақсадида турли қийноқ усулларини қўллаш орқали шахсларга оғир тан жароҳати етказиш ҳоллари ҳам кузатилади. Энг хавфлиси, баъзан оила аъзоларини гаровга олиш ёки ўлим билан қўрқитиш ҳоллари ҳам учрайди.

Шунингдек, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий миқдоридан 2 % товламачилик орқали содир этилмоқда. Бироқ бу кўрсаткичнинг ошганлиги ҳам кузатилмоқда. Товламачилик орқали мулкка жинойий эгаликка эришиш ҳолларининг 80 % шаҳар ва шаҳарчаларда содир этилади, 28 % эса гуруҳ бўлиб амалга оширилади. Энг ачинарлиси, бу каби жиноятларни содир этишда уюшганлик ҳолати ошмоқда. Бироқ бундай уюшган гуруҳда иштирок этишдан воз кечиш ҳоллари, аксинча кўпаймоқда. Товламачилик ҳолати бўйича рецидив жиноятларнинг нисбатан ошганлигини ҳам кўриш мумкин.

Товламачилик жиноятларининг содир этилишига қуйидаги аломатлар хосдир. Яъни, товламачининг талабига кўра жабрланувчи: а) маълум бир буюмни; б) мулкка эгалик ҳуқуқини; в) даромаднинг бир қисмини улуш сифатида талаб этган шахсга бериши; г) мулк билан боғлиқ баъзи ҳаракатларни бажариши лозим. Бу талаб асосан тижоратчи ва тадбиркорларга қаратилади.

Афсуски, кейинги пайтларда товламачилик жисмоний куч ишлатиш ёки бошқа кўринишлардаги жазоларни қўллаш орқали амалга оширилмоқда. Энг муҳими, жабрланувчининг яқинларини гаровга олиш ва эвазига талаб этилган моддий бойликларни бериш шарт қилиб қўйилмоқда.

Шунингдек, мол-мулкни ёқиб юбориш ва бошқа турдаги мулкий жазолар қўллаш билан қўрқитиш ҳоллари ҳам мавжуд. Кўп ҳолларда товламачилик жиноятларидан жабр кўрувчилар бошқа турдаги жинойий фаолият билан шуғулланувчи жиноятчилар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ғайриқонуний молиявий операциялар орқали даромад олувчилар; наркотик воситалар билан ғайриқонуний шуғулланувчилар; фоҳишалар; қўшмачилар; фирибгарлар ва шу кабилар.

Мулкни фирибгарлик орқали ўзлаштириш жиноятларининг ҳам нисбатан ошганлигини кўриш мумкин. Албатта, бунинг сабаб ва шароитлари турличадир, бироқ унинг мазмуни ўзгалар мулкига эга бўлиш қасдининг мавжудлигини ифодалайди.

Жиноят статистикасининг таҳлилидан маълум бўлдики, фирибгарлик ва ўзлаштириш орқали талон-торож қилиш жиноятлари умумий кўрсаткичларнинг 11,7 % ва 19,9 % ни ташкил этган. Фирибгарлик жиноятларини гуруҳ бўлиб содир этиш бир маромда ва ошмаганлигини кўриш билан бирга, мулкни гуруҳ бўлиб ўзлаштириш ҳоллари бир мунча кўпайган.

Бироқ бу жиноятларда бошқа турдаги талон-торож қилиш жиноятларидан фарқли равишда, рецидив ҳолатлар кам кузатилган. Ўзига хос қизиқ ҳолат: моддий бойликларни ўзлаштириш орқали талон-торож қилишда рецидив ҳолатлар жуда кам, бунинг сабаби эса моддий жавобгар шахс лавозимига муқаддам судланганларнинг ишга олинмаслигидир.

Ҳозирги кунда фирибгарлик объектлари сифатида нафақат моддий қийматга эга буюмлар, балки мулкка эгалик ҳуқуқи (масалан, уй-жойни сотишга бўлган эгалик ҳуқуқи)га ҳам тажовузлар содир этилмоқда.

Фирибгарлик турлари хилма-хилдир. Яъни, турли фол очишлар; ҳар хил табиблик фаолиятини кўрсатиш; кимор ўйнашдаги фирромлик; бирор буюм олиб бериш мақсадида ўзгалардан пул олиш ва қайтармаслик; хорижий давлат валюталари (асосан, АҚШ валютаси, евро кабилар)ни қарзга олиш ва фоизга қарзга бериш; автомобиль (шу жумладан, уй-жой) олди-сотдисадаги хизмат кўрсатиш эвазига қимматбаҳо буюмларни алдов йўли билан гаровга олиш ва қайтармаслик; қалбаки ҳужжатларни пул эвазига тайёрлаш; банк муассасаларидан катта суммада пул олиб беришда воситачилик қилишдаги фирибгарлик кабилар.

Шунингдек, фирибгарликнинг анъанавий усуллари ҳам мавжуд. Масалан, қоғоз пуллардан «кўғирчоқ» яшаш; топиб олинган «пулни ўзаро бўлишиш» кабилар. Бунда фирибгарлар ўзига хос оддий усулларни қўллаш орқали жабрланувчиларга мулкий зарар етказдилар.

Шу ўринда фирибгарлик жиноятларидан жабр кўрувчиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки турли ёшдаги эркак-аёллар, касби бўйича эса турли соҳа вакиллари, баъзида юқори мартабали шахсларнинг фирибгарликдан жабрланиши кузатилган.

Содир этилиши бўйича фирибгарлик жиноятлари қуйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мумкин: 1) ёлғончилик ва алдов йўли билан; 2) ишончига кириш орқали. Фирибгарлик жиноятларининг содир этилиши кўпроқ шаҳар ва шаҳарчаларда, кўпинча вокзаллар, аэропортларда,

бозорларда, йирик савдо марказларида кузатилади. Халқаро миқёсда фирибгарлик билан шуғулланувчи шахслар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг жинойй фаолияти асосан туризм ва чет элга ишга жойлаштириш тизимларида содир этилади.

Иқтисодий жиноятлар тизимига кирувчи иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолиятини юритишдаги жинойй фаолиятларни таҳлил этишга ҳам алоҳида ёндашиш талаб этилади. Чунки бу каби жиноятлар ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у кўпчилик шахслар орасида, ҳатто бир вақтнинг ўзида бир неча корхона ва муассасаларда содир этилади. Ҳатто бу жиноятларнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимига кириб боришини ҳам яққол кўриш мумкин.

Жиноят статистикаси маълумотларининг таҳлилидан маълумки, умумий миқёсда ҳисобга олинган жиноятларнинг камайиши билан бирга, иқтисодиёт асослари ва хўжалик юритишдаги жиноятларни очиш кўпайган. Шунингдек, бу жиноятларнинг умумий жиноятчилик тизимидаги ҳиссаси ҳам ошмоқда.

Бозор муносабатларига ўтилиши боис, янгидан ишлаб чиқилган маъмурий ва жиноят қонунлари ушбу турдаги жиноятларнинг тизими ва динамикасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ўтган қисқа давр ичида валюта банкнотлари ва қимматбаҳо қоғозларни қалбакилаштиришлар билан боғлиқ жиноятлар қарийб 40 % га ошди. Бунинг ўзига хос жиҳати шуки, улар мамлакатимизга кўпроқ қўшни давлатлар орқали кириб келади.

Давлат валюта фондига жинойй тажовуз қилиш иқтисодиётга жуда катта хавф туғдиради ва шунинг учун ҳам валюта банкнотлари ҳамда қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ жиноятларга криминологияда катта эътибор қаратилади. Кўриб чиқиладиган давлат иқтисодиёти асослари ва хўжалик юритишда юзага келадиган жинойй ҳолатларнинг содир этилиши асосан ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган шаҳар ва шаҳарчаларда содир этилади.

Бозор шароитига ўтилиши муносабати билан хўжалик субъектларининг мустақиллигини таъминлаш учун жуда кўп қулайликлар яратилмоқда. Бироқ айнан шу асосда янги муаммолар келиб чиқаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунончи, валюта бойликларига жинойй тажовуз қилиш билан бирга, божхона қоидалари ва монополиялаштиришга қарши қаратилган жиноятлар, солиқ тўлашдан бош тортиш ёки бошқа тўловларни асоссиз равишда тўламаслик, тегишли лицензиясиз хусусий тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатиш каби салбий ҳолатлар ҳам кўпаймоқда. Бунинг

сабабларидан яна бири давлат назорат органларининг ўз ишларини талаб даражасида ташкил этмаслигидир.

Иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишида гуруҳлар ва муқаддам судланганлар иштироки кўп кузатилмайди. Бироқ сохта пуллар ва қимматбаҳо қоғозларнинг сотилишида асосан гуруҳий боғланиш ривожланганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотлар натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, муқаддам ўз фаолиятларида асосан «хуфиёна» ишлаб чиқариш каби иқтисодий жиноятларни содир этган жиноий тизимлар ҳозирги кунда очикдан-очик фаолият йўналишига ўтганлар. Шунинг учун ҳам ушбу гуруҳларнинг жиноий фаолиятлари нисбатан фаоллашганини кўриш мумкин.

Аммо, ачинарли томони шундаки, иқтисодиёт асосларига қарши ва хўжалик юритиш фаолиятида жиноий фаолият кўрсатиш кўп ҳолларда латент бўлиб қолмоқда. Яъни бу йўналишдаги жиноятларни рўйхатдан ўтказишда кўп ҳолларда ноаниқликларга йўл қўйилади ёки умуман жиноятлар хусусида хабар берилмайди.

Шунингдек, кўриб чиқиладиган жиноятлар тизимида, жумладан Ўзбекистон давлати манфаатларига зид битимлар тузилишида, айтиб ўтилганидек, валюта билан боғлиқ, сифатсиз маҳсулотлар чиқариш, тегишли рухсатномасиз савдо ва умуман тижорат соҳасидаги фаолиятлар билан шуғулланиш каби йўналишларда ғоят пухта тайёргарлик асосида бирлашган уюшган гуруҳлар орқали жиноят содир этилиши ҳам катта миқдорни ташкил этади.

Таъкидланганидек, уюшиш ва ихтисослашишда жиноятчилар яшаш учун бир бор ёки қўшимча равишда ва, энг асосийси, кўп маблағ топишга интиладилар.

2-§. Иқтисодий жиноятларни содир этувчи жиноятчи шахслар ва уларнинг кримнологик тавсифи

Иқтисодий жиноятчиликка тўлиқ таъриф бериш учун нафақат у билан боғлиқ жиноий қилмишларга, балки уларни содир этувчи жиноятчи шахсларга ҳам таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий жиноятчиликнинг барча жиҳатларини тўғри англашда, уни содир этувчи шахсларни ўрганиш орқали иқтисодий жиноятчилик ва унинг хусусиятлари, турлари, сабабларини атрофлича кўриб чиқиш имконияти юзага келади.

Кримнология нуқтаи назаридан ушбу тоифадаги жиноятчи шахсларни ўрганишда, биринчи навбатда, шахсинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини билиш асосида иқтисодий жиноятларни таҳлил этишга асос яратилади, шунингдек ушбу жиноятларнинг ўзига хос ички сабаблари

мавжудлигининг қонуниятларини билиш орқали иқтисодиёт билан боғлиқ жиноятларнинг барчаси хусусида етарлича маълумотларга эга бўлинади.

Инсон психологияси борасида тадқиқот олиб борувчи мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий жиноятларни содир этувчи шахслар қонунга итоаткор шахслардан ўзига хос равишда фарқ қилади. Шунингдек, уларнинг шахсий хусусиятлари бошқа турдаги жиноятларга «ихтисослашган» шахслардан ҳам кескин ажралиб туради. Иқтисодий жиноятларни содир этувчилар, айниқса ўзгалар мулкани талон-торож қилувчи шахслар хилма-хил хислатларга эга.

Бир қатор олимларнинг фикрича, «ўғрилар дунёси» хилма-хилликда бир-биридан ўзининг бойлиги билан ажралиб туради. Уларнинг сафида кимларни учратмайсиз! Оч қолишдан хавфсираган ва ўғриликни энди бошлаётганлар; ўғриликсиз туrolмайдиган «пихини ёрган» ўғрилар; қаровсиз ўсмирлар; ёшига етган мўйсафидлар ва лекин ишсизлик туфайли шу ишга қўл урганлар; кокаин, морфий, алкогольга зор пулсиз қолган гиёҳвандлар; йиғлаётган ва хурсанд ўғрилар; ҳеч вақосиз ўғрилару битиб кетган ва яна кўпроқ бўлишини хоҳловчи ўғрилар; хусусий мулк институти дунёга келтирган бандалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу фикр аввалги давр руҳини ифода этган. Бирок, шундай бўлса-да, ҳозирги кун ўғрилари ичида буни касб қилиб олган босқинчилар; талончилар, жиноятчилар сулоласининг бошида турувчи фирибгарлар ва оддий ўғрилар; фақат ўзининг ҳузурини ўйлайдиган, юқори ижтимоий мавқега эга ва етарли мол-дунёга эга йирик «ишбилармон-юлғичлар»; қаерда нима кўринса, шуни оладиган қаровсиз ўсмирлар ва шу қатори оиласи учун иш жойидан ўғрилик қилувчи ўғри ишчилар кабилар жамиятда мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Зотан, инкор қилиш бу каби воқеликнинг илдиз отишига имкон яратади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳолатларнинг ҳар бирининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш криминологияда ва умуман жаҳон миқёсидаги долзарб муаммо эканлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Криминологик тадқиқотлардан яхши маълумки, ўзгалар мулкани талон-торож қилувчи шахсларнинг кўпчилигига аксарият ҳолларда қуйидаги хислатлар хосдир:

– ўғрилар, талончилар, босқинчилар, товламачилар, фирибгарларда ғаразли мақсадлар орқали ўзгалар мулкига тажовуз қилиш истаги мавжуд;

– улар онгининг бузилиши, қонунларга менсимаслик билан қараш, ижтимоий яшаш қоидаларини инкор қилиш, ўз шахсиятига танқидий нуқтаи назардан қарамаслик ва манманлик хислатларига эгаллиги;

– ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик, суюқоёқлик каби иллатларга яқинликлари кабилар.

Ўзгалар мулкига тажовуз қилувчи шахсларнинг ҳар бири ўз жиноий фаолиятларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларга эга. Шунингдек, ўғрилар, талончилар, босқинчилар, товламачилар, фирибгар ва ташмачиларнинг ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий белгилари айнан бирдек бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жамиятда рўй берувчи барча ижтимоий-демографик жараёнлар турли ижтимоий гуруҳлар орқали намоён бўлади. Шу боис, криминология фани нуқтаи назаридан тадқиқот олиб борган олимларнинг жиноятчиларнинг ижтимоий-демографик асосдаги тавсифига кўра, маълум бир тоифадаги жиноятчилар ва уларнинг муайян ижтимоий-демографик гуруҳларга оидликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; жиноятларни у ёки бу ижтимоий-демографик гуруҳларнинг содир этишига хос белгилар; жамиятдаги ижтимоий-демография таркибий хусусиятларининг ўзгариши ва шу орқали ўзгалар мулкини талон-торож қилувчи шахслар таркибининг ўзгаришидаги ўзаро боғлиқлик каби ҳолатлар аниқланган.

Ижтимоий-демографик ҳолатлар ўзгалар мулкининг ўзлаштирилиши билан бевосита сабабий боғланишда бўлмайди, балки талон-торожликнинг маълум бир сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодалайди ва шу орқали жиноятларнинг олдини олиш йўналиши, унинг ҳажми ва мазмунини ёритишга имкон беради.

Мамлакатда ёки аниқ бир ҳудудда ижтимоий-демографик жараёнлар ривожланишининг истикболларини билиш нафақат ушбу жараёнларнинг келиб чиқишидаги салбий ҳолатларни башорат қилишга, балки унга қарши кураш олиб боришни ташкил этишга ҳам ёрдам беради.

Жумладан, эркаклар содир этадиган жиноятчилик ва унинг фарқи шу ўринда ўзгалар мулкини талон-торож қилишдаги ўзига хос жиҳатлар, шахснинг жинсий-физиологик хусусиятлари ёки жиноятни содир этишдаги биологик хусусиятларнинг таъсири бўлмай, балки ижтимоий жараёнлар мазмуни ва уларнинг ўзига хос равишда у ёки бу жинсдаги шахслар гуруҳига хослиги, миллий анъаналар, одатлар кабилар билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Бинобарин, ўзгалар мулкининг талон-торож қилинишида иштирок этган эркаклар 93 %, аёллар эса бор-йўғи 6–7 % ни ташкил этиши бунинг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда аёллар жинойтчилиги фирибгарлик орқали талон-торож қилишда (22–24 %) ва ўзлаштириш жинойтларида (11–13 %) юқори эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда аёлларнинг товламачилик ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик жинойтларини содир этиши ортмоқда (3–7 %).

Ўзгалар мулкани талон-торож қилишда, айниқса талончилик, фирибгарлик, босқинчилик, ўғрилиқ, товламачилик жинойтларининг содир этилишида ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ўқимайдиганлар кўпчилиқни ташкил этмоқда ва уларнинг ичида 16 ёшдан ошганлар қарийб 43–45 % дир.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилишда ишчиларнинг иштироки ҳам сезиларлидир (26–28 %). Бироқ бу кўрсаткичнинг йил сайин қисқариб бораётганлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Ўғрилиқ жинойтларини содир этган шахслар ичида ишчилар 27–28 % ни, талончилар ичида – 20 %, босқинчилар ичида – 24 %, фирибгарлар ичида – 17 % ва товламачилар ичида – 23 % ни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эса бу кўрсаткич камчилиқни ташкил этади ва ўғрилиқлар 10 % атрофида бўлса, ташмачилар кўрсаткичи эса 8 % ни ташкил этади. Бу қишлоқдаги фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Чунки бундай хўжалиқ юритилишида ўғрилиқни юзага келтирувчи сабабларнинг кўпчилиги барҳам топади.

Шунингдек, хизматчилар таркибида ҳам ўзгалар мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари кам учрайди (8–9 %). Бироқ давлат ва жамоат мулкани ташмачилиқ билан содир қилиш ҳоллари хизматчилар орасида кўпчилиқни ташкил этади (51–52 %). Хизматчилар содир қилган товламачилиқ ва фирибгарлик жинойтларининг ошганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жинойт статистикасининг кўрсатишича, кейинги йилларда ўқувчи ёшлар таркибида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш 3 % га камайган. Айниқса, ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик ва товламачилиқ камайганлиги сезиларлидир.

Талончилик жинойтларини содир этган ва судланган ҳар учта шахсдан иккитаси ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотли шахслардир ва бу кўрсаткичнинг ўзгалар мулкани талон-торож қилишда ошаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1994 йилдаги таҳлилни кўрсак, талончилик жинойтлари сифатидаги ўғрилиқ, талончилик, товламачилиқ, фирибгарлик ва турли ташмачилиқларни содир этган шахслардан 11,1 % ни ўрта ва олий маълумотга эга бўлганлар ташкил этган.

Демак, ўзгалар мулкини талон-торож қилишда иштирок этган шахслар таркибида маълумотли шахслар сони юқори ва жиноятнинг содир этилишида шахснинг маънавий жиҳатларини унинг маълумоти белгилайди дейишга асос йўқ, деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг юзага келиши жинотий қилмишни содир этиш усули билан боғлиқ эканлигини эътиборга олиш лозим.

Олий маълумотли шахслар содир этадиган жинотий қилмишларнинг пухта амалга оширилиши, ҳар бир вазиятнинг аниқ ҳисобга олиниши, зарур алоқалар ва иштирокчиларни танлаш, улар бажарадиган вазифаларнинг аниқ қўйилиши кабилар билан ҳам эътиборлидир.

Ҳар бир жинотни криминология нуктаи назаридан таҳлил этишда жинотчининг ёшини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга. Чунки шахснинг ёши ва ижтимоий-руҳий ҳолатларини аниқлаш орқали у содир этиши мумкин бўлган жинотларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриш имконияти юзага келади.

Жинот статистикаси маълумотларига кўра, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жинотларни содир этганларнинг ҳар учтадан бири 18–24 ёшда, ҳар бештадан бири 25–29 ёшда, ҳар ўнтадан бири 16–17 ёшда эканликлари аниқланган. 18–24 ёшдаги ўғрилар, талончи ва босқинчилар, товламачилар кўпчиликини ташкил этади.

18–24 ёшдагилар ичидаги криминал фаолликнинг мавжудлигига, биринчидан, ёшларни ўз вақтида иш билан таъминламаслик; иккинчидан, ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал этмаслик; учинчидан, жинот содир этиш орқали «бахтли ҳаётни» таъминлашга чорловчи адабиётлар кино ва видеофильмларнинг кўплаб тарқалиши ҳамда шунинг орқасида шахсда тажовузкорлик, ўз манфаатларини ўйлаш, фоҳишабозлик ва шу каби салбий дунёқарашларнинг шаклланиши сабабдир.

Юқорида баён этилган барча жинотлар ҳозирги кунда гуруҳ бўлиб содир этилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Айниқса, бу кўрсаткичнинг босқинчилар, ўғрилар, талончилар ичида юқорилиги чуқур криминологик тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Ҳозирги кунда уюшганлик хусусиятига эга бўлган ва вояга етмаганлар содир этаётган талон-торож қилиш жинотларининг ошаётганлиги ҳам жамият учун катта хавф туғдирмоқда.

Жинот статистикасидан маълумки, 9,5 % талон-торож қилиш жинотларини вояга етмаганлар ва катта ёшдаги жинотчи шахслар содир этган, 8,7 % эса фақат вояга етмаганлар иштирокида амалга оширилган. Бу кўрсаткичнинг ўғрилар (11,2 % ва 10,4 %) ҳамда талончилар (9,7 % ва 9 %) ичида юқорилиги аниқланган. Босқинчилар ичида вояга

етмаганлар иштирок этган гуруҳлар ва фақат вояга етмаганлардан иборат гуруҳлар камчилик (7,2 % ва 4,8 %)ни ташкил этади.

Яна бир муҳим ҳолат: 2,2 % ўзгалар мулкани талон-торож қилганлар муқаддам икки ва ундан ортиқ жиноят содир этган шахслар бўлгани ҳолда жиноий жавобгарликка умуман тортилмаганлар. Бу кўрсаткич босқинчилар (5,4 %) ва талончилар (2,9 %) ичида кўпчиликни ташкил этади.

Мастлик ҳолатида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш ҳолатларининг ошаётганлигини ҳам кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар ўғрилар, талончилар ва босқинчилар ичида юқориликча қолмоқда.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларининг содир этилишида муқаддам судланганлар 15–16 % ни ташкил этади. Ўғрилар, талончилар, босқинчилар ва турли ташмачилар ичида муқаддам судланганлар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳар икки муқаддам судланганлардан бири жазони ўташ муассасаларида жазо ўтаган, ҳар ўн иккидан бири жазони ўтагандан сўнг бир йил ичида уч марта такроран жиноят содир этган.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, кўпчилик талон-торожликларни содир этишда шахс ўз олдига, асосан, моддий ва мулкӣ бойликларга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди.

Криминологик тадқиқотлардан маълумки, ғаразли мақсад нафақат ўз мулкӣ эҳтиёжларини қондиришни, балки (кўпчилик ҳолларда мулкӣ эҳтиёж фақат масаланинг бир томонини ифодалайди, холос) шахсда ўзига хос зарур мақсадларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бундай мақсадларнинг кўпайганлиги ва кучайганлигини ҳам кўриш мумкин.

Иқтисодий жиноятларни содир этишнинг асл мақсадига қўшимча равишда, жиноятчиларда ўзбилармонлик, таваккалчилик, «эҳтиросни сўндириш» каби ғаразли мақсадларни қондириш ҳам мавжуд. Бунда жиноятчилар руҳий озик ва завқ оладилар. Шунинг учун бу мақсад жиноят содир этилишида доимо уларга далда беради.

Ўзгалар мулкани талон-торож этувчилар кўп ҳолларда ижтимоий яшаш тарзи талабларидан четга чиқувчи, ғайриқонуний фаолият юритувчи, ўзгалар ҳисобига кун кўрувчи ва аксарият ҳолларда эса уй-жойсиз дайдилардан иборат бўлади.

Умуман олганда, криминология нуқтаи назаридан ёндашилса, иқтисодий жиноятларнинг содир этилишидаги ғаразли мақсадлар ўзбилармонлик, бахтли таваккалчилик ва таъминотни, қандай бўлмасин, яхшилашдан иборатдир. Тўғри, улар орасидаги фарқ қиёсий ва доимо ўзгариб туриш хусусиятига эга.

Жумладан, ўғрилиқ, босқинчилик, товламачилиқ, ўзлаштириш йўллари орқали муҳим турмуш тарзига эга бўлиш мақсади кўзланса, ичкиликбозлар ёки гиёҳвандлар учун ичкилик ва наркотик воситаларга пул топиш асосий мақсаддир.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этилиши ўзига хос хавф туғдириши ўқувчига яхши маълум. Шундай экан, бу жиноятларнинг олдини олиш ғоятда муҳим бўлиб бормоқда.

Айниқса, криминология нуқтаи назаридан қаралганда, қуйидаги уч гуруҳга мансуб тадбиркорлик ҳам ўзига хос криминоген белгиларга эга.

Биринчиси – Ўзбекистон манфаатларига зид тарзда хом ашёларни, табиат бойликларини хорижга олиб чиқиб кетиш асосида бойлик ортирувчилар.

Иккинчиси – давлат ва халқ ҳисобидан ғайриқонуний равишда тезликда бойликка эга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб олган тадбиркорлар.

Учинчиси – давлат эҳтиёжига хилоф равишда иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилувчи алоҳида йўналишдаги уюшган гуруҳлар.

Биринчи ва иккинчи гуруҳга мансуб жиноятчилар амалга ошириладиган барча ислохотларга қаршидирлар. Уларнинг истаги фақат бир нарсага, яъни иқтисодиётдаги зарур тартибларга қарши туришдан иборат.

Шунингдек, бу каби тадбиркорлар ҳаракатларида тез бойиш ва, қандай бўлмасин, моддий бойликларга эришиш каби ғаразли мақсадлар ётади. Улар оддий халқ манфаатларидан кўра ўз манфаатларини юқори кўядилар ҳамда жамиятда муқим ўрин эгаллашга интиладилар. Учинчи гуруҳга мансуб бўлганлар эса, ўз хусусиятларига кўра, давлат иқтисодига сезиларли равишда зарар етказдилар ва жамият тараққиётига раҳна соладилар.

3-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари

Криминологияда жиноий қилмишни юзага келтирувчи восита ғаразли мақсаддир. Қиёсан айтганда, ғаразли мақсад шахснинг хусусиятлари ва ҳислатларини ифодалайди. Яъни, ўзининг чиркин ниятларига эришиш учун хатти-ҳаракатлар нимага қаратилиши, ўз ниятига етиши учун нималарни амалга ошириши лозимлиги ва бундай фаолият кўрсатувчи шахсга нима наф бериши мумкин, деган саволларга жавоб топиш орқали шахснинг аниқ ҳислатларини аниқлаш мумкин бўлади.

Иқтисодий жиноятларга хос ғаразли мақсадларни билиш эса мулкка эгаллик қилишнинг маънавий ва ҳуқуқий жиҳатларини шахс қанчалик эътироф этганлигини ифодалайди. Мақсад ўзининг узил-кесиллигини ғараз билан боғлайди ва бу жараён узоқ вақт шаклланади ҳамда жазо ва унинг қўлланишидан асло чўчимайди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий жиноятларни содир этувчилар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз мақсадларига етишга интилади, бироқ баъзида бу мақсадлар ғаразли бўлмаслиги ҳам мумкин. Маълумки, шахснинг жиноий қилмиши субъектив жиҳатдан бирор-бир мақсадга қаратилган ва фақат ўша шахсга хос қонуниятларга эга.

Бироқ баъзида шахснинг жиноий-ҳуқуқий ҳаракатларга қаратилган шахсий хислатлари яширин бўлиб, шахс идрок қилмаган бўлиши мумкин. Баъзида, амалиётдан маълум бўлишича, суд ва тергов органлари айнан шу каби яширин мақсадлар хусусида етарлича маълумотга эга бўлмайдилар.

Муайян шахсларга хос жиноятларни содир этишнинг ички қонуниятлари тўғрисида хулоса чиқаришда руҳий жиҳатдан чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, унинг ҳаёт йўлини ўрганиш, айниқса оилада олган тарбияси ва шахсининг шаклланиш босқичларини билиш катта аҳамиятга эга. Жиноятчининг шахсини ўрганишда имкон даражасида унга хос ва жиноят содир этилишига олиб келган криминоген, шу билан биргаликда, латент хислатларни билиш ва юзаки ҳамда ҳақиқатга зид, алдамчи вазиятлардан холи бўлиш зарур.

Маълумки, шахсга болалигидан бошлаб номақбул таъсир этувчи ҳолатларни билиш алоҳида аҳамиятга эга. Шунга боғлиқ равишда, айтиш мумкинки, ғаразгўйлик ҳам ёшлиқдаги тарбия жараёнида йўл қўйилган хатоларнинг натижаси бўлиши мумкин.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, иқтисодий жиноятларнинг, хусусан ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик каби жиноятларнинг содир этилиши шахснинг эҳтиросларидаги ва болалиқдаги руҳий зўриқишлар орқали юзага келган бўшлиқнинг ўзига хос равишда тўлдирилиши, ўз ўрнини топиш ва шу орқали ишончсизлик ҳамда умидсизликлардан қутулиш учун ўзининг моддий фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилишидир деб тушуниш мумкин.

Ҳаёт тажрибасидан яхши маълумки, ота-оналарнинг ўз фарзандларини жиноий фаолиятга жалб қилиши кам учрайдиган ҳолдир. Уларнинг ноўрин ўртак кўрсатишлари ва бунда қонунга итоат этмасликлари, жамият манфаатларига зид тарзда яшашлари қабилар болалар кўз ўнгига содир бўлади ва улар шахсининг шаклланишига салбий таъсир этади.

Бу, албатта, ўсмирнинг бундай салбий иллатларни тўлиғича қабул қилади дегани эмас. Боланинг барча салбий хислатларни олиши учун ўз шахсий хислатларидаги эҳтирослар ота-онасиники билан мос келиши лозим. Агар бундай хислатлар болада бўлмаса, у ота-онасидан мавжуд хислатларни қабул қилмайди.

Иқтисодий жиноятларнинг алоҳида гуруҳларига ва уларни содир этувчи шахсларга хос криминалистик хусусиятларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқишни қуйидагилар тақозо этади:

а) ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик жиноятларининг сабаб ва шароитлари;

б) ўзлаштириш орқали мулкни талон-торож қилиш ҳамда иқтисодиёт асослари ва хўжалик юритиш фаолиятидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари.

Ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарлик жиноятларига хос умумий сабаблар жумласига жамият тараққиётидаги қарама-қаршиликлар, иқтисодиёт тараққиётидаги номақбул ривожланишлар; турли таназзул ҳолатлари; жамиятдаги ижтимоий-маънавий соҳадаги камчиликлар; тарбиявий ишларнинг талаб даражасида эмаслиги; одамларга тўраларча муносабатда бўлиш, товар-моддий бойликларнинг етишмаслиги, нарх-навонинг юқорилиги, пулнинг қадрсизланиши каби-лар киради.

Ушбу жиноятларнинг бевосита сабаблари сифатида қуйидаги салбий ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

– оила шароитида, иш, ўқиш ва яшаш жойларида ғаразли мақсадларнинг шаклланиши;

– молпарастлик, мол-дунёга ўчлик хислатларининг юзага келиши ва шаклланиши;

– дам олиш, ҳордиқ чиқариш мақсадларининг бузилиши, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик кабиларга берилиш;

– ўзини ўйлаш ва микрогуруҳларда зўравонлик кайфиятларининг юзага келиши;

– ғаразли ва ғаразли-зўравонлик жиноятларини содир этувчилардаги маданият, дунёқараш ва маънавиятнинг пастлиги;

Ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик жиноятларининг содир этилишига омил бўлиб ҳисобланувчи қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

– уй-жойлар ва мулклар сақланадиган жойларни кўриқлаш ҳамда техника муҳофазасининг йўқлиги;

– ўз ихтиёридаги ёки жавобгарлигидаги мулкни сақловчи моддий жавобгар шахсларнинг зарур сақлаш чораларини кўрмаганлиги;

– ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг жавобгар шахсларни ўз вақтида жавобгарликка тортмаслиги ва жиноятчиларни ўз вақтида қидириб топмаслиги ҳамда назорат остидаги шахслар билан зарур профилактика ишларини олиб бормаганлиги;

– жабрланувчиларнинг виқтим ҳолатлари, яъни фирибгарлик, босқинчилик жиноятларининг кескин тус олишини юзага келтирувчи ғараз, жоҳиллик кабиларни қўзғатишлари ёки ўткинчи шахслар билан мулоқотда бўлиш орқали ўғрилик, талончилик ва товламачилик жиноятларига йўл очиб бериш;

– иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий манбаларнинг талаб даражасида бўлмаслиги ва оқибатда мулкӣ низоларни ҳал этишда жабрланувчиларнинг жиноий тизимларга мурожаат қилиши кабилар.

Иқтисодиёт соҳасидаги ва хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келувчи ўзлаштириш жиноятлари учун объектив ва субъектив сабаблар ҳосдир.

Криминология нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўп ҳолларда мавжуд қарама-қаршиликлар ва салбий вазиятлар иқтисодий жиноятчиликнинг келиб чиқишига йўл очади. Айнан шу туфайли ўзига хос тарзда иқтисодий жиноятларни келтириб чиқарувчи ижтимоий ва индивидуал-руҳий хусусиятларга эга сабаблар юзага келади.

Индивидуал-руҳий хусусиятлар шахсни молпарастликка жалб этади ва унда пулнинг қудратига ишонч ҳосил қилади. Оқибатда шахсда ижтимоий бузуқ руҳият шаклланади.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муаммоларнинг криминологик таҳлили кўрсатишича, ишлаб чиқариш, ташкилий бошқарув ва хўжалик муаммоларини ечиш асосида амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатга салбий таъсир этувчи бир қатор ҳолатлар мавжуд. Шу боис, иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд турли салбий ҳолатлар ҳали-ҳануз сақланиб турибди.

Ушбу ҳолатларни қиёсан учта гуруҳга бўлиш мумкин: а) ижтимоий-иқтисодий; б) ташкилий-бошқарув; в) маънавий-руҳий.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатларга қуйидагилар киради:

- пулнинг қадрсизланиши;
- хўжасизлик;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчилар иш ҳақининг камлиги;
- нарх-навони ушлаб туриш механизмининг йўқлиги;
- ишсизлик;
- «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжудлиги;

- айрим хом ашё ва товарларнинг етишмаслиги;
- жинойий йўл билан топилган даромадни юзага чиқариш;
- мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг суствлиги;
- хом ашё ва материаллар сарфининг норматив бирлиги белгиланмаганлиги туфайли талон-торож қилишга йўл очиш;
- хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги;
- қимматбаҳо қоғозлар бозорининг суствлиги;
- қимматбаҳо қоғозлар ҳимоясининг самарасизлиги;
- солиқларнинг юқорилиги ва солиқ тўлаш қоидаларининг бузилиши;
- иқтисодиёт соҳасидаги рақобатчиликнинг йўқлиги;
- ҳужжатлар назоратининг мукамал тизими йўқлиги;
- тадбиркорликнинг банк ва тижорат сирлари аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириш.

Иқтисодиёт соҳасидаги жинойятларнинг тарқалишига салбий таъсир этувчи ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳолатларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- иқтисодий муносабатлар фаолияти устидан солиқ, божхона, молия ва банк олиб борадиган назоратнинг суствлиги;
- хўжалик юритиш амалий фаолияти талабларининг ҳуқуқий мувофиқлаштириш жараёнидан олдинга ўтиб кетиши;
- иқтисодиётни бошқаришдаги маъмурий-буйруқбозликнинг мавжудлиги;
- давлат иқтисодиёти йўналишларида бир-бирини жинойий қўллаб-қувватлаш тизимининг юзага келиши;
- мансабдор шахсларнинг назорат, ҳисоб-китоб ишларини нотўғри ташкил этиши;
- моддий жавобгар шахсларни танлашда эътиборсизликка йўл қўйиш;
- солиқ тизимининг муқим ишлаши ва такомиллаштиришга эришмаслик;
- иқтисодий жинойятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг талаб даражасида иш кўрмаслиги;
- ушбу жинойятларга қарши умумий кураш олиб боришда масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг соҳавий ва маъмурий-ҳудудий ҳамкорлигининг суств ташкил этилганлиги;

– ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, иқтисодиёт асослари ва хўжалик юритиш фаолиятидаги жиноятларни тадқиқ этишдаги умумийликнинг йўқлиги;

– иқтисодий муносабатлар ва у билан боғлиқ келишмовчиликларни ўз вақтида ечишнинг амалга оширилмаслиги.

Маънавий-руҳий ҳолатлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

– жамиятда шахслар табақаланишининг юзага келиши;

– аҳолининг муайян қатламида қонунга ҳурматсизлик ва иқтисодиёт соҳасидаги бебошликнинг юзага келиши;

– иқтисодиёт соҳасида ва хўжалик фаолиятининг юритилишида содир этилган жиноятларни содир этганлик учун жинойий жавобгарликка тортилмасликка бўлган ишонч;

– айрим тадбиркорлар ва, айниқса ёшлардаги тез бойиб кетишга бўлган интилишнинг шаклланиши;

– аҳолининг муайян қатламлари руҳиятида маънавий хислатларнинг шаклланмаганлиги;

– «пул билан ҳар нарсага эришиш мумкин» деган ақиданинг юзага келиши;

– бойликка ҳирс қўйиш кабилар.

Санаб ўтилган ҳар бир гуруҳга мансуб ҳолатларнинг мулкни талон-торож қилиш, иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолиятининг юритилишидаги жиноятларнинг миқёси ва динамикасига таъсир доираси бир хилда эмас.

Зотан, маъмурий-буйруқбозлик асосида иш юритилиши билан ўрин алмашаётган бошқарувдаги айрим салбий ҳолатларнинг юзага келиши ва жамият эҳтиёжига мос келмаган шароитнинг шаклланишига асосий сабаб, умумий тарзда, жамият манфаатларига мос келмаган ҳолатларнинг олдини олишдаги ягона концепциянинг яратилмаганлигидир.

Баъзан тадбиркорлик йўналишида яратилган эркинликнинг иқтисодиётдаги жавобгарлик ва умуммажбурий талаблар билан мос келмаслиги ҳам ўзбилармонликка олиб келади, ҳатто иқтисодий муаммоларнинг жамият манфаатларига зид ҳолда ҳал этилишини келтириб чиқаради.

Санаб ўтилган барча ҳолатлар айрим кўринишлардаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан холи эмас ва айти пайтда шу каби хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига шароит яратади. Бинобарин, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш чораларининг амалга оширилишини таъминлаш катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

4-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишдаги асосий йўналиш умумижтимоий миқёсдаги: иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишини таъминлаш; ишлаб чиқариш самарасини ошириш; аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш; иқтисодий самара ва ижтимоий адолатни мувофиқлаштириш; халқнинг маънавий анъаналарини юзага келтириш ва ривожлантириш каби тадбирлар билан узвий боғлиқдир.

Ушбу тадбирларни талаб даражасида амалга оширмай туриб, жамият тараққиётига эришиб бўлмайди. Шу боис, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда махсус профилактика чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда икки гуруҳдаги махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарлик жиноятларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;

2) талон-торож қилиш орқали ўзлаштириш, иқтисодиёт соҳасидаги ва хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарликнинг олдини олишда махсус чораларни қўллаш катта аҳамиятга эга.

Криминологияда махсус чора-тадбирлар сифатида жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилишга қаратилган профилактика тадбирларини тушуниш эътироф этилган.

Бироқ, ўқувчига яхши маълумки, махсус профилактика тадбирларининг умумижтимоий профилактикадан алоҳида олинган ҳолда ўтказилиши умуман самара бермайди. Чунки ҳар икки миқёсдаги профилактик чора-тадбирлар бир мақсад учун қаратилгандир.

Махсус профилактика тадбирларини қиёсан учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) ташкилий-техник;
- б) маъмурий-ҳуқуқий ва криминологик;
- в) ахборот-тарбиявий ва виктимологик.

Ташкилий-техник тадбирлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

пул, қимматбаҳо қоғозлар ва товар-моддий бойликларни, савдо шохобчалари, уй-жойларни муҳофаза қилишда қўриқлаш воситаларини жорий этиш;

эшик-деразаларнинг мустаҳкамлигини ошириш ва қулф-калитларнинг механик мустаҳкамлигини таъминлаш;

кўп қаватли уйларнинг йўлакларида умумий кодлаштирилган қурилмаларни ўрнатиш;

криминоген вазиятларни ҳисобга олган ҳолда пул, қимматбаҳо қоғоз, товар-моддий бойликларни, бозор, савдо марказлари, мавзелар ва бошқа аҳоли турар жойларида милиция пост-патруль хизматининг навбатчилигини ташкил этиш;

шу каби криминоген вазиятлар оғир бўлган жойларда жамоатчилик ва халқ посбонларининг навбатчилигини ташкил этиш;

бозорлар, савдо марказларида транспорт воситаларини қўриқлашга мўлжалланган жойларни ташкил этиш;

кўчалар, ҳовли-жойлар, хиёбонлар, турли бинолар, бозорлар, бекатлар ва автомобиллар турадиган жойларда электр ёритиш воситалари бўлишини таъминлаш;

пул, қимматбаҳо қоғозлар, товар-моддий бойликлар сақланадиган жойларни қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминловчи техник воситалар билан таъминлаш.

Маъмурий-ҳуқуқий ва криминологик чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

кўчалар, хиёбонлар, бинолар, бозорлар, транспорт воситалари турадиган жойлардан ва фуқаролар кўп тўпланадиган жойлардан маст бўлган кимсаларни четлаштириш;

майда безорилик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан ўқотар қуролларни сақлаш, тайёрлаш ҳолатларини аниқлаш ва қуролларни олиб қўйиш;

маълум бир жой ёки ҳудудда дайдилар, ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, жинойтчи-гастролёрлар ва бошқа жиноий элементлар тўпланадиган ҳамда ўғирланган мулклар сотиладиган жойларни аниқлаш ва вақти-вақти билан рейдлар ўтказиш;

ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарлик жинойтларини содир этиши мумкин бўлган руҳий хаста шахсларни аниқлаш, топиш ва тегишли чоралар кўриш;

жиноий гуруҳларнинг юзага келишига йўл қўймаслик;

ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарлик жинойтларини илгари ҳам содир этган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ишга жойлашини ташкил этиш;

қоида асосида маъмурий назорат ишларини йўлга қўйиш;

вояга етмаганларни жиноий йўлга бошловчи шахсларни аниқлаш ва фаолиятларига чек қўйиш;

тақиқланган фильмлар, жоҳиллик, қасоскорлик, порнографияни тарғиб қилувчи турли адабиётларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва фоҳишабозлик, гиёҳвандлик ҳамда турли маънавий бузуқликлар тарқалишининг олдини олиш;

турли кўринишдаги фоҳишахоналар, қиморхона ва бангхоналарни аниқлаш ҳамда фаолиятларига чек қўйиш.

Ахборот-тарбия ва виктимологик чора-тадбирлар сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик ва фирибгарлик жиноятларининг таркиби, динамикаси ва географиясини криминалогик таҳлил этиш ҳамда олинган натижалардан уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришда фойдаланишни йўлга қўйиш;

айрим тоифадаги кимсаларнинг ўғрилик ва шу каби мулкий жиноятларни содир этаётганлиги хусусида аҳолини огоҳ этишни йўлга қўйиш ва ахборотларни маълум қилиб бориш;

аҳолида ўзларига тегишли мулкни ўғрилар, талончилар, босқинчилар, товламачилар ва фирибгарлар тажовузидан сақлашни таъминлаш учун зарур кўникмаларни шакллантириш;

фуқаролар, тадбиркорлар, фирма ва корхона раҳбарларини товламачилик ёки фирибгарлар билан тўқнаш келиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тўғрисида огоҳ этиб бориш;

аҳоли ва, айниқса ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик ҳолатларининг яхшиликка олиб келмаслигини тушунтириш ишларини йўлга қўйиш;

носоғлом муҳитдаги оила, ўқув синфлари, гуруҳлари ёки ёшларнинг норасмий уюшмаларида ижобий ҳолат бўлишига эришиш;

майда безори, ишламайдиган, ўқимайдиган шахсларнинг янада ёмонроқ хатти-ҳаракатларни содир этишининг олдини олиш;

ичкиликбозлар, гиёҳвандларга ва зўравонларга мунтазам таъсир кўрсатиш ва тўғри йўлга солиш (суҳбатлар ўтказиш, иш ва ўқиш жойларида хулқини назорат этишни ташкил этиш ва зарур ҳолларда ўқув, спорт ва бошқа машғулотлар билан бандлигини таъминлаш).

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан ўзлаштириш, иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолиятини юритишдаги жиноятларнинг олдини олиш ижтимоий бошқарувнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шахсни шакллантиришда зарур иқтисодий, ишлаб чиқариш, техник, ҳуқуқий ва тарбиявий чоралар тизимини шакллантиришни, шу

билан бир қаторда, номақбул ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишни тақозо этади. Шу боис, иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда умумижтимоий чора-тадбирларни жорий этишни ҳам қўллаш лозим.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишдаги умумижтимоий чоралар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

иқтисодиётда самарали бошқарув тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш;

саноат ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технология жараёнларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш жараёнида комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган корхоналарни яратиш;

ишлаб чиқаришни ялпи техник жиҳозлашни йўлга қўйиш.

Албатта, бу каби умумижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, айтиб ўтилганидек, махсус профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал бўлишини талаб этади.

Шунга кўра, давлат амалга оширадиган махсус чора-тадбирларни қуйидаги бешта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) иқтисодий;

б) ташкилий;

в) техник;

г) ҳуқуқий;

д) тарбиявий чора-тадбирлар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чора-тадбирларнинг ҳар бири мустақил бўлгани ҳолда, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун комплекс ҳолда ташкил этиш даркор.

Иқтисодий чора-тадбирлар жумласига қуйидаги тадбирларни кириштириш лозим:

мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш;

монополияни юзага келтирмаслик ва эркин рақобатнинг таъминланиши;

банк тизимини ислоҳ қилиш ва иқтисодий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш;

нарх-навони ташкил этиш жараёнини ислоҳ қилиш;

ер ислоҳоти ва қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни йўлга қўйиш;

қимматбаҳо қоғозлар;

товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ахборот, маслаҳат, хизмат кўрсатиш тармоқларини яратиш;

давлатнинг меҳнат жамоалари ва хусусий мулк эгаларининг оператив-хўжалик фаолиятларига аралашмаслигини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш;

ҳар бир хусусий мулк эгасига эркин ҳамкорлик қилиш имкониятини яратиш ва шартномалар тузишга йўл очиш;

ташқи иқтисодий алоқаларга йўл очиш ва давлат буюртмаларини бажариш, олиб чиқилувчи хом ашёларнинг турларини белгилаш каби ташқи алоқаларни бажарувчи мувофиқлаштириш механизмини яратиш.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда йўл қўйиладиган турли суистеъмолчиликлар, ғаразли мақсадларнинг олдини олишнинг ташкилий чоралари эса қуйидагилардан иборат:

давлатнинг молия, солиқ ва бошқа йўналишлардаги назорат қилиш ишларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш;

касбий тайёргарлик ва молия, солиқ, божхона каби назорат органларини танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш;

иқтисодий алоқалар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя этишда кенг жамоатчилик уюшмалари ва ташкилотларининг фаолият кўрсатиш механизмини яратиш;

айрим фаолият йўналишлари бўйича нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг шуғулланишини ҳуқуқий жиҳатдан тақиқлашни амалга ошириш;

давлат бошқаруви ва назорат органлари хизматчилари учун муайян йўналишдаги тижорат-тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни чеклаш;

даромад ва ҳисоб-китоб ишларини олиб боришдаги аниқликларни таъминлаш учун назорат ва ҳисобга олиш ишларига янги усулларни жорий этиш ҳамда такомиллаштириб бориш;

иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолиятини назорат этиш ва бошқаришда ҳуқуққа зид қилмишларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишдаги техник чора-тадбирлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади:

товар-моддий бойликларни ва хом ашёларни жўнатиш ҳамда ташишнинг мукамал усулларини жорий этиш;

товар-моддий бойликлари ва хом ашёни сақлашда зарур сақлаш воситаларини қўллаш;

товар олди-сотдисидида қалбаки пул, қимматбаҳо қоғозлар, муайян ноаниқликдаги ҳужжатларнинг мазмунини аниқлашнинг замонавий техник усули ҳамда воситаларини қўллаш;

маҳсулотларнинг сохталаштирилганлигини тез аниқлашга ёрдам берувчи экспресс-таҳлил қурилмаларидан фойдаланишни ташкил этиш;
ишлаб чиқаришда чиқитсиз ишлашни йўлга қўйиш;
солиқ тўлашдан бош тортиш мақсадида даромадни яширишнинг энг самарали усуллари топиш кабилар.

Иқтисодий жиноятларни содир этишнинг олдини олишда қуйидаги ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

бозор шароитида иқтисодий муносабатлар субъектларининг фаолият йўналишларида зарур бўлган ҳуқуқий мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятида банд субъектларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан содир этиладиган қонунбузарликларнинг олдини олиш учун моддий жазо қўллашнинг мукамал тизимини яратиш;

жамият эҳтиёжларига зид ҳолда хўжалик фаолиятини юритишга қарши маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни жорий этиш;

у ёки бу фаолият йўналишларини тартибга солиш мақсадида турли чеклашларни жорий этиш;

хусусий ёки қўшма корхоналарни тузиш ва рўйхатга олишдаги сунъийлик, бухгалтерия фаолиятидаги кўзбўямачиликларга аниқ жиноий ёки маъмурий жавобгарлик жорий этиш;

иқтисодиёт соҳасида қабул қилинаётган қонунларни иқтисодий-молиявий; ташкилий-иқтисодий, криминологик, экологик ва психологик асосларининг мукамал бўлишини таъминлаш учун мунтазам равишда экспертиза ўтказилишини ташкил этиш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда молиявий, солиқ, божхона назоратларининг ташкилий асосларини такомиллаштиришга эътибор қаратиш;

хўжалик соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва уларнинг сабаб ҳамда шароитларини аниқ ифодалашда назорат олиб боровчи ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколатлари доирасини тўғри белгилаш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида мавжуд ахборот манбаларининг дахлсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, ахборотларни асоссиз равишда сохталаштириш, яшириш, йўқотиш каби ҳолатларнинг юзага келмаслигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.

Санаб ўтилган ҳолатлар бўйича доимий равишда илмий-назарий тадқиқотларни йўлга қўйиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, криминология фанинг ушбу муаммони ҳал этиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутиш лозим.

Иқтисодиёт асослари ва хўжалик юритиш фаолиятидаги жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги тарбиявий чораларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим:

жамият аъзолари ва асосан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқарув соҳаларида фаолият кўрсатаётган шахслар онгида иқтисодий билим, ўзгалар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг илмий асослари, бирдамлик каби дунёқарашни шакллантириш;

иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатувчи субъектлар дунёқарашда бойлик ва манманликка ҳирс қўймаслик, ижтимоий яшаш тарзида барча учун умумий мезон чегарасидан четга чиқмаслик анъаналарини шакллантириш;

тижорат ва иқтисодиёт соҳасидаги бошқа йўналишларда фаолият кўрсатувчи субъектларнинг ҳуқуқий билими ва унга амал қилиш каби ҳуқуқий итоаткорлик хислатларини шакллантириш;

қонун устунлигини таъминлаш асосида ютуқларга эришган тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари фаолиятларини доимий равишда тарғиб қилиш;

савдо, тижорат, хунармандчилик каби йўналишларда ўзбек халқига хос анъаналарни янгидан шакллантириш;

иқтисодий муносабатлар бобида чет элларда мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётга жорий этиш;

оммавий ахборот воситалари орқали иқтисодиёт асослари ҳамда хўжалик юритишдаги айрим қонунбузарликлар ва уларни содир этаётган шахслар кирдикорларининг фош этилишини намойиш этиш ва оммага етказиш.

Ушбу тарбиявий чораларни олиб бориш самараси уларни ташкил этишда чуқур илмийлик ва халқ анъаналарига таяниб иш тутишни тақозо этади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни таърифланг ва уларнинг турларини санаб ўтинг.

2. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг ҳолати, тизими ва динамикасини тавсифланг.

3. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни содир этувчи жиноятчилар шахсини тавсифланг.

4. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг сабабларини санаб ўтинг ва тавсифланг.

5. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчилик ҳолатига таъсир этувчи ижтимоий салбий омилларни тавсифланг.

6. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирларни кўрсатинг.

XIV боб
ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ ВА ЖИСМОНИЙ
ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ
КРИМИНОЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминологик тавсифи

Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар орқали шахсга етказилган зарар ва унинг оқибатлари криминология нуқтаи назаридан ўзига хос равишда алоҳида кўриб чиқилмаса-да, бу каби жиноятлар натижасида юзага келадиган оддийгина енгил тан жароҳати ва унинг жамиятга, қолаверса маънавий жиҳатдан шахсга нисбатан етказадиган салбий таъсири эътиборга олинади.

Бироқ, суд амалиётининг кўрсатишича, ушбу ҳолат кўп ҳолларда хусусий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Яъни енгил тан жароҳати ўзига хос равишда шахсга етказилган камаҳамиятли жисмоний тазйиқ деб топилгани ҳолда, унинг маънавий жиҳати ва шу асосда жамиятга келтираётган хавфи эътибордан четда қолади. Оқибатда айбдор шахснинг бу каби қилмишларига ўз вақтида қатъий қонуний чоралар кўрилмаслиги ва жамиятнинг эътибор қаратмаслиги жиноят йўлига кирган шахсни бундай жиноят йўлидан қайтаришга эмас, балки унинг шахсида ўзига хос «ишончнинг» юзага келишига олиб келади.

Криминологияда айнан шу ҳолат, яъни, айтиб ўтилганидек, шахснинг ўз қилмиши оқибатини тушуниб етишидаги ижобий ёки салбий дунёқарашининг шаклланиш жараёни муҳим ижтимоий муаммо сифатида тадқиқ этилади. Шу боис, шахснинг ҳаёти ва умуман унинг жисмоний дахлсизлигига нисбатан содир этиладиган барча жиноятлар криминология нуқтаи назаридан етказилаётган зарарнинг маънавий жиҳати ва шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини қандай идрок этишида учрайдиган салбий ҳолатларнинг тадқиқотида қаратилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, шахс ҳаёти ва жисмоний дахлсизлиги кўп ҳолларда бир қатор жиноятларнинг содир этилиши оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, босқинчилик, талончилик, номусга тегиш, безорилик каби жиноятларда тан жароҳати етказиш санаб ўтилган жиноятларнинг содир этилиш оқибати ва, умуман олганда, бу каби жиноятларга хос белги бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам шахс ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни бошқа жиноятлар оқибати эмас, айнан шахсга етказилган тан жароҳатини маиший ва шахслараро низолар оқибатида келиб чиқувчи ҳолатлар асосида ёритиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда қуйидаги тавсияларимиз ушбу турдаги жиноятлар тадқиқотида узил-кесил хулосалар чиқаришга асос бўлади ва профилактик чора-тадбирларни ташкил этишда етакчи ўрин тутади, деган фикрдан йироқмиз. Ҳозирги кунда фанда мавжуд бўлган бир қатор илмий-назарий тортишувларни ҳам эътиборга олиш жоиз.

Зотан, «маиший жиноятлар» тушунчаси қиёсий тушунча сифатида қўлланишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. «Маиший жиноятлар» тушунчасининг аниқ ифодаси йўқлиги уларнинг олдини олишдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва зарур статистик маълумотларни тўплашга имкон бермайди, деган хулоса ҳам, фикримизча, масаланинг моҳиятини очиб беролмайди.

Бинобарин, турмуш ва оила муносабатлари ҳамда ушбу йўналишларда юзага келадиган жинойий қилмишлар криминология соҳасидаги бир қатор олимлар томонидан ўзига хос икки йўналишни ўзида ифодалаган ҳаётий яшаш жараёнидир деб талқин этилади.

Яъни, биринчидан, асосий йўналиш (одамнинг оила сифатида бирлашуви асосида кўпайиши, шунингдек одамнинг дам олиш ва куч йиғишига имкон берувчи муҳит); иккинчидан, кўникма ҳосил этиш йўналиши (бирламчи ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш учун бола тарбияси, шахсни руҳий жиҳатдан ҳимоя остига олиш, камол топиши ва мустақил яшашга кўникмалар ҳосил қилиш учун зарур бўлган оилавий муҳит).

Бу каби ёндашувнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, айнан шу икки йўналиш жараёнида юзага келадиган жиноятлар маиший жиноятлар, деб эътироф этилмоғи зарур. Демак, маиший жиноятлар, ўз хусусиятларига кўра, жамият ҳаётининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кичик ижтимоий гуруҳлар таркибидаги ўзаро муносабатлар чегарасидан четга чиқувчи муносабатлар (безорилик) жараёнида юзага келади.

Маълумки, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари заминида ўзининг турли манфаатларини қондириш ётади. Айнан шу жараёнда, яъни шахснинг ўз манфаатларини жамиятда эътироф этилган яшаш тарзи талабларидан четга чиққан ҳолда қондириши жиноятни юзага келтиради.

Шу боис, жиноятларнинг юзага келишида шахснинг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда йўл тутиши, ўз манфаатларини ўзгалар ёки кичик ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият манфаатларидан устун

кўйишига алоҳида эътибор қаратилади. Шахснинг ҳаёти ва умуман унинг жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилишида ҳам, биринчи навбатда, унинг ўз манфаатларини ўйлаши (худбинлик) алоҳида ўрин тутади.

Кўриниб турибдики, маиший турмуш муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликлар, кўни-кўшнилар, яқин танишлар ўртасидаги ўзаро можаролар оқибатида шахсга тан жароҳати етказилиши мумкин. Бу ҳолатлар эса ишлаб чиқариш, жамоат ишлари билан узвий боғлиқ бўлмаган вазиятларда вужудга келади.

Бироқ маиший ҳаёт ва оилавий жанжаллар ҳам шахслар ўртасида бўлгани ҳолда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятга ҳурматсизлиги туфайли гоҳида безорилик жиноятлари таркибини келтириб чиқаради.

Энг муҳими, тан жароҳатларини етказиш оила аъзолари, яқин танишлар ва кўшнилар ўртасидаги низоли ҳолатлар орқали содир этилади. Шунингдек, нотаниш шахслар билан ҳам шу каби низоли ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бироқ бундай низолар оила ёки танишлар ўртасида бўладиган давомли низолар оқибати бўлмай, балки тўсатдан юзага келиши билан фарқланади (масалан, рашк орқали, ҳақорат қилиш, ножўя хатти-ҳаракатлар).

Шахснинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг айнан шу жиҳатлари криминалогик тадқиқотлар доирасига киради. Шу билан бирга, бундай жиноятларнинг қасддан содир этилиши ҳам албатта эътиборга олинмоғи лозим. Зеро, криминалогияда эҳтиётсизлик оқибатида шахсга жисмоний шикаст етказиш жиноятлари ҳам алоҳида тадқиқот объектига киради.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятлар ўзига хос жиҳати билан ажралиб туриши ўқувчига яхши маълум. Шундай экан, криминалогия нуқтаи назаридан бундай жиноятларнинг ижтимоий, криминалогия, психология ва ҳуқуқий йўналишлардаги таҳлилий ишларни олиб боришда алоҳида кўриб чиқилишини эслатиш жоиздир.

Эҳтиётсизлик орқасида шахсга нисбатан тан жароҳатини етказишга ҳозирда мавжуд бўлган криминалогия дарсликларида айнан баён этилганидек ёндашилганини кўриш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шахснинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш жиноятларининг динамикаси юқори ва, шу билан бирга, умумий жиноятларнинг кўп қисмини ташкил этади.

Энг хавфли жиҳати, жиноят содир этганларнинг ўртача ёши 14–15 ва баъзида ундан ҳам камлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, Ўз-

бекистон Республикаси миқёсида содир этиладиган жиноятларнинг асосий қисмини тан жароҳатларини етказиш жиноятлари ташкил этмоқда.

Кўриниб турибдики, ушбу турдаги жиноятлар умумий жиноятчилик тизимида миқдор жиҳатидан кўп бўлгани ҳолда, нисбатан беқарор хусусиятга эга ҳамда маълум бир давр ичида ошиши ёки ҳозирги кундаги динамикасига кўра камайиб бораётганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиздан яна шу ҳолат маълум бўлдики, жабрланувчиларга етказилаётган тан жароҳатлари енгил ва соғлиғининг қисман бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар – 38 %, ўртача – 29 %, оғир ҳолатлар – 21 % ни ташкил этган бўлса, фақат 12 % ҳолатда енгил тан жароҳати соғлиғини бузмаган ҳолда содир этилган. Бироқ ҳозирги кунда асосан ўртача оғирликдаги ва оғир тан жароҳатларининг ошганлиги кузатилмоқда.

Бу каби ҳолат эса муқимлиги билан эътиборлидир. Баъзи ҳолларда енгил тан жароҳатларининг соғлиққа таъсир этмаган ҳолатларининг латент бўлиб қолаётганлиги ҳам аниқланган. Табиийки, бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан суд статистикасига киритилмаганлигини эътиборга олиш лозим.

Кўп ҳолларда шахснинг жисмоний дахлсизлигига зарар етказиш беқарор вазиятларда ва кутилмаганда содир этилади. Аммо кейинги беш йил давомида бундай жиноятларнинг уюшганлик даражаси, аввалдан тайёргарлик кўриш ва ўта шафқатсизларча амалга оширилиши кўпаймоқда. Бу каби ҳолатлар кўпроқ товламачилик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларда нисбатан ошмоқда. Масалан, тилла тақинчоқларни юлиб қочиш каби ҳолатларда шахсларнинг айрим аъзолари ўта хунук кўринишга келиб қолмоқда.

Бундай жиноятлар асосан ижтимоий муаллақ бўлган гуруҳлар сифига хосдир. Бу ўринда гап фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиганлар, дайдилар, ароқхўрлар, гиёҳвандлар, жинсий ўтмишга эга шахслар, фоҳишалар ва қўшмачилар тоифасидаги шахслар хусусида кетмоқда.

Чунки айнан шу каби шахсларда жиноятга мойиллик кўпроқ кузатилмоқда. Зотан, улар орасидаги қотиллик ва оғир тан жароҳатларини етказиш барча шу турдаги жиноятларнинг 50 % ни ташкил этади.

Шунингдек, ушбу жиноятдан жабрланганларнинг кўпчилиги бир хил тоифага мансубдир. Бинобарин, уларнинг қайси бири жиноят содир этиши ёки жабрдийда бўлишини аввалдан айтиш имконияти йўқ. Зеро, бу тоифадаги шахслар учун зўравонлик асосий ҳаёт тарзидир.

Шахснинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш жиноятларининг объектив ва субъектив жиҳатларини атрофлича таҳлил

этиш орқали бу каби жиноятларнинг сабаблари ҳамда шароитларини аниқ ифодалаш мумкин.

Ушбу жиноятларни объектив жиҳатдан кўриб чиқишда дастлаб улар содир этиладиган жой, вақт, ҳолат, жиноятларни содир этиш ва яшириш усуллари, ниҳоят содир этиш қуроллари ҳамда воситаларини билиш алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролар соғлиғига дахл қилиш жиноятларини безорилик, талончилик, босқинчилик ва қисман номусга тегиш жиноятлари каби фақат йирик шаҳарлар ёки аҳоли турар жойларига хос деб чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас. Зотан, безорилик жиноятлари, ўз хусусиятига кўра, жамият ва унинг тинчлигига раҳна соладиган жиноятдир.

Демак, безорилик қилиб жамоат тартибini бузиш орқали шахсга озор бериш ҳар қандай ҳолатда ҳам юзага келиши мумкин. Айниқса, аҳолининг кўпчилик қисми ҳудудий жиҳатдан асосан қишлоқларда яшовчи Ўзбекистонда тан жароҳатини етказиш фақат шаҳарларда содир этиладиган жиноят деб билиш талабга жавоб бермайди. Зотан, таъкидланганидек, тан жароҳатларини етказиш маиший ҳаётда ҳам, омма ичида ҳам бирдек содир этилиши мумкин.

Яна бир ўзига хос ҳолат. Босқинчилик, талончилик, номусга тегиш ҳолларида жиний тажовуз асосан нотаниш шахсларга нисбатан амалга оширилади. Табиийки, бу жиноятчиларнинг ўзларини ошкор қилмасликка бўлган бир интилишидир. Аксинча, маиший турмуш шароитида тан жароҳатларини етказиш кўп ҳолларда таниш шахслар ўртасида юз бериши натижасида бундай ғаразли мақсадлар учрамайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳам шаҳарларда содир этиладиган жиноятчилик кўрсаткичларининг қишлоқлардагига нисбатан бир мунча юқорилиги сақланиб қолаётганини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, тан жароҳатини етказиш айнан қишлоқлардаги маиший турмуш шароитига хосдир. Тўғри, Ўзбекистон шароитида қишлоқларда истиқомат қилиш ўзига хос жиҳатлар асосида шаклланганлигини кўриш мумкин.

Яъни, маиший турмушдаги ўзаро яқинлик, алоҳида олинган аҳоли яшаш жойида истиқомат қилувчилар учун ҳам хосдир. Чунки яқин қариндошлик ҳолатлари ҳатто маҳалла, қишлоқ ёки овул миқёсида ҳам сақланиб қолган.

Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда барча жиноятчилик турларининг ошиши ёки камайиши мўътадиллигича қолмоқда. Бироқ ҳозирги кунда рўй бераётган аҳолининг кўчиб юриш жараёни (миграция)нинг ошганлиги ёки қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мавсумий ишларни бажаришда бошқа аҳоли пунктларидан ишчи кучларини жалб этиш жа-

раёнида тан жароҳатлари билан боғлиқ жиноятларнинг ошиши кузатилади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларда тан жароҳатларини етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш долзарб масалалар қаторига кириб бормоқда. Бу борада олиб борилган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, мамлакатимиздаги мавжуд кичик ёки ўрта миқёсдаги шаҳарларда тан жароҳатини етказиш жиноятларининг ошганлигини кўриш мумкин.

Масалан, Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод каби шаҳарларда асосан ишлаб чиқаришда муҳим бўлган ишчи кучларига бўлган эҳтиёж мунтазам равишда миграция, яъни аҳолининг кўчиб юришига доимий таъсир этади. Таъкидланганидек, кўп ҳолларда тан жароҳати етказиш жиноятлари қишлоқ жойларда латентлик ҳолатида қолмоқда. Бунинг сабаби, айтиб ўтганимиздек, ўзаро қариндошлик ва ярашиб кетиш анъаналарининг мавжудлигидир.

Шу боис, кўп ҳолларда бундай «камаҳамиятли жиноятлар» хусусида тегишли давлат органларига хабар келмайди. Тўғри, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар, айниқса жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан бир қатор муаммолар ўз ечимини топди дейиш мумкин.

Шахсга тан жароҳати етказилиши бўйича олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, асосан – жабрланувчи хонадонида; айбланувчи хонадонида; учинчи бир шахс хонадонида; очиқ жойдаги жамоат жойларида, яъни кўча, хиёбон, стадион ҳамда транспортда содир этилган бўлса; бундан бошқа жойларда ҳам жиноят содир этилишини кўплаб кузатиш мумкин эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, таҳлил этилган барча жиноятларнинг асосан хонадонларда рўй бериши аён бўлди. Кўриниб турибдики, шахснинг соғлиғи, ҳаёти ва умуман жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар асосан маиший турмуш шароитларида юзага келмоқда.

Шу билан бирга, яна бир ҳолат эътиборга моликдир. У ҳам бўлса, айбланувчиларнинг жабрланувчилар хонадонига келиб «ўзаро муносабатларни» аниқлаш ҳолатидир. Оқибатда бу каби ҳолат ҳам жиноят содир этилишига олиб келишини эътиборга олиш муҳим криминологик муаммо бўлиб қолмоқда.

Тан жароҳати етказиш жиноятларининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда бундай жиноятларнинг содир этилиш вақтини ҳам инобатга олиш лозим. Бу борада ҳам асл ҳолатни баҳолаш учун тадқиқотлар натижаларига ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, дам олиш кунлари (шанба, якшанба) йил давомидаги барча кунларнинг 28 % ни ташкил этгани ҳолда умумий жиноятларнинг бор-йўғи 16,4 % ни ташкил этган. Демак, тан жароҳатларини етказиш жиноятлари асосан байрам ёки дам олиш кунлари содир этилади деган фикр ҳақиқий воқеликдан мутлақо йироқдир. Шунингдек, таҳлил этилган жиноятлар асосида маълум бўлдики, кўпчилик жиноятларни содир этиш вақти оқшом пайтларига тўғри келади.

Фуқаролар соғлиғига қарши қаратилган тан жароҳатларини етказиш соат 18.00 дан 21.00 гача 3,9 % ни ва умуман 18.00 дан 24.00 гача эса 66,5 % ни ташкил этган. Кундуз кунлари эса, шу жумладан, дам олиш, арафа ва байрам кунлари ҳамда таътил пайтлари олинган тан жароҳатлари 33,5 % ни ташкил этган.

Санаб ўтилганлар тан жароҳатини етказиш жиноятларининг асосан беқарор вазиятларда ва кутилмаганда содир бўлишининг ифодасидир. Яъни, оқшом ва тунги вақтларда кишилар асосан уй шароитида, танишбилишлари хонадонида меҳмонда бўладилар. Шунинг учун ҳам айнан шу вақтларда ўзига хос жанжалли вазиятлар юзага келиши мумкин.

Табиийки, айнан шу каби жанжалли вазиятлар криминоген ҳолатларни юзага келтиради. Шунингдек, криминоген ҳолатларнинг асосий белгиси сифатида тан жароҳати етказилган жиноят қуроли ва жиноятни содир этиш усуллари ҳам эътиборга олиш лозим.

Тан жароҳатларини етказишнинг кўпчилиги асосан муайян хўжалик қуроллари ёки буюмлари бўлиши мумкин. Тан жароҳатларини етказишда хўжалик қуролларидан фойдаланганлигини қуйидагиларда кўриш мумкин: соқол олиш қуроллари; мисранг (лом); болта; пичоқ (миллий безак пичоқлари, ошхона пичоқлари, қаламтарош каби); санчки; қайчи; белкурак; болға; отвёртка; шиша буюм синиқлари; ёғоч бўлаклари; тош; темир бўлаклари; турли кимёвий воситалар.

Шунингдек, муайян бир совуқ қуроллар ҳам жиноят қуроли бўлиб хизмат қилганлигини кўриш мумкин: фин пичоқлари; қўлда ясалган овчилик пичоқлари; турли хил кастет ва махсус воситалар. Тан жароҳатларини етказишда ўқотар қуроллардан фойдаланиш ҳолатларининг ҳам сезиларли даражада ошганлиги кузатилмоқда.

Шундай қилиб, барча тан жароҳатларини етказишда турли хил қурол ва воситалар қўлланилганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, ўқотар қуроллар орқали етказилаётган жароҳатларнинг умумий миқдори ҳам юқориликгича қолмоқда.

Тиғли-кесувчи қуроллар сифатида асосан миллий пичоқнинг қўлланиши кўплиги билан ажралиб туради. Ушбу қуролларнинг ишлатилиши

оқибатида оғир ва ҳаёт учун хавфли тан жароҳатларини етказиш ҳам юқоридир.

Тадқиқотларимиз ва матбуотда чоп этилган маълумотларнинг кўрсатишича, тан жароҳатини етказиш билан боғлиқ бўлмай, кўп ҳолларда ҳодиса жойида мавжуд бўлган тасодифий қурол ва воситалар орқали ҳам жароҳат етказилаётганини кўриш мумкин. Чунки, айтиб ўтилганидек, тан жароҳатларини етказиш асосан маиший турмуш жараёнида юз беради.

Шунинг учун ҳам тан жароҳатларини етказишдаги ҳолатлар ўзига хослиги билан фарқланади. Кўпчилик ҳолларда жанжал уй шароитида рўй беради.

Ғаразли мақсадларда ва қасддан содир этилганлари рашк асосида, аламини олиш учун, жабрланувчиларнинг ножўя қилмишларига жавобан, киморбозлик орқасида келиб чиқувчи жанжаллар натижасига кўра, ҳеч бир мақсадсиз ҳолларда амалга оширилади. Баъзи ҳолларда жиноий ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ жабрланувчиларга нисбатан қаратилган бўлиб, муайян мақсадга йўналтирилган ҳолатлар ҳам кузатилади.

Бундай ҳолатлар асосан оилада икки шахс ўртасида бўлаётган можароларга бир неча шахснинг қўшилиб қолиши кабилар билан боғлиқдир. Табиийки, бундай вазиятларда асосий айбдор шахс содир этадиган шафқатсизларча хатти-ҳаракатларнинг ошиши кузатилади. Айниқса, бу сингари вазиятлар спиртли ичимлик истеъмол қилиш жараёнида ўта хавфли кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, шахс ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар вазият тақозосига кўра тўсатдан ёки кутилмаган вазиятларда содир этилиши билан узвий боғлиқдир. Шу боис, бу каби жиноятларни аввалдан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар камдан-кам ҳолларда содир этади.

Таҳлил этилган жиноий ишларнинг фақат 2,8 % ни шундай шахслар содир этганлиги аниқланган, холос. Зотан, бундай ҳолатлар кўпинча мунтазам содир этиладиган жанжалли тўқнашувларда юзага келиши мумкин.

Тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этишда ўта шафқатсизлик, раҳмсизлик каби ҳолатларнинг юзага келишини кўриш мумкин. Яъни, шахсни турли усуллар билан қийноққа солиш, масалан, танага қизиб турган чўғни ёки дазмолни босиш, бармоқларни атайин синдириш ва бошқалар. Бундай қийнашлар орқали шахсга тан жароҳатларини асосан айбдор шахснинг оила аъзоларига (хотини, болалари ёки хушторларига нисбатан) алам ёки қасд олиш мақсадида жабрланган шахслар ҳам етказиши мумкин.

Ушбу ҳолатлардан кўриниб турибдики, бу каби жиноят содир этувчи шахсларнинг мақсади нафақат шахсга енгил тан жароҳати етказиш, балки жуда оғриқли жабр-ситама ўтказиш орқали ўзининг жиноий ниятига етишдан иборат. Кўпинча бундай шахслар руҳиятида касаллик аломатлари борлиги туфайли ўзининг жиноий мақсади чегарасидан четга чиқиш ҳолати юзага келади.

Бу эса ушбу тоифадаги шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги нақадар юқори эканлигининг исботидир. Оддийгина тўқнашув ҳам шахснинг, айтиб ўтилганидек, ғоятда аянчли вазиятларни юзага келтириши учун баҳона бўлиб хизмат қилишини эътиборга олиш лозим.

Кўриб чиқиляётган ушбу жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилган шахсларни ўз вақтида ҳам айбланувчи, ҳам жабрланувчи бўлиб қолиши ҳолатларига эътибор қаратмаслик асло мумкин эмас. Чунки айнан шу сабаб маиший турмуш шароитида турли низоли ҳолатлар келиб чиқади. Бу борадаги илмий кузатув натижаларидан маълум бўлдики, шахсга тан жароҳати етказишда айбланганларнинг кўпчилиги, шу билан бирга, жабрланувчилар ҳам маст ҳолда бўлганлар.

Мастлик оқибатида шахсга нисбатан тажовуз қилиш ҳолатининг мустақил омил бўлиб ҳисобланиши камдан-кам учраса-да, аммо бу ҳолатларнинг кўпчилиги шахсга бевосита қаратилмайди ва фақат безорилик аломатларини ўзида акс эттириши мумкин. Шахс ва унинг жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларда мастлик ҳолати ўзига хос таъсир этувчи омил бўлиб қолади.

Мастлик ҳолатида ўз хатти-ҳаракатларини идора қилишга қодир бўлмаган шахс таассуротида оддий келишмовчиликлар ҳам турлича акс этади ва рашк, ўч олиш, қаттиқ хафа бўлиш каби истакларни юзага келтиради. Шунинг оқибатида унинг турли ғайриқонуний қилмишларни содир этиши кузатилади.

Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминология нуқтаи назаридан кўриб чиқилган хусусиятларини билиш бу каби жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлашга имкон яратади ҳамда зарур профилактик тадбирларни амалга оширишда ёрдам беради. Энг муҳими, бундай таъриф асосида криминологик тадқиқотларни олиб бориш имконияти юзага келади.

2-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этувчи жиноятчиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари

Жамият тараққиётига таъсир этувчи барча салбий ҳолатлар, айниқса жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш муҳим ижтимоий вазифадир. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишни ташкил этишда ҳам, биринчи навбатда, ушбу ижтимоий муаммони келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса жиноятларни содир этувчи шахсларни атрофлича ўрганиш лозим.

Айнан жиноятчи шахсини ўрганиш орқали барча жиноятларнинг объектив ва, шу билан бирга, субъектив сабабларини аниқлаш мумкин. Зотан, шахснинг муайян хусусиятлари у ёки бу жиноий қилмишларнинг содир этилишига таъсир кўрсатди.

Шу боис, криминологияда, бошқа жиноятчиликларнинг таҳлил этилишида бўлганидек, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва умуман уларнинг шахсий дахлсизлигига тажовуз қилувчи жиноятчиларнинг шахсини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади ҳамда бу борада муайян илмий қарашлар ҳам мавжуд. Жиноятчининг шахси, унинг дунёқараши ҳамда иродаси жиноятчиликдаги сабаб ва оқибатни туташтириб турувчи марказий бўғин ҳисобланади. Айнан шу бўғинда жиноятни содир этишга бўлган қарор шаклланади ва у содир этилади. Бирор-бир ташқи муҳит жиноий қилмишни содир этишни талаб этса, бу субъект томонидан етарлича баҳоланиши ва жиноий хатти-ҳаракатни қандай содир этиш йўлини танлашига туртки бўлишини белгилайди.

Генетик ёки атроф муҳит таъсири асосида шахснинг демографик ва ижтимоий-руҳий хусусиятларини ўзида мужассамлантирган ҳамда у ёки бу ҳолатларда қандай йўл тутишини ифодаловчи хусусиятлари жиноятчи шахсини белгилашга имкон яратувчи омилдир. Табиийки, ҳар бир шахснинг ўзига хос хислатлари ўзгариши ва маълум бир вазиятларда ўзига хос шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Тўғри, шу кунгача жиноятчининг шахсини ўрганиш борасида, таъкидланганидек, турлича ёндашувлар ва илмий-назарий тавсиялар мавжуд. Шунингдек, жиноятчининг шахсини ўрганиш турли миқёсларда амалга оширилади. Яъни, барча жиноятларга хос бўлган миқёсда, алоҳида тоифадаги жиноятлар, ҳуқуқбузарликларни содир этувчи шахс хусусиятлари (аёллар, ичкиликбозлар, вояга етмаганлар, рецидивистлар каби) асосида ўрганилганлигини турли илмий адабиётларда учратиш мумкин.

Аммо жиноятчилар шахсини ўрганишда жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан эмас, балки айрим тоифадаги жиноятларни содир этувчи жиноятчилар шахсини криминология эҳтиёжлари учун ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жиноятчилар шахсини ўрганишга бундай ёндашув жиноят содир этувчиларнинг тоифалари ва уларнинг қандай вазиятларда жиноят содир этиши мумкинлигини аниқлаш ва таҳлил этишга имкон беради. Шунингдек, ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш механизми-ни аниқлаш ва шу асосда керакли йўл тутишга ёрдам беради.

Бизга яхши маълумки, маиший турмушдаги ёки муайян вазиятлар билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи жиноятларни содир этувчи жиноятчиларнинг шахси ўзига хосликларга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим олимларнинг жиноятчилар шахсини куйидаги учта типда ўрганиши кўриш мумкин. Яъни: жиноят йўлига кириб бораётганлар, айрим вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этувчилар ва аниқ бир вазиятларда жиноят содир этувчилар.

Шахсга нисбатан тажовуз қилувчи жиноятчиларнинг шахси асосан кейинги икки типдаги жиноятчилар шахсига хосдир. Айрим вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этувчилар типдаги жиноятчиларнинг жиноят содир этиши шахсининг ўзига хос жиҳатлари ва турмушдаги баъзи номақбул вазиятлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Ушбу типдаги шахсларга ахлоқ-одоб нормалари ва ҳуқуқбузарликларни жиноят билан боғлиқ бўлмаган кўринишларда содир этиш хосдир. Бу эса айни пайтда бундай шахсларнинг жиноят содир этишини ҳар қандай вазиятларда ҳам кутиш мумкинлигини ифодалайди.

Зотан, айрим вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этувчилар типдаги шахсининг жиноят содир этишига турмушдаги оддий келишмовчиликлар, оилавий ёки хизмат соҳасидаги ўзаро низолар ҳам сабаб бўлади.

Энг муҳими, жиноят содир этилиши учун бирор-бир оддий вазият ҳам етарли эканлигига эътибор қаратиш лозим. Айнан шундай ҳолатларда жиноят содир этувчилар тоифасига биринчи бор жиноят содир этувчиларни киритиш мумкинлигини кўпчилик олимлар эътироф этганлар.

Бироқ, фикримизча, биринчи бор жиноят содир этувчилар тоифасига бу каби жиноятчиларни киритиш билан кифояланмаслик лозим. Муайян вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этиш иккинчи ва ундан кейинги жиноятларнинг содир этилишида ҳам кўплаб кузатилган. Тўғри, баъзи ҳолларда «янглишиб» жиноят содир этувчилар ҳам мавжуд.

Бундай вазиятда эса «янглишиб» жиноят содир этган шахсларни биринчи бор ва умуман жиноят қилишга мойил шахслар билан бир сафга қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки биз фикр юритаётган типдаги шахслар, ўз хусусиятларига кўра, ижтимоий нормаларни тан олгандирлар, бироқ вазият тақозо этган ҳолатларда жиноят содир этишга қодирдирлар. Бу эса уларни «янглишиб» жиноят йўлига кирганлардан фарқлашга имкон беришини унутмаслик зарур. Ўз вақтида «янглишиб» жиноят содир этган шахсларни аниқ билиш ва тўғри баҳолаш ҳам уларнинг мустақил тоифадаги шахслар эканлигини англашга ёрдам беради.

Акс ҳолда, «янглишиб» жиноят йўлига кирган шахсларни назарий жиҳатдан тўғри баҳоламаслик ҳар бир жиноятчи содир этадиган жиноятларни қилиш мумкинлигини ёқлагандек бўлиб қолиши мумкин. Кўпчилик шахслар ғоят мураккаб вазиятларда ҳам ўзларини жиноят қилишдан тўхтатишга эриша оладилар. Айниқса шахсга нисбатан тажовуз қилишда бу ҳолат яққол намоён бўлади.

Ушбу вазиятни назарий таҳлил этиш мақсадида ёшлар (талабалар) ўртасида ўтказилган сўров жараёнида жавоб берган 440 нафар талаба турли вазиятларда шахсга нисбатан жиноят содир этишдан ўзларини тия олишларини таъкидлаганлар. Демак, маиший шароитда шахсга қарши куч ишлатиш жиноятларини содир этувчилар бўлиб, асосан алоҳида бир вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этувчи шахслар ҳисобланади, дейиш мумкин.

Шунга кўра, криминология нуқтаи назаридан маиший жиноятларни алоҳида ва махсус жиноятлар гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса жиноятчиликка қарши курашда айнан маиший соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш амалий чораларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тўғри, бир қатор муаллифларнинг маиший ва дам олиш чоғида содир этиладиган жиноятларни алоҳида кўриб чиқиш каби таклифлари ҳам мавжуд. Шунга кўра, бу йўналишдаги таклифнинг мазмуни ўз ичига маиший жиноятларнинг асосий белгиси сифатида айнан маиший турмушда содир этиладиган келишмовчиликларни, яъни ўзаро қизиқишларнинг мос келмаслиги, айбдор шахс ва жабрланувчи ўртасидаги қарама-қаршилик ёки ижтимоий-маиший муносабатлардаги англашилмовчиликларни киритиш тавсия этилади.

Дам олиш чоғида содир этиладиган жиноятлардаги асосий белги сифатида эса, уларни иш ва кундалик турмуш билан боғлиқ бўлмаган вақтларда (тор маънода) юзага келишини тушуниш таъкидланади. Гўёки бу каби жиноятлар ҳар бир шахснинг шахсий дам олиши жараёнида содир этилиши мумкин экан. Агар биз шу фикрга қўшиладиган

бўлсак, унда шаҳар ташқарисида ёки истироҳат боғларида рашк билан боғлиқ равишда содир этиладиган жиноятларни уларнинг қайси бирига киритишимиз мумкин?

Шунга кўра, фикримизча, маиший жиноятлар тариқасида кундалик турмуш шароитида юзага келувчи қарама-қаршилиқлар ва шу қатори фуқароларнинг дам олиш, ҳордиқ чиқариш жараёнларида юзага келадиган барча жиноятларни биргаликда тушуниш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, бу каби жиноятларни содир этувчи жиноятчилар типидagi шахслар ҳам ушбу жиноятларни амалга оширишда мавжуд вазиятларга боғлиқ ҳолатларга эга бўлган бўлиши лозим.

Зотан, бундай ҳолатда жиноятларни содир этувчи шахслар бошқа турдаги жиноятларни – ўғрилик, талончилик, босқинчилик, номусга тегиш, ашаддий безорилик кабиларни содир этувчи шахсларга нисбатан ўзига хос криминоген хусусиятларга эга эмаслиги билан фарқланади.

Яъни, ушбу жиноятчилар типига мансуб шахсларда маънавий бузилиш юқори даражага етмаган бўлади. Шу боис, уларни санаб ўтилган жиноятларни содир этувчи шахслардан осон фарқлаш мумкин. Шундай бўлса-да, маиший турмуш шароитида шахсга жисмоний куч ишлатиб жароҳат етказувчи шахсларда бўладиган демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятларни эътиборга олган ҳолда статистика маълумотлари тизимини яратиш бу тоифадаги жиноятларни содир этишларнинг олдини олишда амалга ошириладиган профилактика ишларини ташкил этишда катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиш зарур.

Хўш, маиший турмуш шароитида жиноят содир этувчи шахсларнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат ва уларни қандай фарқлаш лозим?

Тан жароҳати етказилишида аёллар миқдори камчилиқни ташкил этади. Бироқ кейинги пайтларда аёлларнинг тан жароҳати етказиш жиноятларининг ошиб бораётганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Бунинг сабаблари эса ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жараёнидаги бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳолларда аёлларнинг ижтимоий ҳаёт ва, айниқса ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига жалб қилиниши, шунингдек уларнинг мустақил тарзда тижорат ишларида яқиндан иштироки ва, энг ачинарлиси, аёллар ўртасида ичкиликбозлик, зинокорлик, гиёҳвандлик иллатларининг юзага келадиганлигидир.

Зеро, ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишларида аёллар фаолиятининг ошиши уларнинг шахсий хислатларида эркаксифатлик жиҳатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг юзага келишига аёллар ўртасида ижтимоий-ҳуқуқий тарбиянинг яхши ташкил этилмаганлиги ва, айниқса аёлларнинг ажнабий давлатлардаги салбий ил-

латларга кўр-кўрона тақлид қилишлари билан узвий боғлиқлиги сабаб дейиш асло хато бўлмайди.

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, маиший турмуш шароитида аёлларнинг тан жароҳатларини етказиши асосан рашк, қасд олиш, муҳаббат можаролари каби вазиятлар билан узвий боғлиқ эканлиги кузатилмоқда. Табиийки, аёллар шахсига хос бўлган тезда жаҳл чиқиш ёки ҳар бир ҳолатни кўнглига яқин олиш ҳам вазиятнинг мураккаблашувига олиб келади.

Тан жароҳатини етказишга таъсир этувчи яна бир омил сифатида аёлларнинг ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини англамасликлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларни тўғри баҳолай олмасликлари каби хислатлар эътироф этилади. Яъни, аёллардаги кучли эҳтирос жуда кўп жиний вазиятларнинг чигаллашувига олиб келади.

Шу билан бирга, аёлларнинг жароҳат етказиш ҳолатлари жабрланувчиларнинг бевосита сабабчи бўлишлари билан боғлиқ равишда ҳам юзага келади (қарийб 60% ҳолатларда). Яъни, бунда кўпроқ турмуш ўртоғи ёки вақтинчалик яшовчилар жабрланувчи бўлиб қоладилар.

Маиший турмуш жараёнида тан жароҳатларини етказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этишнинг яна бир демографик хусусияти жиноятчиларнинг ёш жиҳатидан тақсимланишига ҳам боғлиқдир.

Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги кўрсаткичларни кўриш мумкин:

- 18 ёшгача бўлганлар – 2 %
- 18 ёшдан 25 ёшгача – 21,5 %
- 25 ёшдан 35 ёшгача – 43,5 %
- 35 ёшдан 50 ёшгача – 21,0 %
- 50 ёшдан 60 ёшгача – 9,7 %
- 60 ёшдан юқориси – 2,3 %

Кўриниб турибдики, умумий миқдорнинг кўпчилик қисмида 25–35 ёшлилар учрайди. 18–25 ва 35–50 ёшлилар бир хил, 35 ёшлилар эса энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Ёш жиҳатдан таҳлил этиш яна бир муҳим ҳолатни билишга имкон беради. Жумладан:

- 18–25 ёшлилар – 25,2 %
- 25–35 ёшлилар – 43,6 %
- 35–50 ёшлилар – 12,6 %
- 50–60 ёшлилар – 12,6 %

60 ёшдан юқори – 3,4 % каби ҳолатларда ўрта ва оғир тан жароҳатлари етказилган ва бунда асосан 35 ёшли жиноятчилар оғир тан жароҳатларини етказувчилар бўлиб ҳисобланади ҳамда уларнинг ўта оғир

тан жароҳатларини етказишларини ҳам (71 % жиноятларда) кўриш мумкин.

Шундай қилиб, шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш асосан ёшлар ва ўрта ёшлилар ўртасида кўпроқ учрайдиган ҳолдир. Бунинг сабабини аниқлашда эса қуйидаги тадқиқотларимиз натижалари ёрдам беради. Яъни, айнан катта ёшдаги шахслар (асосан ўрта ёшлилар) турмушида турли ҳаётий можаролар юзага келади ва бир маромда давом этаётган турмуш жараёнининг бузилиши ҳамда оилавий шароитнинг мураккаблашуви рўй бериши мумкин.

Чунки бундай шахслар ҳаётида ўзига хос ижтимоий шаклланишдаги салбий хислатлар юзага келади ва вазият тақозоси билан жиноят қилишга мойил шахслар шаклланади. Бу эса шахснинг турли вазиятларда ўзини идора эта олмаслигига сабаб бўлади ва, айниқса виқтим ҳолатларда сезиларли даражада ошиши мумкин. Шу билан бирга, ёшлик чоғларида шахснинг турмуш тарзи бир хил кечади ва турли вазиятлар низосиз ҳал бўлиши мумкин.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги нуқтаи назаридан қаралса, қуйидаги кўрсаткичларни кўриш мумкин. Яъни, турли даражадаги тан жароҳатларининг етказилиши ишчилар, хизматчилар, ўқувчи ёшлар, қишлоқ хўжалиги билан банд шахслар, нафақахўрлар, вақтинчалик ишламаётганлар, яшаш жойи ноаниқ шахслар, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар ўртасида аниқланган. Ушбу ҳолатлар ҳозирги бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда иш билан таъминланганлик ҳолатларини ҳам ўз ичига олган ҳолда таҳлил этилди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда ҳамда маиший турмуш шароитида фуқароларга тан жароҳатини етказиш жиноятининг содир этилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) маиший турмуш шароитларида, жумладан шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш алоҳида ўзига хосликларга эга бўлмай, асосан қонунга итоаткор шахслар томонидан ва муайян вазиятларга боғлиқ ҳолда юзага келади. Чунки бу каби ҳолларда, юқорида таъкидланганидек, асосан турли вазиятлар шахсни жиноят содир этишга олиб келади. Шу боис, бундай жиноятларни содир этувчи шахслар турли вазиятлар билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этувчи жиноятчилар тоифасига киритилади;

2) ушбу жиноятларни асосан 25–35 ёшдаги эркаклар содир этадилар. Шу билан бирга, бу тоифадаги жиноятчиларнинг кўпчилигини ишчилар ҳамда маълумотига кўра тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотга эга шахслар ташкил этади. Зотан, кўп ҳолларда жиноят содир этганлар

асосан бошланғич маълумотга эга. Энг муҳими, уларнинг кўпчилиги оилали шахслардир;

3) шахсларга тан жароҳати етказувчиларнинг кўпчилигида ижтимоий салбий жиҳатлар кўпроқ учрашини кўриш мумкин. Жумладан, жиноий хатти-ҳаракатларнинг қарийб ярми мастлик ҳолатида содир этилган, шахс ичкиликбозлик билан мунтазам шуғулланган; вақти-вақти билан ичкилик ичганларини баён этганлар; шахс бир неча бор хушёрхоналарда бўлиб чиққан; алкоголизм ва гиёҳвандлик бўйича даволанган; шахс доимий равишда қиморбозлик билан шуғулланган, энг муҳими шахсга муқаддам маъмурий таъсир чоралари қўлланилган ҳамда маҳалла қўмиталарининг жамоатчилик муҳокамасида бўлган. Бу каби шахслар ўртасида олиб борилган сўров натижаларига кўра, уларнинг дунёқараши ва маънавий хислатлари пастлиги аниқланганини кўриш мумкин;

4) ушбу жиноятларни содир этувчилар ўртасида рецидив жиноятлар 25,2 % бўлиб, бошқа тур жиноятларга нисбатан камчиликни ташкил этади.

Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этувчи шахсларнинг айтиб ўтилган криминологик хусусиятларини билиш эса, улар томонидан жиноят содир этишнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқиладиган профилактик чоратадбирларни жорий қилиш учун катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туришини инобатга олиш лозим.

3-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларга шарт-шароит яратувчи сабаб ва омиллар

Жиноятчиликнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар хусусида бир қатор илмий адабиётларда турли назарий қарашлар мавжуд ва, шу билан бирга, уларнинг олдини олиш бўйича зарур илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Бироқ, таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилган аксарият назарий қарашлар асосан коммунистик мафкура асосида бўлган ҳамда ривожланган социализм заминида жиноятчиликнинг сабаблари умуман барҳам топади ва фақат айрим шарт-шароит жиноятчиликнинг келиб чиқишига таъсир этади деган ғоя мавжуд назарий қарашлар ўзагини ташкил этганлигини кўриш мумкин эди. Бинобарин, фуқароларнинг соғлиғи ва умуман жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг сабаблари ҳам асосан рашк, қасд, кўролмаслик каби эскилик сарқити бўлган одатлар сифатида қаралган.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишга асосан турли эскилик сарқитларини омма онгига киритмаслик асосида йўл кўймасликка эришиш мумкинлиги тарғиб этилган. Шундай бўлса-да, бир қатор олимлар жиноятчиликнинг юзага келишига таъсир этувчи кўплаб сабаб ва шарт-шароитлар мавжудлигини эътироф этган.

Ушбу дарсликни тайёрлашда биз юқорида баён этилганларни эътиборга олган ҳолда жиноятчиликнинг умумий сабаблари хусусида эмас, балки сиз билан кўриб чиқилаётган тоифадаги жиноятчиликнинг айрим жиҳатларини, жиноятчиликни эскилик сарқити эмас, аксинча мавжуд воқелик сифатида кўриб чиқишни лозим топдик.

Зеро, жиноятчилик ҳар бир жамиятнинг яшаш тарзида ўзига хос равишда шаклланишини эсдан чиқармаслик лозим. Нафақат жамиятда, шу билан бирга, жиноятчиликнинг у ёки бу ҳудуддаги яшаш тарзига кўра ҳам шаклланишини илм аҳли исботлаган. Бу ҳолатни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ва айниқса қишлоқ жойларда ўзига хос равишда кечишини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тўғри, бу каби ҳудудий хусусиятларнинг жиноятчиликка таъсири атрофлича илмий-назарий жиҳатдан кўриб чиқишни талаб этади. Айнан шундай таҳлил мавжуд эмас экан, зарур профилактик чора-тадбирларни жорий этиш хусусида гап ҳам бўлмаслиги лозим.

Шунинг учун ҳам, аввалги бобларда баён этилганидек, жиноятчилик билан боғлиқ барча ҳолатлар аниқ ифодаланиши лозим. Умуман олганда, жиноятчиликнинг сабабларини илмий билишда комплекс тарзда у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-психологик йўналишдаги ҳолатларни таҳлил этиш муҳим ўрин тутди.

Бу каби йўналишларга шахснинг шаклланишига таъсир этувчи (генетик ва ижтимоий) омилларни ва криминоген ҳолатларни юзага келтирувчи омилларни ҳам киритмоқ жоиз. Ҳеч шубҳа йўқки, турли тоифадаги жиноятларнинг содир этилишида шахснинг маълум бир хислатлари мавжуд вазиятлар билан уйғунлашган бўлади. Бу уйғунлашув бир пайтнинг ўзида муайян жиноятнинг содир этилишида юзага келадиган қасднинг бошқа бир жиноятнинг содир этилишида ҳам бирдек бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам қасдан содир этиладиган, куч ишлатиш орқали ғаразли жиноятларнинг содир этиш, зўравонлик, номусга тегиш, мансабдорлик жиноятларини содир этилишидаги сабаб ва омилларни қидириш бефойдадир. Тўғри, бу каби жиноятларда қайсидир маънода ҳаммаси учун умумий бўлган ижтимоий-руҳий боғланишни топиш мумкин, бироқ баъзилари ўртасида эса ҳеч қандай умумийлик кузатилмайди.

Масалан, совуққонлик ва номусга тегиш ўртасида, хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш ва безорилик ўртасида мутлақо умумийлик мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам айрим турдаги ва тоифадаги жиноятларга хос сабаб ва шароитларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, жиноятчиликка қарши кураш доимо аниқликни талаб этади. Шу билан бир қаторда, жиноятчиликнинг сабаблари ва унга қарши курашни ташкил этишни тўғри классификация қилиш фан ҳамда амалиёт учун катта аҳамиятга эгадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу мавзунини ёритишда маиший турмуш шароитида юзага келадиган ва шахснинг куч ишлатиш орқали ўзгаларга тан жароҳати етказишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик. Табиийки, бунда асосий масала шахснинг жинойий қилмишларни содир этиш механизми бўлиб ҳисобланади.

Жиноятчи шахсларнинг жинойий қилмишларни содир этиш механизми ўзига хос тушунча сифатида шахснинг жиноят йўлига бошловчи мақсад, қасд ва қарорини юзага келтирувчи ички ҳамда ташқи омиллар (жараён ёки воқеликлар) мажмуини англатади, шу билан бирга, ғайриқонуний фаолиятни амалга оширишга йўл очади. Таъкидлаш жоизки, ушбу бобда биз айнан шу қонуниятларни атрофлича кўриб чиқишга криминология фани ютуқлари асосида ёндашамиз.

Шахсга нисбатан содир этилаётган тан жароҳатини етказиш ҳолатларига олиб келувчи шароит асосан маиший турмушда келиб чиқадиган ўзаро низолардир. Бундай низолар нафақат оилада ёки яқин таниш-билишлар ўртасида балки кутилмаганда ва бехосдан кўча-кўйда шахсларнинг ўзаро мулоқотида ҳам юзага келиши мумкин. Бу каби тўқнашувларда эса, табиийки, турли жинойий хатти-ҳаракатлар келиб чиқиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, ўз хусусиятларига кўра, бундай низолар давомли бўлиши ҳамда бир пайтнинг ўзида юзага келиб, жиноят содир этилиши мумкин. Масалан, ўз ўғлининг фуқаро В. га тан жароҳати етказган жиноят ишини кўрсатиш мумкин.

Ушбу жиноят ишининг тафсилотларига кўра, фуқаро В. ота-оналарининг мунтазам равишда ичкиликбозлик билан шуғулланишларидан норози бўлган ва кўп ҳолларда унинг норозилик асосида билдирган қаршиликлари жанжал чиқишига сабаб бўлган. Жиноят содир этилган куни отасининг мастлик орқасидаги хатти-ҳаракатлари ва сўқинишларига жавобан ўғил ўз отасига ошхона пичоғи билан оғир тан жароҳати етказди. Кўриниб турибдики, ушбу оилада давом этган доимий жанжаллар оқибатида жиноят содир этилди.

Шу каби бошқа бир жиноят иши оғир тан жароҳати етказиш билан боғлиқ бўлгани ҳолда, жиноий ҳаракат тўсатдан содир этилган. Яъни, оғир тан жароҳати етказишда айбланган маҳкум А. ўз оила аъзолари билан аҳил яшаган. Хотини О. нинг қайнотасига гап қайтаргани ва айтишганлиги учун А. хотини О. нинг бошига 4 марта мушти билан урган ҳамда тепган. Натижада хотинининг ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Кўриниб турибдики, ҳар икки мисолда ҳам тан жароҳати етказиш жинояти ўзига хос давомли ёки тўсатдан юзага келган сабаблар асосида содир этилган. Чунки маиший турмуш жараёни мураккаб ижтимоий муносабатлар маркази сифатида шахсларнинг ўзаро муносабатлари ва, шу билан бирга, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади.

Шахс ва жамият ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг бузилиши жиноят қонунчилиги эътироф этган безорилик жинояти таркибини келтириб чиқаришини ҳам унутмаслик зарур. Тўғри, шахслар ўртасида юзага келадиган низолар ижтимоий муносабатлардаги айрим сабабларга кўра юзага келса-да, фикримизча, шахснинг ирсий хусусиятларини ўзаро низоларни юзага келтирувчи сабаб сифатида кўриб чиқмаслик мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда бир қатор юридик адабиётларда зўравонлик ёки жисмоний куч ишлатиш жиноятларининг асосан маиший ҳаётда содир этиладиган жиноятлар тоифасига киритилишини кўриш мумкин. Шу билан бирга, бу каби жиноятлар таркибига айнан маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар ҳам киритилган ва бунга асос қилиб тан жароҳатлари етказилишига сабаб бўлувчи оилада мунтазам равишда юзага келадиган келишмовчиликлар олинган.

Ушбу жиноятларнинг юзага келишида асосий ўрин тутувчи жиноий қасд эса, айтиб ўтилганидек, оила аъзоларининг ўзаро низолари давомида юзага келадиган араз, рашк ва ўч олиш қабилар орқали келиб чиқиши ҳам алоҳида таъкидланади. Демак, фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларга шарт-шароит яратувчи сабаб ва омиллар жумласига айнан оиладаги криминоген ҳолатларни киритиш мумкин.

Тўғри, жиноятларни келтириб чиқарувчи ҳолат, ўз хусусиятларига кўра, маиший сабаб ёки шароитдан кўра кенгроқ маънони ифодалайди. Яъни, бу ўринда тан жароҳатини етказиш жиноятларида «сабаб» тор маънодаги тушунчадир. Жиноятни келтириб чиқарувчи ҳолат эса ўз ичига сабаб, жиноятни юзага келтирувчи шарт-шароит, содир этилган жойи, вақти қабиларни ҳам олади.

Бундай вазиятларда сабаб тўсатдан юзага келса, жиноий ҳолат узок муддат давомида юзага келиши мумкин. Масалан, фуқаро Р. ни айблаш бўйича кўриб чиқилган жиноят ишидан маълум бўлдики, айнан шу каби ҳолат жиноят содир этилишига сабаб бўлган.

Яъни, 2001 йил 27 апрель куни зарурат юзасидан иш вақтида уйига келишга мажбур бўлган Р. ўз рафиқасининг ярим яланғоч ва маст ҳолда бегона эркак Ю. билан бўлгани устидан чиқади. Натижада фуқаро Р. Рафиқасининг юзига уради ва у йиқилиб тушганида тепиб, оғир тан жароҳати етказади.

Кўриниб турибдики, уларнинг оиласида мавжуд бўлган ҳолат ушбу вазиятга олиб келган ва оқибатда Р. нинг ўз рафиқасига тан жароҳати етазишига сабаб бўлган. Шунга боғлиқ тарзда ўз-ўзидан савол туғилади. Фуқароларга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлардаги ва юқоридаги содир этилган жиноятга хос бўлган типик ҳолатлар қандай миқёсда учрайди ва уларнинг умумий ҳолати қандай?

Айнан шу мақсадда олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, таҳлил этилган жиноят ишларининг 68,7 % да тан жароҳатларини етказиш айнан оила аъзолари, қариндош-уруғлар ўртасидаги ўзаро салбий муносабатлар оқибатида юзага келган. Асосий низолар оилавий муносабатлар жараёнида келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Ушбу жиноятлар билан боғлиқ вазиятларга таъсир этувчи сабабларни аниқлаш бўйича олиб борилган сўров натижаларига кўра, қуйидагилар аниқланганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Жумладан, маҳкум этилганлардан 31 % оилавий низолар сифатида рашк ва жабрланувчининг жиноят қилишга олиб келган ноўрин қилмишларини, 5,7 % рашкни, 16,7 % ўч олишни, 13,7 % жабрланувчиларнинг қонуний талабларига ғаши келганлигини сабаб қилиб кўрсатган бўлсалар, 18,3 % маҳкум жиноятнинг сабаби сифатида турли жанжалли ҳолатларни кўрсатган. Энг муҳими, бу каби низолар асосан оила шароитида рўй берганлигини кўриш мумкин.

Таҳлил этилган жиноятларнинг оилада содир этилиши бошқа ижтимоий гуруҳлар доирасида содир этилган жиноятлар миқёсида олинганда биринчи поғонани эгаллаши ҳам аниқланди. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, вазиятни нотўғри баҳолаш ва ҳиссиёт ёки тасаввурлар орқали мавжуд воқеликка ёндашиш ҳам аксарият ҳолатларда жиноятга йўл очган.

Шу ўринда яна юқорида баён этилган мисолга қайтишга тўғри келади. Яъни, фуқаро Р. билан боғлиқ ҳолатда ҳақиқатан ҳам жиноят мавжуд воқелик асосида рўй берган. Чунки рафиқасининг ўзини тутиши,

ташки кўриниши кабилар рашк ва ғазабга олиб келганлиги табиий. Бирок, куйидаги мисолда бунинг аксини кўриш мумкин.

Фуқаро С. ўз умр йўлдошининг автоҳалокат оқибатида ҳалок бўлишида ўша куни рулни бошқарган фуқаро Э. ни айблаган. Шунга кўра, у қайнонаси билан Э. нинг хонадонига боришган ва ўзаро жанжал оқибатида С. қайнаб турган чойнакдаги сувни фуқаро Э. нинг юзига сепиб юборган. Натижада Э. га оғир тан жароҳати етказилган.

Яна бир мисол. Фуқаро А. 2001 йил 16 июнь куни кўшниси Н. нинг бошига ғишт парчаси билан урган ва унга ҳаёти учун оғир тан жароҳати етказган. Бу низога уларнинг ёш болалари ўртасидаги жанжал сабаб бўлган. Аслида ёш болалар жанжали оғир оқибатларга олиб келмаган бўлса-да, вазиятнинг нотўғри ва юзаки баҳоланиши оқибатида жиноят содир этилган.

Биз кўриб чиққан ҳар бир ҳолатнинг кўрсатишича, жинойий тажовузлар асосан оила аъзолари, қариндошлар, кўни-кўшни ва ёр-биродарларнинг жисмоний дахлсизлигига қаратилган. Таҳлил этилган жиноятларнинг 72 % юқорида санаб ўтилган шахсларнинг жисмоний дахлсизлигига қаратилган бўлса, фақат 28 % фавқулодда учрашиб қолган шахсларга қаратилганлиги маълум бўлди.

Тўғри, аксарият вазиятларда шахсий адоватлар дабдурустдан юзага келган бўлса (11,4 %), кўп ҳолларда (29,8 %) улар яхши таниш ва ўзаро дўстона муносабатда бўлганлар. Жабрланувчи, айбланувчи ёки учинчи бир шахс хонадонидида содир этилган жиноятлар 67 % ни ташкил этади.

Шу жумладан, 3,4 % тан жароҳати жабрланувчиларга турли оилавий маросимлар чоғида етказилган бўлса, фақат 29,6 % турли жойларда, асосан: кўчаларда, хиёбонларда, стадион, кўп қаватли уйларнинг йўлакларида, дала жойларда ёки қурилиш майдонларида етказилган.

Тан жароҳатларини етказиш билан боғлиқ вазиятлар таҳлилининг кўрсатишича, ўқотар қуролларни (шу жумладан, ов қуроллари ёки қирқма милтиқларни) қўллаш орқали 9,9 % вазиятларда, 10 % вазиятларда эса турли жиноят қуроллари (ханжар, фин пичоқлари, қўлбола ов пичоқлари, кастетлар)нинг қўлланганлигини кўриш мумкин. Қолган (79,9 %) вазиятларда айбланувчилар тан жароҳатларини қўлга илинган турли хил нарсалар билан етказганликларини кўриш мумкин. Масалан: қаламтарош, писка, устара, мисранг, болта, ошхона ёки миллий пичоқлар, овқатланиш воситаси бўлган санчқилар, қайчи, турли қишлоқ хўжалик қуроллари, болға, ёғоч, тош, турли темир бўлаклари, қўл, оёқ ва тишлар билан тан жароҳати етказилади.

Кўриниб турибдики, шахслар ўртасида юзага келадиган криминоген вазиятлар жиноятларнинг амалга ошишига таъсир этувчи сабаб бў-

либ ҳисобланади. Ушбу вазиятлар эса муайян ҳолатлар билан боғлиқ тарзда мураккаблашиши мумкин ва бу янада оғир оқибатларга олиб келади.

Бу борада биз юқорида тўхталиб ўтган жиноятчилар шахсининг криминологик тавсифини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, айрим ҳолларда жиноятчиларнинг маст бўлишлари ушбу жиноятларнинг, айтиб ўтилганидек, оғирлашувига олиб келади.

Таҳлил этилган жиноятларнинг 47,1 % асосан мастлик ҳолатида содир этилганлиги аниқланди. Зотан, тан жароҳати етказишда айбланган шахслар ўртасида сўров ишлари олиб борилганда ҳам кўпчилик мастлик оқибатида жиноят содир этганини эътироф этган. Умуман олганда, 70 % тан жароҳатини етказиш билан боғлиқ жиноятлар ичкиликбозлик оқибати эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маиший турмуш билан боғлиқ жиноятларни содир этишда айнан ичкиликбозликнинг нафақат муқим ва бирга яшаётган шахслар, балки тасодифан тўқнаш келган шахслар ўртасида ҳам жинорий вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлиши кўплаб кузатилади.

Мастлик ҳолатининг муайян даражага эгаллиги нуқтаи назаридан келиб чиқилса, аксарият вазиятларда бу алоҳида таъсир доирасига эга бўлишини кўриш мумкин. Маълумки, шахснинг ўртача даражадаги мастлик ҳолатида ўз қилмишларини идрок этиши сусаяди. Шунингдек, мастлик натижасида шахс тасавури бузилади ва оддий ҳолатларни ҳам «оғриқли» қабул қилади. Натижада, айтиб ўтилганидек, ўз хатти-ҳаракатларини назорат эта олмайди. Масалан, оддий бир нигоҳни нотўғри қабул қилиш орқали рашк билан боғлиқ вазиятлар юзага келиши ва бу вазият шахслар ўртасида низо келтириб чиқариши мумкин.

Тўғри, алкоғолли ичимликлар ҳар бир шахснинг ўзига хос руҳий ва физиологик хусусиятларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Криминология нуқтаи назаридан айнан шу каби вазиятларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки ичкиликнинг руҳий ва физиологик таъсир кўрсатиш оқибати турлича бўлса-да, аммо шахс ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беришга мажбур эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Шундай вазиятлар билан боғлиқ равишда қуйидаги мисолни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Фуқаро Б. «Чевар» кафесида 2002 йилнинг 15 августида маст бўлгани ҳолда турмуш ўртоғининг таниши бўлган фуқаро С. ни учратиб қолади ва уни ўз хотини билан турмуш қуришгунича бўлган даврда таниш бўлганлигига шаъма қилиб С. га оғир тан жароҳати етказди.

Шу ўринда фуқаро Б. нинг ичкилик оқибатида тажовузкорлик ҳолатида бўлиши ва бунда кафедра бирга ичкиликбозлик қилган уч нафар яқин таниши унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини бартараф этмаганлиги учун ушбу жиноят содир этилганини кўриш мумкин.

Ичкиликбозлик оқибатида келиб чиқувчи касаллик сифатида эътироф этилган алкоголизм ҳам шахснинг ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл очади. Айниқса, сурункали алкоголизм касаллиги оқибатида шахснинг маънавияти, ижтимоий фаоллиги камаяди. Оқибатда ушбу касалликка йўлиққан шахслар оиласи ва жамиятда хавфли муҳитни яратадилар.

Алкоголизм касалига йўлиққанларнинг шахсий хусусиятлари ўзига хос тажовузкорлик билан узвий боғлиқдир ва кутилмаганда шу иллат асосида куч ишлатиш орқали турли тан жароҳатлари етказилиши ва ҳатто ҳаётга тажовуз қилиш ҳолатлари ҳам кўплаб кузатилади. Бу каби ҳолатнинг мавжудлигини қуйидаги мисол орқали ҳам кўриш мумкин.

Сурункали алкоголизмга чалинган фуқаро К. ўз уйида ичкиликбозлик қилган ва касаллик хуружи натижасида ўзини идора эта олмаганлиги боис, отасини уриб, унга оғир тан жароҳати етказган. Таъкидлаш жоизки, бу вақтда у алкоголизм касаллиги бўйича тиббий назоратда бўлган ва спиртли ичимлик истеъмол қилиши мумкин эмаслигини билган.

Ичкиликбозлик ва алкоголизм сабабларини ўрганиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолар жумласига киради. Шундай экан, бу иллатни алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда алкоголизмнинг оғир тан жароҳати етказишда салбий омил эканлиги криминология нуқтаи назаридан эътироф этилган.

Биз кўриб чиқаётган фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилишида ўзига хос объектив воқелик ва у билан боғлиқ бўлган жиноят содир этувчи шахснинг шахсий хусусиятларини тўғри англаш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу боғлиқликни жиноятчиларнинг шахсига хос тарзда аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Айрим жиноятчилар шахсиятидаги салбий ўзгаришлар, яъни маънавий бузилиш, ўз манфаатларини ўйлаш каби қусурлар жиноят содир этмасидан анча аввал юзага келиши кузатилади. Шу боис, ушбу тоифадаги шахслар таҳлил этилганда умумий миқдордаги шахслар ичида қуйидаги нисбатда бўлишини кўриш мумкин: ўзгаларга куч ишлатиш – 42 %, ўзбилармонлик – 25 %, атрофидагилардан ўзини юқори қўйиш – 10 %, ҳокимиятга интилиш – 7 %, атрофидагиларга ўз фикрини маъқуллаш (эгоцентризм) – 6 %. Шунингдек, ўзгаларга жисмоний

тазийқ ўтказишда шахсинг ўта эҳтирослилиги ва руҳий жиҳатдан ўз манфаатларини устун қўйишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Тўғри, шахсинг руҳий ҳолатини тадқиқ этиш тўлиғича криминологик тадқиқотлар доирасига кирмайди. Шундай бўлса-да, шахсинг ўзига хос тажовузкорлик хислатларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунки шахс руҳиятига хос тажовузкорлик хислатларининг мавжудлиги кўп ҳолларда тан жароҳатини етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, шахсдаги тажовузкорлик хусусиятлари кўп жиҳатдан ирсий хусусиятларга эга эканлигини ёдда тутиш лозим.

Бир қатор олимлар шахсинг тажовузкорлик хусусиятлари ирсий хусусиятларга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Жумладан, шахсинг тажовузкорлик асосида ўзини тутиши туғма ёки биологик жараён (ақли заиф деб эътироф этилганлардан ташқари) ҳисобланмайди, балки ўзини тутишдаги бир шакл бўлиб ҳисобланади ва жамиятдаги ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатлар билан боғлиқ равишда ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан жазоланишга лойиқдир.

Албатта, бу мулоҳазалар юзасидан баҳслашиш мумкин. Зеро, жиноят йўлига кириб бораётганлар ва вазият тақозоси билан жиноят содир этувчи шахсларда, биринчи навбатда, айнан шу тажовузкорликнинг туғма бўлиши ва бу тажовузкорлик ижтимоий ҳаёт билан бевосита алоқада бўлишини ҳам унутмаслик даркор.

Туғма тажовузкорлик тан жароҳатларини етказиш жиноятлари билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Аксинча, вазият тақозоси билан айнан шу тажовузкорлик хислати шахсинг жиноят содир этишида муҳим омил бўлиб қолади. Бу каби ирсий тажовузкорлик жиноят содир этаётган шахс аффе́кт (яъни, ўзидан кетиш) ҳолатида бўлганида янада аниқ кўзга ташланади. Агар алоҳида низоли ҳолатларда тажовузкор бўлмаган шахс ўзига хос босиқликни намоён этса, тажовузкор шахсларда бундай низоли ҳолатлар зўравонлик ва куч ишлатилувчи жиноятларда «бошланғич нуқта» бўлиб қолади.

Тўғри, зўравонлик жиноятларининг содир этилишида айбланувчи шахс яшаб турган ижтимоий муҳит ва яшаш тарзи ҳам муҳим ўрин тутади. Яъни, жамиятда қабул қилинган у ёки бу маънавий талаб ва шу талаблар доирасида низоларни ҳал этишнинг усул ва воситалари ҳам турлича эканлигини эътиборга олиш лозим. Бундай талаблар нафақат жамият миқёсида, балки оила, ижтимоий қатламлар ўртасида ҳам мавжуд бўлади.

Маҳкумлар ўртасида олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, жиноят содир этган шахслар, ўз келиб чиқишларига кўра, жи-

ноят содир этишларига сабаб нима деган саволга: «Мен доимо шундай қиламан», «Мен урмасам, у мени урар эди», «Шундай қилинса, кўрқишади ва ҳурмат қилишади» деб жавоб қайтарганлар.

Айнан шу қисқа жавоблар орқали жиноятчи яшаётган ижтимоий қатламдаги ижтимоий-руҳий муҳитни осон аниқлаш мумкин. Чунки у ёки бу ижтимоий қатламларда ўзига хос яшаш тарзи ва нормалар мавжуд эканлигини билиш катта аҳамиятга эгалигини унутмаслик лозим.

Бу, биринчидан, иккинчидан эса, шундай муҳитга тушиб қолган вояга етмаганлар онгига айнан шундай ақидаларнинг сингдирилиши умуман жиноятчи шахсининг шаклланишида салбий таъсир кўрсатишини ҳам ёдда тутиш зарур. Табиийки, жиноятчиликни келтириб чиқарувчи бундай сабабларни илмий таҳлил этиш ва вояга етмаганлар дунёқарашида юқорида баён этилган иллатлардан фарқли ўларок, ўзаро ҳурмат қилиш ва атрофдагиларнинг қадр-қиммати ҳамда дахлсизлигини таъминлашга ҳар бир инсонни масъулият билан ёндашиш руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фуқаролар соғлиғи ва умуман жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни аёлларнинг содир этишини ўрганишга криминология фани ўз манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашади. Яъни, аёллар содир этадиган барча жиноятлар, шу жумладан фуқаролар соғлиғи ва уларнинг жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, ушбу жиноятларнинг ўзига хос муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш лозим.

Тадақиқотларимизнинг кўрсатишича, оила ва турмуш шароитида тан жароҳатини етказиш жиноятларини аёлларнинг содир этиши қарийб 74 % ташкил этмоқда. Энг муҳим жиҳати, аёлларнинг жиноят содир этишлари асосан рашк, оилавий низолар ва кўп ҳолларда турмуш ўртоқларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини даф этиш жараёнида юзага келиши кузатилмоқда. Бу каби тажовузкорлик кўни-қўшни ва вақтинчалик эр-хотинлик муносабатида бўлган шахсларга қаратилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Сўров ўтказилган аёлларнинг кўпчилиги оила ва турмуш низоларига олиб келувчи жанжалларни табиий ҳол деб кўрсатганлар. Шахс ва унинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳодисалар, юқорида таъкидланганидек, кўп ҳолларда рашк, оилавий жанжаллар ва, энг ачинарлиси, ўч олиш мақсадида содир этилган.

Демак, кўриб чиқиладиган жиноятларнинг содир этилишида аёллар содир этаётган жиноятларни атрофлича ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу жиноятларнинг динамикаси беқарор бўлгани учун иж-

тимойй, иктисодий муҳитга боғлиқ тарзда ўсиб бориши ёки камайиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Шунингдек, бир қатор жиноят ишларининг таҳлилидан маълум бўлдики, фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилишида шахснинг ўзига хос руҳий ҳолатда бўлганлиги ҳам жиноий хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига салбий таъсир этиши мумкин. Бу каби руҳий ҳолатларнинг юзага келиши муайян вазиятлар, шахснинг олдига қўйган мақсади, шунингдек ўз ҳаракатларининг моҳиятлари билан узвий боғлиқдир.

Шу боис, бу муаммони аниқлаш учун, аввало, шахсни руҳий ва руҳий-психиатрия йўналишларида алоҳида тадқиқ этиш лозим. Чунки маҳкумлар ҳақидаги ҳар икки йўналишда алоҳида олиб бориладиган статистик маълумотларни юритиш йўлга қўйилмаганлиги учун бу бо-рада аниқ хулоса чиқариш муаммо бўлиб қолмоқда.

Зеро, руҳиятнинг вақтинчалик бузилиши ёки руҳий касаллик ҳолатлари турли мазмун ва моҳият касб этишини эътибордан четда қолдир-маслик зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноятларни содир этган маҳкумлар ўртасида олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, қарийб 30 % маҳкумлар у ёки бу даражадаги руҳий нуқсонларга эга шахслар бўлиб, табиийки, уларнинг жиноят содир этишида бу нуқсон-ларнинг мавжудлиги етакчи ўрин тутган.

Шундай бўлса-да, жиноятларнинг олдини олишда бу ҳолат, яъни шахснинг руҳиятидаги нуқсонларни илмийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва унинг жиноят содир этилишидаги салбий таъсири етарлича баҳоланганлигини кўриш мумкин. Шу боис, айнан зўравонлик жи-ноятларининг олдини олишда руҳий нуқсонли шахсларнинг жиноят со-дир этишига доир муаммоларнинг криминология фанида олиб борила-диган тадқиқотлар доирасига киритилмаганлиги ачинарли ҳолдир. Шу-нингдек, бир қатор муаллифлар ушбу ҳолатни рад этганлари ҳолда, руҳий нуқсонли шахсларнинг жиноятчилар ичида ҳам, қолаверса, аҳоли ўртасида ҳам бир хил кўрсаткичга эгаллигини кўрсатадилар.

Назарий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган бундай тавсиялар жиноят-ларнинг олдини олиш амалиётида салбий вазиятларни юзага келтириши мумкинлиги эса умуман эътибордан четда қолмоқда дейишга тўлиқ асослар мавжуд. Тўғри, сўнгги йилларда ушбу муаммога аниқликлар киритилаётгани ҳам яхши маълум. Энг муҳими, айрим вазиятларга боғлиқ ҳолатларда жиноят содир этилишида руҳий хасталик ёки руҳий хасталикнинг бошланғич даврида бўлган шахсларнинг зўравонлик жи-ноятларини кўпроқ содир этишини кўпчилик муаллифлар эътироф этмоқда.

Бу борада куйидаги фикрга эътибор бериш лозим: «Тадқиқотларнинг кўрсатишича, руҳий хасталикларга учраган шахсларнинг оғир, зўравонлик жиноятларини (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш кабилар) ва ашаддий безорилик содир этишида айбланган ҳамда ақли расо деб топилган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, шунингдек оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган турли худудларда яшовчи шахслар суд-психатрия экспертизасидан ўтказилганидан сўнг, уларнинг бешдан икки қисмида турли даражадаги руҳий хасталиклар мавжудлиги, шу билан бирга, ақли расо бўлса-да, улардаги руҳий ҳолат оғир жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлганлиги аниқланди»¹³.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, 28 % ақли расо деб ҳисобланган шахслар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганида, уларнинг 23,4 % да у ёки бу даражадаги руҳият бузилиши аниқланди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг 33 % да руҳий касалликлар ва руҳиятининг қисман бузилганини кўриш мумкин. Айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирган ва ақли расо деб топилган, аммо руҳияти бузилган шахслар (37 % катта ёшдаги шахслар ва 42,5 % вояга етмаганлар)да ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин.

Шахсдаги руҳий хасталиклар ёки камчиликларнинг мавжудлиги жиноятчиликнинг асосий омили дейиш фикридан йироқмиз, зеро, бу каби салбий хусусиятларнинг мавжудлиги объектив воқеликда шахс хатти-ҳаракатларининг намоён бўлишини ўзига хос тарзда жадаллаштириши мумкин. Бу ҳолатни аниқлаш мақсадида таҳлил этилган бир қатор жиноят ишларидаги маълумотлардан маълум бўлдики, кўпчилик оғир жиноятлар асосан руҳияти бузилган шахсларда касаллик хуруж қилган пайтларда содир этилган. Касаллик хуружининг юзага келишига эса шахснинг мавжуд воқеликни нотўғри қабул қилиши ёки унга нисбатан ҳақоратли ҳамда оғриқли жабр етказилганлиги сабаб бўлганлиги ҳам аниқланди.

Зўравонлик ёки тан жароҳати етказишни руҳиятнинг бузилиши билан боғлаш хусусидаги фикрни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, зўравонлик жиноятларини содир этувчи шахслар ичида турли даражада руҳияти бузилган шахсларни кўриш мумкин. Яъни, ўта серзарда, восвос ва ўзини тута олмайдиганлар тоифасидаги руҳияти бузилган шахслар бўлган (булар сафига ўзидан кетиб қолувчилар киритилмаган). Бу тоифадаги руҳияти бузилган шахсларга ўта ҳаракатчанлик, тажовузкорлик, беқарорлик, ўзини идора қила олмаслик

¹³ Қаранг: Криминология. – М., 2000. – С. 446.

хислатлари хосдир. Аксинча, ўзидан кетиб қолиб хушини йўқотадиган шахсларда бу хислатлар кузатилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахс руҳиятининг муайян миқдорда бузилиши биз кўриб чиқаётган жиноятларнинг содир этилишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бундай шароит сифатида жабрланувчиларнинг муайян хатти-ҳаракатлари (виктимология) ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Айниқса, шахслараро муносабатларда низоларнинг келиб чиқишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг вазиятни тўғри баҳоламаслиги ва, шу билан бирга, юқорида баён этилган ҳамда руҳий жиҳатдан носоғлом шахслар руҳиятида юзага келиши мумкин бўлган кескин ўзгаришларни айнан жабрланувчининг юзага келтириши ҳам ўзига хос омил эканлигини тергов амалиётида кўплаб учратиш мумкин.

Умуман олганда, нафақат кўриб чиқилаётган жиноятларнинг олдини олишда, балки виктимология муаммоларини чуқур ўрганишга криминология фанида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, жабрланувчиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари кўпчилик жиноятларнинг содир этилишида қулай вазиятни юзага келтиради.

Шу ўринда жиноятнинг юзага келиши ва ўта оғир ҳолатларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи виктим ҳолатларни жабрланувчилар амалга оширадиган оддий ҳолатлардан фарқлаш лозим. Чунки виктим ҳолатларнинг юзага келиши турличадир ва бунга мисол қилиб жабрланувчиларнинг қалтис хатти-ҳаракатлари, ноўрин ҳазиллари ёки била туриб руҳиятида касаллик аломатлари бўлган шахсларга қарши турли ғайриинсоний ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қилишлари кабиларни кўрсатиш мумкин.

Виктим вазиятларнинг юзага келиши хусусида ҳам криминологияда ўзига хос назарий қарашлар мавжуд. Хусусан, баъзи муаллифлар шахсан ўз хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишни ҳам виктим ҳолат деб эътироф этган. Албатта, бу муаллифлар фикрини бутунлай рад этишдан йироқмиз. Бироқ, фикримизча, бу ҳолатда виктимлик вазиятлари жиноятларнинг содир этилишидаги ўзига хос омиллик хусусиятини йўқотади.

Ушбу ҳолат юзасидан таҳлил этилган жиноят ишларининг кўрсатишича, виктимлик ҳолатининг юзага келишида нафақат жабрланувчиларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, балки ахлоқий хатти-ҳаракатлари ҳам жиноят содир этилишида ўзига хос омил бўлишини эътиборга олиш лозим. Хусусан, турмуш ўртоғидан бирининг хиёнати ёки ўзини шармандаларча тутиши ҳам, гарчанд у ғайриқонуний ҳол бўлиб ҳисобланмаса-да, виктим ҳолатдир.

Фуқароларнинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган тажовузлар кўп ҳолларда виқтим вазиятлар туфайли юзага келади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, таҳлил этилган умумий миқдордаги жиноят ишларининг 68,7 % да айнан виқтим вазиятлар асосий шароит яратиб берган ва бунда 31 % ҳолат оилавий низолаз заминида содир этилган. Таҳлил этилган жиноят ишларининг ҳар бирида бутунлай виқтим вазият мавжуд дейиш тўғри бўлмайди, чунки фақатгина 13,7 % ҳолатда жабрланувчиларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари оқибатида жиноят юзага келган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тан жароҳатини етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг кўпчилиқ қисми асосан оила шароитида содир этилади.

Бу ўринда оилавий муҳит дейилганда, нафақат оила аъзолари, ака-ука, опа-сингил ҳамда қариндош-уруғлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, балки муқаддам расмий никоҳ муносабатларида бўлиб, ҳозирда расман ажрашган ва алоҳида яшовчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам эътиборга олинмоғи даркор.

Жамиятда оила ва турмуш муаммолари ўзига хосликларга эга. Оила ва турмуш муносабатлари ҳар бир оилада ўзига хос равишда кечади ва ҳар бир оилада оила аъзоларининг умумий, шахсий дунёқарашлари доимо бирдек шаклланмаслигини кўриш мумкин.

Шунинг учун ҳам баъзида у ёки бу муаммони ҳал этишда ўзига хос қарама-қаршилиқлар келиб чиқиши табиий. Айнан шу қарама-қарши фикрларни ҳал этиш жараёнидаги низоли ҳолатлар бевосита виқтим вазиятлар асосида юзага келади.

Биз кўриб чиқаётган жиноят турида эса жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари айнан бошқа бир шахсни ўчакиштириши ва шу туфайли жиноятнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ бўлади. Яъни, шахсинг ғайриқонуний ёки шармандали қилиқларига жавобан ўзга шахсинг жиноят содир этиши юзага келади. Аслида, ушбу ҳолат бўлмаса, жиноят ҳам содир этилмаган бўлар эди.

Масалан, жиноят ишининг таҳлилидан маълум бўлдики, фуқаро Н. бекатда қари онаси билан автобус кутиб турганида уларга мастлик ҳолатида бўлган фуқаро А. уятли сўзлар билан гап отади. Натижада фуқаро Н. нинг жаҳли чиқиб, А. ни уриб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди.

Кўриниб турибдики, бу вазиятда жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари виқтимлик вазиятини юзага келтирган ва шу боис жиноят содир бўлган. Бу каби виқтимлик ҳолатини аниқ ифодалаш учун, биринчи навбатда, жабрланувчиларни, криминология нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, виктим ҳолатлари кўпроқ эркак жинсидаги шахсларда юзага келади. Таҳлил этилган жиноий ишлардан маълум бўлдики, умумий миқдордаги жиноятларнинг 64 % да эркаклар ва 36 % да аёллар виктим вазиятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганлар.

Шунингдек, эркакларнинг жиноятларни содир этиши оқибатида жиноий жавобгарликка тортилганлар ўртасида жабрланганларнинг 16 % ни аёллар ва 84 % ни эркаклар ташкил этган. Шу каби жиноятларни аёллар содир этганида аёл жабрланувчилар 20 % ни ва эркак жабрланувчилар 80 % ни ташкил этган.

Жабрланган аёллар ичида расмий никоҳдаги аёллар 39,2 % ни ва вақтинчалик яшаб турган аёллар 9,3 % ни ташкил этган. Демак, оилавий низоларнинг кўпчилиги расмий никоҳда кўпроқ кузатилади.

Умуман олганда, таҳлилий ишларнинг кўрсатишича, жиноятчи ва жабрланувчилар ўртасидаги ўзаро нисбат қуйидагича ифодаланди.

Жабрланувчиларнинг таҳлили:

айбдорнинг оила аъзолари – 10 %

қариндош-уруғлари – 2 %

яқин дўстлари – 15 %

танишлари – 35 %

қўшнилари – 10 %

ёт кимсалар – 28 %

Ёш жиҳатидан жабрланувчилар таҳлили:

14 ёшгача – 2,3 %

18 ёшдан 25 ёшгача – 21,9 %

25 ёшдан 35 ёшгача – 45 %

35 ёшдан 50 ёшгача – 17,4 %

50 ёшдан 60 ёшгача – 10,4 %

60 ёш ва ундан катталар – 3,0 %

Таҳлилдан кўришиб турибдики, ёш бўйича жабрланувчиларнинг асосий қисмини 25–35 ёшдагилар (45 %) ташкил этган бўлса, 18–25 ёшдагилар (21,9 %) нисбатан кўпчиликни ташкил этган. Ҳар икки ёшдагиларни умумлаштириш жами жиноятларда кўпчилик миқдор (66,9 %)ни ташкил этади.

Демак, айбдорлар ва жабрланувчиларнинг айнан шу икки гуруҳга мансуб бўлган ёшда бўлганликлари профилактика ишларини ташкил этишда катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда. Шунингдек, тан жароҳатларини етказишда айбдор бўлган ва жабрланганларнинг маърифий маълумотлари қуйидагича нисбатларга эга.

Жабрланганларнинг маълумотлари:

- саводсиз, қисман саводли ва 4-синф маълумотига эга шахслар – 1,1 %
- 4–7-синф маълумотига эга шахслар – 9,3 %
- тўлиқсиз ўрта – 15,7 %
- ўрта ва касб-хунар маълумотига эга шахслар – 72,0 %
- олий ва олий маълумотдан кейинги таълим даражасига эга шахслар – 4 %.

Бунда асосий кўпчилик миқдорни ўрта ва касб-хунар маълумотига эга шахслар ташкил этмоқда. Касб-хунар ва ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан олинганда эса қуйидагиларни кўриш мумкин.

Жабрланувчилар ўртасидаги ўзаро нисбат қуйидагича:

- ишчилар (давлат ва хусусий секторга оид ишлаб чиқариш тармоқларида) – 63,9 %
- хизматчилар – 3,5 %
- қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлар (фермер, ширкат хўжалигидаги ишчиларни ҳам қўшганда) – 5,8 %
- нафақахўрлар – 6,9 %
- уй бекалари – 9,3 %
- ўрта мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юр்தларининг талабалари – 4,3 %
- ишсизлар – 3,7 %
- жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётганлар – 2,5 %.

Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, тан жароҳатларини етказиш асосан ишчилар ўртасида кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда жамиятда рўй бераётган ижтимоий сифат ўзгариши натижасида юзага келаётган ишсизларнинг ўзига хос тоифалари ўртасидаги жиноятчилик сабабларининг таҳлили ҳам бу тоифадаги аҳоли қатламининг ўзига хос криминологик хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилишида ичкиликбозлик иллатлари хусусида юқорида баён этилгани ўқувчига яхши аён. Шунга кўра, айнан жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам ушбу иллатларнинг учраши виқтим вазиятларнинг кучайишига олиб келади.

Таҳлил этилган умумий миқдордаги жиноят ишларининг қарийб 31,4 % ҳолатида жабрланувчилар турли даражадаги мастлик ҳолатида бўлганлар. Шунингдек, 37 % ҳолатда жабрланувчилар ва айбланувчилар ўртасидаги низолар ҳар икки томоннинг айби билан содир бўлган ва бунда жабрланувчилар айбланувчиларнинг ҳаракатларига кескин ҳаракатлар билан жавоб қайтарганини кўриш мумкин. Энг муҳими, жабрла-

нувчиларнинг 4,6 % муқаддам тан жароҳатларини етказишда айбланиб судланган шахслар эканлиги аниқланди.

Ўтказилган сўров жараёнида 18,6 % ҳолатда жабрланувчилар кўп маротаба зўравонлик ҳаракатларидан жабр кўриб, уриш, қийнаш тан жароҳати олганликларини билдирганлар. Ушбу ҳолатлардан яна бир муҳим ҳолат ҳам аниқланди. Яъни, кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари айнан шу каби криминоген вазиятларнинг юзага келишига сабабчи бўлганлар.

Бу борада фуқаро А. билан боғлиқ жиноят ишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълум бўлдики, 2002 йилнинг 28 август куни соат 13.00 барда фуқаро А. ўзига нотаниш бўлган фуқаро О. га мурожаат этиб, сигарет сўраган. Бунга жавобан О. ҳар ким ўз сигаретини олиб юриши ва тиланчилик қилмаслиги лозим деб А. ни уятли сўзлар билан ҳақоратлайди.

Шундан сўнг ўртада юзага келган тортишувлар давомида О. фуқаро А. нинг юзига мушт билан уради. Бунга жавобан А. яқин атрофда бўлган уйига бориб пичоқ олиб келиб О. га ҳаёти учун оғир тан жароҳатини етказди. Ушбу ҳолатнинг рўй беришида, кўриниб турганидек, ҳар икки томоннинг айби бўлгани ҳолда, оғир тан жароҳати етказилишига жабрланувчининг виқтим вазиятни юзага келтириши жиноятнинг асосий омили бўлган.

Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги омилга, яъни ғайриқонуний равишда турли ўқотар қуролларни сақлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки кўп ҳолларда тан жароҳатини етказиш ушбу қуролларни қўллаш орқали амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин.

Тўғри, тадқиқотларнинг кўрсатишича, тан жароҳатларини етказишда ўқотар қуролларни қўллаш оз миқдорни ташкил этади (9,9 %). Бироқ ушбу омилни эътиборга олмаслик оқибатлари жуда аянчлидир. Шу билан бирга, бир жиноят остида бир неча шахсларнинг жабрланиш ҳолатлари кўплаб кузатилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, тан жароҳатларини етказиш ўзига хос вазиятлар билан боғлиқдир.

Демак, айнан шу вазиятлар жараёни тўсатдан ва олдиндан тайёргарлик кўриш орқали амалга оширилмаслигини инобатга олсак, табиийки, ўқотар ёки умуман барча турдаги совуқ қуролларнинг бўлиши вазиятни мураккаблаштиради, холос.

Бу борада ўтказилган сўров натижаларига кўра, кўпчилик айбланувчилар ёки жабрланувчилар қуроллари бўлмаганида, улардан фойдаланмаган бўлишларини эътироф этганлар (57 %). Назарий жиҳатдан қаралганда, оила ва маиший турмуш жараёнида бўладиган низоларда

асосан қўлга илинган турли буюмлар билан тан жароҳати етказилиши криминология фанида етарлича ўрганилган ва эътироф этилган.

Биз кўриб чиқаётган жиноятларнинг содир этилишига шарт-шароит яратувчи яна бир омил содир бўлаётган хатти-ҳаракатларни бартараф этиш ёки олдини олишда атрофдаги шахсларнинг зарур чора-тадбирларни қўлламасликларидир.

Ушбу ҳолат юзасидан ўрганилган жиноят ишларининг кўпчилигида ҳодиса содир бўлган пайтда томонларнинг оила аъзолари, яқинлари мавжуд бўлганлар. Аммо бор-йўғи 12 та ҳолатда улар жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар ва қисман жиноятларнинг оғир оқибатларига йўл қўймаган.

Атрофдагиларнинг лоқайдлиги жиноятларнинг содир этилишига қулай имконият, яъни жиноят содир этувчилар учун омил эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Айниқса, бу борада ҳуқуқ-тартибот органларининг ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатмасликлари ҳам ушбу жиноятларнинг содир этилишидаги ўзига хос омил бўлиб ҳисобланишини ёдда тутиш лозим.

Зотан, ички ишлар органларининг ушбу жиноятларни содир этишга мойил шахслар, оилалар тўғрисида зарур таҳлилий маълумотларга эга бўлмасликлари ёки ножўя хатти-ҳаракатлар ва жиноят содир этилаётганлиги тўғрисидаги хабарларга ўз вақтида чора кўрмасликлари оқибатида шундай криминоген вазиятлар юзага келади.

Жабрланувчилар ўртасида ўтказилган сўров жараёнидан маълум бўлдики, 37% ҳолатда низоли ҳолатлар мунтазам ва давомли равишда юзага келган. Чунки ички ишлар органлари фуқароларнинг ариза ва эътирозларини эътиборсиз қолдиргани боис тан жароҳатларини етказиш содир этилган.

Оилавий низоларнинг юзага келиши оқибатида тан жароҳатларини етказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этишнинг яна бир жиҳати судларнинг низоли оилаларда никоҳни бекор қилиш ва мулкни бўлиш тадбирларини асоссиз равишда чўзиш ҳолатларидир. Бу каби вазиятлар оила аъзолари ўртасидаги низони вақтида бартараф этишга имкон бермайди. Шунингдек, ҳеч бир асоссиз яраштириш каби қонун нормаларига зид равишда тергов ва суд идораларининг қарорлар чиқариши ҳам низоли вазиятларнинг давомийлигини ва криминоген ҳолатни юзага келтиришини унутмаслик зарур.

Чунки қонун талабларининг нотўғри жорий этилиши айбланувчиларнинг жазодан қочиб қутулиш мумкинлигига ишонч ҳиссини юзага келтириши мумкин. Баён этилган барча ҳолатлар фуқароларнинг соғ-

лиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминологик хусусиятларини ифодалайди.

Тан жароҳатлари ва умуман шахснинг жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ вазиятлар хусусида юқорида баён этилган таҳлилий асосларга кўра қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1) фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларда маиший турмушда айбланувчи ҳамда жабрланувчилар ўртасида юзага келадиган жанжалли низолар асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу каби жиноятларнинг кўпчилиги оилада ёки муқим бўлган микрогуруҳларда содир этилади;

2) жанжалли низоларнинг юзага келишини жадаллаштирувчи салбий омил томонларнинг – айбланувчи ва жабрланувчининг мастлик ҳолатидир;

3) ушбу жиноятларнинг содир этилишида субъектив ҳолат ҳам яқиндан таъсир этади ва айбланувчининг тажовузкорлиги ҳамда серзардалиги криминоген вазиятларнинг юзага келишини кучайтиради;

4) жиноятларнинг юзага келишига таъсир этувчи ҳолатлар сифатида у ёки бу ижтимоий гуруҳлар эътироф этган салбий хулқ ва одат, яъни бу каби ижтимоий гуруҳ аъзолари онгида куч ишлатиш ва зўравонлик қилишга оддий бир ҳол сифатида қарашларнинг мавжудлигини эътиборга олиш лозим;

5) жиноят содир этишга мойиллик шахс руҳиятидаги касаллик ва шу асосда мавжуд вазиятларда жиноят қилишга шахсда журъатнинг юзага келиши. Таҳлил этилган жиноятларнинг содир этилишида руҳиятида беқарорлик ва серзардалик қусурлари мавжуд шахсларнинг жиноят содир этишининг кўплаб кузатилиши;

6) ушбу жиноятларнинг содир этилишида ўзига хос шарт-шароит яратувчи жабрланувчилар виқтим ҳолатининг мавжудлиги;

7) фуқароларнинг соғлиғига жисмоний путур етказишда ўзига хос турли вазиятлар жумласига ўқотар ва бошқа совуқ қуролларни ғайриқонуний равишда сақлаш, тайёрлаш ва олиб юришни ҳамда жиноят содир этилишга атрофдагилар, шунингдек ички ишлар органларининг зарур чора-тадбирларни қўлламаслигини киритиш жоиздир.

4-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар

Криминология нуқтаи назаридан ушбу жиноятларга берилган илмий таъриф асосида фуқароларнинг жисмоний дахлсизлиги ва ҳаё-

тини муҳофаза қилиш мақсадида олиб бориладиган профилактик чора-тадбирларни аниқ ифодалаш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу жиноятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар биринчи галда шахснинг жиноят йўлига киришига олиб келувчи жамиятдаги ижтимоий салбий ҳолатларни бартараф қилиш, энг муҳими, жиноятни содир этмоқчи бўлган шахсга ҳар томонлама таъсир чораларини қўллаш орқали, аввало, жиноят йўлига кирмаслигини, жиноят йўлига кирган тақдирда эса, бу йўлдан қайтаришни илмий асосланган усул ва воситалар орқали амалга ошириш лозим.

Ушбу жиноятларнинг олдини олишда умумий профилактика чоралари қўлланилади, лекин маълум бир вазиятлар билан боғлиқ ҳолатларда якка тартибдаги профилактика ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, умумий профилактик чора-тадбирлар кенг маънога эга ва жамият миқёсида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган муайян тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди. Яъни, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий йўналишларида жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ҳамда омиллар бартараф этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу параграфда биз умумий профилактик чора-тадбирларга айнан тўхталмасдан, кўриб чиқиладиган жиноят тури содир этилишининг олдини олиш, шахсга нисбатан қўлланиладиган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни олиб боришнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг содир этилишида ўзига хос шароит ва сабаб мавжуд. Ушбу жиноятларнинг асосий белгиси айнан маиший турмуш ва умуман шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлар асосида юзага келадиган криминоген ҳолатлардир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шахслар ўртасида юзага келадиган низоли ҳолатлар айнан шу шароитда, шунингдек айрим тоифадаги микроғуруҳлар ўртасида рўй беришини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир.

Шу боис шахслар ўртасида юзага келувчи ҳар бир шароит ва сабабни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва йўл қўймасликни таъминлаш криминология фанида муҳим тадқиқот доирасига кирган ҳамда бу тадбирларни тўғри қўллаш бўйича зарур илмий тавсиялар яратилган.

Таҳлил этиладиган жиноят турларини содир этувчиларнинг шахсига хос бўлган хафа бўлиш, жаҳл чиқиши, рашк ҳиссининг юзага келиши,

шахснинг яхши кўрган буюми ёки машғулотларидан жудо этилиши кабилар асосида низоли вазиятларни билиш орқали зарур ва самарали профилактик чора-тадбирларни тўғри қўллаш катта амалий аҳамиятга эгадир. Шахсдаги бу ижтимоий-руҳий хусусиятлар ўз-ўзидан юзага келмайди, балки ундаги бундай хусусиятларнинг юзага келиши жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг салбий жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Шунга кўра, жамият аъзоларида ижобий маънавий ва руҳий хислатларни шакллантириш жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахсда яхши фазилатларни шакллантиришга яқиндан ёрдам кўрсатади. Яъни, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар асосида иш юритиш умумий профилактика ишлари билан узвий боғлиқликда бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда, биринчи навбатда, шахс руҳиятига таъсир этиш ва бунда мавжуд вазиятлардан чиқишнинг йўл-йўриқларини тушунтириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай низоли ҳолатларда жабрланувчи ушбу тадбирни бажариши мумкин. Зарур ҳолларда эса, учинчи шахс вазиятни юмшатиши ва вазиятдан чиқиб кетишнинг энг мақбул йўллари топиши мақсадга мувофиқдир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, вазиятни тўғри баҳолаш ва шахсга тўғри тушунтириш жуда кўп ҳолларда низоли вазиятларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлайди.

Тўғри, бу якка тартибдаги профилактика ишларининг муайян ҳолатдаги ва аниқ бир шахсга қаратилган тарбиявий таъсир чорасидир. Ушбу тарбиявий чорани бир вақтнинг ўзида кўпчиликка қўллаш ва таъсир этишда бир қатор усул ҳамда воситаларни жорий этиш лозим.

Жумладан, оммавий ахборот воситалари, оммавий нашрлар орқали вазиятни таҳлил этиш ва баҳолаш шахснинг низоли вазиятларни идрок этишига ҳамда зарур ҳолларда тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради. Бу борада телевидение муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки телевидениенинг ҳозирги кунда энг таракқий этган ахборот воситаси эканлигидан тарбия жараёнида фойдаланиш катта аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Ўқувчига яхши маълумки, низоли ва жанжалли вазиятлар кўп ҳолларда маълум бир сабаблар асосида аста-секин «етилиб» боради ва маълум бир шароит асосида ўзининг якуний нуқтасига етади. Оқибатда эса, айтиб ўтилганидек, жиноят содир бўлади. Бу ўзига хос қонуниятдир.

Бироқ айнан шу етилиб бориш жараёнида шундай нуқталар мавжудки, ушбу нуқтада вазиятни юмшатиш зарурияти юзага келади. Агар-

да вазиятни юмшатишнинг айбдор ва жабрланувчиларнинг ҳар иккиси ёки бир томонлама амалга ошириши имконияти юзага келмаса, бунда учинчи шахснинг иштироки ва чигалликни ечишда учинчи бир томон ижобий таъсир этиши лозимлиги хусусида тўхталганимиз ҳам ўқувчига яхши аён.

Лекин, таъкидлаш жоизки, айнан шу учинчи шахс сифатида давлат органлари ва умуман ҳуқуқ-тартибот ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг режа асосида, илмий асосланган таъсир чораларини қўллаши профилактика ишларининг самарасини оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Оғир тан жароҳати етказишда айбланган бир гуруҳ аёллар ўртасида олиб борилган сўров ишларидан маълум бўлдики, агарда етилиб келаётган низоли ҳолатларнинг олдини олишда давлат органлари ва жамоатчилик ўз вақтида таъсир чоралари кўрганларида, ҳодиса содир бўлмаслиги мумкин бўлган. Айниқса, бу ҳолат оилавий низолар туфайли содир этилган бўлса, жиноят йўли тўсилган бўлар эди. Шу билан бирга, бу каби жиноятларда айбдорлар асосан эркаклар эканлиги ҳам яхши маълум.

Энг муҳими, сўров ўтказилиши жараёнида 56 % маҳкум этилган айбдорлар, агар милиция ходимлари, яқин қариндошлар ёки қўшнилар ва умуман атрофдаги шахслар бирор-бир таъсир чорасини қўллаганида жиноят содир бўлмай қолишини эътироф этганлар.

Кўриниб турибдики, жиноят содир этилмаслигини таъминлаш атрофдагиларнинг масъулияти билан боғлиқ ва шундан келиб чиққан ҳолда вазиятни юмшатишда уларнинг, яъни ҳодиса содир бўлган вақтда иштирок этганларнинг зарур таъсир чораларини қўллашлари катта аҳамиятга эгадир. Айнан шу муҳим ҳолатни фуқаролар ўртасида тарғиб қилиш эса ўзига хос профилактика чораси бўлиб ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан яхши маълумки, оилавий низоларда рўй берган жанжалли вазиятлар биринчи галда у ёки бу ҳудудда фаолият кўрсатувчи профилактика инспекторларига етказилади. Бундай хабарларни жабрланувчилар (турмуш ўртоқларидан бири, қўшнилар, меҳмонга келган танишлар қабила) бериши ҳам амалиётда кўп учрайдиган ҳолдир ва, табиийки, профилактика инспекторларининг айнан шу жанжалли вазиятни юмшатиши бошқа оғир оқибатларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Шундай вазиятларда профилактика инспекторлари тўғри йўл тутиши ва бунда вазиятдан келиб чиққан ҳолда низони тўхтатиш учун томонларни муроасага келтириши, зарурият бўлса (ҳаддан ташқари мастлик ҳолатида бўлган шахсларни тинчлантириш, бу ёрдам бермаса, мах-

сус тиббий муассасаларга жойлаштириш кабилар) маъмурий қонунчилик асосида таъсир чораларини қўллаши лозим.

Шунингдек, вазият талаб этса, шахсни ички ишлар органларига келтириш ҳам лозим. Чунки бу каби таъсир чораси шахс хатти-ҳаракатларининг барҳам топишига ва вазиятни таҳлил этиш ҳамда қонуний чора кўришга имкон яратади. Бундай ҳолат шахсни оғзаки огоҳлантириш ва тартибга чақириш каби таъсир чоралари самара бермаган ҳолларда амалга оширилиши лозим.

Баён этилганларга асосан, айтиш мумкинки, низоли вазиятлар даб-дурустдан юзага келганда, уларнинг олдини олишни ташкил этиш ўзига хос аниқликни ва тезликда зарур чораларни қўллашни талаб этади. Аксинча, ҳар қандай низоли вазиятларнинг «етилишига» имкон яратувчи турли сабаб ва шароитлар мавжудлиги аниқланса ҳамда бу низолар келгусида яна давом этиши мумкин бўлса, бу вазиятда ички ишлар органлари муайян шахсни доимий назоратга олиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шахс жиноий хатти-ҳаракатларни содир этганда, айтиб ўтилган таъсир чораларининг қўлланиши қонун доирасида амалга оширилмоғи лозим. Зотан, жиноят ва ножўя хатти-ҳаракатларни фарқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки оила ва турмуш шароитида содир этиладиган барча қилмишларни фақат маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш, кўп ҳолларда жиноятларни яшириш каби ҳолатларни юзага келтиришини эътибордан четда қолдирилмаслик зарур.

Шу билан бирга, оила ва турмуш можароларида ўзига хос давомийлик ҳам мавжуд. Яъни, жамиятга хавф солувчи қилмишнинг содир этилиши оқибатида унга боғлиқ равишда яна бир туркум жиноятлар ҳам юзага келиши жиноят ҳуқуқи фанидан бизга яхши маълум.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 112-моддасида қайд этилган тан жароҳатларини етказиш ўлдириш билан қўрқитиш кабилар билан боғлиқ ҳолда юз бериши мумкин. Демак, ички ишлар органлари зарур чораларни қўлламаसा, оғир оқибатларнинг келиб чиқиши шубҳасиздир. Бу борада олиб борилган тадқиқотларимиз ҳам ушбу ҳолатнинг мавжудлигини кўрсатди.

Масалан, 26 % тан жароҳатини етказишда мунтазам равишда дўқ-пўписа ёки тўғридан-тўғри «яхшиликча қулоқ солишни» талаб этиш ҳоллари мавжуд бўлган. Шунингдек, 20 % жиноят ишида бу каби «қўрқитишлар» милиция органларига, қўни-қўшнилар ва яқин қариндошларга маълум бўлган.

Мавжуд ҳолатларда атрофдагиларнинг лоқайдлиги жиноятни содир этишга йўл очган. Масалан, фуқаро Т. ўз уйида маст ҳолатда қайнонаси

билан жанжаллашиб қолади. Жанжал давомида у қайнонасини тепади. Қайнонаси эса профилактика инспекторини уйга чақиртиради. Ҳодиса устига келган профилактика инспектори Т. ни оғзаки тарзда тартибга чақириш билан кифояланади. Профилактика инспектори кетгач, бир оз ўтиб яна жанжал бўлади ва оқибатда фуқаро Т. қайнонасини тепиб, оғир тан жароҳати етказди. Кўриниб турганидек, агар профилактика инспектори биз таъкидлаб ўтган таъсир чораларини ўринли қўллаганида келиб чиққан оғир жиноятнинг олди олинган бўлар эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар қандай қўрқитиш жиноий ишни қўзғатишга асос бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жиноят қонунчилиги асосида ҳақиқатан ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган қўрқитишнинг жиноят таркиби сифатида эътироф этилиши кўзда тутилган.

Шу боис, ҳар бир қўрқитиш билан боғлиқ ҳолатни аниқ баҳолаш ва зарур чора қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш ва, иккинчидан, жанжалли ҳолатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Шунингдек, қурол ишлатиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Бинобарин, шахсда ўқотар қуролнинг сақланишини билиш, унинг ғайриқонуний тарзда сақланишини аниқлаш ва қонун асосида олиб қўйиш каби ишларни бажариш лозим. Зарур ҳолларда эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 248-моддаси асосида чора қўлланиши керак.

Тўғри, жиноятларнинг олдини олиш фақат суҳбатлашиш у ёки бу тарбиявий ишни амалга ошириш билан ўлчанмайди. Балки жамият ҳаётидаги мавжуд бошқа таъсир чораларини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, жиноят қонунчилигидаги тегишли моддалар талаблари асосида иш кўриш жиноятларнинг олдини олишнинг муҳим кафолати эканлигини профилактика нуқтаи назаридан тўғри баҳолаш лозим. Яъни, ўз вақтида шахсни ҳақорат қилганлиги учун (140-модда), тухмат (139-модда), мунтазам равишда уриш ва қийнаш (110-модда), енгил тан жароҳати етказиш каби ҳолатларда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш ва адолатли жазо қўллаш ҳам жиноятнинг олдини олиш эканлигини унутмаслик зарур.

Тўғри, бу каби ҳолатларда жабрланувчиларнинг судга мурожаат этишининг ўзиёқ криминоген ҳолатнинг юзага келганига далолатдир. Буни камаҳамиятли иш сифатида эътироф этишнинг салбий оқибатлари мавжудлиги хусусида криминологик тадқиқотлар асосида зарур хулосалар яратилганлигини эса тутиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, дастлабки ва суд тергови жараёнида айбдорларни жазолаш билан кифояланмасдан, криминоген ҳолатларни аниқлаш ва бу борада хусусий ажрим чиқарилиши лозим. Криминоген вазиятлар юзага келмаслигининг олдини олиш мақсадида фуқаролик ишларини кўриб чиқишда ҳам низоли муаммоларни имкон даражасида тўлиқ ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки кўп ҳолларда, айниқса никоҳни бекор қилиш жараёнида ҳал этилмай қолган муаммоли вазиятлар кейинчалик жанжалли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Никоҳни бекор қилиш билан бирга, фарзандларнинг ота-оналаридан қай бирида қолиши масалаларини эътиборсиз қолдириш ҳам шулар жумласидандир.

Шунингдек, никоҳни бекор қилиш орқали суд турли фожиаларнинг олдини олади. Шундай вазиятларда, яъни оилани сақлаб қолишнинг ҳеч қандай имкони йўқлиги мавжуд бўлган тарзда, асоссиз ва сунъий равишда никоҳни бекор қилмаслик ҳам янада оғир фожиаларнинг юзага келишида салбий шароит бўлиб қолишини эътиборга олиш лозим.

Ҳеч шубҳа йўқки, низоли ва жанжалли вазиятларни жамоатчилик асосида бартараф этиш мумкинлигини тарихан исботланган дейишга тўлиқ асосларимиз мавжуд. Шу билан бирга, оилавий низолар ва меҳнат жамоаларидаги ҳар қандай низоли вазиятлар биринчи галда кўникўшчилар ҳамда меҳнат жамоаларига аён бўлади.

Демак, айнан шу вазиятларда кенг жамоатчилик фаолиятини жиноятлар ва умуман ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтириш катта аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланиб келган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими-га таяниш ва биз кўриб чиқаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фойдаланиш мумкин.

Нафақат бу мақсадда, балки бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими ёрдамидан унумли фойдаланиш даркор. Шу боис, ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этиш ишларида кенг жамоатчиликни жалб этишнинг маҳалла кўмиталари орқали амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла кўмиталари фаолиятини ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати улар фаолиятини шаҳар ва қишлоқларда бирдек самарали ташкил этилишдадир.

Энг муҳими, аҳолининг турли қатламларига мансуб шахсларни яшаш жойи асосида аниқлаш ва улар билан зарур ижтимоий-тарбиявий ишларни юритиш имконияти маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали самарали амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, вояга етмаганлар,

аёллар, оила ва турмуш муаммоларини ҳал этиш имконияти фуқароларнинг яшаш жойларида амалга оширилишининг имкониятлари мавжуд.

Юқорида таъкидланганидек, оила ва турмуш шароитида юзага келадиган низоларнинг аксарияти мастлик оқибатида юзага келади. Шу билан бирга, жабрланувчиларнинг маст бўлиши ҳам кўп ҳолларда жиноий тажовузларга шароит яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятда ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатларни ўз вақтида тўхтатиш орқали жуда кўп жиноятларнинг олдини олишга замин яратилади.

Тўғри, криминология нуқтаи назаридан ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш муаммолари алоҳида тадқиқ этилади. Аммо биз кўриб чиқаётган жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ ҳолатларда ушбу муаммо ҳам алоҳида эътиборга молик эканлиги учун бу иллатларнинг айрим хусусиятларига ўқувчининг эътиборини қаратишни лозим топдик.

Хусусан, низоли вазиятларнинг юзага келишида сурункали алкоголизм, бангилик каби хасталикларга дучор бўлган шахсларнинг тажовузкорлик хусусиятларини намоён этишига алоҳида эътибор қаратилмаслиги профилактика ишларининг самарасини камайтиради.

Шу боис, бу каби хасталикларга дучор бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва даволанишини таъминлаш борасида иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Агарда бу каби шахслар амбулатория шароитида даволанаётган бўлсалар ҳам, ички ишлар органларининг назоратидан четда қолмасликлари зарур.

Шахсларнинг мастлик ҳолатида бўлишлари ва уларнинг жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишига йўл қўймаслик ҳам катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, аҳоли яшаш жойларида, хонадонларда ичкилик ичиш оқибатида шахсда тажовузкорлик юзага келса, уларни қонун асосида ички ишлар органларига келтириш ва вақтинчалик ушлаб туриш лозим. Бу эса юзага келиши мумкин бўлган жиддий фожиаларга йўл қўймаслик чораларидан бири ҳисобланади.

Бу каби таъсир чораси айбдор шахснинг виқтим ҳолатига тушиб қолишининг ҳам олдини олишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари шахснинг мастлик ҳолати ва унинг тажовузкорлиги тўғрисида хабар олган заҳоти тезда зарур чораларни кўрмоғи лозим.

Баён этилган чора-тадбирлар умумий профилактика тадбирлари бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишда фуқаролар ўртасида якка тартибда иш кўриш ҳам катта аҳамиятга эга.

Якка тартибда иш кўришда шахснинг руҳий ҳолати ёки руҳиятида касаллик ҳолатининг мавжудлиги инобатга олиниши лозим. Айниқса, шахснинг руҳиятида касаллик аломатига хос жаҳлдорлик, тўсатдан юзага келадиган тажовузкорлик қусурлари мавжуд бўлган тақдирда улар билан ишлашни йўлга қўйиш ва назоратга олиш лозим.

Шу ўринда жинойтчиликнинг шахс руҳиятидаги қусурлар билан боғлиқ эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунки шахсларга хос бўлган ақли заифлик, турли даражадаги руҳиятнинг бузилиши кўп ҳолларда эътиборга олинмайди.

Шунинг учун бу каби шахслар билан ишлашда ички ишлар органлари тиббий муассасалар билан яқиндан иш кўрмоқлари жоиз. Шахснинг яшаш ва иш жойида ўзини тутиши борасида ички ишлар органларида маълумотлар етарлича мавжуд бўлади. Ушбу маълумотлар асосида тиббий муассасалар ёрдамида руҳиятни аниқлаш учун психиатр мутахассислар билан экспертиза ўтказилиши лозим. Бу эса шахс тўғрисида узил-кесил хулоса чиқаришга имкон беради.

Шахсни тиббий гувоҳлантириш асосида нафақат унинг руҳиятидаги мавжуд хасталикларни яққол кўриш мумкин, балки яширин ва сурункали руҳий хасталиклар ҳам аниқланади.

Зарурият бўлган ҳолларда тиббий муолажа белгиланади. Шу боис, ҳозирги кунда жинойтларнинг олдини олишга ёрдам берувчи ушбу тадбирни амалга ошириш учун жойларда руҳий-психиатрия маслаҳатхоналарини ташкил этиш борасидаги фикрга қўшилиш мумкин. Бу каби маслаҳатлар орқали ҳар бир оилада шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни ечишда зарур ёрдам олиш имконияти юзага келади. Энг муҳими, шу асосда содир бўлиши мумкин бўлган ноҳушликларнинг олди ҳам олинади.

Биз кўриб чиқаётган жинойтларни келтириб чиқарувчи виқтим ҳолатларнинг олдини олиш ҳам эътиборга лойиқдир. Чунки мавжуд криминоген вазиятларда у ёки бу кимсаларга таъсир этувчи ножўя хатти-ҳаракатларнинг юзага келмаслиги учун ички ишлар органлари, жамоатчилик ва, қолаверса, ҳар бир шахс зарур таъсир чораларини жумладан турли хил ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган низо-ларга йўл қўймаслик, ўзгалар шахсиятига тегадиган ҳаракатлар ёки ҳақоратли сўзларни гапирмаслик кабиларни қўллаши лозим.

Виқтим ҳолатларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари, маҳалла йиғинлари фаолларининг ҳар бири ўз ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда иш кўрмоқлари лозим. Яъни, тушунтириш ишларини ташкил этиш ва бунда ўз хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликнинг иззат-нафсониятига тегувчи фоҳишабозлик, қўшмачилик қилиш ёки

уятли сўзлар билан сўкинувчи шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бу борада оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш даркор.

Шахс йўл қўядиган ножўя хатти-ҳаракатлар оқибатида унинг ўзи жиноят қурбонига айланиши билан боғлиқ мавзуларда телевидение ёки энг оммавий газета ва журналлар ёрдамида аҳоли ўртасида тарғибот ишларининг юритилиши катта аҳамиятга эга. Чунки бу каби оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма ичига кириш мумкинлиги жаҳон тажрибасидан ҳам яхши маълум. Ушбу чиқишларда оила, маиший турмуш ва жамоат жойларида кишиларнинг ўзларини тутишлари, жанжалли вазиятлар юзага келишининг салбий ҳолатларини шарҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларининг ҳозирги ҳолати, тизими ҳамда динамикасини тавсифланг.
2. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларини содир этувчи жиноятчилар шахсининг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларининг сабабларини кўрсатинг.
4. Ижтимоий ҳодисалар ҳамда уларнинг куч ишлатиш ва зўравонлик қилиш жиноятлари билан ўзаро боғлиқлигини тавсифланг.
5. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларининг юзага келишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг ва тавсифланг.
6. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларининг олдини олишга қаратилган профилактика ишларининг асосий йўналишларини айтиб беринг.
7. Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятларининг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган асосий усуллар ва уларнинг тактик хусусиятлари нималардан иборат?

XV боб
ГИЁХВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА ОЛДИНИ
ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

1-§. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг
ҳозирги аҳволи

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг моҳияти жамият аъзоларининг осойишталигини таъминлаш ва эркин камол топишига қаратилгандир. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларга йўл қўймасликни таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.

Шахс маънавиятига салбий таъсир этувчи гиёҳвандлик каби иллат ҳамда уни юзага келтирувчи сабаб ва шароитни тугатишга давлатнинг алоҳида эътибор қаратаётганлиги эса ушбу муаммонинг нақадар долзарблигидан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандликнинг юзага келиши ва унинг оқибатлари жамият учун сезиларли даражада хавф туғдиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда гиёҳвандликни келтириб чиқараётган халқаро наркобизнес каби салбий ҳолатларнинг жаҳон ҳамжамияти ва инсониятга солаётган хавфининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги чиқишида БМТнинг Марказий Осиёдаги ҳудудий комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифи ғоятда ўринлидир.

Шунингдек, 2000 йилнинг 19–20 октябрида Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган конференцияда гиёҳвандлик воситаларини ғайриқонуний тарзда ўтказиш, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашни биргаликда олиб бориш муҳокама этилди ва ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида зарур тўхтамга келинди.

Жаҳон ҳамжамиятида мустақил давлат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасида БМТ ва бошқа халқаро миқёсдаги нуфузли ташкилотлар чиқарган бир қатор норматив ҳужжатларда гиёҳванд воситалар би-

лан боғлиқ чекловларнинг давлат миқёсида амалга оширилиши эътироф этилган ва бу талаблар Ўзбекистоннинг қонуний ҳужжатларида қайд этилган. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида амалга ошири- лаётган барча ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош мақсади инсон ва унинг манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир.

Айниқса, шахснинг соғлом камол топиши давлатнинг ижтимоий сиёсатида марказий ўрин эгаллаган. Ўқувчига яхши маълумки, шахс- нинг маънавий ва жисмоний соғлом камол топишига айтиб ўтилган гиёҳвандлик иллоти салбий таъсир этади.

Гиёҳвандлик воситаларининг шахснинг соғлиғига алкоғолдан бир неча баробар жиддий ва зарарли таъсир этишидан келиб чиқадиган бўлсак, бу иллатнинг қанчалик машъум эканлиги маълум бўлади. Агар- да мунтазам ичкиликбозликка берилиш 7–15 йил оралиғида доимий ичкилик ичиш билан юзага келса, гиёҳвандликка бир ярим-икки ой мобайнида бутунлай боғланиб қолиш мумкин.

Энг ачинарлиси, шахс маънавияти тиклаб бўлмас даражада бузи- лади. Бу каби ҳолат алкоғолизмга мубтало бўлган шахсда қарийб йигир- ма марта камлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Гиёҳвандлик жамият ҳаётига тўғридан-тўғри хавф солади ва криминоген вазиятларнинг юзага келишини кучайтиради.

Назарий жиҳатдан қаралганда, гиёҳвандликнинг жиноятчиликни келтириб чиқариш билан боғлиқ бўлган қуйидаги учта шаклини кўриш мумкин.

Биринчидан, гиёҳвандлар объектив ва субъектив жиҳатдан жиноят содир этишга мойилдирлар. Гиёҳвандлик воситалари билан муомала қи- лиш қонун асосида чекланган. Демак, уларни ғайриқонуний йўл билан олиш, сотиш, сақлаш кабилар жиноят таркибини ташкил этади.

Шу билан бирга, гиёҳвандларда ижтимоий, руҳий ва маънавий ху- сусиятларнинг ўзига хослигини эътиборга олиш лозим. Уларнинг шахсиятидаги бу каби иллатлар ҳар қандай вазиятда ҳам жиноий фао- лиятни амалга оширишга сабаб бўлади.

Иккинчидан, гиёҳвандлик воситаларига бўлган интилиш, яъни, тайёрлаш, сақлаш, сотиб олиш, сотиш, сотишга воситачилик қилиш, ўз- лаштириш ва истеъмол қилиш кабилар шахсни турли жиноий фаолият- ларни содир этишга ундайди.

Учинчидан, айнан гиёҳвандларнинг ўзлари ҳам виктим ҳолатга ту- шиб қоладилар ва бошқа турдаги жиноятлар қурбонига айланадилар. Тўғри, «гиёҳвандлик» тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин этилган бўлса-да, мазмунан айнан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол

қилувчи «банги» ва умуман гиёҳвандлик воситалар билан жиноий равишда шуғулланиш, яъни «наркомания»ни билдиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «гиёҳванд» – банги ва «гиёҳвандлик» – наркомания каби атамалар орқали ифодаланса, уларга қарши кураш амалиётида ёрдам беради. Демак, гиёҳванд(банги)нинг шахсини криминология нуқтаи назаридан кўриб чиқишда шахс маънавиятидаги ва шахсиятидаги турли ўзгаришлар рўй беришини эътиборга олиш лозим.

Гиёҳвандлик билан шуғулланиш доираси Шарқ ва Ғарбда ўзига хос равишда кенгайганини кўриш мумкин. Масалан, манбалар қорадори (опий) Шарқий Ўрта денгиз ҳавзасида эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда ҳам мавжуд бўлганини исботламоқда. Жанубий Осиё ҳудудига айнан кўкнори ва ундан олинадиган гиёҳванд модда (қорадори)нинг кириб келиши Александр Македонский аскарлари билан узвий боғлиқлиги тарихдан яхши маълум.

Демак, қорадорининг Жанубий Осиёга кириб келиши асосан эрамиздан аввалги IV асрга бориб тақалади. Эрамизнинг VII асрига келиб эса гиёҳванд воситалар ва бангилик Ҳиндистон яримороли ва Шарқий Осиё ҳудудларига тарқалган.

Гиёҳвандлик шу тариқа Европа ҳудудига ҳам ўтган дейиш мумкин. Бироқ гиёҳванд восита сифатида истеъмол қилинувчи қорадори асосан Осиё минтақаси (Ҳиндистон, Ироқ, Миср, ҳозирги Афғонистон ҳудудлари)га ёйилганлигини кўриш мумкин.

БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари юзасидан назорат қилиш ва Марказий Осиё минтақасида жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси томонидан берилган маълумотларга кўра, кейинги ўн йиллик давомида турли гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқиш бўйича Афғонистон ҳудуди етакчилик қилди.

Жумладан, 1998 йилда ушбу давлат ҳудудида етиштирилган қорадори миқдори 2100 тоннани ташкил этган. 1999 йил ҳисоби эса бундан икки баравар ортиқ, яъни 4600 тоннани ташкил этган. Бу дегани қарийб 460 тонна соф героин моддасидир. Умуман олганда, Афғонистон ҳудуди гиёҳвандлик воситаларини етиштиришда муҳим ўрин тутган ва бу жаҳон миқёсида етиштириладиган жами «ҳосил»нинг 75 фоизини ташкил этади.

Гиёҳвандликнинг мавжудлиги жамият ҳаётига, шу билан бирга, ҳар бир шахс ҳаётига ҳам жиддий хавф солади. Бу хавфни эса қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, гиёҳвандлик бедаво дардни юзага келтиради. Ҳозирги кун тиббиёти ҳам фақат икки-уч ой вақт мобайнида бангиликка дучор бўлган шахсни вақтинчалик «хумор»дан сақлаши мумкин. Агар шахс-

нинг иродаси заиф бўлса, хасталик умуман даволанмаслиги кузатилмоқда.

Иккинчидан, шахс мустақил фаолият кўрсата олмайди ва унга кимдир мунтазам равишда ёрдам кўрсатиши лозим. Яъни, гиёҳванднинг меҳнат қилиш қобилияти йўқолади ва ногиронлиги юзага келади. Оила шароитида яшаш тарзи ўзгаради ва ижтимоий фойдали вазифаларни бажара олмайди.

Учинчидан, мунтазам равишда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш оқибатида шахс руҳияти умуман издан чиқади: ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини идрок қила олмайди ҳамда кундалик ташвиши фақат гиёҳвандлик воситаларни топиш ва истеъмол қилиш билан боғланиб қолади. Гиёҳванд воситаларининг ғоятда қимматлиги ва бунга моддий таъминот зарурлиги туфайли у турли жинойий қилмишларни содир этади.

Тўртинчидан, гиёҳвандликка мубтало бўлган ота-оналардан мажруҳ фарзандлар туғилади. Энг хавфлиси, бундай гўдакларнинг гиёҳвандлик воситаларига боғланиб қолганлигидир.

Бешинчидан, гиёҳвандлик билан шуғулланувчи кимсаларнинг юзага келишидир. Уларнинг ўзлари бангилик йўлига кирмаган бўлсалар-да, ўзгаларни шу йўлга киришга бошлайдилар. Уларнинг мақсади фақат наркотик воситаларни сотиш учун «бозор очиш» бўлиб, ўзгалар кулфати ҳисобига бойлик тўплайдилар. Бу эса ғоятда хавфлидир ва оқибатда жамият ҳамда шахс манфаатларига жиддий зарар этади.

Олтинчидан, бангиликка мубтало бўлган шахс бошқаларни ҳам шу йўлга чорлайди. Кузатувларимиздан маълум бўлдики, ҳар бир банги бир йил давомида ўртача 7–8 нафар шахсни бангилик йўлига олиб киради.

Биз юқорида гиёҳвандлик атамаси ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга деб таъкидлаб ўтдик. Бироқ илмий ва ўқув адабиётларида қўлланиладиган «наркомания» атамасининг қўлланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки ушбу атаманинг мазмун ва моҳиятини тўғри англаш ҳам унга қарши кураш амалиётида тўғри тадбирларнинг белгиланишига ёрдам беради.

«Наркомания» атамаси қадимги грек сўзидан олинган бўлиб «*porke*» – уйқу, қарахтлик ва «*mania*» – интилиш, ақлсизлик деган маънони англатади. Демак, ушбу атама мазмунан шахснинг руҳий ҳолатига таъсир этиши оқибатида юзага келадиган ҳолатларга нисбатан қўлланилади.

Шу боис соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ташкилот томонидан ҳам «Гиёҳвандлик ёки наркомания – мунтазам ва сурункали равишда нарко-

тик воситаларни (табiiй ва сунъий) истеъмол қилиш, асосан шахс жисмида юзага келадиган ҳамда жамият ва унинг ҳар бир аъзосига хавф туғдирувчи интоксикация ҳолатидир» деб эътироф этилган. Демак, гиёҳвандлик шахснинг жисман гиёҳвандлик воситаларига боғланиб қолишидир.

Гиёҳвандлик эса шахснинг наркотик воситаларни истеъмол қилиши орқасида юзага келадиган алоҳида турдаги мастлик ёки «завқ олиш» ҳолатидир. Бунда шахс енгиллик сезади ва завқ олади. Бу каби гиёҳвандлик воситаларини сурункали равишда истеъмол қилиш шахс руҳиятининг бутунлай бузилишига олиб келади. Гоҳида бу ҳолат ўлим билан тугайди.

Психотроп моддалар ҳам айнан шахс руҳиятига таъсир этувчи табiiй ёки сунъий моддалар жумласидандир. Бу каби моддаларнинг истеъмол қилиниши ва у билан муомалада бўлиш Ўзбекистон Республикасида алоҳида назоратга олингандир.

Тўғри, гиёҳвандлик воситаларининг ҳар бир тури муайян технология асосида ишлаб чиқилса-да, ўз таъсир доирасига кўра, биринчи галда инсон руҳиятига таъсир этади ва улар қуйидагича тайёрланади:

– *прекурсорлар* – яъни, Ўзбекистон Республикасида қўлланиши назоратга олинган ва гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларнинг яратилишида қўлланилади;

– *гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш моддалар* – келиб чиқишига кўра, сунъий ёки табiiй бўлган, кимёвий таркибига кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга хос бўлган руҳиятга таъсир этувчи моддалардир;

– *қоришмалар* – бир неча турдаги ҳамда турли физик ҳолатдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аралашмаси;

– *транквилизаторлар* – шахсда руҳий кўзғалиш бўлганда, унинг тинчлантириш мақсадида бериладиган дорилар. Ушбу моддаларни ҳаддан зиёд кўп миқдорда ва бирданига истеъмол қилиш салбий оқибатларга олиб келади.

Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назардан қаралганда, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда ўтказишнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексига бир қатор чеклашлар яхлит бир боб сифатида киритилган.

Ушбу бобда жиноят таркибига мос келувчи жиноят турлари баён этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

270-модда – тақиқланган экинларни етиштириш;

271-модда – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш;

273-модда – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш;

274-модда – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини истеъмол қилишга жалб этиш;

275-модда – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш;

276-модда – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар.

Санаб ўтилган жиноятларнинг жамият учун хавфлилик даражаси нафақат уларни истеъмол қилиш ва бунинг оқибатида фуқаролар соғлиғининг бузилиши билан боғлиқ, балки улар натижасида жиноятчиликнинг ўсиши ҳам кузатилади.

Маълумки, гиёҳвандлик воситалари асосан табиатда ўз таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликлардан олинади (масалан, кўкноридан қорадори, морфий кабилар, Ҳиндистон, Жанубий Манжурия нашасидан ишлов бериш орқали тайёрланган – наша (гашиш) кабилар). Айнан шу каби гиёҳвандлик воситалари гиёҳвандликни келтириб чиқаришдаги асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки кўп ҳолларда санаб ўтилган ўсимликларга ҳар бир шахснинг осонликча эга бўлишини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг истеъмол қилинишида юзага келаётган баъзи усул ва воситалар гиёҳвандлик билан боғлиқ бедаво ОИТС хасталигининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу хасталикнинг гиёҳванд, бангилар ўртасида тарқалиши ачинарли ҳолдир. Демак, узвий боғлиқликда бўлган гиёҳвандлик ва ОИТС хасталикларининг олдини олиш умумий вазифалар жумласига киришини ҳам унутмаслик лозим.

2-§. Гиёҳванд (банги)лар шахси ва уларнинг криминологик тавсифи

Юқорида баён этилганидек, гиёҳвандлик (бангилик) ўз мазмун ва моҳиятига эга. Моҳиятига кўра, шахс руҳияти ва жисмига салбий таъсир этса, мазмунан тегишли мутахассислар томонидан тадқиқ этилиши ва зарур тавсиялар берилиши лозим. Шунга кўра, криминология фани ҳам гиёҳвандлар шахсига ўзига хос жиҳатдан ёндашади ва тадқиқ этади. Зотан, гиёҳвандни, биринчидан, бемор сифатида ва, иккинчидан, жамият учун хавф солувчи шахс сифатида кўриб чиқиш тақозо этилади.

Тўғри, гиёҳванд бемор сифатида тиббий муолажага муҳтож. Аммо, беморлигидан қатъи назар, қонун талабларини бажармоғи даркор. Айнан шу ҳолат, яъни гиёҳвандликка мубтало бўлган шахс ўз эҳтиёжини қондириш учун жиноят қилиши ёки наркотик воситаларни истеъмол қилганлиги орқасида жиноят содир этиши бир хил мазмунни – унинг ижтимоий хавфлилигини билдиради.

Гиёҳвандлар шахсига хос яна бир иллат уларнинг ўзгаларни ҳам гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга жалб этишларидир. Бу билан улар ўзгаларни ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир қилишга чорлайдилар.

Айнан шу каби «ёш гиёҳвандлар» наркобизнес бўйича фаолият кўрсатувчиларнинг «беминнат хизматчилари»га айланадилар. Ёлғиз фаолият кўрсатувчи банги мустақил бўла олмайди. Чунки наркобизнес ташкилотчилари бангининг мустақил фаолият кўрсатишига имкон бермайди. Демак, бангилик йўлига кирган ҳар қандай кимса уюшган жиноятчилар тўдасига кирмоғи лозим бўлади.

Бинобарин, гиёҳванд бир марталик «ҳаром лукма»сига эришиш учун ҳар қандай чеклашлардан ҳам ўтишга ҳаракат қилади. Гиёҳвандларнинг айнан шу каби аянчли жиҳатларини билиш ва таҳлил этиш фан олдида турган муҳим вазифадир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шахс сифатида ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг шаклланишига ижтимоий, руҳий ва биологик омиллар таъсир этади. Шу боис, гиёҳвандликка йўлиққан шахсни дастлабки вақтларда атрофдаги одамлардан фарқлаш қийин бўлади. Бироқ бу босқичда шахснинг ўзини тутишидаги тортинчоқлик, ёлғончилик, шахсий фазилатларидан баъзилари, масалан, қизиқишлари, интилувчанлиги, хушчақчақлиги кабиларнинг аста-секин йўқолиб бориши кузатилади.

Вақт ўтиши билан унинг шахсиятида айнан гиёҳвандларга хос жиҳатлар намоён бўлади. Шу ўринда ҳар бир гиёҳвандга хос бўлган умумий белгилар билан бирга, ҳар бир гиёҳвандга хос алоҳида белгиларнинг юзага келишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Маълумки, шахснинг ёши унинг бир қатор ижтимоий хусусиятларини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга. Ёш асосида шахснинг қизиқишлари, дунёқараши ва бошқа ижтимоий хислатлари, яъни касбий, оилавий ҳамда интеллектуал хислатларини аниқлаш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда қаралганда, гиёҳвандларнинг юзага келиши маълум бир ёшдаги кишилар ичида кўпроқ ёки камроқ учрашини кўриш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўтган ўн беш йиллик давр мобайнида 30 ёшгача бўлган шахслар ўртасида гиёҳвандликнинг

ошганлиги кузатилмоқда. Энг ачинарлиси, ушбу шахсларнинг кўпчилик қисми (қарийб 23,9 %)ни вояга етмаганлар ташкил этади.

Тўғри, шахс сифатида вояга етмаганлар ҳам ўзига хос жиҳатларга эгадирлар. Айнан шу ёшдаги шахс ўта қизиқувчан, ҳар бир нарсани ўзи мустақил қилишга интиладиган бўлади. Энг муҳими, вояга етмаганларнинг тақиқланган нарсаларни қилишни «ғалаба» ёки «мардлик» деб тушунишларини кўплаб кузатиш мумкин.

Айнан шу ёшда шахс руҳиятининг беқарор бўлиши ва турли салбий одатларга кўникишининг тез кечиши туфайли, турли жиноий гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши ёки гиёҳвандликка йўлиқиши мумкин. Дастлаб, токсикомания нуқтаи назаридан қараганда, улар турли хил доридармонларни қабул қилиш, тамаки маҳсулотларини чекишга, қолаверса, кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ҳам тезда ўрганадилар.

Педагогика нуқтаи назаридан қаралганда эса, вояга етмаганлар тамаки чекиш, наркотик воситаларни истеъмол қилмаслик тўғрисидаги огоҳлантиришларни юзаки қабул қиладилар ва уларга амал қилмайдилар. Шунингдек, бу каби ярамас одатларни замонавий талаб – «мода» деб биладилар ҳамда кўпчилик тенгдошларидан орқада қолмаслик учун ҳам ушбу иллатларга бериладилар. Ҳатто гиёҳвандларга хос бўлган кийим-кечаклар кийиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини қилишга интилишлари оддий ҳол деб тушунилади.

Вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка берилиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда (80 %) асосий сабаб вояга етмаганларнинг манманлиги ва, юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг руҳиятига хос бўлган ўта қизиқувчанлигидир. Оқибатда «кайф» олиш учун қилинадиган бу каби иллатлар жиноят содир этиш ва кўп ҳолларда бевақт ўлим билан якунланади.

Гиёҳвандликнинг узил-кесил шаклланиши ўн олти ёшдан юқори бўлган шахсларда муқим равишда кечади. Чунки ўн олти ёш ижтимоий муносабатларда кенг имкониятлар яратади, шу жумладан наркотик воситаларга ҳам осон эришиш мумкин.

Энг салбий жиҳати гиёҳвандлик воситаларини томирга юбориш орқали истеъмол қилишдир. Ушбу йўл билан наркотик воситаларни истеъмол қилишнинг ҳам кўпроқ ўн олти ёшдан ошганларга хослигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида инсониятнинг умумий муаммоси бўлиб қолаётган наркобизнеснинг шаклланишида асосий манба бўлиб қолган «оқ ажал», яъни героин каби кучли таъсир этувчи наркотик воситаларнинг истеъмол қилиниши ёшлар ўртасида ҳам кўпаймоқда.

Тўғри, ёшларнинг «арзон» нархдаги гиёҳвандлик моддаларини олиши «ташвиш» туғдирмаса-да, «оқ ажал»га етишиш учун пул топиш мақсадида жиноят йўлига киришга мажбур бўлади. Бу каби ёшларнинг мавжудлиги эса уюшган жиноий гуруҳлар учун ҳам қулай имкониятларни юзага келтиради ва арзимаган миқдордаги гиёҳвандлик воситаси эвазига уюшган жиноий гуруҳларнинг ёшлардан турли оғир жиноят йўлида фойдаланишларига йўл очади.

Тошкент шаҳар ИИББдан олинган маълумотларга кўра, вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандларга хос бўлган ўзини тутиш ёки уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш ҳолатлари кўплаб кузатилади. Тўғри, вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка «ихлос қўйиш» сабаблари турличадир. Аммо улар ичида ўзига хос бўлган сабаб, вояга етмаганларнинг қизиқувчанлиги ва лоақал «бир марта тотиб кўриш» ҳолатидир.

Гиёҳвандликка бундай йўллар орқали кириб қолиш ҳолатлари вояга етмаганлар ичида қарийб 80 % ни ташкил этади. Бу каби «кайф» олишга кўникма ёш организмда тезроқ кечишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Тошкент шаҳар ички ишлар органларида вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, гиёҳвандликка мубтало бўлган ёшларнинг аксарияти оғир жиноятларни содир этган. Сўнгги беш йил давомида вояга етмаганлар содир этаётган жиноятлар миқдори 4,7 баробар ошганлигини кўриш мумкин. Содир этилган жиноятларнинг 25 % жиноий гуруҳлар таркибида бўлган вояга етмаганларга тўғри келиши эса ачинарли ҳолдир.

Энг муҳими, вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг аксарияти август ва апрель ойлари ўртасида содир этилади. Ушбу ҳолатнинг мавжудлигини мутахассислар (педагоглар, психологлар) вояга етмаганларнинг айнан шу пайтда ўз тенгдошлари билан яқиндан мулоқотда бўлиши билан изоҳлайдилар. Яъни, уларнинг турар жойлар ёки ўқиш жойларида мунтазам бирга бўлишлари оқибатида турли мулоқотлар қилишларига имконият юзага келади.

Гиёҳвандларнинг навбатдаги тоифалари эса 18–30 ёшлардаги шахслардир (умумий миқдорнинг 35–42 %). Бу ёшдагилар жамиятда ўз ўрнини топмаган ва ҳаёт тарзидан норози шахслардир. Аслида уларнинг бундай руҳиятларига хос бўлган иллат шахсий беқарорлигидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шахсий беқарорлик турли жиноий йўлларга киришга имкон яратади.

30–49 ёшлардаги гиёҳвандлар ҳам умумий гиёҳвандликка чалинган шахсларнинг асосий қисмини ташкил этади (қарийб 22–28 %). Бироқ бу кўрсаткич ҳудудий жиҳатдан кескин фарқ қилиши мумкин.

Масалан, яқин тарихдан яхши маълумки, Марказий Осиё минтақасида гиёҳвандларнинг асосий қисми шу ёшдаги шахслардан иборат бўлган. Аксинча, Европа минтақасида бу кўрсаткич, айтиб ўтилганидек, асосан ёшлар «ҳиссасига» тўғри келишини кўриш мумкин. Шу билан бирга, бу кўрсаткичлар Яқин Шарқ ва Ҳиндихитой минтақаларига, Шимолий ва Жанубий Америка минтақаларига ҳам хослиги ташвишли ҳолдир.

Фалсафа нуқтаи назаридан шахснинг меҳнат фаолиятига ўзига хос ижтимоий таъриф берилгани ўқувчига яхши маълум. Шу ўринда ижтимоий фойдали меҳнат ва наркотик воситаларни берувчи ўсимликларни етиштириш ҳамда наркотик воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ иш жараёнини фарқлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, гиёҳвандликка дучор бўлган шахс жамиятда меҳнат қилиш жараёнидан бутунлай чиқиб кетмайди. Чунки меҳнат қилишдан бош тортиш гиёҳвандликнинг дастлабки босқичларида кузатилмайди.

Энг муҳими, дастлабки даврда гиёҳванд учун меҳнатдан тушган маблағ наркотик воситаларга бўлган эҳтиёжни қоплайди. Бироқ гиёҳвандликнинг кейинги босқичларида унинг меҳнат қобилияти кескин сусяди ва оқибатда шахс ногиронлик ҳолатига келиб қолади. Бу эса гиёҳвандларнинг баъзи ижтимоий вазифаларда ва ишлаб чиқаришда фаол меҳнат қилишига йўл бермайди.

Шу боис, гиёҳвандлар рўйхатида турувчи шахсларнинг 55–60 % ҳеч қаерда ишламаслиги кузатилмоқда. Шунингдек, гиёҳвандликка берилган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ўқиш ҳамда касб ўрганишга бўлган қизиқиши умуман йўқолади.

Маълумки, жамият ҳаётида «аёл» ва «гиёҳванд аёл» каби тушунчаларнинг бир-бирига мос эмаслиги эътироф этилган оддий ҳолдир. Бироқ, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, гиёҳвандликка дучор бўлган вояга етмаганларнинг умумий миқдоридан 7,1 % ни айнан ёш қизлар ташкил этади.

Бинобарин, мутахассис олимларнинг берган хулосаларига кўра, ёш қизларда гиёҳвандликка берилиш аввал тамаки чекиш ва спиртли ичимликларни ичиш орқали юзага келади. Кейинги 10–15 йиллик давр мобайнида ёш қизлар ўртасида тамаки чекиш иллатлари кучайганлигини кўриш мумкин.

Сўров ўтказилганда маълум бўлдики, мактаб, лицей, коллеж каби ўқув юртларининг юқори синфларида ўқиётганларнинг баъзилари оз миқдорда бўлса-да, у ёки бу спиртли ичимликларни ичганларини тан олганлар ва сўров ўтказилган ёш қизларнинг қарийб ярми чекишга кўникиб қолганларини баён этганлар. Энг муҳими, бундай ёшларнинг

кўпчилиги (55 %) номақбул оилада тарбияланганини ва баъзилари судланганликларини (3,4 %) ҳам кўриш мумкин.

Токсикомания, яъни турли хил кимёвий воситалар ва дориларни кўп миқдорда истеъмол қилишга ружу қўйиш ҳолатида эркаклар кўпчиликни ташкил этади (92,5 %). Токсикоманларнинг кўп учраши асосан шаҳарларда истиқомат қилувчи шахслар зиммасига тўғри келаётганини кўриш мумкин (87,3 %).

Шу билан бирга, маълум бўлдики, ёш жиҳатидан токсикоманияга берилган шахслар нисбати қуйидаги миқдорларга эга. Яъни, 80 % вояга етмаганлар, 18–30 ёшлилар – 15 %, 30 ёшдан ошганлар эса – 5 % ни ташкил этади. Токсикоманияга чалинганларнинг 75 % ни ёш ўқувчилар, 15 % ни ёш ишчилар ва 10 % ни ишламайдиган ва ўқимайдиганлар ташкил этади.

Маълумоти бўйича гиёҳвандлар ва токсикоманлар ўртасидаги фарқ сезиларсиздир. Яъни, саводи умуман йўқлар – 21,4 % ни, бошланғич таълимга эга бўлганлар – 71,4 % ни, ўрта махсус ва касб-хунар коллежини битирганлар – 7,2 % ни ташкил этади. Шунингдек, 10 % токсикоманлар муқаддам судланган бўлса, бир неча бор судланганлар 33,3% ни ташкил этади.

Токсикоманлар таркибидаги эркакларнинг уйланганлари бор-йўғи 5,9 % ни ташкил этишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Токсикоманияга дучор бўлган шахсларнинг асосан қуйидаги кимёвий ёки захарли моддаларни истеъмол қилиши кузатилади – 50 % ацетон, 32,5 % бензин, 7,5 % турли бўёқчилик моддалари ва 10 % бошқа хил кимёвий воситаларни истеъмол қиладилар.

Тиббий хулосаларга кўра, кўпчилик гиёҳвандлар оила қуришга яроқсиз бўладилар. Бу ҳолат эркакларда бепуштликни келтириб чиқарса, аёллар фарзанд кўришга руҳий жиҳатдан тайёр бўлмайдилар ва кейинчалик жисмоний жиҳатдан фарзанд кўриш хусусиятлари умуман йўқолади.

Умуман олганда, ашаддий гиёҳвандларнинг бор-йўғи 20–22 % оилали шахслардир. Зотан, кўпчилик шахслар ашаддий гиёҳвандлар бўлмасларидан аввал оила қурганлар. Шунингдек, гиёҳвандлар палапартиш жинсий алоқада бўладилар. Вақт ўтиб уларнинг жинсий ҳиссиётлари йўқолиб боради.

Оилавий турмуш жараёнида учраши мумкин бўлган яна бир иллат, бу эр-хотиндан бири гиёҳванд бўлса, иккинчисини ҳам шу йўлга тортишидир. Шу билан бирга, ўз хатти-ҳаракатлари билан бевосита ёки ўзи билмаган ҳолда фарзандларини ҳам ушбу йўлга тортади. Гиёҳванд

аёлларнинг эса кўпинча жисмоний ёки руҳий ногирон фарзанд кўришларини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Маиший жиҳатдан гиёҳвандлар оиласи беқарор бўлиб, улар кўпчилик ҳолларда ажралиб кетадилар. Бунинг сабаби, гиёҳвандлар оиласида бир-бирини наркотик воситалар билан таъминлашдаги узилишлар бўлишидир. Чунки айнан гиёҳвандлик воситалари билан бир-бирини таъминлаш гиёҳвандлар оиласининг узвий боғлиқлигини таъминлаб туради. Ушбу боғлиқликнинг бузилиши ўз-ўзидан оиланинг бузилишига олиб келади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, кузатув ишлари олиб борилган умумий миқдордаги шахслардан 1 йилдан 2 йилгача гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилганлари – 3,6 % ни; 2 йилдан 5 йилгача – 12,5 % ни; 5 йилдан 10 йилгача – 7,1 % ни ва умуман истеъмол қилган даври ноаниқ бўлган шахслар миқдори 67,9 % ни ташкил этган. Ўртача гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш муддати 8,3 йилни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар асосан вояга етган шахсларга хосдир. Вояга етмаганлар ўртасидаги бу кўрсаткичлар нисбатан камлигини кўриш мумкин.

Маълумки, гиёҳвандлик йўлига кираётган кўпчилик шахслар ўз хатти-ҳаракатларини ижтимоий иллат деб ҳисобламайдилар ва унинг зарарсизлигини исботламоқчи бўладилар. Энг муҳими, гиёҳвандликка учраган шахслар ўз ҳаракатларида ҳеч қандай хавф йўқлигини таъкидлаб, маънавий бузуқ эмаслиги, кўча-куйда жанжал-тўполон кўтармасликлари ва жинойт қилмасликларини ўзларини оқловчи ҳолат сифатида кўрсатадилар.

Гиёҳвандларнинг фикрича, бу ўзига хос ҳордиқ чиқаришдир. Бироқ вақт ўтиши билан улар тасавуридаги бу фикр ўзгаради. Яъни, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаганликлари туфайли юзага келадиган «хумор» ва унинг қийноқли зарбалари оқибатида юзага келувчи жисмоний оғриқ ҳамда руҳий тушкунликнинг яққол намоён бўлиши уларнинг ўзларини алдаганликларидан далолат эканлигини тушуниб етадилар.

Гиёҳвандликка кўниккан шахс маънавиятида жамият учун хавфли бўлган иллатлар шаклланади. Энг аввало, қонунбузарлик учун жавобгарликдан қочиш мақсадида аста-секин хуфия фаолият кўрсатишга ўтадилар. Бу эса уларнинг хавфлилигини янада оширади. Чунки гиёҳвандларнинг жамият ва давлат органлари назоратида бўлмаслиги уларнинг оғир жинойтларни содир этишига олиб келади. Шу билан бирга, бу босқичда гиёҳвандлар руҳиятида ёлғончилик, одамовилик каби иллатлар шаклланади.

Тўғри, бу каби вазиятларда гиёҳвандлар учун ёлғизлик ўзига хос даҳшат солиши яхши маълум. Шундай экан, ёлғиз гиёҳванд(банги) ўзига ўхшаганлар билан бирга бўлишга интилади. Натижада гиёҳвандлар гуруҳи шаклланади. Бундай гуруҳлар икки ва ўндан ортиқ кимсалар таркибида шаклланиши ҳамда қайси турдаги гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши, ёши ва ҳудудий асосда ташкил топиши мумкин.

Бу каби гиёҳвандлар гуруҳининг шаклланиши қуйидагича бўлиши мумкин.

Биринчидан, турли ҳарбий ва можароли вазиятларда хизмат қилганлар тоифасига кирувчилар. Уларнинг гиёҳвандликка ружу қўйиши ҳарбий ҳаракатларда бўлиб ўтган воқеаларни унутиш баҳонасида юзага келади ҳамда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш баҳонасида ҳалок бўлган қариндошлари ёки дўстлари билан боғлиқ бўлган бахтсизликларни унутишга ҳаракат қилишга уриниш орқали юзага келишини кўриш мумкин.

Иккинчидан, вояга етмаганларнинг қизиқиш ва «татиб кўриш» орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши ҳамда уларнинг таъсирига тушиб қолувчи шахсларнинг мавжудлиги. Бу ҳолатда, айтиб ўтилганидек, ёш организм гиёҳвандлик моддаларига тезда кўникишини эътиборга олиш лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, сўров ўтказилган бу каби тоифадаги шахсларнинг 80 % гиёҳвандлик воситаларини қизиқиш орқали ва кўп ҳолларда ўзга бир шахсларнинг таъсири туфайли истеъмол қила бошлаганликларини кўриш мумкин.

Учинчи тоифадаги гиёҳвандлар эса, етарлича маблағга эга ёки ота-оналарининг юқори даромадга эга бўлганлиги туфайли ўз имкониятлари доирасининг кенглигини ва ҳар қандай «неъмат»дан фойдалана олишга қурби етишини кўрсатишлари орқасида келиб чиқади.

Шунинг учун бўлса керакки, кейинги пайтларда айнан шундай оилаларда гиёҳвандликка берилаётган ёшлар миқдорининг ошганлигини кўриш мумкин. Чунки гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланувчи кимсалар ўз «молларини» ўтказиш учун айнан шу каби «бақувват» харидорларни қидирадилар.

Шунингдек, улар бундай харидорларни йўқотмасликка ҳаракат қиладилар. Гиёҳвандлик оламидаги энг даҳшатли ҳолат гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчи шахсларнинг ўз харидорларини гиёҳвандлик воситаларига аста-секин ўргатишларидадир. Яъни, бошланишида оз миқдорда бериладиган моддалар миқдори босқичма-босқич ошириб борилади. Шундай қилиб, нарқобизнес олами ўз харидорларини асосан ёшлар ва вояга етмаганлар ҳисобига тўлдириб боради.

Тўртинчи гуруҳдаги гиёҳвандлар тоифасининг юзага келиши асосан жазони ижро этиш муассасасидаги мавжуд салбий муҳит билан узвий боғлиқдир. Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, озодликда бўлганида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмасликлари мумкин бўлган шахслар жазони ижро этиш муассасаларида илк бор гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилганлар. Шунинг оқибатида бундай шахс озодликка чиққанидан кейин ҳам бу касалликдан қутула олмаслигини ҳамда «у ерда» орттирган жиноий гуруҳлар таъсиридан чиқа олмасликларини кўриш мумкин.

Зеро, улар гиёҳвандлик воситаларини бериб турувчи «ҳомийлар» таъсирида қоладилар ва «ҳомийлар»нинг барча «кўрсатмаларини» бажаришга мажбур бўладилар. Бундай гиёҳвандлар криминологияда энг хавфли тоифадаги гиёҳванд сифатида эътироф этилган.

Аёлларнинг гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолиши ўзига хос жиҳатларга эга. Чунки аёллар организми спиртли ичимликлар ва айниқса гиёҳвандлик воситалари таъсирига ўта сезилувчандир. Шунингдек, аёлларнинг гиёҳвандлик воситаларини ғайриқонуний равишда ўтказишга жалб қилинишини ҳам кўплаб кузатиш мумкин. Ҳозирги кунда бундай жиноий фаолиятлардаги аёллар иштироки умумий нисбатнинг 13 % ни ташкил этади.

Аёлларнинг гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий жараёнга кўпроқ жалб этилаётганлигининг яна бир хусусияти мавжуд иславоthоналар, турли учрашув жойларида ғайриқонуний тарзда амалга оширилаётган «хизмат кўрсатиш» жойларининг ташкил этилаётганлигидир.

Бу каби жойларда фаолият кўрсатишга жалб қилинган аёлларнинг «самарали» ишлашлари учун уларни албатта гиёҳвандлар «сафига қўшиш» лозим бўлади. Демак, гиёҳванд аёлларнинг юзага келишига ушбу салбий ҳолатлар бевосита таъсир этади.

Гиёҳвандларнинг ижтимоий ҳолатида ўзига хос ўзгаришлар юзага келаётганини ҳам кўриш мумкин. Агарда ўтган асрнинг 90-йилларида гиёҳвандлик асосан ишчилар ва касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари ҳамда бекорчи кимсалар ўртасида кенг тарқалган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткичнинг ишсизлар, талабалар, ижодкорлар, жиноий йўл билан фаолият кўрсатаётганлар (асосан, тижорат соҳасида) ўртасида юқорилиги кузатилмоқда.

Таҳлилий ишларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчиларнинг ижтимоий таркибида қуйидагиларни кўриш мумкин. Яъни, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчилар (2,2 %), фермерлар (2,3 %), ўқувчи ва талабалар (14,3 %), ишчилар

(17,8 %), доимий таъминот манбаига эга бўлмаган шахслар (37,3 %) ва бошқа тоифадаги шахслар (26,2 %) кабилар.

Гиёҳвандларнинг оилавий аҳволи ҳам ўзига хос жиҳатларга эгаллиги яхши маълум. 18–25 ёшдаги гиёҳвандлар бошқа шу ёшдаги шахслар турмуш кураётган бир пайтда турмуш куриш ва ота-оналар билан умумий яшаш кабиларидан жудо бўлишга эришадилар.

Тўғри, оила муҳити гиёҳванднинг тушкунлик кайфиятини бир оз бўлса-да, юмшатишга имкон бериши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда гиёҳванд оиладан холи бўлишга интилади ва оқибатда ўз кулфатлари қаршисида ёлғиз қолади.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандликка чалинган шахсларнинг аксарияти даставвал ота-оналари билан бирга яшаганлар (80 %). Муҳими, уларнинг ота-оналари олий маълумотли (40 %) ёки ўрта махсус маълумотга эга (35 %) бўлганлар. 65 % ҳолларда гиёҳвандлик йўлига кираётган шахсларнинг сеvimли машғулот тури асосан жангари ва бузуқчилик билан боғлиқ видеофильмларни кўриш бўлиб ҳисобланган. Қолганлари эса ўз вақтларини тенгдошлари билан ҳеч бир машғулотсиз, бекорчиликда ўтказганлар.

Тўғри, гиёҳвандлик йўлига кирувчи ёшларнинг асосий қисмини қаровсиз қолганлар ташкил этади. Бунда асосан ота-оналарнинг бефарқлиги ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, ота-оналари бефарқ ва оғир шароитли оилалар умумий оилаларнинг 15–20 % ни ташкил этиши мумкин. Бу каби оилавий муҳит боланинг қаровсиз қолишидаги энг салбий ҳолат эканлигини эътиборга олиш лозим. Чунки бунинг оқибатида болалар кўча боласига айланадилар ва, табиийки, ертўлаларда, чордоқларда ҳамда кимсасиз жойларда яшовчи болалар тоифаси юзага келади. Таъкидланганидек, бу каби криминоген вазият уларнинг турли жиноят йўлига киришига сабаб бўлади.

Шахснинг бир неча бор судланганлик ҳолати ҳам гиёҳвандлар шахсининг ўзига хос жиҳатидир. Маълум бўлишича, шахснинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга кўникканлик даври ва судланганлик миқдори ўзаро мутаносиблигини кўриш мумкин.

Яъни, шахс қайси ёшда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга кўниккан бўлса, айнан шу ёшида у жиноий қилмиш билан боғланади. Гиёҳвандларнинг учдан икки қисми илк жиноятларини вояга етмасдан содир этганлар. Айнан шу вояга етмаганларнинг тенг ярми эса жиноят ёшига етмаганликлари учун дастлаб жиноий жавобгарликка тортилмай қолганларини ҳам кўриш мумкин. Рецидивист жиноятчиларнинг эса жиноий гуруҳларда фаолият кўрсатиши боис улар содир этадиган жиноятларнинг гуруҳ бўлиб амалга оширилиши кузатилади.

Умуман олганда, гиёҳванд (банги)ларнинг криминологик тавсифини беришда ижтимоий турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини имкон даражасида ҳисобга олиш катта аҳамиятга эгалигига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътибор қаратиш лозим.

3-§. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни содир этишнинг сабаб ва шарт-шароитлари

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларнинг кенг жамоатчилик иштирокида ҳамда очик кўриб чиқиш орқали ечимини топиш катта аҳамият касб этмоқда. Зотан, собиқ Иттифоқ сиёсатида хос бўлган у ёки бу иллатларни ошкор этмаслик каби принциплар асосида иш кўриш юзага келган муаммоларнинг салбий томонга оғишига йўл очишини унутмаслик лозим. Чунки айнан ошкор этмаслик принципи асосида гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ жиноятларнинг асл сабабларини яшириш жамият ҳаётида қандай оғир оқибатларни келтириб чиқаргани ҳозирги кунда кенг жамоатчиликка яхши аён.

Бу каби салбий жараён, табиийки, жамиятда гиёҳвандлик иллатининг хуфиёна ривожланишига ва, айниқса ёшлар ўртасида кенг ёйилишига олиб келди. Гиёҳвандликнинг авж олишига сабаб бўлган бундай салбий омиллардан ташқари, яна бир қатор ижтимоий-руҳий жиҳатдан кўриб чиқилиши лозим бўлган омиллар ҳам мавжуд. Бу гиёҳвандларнинг мавжудлиги ва, шу билан бирга, уларга хос бўлган ижтимоий-руҳий хусусиятлардир.

Бинобарин, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва шу орқали жиноятнинг юзага келиши бир-бири билан чамбарчас сабабларга боғлиқ ҳолда рўй беради. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий. Яъни, нима учун жамиятда бир хил муҳитда яшаётган бирор-бир шахс гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб жиноят содир этади ёки аксинча, нима учун шу жамиятнинг бошқа бир аъзоси ушбу қилмишларни содир этишдан ўзини тияди ва ҳатто гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди?

Агар ушбу саволга жавоб топилса, гиёҳвандликнинг асл сабабларини топиш имконияти юзага келади ва шу билан боғлиқ муаммоларни осон ҳал этиш мумкин. Энг муҳими, шахснинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга интилиши ва кўникиши бирданига эмас, балки аста-секин, босқичма-босқич юзага келишига эътибор қаратилиши лозим. Айнан шу босқичларни билиш ва илмий-назарий жиҳатдан баҳо бериш криминологияда катта аҳамиятга эга.

Тўғри, нафақат гиёҳванднинг шахси, балки умуман шахснинг шаклланишида, биринчи навбатда, унинг руҳиятидаги мавжуд шахсий хислатлар, яъни ўзини тутиши, салбий ёки ижобий одатлари вақт ва атрофдаги ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда кечади.

Муҳит эса мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий муносабатлар жараёнида мавжуд бўлган салбий ҳолатлар оқибатидир, дейиш мумкин. Шу боис, муайян шахсда юзага келадиган салбий иллатлар ушбу ҳолатлар билан боғлиқдир.

Аммо, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу каби сабаб ва шароитлар шахснинг шаклланишига маълум бир тарзда таъсир этса-да, аслида шахснинг ўзида мавжуд бўлган дунёқараш ва онг бирламчи ўрин тутди. Яъни, шахснинг маънавияти ва умуман жамиятда ўзини қандай тутиши унинг асл хислатлари билан узвий боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик воситаларининг истеъмол қилиниши ва гиёҳвандлар юзага келишининг сабаблари ҳамда шароитини билишда шахснинг яшаш тарзи, тарбияси кабиларни эътиборга олиш билан бир қаторда, унинг шахс сифатидаги хислатлари (эхтиёжи, қизиқишлари, ўзаро муносабатлари, маънавий хислатлари, эҳтирос ва иродаси кабилар) ва маълум бир давр давомида қилган хатти-ҳаракатларига диққат қилиш лозим. Демак, шахснинг (шу ўринда гиёҳванднинг) ўзига хос жиҳатларини билиш асосида у йўл қўйиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар, қолаверса, жиноят содир этилишининг олдини олишга имкон яратилади.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ барча муаммолар ва уларнинг олдини олиш эса, албатта, халқаро талаблар асосида бўлмоғи лозим. Чунки гиёҳвандлик халқаро муаммодир ва, таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жаҳон миқёсида гиёҳванд (банги)ларнинг миқдоран кўпаяётганлигини кўриш мумкин (қарийб 50 миллион киши). Шу боис, ушбу иллатнинг олдини олиш халқаро жамиятлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам алоҳида эътиборга олинган.

1988 йилда БМТ томонидан қабул қилинган конвенция ҳам айнан шу мақсадни, яъни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний равишда ўтказилишининг олдини олишни таъминлашни талаб этади. 1990 йилда эса ушбу муаммо юзасидан халқаро форум ўтказилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Шунга кўра, БМТ гиёҳвандликка қарши кураш бўйича 1991–2000 йиллар оралиғида бажарилиши лозим бўлган халқаро дастурни ишлаб чиқди ва гиёҳвандлик воситаларининг истеъмол қилинишидаги барча суиистеъмолчиликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, куйидаги йўналишларда фаолият кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур йўналишлардан бири ғайриқонуний равишда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказишни атрофлича чеклаш чораларини қўллаш бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу жиноий фаолиятда кенг қўлланиладиган «ўтказиш» сўзи – олиш, сақлаш, сотиш каби ҳаракатларни ҳам ифодалашини эътиборга олиш даркор.

Чунки гиёҳвандлик воситаларининг халқаро миқёсда тарқалишининг олдини олиш учун, аввало, жаҳон миқёсида ўзаро уюшганлик хусусиятига эга бўлган гиёҳвандлик воситалари билан савдо қилувчи «ишбилармонлар» фаолиятига барҳам бермоқ лозим. Бу эса халқаро миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифадир. Чунки наркобизнес билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар фаолиятига барҳам бериш гиёҳвандликка қарши курашда биринчи навбатда бажариладиган вазифа бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш эса гиёҳвандликнинг келиб чиқиши, уларнинг жиноий фаолиятлари, ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, сабаб ва шароитлари каби йўналишда зарур бўлган умумий ахборот марказини ташкил этишни талаб этади. Бунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида жиноий фаолият кўрсатаётган жиноий гуруҳлар юзасидан маълумотлар жамланиши лозим.

Учинчи йўналишдаги фаолият эса асосан мамлакатимиздаги мавжуд ва гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий фаолият гиёҳвандликнинг тарқалишини чеклашга қаратилган комплекс тадбирларнинг жорий этилиши билан узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда, аҳоли ўртасида гиёҳвандликнинг зарари тўғрисида тарғибот ишларини йўлга қўйишни эътиборга олиш зарур бўлади.

Ушбу йўналишлардаги вазифаларни бажаришда эса махсус дастурлар ишлаб чиқишни кўзда тутиш зарур. Таъкидлаш жоизки, бундай дастурлар асосида у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар Америка Қўшма Штатларида кўп йиллардан буён ўтказиб келинмоқда.

Яна бир энг асосий ва тўртинчи йўналиш гиёҳвандлик касалига йўлиққан шахсларни даволаш, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган ва гиёҳвандликка берилган шахсларнинг турмуш шароитига кўникма ҳосил қилишларига яқиндан ёрдам бериш бўлиб ҳисобланади. Ҳар икки вазифанинг ўзаро боғлиқлик асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи йўналиш эса санаб ўтилган тўрт йўналишдаги вазифаларни бажаришда муҳим ўрин тутди. У ҳам бўлса, ушбу йўналишда, яъни гиёҳвандликнинг олдини олишда кенг тармоқли илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйишдир. Бу борада эса криминология фанининг тутган ўрнини унутмаслик лозим. Чунки гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда криминология фанида махсус тадқиқотларни ўтказиш ва зарур тавсияларни ишлаб чиқиш учун етарлича илмий-назарий асослар мавжуд.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг турлари ва ўзига хос жиҳатларини баён этинг.
2. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг умумий криминологик тавсифини беринг.
3. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи жиноятчилар шахсини тавсифланг.
4. Гиёҳванд шахсига хос жиҳатларни тавсифланг ва гиёҳванд шахсининг бошқа шахслардан фарқини кўрсатинг.
5. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг сабабларини санаб ўтинг ва тавсифланг.
6. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликнинг умумий ҳолатига таъсир этувчи салбий омилларни санаб ўтинг.
7. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг профилактик фаолияти қандай амалга оширилади?

XVI боб
УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1-§. «Уюшган жиноятчилик» тушунчаси ва унга қарши
курашни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Уюшган жиноятчиликнинг криминология фанида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилишига бўлган қизиқиш асосан ўтган XX асрнинг 70–80-йилларига тўғри келади. Чунки айнан шу даврларда уюшган жиноятчиликнинг аломатларини жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан дастлабки илмий ва ҳуқуқий баҳолашлар юзага келганини кўриш мумкин.

Уюшган жиноятчиликнинг нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ижтимоий-ҳуқуқий, қолаверса, сиёсий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши ва баҳо берилиши унинг турли ижтимоий-табiiй фанларнинг тадқиқот объектига кириб бораётганлигининг ўзиёқ бу муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликнинг яна бир жиҳати уларнинг амалий жиҳатдан олдини олиш чора-тадбирларини самарали қўллашдан ҳам иборатдир.

Бу борада, барча давлатларда бўлганидек, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолият кўрсатишлари катта аҳамиятга эга. Аммо амалий фаолият кўрсатилиши учун, биринчи навбатда, уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос жиҳатларини илмий билиш зарур.

Зотан, «амалиётнинг кўзи – назария» деган фалсафий қараш бу ўринда тадқиқотларнинг илк қадам эканлигини эътиборга олишни тақозо этади. Шу жумладан, уюшган жиноятчиликнинг олдини олишдаги амалий фаолият криминология фанининг етук илмий тавсияларига таянмоғи лозим.

Уюшган жиноятчиликнинг жаҳон миқёсидаги уюшганлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, яна бир бор таъкидлаш жоизки, ушбу ижтимоий иллат инсоният тараққиётига катта хавф туғдиришини ҳаёт тажрибаси яққол кўрсатмоқда. Яъни, уюшган жиноятчилик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, қолаверса, маданий муносабатлар йўналишларининг

ҳар бирида, шу билан бирга, ушбу йўналишларда содир этиладиган жиноятларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигини ҳам кўрсатади.

Шу боис, мамлакатимизда айнан уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва шу мақсадда давлат бошқарув органлари тизимида махсус органлар ҳамда хизмат соҳалари тузишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари тизимида уюшган жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашда фаолият кўрсатувчи бўлим ва бўлинмалар ташкил этилган. Бу органларга нафақат жамоат тартибини таъминлашда, балки жамият хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳам зарур ваколатлар берилган.

Энг муҳими, уюшган жиноятчиликка қарши курашда жаҳон ҳам-жамияти билан ҳамкорлик қилиш ва, айтиб ўтилганидек, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликни таъминлаш давлат сиёсатида алоҳида ўрин тутади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, уюшган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ва айниқса уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ҳамда йўл қўймаслик учун ушбу иллатни билишда криминология фанида ишлаб чиқилган зарур илмий тавсияларни билиш мақсадга мувофиқдир.

Уюшган жиноятчиликнинг юзага келиши ва содир этилишидаги ўзига хослик муаммолари юзасидан турли соҳа олимлари ҳамда мутахассисларининг фикрлари ҳар хил бўлса-да, мақсади ягона, яъни ушбу ижтимоий унсурга атрофлича ва аниқ таъриф беришдан иборатдир. Шу боис, қарийб эллик йилдан бери криминология, социология фанларининг мутахассислари, қонун ижодкорлари, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳуқуқ-тартиботни амалга оширувчи органларнинг ходимлари уюшган жиноятчилик муаммоларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Зотан, уюшган жиноятчилик жамият ҳаётининг турли йўналишларида юзага келаётганлигини кўриш мумкин. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юзага келган ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида, давлатлар ўртасида янгидан шаклланаётган иқтисодий ва сиёсий алоқалар ҳамда ушбу санаб ўтилганлар билан боғлиқ жиноий фаолиятларнинг юзага келаётганлиги жамоатчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Бу эса уюшган жиноятчилик ва унинг ўзига хос жиҳатларини олимларнинг илмий-назарий жиҳатдан кўриб чиқишини талаб этади.

Тўғри, уюшган жиноятчилик ва умуман гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш фан учун янгилик эмас. Ушбу ижтимоий иллат юзасидан тадқиқотлар олиб борилган ва борилмоқда. Айнан шу тадқиқотлар асосида

ўтган асрнинг 80-йилларида олимлар қилган илмий башоратлар ўз иботини топмоқда.

Яъни, уюшган жиноий гуруҳларнинг тижорат ва бизнес соҳасида қарор топиши оқибатида аҳолининг кўпчилик қисми ўзи англамаган ҳолда уюшган жиноий гуруҳлар хизматидан фойдаланишларини жаҳон миқёсида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, олимларнинг фикрига кўра, уюшган жиноий гуруҳлар фаолияти ва уларнинг ўзига хос шаклланишларини криминология нуқтаи назаридан ўрганиш бу туркум жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликда катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Франция, Германия, Буюк Британия, Болгария, Венгрия, Польша каби бир қатор давлатларнинг қонунчилигида айнан уюшган гуруҳлар хусусида алоҳида нормалар қайд этилмаган бўлса-да, айнан, турли жиноий банди, террористик ташкилот ёки ассоциацияларда ва гиёҳвандлик воситаларини ғайриқонуний равишда ўтказиш бўйича ташкил этилган бизнес гуруҳлари таркибида иштирок этиш, яъни иштирокчилик қилишга нисбатан қатъий нормалар белгиланган.

Бу каби нормалар сифатида 1983 йилда қабул қилинган Франция Жиноят кодексига 265–268, 385, 400-моддаларни, соғлиқни сақлаш, терроризм ва давлат хавфсизлиги ҳамда жиноий фаолиятларга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар; 1986 йил 19 декабрда қабул қилинган терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун асосида амалда бўлган Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 129-§, 130-§а 2, 305-§а 3 (Жиноят кодексининг аввал амалда бўлган 129-§а ва унинг диспозициясига киритилган ўзгаришлар билан бир қаторда), шунингдек 1989 йил 9 июндаги Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунларни кўрсатиш мумкин.

Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодексига кўра, айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш, оддий ҳолатларда одам ўлдириш ёки геноцид жиноятлари; шахсий дахлсизликка қарши жиноятлар (тамагирлик мақсадида одамларни ўғирлаш, гаровга олиш кабилар); ишлаб чиқариш билан боғлиқ муҳим воситаларни ишдан чиқариш: ёқиб юбориш, оғир оқибатларга олиб келган ёнғинни юзага келтириш, ядро ёки оддий портлаш воситаларининг портлашини амалга ошириш, сув тошқинини юзага келтириш ва шу орқали одамлар ҳаётига хавф солиш, одамлар ҳаёти ва мулкни хавфга қўйган ҳолда турли (қуруқликдаги, сувдаги, ҳаводаги) транспорт воситаларининг ҳалокатини юзага келтириш; физик қонуниятлар асосида ишловчи (шу жумладан, ион қонуниятлари асосида ишловчи) қурилмаларни ноўрин қўллаш; аҳоли учун муҳим бўлган хизмат кўрсатиш шохобчалари, почта, теле-

граф, темир йўл транспорти хизмати иш фаолиятларини ишдан чиқариш ва халал бериш; умумий аҳамиятга эга бўлган сув ҳавзаларини захарлаш кабилар содир этилганлиги учун шахсни жавобгарликка тортиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, жиноий фаолиятни содир этишга чорлаш каби қилмишлар ҳам жиноят қонунчилиги бўйича жазоланади ва бунда 3 йилгача озодликдан маҳрум қилинади ёки жарима ундирилади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ишдан чиқишига жавобгар тариқасида айнан айбдор шахс жавобгарликка тортилиши лозим. Полицияга ёки бундесвергга тааллуқли транспорт воситаларининг қисман ёки бутунлай ишдан чиқишига айбдор шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. Бу каби қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан 5 йилгача муддатга белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Америка Қўшма Штатларида уюшган жиноятчилик оддий («кўча» ва «умумжиноий») жиноятлардан фарқли равишда, фақатгина талончилик мақсадида эмас, балки бир қатор «хизмат кўрсатиш ва товар етказиб бериш»дек жиноий фаолиятларни амалга оширишга хизмат қилади.

1965–1967 йиллар давомида Нью-Йорк штатида маҳаллий ҳокимиятлар ташаббуси асосида «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари юзасидан Ойстер-Бейск конференцияси» номли махсус конференция ўтказилган ва ушбу анжуманда уюшган жиноятчиликка қуйидагича таъриф бериш эътироф этилган: «Уюшган жиноятчилик таваккалчилик асосида фаолият кўрсатувчи, ўз фаолиятини корпорацияга ўхшаш уюшма тариқасида ва лекин чекланган ҳамда фойда келтирувчи аъзолик, шу билан бирга, зарур мажбурлаш қуролига эга бўлган, яъни, даҳшат солиш, қийнаш, қотиллик ва ўз томонига оғдириш кабилар билан фаолият кўрсатувчи муассасадир».

Шу билан бирга, жиноий гуруҳлар «ўзига хос равишда белгиланган тартиб-қоидалар, турли вазифалар, аъзолар табақаси, бошқариш ва жавобгарлик, ички назорат, мажбурлаш кодексини» жорий этганлар. Албатта, уюшган жиноятчиликнинг бу каби таърифи унинг барча салбий жиҳатларини тўлиқ ифодалай олмайди.

Жумладан, бозор иқтисодиётига хос бўлган у ёки бу йўналишлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда юзага келаётган монополия орқасидан даромад олиш ҳамда бундай жиноий фаолиятларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки жамоат ташкилот-

ларидаги айрим нопок ходимларнинг ёрдамига таяниш каби ҳолатларни эътиборга олиш даркор¹⁴.

1987 йили Лондон шаҳар полиция комиссарининг ёрдамчиси Жон Деллоу хавфсизлик хизмати аъзолари олдида қилган чиқиши чоғида америкалик ҳамкасблари фикрларига таянган ҳолда, «уюшган жиноятчилик» тушунчасини қуйидаги ҳолатларнинг ифодаланишида қўллашни таклиф этган:

– вақт мобайнида чегараланмаган ва ғайриқонуний тарзда даромад олиш мақсадида фаолият кўрсатувчи шахслар гуруҳи;

– Америка халқи ва унинг ҳукумати назоратидан холи бўлган ҳолдаги уюшма. Бу уюшма минглаб шахслардан иборат бўлиб, жиноий ташкилотларнинг ўзига хос мураккаб тизимда шаклланганлиги ва вақти-вақти билан фаолият кўрсатмасдан, муқим тарзда ва даромад олиш мақсадида жамиятда мавжуд бўлган турли соҳалар устидан фитна асосида назоратини ўрнатади;

– мунтазам равишда амалга ошириладиган жиноий фитна ва даромад олиш мақсадида ҳамда коррупция асосида ҳокимиятга эришиш ва шу орқали қонун олдида ўз «ҳимоя қувватини» оширишга мослашиш;

– жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимини ўзгартириш ҳамда ушбу тизим беқарорлиги ва заифлигининг юзага келишига эришиш мақсадида жиноий мақсад учун бирлашган ҳар қандай гуруҳлар;

– ўзи яшаб турган мамлакатда пул топиш мақсадида зўравонлик, кўрқитиш, порахўрлик, пул ва маблағ эвазига одамларни ёллаш, яъни ўз томонига оғдириш, тамагирлик, коррупция асосида у ёки бу ҳудуд, мамлакат аҳолисига тазйиқ ўтказишни мақсад қилиб олган маълум бир ички тизимга эга бўлган ҳар қандай расмий гуруҳлар;

– мамлакат иқтисодий тизимига оид пул маблағларини ўзлаштириш учун фавқулодда мураккаб, турли-туман ва оммавий жиноий фаолиятларни амалга ошириш кабилар.

Санаб ўтилган ҳолатлар билан боғлиқ тарзда «уюшган жиноятчилик» иборасини қўллаш орқали Жон Деллоу ташкил этиш, жиноий ташкилот, бошқариладиган ташкилот; расмий тизим; жиноий ташкилотларнинг мунтазам ва узоқ муддатлар фаолият кўрсатиши; умумий ғаразли қасд; қўйилган мақсадга эришиш учун кўрқитиш ва зўравонликларни қўллаш; турли халқ ва элат вакилларида иборат гуруҳлар тузиш ва

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: *Ортиқов А. А., Исаходжаев А. Т., Шестаков А. В.* Хуфиёна иқтисодиёт / Масъул муҳаррир – юридик фанлар доктори, проф. У.Таджиханов. – Т., 2002.

турли ҳудудларда фаолият кўрсатиш каби аниқ тушунчаларга ҳам эътибор қаратган.

Мамлакатимизда уюшган жиноятчиликнинг шаклланишини бошқа давлатлардан фарқли равишда, тақиқланган хизмат соҳаларида (спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, гиёҳвандлик воситаларини сотиш, қиморхоналар очиш, фоҳишалик, рэкет каби) эмас, балки асосан иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, давлат мулкани хусусийлаштириш каби йўналишларда кўриш мумкин.

Чунки ушбу йўналишларнинг барчасидаги жиноий фаолиятлар собиқ Иттифоқнинг тарқалишида юзага келган нотўғри сиёсатнинг оқибатидир. Айнан шу даврларда жиноий фаолиятнинг ўзига хос равишда шаклланганлиги бизга яхши маълум.

Айнан шу каби салбий ҳолатларни юзага келтирмаслик учун Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки давридаёқ бу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва биринчи навбатда зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Чунки жамиятнинг ижтимоий муносабатларини мувофиқлаштириш учун албатта биринчи навбатда ҳуқуқий асос яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатларни юзага келтирмаслик мақсадида 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексида «жиноятда иштирокчилик» тушунчаси аниқ ифодаланди. Хусусан, Жиноят кодексининг 29-моддаси 4-бандида таъкидланганидек, «икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади». Шу билан бирга, ушбу модданинг 5-бандида таъкидланган жиноий уюшмаларни тузишнинг ўзиёқ жиноий жавобгарликка тортишга тўлиқ асос бўлади.

Жиноят кодексининг 242-моддасининг 1-бандига кўра, жиноий уюшмалар ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият жиноий фаолият деб эътироф этилган. Ушбу модданинг 2-бандида эса уюшган қуролли гуруҳ тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш ҳам жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган.

Баён этилганлар уюшган жиноятчиликка берилган жиноий-ҳуқуқий тавсифдир. Аммо ушбу жиноятчиликнинг янада аниқ ифодасини бериш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, даставвал «уюшганлик» тушунчасини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ху-

куқий луғат ва атамаларнинг ўзбек тилида мазмунан тўғри ифодаланиши илмий тадқиқот ишлари ва жинойтчиликка қарши кураш амалиёти учун ғоятда муҳимлигини эътиборга олиш лозим.

Бир қатор луғатлар тўпламининг таҳлилидан маълум бўлдики, «уюшиш», «уюшганлик», «ташкilot», «ташкил этиш» сўзлари ўзига хос равишда бир маънони, яъни кишиларни маълум бир тартиб ва қоидалар асосида қўйилган мақсадга етишиш учун ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини англатади.

Бу албатта умумий бўлиб, агар ушбу умумийликдан айнан шу жинойтчилик билан боғланганлик ҳолатини кўриб чиқадиган бўлсак, унда «уюшган жинойтчилик» жинойий мақсадга етиш учун жинойий фаолият кўрсатувчи шахслар гуруҳидир. Яъни, бу каби гуруҳ асосан жинойтчилардан таркиб топган бўлади.

Шунингдек, «уюшган жинойтчилик» тушунчаси ўзбек тилида қўлланилиши ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу билан бирга, ушбу тушунча кенг маънода ўқув ва илмий адабиётларда қўлланилаётганлиги билан бир қаторда, тор маънода жиноят қонунчилигида, юқорида айтиб ўтилганидек, аниқ маънога эга ҳамда жиноятларни очиш жараёнида муҳим бўлган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатни ҳам билдиришини эътиборга олиш лозимдир.

Шундай экан, ушбу атама остида тушуниладиган қилмишни ким ва қандай содир этишини билиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки рус тилида қўлланилаётган «организованный» ёки «организация» каби иборалар ҳам ўзининг туб ва кўчма маъносига эгаллигини кўриш мумкин. Биринчи ҳолда «организованный», яъни «ташкил этилган» маънони билдириш билан бир пайтда, бу ҳаракат ким томонидан амалга оширилганлигини ҳам ифодалаб, биз кўриб чиқаётган ҳолатда шахснинг аниқ жинойий қилмишини билдиради.

Шу боис, ўзбек тилида қўлланилаётган «уюшган жинойтчилик»ни уюшган гуруҳларни ташкил этишни амалга оширган шахс жинойий қилмишининг якуни сифатида ҳамда умуман жиноятчиларнинг жинойий мақсадларни амалга ошириш учун бирлашганлик ҳолатларини ифодалашда ҳам қўллаш ўринлидир.

Иккинчидан, рус тилидаги «организация» тушунчаси ҳам ўзига хос туб маънони ифодалайди: 1) маълум бир қатъий тизим асосида шаклланган у ёки бу нарсанинг тузилиши, таркибини билдирувчи умумий тушунча сифатида; 2) жамиятда мавжуд бўлган аниқ мақсад ва моҳиятга эга бўлган шахслар гуруҳи тушунилади. Яъни, бирлашмалар, давлат ташкilotлари, муассасалар каби.

Кўришиб турибдики, ушбу ибораларнинг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда «уюшган жиноятчилик»ни фақат шахслар гуруҳининг ўзаро бирлашиши сифатида кўриб чиқиш асло мумкин эмас ва бу ўринда «жиноий гуруҳ»лар, «жиноий уюшмалар» ва шахснинг ушбу гуруҳларни тузишга қаратилган жиноий қилмишларини ўз ичига олувчи барча жиноий фаолиятларни умумий маънода «уюшган жиноятчилик» тушунчаси сифатида ўрганиш криминологияда катта аҳамиятга эга. Айни пайтда у жиноят ҳуқуқида шахснинг жиноий қилмишини тўғри квалификация қилишга ҳам имкон яратади.

Бу борада бир қатор олимларнинг фикрлари ҳам мавжуд эканлигини эътиборга олиш лозим. Жумладан, россиялик А. И. Гуровнинг фикрича, уюшган гуруҳ жиноятчи шахсларнинг ўз жиноий мақсадларига эришишлари учун ташкил этган оддий алоқаларини билдиради. Бу каби гуруҳларда гуруҳ аъзоларининг аниқ вазифалари аввалдан режа асосида тақсимланган бўлади. Жиноий гуруҳлар сифатида киссавурлик, хонадон ўғриликлари, гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланувчи гуруҳларни кўрсатиш мумкин деб ҳисобланади.

Баён этилганларга кўра, таъкидлаш жоизки, жиноий гуруҳлар жиноятчиларнинг муқим тарзда бирикиши бўлиб, бунда гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифалар аниқ тақсимланади ҳамда ўзаро бўйсунуш тизими (иерархия) мавжуддир. Ташкил этилган гуруҳни тан олинган бошлиқ (лидер) бошқаради. Бу каби гуруҳлардаги қатъий бошчиликнинг қуйидагича жорий этилишини кўриш мумкин: бошлиқ гуруҳнинг асосий фаолият йўналишини белгилайди, жиноятларни содир этиш режасини ишлаб чиқади ва ҳар бир иштирокчининг бажарадиган вазифаларини тақсимлайди. Кўп ҳолларда жиноий гуруҳларнинг тажовуз йўналишлари мулкка қарши қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Шу боис, вазифалар тақсимланишида, ҳар бир иштирокчининг вазифаси белгиланаётганда «жиноий разведка», қўлга киритилган мулкни сотиш, гуруҳнинг техник таъминотлари кабиларга алоҳида эътибор қаратилади. Айнан шунга кўра жиноий гуруҳлар иштирокчиларининг сони белгиланиши ва уларнинг яқин алоқалари мувофиқлаштирилиши ҳамда яширин фаолият (конспирация)нинг таъминланишига қатъий амал қилиниши бу каби гуруҳларга хослигини билиш, улар содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг ўз вақтида олдини олишга имкон беришини унутмаслик зарур.

Жиноий гуруҳлар ўзларининг таъсир ҳудудларига эгадирлар ва шу каби ҳудудга эга бошқа жиноий гуруҳлар тўғрисида маълумотлар тўплайдилар. Кўп ҳолларда бундай гуруҳлар турли қурол-яроғларга эга бўладилар ва, табиийки, яна бир жиноят таркибига (ғайриқонуний равиш-

да ўқотар қуролларни сақлаш, қуролли гуруҳ тузиш кабилар) кирувчи жиноятларни ҳам содир этадилар.

«Уюшган жиноятчилик» тушунчаси таркибига кирувчи тушунча турли жиноий ташкилотларни тузиш бўлиб ҳисобланади. Жиноий ташкилот ёки, қисқача айтганда, «мафия» жаҳон миқёсида қўлланилаётган тушунча сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ёки ҳудудларни ўз таъсир доирасида тутиб турувчи ўзаро уюшган жиноятчилар ташкилотидир.

Энг муҳими, бу каби ташкилотлар асосан террор асосида жиноий фаолият олиб боради. Бундай жиноий ташкилотлар баъзан коррупцияга хос фаолиятлардан фойдаланса-да, аслида «жиноий бизнес»ни амалга оширишда кўпроқ ўз кучи ва воситаларига таянади. Жиноий ташкилотлар ўз фаолиятларини амалга оширишда давлат органлари фаолиятларидан холи тарзда иш кўрадилар.

Жиноий ташкилотларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари уларни жиноий уюшмалардан фарқлашга имкон беради:

- моддий таъминот (пул маблағи)нинг мавжудлиги;
- ички бошқарувни кўпчилик билан биргаликда ҳал этиш, бунда ҳар бир шахс бир хил мавқега эга бўлиши;
- «ўз хулқининг яхши бўлиши» ва «жиноят олами» қонунларига итоат этиш, агарда бунга амал қилинмаса, қўлланиладиган жазонинг мавжудлиги;
- ўзаро бўйсунуш тизими (иерархия), гуруҳларда ва ҳудудлараро алоқалар, муқим бошқарув маркази борлиги, тан қўриқчилари, алоқачилар, моддий-молиявий (касса) фонднинг хавфсизлигини таъминловчилар, разведкачилар, гуруҳ чиқарган «ҳукм»ни ижро этувчи кабиларнинг мавжудлиги;
- ахборотлар базаси асосида турли манбаларга таянган ҳолда (шу жумладан, разведка асосида олинганлари ҳам) маълумотлар тўплаш кабилар.

Ҳозирги кунда жиноятчилар ташкилотларининг ўз таъсир доираларини географик ҳудудлар асосида ташкил этиши кузатилмоқда (масалан, Яқин Шарқ, Ҳиндихитой, Марказий Европа каби). Бундай мафияларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўз томонларига жалб қилиш асосида коррупция тизимини шакллантириш кабилар ҳам хосдир.

Россиялик олимларнинг фикрларига ёндашилса, уюшган жиноятчилик бошқариладиган жиноий уюшма бўлиб, бунда гуруҳлар ўз хавфсизликларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини ўз

жинойй фаолиятларига жалб қилиш ва жиноий фаолиятни касб (бизнес) қилиб олиши билан ажралиб туради.

Жиноятнинг касб қилиб олиниши жаҳон ҳамжамиятига ҳам жиддий хавф туғдиради. Демак, уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай таркибий тизимининг шаклланишига тўсиқ қўйиш жаҳон миқёсидаги вазифа бўлиб қолаётганлигининг асосий мазмуни ҳам айнан шундадир.

Хулоса қилиб айтганда, уюшган жиноятчилик мунтазам равишда фойда кўриш мақсадида уч нафар ёки ундан ошиқ бўлган шахслар ташкил этган ва коррупцияга алоқадор мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари билан жиноий ҳамкорлик асосида ҳамда ўзига хос куч ишлатиш ва кўрқитишлар орқали ижтимоий-иқтисодий йўналишларнинг турли соҳаларида ўз таъсир доирасини ўрнатувчи жиноий тузилма ва ташкилотларнинг ғайриқонуний уюшмасидир.

Уюшган жиноятчиликнинг энг муҳим хусусиятлари эса уларнинг жиноий уюшмалар асосида ташкил топганлиги, ўзига хос хуфиёна тарзда фаолият кўрсатиши, муқим равишда мавжуд бўлиши ва тезда бир жиноий фаолиятдан бошқа бир жиноий фаолиятга мослаша олишидир.

Уюшган жиноятчиликнинг айнан шу хусусиятларини билиш уларнинг олдини олишда зарур профилактик чора-тадбирларни тўғри белгилашга имкон яратади.

2-§. Умумий жиноятчиликнинг юзага келишида уюшган жиноятчиликнинг таъсири ва умумий ҳолати

Уюшган жиноятчиликни илмий билишда нафақат жиноятчиликнинг ўзгараётганлиги, балки унинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтаётганлиги ва бунда замонавий жиноятчиликнинг тизими, унинг миқёси ва ўзига хос равишда шаклланиш билан кечаётганлигини эътиборга олиш лозим. Ҳақиқатан ҳам кейинги ўн йиллик давомида жиноятчилик ва айниқса уюшган жиноятчилик ўзининг иқтисодиёт соҳасида «ихтисослашган» жиноий гуруҳ ва жиноий уюшмаларнинг шаклланиши каби сифатлари билан юзага келаётганлиги унинг жамият учун хавфлилик даражасини оширмоқда.

Шунинг учун ҳам, юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кунда кримнология нуқтаи назаридан уюшган жиноятчилик ва унинг умумий жиноятчиликдаги тутган ўрни хусусида аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда. Бинобарин, уюшган жиноятчиликни илмий таҳлил этиш орқали унинг олдини олишда зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳам имкон яратилади.

Уюшган жиноятчиликни содир этиш механизмининг таҳлилидан маълум бўлдики, бу каби жиноятларни содир этишда жиноятчилар шахсига ашаддийлик ва бешафқатлик каби иллатлар хосдир. Қандай бўлмасин, ҳуқуқ-тартибот органларининг куч ҳамда воситаларига қарши туриш, «жиноят олами»га хос бўлган салбий анъаналар ва одатларни ёшлар ўртасида жорий этиш мақсадида турли салбий ташвиқотларни йўлга қўйиш ҳам уюшган жиноятчиликка хос бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, тадқиқотларнинг кўрсатишича ва умуман олганда, жиноятчиликнинг табиати ўзига хос равишда тўғридан-тўғри қасд олиш орқали содир этилаётганини кўриш мумкин. Содир этилаётган жиноятларнинг учдан икки қисми талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва талон-торож қилиш орқали мулкни ўзлаштириш кабилардан иборат.

Бундай жиноятларнинг МДХ миқёсида ошиши билан бирга, уларнинг содир этилишида жиноятчиларнинг ўзаро жинойий алоқалари юзага келаётганлиги айниқса катта хавф туғдиради. Вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши ошганлиги ҳамда бу каби жиноятларнинг сифат даражаси янгича шаклланаётганлиги ҳам криминоген вазиятларнинг юзага келишига таъсир этмоқда.

Шу боис, ҳар бир жиноят турининг олдини олишда (шу ўринда гап уюшган жиноятчилик хусусида бораётганлигига эътибор қаратилиши лозим, вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги ҳам мустақил тушунча эканлигини унутмаслик зарур, зотан, бу борада аввалги бобларда батафсил баён этилган), шу жумладан уюшган жиноятчиликнинг юзага келишида ёшларнинг жалб этилишига зарур тўсиқ қўйилиши лозим.

Бунинг учун эса, албатта, ёшларнинг айнан шундай жиноятлар домига тушиб қолиш сабабларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки ёшларнинг жиноят содир этишида ўта шафқатсизлик ҳолатларини кўриш мумкин. Шу билан бирга, кейинги йиллар давомида рецидив жиноятчиликнинг баъзи турлари ошганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жиноятчиликнинг ушбу жиҳатларини санаб ўтишдан мақсад уларнинг айнан уюшган жиноятчиликнинг сифат жиҳатидан шаклланишида салбий омил бўлиб хизмат қилишидир. Зотан, уюшган жиноятчилар ўз жинойий фаолиятларида бундай иллатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланади.

Бундай вазиятларга йўл қўймаслик алоҳида криминологик аҳамиятга эга. Чунки озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаб озодликка чиққан кўпчилик шахсларнинг ўз вақтида фойдали меҳнатга жалб этилмаслиги ҳам уларнинг жиноятни ўзига касб қилиб олган жинойий гуруҳлар таъсирига тушиб қолишига олиб келади.

Шу боис, ушбу ҳолатнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ўз вақтида жиноятчиликдаги мавжуд барча салбий ҳолатлар уюшган жиноятчиликнинг юзага келишига ички сабаб бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, уюшган жиноятчиликни ўзаро боғлиқ тарзда фаолият кўрсатувчи жиноятчилар тўдаси дейиш билан бирга, уларнинг ҳар бири, юқорида таъкидланганидек, аниқ вазифаларни бажаришларини криминалогик тадқиқотларда эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир ва уюшган жиноятчиликни ҳозирги кунда олимлар, журналистлар ўйлаб топган воқелик сифатида эмас, балки аниқ ва мавжуд воқелик сифатида эътироф этиш лозим.

Бинобарин, ўзининг қатъий тизими, интизоми, бирдамлиги, ўзаро бўйсунуш тизимининг мавжудлиги, «қондошлик» асосида ўзаро муносабатларга содиқлик каби салбий қусурлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда билиш, уюшган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда қанчалик муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айниқса, бу каби жинойий фаолиятларни амалга оширувчиларнинг ўз хавфсизликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Афсуски, ҳозирги кунда жамиятимиздаги мавжуд жинойий тизимларнинг пойдевори хуфиёна иқтисодиёт бўлиб ҳисобланса, коррупция домига кириб қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим нопок ходимлари унинг ҳомийлари бўлиб ҳисобланади. Бу эса уюшган жиноятчиликнинг энг хавфли томонидир.

Уюшган жиноятчиликнинг асосий «озикланиш манбаи», таъкидланганидек, хуфиёна иқтисодиёт бўлиб ҳисобланса, иккинчидан, хўжалик юритишдаги хўжасизлик ва шу орқали келиб чиқадиган катта миқдордаги мулкӣ ўзлаштиришлар ҳам уюшган жиноятчилик учун манба бўлиб ҳисобланади. Хуфиёна иқтисодиёт муаммолари билан шуғулланаётган мутахассисларнинг фикрича, уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда биринчи навбатда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тизими ва фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Маълумки, ҳозирги уюшган жиноятчилик ўз таъсир доираларини ўзига хос «анъанавий йўналишлар»га қаратганликлари билан ажралиб туради. Жумладан, иқтисодиётдан ташқари фоҳишабозлик, наркобизнес, қиморхоналар кабиларни ўз таъсир доирасига олишни уюшган жиноятчилик алоҳида мақсад қилиб олган. Жаҳон тажрибаларидан маълумки, уюшган жиноятчиликнинг давлат молиявий муассасаларига таъсир ўтказиши ҳам кузатилмоқда.

Уюшган жиноятчиликнинг бошлиқ (лидер)лари мунтазам равишда ва конспирацияга амал қилган ҳолда ўзига хос учрашувлар ташкил этади ҳамда бу учрашувлар пул маблағларини тўплаш, зарур ҳолатларда ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга керак бўлган молия фондларини ташкил этиш, турли тижорат соҳаларига маблағ ажратиш ва шу орқали даромад орттириш масалаларини ҳал этади.

Ҳозирги уюшган жиноятчиликни билиш учун унинг миқёсини, фаолият йўналишини ва шаклини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Уюшган жиноятчиликнинг энг қуйи даражаси муқим бўлган жинойий гуруҳлар ҳисобланади ва бу гуруҳлар ўз жинойий фаолиятларини иқтисодиёт соҳаларида жиноят содир қилиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилиқ ва фирибгарлик каби йўналишларда амалга оширадilar.

Бу каби жинойий гуруҳларда жиноятларни содир этиш ўзига хос ташкил этилган гуруҳлар орқали қасддан содир этилади, бироқ уларда қатъий ўзаро бўйсунуш (иерархия), ташкилотчилар ва ижрочиларнинг вазифаларида аниқ чегаралар белгиланмаган бўлади.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан маълумки, кейинги пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятларини амалга оширишда уюшган жиноятчиликдан кескин фарқ қилувчи криминал жинойий уюшмалар билан тўқнаш келмоқдалар. Албатта, бу ўзига хос мураккаб жинойий уюшмалар сирасига киради ва уларнинг тузилишида жинойий гуруҳларнинг ўзаро бир-бирига бўйсунуши (иерархия) ҳам мавжуд. Кўп ҳолларда бу каби жинойий уюшмалар конгламерат деб аталади (баъзи давлатларда бундай гуруҳлар «жинойий синдикатлар» деб аталса, МДХ давлатларида бу тушунча «жинойий уюшмалар» деб номланади).

Бу каби жинойий уюшмаларнинг асосий хусусиятлари кўпроқ жинойий гуруҳларга хос бўлган белгиларни ифодаласа-да, баъзи жиҳатлари билан фарқланади. Яъни, масалан, жинойий уюшмаларнинг аъзолари оладиган улушлар вазифаларнинг тақсимланиши бўйича эмас, балки ўзига хос янгича ёндашув асосида амалга оширилади.

Шу билан бирга, жиноятларни содир этишда ўзига хос «меҳнат тақсимоти» юзага келиб, бунда уюшманинг баъзи аъзолари аниқ бир жиноятнинг тури билан боғланган бўлса, иккинчи бир аъзо ушбу жиноятнинг содир этилишига (ўзи иштирок этмаган ҳолда) шарт-шароит яратади ва бунда гуруҳнинг асосий аъзолари жиноятни амалга оширганда ҳам уларнинг жиноятга дахлдор бўлмай қолишларини таъминлашга ёрдам беради. Қисқача айтганда, «сувдан қуруқ чиқиши»га имкон яратади.

Гарчи, бу каби жинойий уюшмалар таркибига кирувчи қуйи табақадагилар билан алоқаларнинг бузилиши юзага келса-да (агар маълум

бир ижрочилар ёки гуруҳлар жавобгарликка тортилган бўлса ҳам), уларнинг жиноий фаолиятлари тўхтаб қолмайди. Уюшган жиноий гуруҳларнинг юқори табақасига кирувчилар доимо жазодан четда қоладилар ва ўзларининг жиноий ташкилотчилик фаолиятларини сақлаб қоладилар.

Бу каби жиноий уюшмалар фаолиятларини миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил этганда, улардаги мавжуд тизим, таъсир остида бўлган худудлар ва тармоқлар мунтазам равишда ўзгариб турганлигини кўриш мумкин. Кўп ҳолларда жиноий уюшмаларнинг таркиби асосан ўзига хос этник белгилар ёки «маҳаллийчилик» каби принципларга асосан шаклланади.

Шу билан бирга, олимлар уюшган жиноятчиликнинг ички тизими ўзига хос пирамида шаклида тузилганини эътироф этганлар. Пирамиданинг қуйи қисми кенг бўлиб, асосан ижрочилардан ташкил топади. Ушбу ижрочилар таркиби ўзини «ишбилармон» деб билган турли юлғичлар, хонадон ўғрилигини содир қилувчи жиноий гуруҳлар, фирибгарлар, ғайриқонуний тарзда валюта операциясини бажарувчилар, фоҳишалар, наркобизнес орқали кун кўрувчилар кабилардан иборатдир.

Ундан юқори турувчи икки бўғинни эса ўзига хос равишда «таъминловчи» ва «хавфсизлик хизмати» гуруҳлари деб аташ мумкин. Таъминловчилар айнан жиноий ҳаракатларни бажармаса-да, жиноий фаолиятларни амалга оширишда зарур шарт-шароитлар яратилишига ёрдам кўрсатадилар.

Уларнинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади: юқори турувчи (элита) гуруҳлар қабул қилган қарорларни ҳаётга жорий этиш; ижрочилар қўйган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш; жиноий гуруҳлар ёки айрим жиноятчилар ўртасида юзага келган ўзаро низоларни ҳал этиш (аниқроғи, «арбитрлик» қилиш); жиноий уюшма ичида ёки шу каби бошқа жиноий уюшмалар ўртасида ўзаро алоқаларни ташкил этиш; юқори турувчи «элита» вакилларининг хавфсизлигини таъминлаш; ижрочилар белгилаган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига ёрдам кўрсатиш; жиноятчиликни ўзига касб қилиб олганларни аниқлаш ва уларни ёки шу каби меҳнатсиз даромад олувчи бошқа шахсларни жиноий тизимга жалб қилиш; жиноий йўл билан топилган маблағларни ижрочиларнинг фақат ўз мақсадлари учун фойдаланишларини таъминлаш кабилар.

Хавфсизлик хизмати гуруҳи таркиби жиноий уюшмалар манфаатига мос қуйидаги шахслардан таркиб топади: давлат органлари ва жамоатчилик тизимларида хизмат қилувчи айрим нопок, коррупцияга қў-

шилиб қолган ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари, иқтисодчилар, журналистлар, адабиёт ва санъат намояндалари бўлиши мумкин.

Уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: жиноий уюшмаларнинг юқори турувчи гуруҳ вакиллари (элита) учун зарур ва қулай шароитни яратиш; жиноий уюшмаларга қарши олиб бориладиган курашнинг ташкил этилишига йўл қўймаслик; давлатнинг назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарувчи ходимлари устидан иғволар уюштириш ёки уларни йўқ қилишга эришиш; жиноий уюшмалар аъзоларининг жиноий жавобгарликка тортилмай қолишига эришиш ёки бериладиган жазони енгиллаштириш; жиноий уюшмалар айрим аъзоларининг ички ишлар органлари фаолиятларида амалга ошириладиган жиноятчиликка қарши кураш шакли ва усулларини ўрганишни ва зарур бўлган ҳолларда уларни қалбаки ҳужжатлар, масалан, тиббий далолатномалар ёки меҳнатга лаёқатсизлиги тўғрисидаги маълумотномалар кабилар билан таъминлаш.

Жиноий уюшмалар пирамидасининг юқори қисмини эса раҳбарлар бўғини (элита) ташкил этади. Бу гуруҳ таркибига йўлбошчи (лидер) ва унга содиқ кимсалар киради ҳамда улар ҳуқуқий, жиноий (криминал), иқтисодий ва бошқа турли йўналишларда маслаҳатчилик қилади.

Ушбу поғона таркибига кирувчи айнан шу гуруҳ аъзолари ихтиёрида раҳбарлар бўғининг бошқарувчиларини қўриқловчи, турли жиноий гуруҳлар билан бўладиган можароларни бартараф қилувчи, ички тартибни сақловчи, жиноий уюшма таъсирида бўлган тижорат тизимлари ва корхоналарига тазйиқ ўтказишда зарур бўлган жанггарилар мавжуд бўлади (қўпчилик ҳолларда бу ишларга жалб қилинадиган жанггарилар турли юридик мақомдаги корхоналарнинг штат рўйхатларида бўлиши кузатилади).

Жиноий уюшмаларнинг раҳбарияти эса ички интизомни сақлаш, даромадларни ва таъсир остида бўлган соҳаларни тақсимлаш, жиноий уюшмалар тизимига кирувчи жиноий гуруҳлар ўртасида мунозарали ва низоли масалаларни ҳал этиш, тижорат тизимига кирувчи корхона ва муассасалар раҳбарларидан «қарзлар» ҳамда кредитларни ундириш, турли жиноий гуруҳлар ва ҳудудий бўлинмалар билан алоқалар ўрнатиш (баъзида чет элдагилар билан ҳам), разведка ишларини ташкил этиш, шунингдек рақобатчи гуруҳларни жазолаш каби вазифаларни бажаради.

Ҳар бир жамиятда бўлганидек, ҳозирги пайтда жиноятчилар ўзларининг жиноий мақсадларига етиш учун замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланадилар. Шунга кўра, жиноий гуруҳлар ва уюш-

малар ихтиёрида замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган автомашиналар, автомашиналар ва гуруҳларга тааллуқли уй-жойларни қўриқлашнинг техник воситалари, турли эшитиш воситалари кабилар мавжуд бўлади. Шунингдек, кейинги пайтларда жиноий гуруҳларнинг айрим аъзоларини ички ишлар органлари ҳибсга олганда, улардан кўп миқдорда ҳужум қилиш ва ҳимоя воситалари мусодара қилинган. Бу эса жиноий гуруҳ аъзоларининг техник таъминоти юқорилиги ва уларнинг ўта ҳаракатчанлигини билдиради.

Ушбу тоифадаги жиноятчилар уюшмаларида ҳозирги кунда ўзига хос тарзда бирлашишга интилиш жараёни ҳам кетаётганлиги кузатилмоқда. Уюшмаларнинг йўлбошчилари рақибларга қарши туриш учун ўз таъсирларида бўлган соҳалар ва ҳудудларни кенгайтириш асосида ўз маблағларини легал ҳолатларга ўтказмоқдалар ва бунда ўзларининг уюшмалари ёки бирор-бир кучли ва янада обрўли бўлган жиноий уюшмаларнинг йўлбошчилари таъсирига тушиб қолмоқдалар.

Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг бозор иқтисодиётига асосланган ҳолда ривожланиши ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг юзага келаётганлиги айниқса иқтисодий ҳамкорликнинг жадал ривожланишида кузатилмоқда. Бироқ мамлакатлар ўртасида бўлаётган бу каби ҳамкорликда ҳам жиноий унсурларнинг фаоллиги юзага келаётганлиги кўзга ташланмоқда. Натижада катта миқдордаги жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан турли жиноий мақсадлардаги битимлар тузишда фойдаланишлари кузатилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби жиноий фаолиятлар орқасида «жиноий бизнес» мавқеи айнан ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларидаги масъул вазифаларни бажарувчи баъзи мансабдорларнинг коррупция тизимига кириб қолиши каби салбий ҳолатлар жиноий уюшмалар учун ҳам қўл келмоқда ва табиийки, халқаро жиноий уюшмаларнинг шаклланишига йўл очмоқда. Назарий жиҳатдан қаралганда эса айнан уюшган жиноятчилик коррупция ёрдамисиз ҳеч вақт томир ёйишга имкон топа олмайди.

Агар биз уюшган жиноятчиликнинг айнан шу коррупцияга алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиб баҳо берсак, уюшган жиноятчиликнинг асл моҳияти хусусида тўғри хулоса чиқарган бўламиз. Бу муаммонинг мавжудлигини билиш ва ҳал этиш нафақат фан олдидаги вазифа, балки кенг жамоатчилик зиммасига ҳам ўзига хос масъулият юкламоқда.

Коррупция жаҳон миқёсида мавжуд бўлган ижтимоий салбий ҳодисадир ва ҳозирги кунда унинг қуйидаги шаклларда ёйилаётганлигини

кўриш мумкин. Яъни: давлат хизматидаги айрим мансабдор шахсларнинг бир қатор тижоратга оид тармоқларни давлат бюджети ҳисобидан ғайриқонуний равишда маблағ билан таъминлашга кўмаклашиши, аслида мавжуд бўлмаган корхоналарни «тузиш», давлат мулки ихтиёрида бўлган мулкларни сунъий равишда акционерлик жамиятларига ўтказиш, жиноий уюшмалар ёрдамига таянган ҳолда давлат ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналарининг жиноий мақсадлар учун хом ашёлар ва маҳсулотларни четга олиб чиқишига имкон яратиш кабилар.

Банк ва молия соҳасида юзага келган коррупция эса маълум бир мансабдор шахсларни у ёки бу фондлар ёки молиявий компанияларга ёрдам кўрсатиш учун пора эвазига оғдириш каби жиноятларни амалга оширадилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига асосан фаолият кўрсатувчи турли тижорат тизимида фаолият кўрсатаётганларнинг ҳуқуқларини баъзи бюрократлик ва криминал тизимлар томонидан бўладиган товламачилик каби иллатларнинг мавжудлиги орқали коррупциянинг ўзига хос куч ишлатиш усуллари юзага келаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, коррупция алоқаларини юзага келтиришда баъзи шахсларни иғво орқали сиқувга олиш (шантаж), кўрқитиш ва турли провокация каби усулларнинг қўлланиши ҳам кузатилмоқда.

Шу билан бирга, уюшган жиноий гуруҳлар содир этган жиноятларни тергов қилиш жараёнига ва ҳатто судлов ишларига ҳам таъсир этиш ва бунда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга интилишни кўриш мумкин.

Умуман олганда, жиноий уюшмалар куйидаги кўринишларда жиноий фаолият олиб борадилар:

– жиноий фаолиятларини даромадли йўлларга бошлаш мақсадида ва омадсиз ҳоллардан чиқиб кетиш учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш;

– давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлари фаолиятларини сусайтириш ва мунтазам равишда коррупция тизимини ривожлантириб бориш;

– давлатда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий институтлар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда ўз жиноий фаолиятларини қонунийлик даражасига кўтариш;

– ўз қудратларини доимий равишда тарғиб қилиш;

– уюшган жиноятчиликнинг бу каби таркибини бошқаришда «тутинган оталар» ва бошқа раҳбарлар учун бирор-бир жиноят ёки хатти-ҳаракатнинг содир этилишига иштирок этмасликни таъминлайди;

– бирор-бир худуд ёки соҳада ўзларининг ғаразли мақсадлари асосида назорат ўрнатиш (ҳокимият) учун турли жиноятлар (қасддан, куч ишлатиб, мансабдорлик кабилар)ни содир этиш.

Ҳозирги кунда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ҳар бир ходими, шу жумладан ички ишлар органларининг ҳам, уюшган жиноятчиликнинг қўйидаги ўзига хос жиҳатларини билишлари зарур:

– аниқ ташкил этилган ташкилий-бошқарув тизими, гуруҳларнинг қатъий бўйсунуши, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири учун умумий бўлган интизом ва жавобгарлик асослари, жазо ва тақдирлаш тизимининг мавжудлиги ҳамда буларнинг ҳар бирига амал қилиниши;

– жиноий фаолиятнинг, айниқса мулкни ўғирлаш ва ўзлаштиришда, муқим, режали, хуфиёна амалга оширилиши, мансабдор шахсларни пул эвазига ўз томонига оғдириш, умумий мақсадга эга бўлиш, оз миқдорда хавф мавжудлигига эришган ҳолда юқори даромад орттиришга эришиш кабилар;

– жамият амалга оширадиган барча назоратларни режа асосида бар-тараф этиш ва шу мақсадда разведка ҳамда аксилразведка олиб бориш орқали жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг режаларини барбод қилиш, шу билан бирга, унга қарши туриш мақсадида зарур чоралар кўриш (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органларнинг ходимларини пул эвазига ўз томонларига оғдириш, аста-секин давлат бошқарув органларига суқилиб кириш);

– мулкни ўзлаштириш фаолиятини кенгайтириш, баъзи амалдорларга пора бериш, жиноий уюшмаларнинг аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлаб туриш, умумий жиноятга хос жиноий унсурларни пул билан таъминлаш мақсадида молиявий фондлар маблағларини ўз жиноий фаолиятларининг қўллаб-қувватланишига жалб этиш;

– ўз фаолият йўналишларини ривожлантириш (жиноий гуруҳлар фаолиятларини халқ хўжалигининг турли йўналишларида фаолият кўрсатувчи ихтисослашган кооперацияларини ташкил этишга йўналтириш, «қора бозор» орқали ўз товарларини сотиш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш, фоҳишабозлик ва гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ҳамда сотишни ташкил этиш);

– уюшган жиноятчилик гуруҳлари йўлбошчиларининг жиноий гуруҳларда, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларида жиноий жазони ўтаётган жиноий уюшмаларнинг аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга чақиритишга асосланган ғоявий тарғиботни йўлга қўйиш кабилар.

Юқорида баён этилганларга асосан, уюшган жиноятчиликнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд эканлигини кўрсатиш мумкин:

– хуфиёна (нолегал ва жиноий) ва иқтисодий манбаларнинг мавжудлиги;

– ҳокимият органлари ва давлат бошқаруви тизимида коррупцияга асосланган алоқаларни йўлга қўйиш (шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида), ҳокимият органларига керакли кимсаларни кўтариш ва қўллаб-қувватлаш, имкон борича жиноятчиларнинг ўзлари шу даражага эришишга ҳаракат қилишлари (бу ўринда жиноят оламининг сиёсий манфаатлари намоён бўлади);

– ўз таъсир доираларидаги ҳудудни кенгайтириш (ҳудуд ва тармоқларни бутунлай эгаллаш, чет эллардан «ҳамтовоқлар» топиш);

– ўз ғаразли мақсадлари йўлида оммавий ахборот воситалари тизимига кириш ва ўзларини жамоатчиликка яхши кўрсатишни тарғиб қилиш;

– уюшган гуруҳларда қурол-яроғ ва бошқа зарур махсус техника воситаларининг мавжудлиги;

– ўзаро мувофиқлашган фаолиятларида имкон даражасида кўпроқ даромад олишга бўлган мақсаднинг мавжудлиги кабилар.

3-§. Уюшган жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар

Уюшган жиноятчилик ўзига хос ҳаракатчан алоқалар билан боғланган шакли ва турларига, ички «оила ришталарига эга бўлиш» ва ушбу тизимнинг ривожланиши учун ўзига хос тижорат (бизнес) ҳамда турли фаолият йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш асосида жиноий фаолият юритади. Уюшган жиноятчиликнинг жиноий йўл билан олган фойдаси айни пайтда янги даромадлар олишга сарф қилинади. Уюшган жиноятчилик айнан шу тариха ўзининг хавфсизлигини таъминлашга қодир ва жамиятни парокандаликка олиб келувчи ҳамда моддий жиҳатдан катта зарар келтирувчи тизимга эга.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш учун эса биринчи галда унинг сабаб ва шароитларини билиш катта аҳамиятга эга. Мавжуд ҳуқуқий ва махсус адабиётлар ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан маълум бўлдики, уюшган жиноятчиликнинг келиб чиқишида муайян сабаб ва шароитлар мавжуд. Ижтимоий муносабатларда жиноий бўлмаган муносабатларнинг жиноятга сабаб бўлиши мумкинлигини олдиндан кўра билмаслик ва илмий башорат этилмаслиги, ижтимоий ҳаёт талабларидан четга чиқишларни аввалдан

аниқлашга чора кўрмаслик ва қарши кураш олиб бормаслик уюшган жинойтчиликка йўл очади.

Таъкидлаш жоизки, жинойтчилик жамиятда юзага келадиган салбий ижтимоий ҳолатдир, шу боис, унинг ўзига хос жиҳати, қонуниятлари, шаклланиш мантиғи мавжуд. Жинойтчиликка қарши ўз вақтида кураш олиб борилмас экан, у ўзини келтириб чиқарган шароитга, жумладан иқтисодий вақтга, ижтимоий вазиятларга, сиёсатга, жамиятнинг маънавий яшаш тарзига мослашади, энг хавфлиси, жинойтчилик ижтимоий чекинишларга таъсир этади ва уларнинг янада кенгайишига имкон беради.

Уюшган жинойтчилик жинойтчиликнинг ижтимоий шароитдаги номақбул вазиятлар билан ўзаро боғланиш оқибатидир. Ушбу ҳолат уюшган жинойтчиликни атрофлича таҳлил этиш учун олиб бориладиган тадқиқот ишларида эътиборга олинишни тақозо этади.

Аввалги бобларда кўриб чиқилганидек, мулк билан боғлиқ муносабатларда юзага келадиган айрим ҳолатлар, жумладан мулк билан боғлиқ масалаларнинг етарлича ҳал этилмаганлиги, давлат мулкни тасарруф қилишда бериладиган ваколатларнинг аниқ белгиланмаганлиги (масалан, давлат ваколатлари ва мулкка эгалик қилувчи турли юридик шахслар фаолиятида) кабилар ҳам уюшган жинойтчиликнинг шаклланишига таъсир этади.

Уюшган жинойтчиликнинг юзага келиши билан боғлиқ яна бир ҳолат, молия ва аҳолининг пул даромадлари ҳамда шунга яраша товар маҳсулотларининг ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги, товар ва хизмат кўрсатиш соҳаларида пул тақчиллигининг юзага келиши ва авж олиши; бир хил бажарилган иш учун ишлаб чиқариш ва тижорат соҳаларида ҳақ тўлашдаги фарқнинг мавжудлигидир.

Умуман олганда, уюшган жинойтчиликнинг юзага келишида ижтимоий йўналишдаги салбий омиллар алоҳида ўрин тутади. Булар ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги фарқнинг юзага келиши, даромадларнинг тақсимланишида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий қатламларнинг юзага келиши ва бунинг оқибатида бир-бирига қарама-қарши бўлган, етарлича ва кам таъминланган гуруҳларнинг шаклланиши кабилар. Жамиятда юзага келадиган бу каби гуруҳларнинг мавжудлиги, биринчидан, ўзига хос даромад олиш ва кам миқдорда харажат қилиш билан узвий боғлиқлигида бўлса, иккинчидан, иқтисодий адолатли тақсимот принципининг бузилиши билан алоқадордир.

Баъзи шахсларнинг моддий жиҳатдан етарлича таъминланганлигига сабаб уларнинг иш жойларида турли моддий бойликларга яқиндан боғлиқликларидир. Ҳеч шубҳа йўқки, моддий бойликларнинг аҳолининг

муайян қисми ихтиёрига ўтиб қолиши жуда хавфли ҳолатларга олиб келади, чунки бу адолат мезонининг бузилиши бўлиб, шу орқали ижтимоий меҳнат фаолиятининг моҳияти ва меҳнат фаолиятига нисбатан жамиятдаги ижобий қарашларга салбий таъсир этади. Яъни, «яхши яшаш учун фақат қонунни бузиш лозим» деган фикрни келтириб чиқаради ҳамда айнан моддий бойликларга эга бўлиш учун айрим мансабдор шахсларга пора беришга интилиш, қонун устунлигининг бузилиши ва давлат сиёсатига ишончсизликни, умуман жамиятда ижтимоий вазиятни оғирлаштиришга олиб келади.

Аҳолининг кам таъминланган тоифасининг моддий жиҳатдан кам таъминланганлиги эса, уларнинг ижтимоий муҳофазаси йўқлиги ва иш ҳақининг камлиги билан узвий боғлиқлигидир. Бу каби фуқароларнинг кўпчилигини доимий ишга эга бўлмаганлар ташкил этади. Энг ачинарли томони, бу каби шахсларнинг баъзилари ичкиликбозлик йўлига кирадилар ва ижтимоий фойдали меҳнатга бўйин эгмайдилар.

Бу шахсларнинг ўзига хос салбий муҳитга тушиб қолишларини асло оқлаб бўлмайди, аммо жамият уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзолари, вояга етмаган гўдакларнинг соғлом камол топишлари ва яшашлари учун имкон яратиши ҳамда уларнинг криминоген муҳитга боғланиб қолишларининг олдини олиш чораларини таъминламоғи лозимлигини унутмаслик зарур. Уюшган жиноятчилик ўз жиноий фаолиятлари чегарасини гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғлар контрабандаси ҳисобига кенгайтиришини ҳам кўриш мумкин ва бунда улар чет мамлакатларда фаолият кўрсатаётган уюшган гуруҳлар тажрибаларига таянади.

Баён этилганларга асосан, жиноий тарзда шаклланадиган жиноятчилик шаклларининг юзага келишига олиб келувчи қуйидаги ижтимоий салбий шароитларнинг мавжудлигини кўриш мумкин:

таъминот ва тақсимот муносабатларидаги қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги;

жамиятдаги мавжуд ижтимоий ва маънавий қарашларнинг сусайиши;

уюшган жиноятчиликнинг жамият учун хавфлилиги ва унинг оқибатларига тўғри баҳо берилмаслиги;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликнинг сифат ўзгаришини инобатга олмаган ҳолда фаолият кўрсатишлари кабилар.

Таъминот ва тақсимот муносабатларидаги мавжуд қарама-қаршиликлар асосан ўзига хос тенгсизлик каби хавфли кўринишлар орқали шаклланади ва бунда айрим фуқаролар турли йўллар билан жамият

неъматларига эришадилар ва ҳақиқий меҳнаткаш фуқаролар ҳисобига кун кўрадилар.

Бинобарин, адолатсиз тарзда ва сунъий равишда юзага келадиган моддий жиҳатдан тенгсизлик бир қатор ижтимоий салбий ҳолатларни келтириб чиқаришдаги асосий сабабдир. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий ва маънавий қарашларнинг сусайиши эса жамият аъзолари шаклланадиган оиладаги тарбияни сусайтиради ва маънавий кадриятларга нисбатан қарашларга зид хулқни юзага келтиради. Бу эса айни пайтда жиноят оламининг жисман яшаришига имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уюшган жиноятчиликни етарлича баҳоламаслиги оқибатида жиноятчиликка қарши курашда юзакичилик каби иллат шаклланиши мумкин, натижада талаб даражасидаги бошқарув жараёнини ташкил этишда нотўғри хулоса чиқарилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида жиноятчиликнинг сифат ўзгаришини инобатга олмаган ҳолда эскича усуллар асосида ишнинг ташкил этилиши биринчи галда қуйидагилар орқали намоён бўлади:

юқори малакали ходимлар сафининг камайиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, шу жумладан ички ишлар органларида ҳам жиноятчиликка қарши кураш тажрибаларининг янги авлодга ўтиб бориши принципини таъминлашдаги узилишлар;

жиноятчиликни ўзига касб қилиб олганлар юзага келтирган криминоген ҳолатларни тўғри баҳолаш учун зарур бўлган ахборот-таҳлил базаларининг йўқлиги;

оператив хизмат соҳасини ҳаддан ташқари марказлаштиришга эътибор қаратиш ва натижада ички ишлар органларининг турли хизмат соҳалари фаолиятлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бузилишига олиб келиши.

Санаб ўтилганлар асосан ташкилий-бошқарув ишларида йўл қўйилмаслигини талаб этса, сиёсий жиҳатдан жамиятда юзага келадиган бюрократизм, маҳаллийчилик, маъмуриятчилик ва нозарур ҳолларда ошкораликни чеклаш кабилар уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига йўл очади. Энг ачинарлиси, уюшган жиноятчилик фаолиятини сиёсий жиҳатдан қўллаш, яъни жиноятчиларга мадад бериш, молиявий таъминлаш, шунингдек собиқ Иттифоқ давлатларига кирган ва ҳозирги кунда мустақил айрим давлатлар ва бошқа чет давлатларнинг ҳудудларида фаолият кўрсатаётган миллатчилик руҳидаги жиноий оқимларга атроф-лича ёрдам бериш каби сиёсий ўйинлар ҳам кузатилмоқда.

Уюшган жиноятчилик билан боғлиқ маънавий муҳит – фақат ўз манфаатларини ўйлаш, хусусий мулкчиликка ўта берилиш, давлат бошқаруви тизимига кирувчи расмий органлар фаолиятига ишончсизлик билан қараш, уларнинг зарур эҳтиёжларни таъминлашдаги тутган ўрнини эътироф этмаслик кабилар ҳам ўзига хос равишда жамиятга ўта салбий таъсир этади.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги тактика ва стратегия йўналишларидаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки уюшган жиноятчилик юзага келишининг илк даврларида қуйидаги ҳолатлар эътибордан четда қолганлигини унутмаслик зарур:

биринчидан, жиноятчиликнинг умумий ташкилий жиҳатлари, яъни: у билан боғлиқ ўзига хос ҳолатлар, жиноятчиликка қарши курашда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий йўналишлар, зарур мақсад сари йўналтирилган дастурий режа яратиш, ушбу дастурий режанинг амалга оширилиши учун зарур маблағ билан таъминлаш кабиларга ўз вақтида эътибор қаратилмаганлиги ва амалиётга жорий этилмаганлиги;

иккинчидан, айнан уюшган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ва бунда асосий эътибор жиноятчиликни ўзига «касб» қилиб олганларга қаратилгани ҳолда зарур бўлган ҳуқуқий асосларнинг йўқлиги. Чунки уюшган жиноятчилик билан боғлиқ криминал ҳолатлар мунтазам ўзгариб туришини эътибордан четда қолдириб бўлмайди;

учинчидан, жиноятчиликнинг олдини олишнинг жиноятчиликка қарши курашдаги энг зарур йўналиш деб топилиши билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан чалкаштирилиши. Шу билан бирга, олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти бир-бирининг ўрнини алмаштирилиши билан эмас, балки бир-бирини тўлдириб туришининг эътиборга олинмаганлиги;

тўртинчидан, жиноятчиликнинг олдини олишнинг илмий асосланган сабаб ва шароитларига юзаки қараш орқали фақат умумий суҳбат ва шу каби расмий огоҳлантиришлар билан кифояланилди ҳамда жиноятчиликни юзага келтирувчи ва таъсир этувчи салбий омиллар эътиборга олинмади. Уюшган жиноятчиликка қарши курашни олиб борувчи шахсий таркибни касбий ва руҳий жиҳатдан тоблаш замон талаблари асосида бўлишига аҳамият берилмади.

Бинобарин, уюшган жиноятчиликка қарши кураш фақат шиорлар орқали амалга оширилди ва унга қарши курашнинг ташкилий асослари йўлга қўйилмади ва, энг муҳими, қуйидагиларни эътиборга олмаган ҳолда зарур моддий ресурслар ажратилмади:

уюшган жиноятчилик муаммоси ва унинг хавфи талаб даражасида баҳоланмади. Бунда, биринчи навбатда, жиноятчиликка қарши кураш амалиётида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билимлари ушбу жиноятчилик хусусидаги зарур маълумотларни билиш асосида бойитилмаганлиги, шунингдек жиноятчиликнинг ўзаро уюшаётганлиги, касбий тус олаётганлигининг эътибордан четда қолдирилганлиги;

дахлдор шахсларни, жиной гуруҳ ва уюшмаларнинг аъзоларини, шу қатори жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётганлар ичидаги шерикларини оператив йўллар билан тезда топишнинг йўлга қўйилмаганлиги;

жиной унсурларнинг фаоллашган ҳолатларини ички ишлар органларининг аввалроқ билишининг йўлга қўйилмаганлиги;

айнан жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган жиной гуруҳларнинг фаолияти устидан назоратнинг сустлиги;

шунингдек, алоҳида хавfli йўлбошчилар фаолиятининг очикда ва жазони ўташ жойларида қандай кечаётганлигининг ҳисобга олинмаслиги кабилар.

Тўғри, бир неча йиллар давомида ва асосан собиқ Иттифоқнинг охириги дамларида юзага келган бу каби камчиликлар ҳозирги пайтда кўп жиҳатдан ўз ечимини топмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, уюшган жиноятчиликка хос бундай сабаб ва шароитларни назарий жиҳатдан доимий таҳлил этиб бориш криминология фанида алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб қолмоқда.

Уюшган жиноятчиликнинг ҳозирги кунда мавжудлигининг сабаб ва шароитлари эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўзгалар ҳисобига кун кўрувчи (паразит) ва ғайриқонуний равишда «моддий таъминланган» айрим шахсларнинг жавобгарликка тортилмасликлари. Бундай кимсалар ўзига хос манманлик руҳиятини юзага келтирадилар («Биз алоҳида тоифадагилармиз ва шундай шоҳона яшашга ҳақлимиз») ва шу каби ҳаёт тарзини тарғиб қиладилар;

хуфиёна ва ғайриқонуний равишда топилган мулкка эга бўлиш. Ўз-ўзидан савол туғилади, жиноятчилар тўплаган бу каби катта маблағлар нималарга сарфланади? Бу борада олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, бу мулк асосан тўртта улушга бўлинади. Биринчи ва иккинчи улушлар хуфиёна иқтисодий (хом ашё, фондларни сақловчилар, товаршунослар, юк ташувчилар каби ва турли қутилмаган «меҳмонлар» (тафтишчилар, солиқ ва божхона идорасининг ходимлари ва давлатнинг махсус курашга масъул органлари кабилар)га сарфланади; учинчи улуш юқори таъминотга эришишга хизмат қилади;

тўртинчиси эса пулни хазинага айлантириш. Энг ачинарлиси, хуфиёна иқтисодиёт ўз манфаати учун муомалада бўлган нақд пулларни муомаладан имкон борича кўпроқ олишга ҳаракат қилади;

уюшган жиноятчиликни тузиш орқали ўз фаолияти ва хавфсизлигини таъминлаш. Ўз вақтида уюшган жиноятчилик давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қарши туриш учун асосан қуйидаги уч йўналишларда иш олиб боради: 1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятларини қасддан бузиб кўрсатиш ва издан чиқаришга эришиш; 2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олиб бораётган тадбирларни мунтазам кузатиб бориш; 3) айрим жиноий фаолиятларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини тортиш ва жалб қилишга эришиш.

Таъкидлаш жоизки, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш борасида Ўзбекистонда зарур ҳуқуқий асослар яратилган ва яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноий гуруҳларнинг нафақат қуйи табақалари, балки жиноий уюшмаларнинг йўлбошчиларини ҳам жавобгарликка тортишга ҳуқуқий жиҳатдан имкон беради.

Уюшган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини аниқламасдан туриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг талаб даражасида бўлишига эришиш мумкин эмас, чунки уюшган жиноятчиликнинг мавжудлиги оқибатида ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши ва жамиятда жиддий асоратларнинг юзага келиши мумкин.

4-§. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирлар тизими

Уюшган жиноятчилик ўзига хос ижтимоий воқелик сифатида мавжуд ва у янги жамият куришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Уюшган жиноятчилик жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга қарама-қарши тарзда ўз тусини ўзгартириш хусусиятига эгаллигини албатта эътиборга олмоқ даркор. Шунга кўра, олиб бориладиган барча умумий ва махсус таъсир чораларининг қўлланишида буни эътиборга олиш лозим.

Оддий қилиб айтганда, уюшган жиноятчиликка қарши курашда жамиятнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланган тарзда умумий кураш олиб бориши талаб этилади. Хусусан, ушбу курашни ташкил этишда социология, иқтисодиёт ва психология соҳасидаги олимларнинг уюшган жиноятчиликдек салбий ҳолат юзасидан олиб борган тадқиқотларининг хулосаларига таяниш катта аҳамиятга эга. Чунки жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий камчиликлар, айтиб ўтилгани-

дек, уюшган жиноятчиликни юзага келтиради ва унинг ривожланишини «озиклантирувчи» шароит бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ижтимоий иллатга қарши олиб бориладиган кураш стратегияси билан боғлиқ профилактика, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини режалаштиришга алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш эса мавжуд ҳуфиёна иқтисодиёт ва иқтисодиёт билан боғлиқ барча жиноятларни атрофлича таҳлил этиш билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, ҳозирги кунда жамиятнинг ижтимоий тизимини илмий жиҳатдан баҳолаш, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига нисбатан дифференциал сиёсат юритишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Шунга кўра, қуйидаги тоифадаги шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

шубҳали тарзда даромад топаётган ва кўп миқдордаги мулк ва молиявий маблағларга эга шахсларни;

кам даромадли, умуман моддий таъминотга эга бўлмаганлар;

жиноий ва маънавий бузуқ йўлга кирганлар (жиноятни касб қилиб олганлар, бир неча бор судланганлар, ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, токсикоманияга йўлиққанлар, ўзгалар ҳисобига кун кўрувчилар, дайдилар каби).

Энг муҳими, уюшган жиноятчиликка қарши қаратилган курашни такомиллаштириш учун, биринчи навбатда, ушбу фаолият йўналишини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги кунда коррупция, уюшган жиноятчилик ва оператив қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларни яратиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Шу боис, бу борада зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан бир қаторда, ушбу кураш фаолиятининг таъминоти ҳам алоҳида аҳамиятга эга (яъни, юқори малакали мутахассислар, моддий-техникавий таъминот кабилар).

Чунки зарур таъминот ишларининг амалга оширилиши қўйилган вазифаларнинг бажарилишини кафолатлайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида қайта ташкил этилган уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизматлари фаолиятининг ташкилий асосларини кўрсатиш мумкин. Қисқа вақт ичида ушбу хизмат соҳасидаги бошқарма ва бўлимлар зарур замонавий техник воситалар билан таъминланди ҳамда хориж тажрибалари асосида тайёрланган мутахассисларга эга.

Юқорида кўриб чиққанemizдек, уюшган жиноятчилик мунтазам равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаолиятлари юзасидан доимий равишда ўз манфаатлари учун кузатув ишларини олиб борадилар. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва жиноятчиликка қарши курашаётган жамоатчилик вакилларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу, албатта, муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган муаммодир ва бу муаммони ечиш бўйича зарур норматив асослар яратилган.

Аммо ушбу ҳолат юзасидан бир қатор масалалар ўзининг назарий ечимини ҳам кутаётганлиги криминологик тадқиқотларда алоҳида ўрин эгалламоқда. Жумладан, ходимларнинг хавфсизликларини таъминлаш ва жиноятчиларнинг турли салбий гап-сўзларни тарқатиши ва шу орқали ходимларни ўзларининг жиноий сафларига тортишларининг олдини олиш учун жиноий унсурлар қиладиган ҳар қандай ғаразли ишлар тўғрисида ахборотлар тўплаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Шу билан бирга, ходимнинг ўз вазифаларини бажаришидаги ҳар қандай тўсиқни юзага келтиришдаги хатти-ҳаракатларни, ким томонидан амалга оширилган бўлмасин, қонун асосида кўриб чиқилишини таъминлаш лозимдир.

Санаб ўтилганлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва уларнинг ходимларини муҳофаза қилиш механизмининг айрим жиҳатлари, холос. Энг муҳими, ходимнинг уюшган жиноятчилик ва уларнинг жиноий фаолиятларида қўлланиладиган усул ҳамда воситаларни билиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда маълумотлар ўз вақтида, аниқ ва керакли бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шунга кўра, бу маълумотлар қуйидагиларни ўзида ифодалаши лозим:

индикатив, яъни уюшган жиноятчиликнинг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлар ва йўналишлар хусусидаги маълумотларни ўзида акс эттириши;

тактик, яъни доимий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг амалий фаолиятларида зарур бўлган маълумотлар;

стратегия нуқтаи назаридан, яъни энг муҳим ахборотлар сифатида уюшган жиноятчиликнинг шакли ва унинг ташкилий тизимига хос бўлган ҳамда тегишли тарзда тўпланган ва таҳлил этилган маълумотлар;

исботловчи, яъни текширилган ва суд жараёнида далил-исбот сифатида ишлатилиши мумкин бўлган маълумотлар.

Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик кўп жиҳатдан ички ишлар органларининг оператив қидирув фаолияти билан

узвий боғлангандир. Шунинг учун ҳам уларнинг олдини олишда оператив қидирув профилактикасини қўллаш катта аҳамиятга эгадир.

Энг муҳими, уюшган жиноятчилик ва уларнинг йўлбошчилари хусусида Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи барча хизмат соҳалари, бошқарма ва бўлимлари олиб борадиган барча ахборотларни марказлашган ҳолда жамлаш лозим. Чунки бу каби марказлашган ахборот маркази ўз вақтида ҳар бир хизмат соҳаси, бошқарма ва бўлимлар учун зарур ахборотларни ўз вақтида топишга катта ёрдам беради. Шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ахборотлар ҳам ушбу марказга киритилиши лозимлигини унутмаслик зарур.

Албатта, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, биринчи навбатда, давлат бошқарувининг барча йўналишлари фаолиятида қонунчиликнинг тўлиқ таъминланишига риоя этишни талаб этади ва шу орқали порахўрлик, давлат, унинг ижро органлари ва айниқса ички ишлар органларида коррупциянинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бунда мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, демократия ва ошкораликни йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эгаллигини эътиборга олмоқ даркор.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда газеталарда бир қатор мақолалар, телевидение ва радио орқали махсус кўрсатув ҳамда эшиттиришларда уюшган жиноятчилик ва унинг фош этилиши юзасидан мунтазам равишда маълумотлар бериб борилмоқда. Шунингдек, интернет тармоқлари орқали ҳам халқаро миқёсдаги уюшган жиноятчиликлар хусусида кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Тўғри, бу каби маълумотлар нафақат хабар бериши, балки омманинг бундай унсурларга нисбатан маънавий жиҳатдан хулоса чиқаришларига имкон яратиши лозим ва шу орқали жиноятчиликнинг илдизи айрим ижтимоий гуруҳлар онгидаги салбий руҳиятга бориб тақалишини очиб бериш лозим.

Зотан, уюшган жиноятчилик ва унинг иштирокчиларини улуғлаш каби ҳолатларнинг юзага келиб қолишига мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим. Уюшган жиноятчиликка қарши курашни умумдавлат ва энг аҳамиятли миқёсдаги тадбир сифатида тушунмоқ зарур.

Умуман олганда, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва бартраф қилиш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзаро ҳамкорлигининг шакли ва усуллари яратиш орқали, уларнинг фаолият йўналишларини тармоқлараро тузиладиган мувофиқлаштирувчи орган олиб бо-

радиган ҳамда маълум бир вақт оралиғига мўлжалланган дастур асосида зарур вазифаларнинг бажарилишини белгилаш;

уюшган жиноятчиликка қарши курашга фақат махсус тайёргарликдан ўтган шахсларни жалб этиш;

уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи махсус гуруҳларни зарур моддий-техникавий жиҳозлар билан таъминлаш;

мамлакатда фуқароларнинг оладиган даромадларини назорат қилишнинг аниқ механизмини яратиш ва шу орқали бозор иқтисодиёти шароитида ғайриқонуний даромад олишга йўл қўймаслик, уларнинг хуфиёна иқтисодиёт корчалонлари ва уюшган жиноятчилик йўлбошчилари таъсирига тушиб қолмаслиги ҳамда коррупция таъсирига тушиб қолган «халқ ғамини ўйловчи» кимсаларга зарба бериш.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органларининг халқаро ҳамжамиятлар билан алоқа ўрнатиши ва шу орқали уюшган жиноятчиликнинг халқаро миқёсда ҳаракатда бўлган ташкилий тузилмалари фаолиятларини чеклаш муҳим ва долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Сир эмаски, уюшган жиноятчилик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ўз таъсирига олмоқда. Шу боис, ушбу унсур билан талаб даражасидаги курашни йўлга қўймасдан, жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам бир қатор давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам айнан уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Уюшган жиноятчилик ва гуруҳий жиноятчиликнинг ўхшаш томонлари ва фарқларини санаб ўтинг.

Ҳозирги кунда гуруҳий ва уюшган жиноятчиликнинг тизими ва динамикаси қандай шаклланган?

Гуруҳий ва уюшган жиноятчилик ижтимоий ҳаёт ва халқ хўжалигининг қайси тармоқларида кўпроқ кузатилади?

Жинойий гуруҳлар таркибига кирувчи жиноятчиларнинг шахсига хос бўлган типлар ва уларнинг хусусиятларини санаб ўтинг.

Гуруҳий жиноятчиликнинг сабабларини кўрсатинг.

Уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий хусусиятларини санаб ўтинг ва асосий омилларини кўрсатинг.

Ички ишлар органларининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини тавсифланг.

Оммавий ахборот воситалари, маҳаллий, давлат ва жамоатчилик органлари гуруҳий ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашда қандай ўрин тутди?

XVII боб
МАИШИЙ ТУРМУШДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИК
ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1-§. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг
криминологик тавсифи

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ўзига хос равишда мураккабдир. Унинг мураккаблигининг белгиси жиноятларнинг вақт ва масофа орасида (яъни, уларнинг турли-туманлиги, ривожланишининг ўзига хос тенденцияси мавжудлиги, кенг ёйилганлиги, шахсга қарши қаратилганлиги, содир этиш усули, жойи ва содир этиш вақти кабилар) содир этилишидир.

Ушбу кўриб чиқилаётган жиноятлар криминологик белгиларига кўра, айнан бир турдаги жиноятлар тоифасига киради (содир этиш жойига кўра, маиший хусусиятга эга қасднинг мавжудлиги кабилар). Шу билан бирга, турларга бўлиниши таркибига кўра ҳам маиший жиноятлар бир хил эмас ва ўз ичига жиной-ҳуқуқий нуқтаи назаридан зарур белгига эга бўлган (шахсга қарши қаратилган ва жамоат тартибини бузувчи зўравонлик ва куч ишлатилмайдиган кабилар) жиной қилмишлар содир этилади.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, зўравонлик жиноятлари кўпроқ маиший турмуш шароитига боғлиқ ҳолларда юзага келмоқда. Шунингдек, зўравонлик жиноятлари умумий жиноятчилик таркибида, шу жумладан, таъкидланганидек, асосан маиший соҳадаги жиноятларда кўпроқ кузатилмоқда.

Шу билан бирга, 60 % дан ортиқ шахсга қарши қаратилган жиноятлар ҳам маиший турмуш шароитларида содир этилаётганлиги айниқса ачинарли ҳолдир. Ўзига хос тарзда содир этилаётган маиший турмушдаги зўравонлик ҳолатларининг айнан маиший турмушга «кўчиши» кўпроқ йирик аҳоли турар жойларида рўй бермоқда.

Бироқ мамлакатимизда бу кўринишдаги жиноятчилик қишлоқ жойларда ҳам ошиб бормоқда. Буни эса қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий йўналишлардаги ўзига хос тарзда юзага келаётган жараёнлар билан боғлаш мумкин. Маиший турмуш соҳасида содир этилаётган

жиноятчиликнинг таҳлилидан маълум бўлдики, ушбу жиноятлар кўпчилик ҳолда ичкиликбозлик билан яқиндан боғлангандир.

Шу боис, мамлакатимизда бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилиб ичкиликбозликни юзага келтирувчи бир қатор сабаб ва шароитлар бартараф этилмоқда. Айни пайтда, бу борада миллий анъаналарнинг ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлмаган одатларини қайта тиклаш ва маълум бир маросимларнинг фуқаролар йиғинларининг фаол иштироклари орқали тартибга солиниши амалга оширилмоқда. Аммо, шунга қарамай, ичкиликбозлик маиший жиноятчилик кўрсаткичларининг ошишига таъсир этмоқда. Биз кўриб чиқаётган жиноятчиликнинг асосий манбаларидан яна бири маиший турмуш жараёнида шахслар ўртасидаги низоли ҳолатлардир.

Ўз мазмунига кўра, бу каби вазиятларнинг қуйидаги таркибда юзага келишини санаб ўтиш лозим: а) узоқ давом этган низолар оқибати сифатида ва жиноятчининг айби билан амалга оширилган жанжалли вазиятлар; б) жабрланувчининг айби билан юзага келган низолар оқибати; в) жиноятчи ва жабрланувчиларнинг ҳар иккиси олиб борган ахлоқий турмуш тарзи (биргаликда ичкиликбозлик қилиш ва бошқалар); г) жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари асосида юзага келган ва кучли зўриқиш (стресс ҳолати) туфайли содир этилган жиноятлар; д) жиноятчининг маълум бир шахс орқали жамият учун хавфли қилмишни содир этиши, шахсий муносабатларни ҳал қилишга аралашуви оқибатида юзага келган жиноятлар (аслида низоли ҳолат унга тааллуқли бўлмаса-да, масалан ажратиб қўйиш кабиларда).

Яна амалиёт тажрибаларига таянадиган бўлсак, маиший турмуш шароитида юзага келадиган низолар асосан узоқ вақт давомида етилиб, вақтида тор чегарада бўлган бўлса-да, аста-секин кучайиб бориши (шахслар ўртасидаги ўзаро низоларнинг вақти-вақти билан кучайиши) ёки дабдурустдан кучайиши (яхши томонга ўзгармайдиган низолар) кабиларни ўз ичига олади. Вақти-вақти билан такрорланиб турадиган криминоген-низоли вазиятлар ўртача 33 % ни ташкил этиб, ярим йилдан уч йилгача, 63 % ҳолатларда эса уч йилдан саккиз йилгача ва ундан кўп вақтда юзага келади.

Ушбу тасниф жиноятларни ўрганиш жараёнида катта аҳамият касб этади, чунки бу профилактика субъектларининг, кўриб чиқиладиган ҳолатларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, махсус соҳавий профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишига имкон яратади. Профилактика воситаларини криминоген вазиятлар мазмунига мослаб йўлга қўйиш профилактика ишларининг амалга ошиши ва мақсад сари аниқ йўналтирилишини таъминлайди. Маиший

турмуш соҳасидаги жиноий тажовузлар асосан жиноятчига яқин шахсларга нисбатан йўналтирилади (турмуш ўртоғи, қариндошлар, танишлар каби) ва бунда асосий алоқадорлик, ўзига хос ифодаланган ҳиссиётлар билан боғланган бўлади (яъни, оилавий, қариндошчилик, ўртоқлик).

Айнан шу баён этилганлар, маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг ўзига хослигини ифодалайди ва бошқа зўравонлик жиноятларидан аниқ тарзда фарқ қилади. Бошқа кўпгина жиноятлар қонунни индивидуал тарзда бузиш, жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик орқали содир этилиши эса маиший жиноятлар учун фақат қўшимча, йўлдош белгилар сифатида, масалан, маиший безориликда бўлганидек намоён бўлади.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар жиноятчи ва жабрланувчиларнинг бирга яшаш жойида: алоҳида хонадонларда (70 %), умумий хонадонларда (коммуналка) (14 %), ётоқхоналарда (6 %), кўчакўйда ва бошқа жамоат жойларида (10 %) содир этилади.

Бу жиноятларнинг яна бир белгиси эса уларнинг асосан оила ва кўни-кўшнилар ўртасида содир бўлишидир. Тўғри, бу борада, яъни уй-жой масаласининг мамлакатимизда ўринли ҳал этилганлиги айнан оила ва кўни-кўшнилар ўртасида бўладиган низоларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди.

Ҳар бир оилага алоҳида хонадон тарзида қурилган уйлар, кўп болали оилаларни эътиборга олган ҳолда, қаватларда ва ҳовлиларда болалар учун майдончаларнинг яратилганлиги кўп жиҳатдан кўшнилар ўртасида турли низолар келиб чиқишининг олдини олади. Шунингдек, оилаларнинг алоҳида яшашига имкон яратилиши уларнинг ҳар бири устидан ижтимоий кузатув ва назорат олиб боришга йўл очади. Айниқса, маҳаллада оилаларни ижтимоий жиҳатдан кузатиш, зарур ҳолларда бирор-бир қийинчилиги мавжуд оилаларга имконият яратиш ҳам эҳтимоли бўлган можароларга ўзига хос тўсиқ қўяди.

Вақтига кўра, маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар: оқшомда – 65 %, тунда – 12 % ва қолганлари кундузи юзага келишини кўриш мумкин. Байрам ва дам олиш кунларида жиноятларнинг бирмунча ошиши кузатилади. Ушбу жиноятларнинг вақт бўйича, жойи ва бошқа ҳолатларда содир этилишининг мавжудлиги барча профилактик чоратадбирларнинг айнан шу жойларда ўтказилишини талаб этади. Бунда кўпроқ ичкиликка мойил, оилада тўполон қилувчи, маъмурий назорат ва профилактика назоратида турган шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини битта шахс содир этади, аксинча, гуруҳийлик хусусияти эса камроқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, фақат 3 % жиноятлар гуруҳий тарзда содир этилади. Бунинг асосий сабаби эса жабрланувчи ва жиноятчининг яқин алоқадалигидандир. Гуруҳий жиноятлар асосан маиший безорилик ҳолларида ва тўй, маъракаларда юзага келади ҳамда айрим вазиятларда рўй беради.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг кримнологик тавсифини бериш даставвал жиноятчиларнинг шахсини ўрганиш билан узвий боғлиқдир. Бу каби тадқиқот маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг юзага келиш сабабий боғланишларини билиш ва зарур таъсир чораларини қўллашга имкон яратади.

Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг 85 % ни эркаклар содир этади. Улар содир этадиган жиноятлар аёллар содир этадиган жиноятлардан хавфли жиноятларнинг содир этилиши билан ажралиб туради. Кримнологияда маиший турмуш соҳасида аёллар содир этадиган жиноятларни умумий жиноятларни содир этишда иштирок этувчи аёллар миқдорига нисбатан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Умуман олганда, жиноятларнинг содир этилишида аёллар иштироки эркакларга нисбатан кам. Шунга кўра, умумий жиноятларда аёл жиноятчилар миқдори 12–15 % ни ташкил этади.

Шунингдек, қотиллик жиноятларида аёллар иштироки – 3–4 % ни; тан жароҳатларини етказувчи шахслар ичида – 2–3 % ни ташкил этади. Бироқ маиший жиноятлар таркибида одам ўлдириш жиноятини содир этган аёллар қарийб икки баробар кўпдир. Аёллар ва эркаклар жиноятлари ўртасидаги бу каби фарқнинг мавжудлигига сабаб маълум бир ижтимоий омиллар мажмуи таъсирида аёл ва эркакларда ўзига хос бўлган ўзини тутиш каби хусусиятларнинг шаклланганлигидир.

Умумий жиноятчиликдаги аёллар жиноятларининг маиший жиноятлардаги иштироки нисбатига кўра, шахсга қарши жиноятлар асосий кўпчилик миқдорни ташкил этади ва маиший муносабатларда юзага келадиган кримноген-низолли ҳолатларнинг юқори эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги ўзига хос равишда маиший турмушда аёл ва эркакни тенг кўрмаслик каби ўтмиш сарқитининг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Шу боис маиший турмушда аёллар содир этадиган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, аввало, аёлларнинг мавқеини кўтариш, турли чеклашларни йўқотиш ҳамда турмуш соҳасида ишлаб чиқаришда ва оилада аёллар ўрнини тўғри белгилаш лозим бўлади.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, маиший турмуш соҳасида юзага келадиган жиноятларда криминоген фаоллик асосан 18–30 ва 31–40 ёшли шахслар ҳаракатларида кузатилади. Бу, албатта, ушбу ёшдагилар ижтимоий мавқеининг ўзига хослиги билан эътиборга лойиқлигидир. Алоҳида эътиборнинг 25–30 ёшлиларга қаратилиши бу ёшдаги шахслар ҳаётида юз берадиган оила-никоҳ муносабатларининг юзага келиши, янги мажбуриятлар ва ўзини тутиш каби ўзаро муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Айнан шу даврда оилавий қарама-қаршиликларнинг пишиб етилиши ва кучайиши рўй беради. Маиший турмушдаги бу каби салбий ҳолатлар кўрсаткичларининг мавжудлиги эса оила бузилиши сататистикасининг юқорилигини ҳам ифодалайди.

Ўзбекистонда аҳолининг ўзига хос удум ва урф-одатлари асосида оилавий муносабатлар ташкил этилган бўлса-да, ажралиш нисбати 25–30 ёшлиларга тўғри келиши ачинарли ҳолдир. Бу эса турмушда ажралиш ва жиноят содир этилишининг ўзаро бир-бирига ўхшаш тарзда юзага келадиганлигининг ифодасидир.

Шунингдек, никоҳ ва оила ёшининг 17–18 ёшга камаяётганлиги ҳам ўзига хос тадқиқотлар ўтказилишини талаб этмоқда. Чунки бу ёшдаги ёшларнинг оила ва никоҳ муносабатларига кириб келиши профилактик чора-тадбирларнинг алоҳида тарбиялаш чораларини нафақат ёшларга, балки шу ёшдагиларнинг оила қуришларига сабаб бўлаётган шахсларга ҳам қаратилишини талаб этмоқда.

Эр-хотинларнинг никоҳни бекор қилишига айрим оила-турмуш муносабатларининг таъсир этишини кўриш мумкин. Жумладан, ажралиш ҳолатларининг юзага келишида эркакнинг ичкиликбозлиги ва баъзида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши шахснинг шафқатсизлиги, уруш-жанжаллар, ўлдириш билан қўрқитиш ва шу каби бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишига олиб келади. Айни пайтда, бу каби салбий омиллар маиший турмуш билан боғлиқ бошқа ҳолларда ҳам жиноятларнинг юзага келишини кучайтиради.

Кўриниб турибдики, айнан никоҳнинг бекор бўлиши ва унинг сабабларини ўрганиш ҳам криминология муаммоси бўлиб бормоқда. Бу ўзига хос аҳолишунослик билан боғлиқ муаммоларнинг тадқиқ этилишини талаб этади.

Маиший турмуш шароитида жиноят содир этаётганлар маълумотининг даражаси қуйидагича эканлигини ҳам кўриш мумкин: бошланғич маълумотга эга шахслар – 3 %; ўрта маълумотлилар – 27 %, ўрта-маҳсус ва коллежни тугатганлар – 66 %; олий маълумотли бакалавр ва магистрлар эса бор-йўғи 4% ни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, жиноят содир этишдаги энг юқори кўрсаткич асосан яхши маълумотга эга шахсларга тўғри келади. Бунда низоли ҳолатлар маълумотли ёшлар ўртасида юзага келади.

Демак, маиший турмуш соҳасида жиноят содир этувчилар ичида маълумоти ва маданий савияси паст ёшлар бошқа тенгдошларидан қонунга итоатгўй бўлишда орқада қолмоқдалар. Бу каби маълумоти кам ёшлар асосан ишлаб чиқаришда ишчи сифатида ва оғир жисмоний меҳнатда банд бўладилар (юк ташувчи, оддий ишчи каби). Уларнинг кўпчилиги ичкиликка ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга мойилдирлар.

Айнан шу тоифадаги шахслар маиший турмуш шароитида кўпроқ жиноят содир этишлари билан ажралиб турадилар. Бу билан биз оғир меҳнатнинг қонун бузилишига таъсири мавжуд, деган фикрни тушунмаслигимиз лозим. Ушбу ҳолатларнинг юзага келиши кўпроқ (айтиб ўтилганидек, маълумот даражаси, эҳтиёжлар, қизиқишлар билан узвий боғлиқлигини эътиборга олиш лозим) шахснинг шаклланишига салбий таъсир этувчи омилларга боғлиқлигини эътиборга олишни талаб этади.

Криминология нуқтаи назаридан тавсиф беришда кўпроқ ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшларга эътибор қаратилиши ўқувчига яхши аён. Тўғри, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда, ҳозирги кунда бекорчи ёки ўзгалар ҳисобига кун кўрувчилар каби тушунчалар ўзига хос ёндашувни талаб этмоқда.

Шу боис, бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш долзарб эканлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Ҳозирги кунда маиший турмушда жиноят содир этувчи шахслар билан олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, кўпчилик ёшлар бирор-бир ишда кўним топмаган, муайян касбга эга эмас. Энг ачинарлиси, кўп ҳолларда салбий хислатларига кўра маъмурият томонидан ишдан бўшатишган. Шу билан бирга, бундай ёшлар ўта криминоген хусусиятларга эга бўлиб, кўпчилиги оғир жиноят содир этишга мойилдирлар.

Маиший турмуш соҳасида жиноят содир этувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўзларини тутишларини жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш уларнинг жиноий тажовузлари қайси йўналишда эканлиги ва жамиятга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон беради. Уларнинг ҳар учтадан бири муқаддам турли жиноятлари учун судланганлар, шунингдек, тадқиқ этилганларнинг тенг ярми икки ва ундан кўп судланганлиги аниқланди. 35 % дан кўпи айнан маиший соҳадаги жиноятларни қайта содир этганликлари учун рецидивист деб топилган.

Яъни, дастлаб безорилик қилган бўлсалар, кейинчалик шахсга қарши қаратилган оғир жиноят содир этганлар. Масалан, қарийб барча маиший соҳада одам ўлдирган ва ҳар икки оғир тан жароҳати етказган, муқаддам безорилиги учун судланган, ёшига кўра жинойий тажрибаси бор шахсларга асосан 30 ёшли (икки ва ундан ошиқ судланган)лар тўғри келади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан шу каби шахсларда ёш билан бирга судланганлик миқдорлари ҳам ошиб боради. Шунингдек, жиноятнинг оғирлик ҳолати ҳам ошаётганлигини кўриш мумкин.

Яна шу борада олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, рецидивистларнинг жиноят содир этишида кўпроқ оғир тан жароҳатлари етказилиши кузатилган. Бу каби қилмишларнинг миқдори юқорилигини ҳам кўриш мумкин.

2-§. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар ўзига хос сабаб ва шароитларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу каби жиноятларда асосан ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мойил шахсларнинг сабабчи бўлишларини кўриш мумкин.

Маълумки, шахснинг ичкиликка мойиллиги уларнинг шахсида маданиятсизлик, маънавий хислатларнинг чекланиши, эҳтиёжларнинг ўта саёзлиги каби иллатларни келтириб чиқаради. Шу билан боғлиқ ҳолда, баъзи шахслардаги моддий етишмовчилик уларни бир гуруҳ шахслар билан ичкилик топиш ва ичкиликбозлик қилишга бошлайди, табиийки, бу каби ҳолатларнинг кўпчилиги охир-оқибат муштлашиш ва жиноят содир этишга олиб келади.

Баъзи оилаларда ота-оналар, фарзандлар, хушторлар ва умуман эрхотин ўртасида юзага келадиган рашк ҳолатлари мавжуд бўлади. Бу каби рашк агар руҳиятдаги мавжуд касалликлар билан боғлиқ бўлса, айниқса хатарли кечади ва оғир оқибатларга олиб келади (масалан, рашк талвасаси каби).

Умуман олганда, шахсларга хос руҳий касалликлар ва уларнинг очик шаклдаги хатарли кечиши катта ижтимоий хавф туғдиради. Айнан шу ҳолат, юқорида таъкидланганидек, «рашк талвасаси» орқали юзага келса, оқибат жуда салбий бўлиши мумкин.

Масалан, фуқаро В. сурункали руҳий касалга чалинган ва кўп муддат касалхонада даволанган, уйда бўлган пайтларида эса ўз рафиқасини ва онасини урган ҳамда қўшнилари кўрқитиб келган. Уйда яшовчиларнинг В. ни махсус касалхонага жойлаштириш тўғрисидаги

талабларини маъмурият оқибатсиз қолдирган. Натижада машъум бир куни онаси ва хотинини ўлдирган ҳамда уйни ёқиб юборишга тажовуз қилган.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш инсонлар турмуши ва дам олиши ёки бўш вақтларнинг беҳуда сарфланиши ва қизиқарли маросимларнинг ташкил этилмаслиги билан узвий боғлиқдир. Шу боис, маҳаллаларда ушбу вазифанинг бажарилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки фуқароларнинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши ва турли маросимлар, спорт мусобақаларини вақтида ташкил этилиши ғоятда муҳимдир.

Юқорида алоҳида таъкидланганидек, гиёҳвандлик маиший турмуш муносабатларига катта хавф соладиган иллат бўлиб қолмоқда. Гиёҳвандлик воситасининг йўқлиги оқибатида шахсларда юзага келадиган «гиёҳвандлик хумори» (абстиненция) пайтида шахс ўта хавфли бўлиши мумкин ва у турли жанжаллар ҳамда тажовузкорликларни содир этади. Гиёҳванд шахсида турли нохуш ўзгаришлар юзага келади, айниқса шахс ҳиссиётлари жаҳлдорлик, тез жаҳли чиқиши, аффект ҳолатга ўтиш, зўравонликка мойиллик кабилар асосида кескин ўзгаради.

Гиёҳвандликка ружу қўйиш шахснинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ёлғизланишига олиб келади. Гиёҳвандлар аста-секин ижтимоий фойдали меҳнат қилишдан четга чиқиб қоладилар, атрофдагилар билан тил топиша олмайдилар, ўзига хос тор доирадаги эҳтиёжлари таъсирига тушадилар, ўз яқинлари, қариндошлари билан низоли вазиятларга келадилар, ўзини ўйловчи ва ўзи билан ўзи бўлиш ҳолатига тушиб қоладилар. Атрофдагиларнинг айблалари боис, одамови бўлиб қоладилар ҳамда фақат ўзларига ўхшаш одамларга яқинлашадилар.

Гиёҳвандликка боғланиш ва уларни очик ҳолатда топа олмаслиги ҳамда пул даромадларининг йўқлиги боис, кўпчилик гиёҳвандлар айнан маиший турмуш соҳасидаги жиноятга қўл урадилар. Маълум бўлдики, жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахслар содир этадиган жиноятлар умумий миқдордаги барча рўйхатга олинган жиноятларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Бу каби жиноятчилар нафақат ўзлари жиноят қиладилар (шу жумладан, маиший турмуш соҳасида ҳам), балки жиноят содир этишга яқинлари, қариндошлари ва, энг ачинарлиси, вояга етмаганларни жалб қиладилар. Табиийки, ички ишлар органларининг айнан шу тоифадаги жиноятчиларни вақтида аниқлаши ва уларга нисбатан ўз вақтида тегишли чора кўришлари катта профилактик аҳамиятга эга тадбир ҳисобланади.

Яна жиноий статистика маълумотларига мурожаат қилсак – қасддан одам ўлдиришнинг учдан иккига яқини, оғир ва ўртача оғир тан жароҳатларини етказиш, тўсатдан ва рашк орқасида жанжал ва шу каби маиший турмуш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ҳар тўртдан бир безорилик хонадонларда ва ётоқхоналарда содир этилади. Шунингдек, қасддан содир этиладиган зўравонлик жиноятлари ва безорилик жиноятлари маиший турмуш ва дам олиш шароитида юзага келади ҳамда асосан дам олиш кунлари ва оқшом пайтлари содир этилади. Демак, профилактика тадбирлари ҳам айнан шу даврларда олиб борилиши лозим.

Маиший турмушдаги жиноятлар асосан оила аъзолари, кўни-кўшнилар, қариндошлар ва яқин танишлар ўртасидаги низолар орқали содир этилади, шунингдек бу каби ҳолатларга тегишли органларнинг ўз вақтида малакали тарзда эътибор қаратмаслиги оқибати ҳамдир.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналардан бирининг тиббий қисмига ўқотар қуролдан жароҳатланган шахс келтирилади. Ушбу жиноят бўйича шубҳаланган кўшниси ҳам ушланади. Тергов жараёнида маълум бўладики, улар кўпдан бери ўзаро ёмон муносабатда бўлганлар, улар ўртасида бир неча бор жанжал ва муштлашишлар ҳам бўлган. Уларнинг бу хатти-ҳаракатларини ўз вақтида маҳалла фаоллари бир неча бор муҳокама ҳам этган.

Шу билан бирга, уларни профилактика инспектори профилактика ҳисобига ҳам олган. Шундай бўлса-да, қотиллик содир этилди. Тўғри, профилактика инспекторига тегишли жазо берилди. Бироқ ушбу ҳолатнинг олдини олишга имконият бўлгани ҳолда жамоатчилик ва масъул шахснинг билими йўқлиги туфайли, шу жиноят содир бўлди дейишга тўлиқ асос мавжуд.

Маиший турмуш соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишдаги салбий ҳолатлардан бири ички ишлар органларининг тегишли ходимлари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг талаб даражасида эмаслигидир. Шу билан бирга, фуқаролар ўртасида паспорт тизимини яхшилаш, профилактика ҳисобига қўйиш ишларини талаб даражасида йўлга қўймаслик, шунингдек оператив-ахборот ҳисобларидан унумли фойдаланмаслик кабилар ҳам жиноятга йўл очади. Ички ишлар органларининг барча хизмат соҳалари фаолиятларини ташкил этишдаги ўзаро ҳамкорлик маиший турмуш шароитида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгаллигини унутмаслик даркор.

3-§. Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда ижтимоий ҳаёт, турмуш, дам олиш, меҳнат қилишни таъминлаш, ушбу вазифаларни бажаришдаги турли парокандалик ва қарама-қаршиликларга йўл қўймасликни доимий равишда мақсад сари ривожлантириш, такомиллаштириш ва бир меъёردа ташкил этиш ғоятда муҳимдир. Бу йўналишдаги умумий профилактика чоралари кўп қиррали бўлиб, ҳокимият идоралари фаолиятини ҳамда давлат тизимига кирувчи барча куч ва воситалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, меҳнатни ташкил этиш нафақат шахснинг маълумот олиши ва дунёқарашининг шаклланиши, маънавий эҳтиёжларининг таъминланишига таъсир этади, балки одамнинг маданияти, маиший турмушда ўзини тутиши, дам олишдаги ўзаро муносабатининг шаклланишига ҳам ёрдам беради.

Ушбу йўналишлардаги пала-партишлик ўз вақтида турли қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради, шунингдек икки томонлама мослашишни юзага келтириб, ўзига хос бўлган «икки томонлама» шахснинг шаклланишига олиб келади. Яъни, шахс бир томондан илғор ишчи ва интизомли ходим бўлиши, иккинчи томондан эса – оилада жанжалкаш ва маиший турмуш шароитида тўполончи бўлиб қолиши мумкин.

Ҳудудий ва минтақавий жиҳатдан ушбу масалаларни ҳал этишда ҳокимиятларнинг талабчанлиги асосида ва ўз бошқарувидаги корхона, муассаса ва ташкилотлардан, шу жумладан малакали меҳнатни ташкил этилмаган жойлардагилардан зарур масалаларни ҳал этилишига эришиш ҳам профилактика ишларида катта эътиборга лойиқдир.

Меҳнат қилаётганларга эса, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланаётганларга ёрдам бериш мақсадида, босқичма-босқич меҳнат шароитларини яхшилаб бориш ва қулайлигини таъминлаш ҳамда қилинаётган меҳнатнинг жамият ва ўз манфаатлари учунлигини тушунтириб бориш каби тадбирларни йўлга қўйиш лозим.

Шу ўринда мамлакатимизнинг айрим ўзига хос жиҳатларини, айниқса муайян ҳудуддаги ижтимоий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, нафақахўрлар, ўқувчи ёшлар ва бошқа тоифадаги аҳоли қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш ва улар онгида қийинчиликларга қарши туриш ҳисларини уйғотиш ҳамда бу каби қийинчиликларда яқинлари ёки туғишганларига айб юкламасликни сингдириш ғоятда аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиш лозим.

Шунингдек, турмушдаги бир қатор жиноятларнинг иш вақтида содир этилиши ва бунда айрим шахсларнинг шу пайтда ишда бўлма-

ганликларини эътиборга олган ҳолда, уларнинг иш жойларида меҳнат интизомини яхшилашга доир профилактика ишларини олиб бориш лозим. Бу кўп жиҳатдан ҳаётимиздаги турли йўналишлар билан боғлиқдир, шу боис, бу каби масалаларни жойида ҳал этишга меҳнат жамоалари, турли органлар ва жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда яшаш жойларида ташкил этиладиган тарбиявий ишлар муҳим ўрин тутади ва бунда дам олиш жараёнларини самарали томонга буриш лозим. Бу тадбирларни ҳам умумижтимоий чора сифатида асосан жойлардаги ҳокимиятлар фаолиятлари билан узвий боғлиқ тарзда комплекс ёндашув асосида амалга ошириш талаб этилади.

Аҳолининг ҳуқуқий жиҳатдан ўзини тутиш самарадорлигини оширишда омма ўртасида ғоявий, меҳнат ва маънавий тарбиянинг ўзаро бирлигини таъминлаш лозим. Бунда асосий эътибор асосан маиший турмушда жиноят содир этишга мойил шахсларга қаратилмоғи зарур. Айнан шу каби шахсларда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурмат билан қарашни ҳамда жисмоний куч ишлатишдек ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан низоларни ҳал этмаслик одатларини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, ичкилик ичишда ҳам чегарани билиш ва умуман истеъмол этмасликка бошлаш тарбиянинг муҳим жиҳатларидан биридир. Маиший турмуш соҳасида оиланинг тутган ўрни ва уни тузишга жиддий муносабатда бўлиш ҳамда сақлашга алоҳида эътибор берган ҳолда оила заминида юзага келадиган барча жиноятларга йўл қўймасликка интилишни тарғиб қилиш зарур.

Турмуш ўртоғига қарши бўлган жиноятлар асосан зўравонлик (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, қийнаш, маиший безорилик) жиноятларидан иборатдир. Бу каби жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 10 % дан кўпроғини ташкил этади. Турмуш ўртоғини ўлдириш барча одам ўлдириш жиноятларининг 39 % ни ташкил этади. Барча тан жароҳати етказишнинг 17 % турмуш шароитида юзага келганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда оила ва унинг асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги умумижтимоий профилактика тадбирларидан биридир. Шу билан бирга, шахсни маънавий ва маърифий камол топтириш ҳамда олий маълумот олишини йўлга қўйиш, улар онгида бўш вақтни унумли ва маданиятли ташкил этиш кабиларни шакллантириш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бу борада ҳам, айтиб ўтилганидек, маҳаллий ҳокимиятлар масъулияти талаб этилади. Чунки улар бошқарадиган умумтаълим мактаблари,

лицей, коллеж кабиларнинг фаолиятларини яхшилаш ҳамда вояга етмаганларнинг турли шаклдаги ўқувларини ташкил этиш кабилар муҳим профилактик аҳамиятга эгадир.

Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг ўтказилиши умумижтимоий профилактиканинг таркибий қисми эканлигини эътиборга олган ҳолда меҳнат жамоалари (шу жумладан, тижорат ва тегишли мулк шаклидаги жамоаларда ҳам) ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан фуқароларнинг яшаш жойларида айнан якка тартибдаги профилактикага алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Улар ҳар бир шахсни яқиндан билишлари, унинг табиати, қизиқишлари, интилишлари кабиларни эътиборга олган ҳолда, тарбиянинг барча куч ва воситаларини тарбиялашга жорий этиш ва зарур ҳолларда фойдали дам олишга жалб этишни ҳам йўлга қўйишлари зарур. Бу борада маҳаллий ҳокимиятлардаги доимий комиссияларнинг фаоллигини ошириш керак.

Шу билан бирга, меҳнат ва ўқув юртлари жамоаларининг маданий-оммавий ҳамда спорт ишларидаги ютуқларини баҳолаш, жинойтчиликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳолати, шу билан бирга, айнан ҳуқуқбузарларни маданий-оммавий ва спорт тадбирларига жалб қилишга эътибор қаратишнинг таъминланишини ҳам эътиборга олиш лозим. Бу каби ёндашув уларнинг самарадорлик даражасини аниқлашга имкон беради ҳамда тегишли ҳокимият тармоқларига тарбия билан боғлиқ камчиликлар юзасидан зарур таклифлар берилади.

Умумий ётоқхоналарда ҳам ҳуқуқ-тартиботни сақлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ айрим ётоқхоналарда тарбияни йўлга қўйишда баъзи бир камчиликлар мавжуд, хусусан оммавий-маданий ишлар ва спорт тадбирларини ташкил этишга эътибор бермасдан, ичкиликбозликка, жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар қилувчи шахсларнинг яшашига йўл қўйилмоқда. Шунингдек, тарбиявий ишларни олиб борувчи мураббий, яъни турли жамоалар ва ишлаб чиқариш цехлари бошлиқлари, бригадирлар, ўқув юртлари раҳбарлари, шунингдек тижорат соҳасида хизмат кўрсатувчи тармоқ бошлиқлари, хусусий муассаса эгалари кабилар билан ишлаш ҳам талаб даражасида эмас.

Тарбиянинг ёмонлиги криминоген вазиятларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Демак, барча соҳаларда тарбия ишларига масъул ходимлар жинойтчиликнинг сабаб ва шароитларини тўғри англамоқлари, шу билан бирга, маиший турмуш соҳасидаги жинойтчиликни бартараф қилиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни ўтказиш маҳоратларини эгаллашлари мақсадга мувофиқдир.

Маиший турмушда юзага келадиган жиноятларнинг олдини олишдаги ижтимоий профилактика, албатта, кишиларни яшаш жойлари билан таъминлашдаги зарур муаммоларни ҳал этиш билан узвий боғлиқдир. Сир эмаски, Ўзбекистонда давлат мустақиллигигача умумий яшаш хонадонларининг мавжудлиги ўзига хос криминоген вазиятларни юзага келтирган. Шу боис, мамлакатимизда янги жамият қуриш муаммоларидан бири сифатида айнан фуқароларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунга кўра, ҳозирги кунда умумий хонадонларда яшаш миқдори нисбатан камаймоқда. Бу билан умумий хонадонларда профилактика чораларини ўрганиш тадқиқотлари ўз моҳиятини йўқотди дейиш нотўғри бўлади. Зотан, умумий хонадонларда яшаш ҳоллари ҳозирги кунда ҳам учрайди ва бу муаммони тадқиқ этиш ҳозирда ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Маиший турмуш соҳасида жиноят содир этувчи кимсаларнинг ҳуқуқий онгида зўравонлик қилишнинг нотўғри тушунилиши шахс маданиятининг пастлиги билан узвий боғлиқдир. Уларнинг дунёқарашига кўра, хафа қилган одамни албатта жазолаш лозим. Айнан шу ҳолатнинг мавжудлиги эса профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда эътиборга олиниши лозим ҳамда махсус профилактика тадбирларини ўтказишда шахснинг руҳиятидаги зўравонлик қилиш иллатларини йўқотиш учун алоҳида тарбиявий чораларни қўллаш талаб этилади. Шу билан бирга, низоли вазиятларда ўзини қандай тутишни ўргатиш зарур.

Шахсга нисбатан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллаш эса, аввало, у ёки бу ҳудудий бирликларда амалга ошириладиган комплекс криминологик режаларда ўз ифодасини топмоғи лозим. Ушбу комплекс профилактика тадбирларининг амалга оширилишини таъминлашда тармоқлараро режалар ишлаб чиқиш ва ушбу режалар орқали иш олиб борувчи ҳар бир субъектнинг аҳоли яшаш жойларида олиб борадиган ишларини мувофиқлаштириш ҳам кўзда тутилмоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина маҳаллий ҳокимиятлар ва уларнинг бўлимларида ишлаб чиқиладиган тадбирлар режасида айнан маиший турмуш масаласи билан боғлиқ тадбирлар белгиланмайди. Натижада оила-турмуш муаммолари юзасидан амалга оширилиши лозим ишлар эътибордан четда қолади.

Мустақиллик шароитида давлатимизда миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда маҳалла кенгашлари фаолиятларининг йўлга қўйилиши жуда кўп муаммоларни ҳал этишга имкон яратди.

Айниқса, турли ижтимоий муаммоларни жамоатчилик кенгашлари билан жойида муҳокама этиш ва зарур ечимини топишда кенг имкониятлар мавжуд эканлигидан келиб чиққан ҳолда, профилактика ишларини ташкил этиш оила-турмуш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришини кўриш мумкин. Шунингдек, «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши айнан бу борада амалга ошириладиган барча профилактика ишларини олиб боришда муҳим моддий манба бўлиб ҳисобланади.

Энг муҳими, бу тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик эътиборини маиший турмушдаги низолар, ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёҳвандлик, фойдали меҳнат билан шуғулланмаслик каби иллатларга қарши курашни мақсад сари йўналтирилган яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этишга қаратиш лозим. Айнан яшаш жойларида яқка тартибдаги профилактика ишларини йўлга қўйиш шахсга нисбатан муҳим таъсир чораси сифатида катта аҳамиятга эгаллигини ва уларни турли криминоген вазиятлар таъсиридан ажратишга хизмат қилишини унутмаслик зарур.

Маиший турмуш йўналишларида ички ишлар органлари олиб борадиган комплекс профилактика ишларини ташкил этишда виктимология бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу профилактика йўналиши ўзига хос тарзда умумий ва махсус профилактика чораларини олиб борувчи субъектларнинг оила шароитида, шахсий турмуш ва жамият ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар ҳамда йўналишларда жиноят қурбони бўлган жабрланувчилар билан боғлиқ виктим ҳолатларни аниқлаш ва криминоген ҳолатларни йўқотиш билан боғлиқдир.

Маиший турмушдаги жиноятларнинг олдини олиш тизимида виктимология профилактикаси ўзига хос ўрин тутди ва асосан турли гуруҳдаги жабрланувчиларнинг жинси, ёши, ўзини тутиши, мавқеи ва бошқа виктим ҳолатларнинг юзага келишига таъсир этувчи шахсий хусусиятлар ҳисобга олинади.

Маиший турмуш билан боғлиқ жиноятларда жабрланувчиларнинг ахлоқий-руҳий жиҳатлари турлича бўлиши кузатилади. Шу боис, уларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиш орқали ўрганиш самара беришини кўриш мумкин.

Яъни: 1) ўзига хос ахлоқий-руҳий жиҳатлари салбий бўлган фуқаролар ва бу жиҳатлар орқасидан виктимлик ҳолатининг келиб чиқиши; 2) ўзининг яхши жиҳатлари билан тавсифланувчи шахслар ва уларнинг эҳтиётсизликлар ва бошқа хусусиятлар туфайли тажовуз қурбони бўлишлари.

Биринчи гуруҳдаги жабрланувчилар, ўз хусусиятларига кўра, маиший турмушда жиноят содир этувчилар билан бир хилдирлар. Уларнинг ичкиликбозлик, худбинлик, ўзига хос примитив эҳтиёж ва қизиқишларга эга бўлиб, ўзларининг оила ва турмуш муносабатларидаги ижтимоий муҳим вазифаларни иккинчи даражага қўядилар. Уларнинг кўпчилигида турли нуқсонлар (руҳий хасталиклар, руҳий хасталикларга хос четга чиқишлар кабилар) бўлиб, муайян ҳолатларда руҳий аномалияни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги жабрланувчиларни жиноят содир этилишига мос шароитни яратувчи шахсларга киритиш мумкин. Шу билан бирга, шароит яратишда билмасликдан тортиб то тажовузкорликни қўзғатишга мойилликкача бўлган хатти-ҳаракатлардан иборат ўзига хос кенг имкониятларни вужудга келтиради. Кўп ҳолларда виктимоген ҳолат сифатида, ўз хусусиятига кўра, ҳуқуқий, лекин жабрланувчининг келиб чиқадиган оқибатларни олдиндан кўра билмасликлари боис, маиший турмуш жиноятларини содир этувчи ҳуқуқбузарнинг психофизиология хусусиятларини ҳисобга олмаслик ва бунда уни тартибга чақириш ва норозиликларни ҳақорат сифатида қабул қилишларини кўрсатиш мумкин.

Маиший турмуш жиноятларининг келиб чиқиши оқибатида эркакларга нисбатан кўпроқ аёлларнинг жабрланиши ҳисобга олинса, унда профилактик чора-тадбирларни кўпроқ аёллар ўртасида олиб бориш талаб этилади. Бу эса, умумижтимоий профилактика чораси сифатида иқтисодий ва маданий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, айниқса оила-турмуш соҳасида, эркак ҳамда аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, хафагарчиликни йўқотиш, аёлларни уйни тутишга яратилган деган қарашларга барҳам бериш каби чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Аёлларнинг виктим ҳолатларга тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тадбирларни маданий-тарбиявий тадбирлар билан боғлиқ тарзда олиб бориш ва бунда жинслар ўртасида мавжуд фикрлаш ва ўзини тутишдаги салбий иллатларни йўқотишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, инсоният тарихида жамоатчилик билан бирга яшаш ва зарур ижтимоий масалаларни биргаликда ҳал этиш муҳим ўрин тутган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Оила ва турмуш соҳасида ҳам муҳим масалаларни жамоа бўлиб ҳал этиш катта аҳамиятга эга. Шу боис, Ўзбекистонда маиший турмуш муаммоларини ҳал этишда жамоа асосида турмуш шароитини яхшилаш, ўзаро ижтимоий назоратни ўрнатиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу каби жамоа ҳамкорлигини маиший турмушда бўладиган низолар ва умуман жиноятчиликнинг олдини олишда жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу муаммони криминология нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳам долзарб бўлиб бораётганини унутмаслик лозим.

Шу каби шаҳар ва қишлоқ жойларда жамоа бўлиб иш кўришнинг янги ҳаётий жараёнлар асосида исботланган турли ҳовли тўйларини ўтказиш, ободончилик ишларида умумхалқ хашарларини ташкил этиш ва айрим оилаларга алоҳида ёрдам кўрсатиш кабиларни такомиллаштириб бориш ҳам зарур.

Бу каби ишларни ўзига хос таҳлил қилиш ва олинган натижалар асосида зарур хулосаларга келмоқ лозим. Бу борада ички ишлар органларида қайтадан ислоҳ қилинган профилактика хизматлари ва уларнинг жойлардаги ходимлари олиб бораётган фаолият етакчи ўрин тутмоғи лозим. Чунки профилактика хизматлари ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ишларига масъулдирлар ва бунда энг масъулиятли вазифа профилактика инспекторлари зиммасидадир.

Айнан профилактика инспекторлари маиший турмушда жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлайдилар ва улар билан тегишли тарбия-профилактика ишларини олиб борадилар. Шунинг асосида ишга жойлашишга ёрдам кўрсатиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан зарур бўлган ҳолларда маъмурий назорат ўрнатадилар.

Ҳозирги кунда милиция фаолиятини аҳоли билан янада яқинроқ олиб бориш мақсадида маҳалла гузарларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари ишини яхшилаш эса маиший турмушда юзага келадиган кўнгилсизликлар, турли низоларни ўз вақтида билиш ва зарур чоралар кўрилишига имкон яратишини унутмаслик лозим. Бинобарин, профилактика инспекторларининг ишларини янада яхшилаш маиший турмушда содир этиладиган барча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутишини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Маиший турмушдаги жиноятларни таърифланг ва асосий белгиларини очиб беринг.
2. Маиший турмуш жиноятларини содир этувчи жиноятчиларнинг шахсларини тавсифланг.
3. Маиший турмуш жиноятларининг сабабларини санаб ўтинг ва моҳиятини очиб беринг .
4. Маиший турмуш жиноятлари ҳолатига салбий таъсир этувчи ижтимоий омилларни санаб ўтинг.
5. Маиший жиноятчиликнинг виктимология хусусиятларини очиб беринг.

6. Ички ишлар органларининг маиший жиноятчиликнинг олдини олишдаги тутган ўрни, ҳуқуқий асослари ва профилактика ишларини олиб боришнинг усуллари ва шакллари санаб ўтинг.

7. Маиший жиноятчиликнинг профилактикаси яна қайси субъектлар, воситалар ва усуллар асосида амалга оширилиши мумкин?

XVIII боб
ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИКА
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

1-§. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган
жиноятларнинг криминалогик тушунчаси,
турлари ва тавсифи

Эҳтиётсизлик оқибатида юзага келадиган жиноятчилик ўзига хос равишда жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган ва турли ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишларни ўз ичига олган умумий тушунчадир. Криминалогия нуқтаи назаридан баҳолашда ҳам бошқа жиноятчиликка хос бўлган сифат ва миқдор кўрсаткичлари (умумий ҳолати, миқёси, тизими, динамикаси кабилар) эътиборга олинади.

Шу ўринда аксарият эҳтиётсизлик орқасидан юзага келадиган қилмишлар латент ҳолатида эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирилмаслик лозим. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятчиликнинг хавфи кўп ҳолларда бу жиноятчилик натижасида жамиятга сезиларли даражадаги зарар етказилишидир.

Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида содир этилиши билан боғлиқ ҳолда эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятчилик қуйидаги қилмишлар оқибатида рўй беради:

- 1) турмушдаги эҳтиётсизлик;
- 2) техника хавфсизлиги;
- 3) касбий эҳтиётсизлик;
- 4) мансаб вазифасини бажариш юзасидан келиб чиқадиган эҳтиётсизликлар.

Хусусан, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар сифатида йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, ушбу жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органлари етакчи ўринни эгаллаганлиги ва жиноий жавобгарликка тортилувчи қилмишнинг мавжудлигини эътиборга олган ҳолда кенгрок тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, йўл транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида келиб чиқадиган жиноятлар жиноят қонунчилигида кўзда

тутилган айбли қилмишнинг содир этилиши билан узвий боғлиқдир. Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли келиб чиқадиган оқибат эса жиноят ёки ножўя хатти-ҳаракатнинг чегарасини билдиради, яъни оқибат қандай юзага келди (жиноят қонунчилигида белгиланган ҳолатми ёки бошқа ҳуқуқий нормалар асосида белгиланганми), шунга кўра, қилмиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш айна пайтда йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўлиб ҳам ҳисобланади.

Жиноят статистикаси бўйича йўл ҳаракатлари қоидасининг бузилишидаги фақат ўлим билан боғлиқ ҳолатлар жиноят-қидирув йўналиши бўйича ҳисобга олинади, қолган барча ҳодисалар эса тегишли хизмат соҳаларига тааллуқлиги асосида ҳисобга олинади. Статистика маълумотларининг таҳлилидан маълум бўлдики, ҳар 10 минг транспорт воситасига нисбатан олинганда йўл-транспорт билан боғлиқ жиноятларнинг камаяётганлигини кўриш мумкин. Бу эса транспорт воситаларининг кўпайиши йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда кечмаслигининг ифодасидир¹⁵.

«Йўл-транспорт ҳодисаси» тушунчаси нафақат жиноят билан боғлиқ ҳодиса сифатида, балки ички тартибни бузиш, маъмурий ёки бошқа жавобгарликлар билан узвий боғлиқдир, шу билан бирга, ҳодиса йўл ҳаракати қатнашчиларининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳам юзага келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатларни рўйхатга олишнинг ягона тартиби мавжуд бўлиб, унинг асосий мақсади авария ҳолатларини, бахтсиз ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни таҳлил этиш ҳамда тегишли равишда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этишдан иборатдир.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳолда ҳайдовчилар йўл қўядиган қоидабузарликлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: белгиланган тезликни ошириш; маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш; қарама-қарши ҳаракат чизигидан ўтиб кетиш ва қувиб етиш тартибини бузиш; чорраҳа ва бошқа ўтиш жойларида галма-гал ўтиш тартибини бузиш; носоз транспорт воситаси билан йўлга чиқиш; масофа сақлаш тартибини бузиш; тартибга солиб туриш сигналларига бўйсунмаслик, йўл ҳаракати белгилари талабларини бажармаслик; одамларни ташиш қоидаларини бузиш; пиёдалар ўтадиган жойлардаги тартибга амал қилмаслик кабилар.

¹⁵ Криминология. – М., 1998. – С. 370–371.

Агар илгари ҳайдовчиларнинг мастлик туфайли йўл-транспорт ҳодисаларини содир этиши учдан бирни ташкил этган бўлса, 1999 йилдан бошлаб давлатимизнинг кўпчилик ҳудудларида бу кўрсаткич бешдан бирни ташкил этган. Бунинг ўзига хос ижобий томони сифатида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизматининг қайта тузилиши ва аҳоли ўртасида ичкиликбозликка қарши кураш бўйича зарур талабларнинг тарғиб қилиниши деб эътироф этиш мумкин.

Шундай бўлса-да, маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш ҳолатлари кейинги уч йил мобайнида бир хил миқдорда қолмоқда ва ўта муҳим ҳамда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Пиёдалар содир этадиган ҳаракат қисмининг белгиланмаган жойидан йўлни кесиб ўтиш; кутилмаганда транспорт воситалари ораси, турли иншоотлар, дарахтлар остидан йўлга чиқиб қолиш ва, энг хавфлиси, маст ҳолда йўлнинг ҳаракат қисмига чиқиб қолишлар йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омиллардир.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, умумий миқдордаги йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятлар асосан қишлоқ жойларда рўй бермоқда ва қарийб 53,6 % ни ташкил этади. Шунингдек, бу каби ҳодисалар ўзига хос оғир оқибатларни келтириб чиқариши билан ҳам ажралиб туради ҳамда унинг шаҳар жойдаги ҳодисалардан икки баробар кўплигини кўриш мумкин.

Транспорт воситаларини бошқарувчи криминоген гуруҳ сифатида асосан қишлоқ хўжалик техникаси, жумладан трактор ҳайдовчиларини кўрсатиш мумкин. Шу каби гуруҳга мансуб ҳайдовчилар айби билан тадқиқот олиб борилган бир йил давомида етти мингга яқин турли бахтсиз ҳодисалар аниқланган ҳамда ушбу миқдорнинг ҳар учтадан бири мастлик ҳолатида юзага келган.

Жиноят-қидирув йўналишида таҳлил этилганда, ўлим билан боғлиқ ҳолларни юзага келтирган қоидабузарликлар умумий миқдорнинг 2 % ни ташкил этган, шу билан бирга, бошқа хизмат соҳасидаги таҳлилга кўра, барча жиноятларнинг учдан бирини ташкил этган.

Назорат этиладиган ҳудудлардаги йўл транспорти билан боғлиқ жиноятлар умумий жиноятларнинг 6 % ни ташкил этган бўлса, шаҳар жойлардаги кўрсаткич 50 % ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ўзига хос сабаб асосида ва шароитда содир этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ жиноятларни ўрганишда асосан жиноятчининг шахсини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

2-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларни содир этувчиларнинг шахси, уларнинг криминологик тавсифи

Эҳтиётсизлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчилар, ўзига хос жиҳатларига кўра, қасддан жиноят содир этувчилардан фарқ қилади. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этувчилар шахсига қасддан жиноят содир этувчилар шахсига хос бўлган криминоген аломатлар хос эмас. Шундай бўлса-да, жамият манфаатларига эътиборсизлик, хавфсизлик қоидаларига бефарқлик, умумий интизомсизлик каби ҳар икки тоифадаги жиноятчилар учун умумий ўзига хосликни кўриш мумкин.

Шу боис, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этувчиларнинг шахсига хос бўлган жамият манфаатларига қарши туриш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, улар криминология нуқтаи назаридан мустақил тоифадаги жиноятчилар шахси сифатида белгиланиши мумкин. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этувчилар шахсида жамият манфаатларига қарши туриш ва интизомсизлик ҳислари ўзига хос равишда ажралиб туради. Ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг шахсий хусусиятларидаги салбий ўзгаришлар шунчалик кенгки, шу боис, уларнинг баъзиларини ҳуқуққа итоаткор шахслар сафида кўриш мумкин ва, шу билан бирга, уларнинг қолганларини бевосита қасддан жиноят содир этувчилар сафига киритиш мумкин.

Криминология нуқтаи назаридан йўл-транспорт жиноятларини содир этганларнинг шахсини фарқлаш, ўзига хос равишда транспорт воситасини бошқараётганларни профессионал ҳайдовчи ёки профессионал бўлмаганлиги билан ўзаро боғланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Тадқиқотлардан яхши маълумки, профессионал бўлмаган ҳайдовчилар интеллектуал шахслар бўлиб, маълумоти жиҳатидан профессионал ҳайдовчилардан юқори туради, шу билан бирга, профессионал ҳайдовчилар касбий жиҳатдан транспорт воситаларини моҳирлик билан бошқаришларини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этувчилар билан профилактика ишларини олиб боришда бунга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортилган шахслар ўртасида кўпчиликни транспорт воситаларини бошқариш учун расмий ҳуқуқи бўлган шахслар ташкил этгани ҳолда, уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини жиноий тарзда бузганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, транспорт воситаларидан хусусий ва шахсий мақсадларда фойдаланиш доирасининг кенгайиши ҳам йўлларда авария ҳолатларининг кўпайишига олиб келмоқда. Жумладан, профессионал бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши натижасида келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисалар умумий миқдорнинг қарийб 60 % ни ташкил этмоқда.

Транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни содир этувчилар таркибининг таҳлилидан маълум бўлдики, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларнинг 1,5 % ни аёллар ташкил этган. Демак, аёллар бу каби жиноятларда камчиликни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби, ҳайдовчилик касбини асосан эркаклар эгаллаганидир. Шу билан бирга, аёлларнинг транспорт воситаларини бошқаришида эҳтиётсизликка эътибор қаратилади ҳамда йўл ҳаракати қоидаларининг бажарилишида интизомга амал қилинади ва қоида бузилмаслигига риоя қилинади.

Йўл-транспорт жиноятларини содир этувчилар таркиби ёш жиҳатдан таҳлил этилганда, 18–24 ёшлилар тўртдан бир қисмини ташкил этган, 25–29 ёшдагилар ҳам тахминан шу миқдорда бўлган. 30 ва ундан юқори ёшдагилар эса йўл-транспорт жиноятларини содир этган шахсларнинг қарийб ярмини ташкил этган. Йўл-транспорт жиноятларини содир этганларнинг аксарият кўпчилиги ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадилар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар миқдори эса 3,5 % ни ташкил этган.

Ушбу жиноят бўйича рецидив ҳолат камчиликни, бор-йўғи 5 % ни ташкил этади. Бунинг умумий жиноятчиликдаги мавжуд рецидив ҳолатлардан жуда пастлиги диққатга сазовордир. Шундай бўлса-да, айрим ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишига келгусида йўл қўймасликка интилишининг камлигини ҳам кўриш мумкин.

3-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг сабаб ҳамда шароитлари

Маълумки, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли нормативлар асосида белгиланган. Шу билан бирга, «одам–автомобиль–йўл» каби умумий таркибга кирувчи йўл ҳаракатининг қанчалик мукамаллиги ва бу ҳаракатнинг қанчалик тартибга солинганлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Ушбу таркибга кирувчи ҳайдовчининг тутган ўрни ўзига хосдир. Айнан ҳайдовчининг юқори касбий тайёргарлиги, жавобгарлик масъулиятини ҳис этиши, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билиши ҳалокатларнинг олдини олишдаги муҳим омилдир.

Статистика маълумотлари асосида маълум бўлдики, кўпчилик йўл ҳаракати ҳодисалари ва шу билан боғлиқ жиноятларни асосан уқувсиз, масъулиятсиз, интизомсиз ҳайдовчилар содир этади ва бунда улар белгиланган мажбуриятларни била туриб, қасдан бузадилар ҳамда шу орқали ўз мажбуриятларини бажармайдилар (яъни, қоидага амал қилишни) ёки ўз бурчларига содиқ бўлмай, йўллардаги мавжуд вазиятни юзаки ва эътиборсизларча баҳолайдилар.

Бундай қусурлар, маълум бир тоифадаги ҳайдовчилар шахсида мавжуд бўлган ёмон тарбиянинг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Чунки шахс ёшлигидан бошлаб интизомли бўлиш, масъулиятни ҳис қилиш, атрофдагиларга ҳурмат руҳида шаклланиши лозим.

Тўғри, кўпчилик ҳайдовчиларда қонун нормаларига ҳурмат билан қараш, уларни аниқ билиш ва бажаришга доим тайёрлиги ҳамда зарур вазиятларда юқори бўлган техник малака асосида иш тутишларини кўриш мумкин. Бироқ маънавий етук бўлмаган, ижтимоий тарбиясиз хусусиятларга эга шахснинг йўл ҳаракати қоидаларини бажармаганлиги учун жазодан қутулиб қолишининг ўзиёқ атрофдагилар учун салбий таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик зарур.

Автомобиль воситаларини бошқаришдаги мажбуриятларнинг бажарилишига юзаки – менсимаслик орқали қараш – ўз ичига йўлдаги мавжуд шароитни баҳолашдаги эътиборсизлиги, йўл ҳаракати билан боғлиқ вазиятларнинг ўзгариб туришини назорат эта олмаслиги, оқибатда унинг юзага келган хавфга мос тарзда фаолият кўрсата олмаслиги кабилар орқали ифодаланади. Шу каби вазиятларда кеч бўлса-да, тўғри қарорга келиб, зарур чоралар кўрилади ва хавф бартараф этилади ёки нотўғри қарорга келинади, оқибатда қонун бузилади.

Тўғри, йўл ҳодисалари билан боғлиқ вазиятларни аниқ ва тўғри баҳолашга объектив томондан вақтнинг тиғизлиги, об-ҳаво таъсирида кўриш масофасининг камлиги кабилар таъсир этишини ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, вазиятни баҳолашда шахснинг руҳий хусусиятлари ва шахсий ҳолати ҳам муайян ўрин тутишини билиш лозим. Йўлдаги мавжуд қийин вазиятдан чиқиб кетишда эса, аввало, ушбу вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳоламаслик, руҳиятдаги беқарорлик ёки аксинча боқибеғамлик тез ва тўғри қарор қабул қилмаслик оқибати бўлиши мумкин.

Вазиятни тўғри англаш ва зарур қарорга келишда шахснинг ҳаяжонланиши, бетоблиги ёки чарчаганлиги ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Пиёдалар айби билан содир бўлган йўл-транспорти жиноятлари ва бошқа ҳодисаларнинг субъектив сабаб ва шароитлари айнан ҳайдовчилардагидек хусусиятларга эгадир.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларининг содир бўлишига техник, ташкилий-бошқарув ва ташкилий-ҳуқуқий мазмундаги айрим объектив омиллар ҳам таъсир этади. Йўл ҳаракати ҳодисаларини техник жиҳатдан салбий таъсир этувчи шароитлар жумласига автомобиль йўлларининг талабга жавоб бермаслиги ва бунда автомобилга бўлган эҳтиёжнинг ўсаётганлиги эътиборга олинмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Хусусан, ҳозирги кунда катта магистрал кўчаларнинг транспорт воситаларини ўтказиш қувватининг камлиги, йўл устки қатламининг сифатсизлиги, талаб даражасида ёритилмаганлиги турли бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Йўлнинг сифати пастлиги оқибатида юзага келадиган йўл-транспорт ҳодисаларининг нисбати барча йўл-транспорт ҳодисаларининг 12,6 % ни ташкил этади.

Шу билан бирга, бир қатор транспорт воситалари тузилишига кўра камчиликларга ҳам эгадир ва оқибатда улардан фойдаланишда хавфсизликни тўлиқ таъминлаш имконияти мавжуд бўлмайди, яъни бу каби транспорт воситалари пассив хавфсизлик қурилмалари (хавфсизлик белбоғи, амортизация мосламаси кабилар) билан жиҳозланган эмас.

Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишдаги салбий ҳолатларни ташкилий-бошқарув соҳасидаги омил сифатида тушунмоқ лозим. Масалан, баъзан ҳеч бир заруратсиз ва керак бўлмаган жойларда йўл белгилари ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Автотранспорт воситаларига техник ёрдам кўрсатиш ва уларни таъмирлашни ташкил этишдаги камчиликлар эса транспорт воситасидан носоз ҳолда фойдаланишга олиб келади. Бу эса йўлларда бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига бевоқиф таъсир этади.

Шунингдек, профессионал ҳайдовчилар сафини ташкил этиш ва тайёрлашда ҳам камчиликлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Ҳолбуки, ҳозирги кунда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг кескин ошаётганлиги бу соҳада етук касб эгалари бўлишни талаб этади.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий шароит ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Бунда йўл ҳаракатлари қатнашчиларининг зарур тартиб ва қоидаларни ўз вақтида ўрганмасликлари ёки умуман билмасликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Баён этилганлар билан бир қаторда, ҳозирги кунда йўл ҳаракатларининг тез суръатлар билан кенгаётганлиги бу соҳада назорат ва тартибга солиш ишларининг юқори даражада бўлишини талаб этмоқда. Айрим ҳолларда тезликни оширган ва маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган шахслар аниқланмайди ва жавобгарликка тортилмайди.

Табиийки, жазоланмаслик ҳуқуқбузарликнинг янада ривожланишига олиб келишини унутмаслик лозим. Шу боис, йўл ҳаракатларини мувофиқлаштириб турувчи норматив ҳужжатларни доимий равишда такомиллаштиришга ҳам эҳтиёж сезилаётганлигини кўриш мумкин.

4-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирлар

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мураккаб ва кўп тармоқли вазифадир. Шу боис, йўл ҳаракати ҳодисалари ва йўл-транспорт жиноятларининг олдини олиш ўзига хос равишда атрофлича ёндашувни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш фаолияти айна пайтда йўл-транспорт жиноятларининг ўсиши ёки камайиши (динамикаси)га таъсир этади ва ўзаро узвий боғланишдадир.

Зотан, ҳар икки ҳолатда ҳам асосий фарқ улар ўртасидаги оқибат билан белгиланса-да, қоидабузарлик аслида айнан бирдек бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам йўл ҳаракати ҳодисаларини ва йўл-транспорт жиноятларининг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирлар сифат жиҳатидан бирдек бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат тизими асосида амалга оширилмоқда ва кўп тармоқли ҳолда давлат органлари, ташкилотларнинг шаклланган тизимида иштирок этувчиларнинг ҳар қайсиси ўз ваколат доираларидан келиб чиққан ҳолда, йўл-ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш, қолаверса, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш борасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ушбу тизимда эса энг масъулиятли орган ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизматидир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг марказий ва жойлардаги бўлим ва бўлинмалари куйидаги вазифаларни бажарадилар: транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш; йўл тармоқларига кирувчи таркибий қисмларни таъминлаш ва назорат қилиш; транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат этиш; автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш; йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш ва сабаб ҳамда юзага келтирган шароитларни таҳлил этиш ва, шу билан бирга, бартараф этилишини таъминлаш; қонунбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тарзда чора кўриш; тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш кабилар.

Ушбу хизмат фаолиятини тавсифлаш орқали айтиш мумкинки, унга хос бўлган барча вазифалар, ўз хусусиятларига кўра, бошидан охири-

гача профилактика фаолияти билан узвий боғлангандир, бинобарин, бу хизмат соҳасининг асосий мақсади ҳам биринчи навбатда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўз фаолиятлари давомида йўл ҳаракатларини мувофиқлаштириш билан бир қаторда, йўл ҳаракати қондасининг бузилмаслигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади ва транспорт ҳаракатининг бир маромда ишлашига имкон туғдирилади. Энг муҳими, ҳар бир ҳаракат катнашчисининг интизомга риоя этиши йўлга қўйилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати ходимларидан қарийб 70 % йўл-патруль хизматини (ЙПХ) амалга оширадилар ва уларнинг асосий вазифалари йўл ҳаракатидаги тартибни мунтазам назорат этишдан иборатдир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати фаолиятида амалга ошириладиган профилактика ишларидан бири транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилишдир. Ушбу профилактика ишлари эса қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир, яъни: автотранспорт корхоналари (шу жумладан, хусусий секторда ҳам)да транспорт воситаларининг техник жиҳатдан талаб даражасида бўлишини назорат қилиш; кўча ва йўлларда назорат тариқасида у ёки бу транспорт воситасини техник ҳолатини текшириш; транспорт воситаларининг авариясиз ишлашини таъминлашни назорат қилиш, турли йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш кабилар.

Ушбу хизмат соҳасининг йўлларнинг умумий ҳолатини назорат этиши ва созлигини таъминлаши ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки йўлнинг ҳолатини таъминлаш турли ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олишдаги муҳим омилдир.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятида йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритиш ва сабаб ҳамда шароитларини таҳлил этиш катта аҳамиятга эгадир. Агарда ҳисобга олиш ва таҳлил этиш қанчалик яхши йўлга қўйилса, профилактика тадбирларини ўтказиш ҳам яхши самара беришини унутмаслик лозим.

Авария ҳолатларининг юзага келиш ҳолатларини йил вақтлари ва куннинг қайси пайтларида бўлишини; ҳафтанинг қайси кунлари; қайси жойларда бўлиши; қайси автотранспорт воситалари билан боғлиқ ҳолларда юзага келишини таҳлил этиш ва билиш катта аҳамиятга эгадир.

Айнан шу каби таҳлиллар асосида нафақат сабаб ва шароитни билиш мумкин, балки аниқ мақсад сари йўналтирилган ва самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон яратилади. Шу ўринда алоҳида эътибор йўл-транспорт ҳодисасидан жабрланганлар

тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига қаратилиши ҳам талаб этилади. Бу ҳам зарур профилактика ишларини олиб боришга ёрдам беради.

Тарғибот-ташвиқот ва ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам, ўз хусусиятларига кўра, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва кенг аҳоли ўртасида ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: қонунчиликни тушунтириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳукумат чиқарган ҳужжатлар билан таништириш, фуқароларни содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларнинг сабаб ҳамда шароитлари ва оқибатлари хусусида хабардор қилиш, шунингдек ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида маълумотлар бериш.

Бу каби тадбирлар оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение) орқали берилиши ёки оғзаки (маъруза, суҳбат, маслаҳатлар уюштириш) тарзда ташкил этилиши мумкин, шунингдек кўرғазмали воситалар (плакат, эслатмалар, ахборотномалар) орқали ҳам аҳолига етказилиши мақсадга мувофиқдир. Йўл ҳаракати қатнашчилари (ҳайдовчи, йўловчи, пиёдалар) ўртасида тарбия-профилактика ишларини ташкил этишнинг ўзига хос шакллари бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги бўйича кўрсатувлар, махсус операция ва рейдлар, конкурс ва кинофестиваллар, ташвиқотга бағишланган турли чиқишларни ташкил этиш ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларининг олдини олишдаги ташкилий, техник ва тарбиявий чора-тадбирлар билан бир қаторда, ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизматларига ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий чораларни қўллаш ваколатлари ҳам берилган. Қоидабузарларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланиши йўл ҳаракати қатнашчиларининг (ҳайдовчи, йўловчи, пиёда) ҳар бирига, шу жумладан барча аҳоли ўртасида учрайдиган тартиббузарларга ҳам профилактик таъсир ўтказишда катта ёрдам беради.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати олиб борадиган профилактика ишларида жамоатчиликнинг иштироки ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу хизмат амалга оширадиган йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларининг олдини олишда халқ посбонларининг иштирок этишини таъминлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар турли вазифаларни, масалан, Йўл ҳаракатлари қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, ушбу Қоида талабларини тарғиб қилиш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетган ҳайдовчиларни қидириш, олиб қочилган транспорт воситаларини қидириш кабиларни бажаришлари мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати ўз фаолиятини олиб боришда ички ишлар органларининг бошқа хизмат соҳалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади. Хусусан, жиноят-қидирув хизмати ходимлари ва тергов органлари билан биргаликда ўғирланган ёки олиб қочилган транспорт воситаларини қидириб топиш чоралари кўрилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йўл-транспорт ҳодисалари ва жиноятларининг олдини олишда тергов органлари ўзига хос ҳисса қўшадилар, яъни улар жиноят-процессуал қонуни асосида берилган ваколатлар доирасида муайян жиноят ишлари бўйича аниқланган сабаб ва шароитларни бартараф этиш учун тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тавсияномалар берадилар. Тергов органларининг аҳоли ўртасида маъруза ва суҳбатлар ўтказишлари ҳам муҳим профилактика чораси бўлиб ҳисобланади ва шу орқали жиноят қонунчилиги асосида йўл-транспорт жиноятлари тўғрисида зарур тушунчалар баён этилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятчиликнинг криминологик тушунчасини беринг.
2. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг турларини санаб ўтинг ва ҳар бирини таърифланг.
3. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикасини тавсифланг.
4. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этувчиларнинг шахсини тавсифланг.
5. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг асосий сабабларини кўрсатинг ва тавсифланг.
6. Профилактика муаммоларини ҳал этиш мақсадида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятчиликнинг олдини оловчи субъектларни санаб ўтинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.
7. Ички ишлар органларининг эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятчиликларнинг олдини олишда амалга оширадиган профилактика ишларининг усуллари ва шаклларини санаб ўтинг.
8. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятчиликлар миқдорининг камайишига таъсир этувчи ижтимоий чораларни қўллашдаги асосий хусусиятларни баён этинг.

XIX боб
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА
«ВИКТИМОЛОГИЯ» ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ИЛМИЙ
БИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**1-§. «Виктимология» тушунчаси ва жиноятларнинг сабаб
хамда шароитларини бартараф этишда виктимология
нуқтаи назаридан ёндашиш**

Криминология фанида жиноятчиликдан жабрланганлар, яъни жиноят қурбонлари тўғрисидаги таълимот «виктимология» (лотин тилидан «victima» – яъни, жабрланган, жабрланувчи ва «logos» – таълимот) деб эътироф этилган. Таъкидлаш жоизки, виктимология, ўз мазмунига кўра, нафақат жиноятчилик натижасида жабрланганларга етказилган зарарни ўрганади, балки бахтсиз ҳодиса, табиий офат, уруш, геноцид, давлатнинг нотўғри сиёсати оқибатида юзага келган жабрланишларни ҳам ўз ичига олади.

Криминологияда ушбу тушунча тор маънода, яъни фақат жиноий хатти-ҳаракатлардан жабрланганларга нисбатан қўлланилади. Ҳеч шубҳа йўқки, криминология нуқтаи назаридан жабрланувчиларни тадқиқ этиш мумкин ва, шу билан бирга, атрофлича ўрганиш лозим. Агар жиноят оқибатида жабрланувчига турли қилмишлар натижасида (моддий, ижтимоий, жисман, руҳий, маънавий каби) жабр етказилишини фан тилида аксиома деб қабул қилсак, унда жиноят қурбонлари деб жиноят қонунчилиги асосида қўриқланадиган турли объектлар ва ижтимоий қадриятларни ўзида жамлаган муносабатлар тизимини тушунишимиз мумкин.

Демак, жиноят қурбони: муайян шахс, кишилар жамоаси, жамият, давлат ва ҳатто халқаро ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, жиноят қурбонлари сифатида қотиллик содир этган шахснинг оила аъзолари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига ёрдам берган шахсни ҳам кўрсатиш мумкин. Ҳатто жиноятчининг ўзи ҳам ўз жиноий хатти-ҳаракатларининг қурбонига айланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизликлар, гуруҳий безориликлар кабиларда).

Айнан жиноятдан жабрланганларнинг жиноят содир этилишига алоқадорлиги хусусидаги фикрларнинг юзага келиши ҳозирги кунда янгилик эмас. Зеро, бу ҳақдаги дастлабки яратилган илмий хулосалар

XVIII асрда юзага келган. Масалан, классик ҳуқуқшунослик намояндаларидан бири Меремия Бентам (1748–1832) жиноят қонунчилигига жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш ва шу орқали жиноят содир этувчиларнинг муайян жиноий мақсадлардан ўзларини тийишга олиб келишини таъминлаш мақсадида зарур моддалар киритилишини таклиф этган. Ушбу таклиф асосида аҳолини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни кучайтиришни позитив ҳуқуқ нуқтаи назаридан Раффаэль Гарофоло ҳам ёқлаган (1852–1934). Немис криминолог олими Сара Моржори Фрейнинг (1894–1958) жиноятчи ва жабрланувчиларни яраштириш муаммолари билан шуғулланлиги ҳам тарихдан яхши маълум.

Жиноятлардан жабрланганлар муаммосини ўзига хос омил сифатида ўрганиш эса XX асрнинг биринчи ярмида янада жонланди. Илмий адабиётда бу немис олими Ганс фон Гентинг номи билан боғланган. Бунга асос сифатида унинг 1948 йилда чоп этилган «Жиноятчи ва қурбон» деган асари кўрсатиб ўтилган. Ганс фон Гентинг бу асарида жабрланувчини жиноятнинг юзага келишидаги асосий омил деб кўрсатган. Шу билан бирга, у жиноятчиликнинг жабр етказувчи шахс ва унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат эканлигини таъкидлаган.

Шунингдек, у жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида жиноятчи ва жабрланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни типларга ажратишни ва бу ҳолат жиноятлар билан узвий боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлаган. Шунга кўра, олим нафақат жиноятнинг содир этилишини таҳлил қилишни, балки келгусида қурбонлар кимлар бўлиши мумкинлиги ва ҳатто латент жиноятлар ҳолатини ҳам башорат этиш мумкинлигини ҳисобга олади.

Таъкидлаш жоизки, виктимология криминологияга оид муаммо сифатида ҳали ҳам аксарият криминология дарсликларида ёки ўқув қўлланмаларида ўз ўрнини топмаганлигини кўриш мумкин. 1994 йили Москва давлат университетиде яратилган криминология дарслигида ҳам бу муаммо четлаб ўтилган ва виктимология муаммолари бор-йўғи уч қаторда қайд этилган, холос.

Криминология фанида муҳим бўлган ва жиноятнинг содир этилишида жабрланувчининг тутган ўрнини илмий жиҳатдан билиш жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга эканлигини асло унутмаслик зарур.

Криминологияда жиноятдан жабрланганларни ўрганиш аниқ мақсад сари йўналтирилган бўлиб, жиноят қурбонининг айрим жиноятларнинг юзага келишида тутган ўрни тадқиқ этилади. Шунинг учун биринчи навбатда унинг шахси тўғрисидаги зарур маълумотлар, айниқ-

са жиноятнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ўзини тутиши атрофлича ўрганилиши лозим.

Жабрланувчи, яъни жиноят қурбонини ўрганишда шахснинг қайси хусусиятлари орқасида у ёки бу тарзда ўзини тутишининг юзага келганлиги ва жиноятчининг бундан жинойий мақсадларда фойдаланишини ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, жабрланувчининг шахси ва унинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш криминологияда ҳам, шу билан бирга, турмуш билан боғлиқ турли вазиятларда ҳам муҳим ўрин тутиши эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Шу билан бир қаторда, жабрланувчининг шахси ва хатти-ҳаракатлари жинойий қилмишни амалга оширишга тайёрланишдан олдин, жиноятни амалга ошириш вақтида ва жиноятчиларнинг қайта жиноят содир этишлари (рецидив)да ҳам алоҳида ўрин тутди. Жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш қурбонлар билан боғлиқ ва уларга қарши қаратилган қасд, унинг сабабларининг латент бўлиб қолиш ҳолатларини ўрганишга ҳам ёрдам беради ва шу орқали жабрланувчиларнинг жиноят тўғрисида тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахсларга хабар бермаганлигининг асл моҳиятини билишга ҳам имкон яратади.

Баён этилганларга кўра, жиноят оқибатида жабрланганлар шахси ва ўзларини тутишлари билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни тадқиқ этиш учун криминологияда жиноят қурбонларининг асосан қуйидаги йўналишига амал қилинади:

а) жиноят қурбони ва жиноятчи ўртасидаги муносабат ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси;

б) жиноятни содир этишда сабаб ва шарт-шароитни юзага келтириш билан боғлиқ ҳолда, жиноят қурбонларининг шахси ва ўзини тутиши;

в) муайян ҳаётий вазиятларда жабрланувчининг ўзини тутиши оқибатида жиноятнинг юзага келиши;

г) жиноят содир этилганидан сўнг (айниқса, рецидив жиноятларни ўрганишда) жабрланувчининг шахси ва унинг ўзини тутиши;

д) латент жиноятчиликнинг юзага келишида жабрланувчининг шахси ва хатти-ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятлари.

Санаб ўтилганларнинг эътиборга олиниши криминологияда виктимология муаммоларини ўрганишга кенг имкониятлар яратади.

2-§. Виктим ҳолатлар ва уларнинг таснифи

Криминология нуқтаи назаридан виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Зотан, айнан «виктимлик»

тушунчаси фанда ўзига хос равишда талқин этилганини кўриш мумкин. Жумладан, ўтган асрнинг охирларида Л. В. Франк берган таърифга кўра, у «одамнинг юқори даражадаги қодирлиги» ҳисобланади ва ўзига хос равишда, шахснинг ижтимоий ўрни, жисмоний ва маънавий сифатларига кўра, маълум бир вазиятларда «жабрланувчи бўлиб қолишидир», яъни шахснинг у ёки бу вазиятдан чиқа олмаслиги виктимликни келтириб чиқаради.

В. П. Полубинский эса Л. В. Франкнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, одамнинг бу каби «қодирлиги»ни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлади: «индивидуал», «шаклан», «гуруҳий» ва «оммавий».

«Индивидуал» виктимлик муайян шахснинг у ёки бу хусусиятларига (ижтимоий, биофизиологик ёки руҳий) кўра, маълум бир ҳаётий вазиятларда жиноят содир этиши ва маълум миқдорда жабр кўришининг юзага келишидир.

«Шаклан» эса, шахснинг «тутган ўрнига кўра» муайян вазиятларда маълум бир жиноятлар (масалан, босқинчилик, номусга тегиш кабилар) оқибатида жабрланишидир.

«Гуруҳий» виктимлик маълум тоифаларга кирувчи одамларга хос бўлган, ўзаро ўхшаш ижтимоий, демографик, руҳий, биофизиологик ва бошқа сифатларни ўзида акс эттириши билан фарқланадиган виктимликдир. Бу каби виктимликда «юқори даражадаги қодирлиги» туфайли жабрланувчи бўлиб қолишида, таъкидланганидек, маълум бир тоифадаги (инкассаторлар, қоровуллар, такси ҳайдовчилар каби)ларнинг жабрланишини кўриш мумкин.

«Оммавий» виктимлик эса, аҳолининг маълум бир қисми учун объектив ҳолатларда ўзларининг субъектив хусусиятларига кўра жисмоний, ахлоқий ва моддий жиҳатдан жиноятлардан жабрланишларидир.

Санаб ўтилган виктимлик ҳолатларида асосий омиллардан бири бўлиб, жабрланувчининг муайян хусусиятлари хизмат қилади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, шахснинг виктимлик ҳолатига тушиб қолишига нафақат субъектив хусусиятлар, балки бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Шу билан бирга, биз қўллаётган «қодирлиги» сўзи шахс ҳолатини тўлиқ ифодаламаслиги ҳам мумкин. Қайси ҳолатда бўлмасин, шахснинг муайян вазиятларда жабрланувчи бўлиб қолишини идрок этиш катта аҳамиятга эгалигини унутмаслик даркор.

Илмий адабиётда виктимликнинг асосан икки турга бўлиниши қайд этилган, булар: умумий (шахснинг ёши, жинси, фаолият йўналиши, ижтимоий мавқеи кабилар) ва махсус (шахснинг руҳиятидаги беқарорлик; алкогольли ичимликларга мойиллиги, иродаси ва эхтирослари)

кабилар. Амалий тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар ҳар икки ҳолат бир пайтда мавжуд бўлса, виктимлик янада оғир кечиши мумкин.

Виктимологияни криминология нуқтаи назаридан тадқиқ этишни жиноятларнинг тур (гуруҳ)лари асосида олиб бориш зарарлигини кўрсатмоқда. Бу каби тадқиқотлар виктимлик ҳолати хусусида зарур маълумотларга эга бўлиш, виктимликни юзага келтирувчи омиллар, виктимлик билан жиноийликни ўзаро боғлиқликда ўрганиш ва билиш ҳамда шулар орқали жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, алоҳида турдаги ва гуруҳдаги жиноятларни атрофлича ва тез суратларда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин. Шу боис, фанда ўзига хос бўлган икки йўналишдаги масалани ҳал этишга дуч келинмоқда.

Биринчидан, жиноят қурбонлари кимлар бўлиши мумкинлиги муаммосига бўлган қизиқишнинг катталигини кўриш мумкин. Бу масаланинг ҳал этилиши нафақат билимга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш билан, балки энг виктим ижтимоий гуруҳларни аниқлаш билан узвий боғлиқдир.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, энг виктимлик ҳолатига тушувчилар ичида аёллар – фирибгарлик ва уриш-қийнаш жиноятларида; эркаклар – қотиллик ва оғир тан жароҳатларини етказишда кўпроқ учрайди. Бу аёллар ва эркакларнинг ижтимоий мавқе, уларнинг турмуш тарзи ва маиший ҳаётдаги ҳолатлар билан узвий боғлиқдир.

Куч ишлатиш ва зўравонлик жиноятлари билан боғлиқ жиноятларнинг қарийб ярмида жиноят қурбонлари асосан қариндошлар ва яқин танишлар бўлиб, кўпроқ безорилик, қотиллик ва оғир тан жароҳатларини етказишда кузатилади. Номусга тегиш жиноятлари эса бегоналар ва яхши таниш бўлмаган (ёки тасодифан топишиб қолган) шахсларга қаратилганини кўриш мумкин.

Иккинчидан, энг муҳим масала жабрланувчи бўлиб қолишга таъсир этувчи ҳолатлар ҳисобланади ва у виктимологияда етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ушбу масалани тўғри ҳал этмай туриб, бундай ҳолатнинг олдини олишнинг имкони бўлмайди.

Шунингдек, ушбу масалани ҳал этишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: жабрланувчининг жабрланувчи бўлишини даставвал жиноятчилар белгилайдилар. Тўғри, ҳар доим ҳам жиноятни содир этиш учун жиноятчи айнан жабрланувчини таъқиб қилиши ва жиноий қасд қилиши мумкин эмас.

Бироқ бу каби ҳолат жуда кўп жиноятларнинг содир этилишида кузатилади. Уни билиш амалий жиҳатдан жиноятчиларнинг ўз қурбон-

ларини қидиришлари мавжудлигини аниқ билиш, асосан, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва олдини олиш, шу билан бирга, жиноятни иссиғида очишга ёрдам беради.

Айрим жиноятларни содир этишдаги жабрланувчиларнинг беҳосдан юзага келиши кўриб ва била туриб содир этиладиган жиноятлар билан узвий боғлиқдир. Масалан, безорилик жиноятининг содир этилишида жабрланувчи кўп жиҳатдан номусга тегиш жиноятидаги жабрланувчига нисбатан камроқ ҳолларда беҳосдан жабрланади. Аксинча, шу каби вазиятларда фирибгарликдан жабрланиш номусга тегиш жиноятига нисбатан камроқ ҳолларда беҳосдан юз бериши мумкин.

Жиноятлардан жабрланишдаги беҳослик (ёки беҳос бўлмаган) омили жиноятчининг жиноят содир этиш усули, унинг «касбий маҳорати» кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жиноятчилар ўз қурбонларини танлашда ўзига хос белгиларга эга, яъни: кўп миқдордаги бойликларнинг бўлиши, белгиланган жабрланувчининг жиноят содир этиш ҳолати, ташқи хусусиятлари («лакмаларни» топиш), ёши, ҳаётий тажрибаси, қизиқиши ва мойиллиги, ўзига хос жиҳати (ичкиликка мойиллиги, ишонувчанлиги кабилар).

Жиноятчининг ўз қурбонини белгилаши ёки топиши ўзига хос муҳим омилдир, лекин виктимликнинг юзага келишида ягона деб бўлмайди. Виктимликнинг келиб чиқишида, жабрланувчининг ўзини тутишда қандай тоифадаги шахсий хислатларга эгаллиги ҳам муҳим омилдир. Юқорида баён этилганидек, жабрланувчиларнинг жиноят содир бўлгунича, жиноят содир этилаётганида ва жиноят содир этилганидан кейинги хусусиятларининг ҳар бирини алоҳида тушунмоқ лозимдир.

Жумладан, жиноят содир этилишигача бўлган даврда жабрланувчининг шахсига хос белгилар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) салбий хатти-ҳаракатлари билан ўзгалар эътиборини тортиш ва ўзгаларнинг жиғига тегиш. Бунда шахс турли криминоген вазиятларнинг келиб чиқишига ўзи сабабчи бўлади;

б) фаол: бунда шахс криминоген ҳолатни келтириб чиқармаса-да, ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг юзага келишига имкон яратади;

в) пассив: бунда қурбон юзага келтирган вазият камаҳамиятли бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса, у фақат жиноят бошланишидан олдинги хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда жабрланади. Яъни, у жиноят содир этилаётган пайтда жабрланади.

Жабрланувчининг жиноят содир этилаётган пайтдаги хатти-ҳаракатларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

а) ҳуқуқбузарликлар содир этиш ниятида бўлган шахс учун қулай хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши;

б) жабрланувчининг жиноятчининг жиноий мақсадига этиши учун зарур имкониятга хос бўлмаган (нейтрал) хатти-ҳаракатларни содир этиши;

в) жабрланувчининг хатти-ҳаракатларида жиноий мақсадга этиш учун имкон бермаган катта-кичик тўсиқларнинг мавжуд бўлиши кабилар.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: жабрланувчига хос бўлган ўзгалар эътиборини тортиш ва имконият берувчи хатти-ҳаракатларни қандай тушунмоқ лозим?

Одам ўлдириш жиноятларида бу шахснинг уятсиз қилиқлари, айбдорнинг эҳтирослари ва ўзини салбий тутиши кабилар.

Маълумки, одам ўлдириш жиноятларида юзага келадиган қасд асосан жисмоний тазйиқ ўтказилаётганда, калтаклашда, менсимасликда, ҳақорат қилишда, қўпол ва раҳмсизларча қилинадиган муносабатларда, оғир моддий аҳволда қолдиришда вужудга келиши мумкин.

Номусга тегиш жиноятида эса жабрланувчининг калтабинлиги ва уятсиз хатти-ҳаракатлари оқибатида жиноятчиларда жинсий майл юзага келади ҳамда ўзида суҳбатдошим жинсий яқинликка мойил деган фикрнинг шаклланишига олиб келади, бошқача айтганда таваккалчилик вазиятини юзага келтиради. Шунингдек, жабрланувчининг кучсизлиги ёки ёрдамга муҳтожлиги ва ўзини ҳимоя эта олмаслик каби вазиятларнинг мавжудлигини эътиборга олиш лозим.

Кўпинча қасддан содир этиладиган жиноятларда жабрланувчининг калтабинлиги ёки уятсиз хатти-ҳаракатлари, ўз мулкини сақлашдаги юзакилик, танишлар орттиришда одам ажрата олмаслиги, ҳаддан ташқари шубҳали «дўстларга» ва бегоналарга ишонувчанлиги, ичкилик ичиш, қимор ўйнаш, жабрланувчи мулкига тажовуз қилиш мақсадидаги шахслар билан жинсий алоқа қилиш каби вазиятларнинг мавжуд бўлганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жиноятларни содир этишда жабрланувчиларнинг «нейтрал» хатти-ҳаракатлари ҳам сезиларли ўрин тутди. Бундай ҳолат қурбоннинг зарур жисмоний ҳаракатсизлиги оқибатида юзага келади. Бунда ҳужумнинг кутилмаганда ва тез бўлгани сабабли, шахс ўзини ҳимоя қилиш учун бирор-бир чора кўришга улгурмаслиги (шахсга қарши жиноятларда) мумкин, шунингдек айбдор томонидан аниқ хавф бўлганида ҳаддан ташқари кўрқув ҳолатида ўзини ҳимоя эта олмаслиги кузатилади (одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик кабиларда).

Шу билан бирга, у ёки бу жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қарши туриш ҳолати мавжудлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Бунда қарши турган муайян жабрланувчи жамият учун хавфли қил-

мишга йўл қўймаслик ва бартараф қилишнинг зарур чораларини кўради. Бундай чоралар сифатида махсус чора (масалан, қўриқлаш воситаларини қўллаш) ёки фаол чора (жисмоний қарши туриш, ғайриқонуний талабларга бўйсунмаслик каби), шунингдек пассив қаршилик (хавфдан қочиб қолиш)ларни кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, жиноятчиларга фақат 25 % жабрланувчилар қарши турганлар, тўртдан уч қисм жабрланувчилар эса пассив ҳаракатда бўлганлар. Жиноятчиликдаги виктимлик ҳолатидаги жабрланувчиларнинг жиноят содир этгандан кейинги хатти-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан яхши маълумки, кўпчилик вазиятларда жабрланувчилар бўлиб ўтган жиноятлар тўғрисида тегишли органларга хабар бермайдилар.

Криминология нуқтаи назаридан қаралганда, бу ўзига хос равишда жиноятчиларнинг ўз жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттиришларига зарур бўлган шароитни юзага келтиради. Шу боис, жабрланувчиларнинг жиноят тўғрисида хабар бермаслигининг асл мақсадини билиш катта аҳамиятга эга.

Бу борада таҳлил этилган сўров (эмпирик) материалларининг таҳлилидан маълум бўлдики, жабрланувчиларнинг ўзларини бундай тутишлари: жиноятчи билан ўзаро дўстона муносабатнинг мавжудлиги, расмий жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари билан дуч келишни, «ўз айбини» дўстлари ва душманлари олдида ошкор қилишни, тажовуз бўлганлигини ошкор қилишни, оиланинг бузилишини истамаслиги, айбдор билан ўзи «ҳисоб-китоб қилиши», ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг жиноятни очишига ишончсизлиги, қариндошлик ҳисси, тажовуз қилган шахсдан қўрқиш ва шу орқали ўзини қурбон қилиш, бўлиб ўтган воқеаларда ўзини айбдор деб ҳисоблаш, содир этилган айбни тўғри англамаслик кабилар билан узвий боғлиқдир.

Кўриниб турибдики, санаб ўтилган ҳар бир ҳолатни баҳолаш ва таснифлаш, шу асосида виктимология башорати ва виктим ҳолатларнинг олдини олиш тизимини яратиш ҳозирги кунда фан олдида турган муҳим вазифадир.

Жабрланган шахсларнинг содир этилган жиноятлар тўғрисида тегишли органларга хабар бермаслиги қуйидагича бўлиши мумкин: а) ғайриқонунийлиги (жиноят қонунчилигида қайд этилганидек – жиноят тўғрисида хабар бермаслик); б) уятсиз бўлиши; в) нейтрал – киши ўзининг жиноятдан жабрланганлигини билмаслиги кабилар.

Бу эса жабрланувчиларнинг жиноят содир этилганидан сўнг ўзларини қандай тутганликларини керакли йўналишда баҳолашга ёрдам

беради. Айнан шу каби ёндашув жабрланувчиларнинг жиноятдан кейин ўзларини тутишларидаги истаклари нималарда намоён бўлганини билиш орқали вазиятни бирдек баҳолаб нотўғри хулоса чиқаришга йўл қўймайди.

3-§. Криминология фанида виктимлик ҳолатларининг олдини олишдаги асосий вазифалар

Виктимология тадқиқотларини олиб бориш асосида олинган хулосалар жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда жиноятчилик орқасида юзага келувчи салбий оқибатларни баҳолашда муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Зотан, виктимология истиқболлари ҳозирги кунда етарлича баҳоланмаганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳатто амалиёт нуқтаи назаридан жабрланувчиларга оид расмий маълумотларни алоҳида олиб бориш бўйича статистика ҳисобларини юритишнинг йўлга қўйилмаганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, жинойий-ҳуқуқий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштиришда, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур қонун ҳужжатларини яратиш, жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам жабрланувчилар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи нормаларни такомиллаштириш амалий жиҳатдан долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки шу орқали жабрланувчиларнинг ўзларини тутиши ва шахсини баҳолаш имконияти юзага келади.

Биз кўриб чиқаётган жабрланувчиларни криминология нуқтаи назаридан ўрганишда ҳам ҳозирги кунда, баён этилганидек, зарур илмий тавсиялар яратилган. Хусусан, виктимологиянинг асосий мақсади ҳам жабрланувчининг шахсини ўрганиш орқали жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўлган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Албатта, виктимология тавсиялари асосида яратиладиган чора-тадбирлар мажбурий ва тавсиявий шаклларга бўлинади. Ҳар икки гуруҳга кирувчи чора-тадбирлар ўз вақтида умумий, гуруҳий (махсус) ва индивидуал қўлланиши билан ҳам фарқланади.

Умумий чоралар, гуруҳий ва индивидуал чоралар каби, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ўзларини тутишда виктимлик ҳолати мавжуд бўлган (айниқса, провокация қилиш) шахслар билан қонун асосида белгиланган зарур тадбирларни олиб боришни ўз ичига олади ва бунда улар асосий эътиборни ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар; мансабдор шахс ва ўз вазифаларини бажармаган ота-оналарга қаратадилар.

Тавсиявий чоралар зарур ҳолларда қўлланишни кўзда тутаяди. Яъни: 1) муайян ёши, иш жойи, баъзиларнинг яшаш жойи, касбий ва турмуш

жараёнида ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган вазиятларда ўзини тута олишига кўра гуруҳларга ажратилганларга бериладиган тушунтириш (эслатма)лар; 2) ўз мулкни ўғрилар, босқинчилар ёки фирибгарлардан сақлаш учун белгиланган қоидаларни тушунтириш; 3) жиноятчилар билан тўқнаш келганда энг қулай ҳаракатлар қилишни тушунтириш, шу ўринда кимга мурожаат этиш учун аниқ манзил ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тартиблари (навбатчилик қисми, ишонч телефонлари каби) ҳам тушунтирилиши лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, латентлик ҳолати нафақат жиноятчилик, балки виктим ҳолатларга ҳам тааллуқлидир (масалан, тадқиқотлардан маълум бўлдики – уй-жойлардан бошқа жойларда содир этилган ўғрилик, безорилик, баъзи иқтисодий жиноятлар бўйича 90 %, уриш-қийнаш ва номусга тегиш бўйича 80 % ҳолатларни кўриш мумкин), шундай экан, профилактикага оид чора-тадбирлар биринчи галда айнан шу латентлик ҳолатини имкон даражасида камайтириш ёки жиноятчиликдаги умумий латентликнинг энг паст кўрсаткичлари даражасига етказиш лозим.

Тўғри, юқорида баён этганимиздек, виктимлик ҳолатини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш катта аҳамиятга эга. Албатта бу борада бир қатор давлатларда амалга оширилаётган тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, 1963 йили Янги Зеландияда жаҳонда илк бор жиноятдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қонун чиқарилганлигини кўриш мумкин. Ушбу давлат тажрибаси Англия, Нидерландия, Швейцария, Франция, АҚШнинг бир қатор штатлари (12 та), Канаданинг саккиз провинцияси, Австралиянинг 5 та штатига жорий қилинди. 1972 йилда АҚШнинг жиноятдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича федерал қонуни қабул қилинган бўлса, 1976 йили Германия Федератив Республикасида (ўша пайтдаги Ғарбий Берлинда ҳам) зўравонлик жиноятдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун кучга кирди. 1982 йилда АҚШда жиноят қурбонлари ва гувоҳларни жинойий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиш тўғрисидаги яна бир федерал қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жиноятчиларнинг моддий зарарни тўлаши мустақил жазо тури деб белгиланди.

1983 йили Европа Иттифоқининг Вазирлар Кенгаши Страсбург шаҳрида зўравонлик жиноятларидан жабр кўрганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида конвенция ҳам қабул қилган. Ушбу Конвенцияга асосан, тегишли давлатлар ва Европа Иттифоқига аъзо давлат-

ларнинг зўравонлик жиноятларидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишининг асосий принциплари ва талаблари белгилаб кўйилди.

1980 йилнинг май ойида Япония Парламенти 1982 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирувчи жиноятдан жабрланганларга пул маблағи тўлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Риктумейкин университетининг профессори Кан Уэданинг таъкидлашича, ушбу қонун кучга кирганидан сўнг бир йил ичида фуқароларнинг 152 та аризаси тегишли органларга келиб тушган ва улардан 97 тасидаги талаблар бажарилган (ҳар бир жабрланувчига тўланган маблағ ўртача 3400 минг иенни ташкил этган).

Шунингдек, Жанубий Африка Республикасида ҳозирги кунда жабрланувчилар ва жиноятчилик сабабларини ўрганувчи махсус институт фаолият кўрсатмоқда. Японияда эса полициянинг махсус илмий тадқиқот институти фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида психология, тарбиявий ишлар ва шароитларни ўрганиш учун алоҳида лабораториялар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида жабрланувчилар, зарарни қоплаш муаммолари, вояга етмаганлар (асосан қурбонлар)га оид масалалар ўрганилади; айрим турдаги ва гуруҳдаги жиноятчиликларнинг виктимологияси бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борувчи институт ҳам фаолият кўрсатади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, виктимология муаммоларига кирувчи жиний-виктим ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадқиқот ишларининг юзага келганганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, жаҳон миқёсида ушбу муаммо юзасидан турли анжуманлар ўтказилди. Жумладан, 1973 йили Иерусалимда ўтказилган 1 Халқаро симпозиумда «виктимология», «жиноят қурбонлари», «жиноятчи ва унинг қурбони» каби муҳим тушунчалар муҳокама этилди.

1975 йили Италияда (Беладисо) профессор Жмилио Вьяно ташкил этган халқаро семинарда жиний-ҳуқуқий суд фаолиятида жабрланувчи ва у билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш усуллари бўйича мавжуд масалалар муҳокама этилди.

1976 йили эса халқаро симпозиум Бостон шаҳрида ўтказилди ҳамда жиноятларнинг олдини олишда жабрланувчи билан боғлиқ ҳолатларнинг қиёсий виктимологияси муаммолари кўриб чиқилди.

1979 йили учинчи бор халқаро симпозиум (ГФР, Мюнстер) ўтказилиб, унда ҳам жабрланувчиларни сўроқ қилиш, улар билан бўладиган муносабатларнинг жиноят юстицияси тизимидаги ҳолати, жиноятчилик туфайли юзага келадиган қўрқув билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу йили Мюнстерда виктимология муаммоларини ўрганиш бўйича халқаро уюшма, 1980 йили эса Вашингтон шаҳри (АҚШ)да халқаро конгресс иш бошлади ва бир қатор муаммолар қатори аҳолининг оила билан боғлиқ муаммолари муҳокама этилди.

1982 йили Токио шаҳри (Япония)да Конти Миядзума IV халқаро симпозиумни ташкил этди. Ушбу симпозиумда суд жараёнида айбланувчи ва жабрланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқлар, жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан фақат жабрланувчиларни эмас, балки ҳимояга муҳтож ва унга лойиқ шахслар ҳимоясини ташкил этиш масаласи ҳал этилди.

Ниҳоят, V халқаро симпозиум (Загреб, 1985 йил) виктимологияда умумий виктимликни жорий этиш, шу жумладан чет элликлар ва сайёҳларни ҳам қўшиш эътироф этилди. Шу қатори, ушбу симпозиумда жабрланувчиларнинг жиноят ҳуқуқи ва суд тизимидаги мақоми ҳам белгиланди.

Баён этилганлар, албатта, катта аҳамиятга эга ва бу тажрибаларни нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида, балки амалий жиҳатдан криминология муассасалари ва, шу жумладан Халқаро Интерпол тизимларида йўлга қўйиш орқали жуда кўп амалий муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Виктимология» тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Жиноят қурбонининг ҳаракатлари муайян жиноятларнинг содир этилишига таъсир этиши қандай аҳамиятга эга?
3. Жиноят қурбонининг хатти-ҳаракатларига хос бўлган типларни санаб ўтинг ва таърифланг.
4. Жиноий оқибат ва жиноят қурбонининг типик хатти-ҳаракатлари ўртасидаги руҳий боғлиқликни тавсифланг.
5. «Виктимология профилактикаси» тушунчасини таърифлаб беринг ва унинг субъектларини кўрсатинг.
6. Ички ишлар органлари фаолиятида виктимология профилактикасининг асосий йўналишларини кўрсатинг.
7. Виктимология профилактикасининг камчиликлари ва уларни бартараф этишнинг асосий йўллари кўрсатинг.

XX боб
ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ
ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР

1-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган
жиноятчиликнинг криминалогик тавсифи

Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятлар жиноятчиликнинг ўзига хос ички боғланишларига, ижтимоий-руҳий воқеликлар жиноий жазони ижро этиш билан боғлиқ мураккаб хусусиятга эгадир. Шу билан бирга, айрим турдаги жиноятлар нафақат жабрланувчиларга, балки муассасанинг иш фаолиятига салбий таъсир этади ҳамда кўпчилик маҳбусларнинг манфаати ва хавфсизлигига раҳна солади, энг хавфлиси, жазони ижро этиш жойларида жаҳолат ва зўравонликни юзга келтиради.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, пенитенциар муассасалардаги жиноятчилик ўзига хос равишда «илдиз отади» ва шаклланади. Бундай жиноятчилик жиноятчилар оламидаги барча салбий хислатларни инобатга олган ҳолда ва жиноятчиликка хос субъектив қусурлар, норасмий қоидаларнинг амал қилиши («турма қонунлари») ҳамда унинг оқибатида муассаса маъмуриятига душманлик руҳининг келиб чиқиши билан ажралиб туради.

«Турма қонун»ларини бузувчиларга нисбатан қатъий ва шафқатсиз жазо тизими қўлланилганини эса алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ғайринсоний ҳолда амалга ошириладиган зўрлаш маросими эса маҳбусга нисбатан қўлланилган энг таъсирчан, шафқатсиз чора сифатида бўлган ва уни барча муносабатларда тенглигини қатъий чеклашга олиб келган¹⁶.

Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини инсон устидан зўравонлик қилиш ташкил этади. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига асосан, жазони ўташ жараёнида жиноят содир этилгани учун амалдаги жиноят қонунчи-

¹⁶ Қаранг: *Шомансуров А. А.* Законодательное обеспечение уголовно-исполнительной системы Республики Узбекистан. – Т., 2000. – С. 29.

лигидаги талаблар асосида жавобгарлик белгиланади ва ҳеч қандай енгиллик яратилмайди.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ўзига хос шароити, ижтимоий ва ижтимоий-руҳий ҳолатнинг табиати, баъзи маҳбусларнинг ўзига хос криминоген хусусиятларга эгаллиги айрим жазони ўтаётганларнинг қасддан жиноят содир этишига имкон яратади. Содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг рўй бермаслигини олдиндан башорат этиш учун жазони ўташнинг қайси даврида жиноят содир этилишини олдиндан билиш алоҳида аҳамиятга эгаллигини билиш лозим.

Шу билан боғлиқ ҳолда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўртача уч йилдан кўп бўлган муддатларда жазони ўтаётганлар ўртасида қасддан ва оғир жиноятлар содир этилиши аниқланди. Бу ҳолат эса муассасаларда мавжуд жазони ўташ тизими турларига мутлақо боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Тўғри, жазони ўташнинг дастлабки даври маҳбуслар учун оғир кечади, чунки бу даврда уларнинг муайян вазиятлар билан боғлиқ тарзда юзага келадиган қуйидаги зўриқишлари мавжуд бўлади. Яъни: оиладан ва яқин қариндошларидан узоқлашиш, озодликдан маҳрум бўлиш ва жамиятдан узоқлашиш, ўрнатилган ички тартиб таъсири, қилган ишларидан тушкунликка тушиш, шунингдек суднинг ҳукмини адолатсиз деб билиш, келгуси ҳаётларининг издан чиққанлиги кабилар. Шунинг учун ҳам маҳкумлар ушбу даврда муассаса ходимларининг диққат марказида бўлиши зарур ҳамда кўникма ҳосил этишига ёрдам кўрсатиш талаб этилади.

Маҳбуслар содир этадиган жиноятларни таҳлил қилишдан мақсад ушбу шароитда жиноят содир этилиши билан боғлиқ механизмни аниқлашдир. Низоли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан билмаслик жиноятларнинг олдини олишга зарур бўлган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон бермайди.

Жазони ижро этиш муассасаларида энг кўп учрайдиган оғир жиноятлардаги қасд (асосан одам ўлдиришда) ўч олиш билан узвий боғлиқдир. Кўпинча бундай вазият (59 %) жабрланувчининг ғайриқонуний ва маънавий бузуқлиги билан боғлиқ қилмишлари орқасида юзага келади. Шу билан бирга, (17 % ҳолатда) ўч олиш қасди маҳбусларнинг қонунга асосан амалга оширган ҳаракатлари учун ҳам бўлиши мумкин.

Бундай вазиятларда жабрланувчиларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: бировларни уриш-қийнаш ва бошқа зўравонликлар (27 %); айбдор ва унинг яқинларига нисбатан ҳақоратлар (24 %); турли кўринишдаги кўрқитишлар (11 %); турли ғийбатларни тарқатиш (10 %); қарзни тўламаслик (5 %);

ички нарядларни тўғри белгиламаслик, меҳнат қилишда чеклаш (5 %); жабрланувчининг жиноий хатти-ҳаракатлари – ҳақорат қилиш, безорилик ҳаракатлари, ўғрилик, озиқ-овқатлар ва буюмларни тама қилиш кабилар (3 %); бесоқолбозлик (7 %) ва қиморбозлик (8 %) кабилар.

Пенитенициар, яъни жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларнинг олдини олиш учун, энг аввало, уларнинг қайси жойда содир этилишини билиш катта аҳамиятга эгадир. Биз санаб ўтган жиноятларнинг асосий қисми муассасанинг яшаш уйлари ва хоналарида содир этилган (59 %). 37 % шу каби жиноятлар ишлаб чиқариш ҳудудларида рўй берган. Шуларни эътиборга олган ҳолда, муассаса маъмуриятининг иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Вақтига кўра эса, оғир жиноятларнинг асосий қисми (57 %) жазони ижро этиш муассасаларида асосан оқшом ва тунги пайтларда рўй беради, эрталаб ва кундуз куни содир этиладиган жиноятлар нисбатан камлигини (43 %) кўриш мумкин.

Жазони ижро этиш муассасалари тизимида кирувчи турли колонияларда содир этиладиган одам ўлдириш жиноятларининг динамикаси эса қуйидагичадир: умумий тартиблида – 33,3 %, қаттиқ тартиблида – 155,5 %, махсус тартиблида эса – 103,7 %¹⁷.

Криминология соҳасида тадқиқот олиб борган олимларнинг хулосаларига кўра, ичкилик ичиш ва жиноят ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, жумладан 37 % қасддан содир этилган жиноятларда маҳбусларнинг маст ҳолда, 2 %да гиёҳванд, 1 % эса бошқа турдаги маст қилувчи моддалар таъсирида бўлганлиги аниқланган. Шу каби тадқиқотлардан маълум бўлдики, ҳар тўрттадан бир маҳкумга нисбатан тегишлича – алкоголизмдан (21,2 %) ва гиёҳвандликдан (2,5 %) мажбурий даволашни тайинланган¹⁸.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари жазони ижро этиш жойларида ҳам кўпинча гуруҳ бўлиб амалга оширилишини кўриш мумкин. Шунингдек, жиноятчиларнинг бир жойда эътиборсиз тарзда тўпланганлиги жазони ижро этиш муассасалари оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариши, муассасада иш фаолиятини издан чиқариши ва шу каби бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига шароит яратишини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Шу боис, ушбу омилни йўқотиш жазони ижро этиш муассасалари тизимида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

¹⁷ Қаранг: *Хохряков Г. Ф.* Парадоксы тюрьмы. – М., 1991. – С. 87.

¹⁸ Қаранг: *Михлин А. С.* Осужденные – кто они? // Актуальные вопросы борьбы с преступностью в России и за рубежом. – М., 1992. – С. 16.

2-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари

Маълумки, жиноятчилик сабаблари ва уларнинг юзага келиш муаммолари ўзига хос мураккаб, шу билан бирга, криминология нуқтаи назаридан энг мунозарали муаммо бўлиб ҳисобланади. Тўғри, ҳозирги кунда жиноятчиликни содир этишдаги мақсад асосий сабаб деб топилганлиги ва бу мақсад ўз ичига барча субъектив ҳолатлар ҳамда жиноятчининг шахсига хос жиҳатларни ифодалайди деб ҳисобланишини кўриш мумкин.

Фикримизча, жиноятчиликнинг асосий сабаби бўлиб, ҳар қандай жиноятнинг содир этилишида жиноятчининг шахсига хос ва жамиятга қарши қаратилган ўзига хосликни тушунмоқ жоиздир. Кўпчилик олимлар қўллайдиган бу фикр жиноятчилик сабабларини ифодалашга катта ёрдам беради.

Жиноятчининг шахсига хос ва жамият манфаатларига қарши туриш хусусияти шахснинг асосий хусусиятларини ўзида ифодалаган ҳолда, уни муайян жиноятчи типига хос ички хусусиятлари ва айнан жиноят мақсадига эга эканлигини билдиради.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, жамият манфаатларига қарши туриш хусусиятлари жиноятчи шахсида у ҳали маҳкум этилмасидан олдин биринчи бор жиноят содир этганида шаклланган бўлади. Жамият манфаатларига қарши салбий хатти-ҳаракатлар, дунёқараш маҳкумнинг жазони ижро этиш жойига келганида ҳам, табиийки, мавжуд бўлади.

Энг хавфлиси, маҳкум шахсига хос белгилар асосида жазони ижро этиш муассасаларида йўлга қўйилган жазолаш ва тарбиялаш жараёнига қарши туриш ҳамда интизомни бузиш ва жиноят содир этишни кўриш мумкин. Жазони ўташ пайтида маҳбуснинг жамият манфаатларига қарши туриш каби хусусиятлари янада чуқурлашиши ва аниқ ҳамда муқим кўринишга ўтиши ҳам кузатилади.

Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган оғир турдаги ва куч ишлатиш билан содир этиладиган жиноятларни юзага келтирувчи ўзига хос салбий омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундай салбий таъсир этувчи омиллар колонияларда мавжуд бўлган ижтимоий-руҳий ҳолатлар таъсирида юзага келиши мумкинлигини ва оқибатда маҳкумлар ўртасида ўзаро низоларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам ҳисобга олмақ жоиздир.

Колонияларда мавжуд бўлган ижтимоий таркиб асосан норасмий муносабатларга таянган турли криминоген шахслардан иборат эканлигини ва бир ерда бўлиши оқибатида шахсларнинг кўпчилигида салбий дунёқараш, қизиқиш, одат, мақсад ва қатъий салбий фикрга келиш ка-

биларни юзага келтиришини унутмаслик лозим. Бу каби иллатларнинг мавжудлигини билиш эса муассасаларда жазони ўташ режимини ташкил этиш, назорат, оператив қидирув фаолияти, меҳнат, тарбиявий ишларни ташкил этиш ва маъмуриятни, ҳарбий қоровул қисмлар ходимларини эҳтиёткорлик ва синчковлик билан хизматни йўлга қўйишларини талаб этади.

Колонияларда қасддан жиноят содир этилишидаги сабабни ва баъзан учраб турадиган баҳона (важ)ларни бир-биридан фарқлаш лозим. Бундай сабаб ва баҳоналарни қуйидагича фарқлаш лозим. Сабаб жинойий жиҳатдан ўзини тутишига олиб келувчи ва юқорида баён этганимиздек, шахснинг (бу ўринда эса маҳбуснинг) ўзига хос жиҳатларидир. Баҳона эса объектив воқелик сифатидаги ҳодиса бўлиб, уни бошқа ҳолатларни юзага келтирувчи туртки деб тушуниш лозим ва у бирор-бир мақсадни юзага келтиради.

Жазони ижро этиш муассасаларида қасддан содир этиладиган жиноятларнинг юзага келишида баҳона бўлиб, турли вазиятлар ва фактлар хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга, ўзига хос баҳона сифатида жабрланувчиларнинг муассаса маъмуриятига ёрдам бериш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида ғаразли мақсаднинг юзага келиши ва уни амалга оширишда жиноятни содир этишга шарт-шароит яратувчи муҳит ҳам салбий аҳамиятга эгадир. Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларнинг содир этилишидаги муҳит деб жазони ижро этиш муассасалари тизимидаги мавжуд аниқ бир камчиликларни кўрсатиш мумкин, шунингдек тергов ва суд идораларидаги камчиликлар ҳам жиноят содир этилишига имкон яратади, айниқса қонунчилик ва норматив ҳужжатларда у ёки бу масаланинг талаб даражасида ёритилмаганлиги ёки қайд этилмаганлиги ҳам умуман олганда жиноятчиликка имкон яратувчи салбий муҳитни юзага келтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жазони ижро этиш муассасаларидаги муҳитни қиёсан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар – объектив ва субъектив муҳитлардир.

Объектив муҳит сифатида жазони ўташ режими, назорат, оператив қидирув фаолияти, ходимлар билан ишлаш, тарбия, меҳнат асосида тарбиялаш, умумий ва касбий маълумот бериш, маҳбуслар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш ишларининг тўғри ташкил этилмаганлиги билан узвий боғлиқдир.

Субъектив муҳит сифатида эса маҳбуснинг беқарорлик хусусияти, руҳияти ва асабидаги мавжуд касалликлар, тезда жаҳли чиқиши ва асабийлиги, маънавияти ҳамда тарбиясининг йўқлигини кўрсатиш мумкин.

Биз баён этганлар асосида жазони ижро этиш муассасаларидаги жиноятчиликнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1) жазони ижро этиш муассасаларидаги жиноятчилик сабаблари ижтимоий бўлиб, улар ижтимоий масалалар билан боғлиқ ҳолда юзага келади;

2) маҳбуслар ғаразли мақсадларда содир этадиган оғир жиноятларнинг сабаблари объектив томондан ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган ва субъектив жиҳатдан жазони ўтаётганларнинг ижтимоий таркиби ҳамда маҳбуснинг шахси каби омилларнинг ўзаро алоқадорлиги билан фарқланади;

3) ўзаро алоқадор омиллардаги қасддан содир этиладиган жиноятлар сабабларининг асосий элементларини маҳбус шахсига хос тажовузкорлик-зўравонлик хусусиятлари ташкил этади;

4) маҳбус шахсига хос бўлган тажовузкорлик-зўравонлик қусурларининг аниқ вазиятлардаги ўзаро боғлиқлиги жазони ижро этиш муассасаларида қасддан содир этиладиган жиноятларнинг сабабини келтириб чиқаради. Қасддан содир этиладиган жиноятларнинг бош сабаби сифатида маҳбус жазони ўтаётган муассасадаги муҳитни кўрсатиш мумкин.

3-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирлар

Жазони ижро этиш муассасаларида жиноят-ижроия қонунчилиги талабларига амал қилиш, қонунчилик принципларига риоя этиш, жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш маҳбусларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш ва энг муҳими, муассасаларда рецидив жиноятчиликнинг олдини олишга имкон яратади.

Шунинг учун ҳам жазони ижро этиш муассасаларида, биринчи навбатда, маҳбуслар содир этадиган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари, уларни йўқотиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун: жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, бундай шахсларга ёрдам бериш ҳамда зарур тарбиявий таъсир чорасини қўллаш ва шу орқали яқка тартибдаги профилактика ишларини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилади.

Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасаларида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишни қуйидаги йўналишларда фаол олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

1) қаттиқ тартибли муассасаларга эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун икки ёки ундан кўп миқдорда жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни жойлаштирмаслик, шунингдек иккинчи марта жиноят содир этган бўлса-да, унда жамият учун хавфлилик даражаси кам бўлса, бундай шахсларни қаттиқ тартибли муассасаларга юбормасликни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Бундай маҳкумларни жазони ўташ учун манзил-колониялари ва умумий тартибли колонияларга юбориш жоиздир;

2) битта жиноят ишида айбланган маҳкумларни, шунингдек бево-сита ёки билвосита битта жиноят ишида иштирок этган маҳкумларнинг ҳам битта колонияга жойлаштирилишига йўл қўймаслик. Ўзаро низоли бўлган маҳкумларнинг бир жойда жазони ўташларини ҳам қатъий тарзда тақиқлаш лозимдир;

3) белгиланган режим талабларини мунтазам бузувчи ва жиноятга мойил шахсларни махсус хоналарда мунтазам равишда қонун талаблари асосида кўздан кечириш ва шахсий тинтувни йўлга қўйиш;

4) ишлатиладиган асбоб-ускуналар ҳисобини юритиш ва белгиланган мақсадда ишлатилишини назорат қилиш;

5) жазони ижро этиш муассасаларида қуйидаги белгиларга эга маҳкумларни аниқлаш ва тегишли тарзда профилактика ҳисобига олиш: а) 25–27 ёшлилар; б) бўйдоқлар; в) безорилик, қасддан одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, босқинчилик ва номусга тегиш; г) тузалиш йўлига ўтмаган ва режим талабларини мунтазам бузувчилар (режим талаблари куч ишлатилиши билан боғлиқ бўлган ҳоллари); д) колонияда муҳлатни ўташ 3 йилдан ошмаганлар;

б) муқаддам судланган маҳкумларнинг оилавий аҳволларини таҳлил этиб бориш ва зарур ёрдамлар кўрсатиш¹⁹;

7) мунтазам равишда колонияларда ғаразли мақсадларда қасддан оғир жиноят содир этган маҳбусларни турма шароитига ўтказиш катта аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиш зарур.

Санаб ўтилган чора-тадбирларнинг ўзига хос равишда умумий, махсус ва яқка тартибдаги профилактика ишлари билан аниқ ва узвий равишда боғланишига эришиш иш самарасини янада оширади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Пенитенциар жиноятчилик» тушунчасининг моҳияти, унинг тизими, ҳолати ва динамикаси ҳақида гапириб беринг.

¹⁹ Пулатов Ю. С., Самторов Ч. А. Рецидив жиноятчиликка қарши курашда яқка тартибдаги профилактика чораларининг роли // Ёуқуқ–Право–Law. – 2001. – №1. – 44-б.

2. Жазони ижро этиш муассасаларидаги жиноятчиликнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

3. Жазони ижро этиш муассасаларида жиноят содир этувчи жиноятчиларнинг шахсини тавсифланг.

4. Пенитенциар жиноятчиликнинг сабабларини санаб ўтинг ва тавсифланг.

5. Фикрингизча, пенитенциар жиноятчиликнинг юзага келиши нима билан боғлиқ ва уларнинг олдини олишда қандай ижтимоий-ҳуқуқий чоралар қўлланиши лозим?

6. Пенитенциар жиноятчилик профилактикасининг ҳуқуқий базасини санаб ўтинг.

7. Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятчиликнинг олдини олиш йўлланишлари, усуллари ва тактикасини тавсифланг.

XXI боб
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР СОДИР ЭТАДИГАН
ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятлар ва уларнинг сабаб ҳамда шароитлари

Қуролли Кучлар – армия ва ҳарбий муносабатлар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг тадқиқотларидан маълумки, бу соҳадаги жиноятлар ўзига хос равишда бир қатор ҳаётӣ вазиятлар ва жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, қонунчилик ва криминалогия нуқтаи назаридан ўзига хос сабаб ва жиноятларни юзага келтирувчи шароитлар тизимини ташкил этади. Тўғри, бу каби сабаб ва шароитларнинг қонунчилик ҳамда Ҳарбий низом талаблари асосида, тегишли мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида ўз вақтида аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозимлиги талаб этилади.

Бу масаланинг ечимини топишда ушбу соҳадаги жиноятчилик нима учун юзага келишини, қандай ҳолатлар уни юзага келтиришини, унинг сабаб ва шароитлари нималарда намоён бўлиши, бу сабаб ва шароитларнинг механизми қандай амал қилишини ҳам аниқ билишга эҳтиёж туғилади.

Қуролли Кучлар тизимида юзага келувчи жиноятчилик ҳам ўзига хос иқтисодий, ғоявий, руҳий, маиший шарт-шароитлар билан узвий боғлиқдир. Албатта, буларни ҳуқуқий ва ижтимоий фанлар жамият тарққиётининг умумий жиҳатлари билан боғлиқ тарзда ўрганади.

Шу билан бирга, жиноятчиликка шароит яратувчи санаб ўтилган шарт-шароитлар ҳамда юзага келтирувчи қонуниятлар алоҳида олинган, муайян ножўя хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг содир этилишида намоён бўлади. Айнан, муайян жиноятнинг ўзига хос белгиларини юзага келтирувчи шароитни аниқлаш, биринчи навбатда, ҳарбий бошлиқлар таркиби ва қолаверса, ҳарбий прокуратура ҳамда ҳарбий суднинг ваколатлари ва вазифалари доирасига киради.

Хўш, бу ҳолатларни қандай ифодалаш мумкин?

Булар атрофимиздаги мавжуд турли факт ва воқеликларда ифодаланади ва уларни аниқ билиш учун бундай ҳолатларни қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1) шахснинг шаклланишига таъсир этувчи салбий шароит ва шунинг оқибатида ушбу шахсда жамиятга қарши тушунчалар, ёмон хулқ, салбий ёндашув каби жиноятга йўл очувчи субъектив қусурлар;

2) муайян кимсанинг шахсида шаклланиб бўлган салбий хусусият ва қусурларнинг мавжудлиги туфайли, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига олиб келувчи ва жамият манфаатларига зид қарашларга эга бўлгани учун, у ёки бу ножўя хатти-ҳаракат ва жиноятни содир этишга йўл очувчи аниқ бир ҳаётӣй вазиятнинг мавжуд бўлиши;

3) жиноятнинг содир этилишига ёрдам берувчи ва жамият учун зарарли оқибатни юзага келтирувчи ҳолатлар.

Одамлар содир этадиган ва жамиятга қарши бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар баён этилган учта ҳолат натижасида келиб чиқади. Умуман олганда эса, бу ҳолатлар юқорида баён этилган жиноятлар ва ножўя хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи сабаб ҳамда шароитларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, бу ҳолатларни баён этилган тартиб асосида ўрганиш сабаб ва шароитларнинг юзага келиши ва амал қилиш механизмини таҳлил этишга ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи барча ҳаётӣй воқеликларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида рўй беришини илмий жиҳатдан кузатиб туришга имкон беради.

Шахснинг шаклланишига салбий таъсир этувчи шароит сифатида муайян одам дунёқарашининг шаклланишига, руҳиятида жамият манфаатларига зид қарашлар, ёмон одатларга берилиши ва хулқининг шаклланишига таъсир этувчи турли ижтимоӣй омиллар, уни ўраб турган шароитлар тушунилади.

Жиноят қонунчилигидан яхши маълумки, жиноятчилик шахснинг айбли, жамият учун хавfli қилмишни содир этишидир. Ижтимоӣй фойдали ҳаракат сифатидаги яхши ният ва инсоний фазилатларга қарама-қарши бўлган жиноятчилик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатларда жамият манфаатларига қарши бўлган тушунча, зарарли одатлар ва умуман шахснинг турли тубанликдаги қусурлари туради (булар: ғаразли мақсад, ўз эҳтиёжларини жиноӣй йўллар билан ва ўзгалар ҳисобига қондириш, жамият манфаатлари, фуқаролик ва ҳарбий бурчларни менсимаслик, инсонларни ва жамиятда эътироф этилган ўзини тутиш нормаларини ҳурмат қилмаслик, ичкиликка берилиш, ноҳақлик, бебошлик, ўзини тутишдаги масъулиятсизлик, ўч олишга мойиллик, жаҳолат ва шафқатсизлик, иродаси бўшлик, ўзини тута билмаслик кабиларни ўз ичига олади).

Санаб ўтилган қусурлар шахснинг жамият манфаатларига зид қарашлар билан шаклланишида субъектив шарт-шароит сифатида алоҳида ўрин тутади. Шахснинг шаклланишига салбий таъсир этувчи сабаб

жамият манфаатларига зид қарашлар, ёмон одатларнинг юзага келиши билан узвий боғлиқдир.

Жамият ҳаётидаги ижобий яшаш тарзи, юқорида айтиб ўтилганидек, кишиларни тарбиялашга зарур шароитни яратади. Шу билан бирга, шахсни ўраб турган салбий шароит сақланган бўлади ва ҳозирги жамиятимиз манфаатларига зид салбий омиллар мавжуд эканлигини ҳам унутмаслик зарур.

Бу каби салбий ҳолатлар ва жараёнлар ўз вақтида нохуш шароитларни юзага келтиради, табиийки, унинг оқибатида шахсда жамият манфаатларига зид турли салбий қарашлар юзага келади. Айнан шу каби ҳолатлар ҳарбий хизматчилар шахсига ҳам хосдир.

Тўғри, ҳарбий хизматчилар шахсидаги салбий қусурлар қуролли кучлар сафига чақирилгунича, яъни ёшлигидан бошлаб шаклланган бўлади. Шунинг учун унинг оила, мактаб, меҳнат жамоасида олган тарбияси ва бунда, унинг уйидаги, маҳалладаги, у яшаётган кўчадаги бирга ўсган шахсларнинг унга нисбатан қандай таъсир кўрсатганлари ва буларнинг салбий ёки ижобий аҳамиятга эга бўлганлиги, энг муҳими, жисмонан, руҳан ҳамда ғоявий жиҳатдан қуролли кучлар сафида хизмат қилишга тайёрланганлиги кабиларни ўзаро бир-бири билан боғланганлиги асосида, фуқаро – Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳарбийсига айланади.

Ҳарбий хизматчилар билан боғлиқ жиноятлар таҳлилининг кўрса-тишича, ҳарбий жиноятчиларнинг шахсиятига хос иллатлар айнан биз юқорида санаб ўтган ижтимоий-салбий ҳолатлар таъсирида юзага келган. Булар, аввало, оила-турмуш шароитидаги салбий вазиятлар (отасининг ичкиликбозлиги, оиладаги жанжаллар, ота-онанинг ажралишганлиги, ёлғиз онанинг ўз ўғлини тарбиялаганлиги ва оқибатда унинг ишда бўлган вақтида бола тарбиясига вақти бўлмаганлиги, оила аъзоларининг ёмон хулққа эга бўлганлиги каби) бўлса, бошқа томондан, ижобий оилалардаги шароит оқибатида, яъни – ота-оналарнинг болани ҳаддан ташқари эркалатиши, уларнинг фойдали қизиқишлари шакллантирилмаганлиги, меҳнатга муҳаббат уйғотмаслик, иродасини ижобий шакллантирмаслик, интизом ва жамият олдида масъулиятни ҳис этиш, катталарга ҳурмат ва, энг муҳими, ўз хатти-ҳаракатларига масъулият билан қарашни шакллантирмаслик каби салбий ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Шахснинг шаклланишидаги яна бир салбий иллат боланинг мактабга бормаслиги ва ишга боргунга қадар бўш қолишидир, бу эса уларни бутунлай кўча боласига айлантириб қўяди. Агар инсон ота-онасиз ўсган бўлса ёки отаси ичкиликбоз бўлса, унда салбий иллатлар албатта

юзага келади дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳолбуки, инсон шахсининг шаклланиши мураккаб жараёндир.

Кўпинча баъзи омилларнинг салбий таъсири ижобий таъсирлар остида йўқолади ва юзага келмай қолиши мумкин, баъзида катта ёшдагиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари (отанинг ичкиликбозлиги, ўғрилиқ ва шу кабилар) улар онгида ушбу салбий иллатларга қарши ғазаб уйғотади ва шахсининг ижобий шаклланишига олиб келишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Оила, мактаб, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат ташкилотлари амалга оширадиган тарбия жараёнидаги камчилик ва хатолар натижасида сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан етук, ўқимишли, техникага қизиқувчан ва жисмонан баркамол ёшлар бўлгани ҳолда, ҳарбий хизматга яхши тайёрланмаган ёшлар тушиб қолади ва улар шахсиятида, ҳарбий хизмат қийинчиликларига дош бера олмаслик ва ёмон таъсирлар остига осон тушиб қолиш каби хислатлар хос бўлади.

Турли гуруҳларга кирувчи ҳарбий хизматчиларнинг ўзига хос жиҳатларини етарлича ўрганмаслик, уларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳарбий хизматчига хос шахсий хислатларнинг талаб даражасида бўлишига эришмасликка олиб келиши мумкин. Тўғри, салбий омилларнинг таъсири туфайли, яъни тарбиячилар томонидан шахсни қандай тарбиялашни билмаслик, тарбияланувчининг кайфиятини тўғри англамаслик оқибатида унинг онгига, ўзини тутишига самарали таъсир этолмаслик натижасида беқарор хислатли ёш ҳарбийга хизматда бўлган ва салбий хислатларга эга ҳарбий хизматчиларнинг таъсири кўпроқ бўлади.

Табиийки, бундай вазият ёш ҳарбийлар тарбиясини бузади. Улар мажлислар, машғулотлар пайтида, сафда ўзини яхши тутса-да, бошқа пайтда, яъни назоратдан четга чиққанида ўзларини ёмон тутадилар ва жамиятга қарши салбий одатларини намоён этадилар. Оқибатда салбий қарашларга эга шахсларнинг бир-бирини қўллаши, гуруҳбозлик каби иллатлар юзага келади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шахсий беқарор ҳарбий хизматчиларда салбий, жамият манфаатларига қарши иллатлар юзага келади ва вазият тақозоси билан жиноятга олиб келади. Ҳаётий тажрибаларнинг кўрсатишича, бошқаларга салбий таъсир этувчи кимсалар жуда камчиликни ташкил этади. Бунинг исботи сифатида ҳарбий интизомни бузганлар орасидаги шахсларнинг айрим ҳолларда беҳосдан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этганлигини кўрсатиш мумкин ва бунда асосан баъзи интизомсиз ҳарбийларнинг таъсири кўпроқ бўлган.

Албатта, айнан шу каби гуруҳларнинг таркиби доимий равишда ўзгариб туради. Ҳарбий бошлиқларнинг бу каби шахсларни ўз вақтида

аниқлаши улар миқдорининг янада камайиши ва умуман учрамаслигини таъминлайди.

Маълумки, интизомни мустаҳкамлаш ва бошқа ахлоқий-сиёсий ҳамда ҳарбий хислатларни шакллантириш нафақат суҳбатлар, маърузалар, мажлислар ва бошқа шу каби тарбиявий тадбирлар таъсирида, балки кўп ҳолларда ҳарбий хизматчилар иштирок этадиган объектив воқеликлар, оддий ҳаётӣ омиллар таъсирида ҳам юзага келиши мумкин.

Шу билан бирга, ҳар бир салбий ҳолат шахснинг руҳиятига ҳам таъсир этади ва тарбия самарасини камайтиради. Айниқса, бўлинмалардаги бошлиқлар ҳамда бўйсунувчилар таркиби ўртасида хизмат, машғулотлар, кун тартибига риоя этишда низом талабларига зид бўлган муносабатларнинг юзага келиши, низом талабларини бажаришни назорат этишнинг суствлиги, ўзибўларчилик ва бўйсунувчилар эҳтиёжларини инобатга олмаслик ҳолатларининг зарарини билиш катта аҳамиятга эгаллигини унутмаслик лозим.

Шунингдек, ҳарбийларнинг дунёқараши ва ўзини тутишининг шаклланишида дам олиш, ҳордиқ чиқаришда ҳозирги ёшларнинг дунёқарашига мос тадбирларнинг ўтказилмаслиги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ўзлари зарур маданий ҳордиқ чиқариш тадбирларини ишлаб чиқишни ташкил этмаслиги кабилар ҳам салбий таъсир этади.

Ҳарбийлар ичида жамоат ишларини ташкил этиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши, мунозаралар, спорт ўйинлари кабиларнинг олиб борилиши уларнинг ўз маҳоратларини шакллантиришларига ёрдам беради, шахсининг шаклланиши, салбий таъсирга тушиб қолмасликларини таъминлайди ва бекорчиликдан ёки зерикишдан турли ножўя хатти-ҳаракатларни содир этишларига йўл қўймайди.

Баён этилганлар асосида таъкидлаш жоизки, баъзи ҳарбий хизматчилар шахсида юзага келадиган салбий қусурлар – жамият манфаатларига зид қарашлар, ёмон одатлар ва шахсий фазилатларидаги нуқсонлар улар содир этадиган жиноятчиликнинг субъектив сабаблари бўлиб ҳисобланади.

Жиноятларни юзага келтирувчи вазиятлар ёки қисқача айтганда, салбий омиллар ҳаётда учрайдиган турли вазиятлар, муайян шахсга ташқи таъсир этувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланади ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишга ишонч туғдиради.

Маълумки, инсондаги жамиятга қарши бўлган қарашлар, одатлар, мойиллик каби хусусиятлар ҳар доим ҳам жиноят ёки бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни қилишга олиб келмайди. Уларнинг юзага келиши эса муайян вазиятлар таъсирида ва шахснинг аниқ бир жиноятни содир этиш пайтида рўй беради.

Агар шахснинг жамиятга қарши қаратилган қарашларининг юзага келишига сабаб унинг ёмон хулқи билан боғлиқ бўлса, юқорида баён этилган ҳолат шахснинг айнан жамиятга қарши қаратилган қарашларининг жиноий қасд ва ниятга айланишига, шу билан бирга, акс таъсир сифатида ҳамда ҳуқуқбузарликни содир этишда қатъиятлиликнинг юзага келишига олиб келади. Аниқ бир ҳаётий вазият эса ғайриқонуний хатти-ҳаракат қилишга йўл очади ва асосий сабаб бўлиб қолади.

Жиноят, ножўя хатти-ҳаракат кўп ҳолларда жамиятга қарши қаратилган салбий қарашларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида содир этилади. Шароит яратувчи салбий омил (баҳона) бўлиб эса, ёмон хулқ, тажовузкорлик, кўрқитиш, алдаш, шунингдек ҳақоратли муносабат, адолатсиз ёндашув ва бошқа салбий ҳолатлар хизмат қилиши мумкин. Бундай вазиятда мавжуд салбий ҳолат иккинчи бир салбий ҳолатнинг юзага келишига имкон беради.

Амалиётнинг кўрсатишича, ножўя хатти-ҳаракатларнинг юзага келишидаги асосий салбий омил (баҳона) бўлиб, кўпол муносабат, адолатсизлик, ёмон хулқ ёки бевосита интизомни бузишдаги тажовузкорлик, хизмат, машғулотлар, ҳордиқ чиқариш, моддий бойликларни сақлашнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги ва шу каби вазиятларда ҳамда ҳарбий интизом талабларини бузиш асосида шахсда мавжуд бўлган беқарор табиатга хос равишда юзага келувчи ғаразли мақсаднинг шаклланишига йўл очилади.

Жиноятнинг содир этилишига ёрдам берувчи ва жамият учун зарарли оқибатни юзага келтирувчи ҳолатларнинг юзага келиши бошлиқлар, зобитлар, жамоат ташкилотлари, муайян мансабдор шахслар, ҳарбий хизматчилар бажарадиган вазифаларда айрим камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқдир ва у жиноятнинг содир этилишига ёрдам берувчи ҳолатни ҳам келтириб чиқаради.

Агар биз юқоридаги икки гуруҳга мансуб омилларни асосан ҳуқуқбузарнинг онги ва дунёқарашининг шаклланганлиги ва жамиятга қарши туриш билан боғлиқ дунёқараш, жиноий қасд, мақсад, жиноят содир этишга жазм қилиш билан узвий боғлиқ тарзда кўриб чиққан бўлсак, ушбу гуруҳга кирувчи ҳолатларда айнан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва жиноят қилишга ёрдам берувчи, шу билан биргаликда, ўз мақсадининг амалга оширилишига тўсиқ қўйилмаслик ҳолатларининг мавжудлигини кўриб чиқиш талаб этилади.

Кўп ҳолларда бундай вазият ва шароитларнинг мавжудлигини жиноятчилар аввалдан билмасликлари мумкин. Масалан, ўғрилиқ қилмоқчи бўлган шахс жиноят содир этаётган пайтида мулкнинг умуман қў-

риқланмаганлигини билиб қолади. Шу боис, унинг жиноят содир этиши ҳеч қандай тўсиқсиз осон амалга ошади.

Шу билан бирга, айрим вазиятларда жиноятни осонлаштирувчи шароитни жиноятчи аввалдан билган бўлади ва жиноят содир этишда эътиборга олади. Бу каби ҳолатларда бундай шароитлар ташқи салбий омиллар билан боғланиб кетади ва жиноятчининг жиноятни содир этишини давом эттиришга жазм қилишига олиб келади.

Масалан, хизматни ташкил этишдаги маълум бўлган камчиликлар жиноятнинг содир этилишини осонлаштирувчи шароит бўлиб ҳисобланади ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилишдаги журъатни оширади.

Биз кўриб чиқаётган шароит жиноят содир этилишидаги салбий омил сифатида турли-туманлиги билан кўзга ташланади. Улар ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг хусусиятларига кўра, атрофдагиларнинг ўз ишларида узокни кўра билмасликлари, ҳарбий бўлинмалардаги вазият, у ёки бу ҳарбий қисмда, гарнизонда ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши билан боғлиқ курашнинг ташкил этилишига кўра фарқланади.

Айтайлик, ўзбошимчалик билан ҳарбий қисмдан кетиб қолиш, тажрибаларнинг кўрсатишича, бошлиқлар томонидан етарлича назоратнинг йўқлиги туфайли содир этилади. Бўш вақтнинг ташкилий ҳал қилинмаганлиги (асосан дам олиш кунларидан олдин ва дам олиш кунларида) ҳам шулар жумласидандир.

Низом асосида ҳарбий хизматчилар муносабатларининг ёмонлиги эса бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилиши, гап қайтаришга мойил ҳарбийлар билан тарбиявий ишларнинг йўқлиги итоат этишни бутунлай йўққа чиқариши мумкин. Шунингдек, моддий бойликлар ҳисобини юритиш, уларни сақлашнинг таъминламаганлиги, моддий-таъминот ишларига синалмаган шахсларнинг қўйилиши ва уларнинг назорат этилмаслиги турли суиистеъмолчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Жиноятларнинг содир этилишига қулайлик яратувчи салбий омиллар нафақат айрим бир жиноятларга, балки барча тоифадаги ҳуқуқбузарликларга ҳам хосдир. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: хизматни ташкил этишда Ҳарбий низом талабларидан четга чиқиш, маиший шароитнинг ёмонлиги, ичкиликбозлик билан қатъий курашнинг йўқлиги, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳарбий қисмдан четда хизматни бажариш учун тузилган кичик бўлинмалар таркибини ташкил этишдаги камчиликлар.

Санаб ўтилган барча салбий омиллар ҳуқуқбузарнинг ўз мақсадларини амалга оширишида шароит яратади (осонлаштиради, йўл қўйилишининг олдини олиш чоралари амалга оширилмайди) ва зарарли оқи-

батларни келтириб чиқаради. Табиийки, агарда Ҳарбий низом талаблари бажарилса, ҳарбий хизматчи доимо жамоада бўлса ва бошлиқлар назорати сусайтирилмаса, кунлик наряд, жамоатчилик, хизматдошлар ёрдамида барча ҳуқуқбузарликларнинг олди олинадиди ва зарарли оқибатлар келиб чиқмайди.

Ўрнатилган тартиб ва қоидаларнинг бузилиши ёмон ниятли шахслар учун йўл очади, ҳарбий хизматчилар тарбиясида хатога йўл қўйиш эса, жамият манфаатларига зид бўлиб, жиноят содир этилишига ёрдам беришини ҳам эътиборга олиш лозим.

Юқорида биз кўриб чиққан уч гуруҳга мансуб ҳолатлар ва уларнинг жиноятларни содир этишга имкон яратиши, табиийки, мавжуд ҳаётий жараёнларда зарур даражада ажратиб қўйилмаган ва бир-бири билан ўзаро алоқада бўлади, ҳатто яхлит бир салбий омиллар тизимини юзага келтиради.

Гоҳида айнан бир хил шароит ва вазиятлар шахснинг ёмон иллатли бўлишига таъсир этади (одамнинг онгида жамият манфаатларига зид қарашлар, турли салбий қусурларни келтириб чиқаради) ва шу билан бирга, жиноят содир этишга жазм қилинишига олиб келади. Кўпинча бундай салбий иллатлар оқибатида жиноят содир этилишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

2-§. Ҳарбий жиноятларни содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифи

Ҳарбий хизматчиларнинг жамият манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларининг марказий бўғинида ўзига хос руҳий хусусиятларга эга жиноятчининг шахси туради. Жиноятчи шахсини криминология нуқтаи назаридан тавсифлаш, уни баҳолаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда айтиш мумкинки, ҳарбий хизматга чақирилганлар сафида, биз аввалги параграфда айтиб ўтганимиздек, ўзига хос салбий ахлоқий-руҳий хусусиятларга эга шахслар ҳам учраши мумкин. Бу каби хусусиятлар вазият тақозоси билан (ҳар доим бўлмаса ҳам) шахснинг жиноят содир этишига олиб келади.

Кузатувларимиздан маълум бўлдики, у ёки бу салбий қусур ва иллатларга эга шахслар ҳарбий хизматни ўташ фаолиятида ўзига хос танлов асосида ҳуқуқбузарликларни содир этишга интиладилар. Шунга кўра, айтиш мумкинки, айрим интизомсиз ҳарбийларда бир хил бўлмаган жиноятларнинг содир этилишини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, хизматга қадар шахсга хос бўлган салбий одатлар, кўполлик, ўзини тута билмаслик ёки тез ўзгарувчанлик кабилар

боис, уларда гап қайтариш ва атрофдагиларни ҳақоратлаш сингари хулқ намоён бўлиши мумкин.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, бундай тоифадаги шахслар асосан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнида руҳий қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Агарда уларга юклатилган вазифалар кўпчилик билан бўладиган муносабатларга боғлиқ бўлмаса, санаб ўтилган салбий одатлар умуман кўзга ташланмаслиги мумкин.

Аксинча, агарда бундай шахсларга хос салбий одатларнинг талаб даражасида олди олинмаса, унинг таъсир доираси кенгаяди ва гап қайтариш одатлари кўпаяди. Шунингдек, зарур даражадаги тарбиявий талаблар қўйилмаса, бу каби одатлар жиноятга ўсиб ўтиши мумкин. Гап қайтариш ва буйруқни бажармаслик одатларига эга шахс кўпол тарзда интизомсизликни, ҳуқуқбузарликни содир этаркан, бунда ҳеч қандай қийинчилик сезмайди. Шу билан бирга, бошқа руҳий хусусиятларга эга ножўя қилмишлар ҳам мавжуддир.

Бунда ҳарбий хизматчи олдиндан ўзига мақсад қўяди, муайян вақт тайёргарлик кўради, ўзига хос шароит яратишга куч сарфлайди ва қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилади. Бунга мисол қилиб, майда ташмачиликни ва шу каби бошқа ножўя қилмиш ҳамда жиноятларни кўрсатиш мумкин. Бундай ножўя қилмиш ва жиноятларни ўзига хос равишда хоҳишга қараб содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар дейиш мумкин. Чунки бундай хатти-ҳаракатларни асосан тарбиясиз ва маънавий савияси паст шахслар содир этиши кузатилади.

Жиноятчиликни шахснинг бутунлигича олинганлигида амалга ошириладиган қилмиши деб олсак-да, бу умумийликда шахсга хос барча қусурлар бирдек амалда бўлади дейиш асло мумкин эмас. Шахснинг жамият манфаатлари учун зид хатти-ҳаракатлари қуйидаги индивидуал-руҳий хусусиятларда намоён бўлишини кўриш мумкин.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ахлоқий-руҳий жиҳатдан етарлича тайёрланмаганлиги армияда хизмат қилишни тўғри тушунмаганлик ёки англамасликдан, бошликлар тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, аниқ ҳарбий мутахассислик ва оғир меҳнатга салбий қараш каби камчиликлар орқасида юзага келади. Ҳатто аскарлар сафида ҳарбий хизматнинг аҳамиятини тўғри англаб етмаган ҳамда ички ишонч билан ҳарбий фаолиятга оид мақсад ва вазифаларини англамай, бу вазифаларни ўз вазифаси сифатида қабул қилишни хоҳламайдиганлар ҳам учраб туради. Баъзилар ҳарбий хизматни ўзларининг бурчлари сифатида эмас, балки мажбуран хизмат ўташ деб қабул қиладилар.

Тўғри, бундай тушунчали шахслар жуда озчиликни ташкил этишини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Зотан, бундай ҳолатни эътиборга олмас-

лик ва зарур даражада баҳоламаслик шахсий таркиб ичида интизомга ва ҳарбий тартибни таъминлашга салбий таъсир этишини ҳам унутмаслик зарур. Кўпчилик аскар ва зобитларнинг ҳарбий хизматга виждонан ёндашиши заминида, бунга қарама-қарши айрим ҳарбий мутахассисликларни тан олмаслик, ўз хизмат вазифаларини бажаришда зарур бўлган жисмоний ва ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрланмаслик каби иллатларни ҳам учратиш мумкин.

Баъзи армия ёшидаги йигитларда ўзларини таъминлаш, кийим-кечакларини тайёрлаш ва ўз ташқи қиёфасининг талаб даражасида бўлишини таъминлашга ҳам уқувлари йўқлиги эътиборга лойиқдир. Чунки бу ҳуқуқбузарликка олиб келмаса-да, ҳарбийлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларда салбий ҳолатларни келтириб чиқаришида ўзига хос ўрин тутаяди. Энг салбий жиҳати бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келади.

Меҳнатга бўйин эгмаслик. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги меҳнатга бўлган муносабат ва интизомнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кўп олимлар назаридан четда қолмаганлиги криминологик тадқиқотлардан яхши маълум. Мисол тариқасида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Алоҳида олинган бўлинмада биринчи йили хизмат қилаётган аскарларнинг армиягача бўлган меҳнат фаолияти ва хизматда ўзини тутиши тадқиқ этилган бўлиб, бунда интизомсиз аскарларнинг кўпчилиги ҳарбий хизматгача бўлган даврларида ўқиш ва айниқса меҳнат фаолиятида беқарор бўлганлар ва бир неча маротаба иш жойларини ўзгартирганлар ва шунингдек тижорат соҳасида ҳам фаолият кўрсатишга улгурганлар.

Табиийки, айнан шу тоифадаги аскарларда интизомсизлик ҳолатлари тўрт баробар кўп бўлган. Бу каби аскарларда хизмат пайтида ҳам меҳнатга муносабат беқарорлик тарзида намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Шундан хулоса қилиш мумкинки, хизматгача меҳнатсеварликка мойил бўлган аскарлар хизмат пайтида алоҳида интизомлиликлари билан ажралиб турганлар.

Атрофдагилар билан бўладиган ўзаро муносабатларда зарур бўлган уқув ва маҳоратнинг талаб даражасида бўлмаслиги. Сир эмаски, айрим ҳарбий хизматчиларнинг ўз тенгдошлари билан бўладиган муносабатларида ўзига хос менсимаслик, ўзини катта тутиш каби иллатларни кўриш мумкин. Табиийки, бу каби иллатлар ўз табиатининг мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради.

Баъзида бундай ҳолатларнинг юзага келиши аскарларнинг ўзларини етук ва катта ёшдаги шахс деб кўрсатишга интилишларининг оқибати-

дир. Бошқа ҳолларда эса, кўпчилик аскарларнинг хизматгача шаклланган ижобий хусусиятлари хизмат давомида ҳам ўзгармасдан қолади.

Шунингдек, баъзи ҳарбий хизматчилар йўлбошчи (лидер) бўлишга, ўзларига турли низоли вазиятларни ҳал этиш орқали ўзларининг мавқеларини кўтаришга ҳаракат қиладилар. Бундай аскарлар кўпинча ўз бошлиқлари, айниқса сержантлар таркиби билан бўладиган ўзаро муносабатларда қийинчиликларга учрайдилар. Шу билан бирга, сержантлар таркибидаги хизматдошларидан ўзларининг сифат даражаларини юқори кўядилар.

Бир қатор низоли вазиятларда айрим ёшлар жисмоний камчиликлари мавжуд бўлган, заиф тенгдошларидан ўзларини устун кўйган ҳолда муносабатда бўладилар. Бу эса, табиийки, жиноятчиликни келтириб чиқаришга таъсир этувчи ҳолат эканлигини эътиборга олиш лозимлигини талаб этади.

Шахсий салбий хислатлар ва ёмон одатлар. Шахсга хос бўлган бундай индивидуал-руҳий хусусиятлар сифатида ичкиликка одатланганлик, аёлларга ҳурматсизлик кабиларни кўрсатиш мумкин ва энг ёмони шу каби салбий хислатларнинг мавжудлиги туфайли айрим ҳарбий хизматчилар кўпол ножўя хатти-ҳаракатлар содир этиши мумкин.

Шунингдек, шахсга хос бўлган салбий хислатлар ўзини тутишдаги номақбул ҳаракатларнинг содир этилишини бевосита келтириб чиқармайди. Шахснинг шаклланган шахсий хусусиятлари билан ёнма-ён мавжуд салбий хусусиятлари орасида яна бир қатор янги руҳий хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Бу каби салбий хислат сифатида ғайриқонуний хатти-ҳаракат мақсадининг юзага келишини кўрсатиш мумкин. Бундай мақсадларнинг куйида баён этилганидек шаклланишини кўриш мумкин.

Ўқувчига яхши маълумки, ҳар бир шахс ўзига хос эҳтиёжлари билан ажралиб туради. Яъни, моддий (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, пардоз ашёлари, ҳаракатланиш воситалари кабилар) ва маънавий (ижодий, ўқиш ва шу каби) эҳтиёжлар. Ҳар бир эҳтиёж эса ўзига хос равишда бирор-бир нарсага муҳтожлик сифатида истак, хоҳиш, интилиш кабиларни келтириб чиқаради. Эҳтиёжнинг мавжудлиги ўзига хос механизмни ишга туширади ва эҳтиёжни қондириш учун зарур буюмлар ва шароитга қизиқиш юзага келади.

Оддий ҳолларда ўз эҳтиёжини қондиришнинг бир қатор йўналишлари мавжуд. Бироқ шахс ўзининг зиёлилик, маънавий жихатлари, эҳтирослари, иродаси ва жисмоний хусусиятларига асосланган ҳолда бир тўхтамга келади. Демак, мақсад аниқ. Инсон нимани хоҳлашини аниқ билади.

Мақсад – ҳали инсон руҳияти таркибидаги мавжуд бошқа хусусиятларни бутунлай чиқариб ташламайди. Масалан, аскар ўзбошимчалик билан ҳарбий қисмни ташлаб кетган бўлса, бу ерда мақсад таниш қиз билан учрашишдир. Биз ҳали билмаймизки, нима учун у ушбу мақсадига етиш учун айнан ғайриқонуний йўлни танлади, шу қатори қасди ҳам номаълум.

Қасд онгли равишда англандан ва ҳис қилинган эҳтиёждир. У ҳиссиётларда ифодаланган фикр бўлиб ҳисобланади ва маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади. Агар мақсад «Бу киши нима қилмоқчи?» деган саволга жавоб топиш бўлса, қасд эса нима учун бошқаси эмас, айнан шу мақсад танланди, деган масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради. Шу боис, қасд фикран қайси ва қандай тарзда ҳаракат қилишни белгилаб олишдир.

Тўғри, бир қатор жиноятлар бирор-бир қасдсиз ва мақсадсиз амалга оширилади, шунингдек тегишли режа ҳам ишлаб чиқилмайди. Бунинг сабаблари кўп, албатта.

Қасдсиз ва мақсадсиз жиноятни, асосан, эҳтиросларга берилган ва иродаси бўш, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахслар тўсатдан содир этишини унутмаслик зарур. Бу каби ҳолатлар гуруҳий жиноятларни содир этишда иштирок этган шахсларга ҳам хосдир ва бу унинг ўзга шахслар таъсирида бўлганлигининг белгисидир.

Бу каби жиноятларнинг содир этилишида алоҳида эътиборга лойиқ ҳолат мавжуд бўлиб, у «одам-машина» тизимида хизмат қилувчи шахснинг психофизиологик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Маълумки, одамнинг субъектив хусусиятлари ўзига хос равишда чеклангандир ва муайян қонуниятлар таъсирида бўлади ҳамда вақт баробарида тебраниб туради. Масалан, хотиранинг заифлашуви, диққатнинг пасайиши ёки пасайиши ва кучайиши, кўзга кўринувчи ёки эшитилувчи ёлғон тасаввурлар каби ҳолатлар натижасида тўсатдан жиноий хатти-ҳаракатлар юзага келиши мумкин.

Мисол тариқасида РЛС (радио локация системаси) операторининг экрандаги мўлжални кўрмай қолиши, йўл юриш жараёнида юзага келадиган турли тасаввурлар натижасида ҳайдовчининг автомобилни тўсатдан буриб юбориши оқибатида турли тўқнашувларнинг юзага келиши ва бошқалар. Бу каби ҳолатларни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки ҳозирги замонавий армия ихтиёрига турли техника воситалари кириб келаётганини унутмаслик зарур.

3-§. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятчиликларнинг олдини олишдаги асосий йўналишлар

Умумий жиноятчиликнинг сабабларига хос мазмундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, жамият манфаатларига қарши ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатнинг олдини олишдаги асосий йўналиш ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида жамият ҳаёти билан боғлиқ йирик ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишга эришишдир. Халқнинг яшаш даражасини мунтазам равишда яхшилаб бориш – мавжуд ва орқага қайтмайдиган жараён. Бу жараённи Қуrolли Кучлар сафида амалга ошириш эса бошлиқлар ва зобитлар таркиби олиб борадиган ташкилий ҳамда тарбиявий ишларни янада яхшилаш билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатда амалга оширилаётган ва жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши Қуrolли Кучлар сафида ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилади. Бу, биринчи навбатда, ҳарбий хизматчиларнинг турли ҳуқуқбузарликларни содир этишининг олдини олиш билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали профилактика ишларининг йўлга қўйилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки тарбиявий ва ташкилий-бошқарув ишларини тўғри йўлга қўймай туриб кутилган натижаларга эришиш асло мумкин эмас.

Тарбиявий ишларни йўлга қўйиш – фанда яратилган ва инсонни тарбиялаш амалиётида мавжуд бўлган илғор тажрибалар, барча куч ва воситаларни жалб қилиш билан боғлиқ тадбирлар комплексини ўз ичига олади.

Қуйида биз жинoий жазo асосида жазоланадиган барча қилмишлар юзага келишининг олдини олиш тадбирлари хусусида фикр юритамиз.

1. Ҳарбийларнинг сиёсий-ахлоқий сифатлари жамиятимизнинг турмуш тарзига хос талаблар асосида ва, биринчи навбатда, мақсад сари йўналтирилган ғоявий-тарбия ишларни тўғри ташкил этишни талаб этади. Маълумки, айрим ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятларнинг сабаби оддий турмуш тарзи ва шахснинг фақат манфаатларидан келиб чиқувчи жинoий қасди бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, юқорида кўриб ўтганимиздек, агар шахснинг табиатига тўғри келмаса, у ёки бу хатти-ҳаракатлар қанчалик зарур ёки долзарб бўлмасин, инсон уларни амалга оширмайди. Агар бу ҳолатни Қуrolли Кучлар сафидаги шароит билан қиёсласак, унда командир ва бошлиқлар олиб борадиган тарбия жараёнида шахснинг атрофидаги

воқелик ва кўпчилик таъсирида яхши табиатли ва етук ҳарбий хизматчи бўлиб етишига эришмоқ лозимдир.

Чақирув ёшидаги ёшларнинг ички олами ўзига хос равишда шаклланган бўлади. Бу, албатта, хизмат давомида намоён бўлиб боради. Бироқ, таъкидланганидек, шахснинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳис-ҳаяжонлари ва ишончлари доимо бирдек бўлиб қолмайди. Бу ҳолат 18–20 ёшдаги шахсларда айниқса ўзгарувчандир.

Яъни: янги эҳтиёжлар ва қизиқишлар юзага келади, эскилари эса аста-секин йўқолиб боради, ҳаётий тажрибанинг ошиши эса уларнинг қарашлари ва ишончларининг ўзгаришига олиб келишини кўрамиз. Шу билан бирга, унинг учун энг қимматли бўлган ҳолатларни ўзи қайта баҳолайди.

2. Ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг узвий йўналиши ҳуқуқий тарбиядир. Бунда унинг ҳуқуқий онгини ошириш ва мавжуд қонунлар ҳамда кишилар ҳуқуқига ҳурмат билан қараш ҳисларининг юзага келишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишдаги ишлар эса асосан ҳарбий хизматчиларни тарбиялашдаги усуллар ва шакллар асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишга алоҳида эътибор бераётганлигини кўриш мумкин. Чунки Конституция, ўз мақсадига кўра, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришдаги асосий қонундир. Шахсий таркибнинг ҳуқуқий тарбияси ва шу асосида ҳарбий жиноятчиликнинг олдини олиш фақат қонунларни билиш ва унга ҳурмат билан қараш ишончи юзага келтирилсагина самарали бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Бинобарин, ҳуқуқий тарбияни олиб бориш фақат жиноят қонунчилигини ўргатиш билан чекланмаслиги лозим. Бунда ва умуман тарбиянинг барча йўналишларидаги тарбиявий ишлар албатта атрофлича бўлиши талаб этилади. Жумладан, тарбияланаётган хизматчининг ҳаёти, турмуши ва фаолияти фақат амалдаги қонунлар ва Ҳарбий низом талаблари асосида ташкил этилмоғи катта аҳамиятга эгаллигини унутмаслик зарур.

Зотан, айнан шу каби қонунларнинг амал қилишини тарбияланувчи ҳарбий хизматчи онгига сингдириш ҳуқуқий тарбиянинг ўзагини ташкил этади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга ҳуқуқий онгни шакллантириш учун самарали таъсир кўрсатувчи ҳарбий адлия органларининг иш фаолиятлари билан таништириб бориш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ҳарбий жиноятларни тергов қилиш ва очиш билан боғлиқ

ҳолатларни билиш ҳам айрим ҳарбий хизматчиларнинг ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан тўғри хулоса чиқаришлари учун катта ёрдам беради.

Жиноий жазоларнинг қонун асосида ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланишини билиш ҳарбий хизматчиларнинг жазонинг муқаррарлиги юзасидан хулоса чиқаришларига имкон яратади. Бундай хулоса шахсда ўзини тутишнинг қонун асосида бўлишига ундайди. Шундай қилиб, командир ва бошлиқлар олиб борадиган ҳуқуқий тарбия асосида ўтказиладиган махсус тадбирларнинг натижалари ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ва қатъий ҳарбий интизомни ташкил этиши қонун ҳамда Ҳарбий низом асосида бўлишига эришиш билан тўлдириб борилмоғи лозим.

3. Шахсий таркиб ўртасида турли ғайриқонуний ҳолатларнинг юзга келишида бошлиқларнинг қонунга ҳурмат қилишдаги шахсий намуна кўрсатишлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қуролли Кучларнинг мансабдор шахслари қонун талабларини аниқ бажаришлари билан ўз итоатларида бўлган ҳарбий хизматчиларда ҳам қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотадилар.

Шу билан бирга, ўзига хос равишда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўл очадилар. Педагогиканинг илмий тавсияларига кўра, ҳар кимда қонунга итоатгўйлик, ҳар доим қонун талабларини бажариш одатлари нафақат тушунтириш, ишонтириш билан, балки атрофдагиларнинг ва, биринчи навбатда, тарбиячининг шахсий ибрати орқали юзага келади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир бошлиқнинг ҳуқуққа нисбатан салбий ёки ижобий қарашлари унинг итоатидаги ҳарбий хизматчилар учун ибрат бўлишини унутмаслик даркор. Ҳеч шубҳа йўқки, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган кўпчилик бошлиқлар қонунга амал қилиш билан ибрат бўлиши мумкин ва бу ўзининг ижобий самарасига эга. Бироқ айрим ҳолларда бошлиқларнинг қўпол, ғайриқонуний, ахлоқий бузуқ ҳаракатларни содир этишини ҳам кўриш мумкин.

Шу боис, шахсий таркиб интизомини мустаҳкамлаш ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишининг олдини олиш учун бундай салбий иллатларни дарҳол бартараф этиш лозим. Чунки бундай салбий ҳолатлар нафақат хизмат қилаётганлар, айниқса оддий аскар ва сержантлар интизомини, балки жиноят қонунчилигида белгиланган нормаларнинг бузилишини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

4. Шахснинг, шу аснода ҳарбий хизматчининг ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни содир этмаслигини таъминлашда, биринчи навбатда, ўтказиладиган профилактика чоралари – шахс билан яқка тартибдаги ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир.

Бундай якка тартибдаги тарбия ишлари психология, педагогика ва криминология фанларининг илмий тавсияларини чуқур билишни тақозо этади. Замонавий фан таълимотларини чуқур эгаллаган ва шахснинг руҳияти билан боғлиқ жараёнларни, юзага келадиган ўзига хос ҳолатларда шахснинг босиқлиги ёки руҳиятининг тез бузилиши, ҳарбий хизматчиларга хос бўлган ва жиной хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарувчи салбий хислатларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур ҳолларда ҳарбий хизматчига ўз иродаси ва қобилиятларини бошқаришда зарур бўлган маҳоратларни шакллантиришни билиш тарбиячининг катта масъулият билан ёндашишини талаб этади.

Шунингдек, якка тартибдаги тарбия ишларини олиб борувчи бошлиқлар ва командирлардан у ёки бу шахс билан муносабатда қандай усул ва воситаларни қўллаш зарурлигини билиш ҳам талаб этилади (ишонтириш, талаб этиш, жазолаш тўғрисида буйруқ бериш кабилар). Ўзининг итоатида бўлган ҳарбий хизматчини тушуниш ва муайян ҳаётий вазиятларда қўллаб-қувватлаш – зарур тарбиявий чораларни тўғри танлашнинг ечими эканлигини эътиборга олиш лозим. Бу эса тарбиячининг нафақат назарий билимга эга бўлишини, балки ўзининг итоатидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётий ташвишларида ҳам бирдам бўлишини талаб этади.

5. Ҳарбий қисмларда жинойтларнинг олдини олиш ва бундай салбий ҳолатларга барҳам беришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Ҳарбий жамоа асосан ёшлардан иборатлиги билан эътиборлидир. Шу боис, жамоатчиликнинг муддатли хизматга чақирилган ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида жинойтчиликнинг олдини олишдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳаёти ва фаолияти кўпчилик кўз ўнгида кечади.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ҳарбий қисмнинг жамоатчилиги катта кучдир. Бинобарин, ҳарбий қисмлардаги тажрибали ходимлар ва бошлиқлар таркиби ёшларни тарбиялашда катта муваффақиятларга эришишга кодирдир.

Тарбия жараёнини юзага келтиришда жамоатчиликка таяниш тарбиявий ишларни олиб боришнинг фақат бир томонидир. Аслида, профилактика-тарбия ишлари ўз ичига ҳарбий хизматчиларни керакли касбга ўргатиш, чиниқтириш ва шу орқали уларнинг ахлоқий, руҳий ва ҳарбий кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, маънавий ва жисмоний камолотга эришишда ҳам тарбия муҳим ўрин тутди. Умуман олганда, тарбия йўналишидаги санаб

ўтилган барча тадбирларнинг мақсади ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳар қандай салбий ҳолатларнинг юзага келмаслигини таъминлашдир.

Ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ва шу орқали турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бир қаторда, ташкилий-бошқарув йўналишидаги ишларни тўғри ташкил этиш ҳам катта профилактик аҳамиятга эгадир. Қуролли Кучлар сафида амалга ошириладиган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ишлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу каби хусусиятлар ёки бошқача айтганда, омиллар қуйидагилардан иборатдир.

1. Ушбу йўналишда олиб бориладиган тадбирлардан энг муҳими ҳарбий қисмларда, бўлим ва бўлинмаларда ҳарбийларнинг маиший турмуши ва яшаш шароитларини қатъий талаблар асосида таъминлаш ҳамда Ҳарбий низом талабларининг тўлиқ амал қилишига эришишдан иборатдир. Ҳарбий низом талабларини бажаришдан асосий мақсад, биринчи навбатда, намунавий жанговар навбатчиликни ташкил этиш, қоровул ва ички хизматнинг талаб даражасида бўлиши, ҳарбийларнинг ҳарбий ва ғоявий тайёргарликларини самарали тарзда олиб бориш, жанговар техникани маҳорат билан ишлатиш, сафдошлари билан тўғри муомалада бўлиш, кун тартибига риоя қилиш, белгиланган ўқув режалари ва дастурларини ўзлаштириш, турмуш шароитларини яхшилаш, ҳордиқ чиқариш, шахсий таркиб ўртасида мунтазам равишда оммавий-спорт тадбирларини ўтказиш кабиларни таъминлашдан иборатдир.

Санаб ўтилган чора-тадбирларни ўз вақтида ташкил этиш ҳарбий хизматчиларда интизомлиликни ва барча вазиятларда ҳам фақат қонун талабларини бажаришга ўргатади. Ҳарбий талабни эса фақат педагогика тавсияларига кўра, қатъий кун тартибини тузиш билан боғлаш ҳам асло мумкин эмас. Зотан, ҳарбий қисмнинг кун тартиби Ҳарбий низом ва бошлиқларнинг буйруғи асосида ишлаб чиқилган ва қонун кучига эга талаб сифатида қабул қилиниши лозим.

Шунинг учун ҳам кун тартибини бузиш ҳарбий хизматчиларнинг қонунни бузиши сифатида эътироф этилишига эришиш лозимдир. Агарда кун тартибини бузишга юзаки қаралса, «ашаддий тартиббузарлар»нинг ўз қилмишларини осонликча «оқлашлари»га имкон яратишини ҳам унутмаслик даркор.

2. Ҳарбий соҳада жиноятчиликнинг юзага келмаслигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан яна бири бошлиқларнинг ўз итоатларида бўлган ҳарбий хизматчилар фаолиятларини қатъий тарзда назорат қилишдан иборатдир. Маълумки, назоратнинг сусайтирилиши оқибатида жуда кўп жиноий фаолиятларнинг юзага келиши криминологияда эътироф этилган ўзига хос ҳолатлардан биридир. Айнан назоратнинг

йўқлиги боис, кўп ҳолларда ҳуқуқбузарликнинг юзага келишига имкон яратилишини кўплаб кузатиш мумкин.

Шунинг учун ҳам Қуролли Кучлар сафида назоратнинг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Тўғри, назоратни алоҳида олинган ҳарбий қисмда автоном тарзда ўрнатиш асло мумкин эмас. Назоратни Қуролли Кучлар тизимига кирувчи ҳар бир соҳа командири, бошлиғи ва ҳатто кундалик наряд бошлиқлари виждонан амалга оширмоғи лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, назорат Ҳарбий низомда белгиланган талабларнинг бажарилишини таъминлашдир. Қаерда Низом талаблари талаб даражасида бўлмаса, назоратни ташкил этиш ҳам қийин кечади. Бунинг оқибатида эса ўзига хос ғайриқонуний ва Низомга зид бўлган «норасмий назорат», «жанговар навбатчи»лар тизими каби иллатлар юзага келиши мумкин. Бунинг оқибати эса яхши маълум.

Яъни, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончни йўққа чиқаради, ўзаро бир-бирини ғайриинсоний тарзда қўллаш, кундалик наряд фаолиятининг бузилиши кабиларни келтириб чиқаради. Шу боис, бундай салбий иллатлар туфайли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг барча тадбирлари самара бермайди.

Ҳуқуқий жиҳатдан қаралганда, Қуролли Кучлар фаолиятида Ҳарбий низом талаблари асосида назорат этишнинг норматив тизими яратилган. Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг фаолиятларини назорат этишни масъул ҳарбий қисм бошлиқлари, ҳарбий муассаса, комендатура, ҳарбий госпитал, ички наряд ва патруль хизмати бошлиқлари низом асосида амалга оширадilar. Бу эса ўзига хос равишда ҳарбий хизматчилар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг амалга оширилишига йўл қўймасликка ёрдам беради.

3. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятчиликнинг олдини олишда жазонинг муқаррарлиги принципининг амал қилишини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Ушбу тадбирнинг амалга оширилиши эса, биринчи навбатда, интизомий чора-тадбирларнинг ўринли қўлланиши ва ҳеч бир қоидабузарлик жазосиз қолмаслигини тўғри йўлга қўйиш билан узвий боғлиқдир. Жазоланмаслик охир-оқибат турли хавфли қилмишларнинг содир этилишига йўл очади.

Шу боис, Интизомий низом масъул шахсларга итоатда бўлган ҳар бир ходим содир этган қилмиши учун жазо қўллашни қатъий талаб этади. Интизомий Низом бошлиқларнинг итоатидаги ходим содир этган қилмишларга қандай жазо қўллаш тартибини аниқ ифодалагани ҳолда,

жазони амалга ошириш ва ҳисобини юритишнинг қатъий талабларини кўяди.

Кўриниб турибдики, бу тадбир ҳам Куролли Кучларда амалда бўлган Низом талабларидан биридир. Ҳарбий хизмат билан боғлиқ ва ҳарбий хизматчилар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш баён этилган тарбиявий, ташкилий ва ҳуқуқий йўналишлардаги тадбирлар билан чекланмаган.

Зотан, профилактика ишларини атрофлича, яъни комплекс тарзда ташкил этиш ҳам муҳим ўрин тутуди. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган комплекс чоралар кўмондонлик ва ҳарбий адлия органлари билан ҳамкорликда режа асосида ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилишини ифодалайди.

Шунингдек, режадаги умумий талаб ва тушунчаларнинг берилишига бағишланган қисмида тадбир қаерда, қачон ва низом талабларини ҳарбий қисм шахсий таркибининг қандай бажаришини (ўқув жараёни, хизмат соҳасидаги умумий ҳолат, турмуш шароитлари, ҳордиқ чиқаришнинг йўлга қўйилиши каби) таъминлаш чоралари келишилади. Бундай комплекс тарзда ўтказиладиган профилактика ишларининг самараси юқорилиги билан ажралиб туради ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этади.

4-§. Айрим турдаги ҳарбий жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари

Ҳарбий жиноятларнинг ҳар бири (бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, Қоровул ва ички хизмат низоми талабларининг бузилиши, ҳарбий мансабдорлик жиноятлари, ҳарбий техникани ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш кабилар)нинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос сабаблари ва жиноятчи шахсидаги баъзи хусусиятлар мавжудлиги туфайли уларнинг олдини олишда ҳам ўзига хос профилактика чораларини қўллаш зарурлиги эътиборга олинishi талаб этилади.

Ҳарбий жиноят сифатида бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этмасликнинг юзага келишини олдини олишда энг муҳим тадбир бўлиб, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳисобланади. Шу ўринда асосий эътибор командир ва бошлиқларнинг, яъни тарбиячиларнинг ўзини тарбиялашга қаратилмоғи лозим.

Бинобарин, ҳозирги кунда бошлиқлар таркибига катта масъулият юкланганлигини эътиборга олиш катта аҳамиятга эгадир. Айнан бошлиқлар таркиби юқори интизомлилик, ўзига талабчанлик, командирлик

иродаси ва ташкилотчилик қобилияти, юқори касбий маҳорат умумий ва касбий маданият, ходимларни ўргата олиш ва тарбиялаш маҳоратига эгаллиги каби сифатларга эга бўлмоқлари лозимдир.

Ушбу сифатларга эга бўлишнинг ўзиёқ зарур профилактик аҳамиятга эга. Чунки раҳбардаги бундай сифатнинг, мавжудлиги ҳарбийлар учун катта ибрат бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бундай сифатларга эга бошлиқнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ҳарбий хизматчилар ҳар қандай вазиятда ҳам бажаради. Бошлиқ биз кўриб чиқаётган ҳарбий жиноятларнинг ўз вақтида олдини олишга ҳам қодир бўлишини кўриш мумкин.

Ўз итоатидаги ҳарбийларни бошлиқларнинг барча талабларига сўзсиз бўйсунуш ва ўзаро ҳурматда бўлиш руҳида тарбиялаш жараёнида тажрибали командир ўз вақтида уларнинг маданиятли бўлишларини, ўзини ўйлаш, тажовузкорлик каби иллатлардан йироқ бўлишини, низоли ҳолатларда ўзини қўлга ола билиш каби хислатларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, салбий шароитдаги оилада ўсган ёшлар, муқаддам судланганлар, спиртли ичимликка «ихлос» қўйганлар, беқарор, ўзини тута олмайдиган ва тажовузкор аскарлар билан яқка тартибдаги тарбиявий ишларни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратадилар.

Бу санаб ўтилганлар, албатта, тарбиявий йўналишдаги тадбирлардир. Ташкилий-бошқарув йўналишидаги тадбирлар улардан фарқ қилиб, ўз ичига командирларни танлаш ва жой-жойига қўйишни, уларнинг обрўини сақлашни; айрим бошлиқлар итоатидаги ҳарбийлар билан ғайриқонуний, ахлоқсиз муносабатда бўлишларининг олдини олиш; бошлиқлар ва уларнинг итоатида бўлган ҳарбийлар ўртасидаги ва ҳар бир хизматчининг ўзаро келишмовчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва ечимини топиш; ҳарбий хизматчиларнинг ичкиликбозлиги ва бошқа ҳуқуқбузарликлари учун жазоланмай қолишларига барҳам бериш кабиларни олади.

Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибининг бузилиши мастлик ҳолатида бўлишида эса қуйидаги тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир. Яъни, спиртли ичкиликлар истеъмол қилинишига йўл қўймаслик; мастлик ҳолатида бўлган ҳарбийларнинг алоҳида бўлишини таъминлаш; патруль хизматини йўлга қўйиш; назорат-ўтиш жойларида ички хизматни ташкил этиш; спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларининг муддатли ҳарбий хизматчиларга етиб боришига тўсик қўйиш кабилар.

Бундай ташкилий ишларнинг йўлга қўйилиши орқали айрим низоли ҳолатлар келиб чиқишининг ҳам олдини олишдаги муҳим профилак-

тика чораси деб тушунмоқ жоиздир. Умуман олганда, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг олдини олишда тарбиявий зарур чораларнинг қўлланиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Бизга яхши маълумки, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш билан боғлиқ (дезиртирлик, ўзининг бирор аъзосини майиб қилиш ва умуман ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш каби ҳолатлар) қилмишни содир этувчилар шахсига қуйидаги салбий хислатлар хосдир. Булар улардаги маданий савиянинг пастлиги; маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий дунёқарашларнинг талаб даражасида эмаслиги кабилардир.

Бу каби салбий хислатли ҳарбий хизматчилар билан, албатта, якка тартибдаги мақсадли профилактика ишларини олиб бориш лозим ва шу орқали уларнинг ҳарбий хизматга кўникишлари, янги шароитга мослашишларига ёрдам бериш мумкин ва, энг муҳими, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жинойий қонунчилик асосида жазоланишини тушуниб етишларига ҳам имкон яратади.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида хизмат жойларидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш ҳолатларининг олдини олишда ичкилик-бозликнинг салбий жиҳатлари ва жинсий тарбия тўғрисида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш талаб этилади ва шу орқали уларнинг шахсий қизиқишларидан ҳарбий хизматга қизиқишларини юқори билишлари каби хислатларни юзага келтиришга эришилади.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолатлари юзага келишининг олдини олишда амалга ошириладиган ташкилий тадбирлар сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ҳарбий хизматга олиш жараёнида чақирувчиларда мавжуд бўлган ва ҳарбий хизматда яроқсиз деб топиладиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш; ҳарбий хизматчиларнинг барча мурожаатларига эътибор билан қараш ва уларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш кабилар.

Энг самарали профилактика чораси сифатида муддатли хизматга чақирилганларнинг хизматни ўташ жараёнида Ҳарбий низом талабларини қатъий тартибда жорий этиш, зарурат туфайли ва тақдирлаш тариқасида таътиллар беришлар кабиларни кўрсатиш мумкин.

Командирларнинг ҳарбий соҳадаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда иш кўришини таъминлаш ва бунда ҳарбий хизматчиларга оид шахсий ҳуқуқларнинг бажарилишига эътибор қаратиш, итоатидаги ҳарбийларнинг хизмат вазифаларини аниқ белгилаш ва уларнинг ҳарбий соҳадаги ҳуқуқ-тартиботга амал қилишига эришиш. Шахсий таркибнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига кўникма ҳосил қилишида ҳарбий хизматчиларнинг Низом талаблари асосида эрталабки саф кўригида, машғулотлар пайтида, шахсий вақтда ва кечқурунги текширувда,

таътиллаш, хизмат сафари ва ҳарбий госпиталлардан ўз вақтида қайтиш кабиларда назоратнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш муҳим ўрин тутишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ҳарбий қисмдан ташқарида ва шахсий таркибдан ажратилган ҳолда хизматга жалб қилинган ҳарбийлар устидан назорат олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш эса ички хизматни тўғри ташкил этиш, назорат-техника ва назорат-пунктлари ҳамда ҳарбий қисмдан ташқарида патруль хизматларининг ташкил этилиши билан узвий боғлиқдир. Ҳарбий хизматчиларнинг қоровул, ички ва бошқа хизмат тартибларини бузишининг олдини олиш билан боғлиқ профилактика ишларини ташкил этиш даставвал ҳарбийларга тегишли махсус вазифаларни ўргатиш билан узвий боғлиқдир.

Зотан, ҳарбийларнинг ўз вазифаларини чуқур билишлари, ҳарбий техника билан ишлай олишлари, хизматни ташкил этишга зарур қуроллар ва бошқа воситаларни моҳирона қўллай олишлари хизматни юқори даражада ўташнинг гарови эканлигини унутмаслик лозим. Шунингдек, шахсий таркибнинг Ҳарбий низом ва йўриқнома талабларини билишлари хизматни талаб даражасида ташкил этишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчининг ўрнатилган тартиб талабларига риоя этиш, қўйилган талабларни бажарилмаслик оқибатини англаш ва хизматни виждонан бажаришга интилиш каби хислатларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Махсус хизмат талабларини бажармаслик билан боғлиқ жинойатларнинг олдини олишдаги энг асосий профилактика чораси ҳам норматив талабларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга эришишдир.

Ҳар бир наряд таркиби, аввало, қўйилган вазифаларни бажаришга зарур бўлган ҳарбий техника, қурол-яроғ, транспорт, кийим-кечак кабилар билан таъминланиши зарур. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларни вақтида нарядга қўйиш; тайёргарликка вақт бериш, ўз вазифаларини ўрганиш, инструктаж ва дам олиш; ҳарбийларни танлаш ва бунда унинг шахсий хусусиятлари, тайёргарлик даражаси, хизмат тажрибаси кабиларга эътибор қаратилиши зарур.

Ушбу хизмат вазифаларининг бажарилишини назорат этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Назорат ўз жойида, вақти-вақти билан амалга оширилиши лозим. Бу эса хизматчиларнинг ҳушёр туришларини таъминлайди. Айниқса, хизмат пайтидаги тартиббузарликларни содир этганларнинг жазоланиши муқаррарлигини ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳис қилишига эришиш зарур.

Юқорида баён этилганидек, ҳарбий жиноятлар ичида ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки ҳарбий қисмда тартиб ва интизомнинг талаб даражасида бўлишини таъминлашда ҳарбий мансабдор шахслар фаолияти етакчи ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Қуролли Кучлар тизимининг барча поғоналарида мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва айниқса раҳбарлар таркиби билан боғлиқ барча масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш чоралари эса бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини бартараф этишга йўналтирилиши билан бир қаторда, мансабдор шахсларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса қуйидаги тадбирларнинг ўтказилиши билан узвий боғлиқдир.

Яъни: а) мансабдорлик вазифаларини бажарувчи кадрларни танлаш ва бунда асосий эътиборни уларни ҳарбий ўқув юртларига қабул қилишда, бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда ёки бир вазифадан иккинчи вазифани бажаришга тайинлашда шахсини атрофлича текшириш; б) мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур бўлган махсус тайёргарликдан ўтказиш. Шахсий таркиб билан ишловчи бошлиқлар асосан психология ва педагогика билимларига эга бўлмоқлари зарур; ҳўжалик, молия, техник-таъминот каби хизмат соҳасидаги раҳбарлар эса – ўша соҳа бўйича махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим, шунингдек улар моддий, маъмурий ва жинсий жавобгарликларни ҳам аниқ билишлари зарур. Бу каби жавобгарликлар уларнинг ўз вазифаларини нотўғри бажаришлари оқибатида жорий этилиши мумкинлигини билишлари ҳам муҳим профилактик аҳамиятга эгадир; в) мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тарбиясини йўлга қўйиш ва шу орқали уларнинг қонунчиликка тўлиқ амал қилишларида ижобий таъсирга эгадир; г) мансабдор шахсларнинг аниқ вазифалари ва фаолиятларининг аниқ чегараси белгиланиши ва бунда Ҳарбий низом, йўриқномалар орқали бундай ҳолатларнинг кўпчилиги зарур даражада мувофиқлаштирилмаганлигини эътиборга олиш зарур; д) мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини аниқ бажаришлари учун шароит яратиш кўпроқ зарур моддий-техникавий базани яратиш билан боғлиқдир; е) юқори турувчи раҳбарларнинг фаолиятлари устидан ҳарбий қисмларнинг штаб ва хизмат соҳалари мунтазам назорат олиб бориши (бирорбир тизим орқали, кутилмаганда, сифатли тарзда текширувлар, инвентарлаштириш ва тафтишлар ўтказиш каби) ва аниқланган моддий, интизомий ва жинсий жавобгарликлар учун жазо тайинланиши принципига асосан иш кўриш кабилар.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ҳарбий жиноятларнинг таърифини беринг.
2. Ҳарбий жиноятларнинг турларини санаб ўтинг.
3. Қуролли Кучларда содир этиладиган жиноятчиликнинг ҳолати, таркиби ва динамикасини тавсифланг.
4. Ҳарбий жиноятларни содир этувчиларнинг шахсини тавсифланг.
5. Қуролли Кучларда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишдаги профилактика шакли ва усуллари нималардан иборат?
6. Ҳарбий жиноятларнинг сабаб ва шароитларини санаб ўтинг.
7. Ҳарбий жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш қайси ҳуқуқий асослар орқали тартибга солинади?

XXII боб
ТЕРРОРИЗМНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА
УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ

1-§. Терроризмнинг умумий тавсифи ва олдини олишнинг
профилактик чора-тадбирлари

Терроризм ҳозирги даврнинг энг хавфли ва мураккаб воқелигидир. Ушбу ижтимоий муаммони ҳал этиш учун биринчи галда терроризмнинг нималигини, унинг мақсадини, моҳиятини, нима учун ва кимлар томонидан қандай восита сифатида қўлланишини аниқ билиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, турли мақсад кўзда тутилган ҳолда, давлат ва сиёсат арбобларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳужум уюштирилади, завод, фабрика, алоқа тармоқлари, транспорт воситаларини яқсон қилиш ва шу каби хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилишини кўриш мумкин. Бироқ қилинаётган хатти-ҳаракатлардан мақсад кўрқув ва даҳшатни юзага келтириш билан боғлиқ. Бу эса терроризмнинг ўзига хос аломати бўлиб, унга асосан терроризмни бошқа турдаги жинойтлардан фарқлаш мумкин.

Терроризм у ёки бу объектга жисмоний таъсир ўтказиш ва унга қарши курашаётган томонга руҳий таъсир этиш кабилар орқали ўз рақибини заифлаштириш усулидир. Шу билан бирга, гарчанд мақсад айнан моддий зарар етказишдан иборат бўлса ҳам (масалан, тижоратдаги рақибини йўқотиш мақсадида қилинса), жисмоний тазйиқ амалий жихатдан бўлмаслиги ҳам мумкин ва бунда ҳеч кимга зарар етказилмасдан, кичикроқ бир портлатиш ёки кам миқдорда зарар етказилади. Табиийки, бу ҳолатни юзага келтиришдан асосий мақсад руҳий агрессияни очикдан-очик намоиш этишдир.

Бу каби намоишкорона хатти-ҳаракатлар террорчининг бирор-бир моддий манфаатдорликни кўзда тутмаган ҳолда ва фақат ўз мавқеини ҳамда кудратини кўрсатишини ифодалаши мумкин. Айрим террорчилик ҳаракатлари эса рамзий маънога эга бўлиб, даҳшатга солинувчи қурбонига эмас, балки катта миқёсдаги оммага ҳам ўз устунлигини кўрсатишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда «терроризм» тушунчасини ифодалашга муайян ёндашувнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Шунга кўра, терроризм қуйидагича талқин этилади:

– онгли равишда ва муайян тизим асосида куч ишлатиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар орқали сиёсий кураш олиб бориш тактикаси;

– нафақат у ёки бу эътиборли шахсни жисмонан йўқ қилиш, балки ҳукумат ёки муайян ижтимоий гуруҳларни даҳшатга солиш.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, куч ишлатишни террорчилик ҳаракати деб билиш учун, албатта, бирор-бир шахсни даҳшатга солиш аломати бўлиши лозим. Шунингдек, айрим хатти-ҳаракатлар ўз вақтида даҳшатга солиш билан бирга, бошқа мақсад (масалан, кераксиз шахсни йўқ қилиш)ни ҳам кўзда тутиши мумкин.

Зотан, айтиш мумкинки, терроризм зўравонликдир ва ўз ичига бошқа бировга хавф солишни, ваҳимага солиш учун раҳмсизларча зўравонликларни юзага келтиришни, давлат ва жамоат тартибини бузиш, ҳатто бутунлай издан чиқариш, қўрқув уйғотиш, ўз фойдасига қарорга келиши учун рақибини мажбурлаш, сиёсий ва бошқа ўзгаришларнинг содир бўлишига эришишни қамраб олувчи ижтимоий иллатдир. Терроризм турли миқёсларда, шу жумладан олий сиёсий бошқарув ва халқаро алоқалар миқёсида ҳам ушбу жиҳатлари билан намоён бўлади.

Бу каби ҳолларда терроризм ўз-ўзидан халқаро миқёсдаги жиноят сифатида рўй беради ва, табиийки, халқаро миқёсдаги жиноятларга қарши кураш тегишли миллий давлатлар ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қонунчиликлар асосида амалга оширилади. Шу боис, бир қатор халқаро ҳужжатларда терроризм турли мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келган сиёсий алоқалар тизимининг бузилишига олиб келади ҳамда умуминсоний ахлоқий қадриятларга тажовуз қилади деб эътироф этилган.

Энг хавфлиси, кўп ҳолларда халқаро ҳуқуқ-тартибот ва унинг субъектлари бўлмаган оддий фуқароларнинг жабрланишини кўриш мумкин. Умуман олганда, халқаро терроризмни терроризмнинг ўзига хос тури сифатида эътироф этишга асло эътироз бўлмаслиги лозим. Бинобарин, терроризмнинг айнан шу тури бўйича тадқиқот ишларини илмий ва ўқув адабиётларида кўплаб учратиш мумкин.

Терроризмни умумий маъно сифатида у билан боғлиқ ҳолатларининг барчасини бирдек тушунган ҳолда ва шу билан боғлиқ террорчилик ҳаракатларининг мавжудлигини ҳам инобатга олиш жоиздир, бинобарин, «терроризм» тушунчасини белгилашда қуйидаги ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим. Шунга кўра, террорчилик дейилганда, терроризмни амалга ошириш учун кетган вақт муайян ҳудудда амалга

оширилиши ва жуда кўп инсонларга қарши қаратилганлиги каби иллатларга эга жиноий ҳаракатлар тушунилади.

Шу билан бирга, терроризмнинг ўзаро нифоқ, аниқроғи, террорга солиш, бунда бир-бирига душман томоннинг давомли хатти-ҳаракатлар содир этилиши, кўрқитиш ва сиқувга олиш орқали жиноий-ҳуқуқий таркибга эга бўлмаган зўравонликлар қилиш сифатида ҳам тушунилишини учратамиз²⁰.

Ҳуқуқни татбиқ қилиш амалиётида мамлакатимизда терроризмнинг ягона таърифи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига баён этилган. Кодекснинг 155-моддасига кўра: «Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверинитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирор-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятдир».

Санаб ўтилганлар, таъкидланганидек, жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан терроризмга берилган таъриф бўлса, криминология нуқтаи назаридан ҳам терроризм ўзига хос гуруҳларга ажратилган ва бу гуруҳларга умумий терроризмнинг даҳшатга солишдек асосий жиҳати ва унинг қай даражада кўзга ташланиши ҳамда хуфий тарзда амалга оширилиши каби хусусиятлари ҳисобга олинган. Бу хусусиятларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (ЖКнинг 158-моддаси), Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (ЖКнинг 159-моддаси) каби жиноятларда мавжудлигини кўриш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларида эса «терроризм» тушунчаси кўп ҳолларда экстремизм, уюшган, тайёргарликдан ўтган ва яширин фаолият кўрсатаётган ҳамда оғир жиноятлар содир этган (шу жумладан, одам ўлдиришдек) жиноятчилар тўғрисида гап кетганида қўлланиши

²⁰ Қаранг: *Антонян Ю. М.* Терроризм: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 1998. – С. 11.

ҳам яхши маълум. Ҳозирги кунда ОАВда жаҳон миқёсидаги шу каби террорчилар сифатида араб мамлакатларида, АҚШ ва Исроил ҳамда бир қатор Европа давлатларига қарши олиб борилаётган террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган террорчилар кўрсатилади. Албатта, терроризмни шу каби қиёсий маъноларда ҳам таърифлаш мумкин. Бинобарин, бундай таъриф Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида баён этилган таърифга мос келмаслигини унутмаслик зарур.

Терроризм тўғри маънода жамият ва инсоният хавфсизлигига катта хавф солади, чунки унинг оқибатида оммавий тарзда кишиларнинг жабрланишини кўриш мумкин, кўпгина одамларга тиклаб бўлмас даражадаги жароҳат ва, энг ачинарлиси, рухий жароҳат етказиш мумкин, шу билан бирга, жуда катта моддий ва маънавий зиён етказади. Террорчиларнинг ғаразли мақсадларига ҳеч бир алоқаси йўқ оддий кишиларнинг жабрланиши фуқароларни ташувчи самолётларнинг ҳалокатларида, стадионлардаги томошабинлар ёки кўчада ўз юмушлари билан юрган фуқаролар ичида учрайди.

Ўқувчига яхши маълумки, 1999 йил 16 февраль воқеалари оқибатида, яъни манқурт шахсларнинг Тошкент шаҳрида амалга оширган террорчилик ҳаракатлари кўпчилик фуқароларнинг жабрланишига олиб келди. Журналистларнинг ўша воқеалар билан боғлиқ саволларига берган жавобларида Президентимиз И. А. Каримов ушбу террорчилик ҳаракатлари пухта ўйланган бўлиб, уларнинг ташкилотчилари Ўзбекистондан узоқда туриб фаолият кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ижрочиларнинг асосий қисми муқаддам ва ҳодиса содир этилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлиб ҳисобланганлар.

Терроризмнинг миқёси оммавий бўлган-бўлмаганлигига кўра, сезиларли миқдордаги инсонларга зарар етказади ва уларни хавотирли ҳимоясизлик, бутунлай хавфда қолдириш, меҳнат фаолиятининг сусайиши, ижтимоий алоқаларининг бузилишига, қонун ва виждон ўртасида битим тузишга чорлайди. Шунинг учун ҳам терроризмни энг ярамас жиноят деб аташ мумкин.

Терроризм хавфи қурбонларнинг миқдори билан боғланмайди – жаҳон миқёсида террор орқасида содир этилаётган одам ўлдиришларнинг умумий миқдори умумий жиноятлар орқали содир этилган жиноятлар билан асло қиёсланмайди, чунки терроризм оқибатида кишиларнинг ҳалок бўлиши улардан миқдоран кўплиги билан ажралиб туради.

Терроризмни, айниқса халқаро миқёсдагисини ядровий қурол хавфи ва иқтисодий таназзул қабилар билан ёнма-ён қўйиш мумкин,

чунки: биринчидан, террорчилар ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини қўллашлари, шунингдек табиатга ҳам тиклаб бўлмас даражада зарар етказишлари мумкин; иккинчидан, террорчилар нафақат қўрқувни, балки ўзига нисбатан халқ маломатини кўзғатади, шу билан бирга, айрим кимсаларнинг завқланишларини ва қизиқишларини ҳам юзага келтиради; учинчидан, терроризм айрим давлатлар чегарасидан четга чиқиб, ўз бағрида доимо турли ихтилофлар, ҳарбий тўқнашувлар, ҳатто урушни ҳам сақлаб туради; тўртинчидан, терроризмнинг яна бир хавfli жиҳати унинг мақсади у ёки бу давлатда, у ёки бу минтақада тор доиралар манфаатини ифодалайди, ўз ташкилотининг кучлилигини намойиш этади, йўлбошчиларнинг обрўйини ошириш, ўз ғоялари ва таълимотларини кучайтиришни назарда тутган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятларни яхшилашни эмас, балки издан чиқариш маъносига эғалигидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда террорчилар террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда даҳшатли ва ўта қалтис усулларга таянмоқдалар, шу мақсадда, террорга қарши курашувчи профессионал мерганлар каби моҳирлик билан мўлжалга олиш қуролларидан янада яхшироқ фойдаланишга интиломоқдалар.

Агар XX аср бошларида революционер-террорчида ҳарбий тайёргарликнинг йўқлиги, бунга ўз тажрибаларига асосан эришганликларини, ўз машқ майдонлари, дастурлари бўлмаганлиги кабилар хос бўлган бўлса, ҳозирги террорчилик гуруҳининг аъзолари учун ўз мамлакатларида ва хорижда зарур машқ жойлари, махсус тайёргарлик кўриш технологиялари, махсус вазифаларни бажариш бўлимларида хизмат қилган маҳоратли йўриқчилари ёрдам қилаётганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, террорчиларни тайёрлашга худди махсус бўлинмалари ёки махфий хизматлар таркибига кирувчи ходимларни тайёрлашда бўлганидек, тайёргарликлар жорий этилади. Уларга, шунингдек разведка ва контрразведка, ташқи ва қарши кузатувларни олиб бориш ўргатилади.

Террорчилик ҳаракатлари ўта аниқлик билан ташкил этилади, шунинг учун ҳам гўёки уларнинг олдини олиш чораларини қўллашга имкон бордек туюлади. Бироқ террорчилар террорчилик ҳаракатларини ўта махфийликда тайёрлайдилар, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда уларнинг олдини олиш имкони бўлмайди.

Терроризмни ўзига хос турлар (тип)ларга ажратиш мумкин. Хусусан, профессор В. В. Лунеев типологияси бўйича ҳозирда террорчилик фаолиятларининг қуйидаги турлари учрайди:

– сиёсий мақсаддаги терроризмда давлат ва жамоат арбоблари ёки ҳокимият вакилларининг ҳаётига қасд қилиш, портлатишлар, ёқиб юбориш ва бошқа қилмишлар содир этиш орқали одамларнинг ҳалок бўлиши, кўп миқдорда моддий зиён ва ҳокимиятни йўқотиш учун амалга ошириладиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этилади. Бундай ҳаракатларда экстремистик кайфиятдаги турли сиёсий оқимларга тааллуқли кучларнинг қатнашуви эса янада оғир оқибатларга олиб келиши мумкин;

– жиноий ташкилотлар ва уюшмаларнинг (ички ва халқаро миқёсдаги) жиноий терроризмида жиноий ишлар бўйича тергов ишларини олиб боришда ва жиноят соҳасида сиёсат юритишда давлатлар ва уларнинг ваколатли шахсларига ҳалал бериш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаол ходимларини йўқотиш, судьяларни енгил ҳукмлар чиқаришга мажбурлаш, жабрланувчилар, гувоҳлар, журналистларнинг жиноий фаолиятларни тўхтатиш ва йўқ қилиш ишларида ёрдам беришларига йўл қўймаслик кабилар амалга оширилади;

– қарши турувчи кучларнинг миллатчилик терроризми эса, ўз олдига давлатнинг ҳокимият органлари фаолиятини издан чиқариш ва шу орқали ўзларини сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан таъминлашни мақсад қилиб олади;

– «ҳаводаги» терроризм, яъни кишиларни гаровга олиш ёрдамида самолётларни олиб қочиш каби террорчиликнинг ўзига хос кўриниши турли ғаразли мақсадларда – бошқа мамлакатлардан сиёсий бошпана топиш, содир этилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликдан қочиш ва шу каби бошқа ғаразли мақсадларда ёки шахсий эҳтиёжларини кўзлаб амалга оширилади;

– халқаро терроризм эса, чет давлатлар билан уруш келиб чиқиши ва халқаро алоқаларнинг бузилишига интилади.

Фикримизча, таклиф этилган бу каби тарздаги терроризмни фарқлаш типологияси шу куннинг талабларига мос келади.

2-§. Терроризмнинг юзага келиш сабаблари

Терроризм ва унинг оқибатида юзага келаётган муаммоларни тадқиқ этган Ғарб олимларининг хулосалари ва оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотлар асосида терроризмнинг кейинги ўн йилликда қанчалик хавфли ва даҳшатли даражада содир этилаётганлигини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг 70-йилларида Европа мамлакатларида ва, айниқса Германия ва Италия каби давлатларда террорчилик ҳаракатларининг содир этилиши кўпайган.

Бу каби ҳолатларда террорчилар асосан давлат ва сиёсий арбоблар ҳаётига тажовуз қилиш ҳамда олиб қочиш, кишиларни гаровга олиш, давлат муассасалари ва жамоат жойларида портлатишларни амалга ошириш, ҳаво ва денгиз транспортларига ҳужум қилиш ҳамда эгаллаб олиш, тинч аҳолини қириш (масалан, Ҳиндистон, Шри-Ланка каби давлатларда), ядро қурилмаларини эгаллаш ёки ишдан чиқаришга интилиш каби қалтис усулларни кенг қўлланганлар.

Террорчилар содир этган ҳужумларнинг қарийб 20 % кейинги пайтларда асосан АҚШ фуқаролари ва чет давлатларга жойлашган муассасаларига қарши қаратилганлиги билан ажралиб туради. 1988 йил давомида террорчилик ҳаракатлари оқибатида 192 нафар Америка фуқароси ҳалок бўлган ва 40 нафар фуқаро жароҳатланган.

Шу билан бирга, 1985 йилдан 1989 йилгача бўлган давр мобайнида собиқ Иттифокнинг фуқаролари ва муассасаларига нисбатан 68 та портлатиш, ўққа тутиш, ёкиб юбориш ҳолатлари содир этилиб, 32 мартаба шахсларга нисбатан тажовуз бўлган. Натижада 10 нафар шахс ҳалок бўлган.

90-йилларда террорчилик билан боғлиқ статистика маълумотлари бир оз озайиб ва кўпайгани ҳолда, кўпайиш даражаси умумий миқдорда ошганлиги кузатилган. 1994 йили жаҳон миқёсида 314 мартаба террорчилик ҳаракатлари содир этилган бўлиб, 1993 йилдаги ушбу жиноятчиликка оид бўлган миқдордан ошиқлиги аниқланган.

Умуман олганда, статистика маълумотларининг терроризм тўғрисида аниқ хулоса чиқаришда берадиган ёрдами чекланган дейиш мумкин. Бу, биринчидан, терроризмга хос бўлган зўравонлик ва куч ишлатишнинг статистика маълумотларида кўп ҳолларда ҳисобга олинмаслиги; иккинчидан, шунингдек статистика маълумотларида жиноят хусусиятларига хос тарзда террорчилик ҳаракатларининг ҳисобга олинмаслиги кабилар.

Шу билан бирга, терроризмдан асосан Шарқ давлатлари, шу жумладан мусулмон давлатлари кўпроқ азият чекаётганини кўриш мумкин (кўпчилик халқаро террорчиларнинг келиб чиқиши ҳам асосан шу каби давлатларга тўғри келади), шунингдек ўзига хос этник таркибдан иборат Ҳиндистон давлати ҳам узлуксиз тарзда терроризм балосидан жабрланмоқда.

Терроризмнинг Африканинг йирик давлатларидан бири Жазоирда ҳам тўхтамаётганлигини кўриш мумкин. Бу ерда 1992 йилдан бошлаб исломий ҳарбий гуруҳлар ҳукумат билан кураш олиб бормоқдалар. 1997 йили Жазоир шаҳридан узоқ бўлмаган жойда жойлашган кафедра

бўлган портлаш оқибатида 23 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 100 дан ортиқ фуқаро турли даражада жароҳатланган.

Очиқ ва ашаддий тарздаги террорчилик ҳаракатларининг Россия Федерациясида ҳам содир этилганлиги ҳозирда тарихга айланиб қолмоқда. Зотан, 1995–1996 йиллар давомида Россияда содир этилган террорчилик ҳолатларини қуйидагича баён этиш мумкин: Будёновск ва Қизилар шаҳарларида чечен жанггарилари амалга оширган террорчилик ҳаракатлари, Москванинг Котляров қабристонида бўлган портлаш оқибатида 13 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 80 нафар фуқарога тан жароҳатлари етказилган, Доғистоннинг Каспийск шаҳридаги уйлардан бирида бўлган портлаш оқибатида 68 нафар фуқаронинг ҳалок бўлгани ҳам ачинарли ҳолдир. «Сегодня» газетасининг 1996 йил 31 декабрь сонида келтирилган якуний ҳулосаларда кўрсатилишича, йил давомида Россияда жами 33 маротаба террорчилик ҳолатлари қайд этилган.

Терроризм ўзига хос равишда у ёки бу жамиятда юзага келадиган инқирозлар олдидан ва, табиийки, мавжуд қийинчиликлар ва катта ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқ тарзда кечади. Жаҳон миқёсида бундай ҳолатлар Россияда XIX асрнинг 60-йилларидан 1917 йил октябридаги давлат тўнтаришигача бўлган даврларда, Германияда эса нацистларнинг ҳокимиятга келгунларигача бўлган даврларида жонлангани тарихдан яхши маълум.

Муайян давлатларда терроризмнинг юзага келиши ушбу давлат миқёсида рўй берган кескин ўзгаришлар (масалан, яккабошчилик тизимидан демократик жамиятга ўтиш)нинг оқибати бўлиши ҳам кузатилган. Бунда давлат ҳокимиятидаги марказий ва маҳаллий органлар ва жамоатчилик институтларидаги заифлашув, расмий ва норасмий ижтимоий назоратнинг юзага келиши, ғоявий ва маънавий йўналишлардаги интилишлар ва жамиятдаги ижтимоий дунёқарашнинг зўриқиши ҳамда хавотирнинг кучайиши кабилар рўй беради.

Бироқ санаб ўтилган ҳолатлар терроризмнинг тараққий этишига олиб келувчи фақат устки қатлам сифатида кўриб чиқилишини тақозо этади. Терроризмнинг асл томирлари нисбатан чуқурроқ ва улар кўзга ташланмайдиган ҳамда жамият ва шахснинг ўзига хос «яширин жойларида ётади». Ушбу илдизларни эса фақат махсус усуллар, ноанъанавий ёндашувлар ва терроген омилларни юзаки кўриб чиқишдан холи тарзда аниқлаш мумкин.

Терроризмни вульгар-материалистик ёндашув асосида тушунтириш ва шу орқали унинг сабабларини иқтисодий қийинчиликлар ёки умумий ижтимоий нотинчликлар билан боғлаш асло тўғри бўлмайди. Масалан, терроризмни собиқ Иттифоққа ёки ҳозирда Россияга хос бўлган катта

худудлилик, аҳолининг турли миллатга мансублиги, миллатлар ва элатларнинг одатлари, анъаналарининг турлича эканлиги, мамлакат минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хослиги кабилар билан ҳамда МДХ давлатлари ичида ҳудудий жиҳатдан катталиги билан ҳам белгиламаслик лозим.

Ўз-ўзидан давлат худудининг катталиги ёки кичиклиги терроризмнинг юзага келишини англамайди. Зотан, худудий жиҳатдан жуда кичик давлатларнинг ҳам терроризмдан холи эмаслиги кўпчиликка яхши аён. Шу билан бирга, давлатнинг кўп миллатли таркиби ҳам терроризмнинг сабаби бўла олмайди. Шунингдек, миллатларнинг урф-одатлари, анъаналари ҳам сабаб бўла олмайди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бирдек эмаслиги ва уларнинг минтақалараро фарқи фақат ўзига хос жиҳатга эга ва криминоген омил сифатида тушунилмаслиги лозим.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ва ҳозирги кунда мустақил давлат ҳисобланувчи бир қатор давлатларда терроризмнинг юзага келиши мавжуд сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва давлат ҳамда жамоат ҳаётидаги бошқа муҳим соҳаларда йиллар давомида ўзаро муносабатларни тартибга солиш механизми ва конституциявий мувофиқлаштиришнинг бузилиши оқибатидир, деб билиш ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Шу билан бирга, ғоявий-сиёсий соҳанинг бузилгани ва бунда мавжуд бўлган маънавиятнинг йўқолиши ва ўрнига ўрин ҳеч бир ғоя қолмаганлигини асло катта йўқотиш деб билмаслик даркор. Масалан, ҳозирги кунда Буюк Британия ёки Испанияда ҳам низолар мавжуд ва терроризм кенг тарқалганлиги сир эмас. Ғарб мамлакатларида инсон ҳаёти энг буюк бойлик деб эътироф этилиши ўз-ўзидан намоён бўлди дейиш тўғри эмас, албатта. Шу боис, экстремистик гуруҳлар айнан шунга боғлаган ҳолда ҳукуматларга тазйиқ ўтказиш учун айнан шу инсон ҳаётини хавфга солаётганларини намоиш этмоқдалар.

Террорчилик ҳаракатларининг содир этилиши халқ оммаси ичида катта безовталиқ туғдирмоқда ва ҳокимиятлар тизимлари бунинг олдини олишда ва хотиржамликни юзага келтиришда ҳатто баъзи ҳолларда террорчиларга ён босаётганлигини кўриш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам тоталитар тизимга эга мамлакатларга оммавий терроризм хос эмас ва бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: бундай давлатларда жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги алоқалар жуда кучсиздир, террорчи учун бундай давлатларда ваҳимани юзага келтириш қийин кечади ва демократик давлатлардагидек кечмайди, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур имкониятларга эгадирлар. Яъни, тоталитар давлат ўз кучига

ишонган ҳолда йўл тутади. Ҳатто оддий фуқароларнинг ҳақли талабларини бажариш куч орқали юз беради.

Терроризмнинг шаклланишидаги яна бир ўзига хослик айнан давлатларнинг терроризмни қўллаб-қувватлашидир. Масалан, Сурия, Ироқ, Саудия Арабистони каби давлатларда бўлганидек, экстремистларни пул, қурол ва ўз ҳудудларида машқ учун махсус жойлар билан таъминланганларини кўрамиз. Баъзи давлатлар эса террорчилик ҳаракатларини ташкил этишни режалаштирадилар ва амалга оширадилар (Ливан, Уганда, Исроил каби).

Давлат терроризмининг сабаблари тўғрисида баён этилганларни ҳисобга олмаган ҳолда, бошқа турдаги терроризмнинг юзага келишини қуйидаги сабаблар билан узвий боғлаш мумкин:

1) ижтимоий, шу билан бирга, миллий ва диний муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, шунингдек бундай муаммоларнинг ҳам барчасини эмас, балки ушбу ижтимоий, миллий гуруҳлардаги ўзини ўзи баҳолаш, ўзини шу ўринга қўйиб кўриш, уларнинг ғоявийлиги, урф-одатлар, анъаналарда мавжуд қадриятларнинг ҳаётий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда баҳолашни лозим. Баъзида бу гуруҳлар ўзларининг алоҳидалиги ва ўзгармасликларини билдиришга ҳаракат қиладилар.

Тўғри, бундай гуруҳлар билан боғлиқ муаммоларни дарҳол ҳал этиш имконияти мавжуд эмас, зотан, бунинг оқибатида бошқа гуруҳ манфаатларига зиён етади (масалан, миллий ва ирқий низоларда);

2) уруш ва ҳарбий низоларда террорчилик ҳаракатлари ҳарбий ҳаракатларнинг бир қисми бўлиб қолади (масалан, чечен жанггариларининг ўз ҳудудларидан ташқарида бўлган Россия шаҳарларига 1995–1996 йиллардаги ҳужумлари). Шу каби партизанлик ҳаракатлари ҳам терроризмга хос тарзда содир этилади ва бунда босиб олиш учун ҳаракатда бўлган ҳарбий қисмларнинг босиб олинган ердаги аҳоли ўртасида кўрқув уйғотиш мақсадида ўтказадиган ҳарбий ҳаракатлари кабилар;

3) ўзига хос ва ён ёки узоқ қўшниларидан юқори моддий таъминот ва маданиятга эгаллиги, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратини намойиш этиши ёки шу асосида ўз мақсадларига етиш учун бошқа мамлакатларга ёки гуруҳларга турли талаб қўйишга қодир давлатлар ёки гуруҳларнинг мавжудлиги. Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби давлатларнинг тўқ ва бой яшаши баъзи давлатлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг ғараз ва кўролмасликларини юзага келтиради ҳамда душман сифатида қабул қилинади ва бундай давлатларни енгиб бўлмаса-да, уларга қарши турли зарбалар бериб турилиши кузатилади. Бунда маънавий қарашлар эътиборга олинмайди ва бундай душман айнан шундай эътиборга лойиқ деб топилади;

4) махфий ёки ярим махфий жамиятлар, жумладан диний ва секстант ташкилотлар ва уларнинг мессиялик ўрнини тутиши ҳамда шу асосида «бирлик», «инсонни қутқариш учун тўғри таълимот» ёки умуман инсон ҳаётини яхшиламоқчи бўлган, шу билан бирга, умумий меҳрибонлик, адолат ва инсон руҳини абадий сақлаш каби йўналишда фаолият кўрсатилиши. Бундай уюшмалар ва уларнинг таълимотларини давлатлар ва жамоатчилик қабул қилмаса, бу ҳолда улар ўз мақсадларига етиш учун (сиёсий, ғоявий, диний, мистика, магия каби йўналишларда) ҳуқуқий жиҳатдан тазйиқ ўтказишга интиладилар;

5) зарур иқтисодий ва молиявий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, шу жумладан булар билан боғлиқ қонунчилик асосларининг йўқлиги ҳамда мулкни тақсимлашдаги низолар, тижоратчилар, молия билан шуғулланувчилар ва шу каби барча ишбилармонларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг муҳофаза қилмаслиги. Бу эса ўз навбатида ушбу қатламлар вакилларини кўрқувга солиш ва рақобатчиларни тугатиш каби йўналишлардаги террорчилик ҳаракатларини келтириб чиқаришга сабаб бўлди. Бунинг мисоли сифатида ҳозирги кунда Россияда юзага келган уюшган жиноятчилик ва уларнинг иқтисодий террорчиликни амалга оширишда бўладиган хизматларидан криминал тижорат тизимларининг фойдаланишларига йўл очилганлигини кўрсатиш мумкин.

Ушбу санаб ўтилган сабаблар билан бир қаторда, терроризмни юзага келтирувчи қуйидаги салбий омилларни ҳам санаб ўтиш лозим. Булар:

1) давлат ҳокимияти, унинг муассасалари ва турли тармоқларининг заифлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг террорчиларни топиш ва зарарсизлантиришни таъминлашдаги маҳоратларининг камлиги, шу билан бир қаторда, тайёрланаётган террорчилик ҳаракатларини тайёрловчи шахсларни аниқлаш ва тутиш ҳамда улар қайта содир этиши мумкин бўлган қотилликлар ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш учун жиноятчиларни жазога тортиш кабиларнинг тўлиқ амалга оширилмаслиги.

Энг ёмони, бундай шахсларнинг айнан жазоланмай қолишидир. Тижорат соҳасидаги кўпгина террорчилик ҳаракатларининг очилмай қолиши ҳам ўта салбий ҳолат бўлиб ҳисобланишини эътиборга олиш лозим;

2) террорчиларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, таъминлашни айрим гуруҳлар ва аҳолининг амалга ошириши. Бу каби ёрдам кўрсатилмаса, миллий ва диний йўналишлардаги терроризмни олиб боришнинг ҳожати ҳам бўлмас эди. Агарда шундай қўллаб-қувватлашлар мавжуд экан, унда жиноятчиларни қатъий жазолаш тизими (ўлим жазоси

ёки кучайтирилган қамоқ жазолари) шу каби террорчилар тарафдорларининг қаршилигига дуч келади ва янги экстремистик гуруҳларни тузиш ва мавжудлари сафининг кенгайишига олиб келади.

Демак, бундай вазиятларда ўзига хос сиёсий йўл тутишга тўғри келади. Яъни, ноанъанавий сиёсий қарорлар чиқариш, ўзаро муҳокама этиш ва шу каби ён босишларнинг амалга оширилишига тўғри келади, албатта, бунда терроризмга бўлган ижобий муносабатларни сусайтириш ва ундан ажралишни юзага келтириш ҳам бир вақтда олиб борилиши лозим, баъзида йўлбошчиларнинг асл қиёфаларини очиб бериш ва уларнинг асосий шиорларининг салбий моҳиятини улар тазйиқ ўтказётган омма олдида очиб берилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир;

3) ҳарбий ишларда касб маҳоратига эга бўлган ва ҳарбий хизматдан четлаштирилган ҳамда ўз ўрнини топа олмаган шахслар гуруҳининг мавжудлиги. Тўғри, бундай шахслар ўзларининг ерга урилганини кечира олмайдилар ва моддий муҳтож бўлганлари боис, террорчилар таъсирига тушиб қоладилар. Бундай ҳолатларни Германияда биринчи жаҳон урушидан кейин жуда кўп шахсларнинг нацистлар таъсирига тушиб қолишига олиб келганини, АҚШда Вьетнам урушидан сўнгги ҳолат, советлар ҳукмронлик қилган худудларда «афғонлар» ва армиядан захирага бўшатирилганлардан террорчилик фаолиятларида фойдаланиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Санаб ўтилган ҳолатлар терроризм учун ўзига хос бўлган шароит эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3-§. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг криминологик тавсифи

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда террорчининг шахсига тўлиқ таъриф берилмаганлиги фандаги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай бўлса-да, терроризмнинг содир этилишидаги ғаразли мақсад тўғрисидаги турли маълумотларни эътиборга олиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Кўпчилик террорчилар ёшлигида она меҳридан ажралган шахслардир. Уларнинг кўпчилигида негандир оралик қулоқ аъзолари хасталикларининг кўплиги кузатилган. Шунингдек, уларнинг кўпчилигига тажовузкорлик ва душманлик муносабатида бўлиш, рухий-физиологик ривожланмаганлиги, ёшликда олинган жароҳатлар таъсири ва турли туғма касалликлар ҳам хосдир.

Уларнинг кўпчилиги кўзга ташланувчи нуқсонлари билан ажралиб туради ва шу қатори, жуда моҳирона ҳимояланган артистлик хусусиятлари ҳам мавжуддир. Кўпчилигида юқори ғоялар таъсирида бўлиш

«касаллиги» мавжуд, шу боис, террорчилик ҳаракатларини содир этишга тушунган ҳолда қўл уради ва унинг оқибатини жуда яхши англаган бўладилар. Террорчиларнинг аксарият кўпчилиги ёшлигида турли менсимаслик ҳолатларига дуч келганлар ва шахсининг тўлиқ шаклланмаганлиги билан ажралиб турадилар²¹.

Шаклланишларининг келгуси босқичларида уларда ўч олиш ҳисси юзага келганлигини ва бунда, нафақат хафа қилганлардан, балки жамиятдан ҳам ўч олишга жазм қилганликлари кузатилади. Бу одамларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз мақсадларига эришмаганлардир.

Бундай шахсларда аламзадалик ва қандай бўлмасин, ўзлигини кўрсатиш ҳисси юқори бўлади. Бундай пайтда киши ўз мақсадига етишишига кўпроқ бошқалар йўл қўймаганлиги учун уларни айбдор деб билади. Аммо шахс ўз айбини тан олмайди. Унинг назарида, жамият уни тушунмаган ва тушунишни хоҳламаган.

Бир қатор террорчилар ўз вақтида ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашганлар ва давлат томонидан айбланганлар ҳамда қонундан ташқарида қолганлар тоифасидаги шахслардир. Улар учун терроризм давлатдан ижтимоий ўч олиш бўлиб ҳисобланади.

Жинс жиҳатидан олинганда, террористларнинг кўпчилиги (И. Б. Линдер ва С. А. Титков тадқиқотларига кўра) эркаклардан иборат, шунингдек аёлларнинг иштироки ҳам кам эмас. Масалан, XIX асрда Россияда аёллар нафақат террорчилик ҳаракатларини содир этганлар, балки терроризмнинг ғоявий намояндаси сифатида ҳам ҳаракат қилганлар. Бундай террорчилик ташкилотлари тариқасида Ирландия революцион армиясини кўрсатиш мумкин. Лотин Америкаси гуруҳига кирувчи «Қизил бригадалар» ҳам шулар жумласидандир, чунки бундай ташкилотлар аёллар ёрдамига яқиндан таянганлар ва агентура ҳамда ҳарбий мақсадларда улар хизматидан фойдаланганлар²².

Айнан аёллардан чиққан ва кўзга ташланувчи террорчиларнинг мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, Араб мамлакатларида ном қозонган террорчи Лайло Холидни эслатиш жоиз. Бу гўзал аёл нафақат гўзаллиги, балки ашаддий террорчилик фаолияти учун ҳам кўпчилик назарига тушган шахсдир.

Террорчиларнинг шахси унинг қайси йўналишларда террорчилик фаолиятини олиб бориши билан ҳам эътиборлидир. Масалан, сиёсий ва

²¹ Қаранг: *Антонян Ю. М.* Терроризм: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 1998. – С. 231.

²² Қаранг: *Линдер И. Б., Нечипоренко О. М., Титков С. А.* По ту сторону зеркала. – М., 1996. – С. 61–63.

ғоявий террор олиб борувчилар миллатчилик, диний ва криминал террор олиб борувчилардан кескин фарқ қилади.

Шу билан боғлиқ ҳолда, сиёсий террор олиб борувчи миллатчилик руҳидаги ва қўшни давлатлар ҳудудида қўрқувни юзага келтирувчи террорчилардан ўзининг зиёлилиги билан фарқ қилади. Тўғри, замонавий сиёсий террорчи нисбатан юқори тайёргарликка эга, айниқса у террорчилик гуруҳида фаолият кўрсатаётган бўлса ва бу гуруҳ замонавий воситалар билан таъминланган ҳамда тоталитар давлат томонидан қўлланаётган бўлса, бу талаб янада ошади.

Шунга кўра, ҳар бир сиёсий экстремист ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ ахборотларни юқори малакада таҳлил этади, башорат ишларини қила олади ва режаларни пухта тайёрлайди. Энг муҳими, ўта қобилиятли ижрочи бўлиши ҳам лозим.

Экстремистларнинг умумий руҳий ва интеллектуал портретларини яратишга интилиш муҳим вазифа бўлгани ҳолда, афсуски, бажариб бўлмайдиган вазифа ҳамдир. Бунга мисол қилиб, кўпчилик олимларнинг террорчи-экстремист шахсига хос универсал таърифга бўлган интилишларини кўрсатиш мумкин.

Жумладан, террорчилик ҳаракатларини содир этувчиларни идеалист, руҳий касал, турли ғояларга ўта берилган ва шафқатсиз шахс, зарар етказувчи, турли тадбирлар ўтказувчи, ўзбилармон, ўз жанжаллари ва ҳокимликка интилиш ҳисобига кун кўрувчи ёки бировлардан ғазабланган ва йўқ қилиш истагига эга ва умуман жиноятчилар тоифаларига киришларини кўрсатганлар. Кўриниб турибдики, бу ҳақиқатдан бир мунча йироқ ва террорчиларни тавсифлашга мос келмайди.

Террорчиларнинг ёш жиҳатидан ҳам турлича эканликлари яхши маълум. Терроризм ташкилотчилари ва бошлиқлари асосан катта ёшдагилар бўлса, ижрочиларнинг кўпчилиги ёшлардир. Айнан шу ёшдаги террорчилар тартиб сақловчилар ва жиноий юстиция таъсиридан осон чиқа оладилар.

Террорчилик гуруҳига кирувчилар нафақат биз санаб ўтган салбий хислатлардаги шахслар, балки ақлли, иродали, ўз кучига ишонган шахслардан ҳам иборатдир. Салбий хислатли шахслар жиноий гуруҳларда ўзларига руҳий бошпана топсалар, иккинчи тоифадаги шахсларга йўлбошчилик насиб этса, атрофдагилар ўртасида ўзини кўрсатиши ва уларни бошқаришда яхши кўрсаткичларга эга бўлиб қоладилар. Айнан шу каби шахслар бошқаларнинг таълимотларини тез ўзлаштириб, уларни ёввойиларча ўз фаолият (ёки гуруҳ)ларида жорий этадилар.

Террорчиларнинг раҳбарлари ўз сафларини мустаҳкамлаш ва гуруҳнинг ҳар бир аъзосини ёки гуруҳни умумий мақсадни бажаришга

қизиқтиришга, ўз «сафдошлари» орасида раҳмсиз, жоҳил, ҳар нарсага қодир ва жамоатчилик, давлат ҳокимияти, у ёки бу гуруҳ, дин ва миллатлар вакилларига қарши шахсларнинг етишиб чиқишига интиладилар.

Шу билан бирга, уларнинг онгида «бизники бўлмаган – ёмон, бизники бўлгани – яхши» деган ақидани юзага келтиришга интиладилар. «Ҳамма ёмонларга» кам ҳолларда бутун дунё киритилса, «ҳамма яхшиларга» фақат айрим гуруҳлар киритилади ва бу ҳам ҳар доим эмас.

Юқорида баён қилинган тавсиф автоном террорчи гуруҳларга ҳам хосдир, чунки бундай гуруҳлар катта таркибдаги жиноий ташкилотларнинг бир қисми ҳисобланади ва асосан муайян давлатларда зарур мақсадлар учун тузилади ҳамда халқаро терроризм кабиларни амалга оширади.

4-§.Терроризмнинг олдини олиш

Терроризмнинг олдини олиш ўзига хос мураккаб вазифадир, чунки бу ижтимоий воқелик турли ижтимоий, сиёсий, руҳий, иқтисодий ва бошқа бир қатор сабаблар орқали юзага келади. Шу боис, айнан шу каби сабаблар профилактика таъсир чораларининг объектига айланиши лозим.

Зотан, бунини амалга ошириш осон кечмайди, чунки санаб ўтилган сабабларнинг аксарияти давлат ҳокимиятига эгалик қилиш ва уни эгаллашга қаратилганлиги билан мулкни тақсимлаш, ўз «ғояларини» намойиш этиш, жамиятни миллий ва ижтимоий тизимини ўзгартиришга қаратилган мақсадларнинг мавжудлиги билан узвий боғлиқликдадир.

Шу билан бирга, терроризм азалдан мавжуд бўлган ва «одам ўлдириш» каби хатти-ҳаракатлар намоён бўлаётган ҳозирги шакли сифатида жамиятдан бутунлай йўқотишга имкон бермайди. Чунки терроризм шаклан ўзгариши билан ҳар бир давр вужудига кириб боради.

Шунингдек, қайсидир даврда ер юзидан ўзига хос равишда кўр-кўрона ҳақиқат ва адолат қидирувчилар ва шу мақсадда ўзларини қурбон қилишга тайёр турган ҳамда умумий «бахт» ёки ўз ижтимоий ва миллий гуруҳининг етакчи бўлишини таъминлашда жонбозлик кўрсатувчиларнинг йўқ бўлиб кетишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Шу каби ер юзида террор асосида ўзининг ғаразли муаммоларини ҳал этувчи ва бунда нафақат моддий, балки ўз тенглигини намойиш этувчилар яна туғилмайди деб айтиш ҳам ўринсиздир. Шу боис, ҳар бир ривожланган жамият ўз вақтида терроризм хавфини аниқлаши ва чора кўриши зарур.

Терроризмнинг олдини олиш, фикримизча, қуйидагича амалга оширилмоғи лозим:

жаҳонда ва жамиятда рўй бераётган ва терроген таъсирга эга асосий жараёнларга таъсир ўтказиш. Ушбу йўналиш стратегик аҳамиятга эга бўлгани учун ва ўтказилиши зарур бўлган узоқ муддатли ва ҳатто ундан ҳам кўп муддатларда башорат қилишни йўлга қўйиш ва шу орқали терроризмнинг фаоллашганини билиш ҳамда террорни кимлар содир этишини аниқлаш;

келгусида ва яқин вақтларда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларини аниқлаш ва бартараф этиш. Бу эса террор содир этувчилар ва террор йўналтирилган объектларни, унинг сабаблари, содир этиш усуллари ва бошқа ҳолатларни аниқлашни талаб этади;

давлат ва жамоат арбобларига қаратилган террорчилик ҳаракатлари ва умуман терроризмни содир этишга йўл қўймаслик, айбдорларни ушлаш ва одил судга бериш террорни содир этган нафақат ижрочиларни, балки ташкилотчилар ва террорчиликни руҳлантирган шахсларни топиш ва жазога тортиш, гарчанд бундай жараён ғоятда мураккаб бўлса ҳам;

терроризм билан боғлиқ бўлган – гаровга олиш, геноцид, диверсия, дастлабки тергов ва суд ишларини юритаётган шахсга суиқасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик ва бартараф этишни таъминлаш. Бундай кураш бобида халқаро ташкилотлар ёрдамига таяниш ва ҳар бир давлат иштирокини мувофиқлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Терроризм нима?

Терроризмнинг тарихий илдизлари қайсилар?

Терроризмнинг ижтимоий-сиёсий асосларини кўрсатинг.

Терроризмни содир этувчиларнинг шахсини тавсифланг.

Терроризмнинг қандай турлари мавжуд?

Терроризм сабаблари нима?

Сиёсий экстремизм нималарда ифодаланади?

Диний экстремизмни қандай тушунасиш?

XXIII боб
ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

1-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва бошқа
халқаро ташкилотларнинг жиноятчиликка қарши
курашдаги имкониятлари

Жаҳонда мавжуд бўлган жиноятчилик миқёси асосан ташқи омиллар туфайли юзага келишини кўриш мумкин. Энг хавфли жиноятлар аксарият ҳолларда икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудида содир этилиши билан эътиборлидир ва кўп вазиятларда жиноий йўл билан топилган моддий бойликлар ва бошқа буюмлар жиноят содир этилган бир давлатдан бошқа бир давлатга «ўтказилади».

Интерпол ҳамжамиятининг Бош котиби Р. Кендаллнинг таъкидлашича, ҳозирги даврда жиноятчилик билан халқаро миқёсда кураш олиб бориш баъзи суперкоманда ёки супердетектив зиммасидаги вазифа бўлиб қолмаслиги лозим. Бу вазифани бажариш нафақат айрим давлатлар ўртасида ўрнатилган халқаро келишувлар, ҳар бир давлат қонунчилиги, техник салоҳияти асосида амалга оширилиши керак, балки яхши ният мақсадида жиноятчиликка қарши курашдан бир хилда манфаатдор бўлган давлатларнинг умумий фаолият кўрсатиши талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши кураш ўз-ўзидан юзага келмайди. Бу фаолият халқаро алоқаларнинг ўзига хос таркибий қисми эканлигини эътиборга олиш лозим. Ҳатто баъзи давлатларнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги бўлмаса-да, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш эҳтиёжи юзага келишини кўриш мумкин.

Бинобарин, жиноятчиликка қарши кураш борасида қуйидаги ўзига хос ҳамкорлик турларини кўрамиз:

– ўзаро жиноят, фуқаролик ва оила ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлик;

– жиноятчиликка қарши курашда ва айниқса халқаро миқёсда ёйилган жиноятчиликка қарши кураш борасида халқаро келишувлар тузиш ва уларни амалга ошириш;

– бошқа давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган қарорларни бажаришда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

- ҳуқуқ-тартибот соҳасида жиноий-ҳуқуқий масалалар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини қизиқтирадиган ахборотларни ўзаро айрибошлашни таъминлаш;
- жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва илмий тавсиялар яратишда ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ўзаро ёрдам кўрсатиш;
- моддий-техникавий ва маслаҳатлар бериш бўйича ўзаро ёрдам бериш кабилар.

Жиноятчиликка қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини стратегик жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳал этади. Бу тасодиф эмас, албатта, чунки жиноятчиликнинг юзага келиши ва миқёси халқаро алоқалар тизими асосида белгиланади. 1991 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида таъкидланганидек, «жиноятчиликнинг миқдоран ўсиши унинг давлатлараро юзага келиши ҳар бир давлатнинг ички хавфсизлигига хавф солади, инсоннинг хотиржам яшашига тажовуз қилади ва шу билан бирга, халқаро алоқаларнинг бузилишига олиб келади. Бу эса халқаро миқёсда самарали механизм яратиш ва давлатлар ўртасида янада яқин алоқалар ўрнатишни тақозо этади».

Маълумки, БМТнинг жаҳон миқёсида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда тутган ўрни ушбу халқаро жамиятнинг Низомида ўз ифодасини топган. Жумладан, БМТ Низомининг 1-моддасида қайд этилганидек, БМТ: халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлайди, давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиради; халқаро миқёсда мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик билан боғлиқ муаммоларни ечишда зарур шарт-шароитларни яратади.

Халқаро миқёсдаги жиноятчиликка қарши кураш масаласига ҳам БМТ кун тартибида алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда жиноятчиликка қарши кураш ва жиноий адлия соҳасида БМТнинг махсус дастури яратилади. Бош Ассамблея дастури БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, БМТнинг Комиссиялари томонидан чиқарилган ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноят адлияси бўйича қарорлари, БМТ конгрессларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчилар билан бўладиган муносабатлар тўғрисидаги тавсиялари асосида ишлаб чиқилади.

Шунингдек, БМТ жиноят содир этганликда айбланаётган ва озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳимоя қилишнинг халқаро норма-

лари, тавсиялари, принциплари ва стандартларини тартибга солиб боради. Ушбу нормалар Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро пактида баён этилган талаблар асосида ишлаб чиқилади.

БМТ Бош Ассамблеяси жаҳон миқёсида содир этиладиган жиноятларга қарши курашга бевосита йўналтирилган қуйидаги қатор ҳужжатларни қабул қилганлигини кўриш мумкин:

– Махбуслар билан муомала қилиш қоидаларининг минимал стандартлари;

– Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича фаолиятлари кодекси;

– Коррупцияга қарши кураш қоидалари;

– Давлат мансабдор шахсларининг фаолиятлари бўйича халқаро кодекс;

– Ҳуқуқ-тартиботни амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қуролларни қўллашнинг асосий принциплари;

– Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ва жиноят қурбонлари билан боғлиқ одил судловнинг асосий принциплари декларацияси;

– Суд органларининг мустақиллиги билан боғлиқ асосий принциплар;

– Адвокатларнинг тутган ўрнига оид асосий принциплар.

1991 йил 18 декабрда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий ишлар бўйича судловни амалга ошириш бўйича ООФИ дастури қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади сифатида преамбулада қайд этилганидек, барча криминал ҳолатларнинг олдини олиш ва одил судлов билан боғлиқ ишларда халқаро жамоатчиликнинг зарур эҳтиёжлари қондирилишига ёрдам кўрсатиш кабилар белгиланди.

Ушбу Дастурнинг асосий мақсадлари эса қуйидагилар:

– миллий давлатлар ва давлатлараро мавжуд жиноятчиликка қарши кураш;

– жиноятчиликка қарши курашнинг глобал (жаҳон миқёсида) ва минтақавий чораларини кучайтириш;

– БМТга аъзо давлатларнинг халқаро жиноятчиликнинг олдини олишдаги иштирокларини таъминлаш;

– жиноий ишларни кўриб чиқишдаги самарадорликни ошириш;

– юқори стандартлардаги инсонийлик, ҳақиқатпарварлик, одил судловни йўлга қўйиш ва касб маҳорати асосида иш юритиш кабилардан иборатдир.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар кенгаши таркибида, жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини юқори даражадаги дол-

зарблигидан келиб чиққан ҳолда, 1992 йили Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий ишларни кўриб чиқишда одил судловни ташкил этиш комиссияси ташкил этилди. Ушбу Комиссия таркибига БМТ аъзоси бўлган 40 та давлат вакиллари киритилган ва улар уч йил муддатга сайланадилар.

Комиссия ўз фаолиятида: жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий ишларни кўриб чиқишда одил судларни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш; БМТнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб борадиган тадбирларини режалаштиришни белгилаш; БМТ Конгрессларини тайёрлаш кабиларни амалга оширади.

Айнан ушбу Комиссия БМТ Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида (1996) Жиноятчилик ва жамоат хавфсизлиги тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Бу Декларацияда БМТга аъзо барча давлатлар ўз зиммаларига халқаро миқёсда содир этиладиган хавфли ва шу жумладан уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва қуролларни ғайриқонуний равишда сотиш, контрабанда асосида ғайриқонуний товарларни сотиш, одамларни ташкилий тарзда сотиш, террорчилик жиноятлари, коррупция ва жиноий даромадларни олиб кетиш каби жиноятларнинг олдини олишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олишлари лозим.

Халқаро миқёсдаги ҳамкорликнинг йўналиши ва шаклининг такомиллашиши боис Бош Ассамблея Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишларини кўриб чиқишда одил судловни амалга ошириш комиссиясига Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Бу топшириқнинг берилишига эса, Неаполда 1994 йил ноябрь ойида халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган Халқаро режали ҳаракатлар бўйича Неаполь декларацияси қарорлари сабаб бўлди.

БМТнинг ўзига хос модели келишувларнинг тайёрланишидаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборлидир. Бунда қуйидагиларни эсга олиш жоиздир: Жиноят ишларини кўриб чиқиш ва одил судловни амалга оширишдаги ўзаро ёрдам тўғрисидаги намунавий шартнома; Жиноят судлов ишларини ўзаро ўтказиш бўйича намунавий шартнома; Тақдим этиш бўйича намунавий шартнома; Шартли равишда жавобгарликка тортилган ва жазодан бўшатирилганлар ва ҳуқуқбузарликлар устидан назорат ўтказиш ваколатларини бериш бўйича намунавий шартнома; Ўтувчи мулк шаклидаги бирор-бир халқнинг тарихий меросларига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича намунавий шартнома кабилар.

БМТ таркибига кирувчи ва жиноятчиликка қарши курашдаги масалалар билан махсус шуғулланиш Жиноят ишларини кўриб чиқиш ва одил судловни амалга ошириш комиссиясидан ташқари, БМТ таркибига: Халқаро миқёсда жиноятчиликнинг олдини олиш Маркази (Вена маркази), БМТнинг жиноятчилик ва одил судлов бўйича Рим минтақавий илмий тадқиқот институти; Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича Токиода жойлашган Осиё ва Узоқ Шарқ институти, Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Хельсинки институти, Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича БМТнинг Африка институти; Хавфсизлик масалалари бўйича Эл-Риода жойлашган Араб илмий тадқиқот ва ўқув маркази; Австралия (Канберра) криминология институти, Жиноят қонунчилиги ислоҳотлари ва жиноят ишлари бўйича одил судловни олиб боришнинг Канада (Ванкувер) Халқаро маркази кабилар.

Санаб ўтилган институтлар ўз фаолиятларида илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар, миллий давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг малакасини ошириш, зарур лойиҳаларни ишлаб чиқишда методик, моддий ва техник ёрдам кўрсатадилар, манфаатдор ташкилотларни жиноятчилик ва жаҳон миқёсида унга қарши кураш чоралари тўғрисида ахборотлар билан таъминлашни амалга оширадилар.

БМТ эса ўзига хос жиҳатларига кўра, жиноятчиликка қарши кураш борасида глобал, стратегияга хос масалалар билан шуғулланади. Аниқ тактик вазифаларни эса минтақавий халқаро ташкилотлар бажаради. Булар: Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Араб мамлакатлари лигаси, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси, Африка бирдамлик ташкилоти кабилардир.

Ўзига хос объектив ва субъектив хусусиятларга кўра, халқаро минтақавий ташкилотлардан Европа ҳудудида жойлашганлари Ўзбекистон Республикаси ва МДҲга кирувчи давлатлар учун амалий аҳамиятга эгадир. Булар: Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқидир. Европа Иттифоқи 1975 йилдаёқ ҳуқуқ-тартиботни ўз фаолиятини ҳимоя қилишга қаратган. Европа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги «Треви» гуруҳи доирасида амалга оширилади.

Ҳамкорлик шакли адлия, ички ишлар (полиция) ва хавфсизлик хизматлари раҳбарларининг мунтазам йиғинларини ўз ичига олади. Бу органларнинг йиғилишларини экспертлар гуруҳи ташкил қилади. «Треви» гуруҳи дастлабки босқичда фақат терроризм муаммолари билан шуғулланган. Ҳозирда эса унинг фаолияти кенгайганлигини кўриш мумкин.

Булар:

- полиция хизматлари учун зарур ахборотларни тўплаш ва айрибошлаш;
- Европада жиноятчиликнинг ҳолати, тизими ва динамикасини баҳолаш;
- жиноятчиларни қидиришда ҳамкорликни таъминлаш;
- террорчилик фаолиятларига алоқадор шахсларнинг мамлакатларга киришларини рад этиш масалаларини ҳал этиш;
- визалар бериш тартибини бамаслаҳат ҳал этиш;
- айрим турдаги жиноятларга қарши курашни олиб бориш учун мутахассисларни айрибошлашни йўлга қўйиш (терроризм, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний равишда айланиши кабилар);
- полиция идоралари учун махсус техника воситаларини яратишда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш кабилардир.

Европа минтақасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлик механизмини доимий равишда такомиллаштириб бораётганини кўриш мумкин. Жумладан, 1992 йил сентябрь ойида Европа ҳамжамиятининг ички ишлар ва адлия вазирлари штаб-квартираси Страсбургда полиция органларининг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Европолни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилдилар.

Европолнинг асосий вазифалари бўлиб, терроризм, пул маблағларини олиб кетиш («отмывание»), гиёҳвандлик воситалари ва қуролларни норасмий ўтказиш каби жиноятларга қарши ҳамкорлик курашини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек Европа ҳамжамиятининг ташқи чегараларини назорат этишни таъминлаш кабилар ҳисобланади.

Жиной гуруҳлар билан кураш олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида Европа минтақасида алоҳида «Антимафия» гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси сифатида мафияга оид гуруҳлар фаолиятини таҳлил этиш ва Европа миқёсида уларга қарши кураш стратегиясини яратиш киради.

Тўғри, Европол баъзи жиҳатлари билан 1923 йил 7 сентябрда ташкил этилган Интерпол – Халқаро жиноят полицияси ташкилотига ўхшаб кетади. Интерполга аъзо давлатлар миқдори ҳозирги кунда 170 дан ортиқ бўлиб, Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1994 йил сентябрда аъзоликка қабул қилинди.

Интерполнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси талаблари ва амалдаги қонунлар асосида криминал полициянинг барча органлари (муассасалар)нинг ҳамкорлигини таъминлаш;

– жиноятларнинг олдини олишда самарали ҳамкорлик қила оладиган институтларни тузиш ва уларнинг фаолиятларини такомиллаштириб бориш. Шунингдек, Интерполнинг Низомида бу ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, диний ва ирқий масалаларга аралашмаслиги талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, Интерпол нафақат криминал полиция ташкилоти бўлиб ҳисобланади. Унинг хизматига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ҳам мурожаат этадилар. Тўғри, криминал полиция орқали органлар тизими эмас, фақат фаолият тушунилади.

Интерполни жиноятчиликка қарши кураш воситаси сифатида кўриб чиқиш асосида, унинг амалий тарздаги таъсир этувчи объектлари сифатида халқаро миқёсдаги жиноятчилик ва жиноятчи шахсларни кўриш мумкин.

Халқаро миқёсдаги жиноятлар тоифаси сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– айрим жиноят билан боғлиқ ҳолатларнинг турли давлатларнинг ҳудудларида содир этилиши;

– унинг оқибатлари жиноят содир этилган мамлакатда эмас, бошқа мамлакатларда юзага келиши;

– биттадан ошиқ бўлган давлатларнинг ички ишларига хавф солиши.

Халқаро миқёсдаги жиноятчилар дейилганда эса, жиноят содир этгани учун бошқа давлат ҳудудида яширинган, халқаро жиной гуруҳларнинг аъзолари, бир неча давлатлар манфаатларига зид келувчи жиноятларни содир этган ва ташкил этган жиноятчилар тушунилади.

Интерполнинг энг юқори органи бўлиб, Бош Ассамблея ҳисобланади ва унинг таркибига барча аъзо давлатларнинг вакиллари киради. Бош Ассамблея ташкилий ва молиявий масалалардан ташқари, Интерпол фаолиятидаги энг бирламчи фаолият йўналишларини белгилайди. Интерполнинг ишларини ташкил этишда эса унинг ижроия қўмитаси асосий ўрин тутди ҳамда унинг таркибига Интерпол президенти, унинг уч нафар муовини ва тўққиз нафар – турли минтақа полиция органлари вакилларидан ташкил топган делегатлар киради. Интерполнинг кундалик ишларини унинг қуйидаги таркибдаги Бош котибияти амалга оширади: полиция бўлими (халқаро алоқаларни ташкил этиш); ахборот-тадқиқот бўлими (ҳуқуқий манбалар, маълумотларни бериш, журнал чоп этиш, ахборотномалар чиқариш, кутубхона); маъмурий бўлим (кадрлар, молия, ички хавфсизлик, моддий-техника таъминоти); техник таъминот бўлими (телекоммуникация, маълумотларнинг автомат қурилмалари).

Интерполнинг ташкилий тизими унинг миллий-марказий бюроларини ўз ичига олади ва бу бюролар (ММБ) Интерпол аъзоларининг полицияси таркибига киради.

Миллий-марказий бюролар (ММБ)нинг асосий фаолиятлари бўлиб:

– миллий полиция органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, Бош котибият ва Интерполнинг бошқа мамлакатлардаги ММБлари билан жиноятчиликка ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича расмий ҳамда конфиденциал ахборотларни алмашишни таъминлаш;

– Интерпол аъзолигига кирган давлатлар томонидан қидирилаётган шахслар, предметлар ва ҳужжатларни тегишли миллий давлатлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ёрдамида қидирувини ташкил этиш;

– Бош котибият ва Интерпол аъзолигига кирган давлатларга миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари эътиборига қидирилаётган шахслар, предметлар ва ҳужжатлар тўғрисида хабар тарқатишни сўраб мурожаат этиш, шунингдек бошқа жиноятларнинг олдини олиш ва очиш бўйича ҳам илтимослар қилиниши мумкин;

– халқаро сиёсий алоқалар орқали шахслар, фактлар, предметлар ва ҳужжатлар тўғрисида ахборотлар банкини ташкил этиш ва тўлдириб бориш;

– ўз ҳуқуқ доирасида Интерполнинг Бош Ассамблеяси ва Бош котибиятнинг қарорлари ва тавсияларининг бажарилишида иштирок этиш, жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро муаммолари юзасидан ахборот ҳужжатларини тайёрлаш.

Интерпол ҳамжамияти ҳозирги кунда халқаро миқёсда содир этилаётган жиноятлар ва жиноятчилар тўғрисида ҳисоб олиб бораётган энг ишончли органдир. Айнан Интерпол халқаро миқёсда жиноятчиларни қидиришда муқим мувофиқлаштирувчи бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра полиция фаолият йўналишидаги стратегияни тўғри йўлга қўйиш мумкин.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нима учун Интерпол билан ёнма-ён бўлган Европолга ҳам эҳтиёж туғилди?

Бир қатор мутахассисларнинг фикрича, ўз ҳажмига кўра хаддан зиёд ҳудудда фаолият кўрсатаётган Интерпол бир қатор жиҳатларига кўра барча мамлакатлар эҳтиёжларини қамраб ололмайди. Бу фикрда яқдиллик йўқ.

Масалан, Интерполнинг Бош котиби Р. Кендаллнинг ҳисобича – Европа Иттифоқининг тарафкашлик (сепаратизм) руҳидаги муносабати туфайли, шу жумладан Интерполга нисбатан ҳам, Европанинг манфаат-

ларига ҳам зиддир. Агар Европанинг 15 мамлакатида Интерполга қарма-қарши ва қўшимча сифатида «европалик» полиция ҳамжамияти ташкил этилса, оқибатда Европа таъсиридаги Европа давлатларининг манфаатларида Европага кирмаган давлатлар билан бўладиган алоқанинг қисқаришига олиб келади. Ўзаро келишилмаган алоқалар, Р. Кендаллнинг фикрича, бир йўналишда ишлаётганлар учун тушунмовчиликларни ва профессионал жиноятчиликка қарши кураш самарасизлигини юзага келтиради.

Албатта, бундай тортишувлар мавжуд, бироқ, фикримизча, халқаро миқёсда юзага келаётган уюшган жиноятчиликка қарши курашда зарур ҳолларда ҳар бир халқаро ташкилотнинг ёрдамига таяниш мақсадга мувофиқдир.

2-§. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши курашдаги БМТ, Европа Кенгаши ва бошқа қитъа ҳамда қитъалараро халқаро ҳамжамиятлар ва ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиши ҳақиқатан ҳам глобал ва халқаро аҳамиятга эга, шу билан бирга, бу борада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га кирувчи давлатлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки жиноят олами ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги ва айрим МДҲ таркибига кирувчи давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги камчиликлар туфайли ўзига хос жиноят кўламини юзага келтирмоқда. Жиноят оламининг халқаро муносабатлари ва бирдамликлари туфайли жиноятчиликни касб қилиб олган жиноятчилар юзага келди ҳамда асосан иқтисодий тизимга янада муқим кириб бормоқда.

Кейинги ўн йиллик давомида МДҲ давлатларидаги жиноятчилик динамикаси ва тизими бирдек шаклланаётганини кўриш мумкин. Бу эса жиноятчилик очикдан-очик давлатларнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигига хавф туғдирмоқда. Йил сайин халқаро жиноятларнинг ўсаётганлиги ва оқибатда турли кўринишдаги жиноий гуруҳлар, жиноий уюшмаларнинг тузилиши, қотилликка ёллаш, қонунга хилоф тарзда қурол ва гиёҳвандлик моддаларини сотиш, хом ашёни четга олиб чиқиб кетиш, молия соҳасидаги фирибгарлик кабилар ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда кечмоқда.

Шунингдек, миллатлар ўртасида юзага келаётган низолар ҳам ўзига хос тарзда шаклланмоқда. МДХ миқёсида давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар жиноятчиликка қарши курашмаяпти дейиш мутлақо тўғри бўлмайди.

МДХ ҳамжамиятининг илк давридан бошлаб айнан шу йўналишда, яъни жиноятчиликка қарши кураш, айниқса иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш давлатлараро фаолият йўналишига айланди. Бу эса дастлаб Вискул келишувида ва Ҳамдўстлик уставида ўз ифодасини топди.

1993 йилнинг 12 мартида Москвада бўлиб ўтган МДХ давлатлари Ҳукуматларининг кенгаши МДХга аъзо давлатлар ҳудудида уюшган жиноятчилик ва бошқа хавфли жиноятларга қарши кураш дастурини тасдиқлади. Ушбу Дастурда Ҳамдўстликка кирувчи давлатларнинг ички ишлар органлари олиб борадиган ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари сифатида 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида Ҳамдўстликка кирувчи давлатларнинг раҳбарлари имзолаган фуқаролик, оила ва жиноят ҳуқуқи йўналишларида Ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги конвенция хизмат қилади деб баён этилган. Дастур ўз ичига икки гуруҳдан иборат ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-амалий масалаларни олган.

Биринчи гуруҳ бўйича қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

1. МДХ миқёсида уюшган ва бошқа турдаги хавфли жиноятларга қарши курашни мувофиқлаштирувчи ташкилий орган (комиссия) тузиш ва қуйидаги вазифаларни бажариш: махсус ахборотлар банкни яратиш; жиноий уюшмаларнинг қатнашчилари, хавфли жиноят содир этган ва жиноий жазодан қочиб юрган шахсларнинг қидирувини ташкил этиш; биргаликда Ҳамдўстликнинг бир неча аъзолари манфаатлари учун комплекс операцияларни ўтказиш; халқаро жиноятларга қарши кураш учун зарур тавсияларни яратиш.

2. Қонун чиқарувчи давлат органларига уюшган жиноятчилик ва коррупция давлат хизматчилиги, жиноий фаолият орқали топилган маблағни олиб кетиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жиноят процесси қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш, оператив қидирув фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

3. Давлатлараро келишувларни тайёрлаш ва имзоланишни амалга ошириш:

- уюшган жиноятчиликка қарши кураш йўналишидаги ҳамкорлик;
- қурол, портловчи ва радиоактив моддалар билан ғайриқонуний равишда муомала қилишдаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик;

– тергов-оператив гуруҳларининг бошқа давлатлар ҳудудида ҳамкорлик қилиш тартиблари;

– ички ишлар органлари, божхона ва чегара хизматлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик;

– транспорт коммуникациялари ва ҳаво транспортидаги террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик;

– банк, молия-кредит тизимидаги, тижорат соҳаси ва ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятлари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик;

– гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний равишда айланишига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик кабилар.

Иккинчи гуруҳдан эса: жиноий ва қуролланган гуруҳлар тузиш жиноятлари (йўлбошчиларни аниқлаш, таъсир доираларини билиш, қуроллар келадиган манбаларни аниқлаш, МДХ давлатлари ҳудудида тузилган қуролли жиноий гуруҳларни топиш ва улар фаолиятини таҳлил этиш); мувофиқлаштирилган комплекс операцияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (кўчиб юрувчи жиноятчилар гуруҳларини аниқлаш ва тугатиш, магистрал автомобиль йўлларида фаолият кўрсатувчи жиноий гуруҳларни топиш ва тугатиш; темир йўл транспортида мулкларни ўзлаштириш бўйича фаолият кўрсатувчи жиноий гуруҳларни аниқлаш ва тугатиш); қурол-яроғларни ўғирлаш ва ғайриқонуний сотишни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; кетма-кет содир этиладиган бир хил жиноятларнинг биргаликда очилишини назорат этиш; автомобиль транспорти воситаларини ўғирлашга ихтисослашган гуруҳларни биргаликда фош қилиш; наркобизнесга қарши курашиш; иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш (ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва корхоналарнинг қурилиш хом ашёлари ва материалларини олиб чиқиш фаолиятларини назорат қилиш, нефть маҳсулотларини сотиш бўйича жиноий битимлар тузилишига йўл қўймаслик, шу жумладан рангли ва қимматбаҳо металлларнинг ҳам); Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудидан энергия берувчи, моддий бойликлар ва валюта бойликларини олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича ғайриқонуний йўлларни топиш учун оператив қидирув гуруҳларини тузиш; банк-молия соҳасида фаолият кўрсатувчи гуруҳлар ва уларнинг ташкилотчиларини топиш бўйича тадбирлар ташкил этиш ва Ҳамдўстлик давлатларида фаолият кўрсатаётган шу каби гуруҳлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш; банк муассасаларида давлатлараро пул ўтказиш тизимини назорат қилиш каби ишларнинг бажарилиши талаб этилади.

Тўғри, бир қатор йўналишлардаги МДХ давлатларида жиноятчиликка қарши кураш дастури, афсуски, бажарилмади. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– Дастурни амалга ошириш учун бор-йўғи бир йил муддатнинг белгилангани;

– ғоят катта оламшумул(глобал) муаммоларни бир йўла ҳамкорликда ечишнинг кўзда тутилгани (ўз мазмунига кўра, Дастур асосида МДХ давлатларидаги барча жиноятлар комплексига қарши курашга эътибор қаратилганлиги, яъни юзакичиликка йўл қўйилганлиги);

– ҳамкорликдаги тажрибанинг йўқлиги;

– ҳамкорликнинг етарли ҳуқуқий асосларининг йўқлиги;

– ўзига хос тарзда МДХ давлатларида ўтказиладиган тадбирларда аъзо давлатларнинг ўзига хос эҳтиёжларининг ҳисобга олинмаганлиги;

– биргаликда фаолият кўрсатиш учун зарур моддий-техникавий базанинг йўқлиги;

– минтақалардаги сиёсий ва иқтисодий нотинчликнинг мавжудлиги;

– томонлар аниқ бажариши лозим бўлган вазифаларнинг белгиланмаганлиги;

– мавжуд муаммоларни фақат бир-икки вазирликлар билан ҳал этишга интилиш.

Ўзига хос сабаблардан яна бири Дастурга оид у ёки бу муаммо фақат МДХнинг айрим давлатларидагина жорий этилди, холос.

Ўқувчига яхши маълумки, собиқ Иттифоқ даврида барча жиноятчилар бутун мамлакат бўйича тарқаганлар ва фаолият кўрсата бошлаган эдилар. Бу ҳолатнинг мавжудлиги МДХнинг барча аъзо давлатларида ўзини намоён қилиб турганини кўриш мумкин ва жиноятчиликнинг тарқashi ҳамда уюшиб бориши, шу билан бирга, унинг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ва молиявий соҳаларга ҳам суқилиб кираётгани алоҳида олинган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий қайта тикланишига ва давлатлараро муносабатига (оддий мисол спиртлик ичимликларнинг Шимолий Осетиядан олиб ўтилишига бўлган интилишлар) салбий таъсир этмай қолмади.

Шу боис, янги давлатлараро тадбирларни ишлаб чиқиш ва бунда асосий эътибор ҳуқуқий асосларни ихчамлаштириш, махсус хизмат, тергов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар фаолиятини мувофиқлаштириш талабини илгари суради.

Айнан шу каби талабларга кўра (концептуал) 1996 йили МДХ давлатларининг бошлиқлари Кенгаши МДХ Уставининг 4-моддасига кўра, МДХ ҳудудида уюшган жиноятчилик ва бошқа турдаги хавфли жиноят-

ларга қарши курашда самарали фаолиятни ташкил этиш учун 2000 йилгача бўлган давлатлараро Дастур ва МДХ Ҳамдўстлиги ИИВнинг 1999 йил 4–5 июндаги «2000–2003 йилларда жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро Дастур лойиҳаси» тўғрисидаги қарори ҳам тасдиқланди. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишида давлатларнинг раҳбарлари жиноятчиликнинг ҳолати Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларда хавотир уйғотаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Аввалги Дастур (1993)дан фарқли, 1996 йилги Дастурда кўп жиҳатдан МДХ давлатларидаги криминоген вазиятларни таҳлил этиш ва жиноятчилик ривожланишини олдиндан башорат қилиш, илмий тадқиқотлар асосида иш кўриш ва уюшган жиноятчиликнинг турли шаклларига қарши кураш тажрибасига таянишга эътибор қаратилди. Шунингдек, бу борада аввал йўл кўйилган камчиликлар инобатга олинди.

Ушбу Дастур олти бўлимдан иборат бўлиб, ўз ичига: ташкилий-ҳуқуқий асос; ташкилий-амалий тадбирлар, ахборот ва илмий таъминот; моддий-техникавий ва молиявий таъминот; назорат механизми кабиларни олган.

Ҳозирги кунда, афсуски, МДХ давлатларида жиноятчиликнинг қиёсий таҳлилини олиб бориш методикаси мавжуд эмас, шунингдек биргаликда бу муаммони ечишдаги мақсад, вазифа ва башорат қилиш ҳам аниқ ифодасини топмаган, моддий-техникавий база ҳам талаб даражасида эмас. Шунинг учун аввал бу муаммоларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш керак. Даставвал, МДХ давлатларида жиноятчиликнинг кўрсаткичларини қиёслаш тизимини яратиш лозим.

Шу билан бирга, ушбу минтақада жиноятчиликни ўрганиш ўз ичига: жиноятчиликнинг умумий ҳолати, тизими, динамикаси, жиноятчиликнинг ўзгарувчанлик қонуниятлари; географик шароитнинг жиноятчиликка таъсири; демография ҳолатлари ва жараёнлари; минтақанинг иқтисодий хусусияти; жиноятчиликка таъсир этувчи ижтимоий жараён; ғоявий ва ижтимоий-руҳий, миллатлараро хусусиятлар ва жараёнлар; сиёсий вазият; ҳуқуқий мувофиқлаштиришдаги вазият ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти кабиларни олади.

МДХ давлатлари чегарасида криминология назариёти ва амалиёти нуқтаи назаридан жиноятчиликнинг таркибини қиёслаш чегараси билан боғлиқ масалани ҳал этиш ҳам муҳимдир. Бу борада халқаро тажриба сифатида – БМТ учун йиллик статистика маълумотларини олиш мақсадида ва жиноятчиликни қиёслаш учун халқаро жамоатчиликка энг хавф солувчи жиноят танлаб олинади.

Маълумки, бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, номусга тегиш, қасдан баданга оғир жароҳат етказиш, босқинчилик, ўзгалар мулкини

ўғирлаш, ёқиб юбориш кабилардир. Бир қатор мамлакатларда миллий жиноят статистикаси айнан миқдоран кам сонли жиноятларни индекс сифатида қабул қилганлар. Айрим давлатлар (АҚШ)да бундай танлаб олинадиган жиноятлар сони ўндан ошмайди, бошқа давлатлар (ГФР, Франция, Англия ва Уэльс)да бироз кўпроқдир.

Бироқ бундай индекс сифатида қабул қилинадиган жиноятлар МДХ давлатларининг ҳеч бирида криминология нуқтаи назаридан қўлланилмайди ва жиноятнинг миқёси сифатида фақат Жиноят кодексида белгиланган барча жиноятлар ҳисобга олинади. Бундай жиноятлар икки юздан ошади. Хўш, бундай вазиятларда нима қилиш лозим?

Жиноятлар таркибининг барчасини ҳисобга олиш лозимми? Фикри-мизча, бунда илмий ёки амалий аҳамият сезилмайди, шу билан бирга, бундай қиёслаш техник жиҳатдан ҳам ўта мураккабдир.

Агар жиноятларни оғир тоифаларга киритилганлигига кўра гуруҳий жиҳатдан қиёсласак, бунда умумий позицияни аниқлаш осон кечмайди. Масалан, қасддан одам ўлдириш жиноятини олсак. Амалий жиҳатдан бу жиноят оғир жиноятлар таркибига киради.

Энди таҳлил этсак, амалий жиҳатдан барча вазиятларда ҳам, МДХ давлатлари учун қасддан одам ўлдириш жиноятлари қиёсий статистика таҳлили учун тўғри келадими? Агар одам ўлдиришни бошқа давлат фуқароси амалга оширган бўлса, бу миллатлараро зиддиятлар асосида юзага келган бўлади, уни қандай таҳлил этиш муаммоси эса бутунлай бошқадир.

Табиийки, бундай жиноятлар рўйхати жиноят қонунчилигидаги ўзгаришлар, аниқ криминоген вазиятлар, МДХ давлатлари олдида турган аниқ вазифалар асосида ўзгариб бориши мумкин. Маълумки, ўз вақтида уюшган жиноятчилик ва бошқа хавфли турдаги жиноятларни мувофиқлаштириш бюроси МДХ-1 шаклини яратган эди ва бу шакл асосида МДХ давлатларида уюшган жиноий гуруҳларни аниқлаш ва фош қилиш юзасидан олиб борилган ишлар натижасининг статистика ҳисоботини йўлга қўйиш мўлжалланган.

Албатта, бундай ёндашув криминология ва криминалистика нуқтаи назаридан кўрсаткичларнинг тармоқлараро статистика ҳисобларини юритиш мақсадида қилиниши лозим бўлган ғояни амалга оширишда катта ёрдам беради. Тўғри, ҳозирги кунда МДХ давлатлари учун жиноятчилик тўғрисидаги ҳисобот юритишнинг энг юксак шакли ҳам муаммони ҳал этишга имкон бермаслигини унутмаслик лозим. Чунки статистикада юритиладиган жиноятчилик ҳали барча жиноятчилик эътиборга олинди дегани эмас, асл ҳолатни билиш учун эса ёнма-ён, қиёсий тарафдан, юзаки жиноятлар деб топилган жиноятларни ҳам таҳ-

лил этиб бориш лозим. Бундай жиноятлар эса жиноятларни ва у билан боғлиқ ҳодисалар ҳамда жараёнларни юзага келтиришини унутмаслик зарур. Бундай юзаки жиноятлар сифатида хуфиёна иқтисодиёт, миграция жараёнлари, гиёҳвандлик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Криминологик тадқиқотларнинг кўрсатишича,, жиноятчилик ҳуқуқда, сиёсатда ва иқтисодиётда юзага келадиган айрим ҳолатлар ва вазиятлар билан озиқланувчи (паразит)лик хусусиятига эга. Зотан, бундай ҳолатлар янгидан юзага келган МДХ давлатлари учун ҳам кейинги йиллар давомида хос бўлиб қолмоқда. Бироқ бундай ҳолатлар бир-бирига ўхшаш бўлса-да, жиноятчиликка турли минтақаларда, турли давлатларда турлича таъсир кўрсатади ва шу боис, бу муаммони ўрганишга криминология назариёти ва амалиёти учун бирдек қизиқиш уйғотмоқда.

Юзаки жиноятларни қиёсий тадқиқ этиш ҳозирги кунда жиноятчиликнинг қиёсий анализидан фарқли, долзарблик касб этмоқда ва бунинг асосий жиҳати юзаки жиноятчиликнинг мавжудлиги кўп ҳолларда жиноятчиликни юзага келтирувчи шароит бўлиб хизмат қилади ва уни шароит деб билиш ҳам асло нотўғри бўлмайди. Айнан шу каби шароитни вақтида билиш ва уни аниқлаш ҳамда бундай ахборотларни профилактика субъектларига етказиш жиноятларнинг илк профилактикасини ташкил этишга ёрдам беради ва энг муҳими жиноятчиликка қарши кураш концепциясига кўра давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг энг устувор фаолият йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

МДХ давлатларида юзага келадиган жиноятчилик тўғрисидаги ахборотларни қиёслаш чегарасини белгилаш учун нафақат жиноят ҳуқуқи, балки криминалистика ва криминология асосида иқтисодиётдаги мавжуд у ёки бу жиноий қилмишларни таснифлаш лозим.

Шу ўринда биз биринчи галда жиноий қасд, содир қилиш ва тажовуз объектларини тўғри белгилашни кўзда тутмоқдамиз. Шу билан бирга, таҳлил этиш жараёнида этник ва диний омилларни, МДХ ҳудудидаги ва ундан ташқарига бўладиган миграция жараёнини ҳам эътиборга олмоқ жоиздир. Шунингдек, МДХ давлатларидаги жиноятчиликнинг мавжуд миқёсини аниқлаш усуллари биргаликда яратиш зарурлигини унутмаслик зарур.

МДХ давлатларида жиноятчиликни қиёсий таҳлил этиш масаласи қўйилар экан, у билан боғлиқ яқин келажакда жиноятчиликнинг қандай бўлиши тўғрисида башорат қилиниши ҳам талаб этилади.

Тўғри, ҳозирги кунда ўз мазмунини йўқотмаётган «умумий криминал кенглик» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу асосида жиноятчиликнинг динамикаси, тизими, жиноятни содир этишга шартшароит яратувчи шароит каби ҳолатлар бўйича зарур башоратлар қи-

линмоқда. Бунда ташқи жиҳатдан фикрлар тарқоқлигининг кўзга ташланиши билан бир қаторда, ушбу муаммони умумий ва стратегик нуқтаи назардан тўғри англамоқ зарур, яъни фалсафа, иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқий жиҳатдан ёндашмоқ лозим.

Ушбу муаммога янада яқинроқ келсак, ўз-ўзидан савол юзага келади – аслида «умумий криминал кенглик» тушунчаси мавжудми?

Тўғри, географик нуқтаи назардан умумий кенглик ва шу билан бирга, жинойтчилар бемалол ҳаракатланишлари мумкин бўлган ҳудуд ҳам мавжуд. Кейин асосан ўзаро фарқ, миллий эҳтиёжлар, анъанавий қарашлар ва бошқалар юзага келади.

Шу билан бирга, жаҳонда турли даражадаги фаоллик асосида турмушнинг турли соҳасида миллатлараро яқинлашиш рўй бермоқда. Шу каби жинойтчилик ҳам миллатлараро яқинлашиш жараёнига ўтмоқда. Шунинг учун ҳам яқин вақт ичида халқаро жинойтчилик, масалан, ғайриқонуний равишда қурол, гиёҳвандлик моддалари, санъат намуналарини сотиш, контрабанда, транспорт жинойтлари кабилар миқдоран ошадиган дейишга тўлиқ асослар мавжуд.

Фикримизча, санаб ўтилган жинойтлар биз юқорида баён этган «МДХ давлатларидаги жинойтчиликнинг регионал индекси» моҳиятини ифодалаши мумкин. Таъкидлаш жоизки, МДХга аъзо давлатларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ҳам ўзига хос масъулият юкланган.

А. МДХ давлатлари ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Халқаро миқёсда жинойтчиликка қарши курашни олиб борувчи субъектлар сифатида МДХ давлатларининг ички ишлар органлари алоҳида ўрин тутаяди. Шу мақсадда Ҳамдўстлик таркибига кирувчи давлатлар ички ишлар органларининг ҳамкорлик қилиш ва биргаликда иш олиб боришларининг зарур ҳуқуқий асослари яратилган, махсус тизимлар тузилган (уюшган жинойтчилик ва бошқа хавфли турдаги жинойтларга қарши курашни ташкил этиш Бюроси) ва улар жинойтчиликка қарши кураш амалиётида Ҳамдўстлик миқёсида ички ишлар органларининг биргаликда иш олиб боришларини ташкил этиш механизмидаги асосий ўринни эгаллайди.

Бюро юқорида эслатиб ўтилган биргаликда фаолият кўрсатишнинг 1-Дастури (1993 йил сентябрь) асосида ташкил этилган эди. Ушбу Бюро фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ички ишлар вазирликларининг биргаликда иш олиб бориш ва ҳамкорликлари учун зарур бўлган махсус ахборотлар банкани ташкил этиш ва ташаббускор ахборотларни тақдим этиш;

– давлатлараро қидирувда бўлган жиноий уюшмаларнинг аъзолари ва алоҳида хавфли жиноят содир этиб, жазодан қочиб юрган шахсларнинг қидирувига ёрдам кўрсатиш;

– Ҳамдўстлик давлатлари аъзолари бўлган бир неча давлатларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиладиган комплекс операциялар ва оператив қидирув тадбирларини ўтказишдаги фаолиятларни мувофиқлаштириш ва халқаро жиноятчиликка қарши курашда зарур бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар.

Бюронинг иш тажрибасидан маълум бўлдики, МДХга аъзо давлатларнинг ИИВ таркибида шу каби тизимларнинг яратилиши ўринлидир. Бюро мунтазам равишда ўз фаолиятини такомиллаштириб, турли йўналишларда кенгайтириб боради ҳамда нафақат Ҳамдўстликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан, балки МДХ давлатлари таркибига кирмаган давлатларнинг махсус хизматлари ва дипломатик вакиллар билан ўзаро алоқани йўлга қўяди.

Жумладан, 1995 йил давомида Бюро Ҳамдўстлик давлатлари ИИВнинг 35 тергов-оператив гуруҳлари билан ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириб борди, 60 нафардан ортиқ хавфли жиноятчиларни ушлаш ва тегишли давлатларга топшириш ишларига ёрдам кўрсатди, 250 дан ортиқ оператив қидирув бўйича сўровларни бажаришга эришилди. 1997–1998 йилларда бу кўрсаткич икки ва ундан кўп баробарга ошди.

Хусусан, Бюро йил давомида 500 нафардан ортиқ хавфли жиноятчиларни аниқлайди ва тегишли давлатларга топширади. Шу каби фаол ишлар Ҳамдўстликнинг ИИВ фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича ҳам амалга оширилмоқда.

1996 йил 19 январда МДХ давлатларининг бошлиқлари Кенгаши қарорига кўра, ички ишлар вазирларининг йиғилиши заминида ДМС Уставига асосан янги орган – Ички ишлар вазирлари кенгаши таъсис этилди. Бу органнинг асосий фаолият шакли мажлис ҳисобланади ва йил давомида камида икки марта, тартиб асосида Ҳамдўстликка аъзо давлатларда навбатма-навбат ўтказилади.

Мажлисларда Ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлик стратегияси муҳокама этилади ва зарур норматив ҳужжатлар қабул қилинади. Кейинги пайтда ушбу кенгаш 20 дан ортиқ кўп томонлама, тармоқлараро ички ишлар органлари фаолиятларидаги оператив қидирув фаолиятининг турли йўналишларида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувлар тузди.

Масалан: мустақил давлатлар Ички ишлар вазирликларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида; Ички иш-

лар вазирликларининг ахборот алмашишидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида; гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ғайриқонуний айланишида Ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисида; уюшган жиноятчилик соҳасида Ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисида; бир давлат ҳудудидан олиб ўтиладиган қимматбаҳо ва махсус юкларни олиб ўтишда ички ишлар органлари (полиция)нинг кузатиши ва қўриқлаш борасидаги ҳамкорлик тўғрисида; Ички ишлар вазирликларининг транспортда содир этиладиган жиноятларга қарши курашдаги ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишувлар каби.

МДХга кирувчи давлатлар ўртасида Россия Ички ишлар вазирлиги ўзига хос ўрин тутаяди. Чунки айнан шу давлат ҳудудида ҳар йили 300 нафардан ортиқ одил судловдан қочиб юрган жиноятчилар қидириб топилади ва тегишли давлатларга топширилади. Бу жиноятчиларнинг кўпчилиги Озарбайжон, Қирғизистон, Украина каби давлатлар фуқароларидир. Шунингдек, Россия Федерациясининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари МДХ давлатлари Ички ишлар вазирликларининг қидирувида бўлган 10 дан ортиқ айбланувчиларни ушлайди.

Шунингдек, хом ашё ресурслари, маданий ёдгорликлар, қурол ва портловчи моддалар ҳамда наркотик воситаларни ўзлаштириш ва контрабандаси юзасидан амалга ошириладиган кураш борасидаги ҳамкорлик ҳам фаол олиб борилмоқда. Тўғри, бундай ҳамкорлик ишлари асосан кенг қамровли операциялар шаклида ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, МДХ давлатлари таркибига кирувчи давлатлар ички ишлар органларининг ҳамкорлик муаммолари ҳар доим ҳам талаб даражасида ва тўғри ҳал этилмаганлигини кўриш мумкин.

Стратегик аҳамиятли камчиликлардан бири МДХ давлатлари ҳудудида жиноят содир этган шахсларни қидиришдир. Дастлабки профилактика чораларини кўриш, халқаро аҳамиятга эга уюшган жиноий уюшмалар юзага келишининг олдини олиш кабиларда етарлича ишлар қилинмаган, чунки бу борада ҳозирга қадар жиноятчиликка профилактика таъсир чораларини қўллаш механизми яратилмаган ва қабул қилинган қарорларни ҳал этиш жараёни назорат этилмайди.

Оператив ахборотларни айрибошлаш мунтазам равишда йўлга қўйилган бўлса ҳам, кўчиб юрувчи криминал элементларга эътибор қаратилмайди, илгари жиноятларни очишда самарали қўлланилган «жиноятчидан жиноятга томон» принципига амал қилинмаётганлигини кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, жиноят оламининг йўлбошчиларини қидириш ишларини ташкил этишга қўлланилмаётганликда ҳам кузатилади.

1992 йили Киев шаҳрида МДХ давлатлари ички ишлар вазирларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний равишда айланишига қарши кураш юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув тузилди. Ушбу келишув асосида гиёҳвандлик ва кучли таъсир этувчи моддалар коллекцияси ва умумий ахборотлар банки ташкил этилди. Умумий банкда 30 мингдан ортиқ наркобизнес тўғрисидаги ахборот ва 60 мингдан зиёд гиёҳвандлик билан боғлиқ халқаро аҳамиятга эга жиноятларни содир этган шахслар тўғрисидаги ахборотлар жамланган.

Бу каби ахборотларнинг кўпчилиги банк ташкил этилган дастлабки йилларда тўпланган. Кейинчалик эса ахборотларни тўплаш ва улардан биргаликда фойдаланиш сезиларли даражада сусайди. Шунингдек, халқаро қидирувда бўлган шахслар тўғрисидаги ахборотларни ихчамлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳам лозим бўлмоқда.

Қамоққа олинган шахсларни қайтариб бериш ва ташиш борасидаги шартномаларни бажаришнинг ҳуқуқий механизмида ҳам ўзига хос номувофиқликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда МДХ давлатларининг Ички ишлар вазирликлари ўртасида ўғирланган транспорт воситаларини топиш ва эгасига қайтаришдаги ҳамкорлик ҳам қийин кечмоқда.

Ҳозирда яна бир муаммонинг ечимини топиш талаб этилмоқда. Яъни, МДХ давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва айниқса Ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлигини фақат биргаликда олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида олиб боришни йўлга қўйиш ва бунда жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига ҳамда МДХ давлатларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биобарин, МДХ давлатлари Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, кучли илмий салоҳиятга эгаллигини эътиборга олиш лозим. Агар бу борада айнан мамлакатимиздаги мавжуд салоҳиятга эътибор қаратилса, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, яна 2 олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, унда 30 дан ортиқ докторлар ва 40 дан ортиқ фан номзодлари, магистрларнинг хизмат қилаётганини кўриш мумкин. Шу каби МДХ давлатларининг кўпчилигида ҳам шундай кучли илмий базалар мавжуд.

Айнан шу каби ўқув юртларида оператив қидирув фаолияти, жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича тактика ва методика, уюшган халқаро жиноятчилик тўғрисида, наркобизнес ва терроризм борасида тадқиқотлар олиб борилаётганини кўриш мумкин. Амалиёт йўналишларида жиноятчиликни фoш қилишда умуман янги усуллар (масалан,

полиграф усули кабилар) жорий этилмоқда. Ўзига хос равишда юзага келаётган хўжалик юритишдаги янги жинойй фаолиятларни очиш бўйича методик тавсиялар яратилганини ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, юқори илмий салоҳиятга таянилган ҳолда жинойй даромадларни легаллаштириш, коррупцияга қарши туриш мақсадида модел қонунчилик, шартнома ва конвенциялар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Тўғри, санаб ўтилган йўналишларда ҳам ўзига хос ечилмаган муаммолар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотлар ва тавсиялар асосан алоҳида бир давлат миқёсида, бошқа мамлакатлардаги мавжуд илғор тажрибалар эътиборга олинмаган ҳолда олиб борилмоқда ва яратилмоқда.

Илмий тадқиқотлар асосида фикр алмашиш ва халқаро муаллифлар иштирокида тадқиқотлар олиб боришга эътибор қаратилмайди. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда молиявий ва ташкилий имкониятлар мавжудлигига асосан қуйидаги вазифаларни биргаликда ҳал этиш имконияти мавжуд:

– жинойтчиликка қарши кураш муаммоларининг ўзаро дахлдорлигидан келиб чиққан ва келишилган усулларга таянган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш (жумладан, транспорт воситаларини ўғирлаш, наркобизнес билан курашиш, иқтисодий жинойтлар);

– биргаликда модел қонунчилик ва тармоқларга оид норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– биргаликда ўқув ва методик қўлланмалар, маълумотномалар, халқаро шартномалар ва келишувлар бўйича тўпламлар кабиларни тайёрлаш ва чоп этиш;

– илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тавсиялар яратиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича фикр алмашишни мувофиқлаштириш;

– илмий-амалий анжуманлар, мунозаралар, коллоквиумлар, тажриба ўрганиш кабиларни ташкил этиш.

МДХга аъзо давлатларнинг ҳудудларида уюшган жинойтчилик ва бошқа турдаги хавфли жинойтларга қарши кураш бўйича 2000 йилгача бўлган Дастур ўз ичига баён этилган муаммоларни ҳал этишни олган бўлса-да, кўпгина масалалар амалий жиҳатдан ўз ечимини топмади. Бундай ёндашув ҳамкорликда фаолият кўрсатишга салбий таъсир этади.

Б. МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги 1997 йил 29 август қонуни мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини таъминлашда Миллий хавфсиз-

лик хизмати алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда Миллий хавфсизлик хизмати МДХга аъзо давлатларнинг ҳар бири билан ўз ваколатлари доирасида шартномавий муносабатларни ўрнатган.

Жумладан, Ҳамдўстликка кирувчи 12 та давлат билан кўп томонлама шартномалар тузилган. МДХга аъзо давлатларнинг махсус хизматлари тузган икки ва кўп томонлама шартномалар асосида ҳамкорлик қилувчи давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш қўйидаги вазифаларни бажаришни талаб этади:

1) томонларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида оператив ва бошқа куч ҳамда воситаларни мақсадли ва самарали қўллаш фаолиятларини амалга ошириш;

2) Ҳамдўстликка аъзо бўлмаган баъзи давлатлардаги ташкилотлар, махсус хизматларнинг душманлик мақсадида олиб бораётган разведка маълумотлари аниқлангани юзасидан тегишли давлатларни хабардор этиш;

3) томонларга ички қонунлар асосида берилган ваколатларга таянган ҳолда, жинойтчиликнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик чораларини ҳамкорликда қўллаш, жумладан иқтисодий манфаатларни, контрабандага қарши кураш, маданий ёдгорликларни ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетиш, давлатлараро ва минтақалараро аҳамиятга эга коррупция ва уюшган жинойтчиликка, шунингдек терроризм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда ўтказишга қарши курашни олиб бориш;

4) ўзаро манфаатлар йўлида ўз давлатларида зарур бўлган оператив қидирув ва тергов ҳаракатларини ўтказиш;

5) ўз мамлакатлари ҳудудида жойлашган мудофаа соҳасидаги ишлаб чиқариш саноати, атом энергетикаси, махсус ва ҳарбий юк ташиш каби йўналишларда хавфсизликни таъминлаш чораларини биргаликда ҳал этиш;

6) оператив маълумотларни айрибошлаш. Давлатлар суверенитети, ҳудудий яхлитлик, мудофаа қудрати, иқтисодий ва атроф муҳит муҳофазаси хавфсизлигини таъминлашга қарши қаратилган турли экстремал ва фавқулодда ҳолатлар бўйича ўзаро оператив хабарлашишни йўлга қўйиш;

7) оператив-техник ва криминалистик фаолиятларда техник ва ахборот-таҳлил қилиш масалаларини ҳал этиш, биргаликда янги тавсиялар, махсус техник воситаларни жорий этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

8) кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Санаб ўтилган саккизта йўналиш бўйича МДХга аъзо давлатларнинг хавфсизлик ва махсус хизматлар Кенгаши мувофиқлаштириш ишларини олиб боради. Кенгаш ўзининг йиллик йиғилишларида ҳамкорлик стратегиясини белгилайди, фаолият йўналишларининг норматив ҳужжатларини қабул қилади.

Ҳозирги кунда ушбу Кенгаш ўз фаолиятини қуйидаги келишувлар орқали ташкил этади:

– ҳаво алоқаларини ташкил этишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– МДХга аъзо давлатлар ҳудудига киришга ҳуқуқий асоси бўлмаган шахслар киришининг олдини олиш;

– иқтисодий хавфсизликни таъминлаш;

– терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги каби келишувлар.

Шунингдек, МДХ давлатларининг хавфсизлик ва махсус хизматлари учун умумлаштирилган ахборотлар банкини юзага келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ахборотлар банкини умумлаштиришда қуйидаги ахборотларни олишга эътибор қаратилмоқда:

– алоҳида аҳамиятга эга объектларга жиноий тажовуз тайёрланаётганлиги;

– уюшган жиноий гуруҳ аъзолари;

– муайян давлат ҳудудида бошқа бир давлатда оширилиши кўзда тутилган жиноий ҳаракатларни содир этишга тайёргарлик кўриш;

– МДХ давлатларидаги бошқа давлатлар ҳудудида жиноят содир этиб, яшириниб юрган шахслар;

– бошқа бир давлат ҳудудида жиноий йўл билан топилган даромадларни легал ҳолатга келтириш;

– ахборотлар юборган давлат ҳудудларидаги оператив вазият; томонлар ваколатига кирувчи жиноятларни тайёрлаш ва содир этиш; бунга тааллуқли шахслар; жиноят содир этган ва қидирувда бўлган шахслар; бедарак йўқолган шахслар, бир давлат ҳудудида уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этган фуқаролар; жиноий гуруҳлар, уларнинг таркиби, жиноий фаолият йўналишлари ва жиноий даромад топиш; жиноятларни содир этиш ва уларни яшириш; жиноятчилик фаолиятларининг ўзгаришини башорат этиш;

– илмий тадқиқот ва методик тавсиялар тўғрисидаги ўзига хос маълумотлар кабилар.

Ушбу ахборотларнинг барчаси жиноий фаолиятлар тўғрисида ўз вақтида чора кўриш ва олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

В. Давлат солиқ хизмати ўртасидаги ўзаро алоқалар.

Ҳар бир давлатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун Ҳамдўстликка кирувчи давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг солиқ хизматлари билан биргаликда иш кўришини талаб этади. Чунки ўзига хос хавfli ижтимоий қийинчилик туғдирувчи оғир жиноятларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, ушбу жиноятлар, у Жиноят кодексининг қайси моддасида белгиланганидан қатъи назар, солиқ соҳасидаги жиноятлар, мансабдорлик ва хўжалик жиноятлари билан боғлиқ тарзда юзага келади.

Сир эмаски, умумий жиноятчилик (одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш каби)ларни тергов қилиш ва очиш жараёнида айбланувчилар ва жабрланувчилар ўзларининг муайян молиявий фаолиятларининг қурбонлари бўлаётганлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Солиқ хизмати органлари 1997 йил 29 августда ташкил этилган бўлиб, МДХга аъзо давлатларда ҳам солиқ соҳасида тегишли давлат органлари тузилганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Бу эса солиқ соҳасида ўзаро ҳамкорлик ишларини боғлашда муайян қийинчиликларни туғдиради. Бинобарин, янги ва ёш органлардаги тажрибанинг камлиги иш самарасида яққол намоён бўлади. Ҳозирги кунда солиқ соҳасидаги давлатлараро муносабатларни йўлга қўйиш учун, албатта, ўзаро мувофиқ тарзда иш олиб бориш талаб этилади. Бироқ МДХга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатни йўлга қўйишда фақат илк қадамлар қўйилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, МДХга аъзо давлатлар ижрочи котибияти таркибида Солиқ назорати ва солиқ комиссияси раҳбарларининг кенгашини тузиш муаммоси ҳам ҳали тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Бу борада тегишли тармоқларнинг фақат ушбу Кенгашнинг тизими ва фаолияти тўғрисидаги таклифлари бўлган, холос.

Аммо, таъкидлаш жоизки, МДХ давлатларида солиққа оид жиноятлар бўйича оператив қидирув фаолиятини ташкил этишга ва биргаликда халқаро солиқ соҳасидаги жиноятларни тергов қилишга бўлган қизиқишнинг ошганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда МДХ давлатлари миқёсида жинoий йўл билан олинган даромадларни легал ҳолатга келтиришга қарши конвенция тузиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ушбу конвенцияни ишлаб чиқишда эса Страсбург (1990) шаҳрида қабул қилинган Жинoий йўл билан топилган даромадларни олиб кетишга йўл қўймаслик, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги конвенция тажрибаларига таяниш ҳисобга олинмоқда. Шу билан бирга, халқаро миқёсда солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш ўзига хос долзарб бўлиб бораётганлигига сабаб шуки, бу йўналишда назорат

ўрнатиш орқали иқтисодийётга оид жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва очиш имкониятининг юзага келишидир.

Г. Божхона хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати 1997 йил 29 август куни ташкил этилган.

Бу органнинг МДХ доирасида божхона соҳасида содир этилаётган жиноятчилик билан курашдаги ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

– ғайриқонуний равишда радиактив ёки портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини олиб кириш ҳамда олиб чиқишга қарши кураш;

– валюта бойликлари, маданий ёдгорликлар, тарихий ва археологик бойликларни ғайриқонуний тарзда бир жойдан иккинчи жойга ўтишини чеклаш;

– контрабанда асосида гиёҳвандлик воситалари, психотроп, кучли таъсир этувчи ва заҳарли ҳамда турли заҳарловчи моддаларни олиб ўтишга қарши туриш;

– божхона соҳасидаги барча ҳуқуқбузарликларни тергов қилишда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– миллий алоқа тизимларини МДХга аъзо давлатлардаги божхона хизматларида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ишларидаги алоқалар билан мувофиқлаштириш кабилар.

Баён этилган ҳамкорликлар эса тегишли ҳуқуқий асослар орқали амалга оширилади. Бу борада ҳуқуқий муносабатлар механизми ҳам яратилганини кўриш мумкин.

1992 йили МДХга аъзо давлатлар бошлиқларининг божхона алоқалари соҳасидаги сиёсатнинг асосий принциплари ва божхона кенгаши тўғрисидаги Низом ҳақидаги келишуви имзоланган. Бу ҳужжатда асосан иқтисодий йўналиш эътиборга олинган бўлиб, Божхона кенгаши орқали умумий божхона сиёсатини амалга ошириш кўзда тутилган.

Келишув божхона органларининг умумий иқтисодий ҳуқуқни сақлаш ва мустаҳкамлашини кўзда тутди, шунингдек товарларнинг эркин ҳаракатланиши, божхона қонунчилигини, божхона текширувларини ўзаро мувофиқлаштириш ва ихчамлаштириш, учинчи мамлакатлар билан савдо қилишда умумий божхона тарифларини жорий этишни таъминлашга қаратилгандир.

МДХ давлатлари божхона органларининг кўп томонлама келишувлари бошқа соҳалар амалга оширадиган қўшимча келишувлар билан тўлдириб борилади. Бунда, биринчи навбатда, божхона органлари амал-

да бўлган давлатлараро ўзаро ҳамкорликда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ишлаб чиққан Дастурининг биринчи бўлим талабларини бажаришни таъминлаш, Парламентлараро Ассамблея тавсия этган модел қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шу билан бирга, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйиш кузатилмоқда. Жумладан, 1997 йилнинг июль ойида Чегара қўшинлари қўмондонлари ва божхона раҳбарлари кенгаши ўртасида ўзаро ахборот алмашиш фаолияти тўғрисида келишув имзоланди.

Бундай ахборот алмашиш фаолияти МДХ давлатларининг ички тизимида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам 1994 йилнинг январида Божхона органлари раҳбарларининг кенгаши қабул қилган қарорга асосан Ҳамдўстлик давлатларида божхона хизматларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг алоқа тармоғи ташкил этилди. Ушбу алоқа тармоғи ўзига хос равишда Халқаро божхона ташкилоти ва унинг Польша шаҳар минтақавий алоқа тармоғидан келаётган ахборотларни ҳам жамлаш ва тарқатишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, МДХга аъзо давлатларнинг божхона йўналишидаги ўзаро муносабатларида ҳали ҳал этилмаган муаммоларни кўриш мумкин. Бу муаммоларнинг асосийлари сиёсий ва иқтисодий мувофиқлаштиришдаги, миллий божхона хизматларидаги мавжуд моддий қийинчиликлар кабиларнинг ҳал этилмаганликларидир.

МДХ божхона органларини яхшилаш қуйидагиларни ҳал этиш билан узвий боғлиқдир. Булар:

– ташқи алоқалар соҳаси фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив ҳуқуқий асосларни ихчамлаштириш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалаларида ахборот алмашишни йўлга қўйиш;

– контрабанданинг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда биргаликда тадбирлар ва махсус операциялар ўтказиш;

– жиноят ишлари бўйича ашёвий далил ва божхона ҳуқуқбузарлиги тажовузи бўлган ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилган товарларни қайтариш тўғрисида давлатлараро келишувни тайёрлаш;

– контрабанда бўйича курашда тажриба алмашиш тизимини яратиш (илмий-амалий анжуманлар, биргаликда ўқувни ташкил этиш, методик тавсиялар яратиш кабилар).

Д. Чегара хизматларини ташкил этишдаги ҳамкорлик.

МДХга аъзо давлатлар чегара қўшинлари қўмондонлиги кенгашининг таъкидлашича, кейинги пайтларда уюшган жиноий гуруҳларнинг

давлатларнинг чегаралари ва чегарага яқин ҳудудларга қизиқишлари ошганлиги кузатилмоқда. Чегараларда контрабанда товарларини ушлаш йил сайин 50 % гача ошиб бормоқда. Шу билан бирга, бу борада кўрсаткичларнинг яхшиланиши тўғрисида ижобий башорат бўлмаслигини ҳам кўриш мумкин.

МДХга аъзо давлатлар ҳудудида 2000 йилгача бўлган даврда уюшган жиноятчилик ва бошқа турдаги хавфли жиноятлар билан биргаликда курашиш чоралари тўғрисидаги Халқаро Дастур талабларини ҳаётга татбиқ қилишда Чегара қўшинлари кўмондонлари кенгаши ўзига хос равишда, биринчи навбатда, чегара хавфсизлигини таъминлашга зарур бўлган халқаро-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 1997 йил 28 март куни МДХга аъзо давлатларнинг ташқи чегараларида тартибни сақлаш принциплари тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Декларацияда ташқи чегараларда ғайриқонуний фаолиятларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик, белгиланган тартибга амал қилишга масъулиятни оширишда ўзаро манфаатдорлик принципларига амал қилиш қайд этилган. Шунингдек, МДХга аъзо давлатлар чегара қўшинларининг оператив қидирув фаолиятидаги ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича келишув ҳам қабул қилинди.

Бу фаолият асосида чегараларда терроризмнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик, қуроллар ва гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний айланишига йўл қўймаслик, контрабанда; учинчи мамлакатларнинг махсус хизматлари ва бошқа ташкилотлари, айрим шахслар ва жиноий гуруҳларни чегаралардан, ўтиш пунктларидан ўтишларига йўл қўймаслик, шу билан бирга, чегаралардаги турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни оператив қидирув фаолиятлари орқали аниқлашни йўлга қўйиш кабилар.

МДХ давлатларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини 1996 йил 12 апрелда қабул қилинган ташқи чегараларни қўриқлаш бўйича ахборотлар алмашиш тўғрисидаги келишув талаблари асосида ҳал этиш кўзда тутилган.

Бу ахборотлар жумласига қуйидагилар киради:

– МДХ давлатлари чегараси ва ҳудуди орқали тайёрланаётган (амалга оширилган) қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиактив, заҳарловчи ва психотроп моддалар, МДХга аъзо давлатлар қонунчилиги ва халқаро келишувлар асосида олиб кириш, олиб чиқиш ман этилган бошқа предметлар ва юкларни олиб ўтиш, контрабанда ва ғайриқонуний миграция каналлари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги;

– халқаро наркобизнес ва терроризмга тааллуқли шахсларнинг ташқи чегарага келиши мумкинлиги тўғрисидаги, шунингдек қидирувдаги шахслар ва уларнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатлар чегараларини бузиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборотлар.

МДХ давлатларида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг механизмида кўп томонлама тузилган шартномалар билан бирга, икки томонлама шартномалар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳати, уларда чегара хизматларини ташкил этишда аниқ вазифаларнинг белгиланишидир. Икки томонлама шартномалар ўзига хослиги билан бирга, 1996 йил сентябрь ойида қабул қилинган Ҳамдўстлик давлатларининг чегара масалалари билан боғлиқ фаолиятлари қонуний норматив асосларини мувофиқлаштириш асосий принципларига амал қилинишида ҳамдир.

Чегара қўшинлари кенгаши ўз ҳуқуқий нормаларини яратиш билан бирга, МДХга аъзо давлатлар Ижроия қотибияти ва Парламентлараро ассамблеяси ишларида ҳам иштирок этади, жинойтчиликка қарши кураш бўйича модел қонунчилигини тайёрлашда ўз таклифларини тақдим этади.

МДХ давлатларининг чегара хизматлари ҳамкорлигининг муҳим йўналиши уларнинг ўз давлатларининг иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилувчи хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олишдаги амалий фаолиятни олиб боришидир. Бунда жинойтчиликка қарши курашдаги анъанавий усулдан ташқари, махсус чегара операцияларини («Рубеж», «Заслон») ўтказишдир. Йил давомида бундай операциялар бир неча мартаба ўтказилади ва кўп жиҳатдан криминоген вазиятларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда МДХ давлатлари ҳудудида «Чегара хавфсизлиги минтақалари» Болтиқ, Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани йўналишларида ташкил этилган. Чегара назоратлари ва алоқаларининг тизимлари ихчамлаштирилмоқда, алоқалар механизми такомиллаштирилмоқда, умумий ахборотлар банки йўлга қўйилмоқда, шунингдек чегара хизматлари ва қўшинлари билан алмашиладиган ахборотларнинг рўйхати аниқланмоқда ҳамда ихчам ахборот фондлари ташкил этилишига бир хил ёндашиш тартиби ўрнатилган.

Бу борада 1996 йил 12 апрелда қабул қилинган келишувга кўра ахборотлар алмашиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, МДХ миқёсида чегара хизматлари фаолиятларини ташкил этишда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуддир. Буларнинг баъзилари қуйидагилардир:

– томонларнинг шартнома асосида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришни таъминланмаганлиги учун қўлланиладиган чораларнинг йўқлиги;

– миллий қонунчилик ва қабул қилинган қарорларнинг амал қилишини ўзаро яқинлаштириш механизмининг йўқлиги;

– ҳамкорликда айрим соҳаларда катнашишнинг мажбурий эмаслиги ва оқибатда яхлит ёндашувнинг имкони йўқлиги.

Баён этилганларнинг ҳал этилиши эса жиноятчиликнинг олдини олишдаги муҳим чора-тадбир сифатида эътироф этилиши лозим.

Е. Прокуратура органларининг ҳамкорлиги.

Маълумки, МДХга аъзо давлатлар ва умуман жаҳон миқёсида прокуратура органлари қонунчиликнинг таъминланишида алоҳида ўрин тутган давлат органидир. Ўзбекистон Республикасида прокуратура тўғрисидаги асосий масалалар, аввало, Конституция, қолаверса прокуратура тўғрисидаги қонун асосида ҳал этилган.

Ҳозирги кунда МДХда ҳам прокуратура органлари ва уларнинг ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутади. МДХ миқёсида прокуратура органларининг ҳамкорлиги масаласи Ҳамдўстликнинг дастлабки кунларидан бошлабқ долзарб масала бўлиб қолди ва бу масалани ечишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга эҳтиёж сезилди.

Бу муаммонинг ечимини дастлаб Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Минск (1993) конвенцияси белгилади. Прокуратура органлари ҳамкорлигидаги бош йўналишлар: уюшган жиноятчилик, терроризм, ғайриқонуний равишда стратегик ресурслар, қуроллар, наркотик воситалар, маданий ёдгорликлар кабиларни ғайриқонуний равишда четга олиб чиқишга қарши курашни ўзаро мувофиқлаштириш; валюта қимматликлари ва банк операциялари, жиноий йўл билан топилган даромадларни олиб кетишдаги жиноий суиистеъмолчиликларга қарши туриш кабилардан иборатдир.

Бундай ҳамкорлик, биз кўриб чиққан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа органлар фаолиятларида оператив қидирув ишларини олиб боришнинг ҳуқуқий асосланганлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқдир. Бундай масалаларда, марказдан сўроқсиз вилоят прокурори билан масалани жойида ҳал этиш каби амалиётга кириб келаётган ўзига хос тажрибаларни эътиборга олиш лозим. МДХ давлатлари прокуратураларида ўзига хосликлар мавжуд.

Шулардан бири фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар ҳамда шу билан боғлиқ миграция жараёнлари ва уларнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ масалаларнинг тўғри ечимини топишдаги ҳамкорликдир. Шунингдек, халқаро-ҳуқуқий муносабатлардаги қонунчиликни мустаҳкам-

лаш ва амал қилишдаги зарур бўлган ҳамма учун мақбул ва ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга амалий эҳтиёж ҳам юзага келди.

Шу билан бирга, ҳамкорликнинг ўзига хос йўналишлари механизмини такомиллаштириш ҳам йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги кунда 1995 йили ташкил этилган МДХ давлатлари бош прокурорларининг мувофиқлаштириш Кенгашининг ишларини йўлга қўйишда етарлича тажриба тўпланди дейиш мумкин.

Ушбу Кенгашнинг асосий вазифалари прокуратура органларининг қонунчиликни таъминлаш борасида, шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятларини мувофиқлаштиришда ҳамкорликни амалга ошириш ва кенгайтириш ҳисобланади. У асосан ҳар йили йиғилишлар ўтказиш ва илмий-методик кенгаш тайёрлаган ҳамкорликнинг аниқ йўналишларда бўлишини таъминлаш учун зарур норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш шаклида фаолият кўрсатади.

Жумладан, Мувофиқлаштириш кенгаши Минск (1993) конвенциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритган. МДХ давлатларининг бош прокурорлари илмий-техник ҳамкорлик бўйича узоқ муддатли келишув тузганлар, биргаликда «Прокуратура ва тергов амалиёти» рукнида тажриба алмашиш бўйича тўпламлар чиқарган.

Ўз вақтида Мувофиқлаштириш кенгаши 2000 йилгача бўлган даврда уюшган жиноятчилик ва бошқа турдаги хавфли жиноятлар билан курашнинг давлатлараро Дастурини ишлаб чиқишда иштирок этди. Албатта, ўзаро ҳамкорликда ҳал этилаётган масалалар доираси кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ҳамдўстлик давлатлари прокуратуралари биргаликда ҳал этадиган масалалар жумласига экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан курашиш ҳам кириб бормоқда.

Шунингдек, бу борада олиб бориладиган ҳамкорликнинг янада самарали бўлиши учун денгиз хавзаларидаги табиий ресурслардан унумли фойдаланиш ва кўриқлаш, атроф муҳитни ифлослантирадиган моддаларни топишда мавжуд экология қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш, шу каби радиактив материалларни ишлатиш, радиактив чиқиндиларни кўмиш ва кимёвий қуролларни йўқ қилиш муаммолари ҳам долзарблигича қолмоқда.

МДХ давлатлари бош прокуратуралари ўртасидаги ўзаро фаолият кўрсатишнинг йўналишлар механизмини такомиллаштириш мақсадида, Бош прокурорлар мувофиқлаштириш кенгаши 1997 йил декабрида Иж-роия котибиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилди. Котибият

Ҳамдўстлик прокуратураларининг ўзаро фаолиятини ташкил этади ҳамда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат этади.

Шу билан бирга, котибият таркибида 12 та прокуратуранинг вакиллари доимий ишлайди. Бу эса котибиятнинг айрим жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича аниқ масалаларни ҳамкорликда ечиш, халқаро қидирувда бўлган шахслар билан боғлиқ тергов ва оператив қидирув ҳаракатларини ўтказиш, одил судловдан қочиб юрган шахсларни топиш ва чиқариб юбориш (депортация)га оид айрим расмий талабнома ва топшириқларни тезликда ҳал этишда ҳамкорлик қилишига ёрдам беради.

Жиноятчилик, биринчи галда, давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар сифатида, МДХ давлатларида энг қийин ҳал этиладиган муаммо бўлиб, чегараолди ҳудудларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳал этиладиган ҳамкорлик вазифасини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, расмий марказ аралашувисиз вилоят бўғинидаги прокурорлар санкцияси асосида ва амалдаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаган ҳолда зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш, жиноятчи шахси тўғрисидаги, тергов олиб борилаётган маълумотларни олишга имкон яратиш борасида ҳам зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг ҳуқуқий асоси бўлиб, «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги (1997 йил 28 март) Минск конвенциясининг 5 ва 80-моддалари ҳисобланади. Ушбу қўшимчалар жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига (вилоят миқёсида) бир қатор масалалар юзасидан (фақат экстрадациядан ташқари) ўзаро ва марказ аралашувларисиз муаммоларни ҳал этишга имкон яратади.

Баъзи вазиятларда марказларнинг рухсати ёки тавсиясини вақтида олиш учун алоқа воситалари, МДХда давлатлараро ахборотларни олиш тизимларини замонавий техник таъминотини яхшилаш лозим. МДХ давлатлари ахборотлаш хизматларининг мажлисида (1998 йил 6–7 январь) оператив қидирув ва криминалогия, криминалистика соҳалари ҳамда бошқа турдаги маълумотномаларни айрибошлашни таъминлаш таъкидланган. Улар қуйидагилардан иборат:

- жиноий уюшмалар (ташкilotлар), уларнинг бошлиқлари, уюшмалар (ташкilotлар)нинг тизими тўғрисидаги;
- жиноий уюшмалар (ташкilotлар) фаолиятлари тўғрисидаги;
- уюшган жиноий ташкilotлар тайёрлаган ва содир этган жиноятлар тўғрисидаги;

– уюшган жиноятчиликда иштирок этган ёки дахлдор деб гумон қилинаётган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги;

– уюшган жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва ривожланиши, шунингдек айрим минтақаларда ва айниқса чегараолди ҳудудларидагилар тўғрисидаги маълумотномалар;

– жиноий уюшмалар (ташкilotлар)нинг жиноий йўл билан топган даромадларини легал ҳолатга ўтказишдан юзага келган молиявий ва мулкый бойликлари тўғрисидаги кабилар.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг минтақаларда ва марказдаги асосий вазифаларини бажаришини таъминлаш учун зарур ахборот-таҳлилий муаммоларни ҳал этиш. Уларга мисол тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– МДХ давлатлари бош прокуратуралари қошида шунга ўхшаш ахборот-таҳлил марказларини ташкил этиш, шу билан бирга, Россия Федерацияси Бош Прокуратураси таркибида МДХга аъзо давлатларнинг вакиллари иштирокида давлатлараро марказ ташкил этиш;

– таҳлилий ишлар натижалари тўғрисида йил чорагида МДХ давлатларининг бошлиқлари кенгашини, Ички ишлар вазирларининг кенгаши, Бош прокурорлар кенгаши ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа органларни хабардор этиб бориш;

– ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш бўйича ўзаро назорат қилиш принципларини яратиш ва жиноятчилик тўғрисида аниқланган ахборотларни ўз вақтида етказиш;

– жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда умумий методик тавсиялар яратиш мақсадида МДХ давлатлари таҳлилий марказлари ва таҳлилий марказлар бирлашмаларининг мунтазам сессияларини олиб бориш кабилар.

Ўз вақтида бундай ахборотлаштириш ҳамкорликда ишлаш самарасини оширади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари ва халқаро жамоатчилик билан биргаликда жиноятликка қарши курашнинг асосий ҳамкорлик йўналишларини санаб ўтинг.

Халқаро миқёсдаги қайси жиноятларга нисбатан профилактика ишлари амалга оширилади?

Жиноятчиликка қарши курашда ва уларнинг профилактикасида турли давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамкорлик усулларини санаб ўтинг.

Жиноятчиликка қарши курашда ва уларнинг профилактикасида турли давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамкорлик воситаларини санаб ўтинг.

Жиноятчиликка қарши курашда ва уларнинг профилактикасида МДХ давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамкорлиги қандай ҳуқуқий асослар орқали амалга оширилади?

Жиноятчиликка қарши курашдаги халқаро ҳамкорлик қандай ҳуқуқий асослар орқали амалга оширилади?

Ҳамкорликдаги субъектларни санаб ўтинг.

Интерполга таъриф беринг.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. КРИМИНОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ .	10
1-§. Криминология фанининг тизими, предмети ва методлари	10
2-§. Криминология фанининг мақсади ва вазифалари	17
3-§. Криминологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.....	32
4-§. Криминология фани ривожланишининг ҳозирги ҳолати	37
II боб. ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ.....	46
1-§. «Жиноятчилик» тушунчаси ва уни ўрганишнинг ижтимоий- ҳуқуқий моҳияти. Унинг турлари ҳамда микёси.....	46
2-§. Жиноятчилик кўрсаткичлари.....	56
III боб. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ САБАБЛАРИ	63
1-§. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари	63
2-§. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таснифи.....	66
3-§. Иқтисодий ислохотлар жараёнида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари.....	69
IV боб. ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ.....	73
1-§. «Жиноятчи шахси» тушунчаси.....	73
2-§. Жиноятчи шахсига хос бўлган хусусиятлар тизими	76
3-§. Жиноятчи шахсига хос бўлган ижтимоий ва биологик хусусиятлар.....	77
4-§. Жиноятчи шахсининг криминологик тавсифи	80
V боб. АЛОҲИДА ОЛИНГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ.....	85
1-§. Алоҳида олинган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари тушунчаси.....	85
2-§. Алоҳида олинган жиноятлар содир этилиши механизми.....	86
3-§. Шахсининг маънавий шаклланишига салбий таъсир этувчи шароитлар ва уларнинг криминологик хусусиятлари	90
4-§. Жиноят содир этилишида муайян ҳаётий вазиятнинг тутган ўрни	100
VI боб. КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ	105
1-§. Жиноятчиликни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишнинг назарий асослари.....	105
2-§. Криминологик ахборот.....	109
3-§. Криминология фанидаги тадқиқот методлари.....	113
4-§. Криминологик тадқиқотларни ташкил этиш	117
VII боб. КРИМИНОЛОГИЯДА ИЛМИЙ БАШОРАТ (ПРОГНОЗ).....	121
1-§. «Илмий башорат» тушунчаси ва унинг вазифалари	121
2-§. Илмий башоратнинг турлари ва манбалари	122
3-§. Криминологияда илмий башорат қилиш методлари.....	124

4-§. Жиноий хатти-ҳаракатларнинг илмий башорати	127
5-§. Жиноятчиликка қарши курашнинг илмий башорати ва режалаштирилиши	129
VIII боб. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	133
1-§. Криминологияда «жиноятчиликнинг олдини олиш» тушунчаси	133
2-§. Жиноятчиликнинг олдини олишни ташкил этиш тизими	136
3-§. Жиноятларнинг профилактика объекти сифатида турлари.....	141
4-§. Профилактик чора-тадбирларнинг турлари ва уларнинг таснифи	143
5-§. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоат уюшмаларининг асосий вазифалари.....	150
6-§. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни.....	152
IX боб. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ- ТАКТИК АСОСЛАРИ	156
1-§. Жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг тутган ўрни.....	156
2-§. Ички ишлар органларида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	160
3-§. Жиноятчиликнинг олдини олишни ахборотлаштириш	164
4-§. Жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш принциплари	167
5-§. Ички ишлар органларида профилактика ишларини ташкил этишнинг тактик асослари	172
X боб. РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	177
1-§. Рецидив жиноятчилик ва унинг криминологик тавсифи.....	177
2-§. Рецидивистларнинг шахсига хос хусусиятлар.....	181
3-§. Рецидив жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари.....	188
4-§. Рецидив жиноятларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар тизими.....	191
XI боб. ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	197
1-§. Вояга етмаган шахслар жиноятчилигининг умумий ҳолати, динамикаси ва сабаблари	197
2-§. Вояга етмаган жиноятчилар шахсининг криминологик тавсифи	203
3-§. Вояга етмаган шахслар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишни ташкил этиш	208
XII боб. АЁЛЛАР СОДИР ЭТАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	215
1-§. Аёллар жиноятларчилигининг умумий ҳолати, динамикаси ҳамда сабаблари.....	215
2-§. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг сабаблари	219
3-§. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш	221

XIII боб. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ.....	226
1-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи.....	226
2-§. Иқтисодий жиноятларни содир этувчи жиноятчи шахслар ва уларнинг криминологик тавсифи	234
3-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари	240
4-§. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш	246
XIV боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ ВА ЖИСМОНИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ КРИМИНОЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР	253
1-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминологик тавсифи	253
2-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этувчи жиноятчиларнинг ижтимоий- психологик хусусиятлари	262
3-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларга шарт-шароит яратувчи сабаб ва омиллар.....	268
4-§. Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига куч ишлатиш орқали содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар	286
XV боб. ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ.....	296
1-§. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳозирги аҳволи.....	296
2-§. Гиёҳванд (банги)лар шахси ва уларнинг криминологик тавсифи.....	301
3-§. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни содир этишнинг сабаб ва шарт-шароитлари	311
XVI боб. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР	315
1-§. «Уюшган жиноятчилик» тушунчаси ва унга қарши курашни ташқил этишнинг ҳуқуқий асослари	315
2-§. Умумий жиноятчиликнинг юзага келишида уюшган жиноятчиликнинг таъсири ва умумий ҳолати	324
3-§. Уюшган жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар	333
4-§. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирлар тизими.....	339
XVII боб. МАИШИЙ ТУРМУШДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР.....	344

1-§. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи.....	344
2-§. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари.....	350
3-§. Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш.....	353
XVIII боб. ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....	361
1-§. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тушунчаси, турлари ва тавсифи.....	361
2-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларни содир этувчиларнинг шахси, уларнинг криминологик тавсифи.....	364
3-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг сабаб ҳамда шароитлари.....	365
4-§. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирлар.....	368
XIX боб. ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА «ВИКТИМОЛОГИЯ» ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ	372
1-§. «Виктимология» тушунчаси ва жиноятларнинг сабаб ҳамда шароитларини бартараф этишда виктимология нуқтаи назаридан ёндашиш.....	372
2-§. Виктим ҳолатлар ва уларнинг таснифи	374
3-§. Криминология фанида виктимлик ҳолатларининг олдини олишдаги асосий вазифалар	380
XX боб. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР	384
1-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятчиликнинг криминологик тавсифи.....	384
2-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари.....	387
3-§. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишдаги профилактик чора-тадбирлар	389
XXI боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР СОДИР ЭТАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	392
1-§. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятлар ва уларнинг сабаб ҳамда шароитлари	392
2-§. Ҳарбий жиноятларни содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифи.....	399
3-§. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятчиликларнинг олдини олишдаги асосий йўналишлар	404
4-§. Айрим турдаги ҳарбий жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	410

XXII боб. ТЕРРОРИЗМНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....	416
1-§. Терроризмнинг умумий тавсифи ва олдини олишнинг профилактик чора-тадбирлари	416
2-§. Терроризмнинг юзага келиш сабаблари	421
3-§. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг криминалогик тавсифи	427
4-§. Терроризмнинг олдини олиш.....	430
XXIII боб. ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ.....	432
1-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги имкониятлари	432
2-§. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги	440

К–78 **Криминология:** Дарслик / З. С. Зарипов, Ю. С. Пулатов, Г. А. Аванесов ва бошқ.; проф. З. С. Зарипов тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 474 б.

Ушбу дарсликда криминология фанининг предмети, методологияси, жиноятчиликнинг ижтимоий салбий ҳолат сифатидаги моҳияти, жиноятчиларнинг ўзига хос жиҳатлари, жиноятларнинг олдини олиш жараёнида қўлланиладиган профилактик усуллар ҳамда воситалар хусусида фикр юритилган.

Шу билан бирга, дарсликда ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини амалга ошириш жараёнининг таҳлили, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ва профилактик чора-тадбирларни жорий қилиш методлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллифлар асосий эътиборни айрим турдаги жиноятларнинг криминологик тавсифини ёритишга қаратганлар, энг муҳими, ҳар бир турдаги жиноятнинг олдини олиш бўйича зарур илмий-назарий тавсияларни баён этганлар.

Юридик олий ўқув юртларининг талабалари, тингловчилари, курсантлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

ББК 67.99 (2У) 8.я73

Тақризчилар: юридик фанлар доктори, пофессор
Е. У. Алауханов;
 юридик фанлар доктори, пофессор
Г. П. Саркисянц;
 юридик фанлар номзоди, доцент
М. Усмоналиев

КРИМИНОЛОГИЯ
ДАРСЛИК

Мухаррир Б. А. Яров, Т. Ж. Қурбонов
Техник мухаррир С. Н. Яшина

Босишга рухсат этилди .04.2006. Нашриёт-ҳисоб табағи 33,0.

Адади . Буюртма . Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68